

34
3 60

АЗАМАТ
ЗИЁ

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ



АЗАМАТ ЗИЁ

**ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ
ТАРИХИ**

**ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРДАН РОССИЯ
БОСҚИНИГА ҚАДАР**



**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—2001**

Масъул муҳаррир:
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги
БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ

Тақризчи:
тарих фанлари доктори, профессор
АШРАФ АҲМЕДОВ

Азамат Зиё

Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б. Аҳмедов/. — Т.: «Шарқ», 2001. — 368 б.

ББК 67.99(5У)0

- © «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2000.
- © «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2001.

Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради.

Ислом **КАРИМОВ**

КИРИШ

XX аср сўнги ўн йиллигида ўзбек жамиятидаги ўз тарихи ва ўтмиш маданиятига бўлган улкан қизиқиш, маънавий эҳтиёж мазкур соҳанинг тегишли йўналишларида чуқур ва ҳар томонлама илмий изланишларни тақозо этмоқда. Натижада тарихшунослик фанимизда янгидан-янги йўналишлар юзага келмоқда. Ўтмиш тараққиёт йўлимизнинг бугунги авлодга номаълум босқич ва қирралари қайтадан кашф этилмоқда.

1991 йил 31 августда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қайта тикланганлигини бутун дунёга эълон қилди. Худди шу куни жамиятимиз ҳаётига Ўзбекистон давлати, ўзбек давлатчилиги тушунчалари қайта кириб келди. Тўғри, давлатчилик ўзбек халқи тарихи учун янгилик эмас. Аммо 130 йиллик (XIX асрнинг 60-йиллари — 1991 йил) мустамлака даврида, айниқса, сўнги бир неча авлод наздида давлат, давлатчилик тушунчаси умуман унут бўлганди. Бунга ҳеч бир ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки мазкур даврда давлатнинг ўзи йўққа чиқарилганди. Шу маънода 1991 йилнинг 31 августидаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» Олий Кенгаш қарори, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги «давлат мустақиллиги» тушунчаси қанчалар тарихий-амалий аҳамият касб этишини англаш қийин эмас, албатта.

Давлатчиликнинг тикланиши, албатта, улуғ тарихий воқеа бўлди. Шу билан бирга давлатнинг мавжудлиги жамият ҳаётида муайян бир мақсад ва вазифаларни кўндаланг қилиб қўйиши ҳам табиий. Фикримизча, мустақилликка эришилгандан кейинги ўзбек жамияти келгуси тараққиётини белгилаб берувчи бош йўл худди мана шу мақсад ва вазифалар тасаввури билан боғлиқ бўлиб қолганди. Шу маънода мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва биринчи Президенти Ислом Каримов

томонидан 1992 йили ўзбек жамиятига тақдим қилинган қўйидаги ғоя давлат ривожига, уни инсон манфаатлари йўлида хизмат қилдиришда беқиёс тарихий аҳамият касб этиши аниқ: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонларварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹.

Сирасини олганда, «Ўзбек давлатчилиги тарихи» мавзусини тадқиқ этиш фикри ушбу сатрлар соҳибига худди шу ғоя билан танишишдан сўнг пайдо бўлганди. Келажаги буюк давлатнинг узоқ ва бой, ўрناق олса арзигудай ва сабоқли, энг муҳими, буюк ва мураккаб ўтмиш тараққиёт йўлини тарихий манбаларга суянган ҳолда ёритиш нияти туғилганди. Албатта, ушбу мавзу тарихшунослик фани учун тамомила янгилик эканини бошданоқ англаганмиз. Шунинг учун ҳам тадқиқотнинг манбавий асосларини, яъни тарихий асарлар, илмий адабиётлар доирасини имкон борича кенгайтиришга интилдик. Бошданоқ тадқиқотнинг ўқ чизигини аниқлаштириб олишга ҳаракат қилдик. У ҳам бўлса, давлатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни масаласи. Шунингдек давлат бошқаруви, давлатчиликдаги анъаналар, қонунчилик, давлатнинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти, ташқи алоқаларига таъсири, унинг натижаларига бош мавзу нуқтаи назаридан ёндашишни асосий вазифа қилиб қўйдик.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбекистон ҳудудида, умуман, Марказий Осиё минтақасида энг қадим замонлардан кечган давлатчилик тарихи масаласи илгари махсус ўрганилмаган. Ҳеч қачон шу тарзда мавзу ва мақсад қўйилмаган. Шунинг учун ҳам биз мазкур йўналишда илгари амалга оширилган бирон махсус ишни хотиримизга келтира олмаймиз. Ҳар ҳолда шундай далилни учрата олганимизча йўқ. Шунга қарамай, мамлакатимиз ўрамида, Марказий Осиё минтақасида давлатчилик тизими бўлгани ҳеч қачон инкор этилмаган. Бироқ мазкур давлатчилик тизими тўғридан-тўғри ўзбек миллати билан боғлиқ тарзда ва шу юртда узлуксиз кечган бир жараён сифатида ҳеч қачон қараб чиқилмаган. Бунинг камида учта сабаби бор.

Биринчи сабаб тўғридан-тўғри евроцентризм билан

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 15—16-бетлар.

боғлиқ. Сўнги асрларда сиёсий-иқтисодий марказнинг Шарқдан Ғарбга «кўчиши», халқаро муносабатларда Ғарб давлатлари, улар намояндаларининг илғор, ташаббускор, тажовузкор бўлишлари каби омил ва сабаблар натижасида гўёки ғарбий (европавий) ва шарқий тарихшунослик фанлари вужудга келгандай бўлганди. Шу маънода «тарих» тушунчасига бағишланган академик тадқиқотлардан бирида берилган қуйидаги фикрлар диққатни тортди: «Умуман олганда тарих (фани) ривожда қадимги давр (Европанинг қадимги давр тарихи назарда тутилмоқда — А. З.) муҳим босқич бўлиб, замонавий Европа тарихшунослиги унинг бевосита меросхўридир. Европалик бўлмаган халқлар (таъкид бизники — А. З.) — Хитой, Ҳиндистон, Колумб давригача бўлган Америка, Яқин ва Урта Шарқ — ёзма ёдгорликлари уларда ҳам тарихшунослик қарашлари тараққий этганидан далолат беради. Бироқ европавий тафаккур мазкур маданий ўлкалар ютуқлари билан ниҳоятда кеч танишгани сабаб, улар (Европа тарихшунослик қарашларига) бирон-бир сезиларли таъсир кўрсата олмадилар»¹. Мазкур тадқиқот билан танишар экансиз, унда Шарқдаги тарихшунослик фани тўғрисида бирон сўз айтилгани, қиёсий фикр қилинганини кўрмайсиз. Ваҳоланки, мавзу умуман «тарих» тушунчаси, тарихшунослик фани тарихи, турли соҳалари, йўналишлари, тадқиқот усуллари ҳақида. Гўёки фақат европавий тарихшунослик якка ягона фандай. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, давлатчилик мавзуси у ёқда турсин, умуман тарихшуносликда евроцентризм кучли намоён бўлган.

Тарихий мавзуларга ёндашувлар ҳам шунга яраша. Маишхур рус тарихшуноси В. В. Бартольд (1869—1930) сўзлари бунга яққол далилдир: Европа «мактабининг олими Шарқ тарихи баёнига Европа илми зиёсини олиб киради... Шарқ халқлари бизнинг маданиятимиз устунлигига шундагина ишонадиларки, қачонки биз уларни улар ўзларини билганларидан кўра яхшироқ билишимизга тан берсалар»².

Европада вужудга келган шарқшунослик фанининг амалий жиҳатлари кучли бўлгани ҳам бор гап. Осиё, Шимолий Африкадаги мустамлакаларни бошқаришда зўрлик асосида бўйсундирилган халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, диний қарашларини, феъл-атворини ҳар томонлама пухта билишлик фақат ва фақат фойда келтиришини европаликлар яхши тушунганлар.

¹ Ерофеев Н. А. Что такое история. Москва, 1976, с. 10.

² Бартольд В. В. Сочинения. Т.1, Москва, 1963, с. 607—608.

Буни нафақат сиёсатчилар, балки уларга хизмат қилган олимлар ҳам жуда яхши англаганлар. Яна Бартольдга мурожат қиладиган бўлсак, «(қарам) мамлакат тарихини билишлик маъмурлар ва дипломатларга тўғридан-тўғри амалий наф беришини» у ўз пайтида таъкидлаб ўтганининг гувоҳи бўламиз¹.

Хуллас, мазкур амалий жиҳатлар орқали ҳам арабшунослик, мисришунослик ривожидида Франция, ҳиндшуносликда Англия, туркистоншуносликда Россия каби давлатларнинг ўрни яққол кўриниб туради. Мустамлака шароитида қарам мамлакат олимларининг метрополия ижтимоий-илмий қарашлари таъсирида қолишлари ҳам турган гап. Буни биз Россия империяси таркибида 1991 йилга қадар кечган давримиздан яхши биламиз. Очиғини айтганда, бу касалдан бугун ҳам узиш-кесил қутилганимиз йўқ.

Иккинчи сабаб Россиянинг шовинистик ва улуғ давлатчилик сиёсати билан боғлиқ. Уни бизнинг мавзуга алоқадор томонини Бартольднинг қуйидаги айтганларидан билиб оламиз: «Шарқ халқларининг Россия билан тинч йўсинда яқинлашишларида, бизнинг буюк шоиримиз (Пушкин) орзу қилган, бироқ ҳали ҳозир жуда узоқ бўлмиш кунни, яъни Россиянинг барча халқлари, жумладан, «ва бугунги ваҳший тунгус ва дашт кезувчи қалмоқ» ҳам, рус маданиятининг улуғ вакилига бош эгиш учун бирлашадиган куннинг келишида рус шарқшуносларининг камтарона меҳнатлари, балким, рус маданиятининг бошқа ютуқларига нисбатан кўпроқ фойда келтирар»². Бир сўз билан айтганда, империя таркибидаги бошқа халқлар олдида рус тарихи, рус маданиятининг устунлигини кўрсатиш, шуни тан олдириш ва пировардида бош эгдириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Зеро, «буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади»³.

Давлатчилик тарихи масаласида ҳам ёндашув шундай бўлган. «Қадимги Рус давлати» IX асрда шаклланганидан келиб чиқилиб, империянинг бошқа бирон-бир халқи (арманлар ва грузинлардан ташқари) давлатчилик тарихи мазкур кўрсаткичдан (IX аср) қадимроқ бўлмаслиги керак эди. Бу каби муносабатни империя халқларининг этник тарихи ва этногенезини ўрганитиш, илмий асослаш билан

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997, 53-бет.

боғлиқ масалаларда ҳам кўриш мумкин. Яъни ўзбеклар, озарбайжонлар, украинлар, туркманлар ва бошқа халқларнинг тарихий шаклланиши рус халқи шаклланган асрлардан (IX—XII) эртароқ асрларга бориб тақалиши мумкин эмасди.

Учинчи сабаб эса Россия империясини коммунистлар бошқарган даврдаги (1917—1991) ҳукмрон мафкура моҳияти орқали белгиланади. Давлат, давлатчиликка муносабат коммунистик мафкура «доҳийлари» қарашлари асосида қуриб келинган. Масалан, «давлат умуман ва асосан ишлаб чиқаришда ҳоким бўлган синфнинг иқтисодий эҳтиёжини концентрациялашган шаклда ифода этишидир» (Энгельс)¹. «Давлат бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлик қилиши учун хизмат қиладиган машинадир» (Ленин)².

Кўриб турганимиздек, давлат тушунчасига синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилган. Тарихга муносабат ҳам шу кабидир: «тарих синфий курашнинг бир қатор лавҳаларидан иборатдир»³. Бу ерда ҳам синфийлик. Давлатчилик тараққиёти босқичларига ҳам баҳо беришда синфийликдан келиб чиқилган. Яъни, «қулдорлик» давлати, «феодал» давлат, «капиталистик» давлат, «социалистик» давлат тушунчалари бунга яққол мисолдир. Коммунизмга бориб эса давлат деган тушунча гўё йўқолиб кетади. Хуллас, бундай қарашларда ҳамма нарса бор, аммо энг асосийси, давлатчиликнинг манбаи халқ эканлиги тушунчаси йўқ. Натижада ўзбек давлатчилиги милoddан аввалги VII асрдаёқ қарор топган бўлса-да, аммо марксизм-ленинизм таълимоти бўйича, юртимиздаги ижтимоий-сиёсий тузум милодий VI асрга қадар қулдорлик, XX аср 20-йилларига қадар феодал, бундан буёғига эса социалистик мазмунга эга бўлиб келганлиги совет тарихишунослигида мунтазам уқтириб борилган.

Мана бу иборага эътибор беринг: «Социалистик давлат синфий давлат бўлиб, ишчилар синфи раҳбарлигидаги ишчи-деҳқонлар давлатидир»⁴. Демак, у бирон халққа тегишли эмас, балки миллати ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар ишчи ва деҳқонларнинг, хуллас, синфларнинг манфаатини ўзида акс эттирган. Миллат деган моҳият умуман йўқолиб кетган, аниқроғи, шу йўл билан йўққа чиқарилган. Аммо пировардида коммунистик таълимот-

¹ Маркс М. и Энгельс Ф. Сочинения. Т. 1. с. 310.

² Ленин В. И. Асарлар, 29-жилд, 497-бет.

³ Ленин В. И. ПСС. Т.1, с. 157.

⁴ Марксча-ленинча философия асослари. Тошкент, 1976, 400-бет.

нинг ўзи чилпарчин бўлиб, унинг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатлардан асоссиз эканлигини тарих исботлади. «Капиталистик» давлатлар яшамоқда, бироқ СССР типидagi сохта «давлатлар» йўқ бўлиб кетди.

Совет тарихшунослиги мактаби тадқиқотлари минтақамизда умуман давлатчилик анъаналари бўлганлигини ҳеч қачон инкор қилмаган, қилолмасди ҳам. Аммо ушбу мактаб вакиллари тарихий жараёни бирон миллат ва жамият билан узвий боғлиқликда эмас, формациялар ва синфийлик нуқтаи назаридан баҳолаганлар. «Социалистик» давлатни кўкка кўтариш ниятида ун-гача бўлган давлатчилик жараёнидаги барча босқичларни салбий деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам масала моҳиятидан ва мавзуга ўзгача ёндашишлар ҳам борлигидан беҳабар киши кўз ўнгида бирданига бир қатор давлатлар намоён бўлиши турган гап эди. Масалан, Буюк Хоразм давлати, Бақтрия давлати, Кушонийлар подшоҳлиги, Эфталийлар давлати, Амир Темури ва Темурийлар давлати, Абдуллахон давлати, Бухоро амирлиги ва ҳоказо. Уларнинг баёни, шарҳида ҳукмдорлар, сиёсатчилар, лашкарбошилар, олимлар, шоирлар ва бошқалар бор, аммо ўзбек жамияти, ўзбек миллати, ўзбек давлатчилиги йўқ, яъни барча-барчасига манба бўладиган моҳият йўқ, йўққа чиқарилган. 1924 йили «ЎзССР» барпо этилиши муносабати билан қабул қилинган мурожатномадаги «ўзбек халқи улуғ Октябрь инқилоби ғалабаси натижасида илк бор ўзининг миллий ўзбек давлатчилигини кўриш имконига эга бўлди. ...Аммо янги республика улуғ Совет Иттифоқининг қўшни халқлари билан тинч меҳнатда ва қардошларча ҳамкорликда яшаши керак ва яшайди ҳам»¹ фикри, аниқроғи, кўрсатмаси ўзбек заминида кечган давлатчилик тарихини ўрганиб, ҳукмрон сиёсий тузум ва мафкура манфатига мос тарзда оммалаштиришда совет тарихчилари учун асос бўлган. Яъни 1924 йилга қадар ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлмаган, ун-гача мавжуд давлатчилик жараёни кушонийларга, хоразмшоҳларга, Амир Темурга (ва ҳоказо) тегишли, зинҳор-базинҳор ўзбекка эмас. Фақат «Улуғ Октябрь» туфайлигина ўзбеклар ўз давлатига эга бўлди, энди эса улар Совет Иттифоқи, яъни Россия билан бирга, ундан ажралмасдан яшаши керак ва шарт, деган фикр тарих китоблари орқали омма онгига синдирилиши керак эди. Кўряписизми, бу

¹ «Правда Востока» газетаси. 1924 йил, 5 декабрь; Турсунов Ҳ. Ўзбекистон совет социалистик республикасининг барпо этилиши. Тошкент, 1958, 148-бет.

ерда империяпарастлик, шовинизм, коммунистик мафкура талаблари усталик билан уйғунлаштирилган. Аслида эса Россиянинг худди шу босқинчилик сиёсати туфайли ўзбек давлатчилиги тараққиёти илдизига болта урилганди.

Мустақиллик шарофати билан биз ўтмиш тараққиёт йўлимизни ҳеч бир мафкуравий ақидасиз ўрганиш ва ёритиш имконига эга бўлдик. Чунки «тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳақиқий тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»¹. Хусусан, давлатчилигимиз тарихи масаласида ҳам.

Давлатчиликнинг бош манбаи сифатида биз халқни олдик. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир деб бежиз таъкидланмаган². Буни тарихнинг ўзи исботламоқда. «ЎзССР» йўқ бўлиб кетди, аммо ўзбек халқи, унинг ўз давлатчилигини қуриш имконияти, ўз миллий давлатида яшаш истаги йўқолгани йўқ.

Мавзунинг манбавий асоси. Энг кўҳна даврни тадқиқ этишида археологик изланишларнинг хулосалари, топилмаларининг³ аҳамияти катта. Шу билан бирга давлатчилик билан боғлиқ жиҳатлари у ёқда турсин, Ўзбекистон заминида ўтган йиллар давомида олиб борилган турли мақсад ва йўналишлардаги археологик тадқиқотлар натижалари ҳанузгача умумлаштирилмаганини таъкидлаш ўринлидир.

Шунинг учун ҳам кўрилатган мавзунинг, айниқса ўзбек давлатчилигининг ўрта асрлардаги аҳволи ва тараққиёти масалаларини ўрганишда асосий манба бўлиб ёзма ёдгорликлар хизмат қилади. Бунинг устига давлатчилик тарихимизнинг энг қадимги даврларига оид ҳола-

¹ Қаримов Ислам. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... 140-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 1992, 10-бет.

³ Фуламов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959; Толстов С. Р. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964; Древний Хорезм. Москва, 1948; Вайнберг Б. И. Монеты древнего Хорезма. Москва, 1977; Воробьева М. Г. Археологические памятники античного периода как источник для реконструкции социально-экономических процессов // КСИА, 1970. Выпуск 122; Дьяконов М. М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА, 1954. XIX; Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА, 1962. № 118; Массон В. М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии // История, археология и этнография Средней Азии. Москва, 1968; Экономика и социальный строй древних обществ. Ленинград, 1976; Ртвеладзе Э. В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана // БД, Ленинград, 1976; Сагдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987; // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. Москва, 1985; 1986; Первобытное общество. Москва, 1975 ва бошқалар.

тини муайян маънода тасаввур қилишимиз учун ёзма гувоҳликлар ҳам йўқ эмас. Биз бу ерда милоддан аввалги I-мингйилликнинг биринчи чорақларига тўғри келадиган «Авесто» китобини назарда тутмоқдамиз. Мазкур нодир манбанинг милоддан аввалги VIII—VII асрларга оид қисмида ижтимоий-иқтисодий муносабатларга боғлиқ маълумотларнинг ҳам мужассамлашгани маълум. Улар орқали ўша замонларда кечган ижтимоий жараёнда давлатчилик куртаклари қандай униб борганини кўриш мумкин¹.

Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Полибий, Диодор, Арриан, Страбон, Плиний, Плутарх, Курций Руф, Помпей Трог ва бошқа юнонлик ҳамда римлик муаллифлар² қолдирган ёзма гувоҳликлардан ҳам милоддан аввалги I-мингйилликнинг биринчи ярмидан бошлаб ўтган бир неча асрлик даврга оид кўплаб қимматли маълумотларни учратдик ва улардан фойдаландик.

Ўзбек давлатчилиги тарихининг дастлабки бир ярим минг йилни ёритишда хитой манбаларининг ҳам ўрни катта. Биз бу ерда «Тарихий гувоҳликлар» (милоддан аввалги I аср), «Улуғ Хан хонадони тарихи» (I аср), «Кичик Хан хонадони тарихи» (V аср), «Вей хонадони тарихи» (VI аср), «Шимолий подшоликлар (Бейши) тарихи» (VII аср), «Суй хонадони тарихи» (VII аср), «Тхан хонадони тарихи» (X аср) каби хитой тилидаги бирламчи манбаларни³ ҳам назарда тутяёмиз.

Тадқиқот мавзуси манбаларига биз шунингдек арман, суриялик, румлик (Византия) муаллифлар асарларини ҳам

¹ Авесто. Нашрага тайёрловчи Ж. Дўстгоҳ, Техрон, 1370 (х) йил, I—II жилдлар.

² Геродот. История. Москва, 1972; Ксенофонт. Греческая история. Москва, 1935; Анабасис. Москва—Ленинград, 1951; Полибий. Всеобщая история. Москва, 1890—1899; Арриан. Поход Александра. Москва — Ленинград, 1962; Страбон. География в 17 книгах. Москва, 1964; Плутарх. Сравнительные жизнеописания. Москва, 1963; Полиен. Стратегемы Полиена. СПб. 1842; Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги. Москва, 1963; Юстин. Эпитома сочинения Помпей Трога. ВДИ, 1954, № 2—4 1955; № 1; Баженев Л. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э. — III в. н. э.). Хрестоматия. Ташкент, 1940; История Узбекистана в источниках. Составитель Б. В. Лукин. Ташкент, 1984; Латышев В. В. Известия древних писателей греческих и латинских о Скифии и Кавказе. ВДИ, 1947—1949; Пьянков И. В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе, 1975; Горбунова Н. Г. Фергана по сведениям античных авторов. История и культура народов Средней Азии. Ленинград, 1976 ва бошқалар.

³ Мазкур асарлардаги Туркистонга тегишли маълумотларнинг асосийси қуйидаги тўпламга киритилган: Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. 1—3-жилдлар. Москва—Ленинград, 1950—1953.

киритамиз¹. Аммо давлатчилик тарихини, айниқса, ўрта асрлар даврини кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ва ёритиб боришда туркий, форс, араб манбаларининг ўрни беқиёсдир. Албатта, биз ҳозир уларнинг барчасига бирма-бир, батафсил тўхталиб ўтолмаймиз. Чунки сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳаёт, элчилик алоқаларига оид маълумотларни ўзида жамлаган тарихий асарларнинг сони жуда ҳам кўп².

Бошқа сўз билан айтганда, тарихнависликнинг ривожланиб бориши ва уларда жамият ҳаётининг турли йўналишлари бўйича маълумотларнинг акс топишининг ўзиёқ ўзбек давлатчилиги бой тараққиёт йўлига эга бўлиб келганини кўрсатади. Бунинг устига тадқиқотчининг вазифасини маълум маънода енгилаштирадиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Биз бу ерда ўрта асрлар тарихнавислигидаги сулолавий тарихларга бағишланган асарлар силсиласини назарда тутмоқдамиз. Бу борада Абул Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Байҳақий», Муҳаммад ибн Сулаймон Ровандийнинг «Роҳат ас-судур», Садриддин Али Хусайнийнинг «Зубдат ат-таворих», Муҳаммад ибн Аҳмад Нисовийнинг «Сират ас-султон Жалолиддин

¹ Егише. О Вардане и войне армянской. Ереван, 1971; Моисий Хоренский. История Армении. Ереван, 1940; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии. V—VII вв. Москва, 1949; Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения. Москва, 1980; Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. Москва — Ленинград, 1941 ва бошқалар.

² Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Москва, 1951; Енисейская письменность тюрков. Текст и переводы. Москва — Ленинград, 1951; Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. Москва — Ленинград, 1959; Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Тошкент, 1993; Таворихи гузида, нусратнома. А. М. Акромов нашри. Тошкент, 1967; Мулла Муҳаммад Салиҳ. Шайбонийнома. Э. Шодиев нашри. Тошкент, 1989; Абдулла Насруллоҳий. Зубдат ал-асор. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар жамғармаси (бундан буён Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ). Рақами 608; Бобурнома. Порсо Шамсиев нашри. Тошкент, 1989; Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк. Қ. Муниров нашри. Тошкент, 1992; Мунис. Фирдавс ал-икбол. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 5364/1 (айрим қисмларининг русча таржимаси ҳақида қаранг: Материалы по истории казахских ханств XV—XVIII вв. Алма-ата, 1969; С. 435—475) Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 9596 (мазкур асарнинг 15—16-боблари И. Адизова томонидан нашр қилинган, қаранг: Тошкент, «Мерос», 1991, 177—225-бетлар); Мирзо Олим Тошкандий. Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 7515, 3753, 1314, 9841 (мазкур асарнинг 1314 рақамли нусхаси асосида А. Матғозиев ва М. Усмонова тайёрлаган нашри бор); Мирзоолим Муширф. Қўқон хонлиги тарихи. Тошкент, 1995; Форс ва араб тилидаги манбалар ҳақида қаранг: Аҳмедов Б. А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Тошкент, 1991, 45—53, 75—87, 96—161, 174—212 —бетлар; Аҳмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв. Ташкент, 1985; Стори Ч. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В 3-х частях. Перевел с английского, переработал и дополнил Ю. Э. Брегель. Москва, 1972; Крачковский И. Ю. Арабская географическая литература. Избранные сочинения. Т. IV. Москва — Ленинград, 1957; МИТТ. т. 1-2; Москва — Ленинград, 1938—1939 ва бошқалар.

Манкбурни», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Тожиддин Салмонийнинг «Тарихи Тожи Салмоний», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Фазлуллоҳ Рӯзбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Муҳаммадёр ибн Араб қатағоннинг «Мусаххир ал-билод», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр», Муҳаммад Юсуф мунийнинг «Тарихи Муқимхоний», Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Абдурахмон Давлатнинг «Тарихи Абул Файзхоний», Мулла Вафо Карманагий ва Олимбекнинг «Тухфат ал-хоний», Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳрухий», Аҳмад Донишнинг «Рисола ё мухтасари аз торихи салтанати хонадони Манғитийа» каби асарлари¹ айниқса диққатга сазовордир. Мазкур асарлар орқали муайян сулола фаолият кўрсатган замонлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат бошқаруви, ташқи сиёсат масалалари тўғрисидаги тасаввурларни ихчамлаштириб олиш мумкин. Аммо бу минтақавий² (масалан, «Тарихи Бухоро», «Тарихи Сейистон»), умумтарих³ (масалан, «Тарихи Табарий»,

¹ Абул Файз Байҳақий. Тарихи Байҳақий. Али Акбар Фаёз нашри. Кобул, 1364 (х); Абул Файз Бейҳақи. История Масъуда. Перевод А. Арендса. 1962; Муҳаммад ибн Али Ровандий. Роҳат ас-суður ва ояат ас-суður. М. Иқбол нашри. Техрон, 1363 (х); Садр ад-Дин Али Хусайний. Зубдат ат-таварих. Издание и перевод З. Буниятова. Москва, 1980; Шихаб ад-Дин Насави. Жизнеописание султана Джалала ад-Дина Манкбурни. Перевод З. Буниятова. Баку, 1973; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Таувер нашри. 1—2-жилдлар. 1937; 1956; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Ўринбоевники. Тошкент, 1972; Тожиддин Салмоний. Тарихи Тожи Салмоний. Исмоил Ака нашри. 1988; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Сўзбоши, таржима ва илмий изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. Тошкент, 1969; Фазлуллоҳ Рӯзбеҳан. Михманнаме-йи Бухара. Перевод Р. Джалиловой. Москва, 1976; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. С. Мирзаев таржимаси. 1—2-жилд. Тошкент, 1966; 1969; Ҳофиз-и Таниш Бухари. Шариф-нама-йи шахи. Перевод М. Салахетдиновой. Ч. I. Москва, 1983, Ч. 2. 1989; Муҳаммадёр ибн Араб қатағон. Мусаххир ал-билод. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 1505; Маҳмуд ибн Вали. Баҳр ал-асрор. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 2372; Муҳаммад Юсуф-муний. Муқимханская история. Перевод А. Семенова. Ташкент, 1956; Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдуллонаме. Перевод А. Семенова. Ташкент 1957; Абд ар-Раҳман Тале. История Абу-л-Файзхана. Перевод А. Семенова. Ташкент, 1959; Мулла Вафо Карманагий. Тухфат ал-хоний. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 2604; Т. К. Бейсембиев. «Тарихи Шаҳрухи» как исторический источник. Алма-ата, 1987; Аҳмад Дониш. Рисола. А. Мирзаев нашри. Сталинобод, 1960.

² Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаффар Наршахий. Бухоро тарихи. А. Расулев таржимаси. Тошкент, 1966; Тарихи Сеистан. Перевод Л. Смирновой. Москва, 1974;

³ Тарихномаи Табарий. Балғамийнинг форсча таржимаси. Муҳаммад Равшан нашри. 1—3-жилдлар. Техрон, 1373 (х); Ибн Воизъ Йаъқубий. Тарихи Йаъқубий. 1—2-жилдлар. Техрон, 1371 (х); Абул Ҳасан Масъудий. Муруж ал-заҳаб. 1—2-жилдлар. Техрон, 1370 (х); Абу Али Мисқавийх. Тажориб ал-умам. 1-жилд. Техрон, 1369 (х); Ибн ал-Асир. Тарихи комил. 1—2-жилдлар. Техрон, 1370—1373 (х); Муҳаммад Шабонқорайи. Мажма ал-ансоб. Техрон, 1373 (х); Абу

«Тарихи Йаъқубий», «Муруж аз-заҳаб», «Тажориб ал-умам», «Тарихи комил», *Мажма ал-ансоб*, *Зайн ал-ахбор*, «*Жоме ат-таворих*», «*Мунтахаб ат-таворих*», «*Ҳабиб ас-сийар*» ва бошқалар) услубида битилган асарларни камситмайди, албатта. Ҳар бирининг ўз ўрни бор. Масалан, сулолавий тарихлардан Шомий «*Зафарнома*»сида Амир Темур тахт учун кураш бошлаган йиллардан то 1404 йилгача бўлган воқеалар баёни тўлиқ берилган¹. Ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат. Унда биз мамлакат, минтақа ва дунёдаги жараённи Амир Темур ва темурийлар фаолияти орқали кўрамиз. Умумтарих услубидаги «*Ҳабиб ас-сийар*»да эса умуман темурийлар, хусусан, Амир Темур фаолиятдан ташқари, мисол учун, куртлар, сарбадорларнинг тарихи ва ўз ўрнида уларнинг, айтайлик, яна ўша темурийлар хонадони билан муносабатини кўриш мумкин². Натижада бир асар орқали уларни таққослаш, жараённи яхлит кўриш имкони туғилади.

Маълумки, ўрта асрлар тарихнавислиги анъаналарига кўра сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёт, ташқи алоқаларга оид маълумотлар алоҳида бир асарда ёки муайян бир тартибда берилмай, асар узра сочилган бўлади. Баён йилма-йил, даврма-давр, ё бирон катта воқеа устида кетаркан, бир йил ёки бирон сулола намоюдаси фаолияти билан боғлиқ шарҳда тилга олинган мавзуларнинг барчаси, ё фақат бир-иккитаси бўйича маълумотлар учраши мумкин. Бу, албатта, тадқиқотчи ишини мушкуллаштиради. Масалан, салжуқийлар даврини олсак, Ровандий Султон Алп Арслонга бағишланган баёнида асосан сиёсий муносабатларга тўхталади³. Аксинча, Ҳусайний эса Султон Алп Арслон бобида бошқарув (вазир, девон, охур, салор, амил, амид ва бошқалар), ҳарбий тизим (маймана, майсара, лашкарбоши, қалб ва бошқалар), этник, тарихий география, ташқи сиёсатга оид кўплаб маълумотлар берган⁴. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир

Саъид Гардизий. *Зайн ал-ахбор*. А. Ҳабибий нашри. Техрон, 1333 (х); *Абу Саъид Гардизи*. *Зайн ал-ахбор*. Украшение известий. Раздел об истории Хорасана. Перевод А. Арендса. Ташкент, 1991; *Рашид ад-Дин*. Сборник летописей. Т. 1—3. Москва — Ленинград, 1946, 1952, 1960; *Муъиниддин Натанзий*. *Мунтахаб ат-таворих*. Ж. Обен нашри. 1957; *Хондамир*. *Ҳабиб ас-сийар*. Ўзбекистон ФА ШИ Тошбосмалар жамғармаси (бундан буён Ўзбекистон ФА ШИ ТЖ). Рақами 8979.

¹ Қаранг: *Зафарнома*. Таувер нашри. 12—295-бетлар.

² Қаранг: *Ҳабиб ас-сийар*. 3-жилд, 2-қисм, 60—80-бетлар; 3-жилд, 3-қисм, 22—25-бетлар.

³ Роҳат ас-судур, 116—124-бетлар.

⁴ Зубдат ат-таварих, с. 44—63.

муаллиф ва асарнинг имконияти ҳар хил. Шунинг учун ҳам тегишли тасаввурга эга бўлиш учун ҳар бир манбани бошдан оёқ ўқиб, таҳлил этиш талаб қилинади. Чунончи, Шихобиддин Нисовийнинг асаригадаги боблардан бирида (85-боб) нафақа (идрор) ҳақида шунчаки сўз боради. Бироқ бошқа бир ерда (103-боб) хоразмшоҳларнинг (ануштегинийлар) нафақа тўлаш билан боғлиқ ўзига хос анъанасига ишора қилинади. У ҳам бўлса, хоразмшоҳларнинг ўзларигача бўлган ва тайинланган нафақаларни бекор қилмасликлари, бу тартибни ҳатто нафақани душманлари тайинлаган ҳолда ҳам бузмасликлари тўғрисидаги қимматли гувоҳликлардир¹.

Юқорида биз бош мавзунинг манбавий асосларини иложи борича кенроқ олишга интиланганимизни таъкидлаган эдик. Бунинг сабабларидан бири шундаки, юртимизда кечган сиёсий жараёнлар ҳамма вақт ҳам маҳаллий манбаларда тўлиқ акс эттирилмаган. Масалан, XVII аср ўрталаридаги сиёсий вазият Туркистонда битилган асарларда суст шарҳланган. Улар асосида калава учини топиб олиш қийин. Айни шу даврда ўзбек давлатчилигида марказ ва вилоятлар ўртасида зиддиятлар, йирик амирларнинг расмий сулола ички ишларига таъсири ниҳоятда кучайиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида улар тутган мавқе мустаҳкамлаша бошлаган эди. Бироқ мазкур ишлар воқеалари маҳаллий манбаларда жуда саёз берилган. Одатда, тадқиқотчилар бу борада, асосан, Муҳаммад Юсуф мунишийнинг «Муқимхон тарихи»га суяниб келадилар². Ваҳоланки, 1645—1651 йиллардаги сиёсий зиддият манзараси Ҳиндистонда бобурийлар саройида битилган «Амали Солиҳ», «Силсилот ас-салотин» асарларида батафсил берилади³. Бошқача қилиб айтганда, Ҳиндистон ва Эронда ёзилган манбаларни ҳам синчиклаб ўрганиш давлатчилигимиз тараққиёт йўлининг у ёки бу босқичлари, масалаларини ёритишда қўл келиши мумкин. Чунончи, темурийлар сиёсий фаолиятини Ҳиндистонда давом эттирган бобурийлар даврида дунёга келган кўплаб тарихий асарларда Туркистон ҳаётининг турли йўналишларига (сиёсий, иқтисодий, маданий, элчилик алоқалари ва ҳоказо) тегишли қимматли маълумотлар кўплаб

¹ Жизнеописание, с. 245—283.

² Муқимханская история, с. 93—101.

³ Муҳаммад Солиҳ Камбу. Амали Солиҳ ал-мавсум ба Шоҳжаҳоннома. Лоҳур, 1967, 2-жилд, 362—444-бетлар; Ҳожи Мир Муҳаммад Салим. Силсилот ас-салотин. Бодлеян кутубхонаси. Рақами 169, 204 а — 2616-варақлар.

учрайди¹. Масалан, Туркистон — Ҳиндистон, Туркистон — Эрон элчилик, сиёсий алоқаларини ёритишда Ҳиндистон манбаларининг аҳамияти жуда катта. Биргина «Силсилот ас-салотин» асарида Туркистон подшоҳларининг Рум (усмонийлар), Эрон, Ҳиндистон давлатлари ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмаларининг йигирмата намунаси келтирилган². Улар орқали биз XVI—XVII асрларда минтақадаги геосиёсий аҳволни тасаввур қилишимиз, унга баҳо беришимиз қийинмас. Ё бўлмаса, 1206 йили Лоҳурда ёзилган «Тарихи Муборакшоҳий» асарида Туркистондаги бошқарув, маданий ҳаёт, эътиқод масаласига доир қимматли маълумотларни учратамиз³.

Ихтиёримизда тўғридан-тўғри марказий ва маҳаллий бошқарув, давлат муассасалари, ҳукмдорлар, ҳокимлар, умуман, давлат амалдорларига қўйиладиган талаблар, уларнинг ахлоқий жиҳатлари устида сўз юритадиган тарихий асарлар мавжудлиги қувончли ҳолдир. Зеро, шундай йўналишдаги махсус адабиётларнинг ўз пайтида дунёга келгани биздаги давлатчилик анъаналари, уларнинг муайян тартиблар асосида қуриб келинганидан далолат беради. Масалан, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида бошқарув масалаларига алоҳида тўхталинмаса-да, аммо асардан бу борадаги гувоҳликларни топиш мумкин. Чунончи, Амир Темур даври давлат бошқарувидаги адлия вазирлиги (девори мазолим) тўғрисидаги маълумотни биз айнан Яздийдан топдик⁴. Аммо ижроия тизимига алоқадор гувоҳликларнинг асосий қисмини эса шу йўналишдаги махсус асар «Темур тузуклари»дан олдик⁵. Бироқ бу бошқарув масалаларини тадқиқ этишда сулолавий, умумтарих, минтақавий тарих услубидаги асарларнинг аҳамиятини кам-

¹ Гулбаданбегим. Хумоюннома. С. Азимжонов таржимаси. Тошкент, 1959; Абул Файз Алломи. Акбарнома. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 1345 (1-жилд), 841 (2-жилд), 1721 (3-жилд); Низомиддин Аҳмад. Табақоти Акбарий. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 1535; Абул Қодир Бадованӣ. Мунтахаб ат-тавориҳ. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 25; Нур ад-Дин Жаҳонгир. Тузуки Жаҳонгирӣ. Ўзбекистон ФА ШИ ТЖ. Рақами 11382; Абд ал-Ҳамид Лоҳурӣ. Подшоҳнома. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 24; Муҳаммад Солиҳ Камбу. Амали Солиҳ ал-мавсум ба Шоҳжаҳоннома. 1—3-жилдлар. Лоҳур, 1967; Муҳаммад Қозим мушӣ. Оламгирнома. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 376; Муҳаммад Соқӣ. Маосири Оламгирӣ. Ўзбекистон ФА ШИ ТЖ. Рақами 12444; Муҳаммад Бахтовархон. Мирот ал-олам. Сожиди Алавӣ нашри. 1—2-жилдлар. Лоҳур, 1979 ва бошқалар.

² Силсилот ас-салотин. 128а—1336, 137а, 1386—1436, 1516—154а, 158а—159а, 1886—189а, 1896—1926, 194а—196а, 198а, 206а—209а, 223а—224а, 226а, 2596—261а, 280а—281б, 305а, 308а—302а варақлар.

³ Фахриддин Муборакшоҳӣ. Тарихи Муборакшоҳӣ. Д. Росс нашри. Лондон, 1927, 42—48 ва бошқа бетлар.

⁴ Зафарнома, 316-бет.

⁵ Темур тузуклари. А. Соғунӣ ва Ҳ. Кароматов таржимаси; Б. Аҳмедов таҳрири остида. 1996, 107—108-бетлар.

ситмайди. Масалан, сомонийлар даври бошқарувидаги девонлар тизими ҳақида бирдан-бир тўлиқ маълумот фақат Наршахийда бор¹.

Давлат ишлари, бошқарув тизими билан боғлиқ қарашлар мужассамлашган асарларнинг бизга маълумларидан энг қадимгилари IX—X асрларга бориб тақалди. Биз бу ерда Абу Наср Форобийнинг (873—950) «Фозил шаҳар, жоҳил шаҳар, бузуқ шаҳар (адашган шаҳар) ҳақида китоб», «Фозил шаҳар аҳлининг бошланғич қарашлари ҳақида», «Шаҳарни ўрганиш ҳақида китоб», «Миллат (халқ) ва шаҳарни бошқариш ҳуқуқлари тўғрисида сўз», «Аскарларни бошқариш ҳақида сўз», «Шаҳар жамоалари ҳақида китоб», «Умумий бошқариш (сиёсат) китоби» каби асарларни назарда тутмоқдамиз². Чунончи, Абу Наср Форобий шаҳар ҳокимига талабларни шундай белгилаган: «ҳоким соғ-саломат, фаросатли, ўткир хотирали, зукко, нотик, билимга чанқоқ, барча нарсада нафсини тия оладиган, ҳақиқатпарвар, нафсониятли, молпараст бўлмаслик, адолатпарвар, қатъий ва жасур бўлиши лозим»³.

Қорахонийлар саройида хизмат қилган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида ҳам амалдорларга шундай талаблар қўйилганини кўрамиз. Чунончи, муаллиф вазир оқил, илми, довурак, имонли, кўзи тўқ, ҳисоб-китобни пухта эгаллаган бўлиши керак, шундагина ундан элга наф тегади, деб ҳисоблаган. Юсуф Хос Ҳожиб шунингдек, подшоҳлар, лашкарбошилар, элчилар, олимлар, деҳқонлар, савдо аҳли тўғрисида, уларнинг жамиятдаги ўрни хусусида ҳам қимматли фикрларни қолдирган⁴.

Мазкур йўналишдаги асарлар сирасига Унсур Маолийнинг «Қобуснома» (XI аср), Низомул мулкнинг «Сиёсатнома», «Дастур ал-вузаро», «Қонун ал-мулук» (XI), Ғаззалоийнинг «Насихат ал-мулук» (XI), Амир Темурнинг «Темур тузуқлари» (XIV), Ҳамдуллоҳ Муставфийнинг «Нузхат ал-қулуб» (XIV), Рузбехон Бухорийнинг «Сулук ал-мулук», Хондамирнинг «Дастур ал-вузаро», «Қонуни Ҳумоюнӣ», Қози Ихтиёриддин Турбатийнинг «Ахлоқи Ҳумоюнӣ», Ҳасан муншӣи Хоқонийнинг «Ахлоқи Ҳакимӣ», Абул Фазл Алломийнинг «Ойини Акбарӣ» (XVI), Муҳаммад Боқирхоннинг «Мувазайи Жаҳонгирий» (XVII),

¹ Бухоро тарихи, 30-бет.

² Каранг: Хайруллаев М. М. Форобий. Тошкент, 1963, 84—85, 123-бетлар.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, 159—160-бетлар.

⁴ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Тошкент, 1990, 9, 17, 40, 50—62, 93—99 ва бошқа бетлар.

Мирза Бади девоннинг «Мажмаъ ал-арқом» (XVIII), Аҳмад Донишининг «Наводир ал-вақое» (XIX) асарларини ҳам киритамиз¹.

Мазкур манбалар билан танишиш жараёнида давлат, давлатчилик, жамият бошқаруви тўғрисида қарашлар бизда айтайлик, ҳамманинг оғзига тушган Никколо Макиавеллининг (1469—1527) бу борадаги қарашларидан² анча олдин илмий-назарий шакл олганининг гувоҳи бўламиз. Тўғри, уларда ҳам худди ўша европаликларда бўлганидек, ўз замонаси тартиблари, тараққиёт даражаси, тафаккурининг хос кўринишлари, таъсири бор. Бусиз мумкин эмас. Аммо, энг муҳими, шундай қарашлар анъанаси бўлган, ижтимоий фикрнинг бошқа соҳалари қатори ўз йўналишига эга тарзда ривожланиб борган. Шу маънода давлат ва унинг тимсоли бўлмиш ҳукмдорга қўйилган талаблар, ҳукуматнинг жамият олдидаги мажбуриятлари хусусидаги тасаввур ва қарашлар диққатни тортмай қолмайди. Масалан, Низомул мулк бундай ёзган: «Ҳукмдор дунёни обод этиш билан машғул бўлмоғи лозимки, коризлар чиқариш, барча фойдаланиши учун ариқлар қаздиришдан (тортиб), катта дарёлар устига кўприклар қуриш, қишлоқлар ва экинзорларни обод қилиш, қалъалар тиклаш, янги шаҳарлар бунёд этиш, олий иморатлар кўтариш ва уй-жойлар барпо қилишгача (ишларни) ўрнига қўйсин. Катта йўллар узра работлар қурдирсин, илм талабгорлари учун мадрасалар солдирсинким, (улар) унинг номини абадий қилгусидир ва бу эзгу ишларнинг савоби нариги дунёда унга, (албатта), теггусидир, хайр дуоси (унинг номига) ҳеч тўхтамагай»³. Бошқача қилиб айтганда, жамиятдаги тартиблар, ижтимоий адолат масаласи ҳукмдор, давлат фаолияти орқали ўрнатилиши фикри олдинга сурилган. Зеро, «Худойи таоло ҳар бир замонда халқ орасидан бир кишини танлаб, уни подшоҳлик хунарлари ила ораста қилиб, машҳур этгай... тоат йўлидан юрувчи раийят эрса ўз юмушлари билан машғул бўлғай. Подшоҳ (уларни) зулмдан осуда сақлагайким, то уларнинг адолат соясида

¹ Қобуснома. Тошкент, 1973; Низом ал-мулк. Сийар ал-мулк (Сиёсатнома). Техрон, 1994; Ғаззалий. Насиҳат ал-мулк. Техрон, 1315—1317 (х); Ҳамдуллоҳ Қазвиний. Нузҳат ал-қулуб. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 616; Рубеҳон Бухорий. Сулук ал-мулк. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 3639; Хондамир. Қонуни Ҳумоюнӣ. Техрон, 1372 (х); Абул Фазл Алломиӣ. Ойини Акбарий. Ўзбекистон ФА ШИ ТЖ. Рақами 5245; Мирза Бади-диван. Мажма ал-аркам. Перевод А. Б. Вильдановой. Москва, 1981; Забихилло Сафо. Тарихи адабиёт дар Ирон. 2, 5 (3)-жилдлар. 137 (х); Аҳмад Дониш. Наводир ал-вақое. Тошкент, 1964.

² Каранг: Макиавелли Никколо. Государь. Москва, 1990.

³ Низомул мулк. Сиёсатнома, 12—13-бетлар.



роҳатда ҳаёт кечирсинлар»¹. Кўриниб турганидек, ўрта асрларга хос равишда адолатни подшоҳдан кутиш, адолатли ҳукмдор сиймоси мавзуси Низомул мулк қарашларида ўз аксини топган, амалда ҳам шундай бўлиб келган. Демократик, яъни халқ ҳокимияти шаклланган даврда яшаб туриб салкам минг йил бурунги қарашларни танқид ва таҳлил қилиш осон. Уларга табиийлик кўзи билан қараш керак. Давлатчилигимиздаги демократик босқичга етиб келгунимизга қадар кечган тараққиёт йўлимиз босқичлари ўрнида қабул қилишимиз лозим.

Ҳукмдорлик Яратган томонидан юқтирилиши фикри-ни биз «Темур тузуклари»дан ҳам топамиз. Чунончи, унда шундай дейилади: «Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва (уни) янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда (яъни XIV асрда — А. З.) Амир Соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди»². Аммо «Темур тузуклари»нинг давлат ва жамият бошқаруви тўғрисидаги қарашларнинг сифатий ривожда тутган алоҳида ўрни бор. У ҳам бўлса, асарда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий асосда қуриш ғояси кенг тарғиб қилинишидан билинади. «Бу тузукларни, — деб ёзади муаллиф, — салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангилар... улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар»³. Диққатга сазовор томони шундаки, давлатчилигимиз тарихида давлат бошқаруви ҳақида асар ёзиб қолдирган ягона ҳукмдор Амир Темур ҳисобланади. Умуман олганда, бу дунё халқлари ўтмиш тарихида камдан-кам учрайдиган ҳолдир. Ўзбек давлатчилигининг Амир Темур ва темурийлар бошқарган даврини таҳлил қилишда, давлат бошқарув тизимининг тарихий тараққиёт йўлининг ўзига хос томонларини аниқлашда «Темур тузуклари» бизга ниҳоят қўл келди. Масалан, Низомул мулкнинг юқорида келтирилган «тоат йўлидан юрувчи раийят» тушунчасига қарши ўлароқ, Амир Темур жамиятнинг бирон табақасини ажратмайди. Гарчи ўз замонаси тартибларига мос равишда у жамиятни ўн икки тоифага тақсимласа-да, аммо моҳият эътибори билан мазкур ўн икки тоифага барча ижтимоий гуруҳлар кирган. «Салтанатим мартабаси бўлмиш тўро-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу

¹ Темур тузуклари, 11—12-бетлар.

² Ўша жойда, 74-бет.

³ Ўша жойда, 68-бет.

ўн икки тоифага боғлаб туздим», — деб таъкидлаганди Амир Темур¹. Эътибор беринг, тузуклар, қонунлар тоифаларга мослаштирилган, аксинча эмас.

Умуман олганда, жамиятни қонунлар асосида бошқариш маданияти бизда энг қадимги даврлардан шаклланиб келгани ҳақида тарихий гувоҳликлар етарли. Чунончи, хитой тилида битилган тарихий асарлардан «Бейши»да (VI асрга тегишли) юртимиздаги бу борадаги аҳвол ҳақида шундай маълумотлар бор: «Уларда ибодатхонада сақланадиган туркий тузуклар тўплами бор. (Бирон жинойятчига) жазони белгилашда мазкур тузуклар (тўпламини) олиб, (унга суйанган ҳолда) ҳукм чиқарадилар»². Яъни қилинган жинойят учун жазони бирон-бир шахс эмас, балки муайян ҳуқуқий меъёрлар белгилаган ва у ҳамма учун баробар кучга эга бўлган.

Улкамизга ислом дини кириб келиши муносабати билан жамият ҳуқуқий ҳаётида янги ҳукмрон мафкура асослари билан боғлиқ муайян ўзгаришлар рўй бергани шубҳасиз. Аммо дастлабки йилларданоқ, усулий зиддиятлар бўлмаган ҳолларда ислом маҳаллий ҳуқуқий меъёрларга қарши чиқмаган, улар сақланган³. Шу ўринда бир гапни айтмасдан илож йўқ. Мамлакатимизда ислом дини қарор топгандан кейинги даврлардаги тараққиётнинг баъзи йўналишларини ислом тушунчаси билан боғлаш одати бор. Масалан, ислом маданияти, мусулмон қонунчилиги, деган гаплар. Мазкур тушунчаларга эътиқоди ислом бўлган халқ маданияти, жамият қонунчилиги нуқтаи назаридан ёндашиш тўғри, албатта. Аммо баъзан учраб турадиган ҳолатлар, чунончи, маданий ривож белгиси сифатида динни асос қилиб олиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, Туркистонда маданият, қонунчилик исломга қадар ўз йўлида ривож топиб келган ва бу ўзига хослик VII асрдан кейин ҳам моҳиятан ўзгариш топгани йўқ.

Қонунчилик борасида ҳам Туркистонда қадимий тарихий анъаналар бўлган. Ислом даврига келиб бу анъаналар янги мафкуравий ривож босқичида кечиб борди, холос. Мустаҳкам тарихий илдизга эга бўлгани учун ҳам туркистонлик қонунишунослар (фақиҳлар) фаолияти тамомила мусулмон дунёсида тан олинган. X—XI асрлардан юксалиш йўлига кирган «Мовароуннаҳр фиқҳ (қонунишунослик) мактаби таъсирида Сурия, Миср, Кичик Осиё ва бошқа мусулмон мамлакатларида шу мактаб тарафдор-

¹ Ўша жойда, 81-бет.

² Собрание сведений. Т. 2, с. 271.

³ Ислам. Энциклопедический словарь. Москва, 1991, с. 294.

лари марказлари юзага келгани» маълум¹. Шу маънода давлатчилик мавзусини тадқиқ этишда туркистонлик қонунигунос олимларнинг ўтмишида яратган қатор асарлари қимматли манба бўлишини алоҳида таъкидлаган бўлардик. Биргина Бурҳониддин Марғиновичнинг (вафоти 1197 йил) «Ҳидоя» асарида жамиятнинг ўша кезлардаги ҳуқуқий ҳолатини кўз ўнгимизда гавдалантирадиган қанчадан-қанча маълумотлар бор. Чунончи, бу асарда ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар, оила ва никоҳнинг ҳуқуқий асослари, давлат ва ҳуқуқ қурилиши, жиноий жавобгарлик, мулкчиликнинг ҳуқуқий кафолатлари, доираларига оид қарорлар, ажримлар, шарҳлар (закот, никоҳ, талоқ, ўғирлик, жазо, вақф, судхўрлик, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик бериш, даъвогарлик, мулкчилик, мерос, ижара, шахс дахлсизлиги ва ҳоказо) аниқ ва лўнда баён қилинган². Шунинг учун ҳам мазкур асар мусулмон дунёсида, айниқса, Ҳиндистон ва Кичик Осиёда ўз вақтида катта обрў-эътибор қозониб, амалий истифодада бўлган.

Қонунигунос олимларимиз фаолияти кейинги асрларда ҳам ҳеч бир сусаймагани аниқ. Бунга ҳозирда ўзимизда ва чет эл кутубхоналари, жамғармаларида сақланаётган фикҳга оид юзлаб асарлар далилдир³. Биз танлаган мавзу учун уларнинг аҳамияти шундаки, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий жамият тушунчаси Ўзбекистонга четдан кириб келмаганини, ҳаётни ҳуқуқий асосларда ташкил қилиш бизга аждодлардан қолган маданий мерос эканлигини амалда кўрсата оламиз.

Хуллас, кўриб ўтганимиздек, мавзунинг манбавий асослари кенг. Давлатчилигимиз тарихини ёритиш учун турли тилларда битилган тарихий асарлар сони кўп. Уларда жамланган ҳужжатлар, материаллар ўзбек давлатчилиги қадимий тарих ва узоқ тараққиёт йўлига эга эканлигини илмий равишда исботлайди.

Ушбу илмий тадқиқотни ёзиш жараёнида биз, шунингдек, яқин ўтмиш тарихчи олимлари асарларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдик. Юқорида совет тарихшунослиги нима бўлганда ҳам умуман минтақамизда давлатчилик анъаналари бўлганини барибир инкор қилолмаганини айтиб ўтган эдик. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Чунки бор нарсани бутунлай яшириш қийин. Шунинг учун ҳам совет тарихчилари мавзунини бир бутун жараён, ўзбек

¹ Ҳидоя. Коментарии мусульманского права. Т. I. Ташкент, с. 38—39.

² Ҳидоя, 42-бет.

³ Қаранг: Собрание Восточных рукописей (СВР). Т. IV, V, X, XI. Ташкент, 1955, 1957, 1975, 1987.

халқи номи билан боғлаган ҳолда эмас, синфийлик нуқтаи назаридан ёритишга уринганлар. Жамиятнинг қонунлар асосида, муайян тизимлар доирасида бошқарилгани масаласи умуман очиб берилмаган. Давлатимизни у ёки бу даврда бошқарганларга «золим, ҳукмрон синф манфаатларининг ҳимоячиси, босқинчи», деган тамғалар урилган.

Асрлар давомида олиб борилган бунёдкорлик ишларида давлатнинг ўрни беқиёс бўлганлигини билиб туриб, давлатчилигимиз анъаналарини ерга уриш, ўтмиш ҳукмдорларини камситиш йўли тутилган, тарихий ҳақиқат очилмаган. Мақсад битта — социалистик тузум ва давлатчиликнинг афзаллигини кўрсатиш, тарихни коммунистик мафкура тарғиботчисига айлантириш. Шу сабабдан ҳам биз совет илмий адабиёти намуналарига¹ танқидий кўз билан қараб, айни чоғда илмий ҳолисликни сақлашга ҳаракат қилдик.

1991 йили Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қайта тикланиши ва унинг кейинги йилларда мустаҳкамланиб, замонга мос равишда шаклланиб бориши жараёнини ёритишга келсак, бу ерда манбавий таъминланганлик, воқеаларни шахсан мушоҳада қилишда бирон-бир жиддий қийинчилик йўқ. Зеро, бир томондан, бугунги тадқиқотчи мазкур йилларнинг жонли гувоҳи бўлса, иккинчи томондан, давлатчилигимизнинг қайта шаклланиши жараёни оммавий ахборот воситалари, Олий Мажлис ахборотномлари, турли расмий ҳужжатлар тўпламлари, бир қатор илмий, илмий-оммабоп ишларда ўз аксини топган. Учинчидан эса, XX асрнинг 90-йилларидаги ўзбек давлатчилигининг аҳволи, унинг олдидан турган вазифалар, давлатнинг жамиятдаги ролини тўлақонли тасаввур қилишда катта қимматга эга бўлган яна бир манба бор. У ҳам

¹ История Узбекской ССР. Т. 1. Книга первая. Ташкент, 1955; Книга вторая, 1956; История народов Узбекистана. Т. 2. Ташкент, 1947; История Узбекской ССР. Т. 3. Ташкент, 1953; Узбекистон ССР тарихи, I—IV жилдлар. Тошкент, 1967—1971; Гафуроф Б. Г. Таджики. Москва, 1972; Бартольд В. В. Сочинения, Т. 1—8. Москва, 1963—1973; Луконин В. Г. Культура Сасанидского Ирана. Москва, 1969; Агажанов С. Г. Сельжукиды и Туркмения в XI—XII вв. Ашхабад, 1973; Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв. Ашхабад, 1969; Петросян Ю. А. Османская империя. Могущество и гибель. Москва, 1990; Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. Москва, 1986; Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. 1. Москва, 1974; Якубовский А. Тимур. Журнал «Вопросы истории», 1946, № 9; Гумилов Л. Н. Древние тюрки. Москва, 1967; Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI—первой половине XIX века. Т. 1. Ташкент, 1966; Т. 2. 1970; Дандамаев М. А. Политическая история Ахеменидской державы. Москва, 1985; Давидович Е. А. История монетного дело Средней Азии XVII—XVIII вв. Душанбе, 1964; Навиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. Ташкент, 1973; Житов К. Е. Победа Великой Октябрьской революции в Узбекистане. Ташкент, 1957; Аминова Р. А. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. Ташкент, 1963 ва бошқалар.

бўлса, мустақил Ўзбекистон давлатининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўз ичига олган маърузалар, суҳбатлар, рисоалар, асарлардир¹.

Тадқиқотчи учун Ислом Каримовнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари уч жиҳатдан қизиқ ва муҳимки, биринчидан, Ислом Каримов Ўзбекистонни мустақилликка олиб келди, кейинги тараққиёт йўлининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Иккинчидан, хоҳлаймизми ё йўқми, бундан қатъи назар, минг йиллар давомида биринчи раҳбар, давлат бошлиғининг роли катта бўлиб келган жамиятимизнинг ушбу йиллардаги тақдири кўп жиҳатдан Президентнинг дунёқараши, салоҳияти ва фаолиятига боғлиқ эди. Учинчидан эса, фақат «совет» тузумида тарихдаги шахснинг родини инкор қилиб келди. Қолган барча даврларда бу омил ҳеч қачон назардан четда қолмаган. Шу маънода бир тузумдан иккинчисига ўтиш босқичида ҳар қандай жамият учун тарихий шахс, миллий етакчининг аҳамияти, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари беназир бўлиши шубҳасиз.

Ислом Каримов фаолиятининг биз танлаган мавзу учун яна бир муҳим томони бор. У ҳам бўлса, унинг ўзбек давлатининг тарихи, бугунги ҳолати, келажаги тўғрисида қарашларидир. Бу борада, айниқса, Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари диққатга сазовордир. Асарнинг тадқиқ қилинаётган мавзу билан боғлиқ учта энг асосий жиҳатига эътиборни жалб қилсак.

Биринчидан, асар ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тарихи мобайнида мавжуд бўлиб келган қонуниятлар, омилларни, уларнинг ижобий ё салбий аҳамият касб этганлигидан қатъи назар, бир тизимга солинган таҳлилдир. Чунончи, минтақавий можаролар, дин ва давлат, миллатлараро муносабатлар, жиноятчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби омиллар ўз замонасига қараб шаклан ўзгариб турган бўлса-да, аммо моҳият эътибори билан олганда давлат қурилиши, жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб келган. Аммо ажодларимизнинг ижти-

¹ Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура, 1-жилд. Тошкент, 1996; Биздан озод ва обод Ватан қолсин, 2-жилд, Тошкент, 1996; Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд, Тошкент, 1996; Бунёдкорлик йўлидан, 4-жилд, Тошкент, 1996; Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби, 5-жилд. Тошкент, 1997; Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997; Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Тошкент, 1998.

мойи-сиёсий қарашларида мазкур омилларнинг давлат ва жамият қурилишидаги таъсири тадқиқ қилинмаган. Натижада муаммо муаммолигича қолаверган. Ҳар бир янги авлод унга тўқнаш келаверган. Масалан, маҳаллийчилик ва минтақавий можаролар. Моҳиятан айни шу икки омил XVII—XVIII асрларда давлатимизнинг учга (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари) бўлиниб, XIX асрда эса Россия мустамлакасига айланишига сабаблардан бири бўлганлиги сир эмас. Ё бўлмаса, яна бир тарихий муаммо—давлат қудратини ошириб бориш, эришилган марраларни сақлаш анъанасининг шаклланмаганлиги. Тан олиш керак, ўтмишда бир неча марталаб улкан салтанатларга асос солингани, илм-фан, маданият соҳаларида тарихий ва ўз даври учун оламушумул ютуқларни қўлга киритишимизга қарамай пировардида юксалишни яна бошдан бошлашимизга тўғри келган. Ислом Каримов асарининг иккинчи боби эса тўлалигича айнан ушбу тарихий масала таҳлилига қаратилган. Унда илк бор давлатчиликни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва мазкур жараёнда мафкура, маънавият, давлат институтлари, иқтисодиёт, инсоний, табиий ресурсларнинг ўрни, халқаро муносабатларнинг таъсири, ташқи дунё билан ҳамкорлик каби омиллар муайян бир кетма-кетликда ва, демак, ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинган.

Иккинчидан, ўтмишда амалда бўлган ижтимоий қарашларга кўра давлат қудрати, жамият ҳолати, асосан, ҳукмрон сулола, якка ҳукмдор фаолиятига боғлиқ бўлган. Чунончи, одамларнинг онгида давлат—тахт ҳукмдорга Яратган томонидан ато қилингандир, деган фикр қатъий ўрнашган эди. Якка ҳукмдорлик асосида қурилган ижтимоий-сиёсий тузум учун ҳар ҳолда табиий бўлган мазкур ақида сўнгги асрларда ҳам ҳеч бир ўзгариш топмаган. Ваҳоланки, ушбу даврда дунёнинг бошқа қисмларида, хусусан, Фарбда жамият ва давлат ҳаётини ташкил қилишда «қуйи» табақаларнинг ҳам ўз ўрни ва ҳуқуқи борлиги билан боғлиқ қарашлар изчил ривожлана бошлаган. Бир сўз билан айтганда, давлат тараққиётини таъминлашда жамиятда мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиш, уларни сафарбар қилиш илми биз учун энди анъанага айланмоқда. Ислом Каримовнинг зикр этилган асари айнан мазкур талаб асосида яратилган биринчи салмоқли қадамдир.

Учинчидан, асарда ўзбек давлатчилиги тарихи тараққиётига хос бўлган, аммо ҳанузгача таърифланмаган бир муҳим қонуният очиб берилган. У ҳам бўлса,

«Тарихий нуқтаи назардан олганда, Марказий Осиё давлатни миллийлик белгисига қараб ташкил этиш анъаналарига эга эмас эди. Бу ерда Россия томонидан мустамлака қилиб олингунча мавжуд бўлган ҳамма давлатлар асосан сулолавий ёки ҳудудий (Бухоро, Кўқон, Хива хонликлари) принциплар бўйича ташкил этилар эди»¹. Яъни давлат миллат номи билан аталмаган. Демак, 1991 йили давлат мустақиллигимиз қайта тикланишининг тарихий аҳамиятларидан бири айнан мазкур омилнинг юзага чиқиши билан боғлиқ — шу санадан бошлаб давлатимиз миллатимиз номида ривожланиш йўлига кирди.

Давлатчилик тарихи мавзуси ҳақида сўз кетганда Ислоҳ Каримовнинг ўзбек давлатчилиги тарихининг обрў-эътиборини ўз ўрнига қўйишда, уни юзага чиқариш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунончи, 1997 йили Хива шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш кунинда Ислоҳ Каримов ўзбек давлатчилиги 2700 йиллик тарихга эга эканлигини бутун дунёга расман эълон қилган биринчи олим ва миллий раҳбар бўлди. Бу билан давлатчилигимизнинг тарихий ибтидоси масаласига узил-кесил равшанлик киритилди. Бундан ташқари, Ислоҳ Каримов умуман ўзбек халқи тарихини, хусусан, давлатчилик тарихини ўрганишининг асосий масалаларига бағишланган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли алоҳида асарнинг² ҳам муаллифидир. Мазкур рисолада биз тадқиқ қилаётган мавзу хусусида, жумладан, шундай савол қўйилган: «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлган? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки, аниқ жавоблари бордир?»³.

Ушбу саволлар мутахассислар олдига каттадан-катта вазифаларни қўйиши табиий. Зеро, давлатчилигимизнинг кўп минг йиллик тараққиёт йўлини ўрганиш бугунги кунда энг долзарб илмий-амалий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳукмингизга тақдим этилаётган ушбу илмий тадқиқотни эса бу борада амалга оширилган илк қадамлардан бири сифатида қабул қилишингизни тилаб қоламиз.

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида... 101-бет.

² Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Тошкент, 1998.

³ Ўша жойда, 11-бет.

ИЛК ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ АСОС ТОПИШИ ВА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ МИЛОДДАН АВВАЛГИ ТАРИХИ

Ўзбек давлатчилигининг энг қадимий тарихий даврларини ёритишда биз археологик қазишмалар натижалари, маҳаллий ёзма адабиёт намуналари (масалан, «Авесто», кўҳна эроний битиклар, юнонлик, хитойлик, ҳиндистонлик ва бошқа ерлик муаллифлар ёзиб қолдирган манбалар)дан фойдаландик. Албатта, бу борада қиёсий ўрганиш, тарихий-маданий тараққиёт қонунлари, анъаналарини ёдда тутиш каби илмий-мантиқий усулларни истифода этдик.

Милоддан аввалги 1-мингйиллик бошларида аجدодларимиз темирни қайта ишлашни ўрганиб олдилар. Демак, ҳар қандай тараққиётнинг турткиси бўлиб келган меҳнат қуролиларининг такомиллашиши учун кенг йўл очилган. Бу эса ўз навбатида инсон фаолиятининг кенгайиши ва жадаллашишига сабаб бўлган. Мазкур ҳол жамиятнинг барча соҳалари: сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, халқаро муносабатларда тегишли сифат ўзгаришларига туртки бўлган бош омиллардан бири ҳисобланади.

Илмий изланишлар шундан гувоҳлик берадики, милоддан аввалги 1-мингйилликнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ҳудудида, умуман минтақамизда тоғ жинсларини қайта ишлаш (масалан, темир, олтин, қалайи, кўрғошин ва ҳоказолар), улардан уруш, меҳнат қуроллари ясаш, кулолчилик, тўқувчилик, қурувчилик, заргарлик, кемасозлик каби соҳалар ривож топган. Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда бунда ҳеч қандай ажабланарли жой йўқдек кўринса-да, аммо 2500—3000 йил муқаддам мавжуд шарт-шароитлар юзасидан олганда мазкур тарихий гувоҳликлар ғоят сермазмун аҳамият касб этиши лозим. Зеро, ўша узоқ ўтмиш замонларда дунё харитасида тарихий-маданий раванқнинг ана шундай юқори босқичида турган ўлкалар сони бармоқ билан саноқли бўлган. Худди шу даврда узунлиги бир неча ўн километр, эни бир неча ўн метрни ташкил этган канал-

лар қазилган. Милоддан аввалги VII—VI асрлардаёқ Хоразмда улкан сунъий суғориш тизимлари ишлаб тургани маълум¹. Сунъий суғориш ишларининг бу даражада эътиборли бўлганлиги аجدодларимиз ҳаётида деҳқончиликнинг тутган ўрнidan гувоҳлик беради. Ҳақиқатан ҳам ўша вақтларда дон, мой берувчи ўсимликлар етиштириш, полизчилик, боғдорчилик каби соҳалар ривожланганини олимлар исботлаб беришган.

Мазкур давр ижтимоий муносабатларига тўхталадиган бўлсак, «Авесто»да (милоддан аввалги VIII—VII асрлар) қоҳинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар ҳамда хунардандлар каби ижтимоий табақалар тилга олинади.

Милоддан аввалги I-мингйилликнинг биринчи ярмига хос яна бир муҳим жиҳат бор. У ҳам бўлса, ушбу мингйилликнинг VIII—VII асрларида шаҳар маданиятининг янада тараққий топиб бориши билан боғлиқ. Масалан, энг сўнгги маълумотларга кўра, Самарқанд милоддан аввалги VIII асрдаёқ шаҳар қиёфаси ва мазмунини олиш йўлига кирган эди. Тахминан шу даврда ё бир оз кечроқ Хива, Бухоро, Термиз, Ҳазорасп, Шаҳрисабз (Каш, Кеш), Қува каби шаҳарлар ҳам асос топа бошлаган. Мазкур жараённинг биз учун аҳамияти шундаки, шаҳарлар тарихи бу маъмурий-бошқарув, яъни давлатчилик тарихи ҳамдир. Зеро, шаҳар маданиятини бошқарувсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Аждодларимиз ички тараққиётни бир маромда тутиш билан бирга ташқи муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Масалан, милоддан аввалги 3—2-мингйилликларда аждодларимиз Шимолий Ҳиндистон, Жазира (Месопотамия), Миср каби ўлкалар билан борди-келди қилганлар². Қадимги ташқи алоқаларимизнинг Эрон ҳудудида асос солинган Мидия давлати билан боғлиқ томонлари ҳам диққатга сазовордир. Мидия кўҳна Осурия (Ошура), Урарту каби давлатларни ўзига бўйсундирган кудратли давлат (милоддан аввалги VII—VI асрлар) ҳисобланади. Ваҳоланки, Мидия давлатининг барпо бўлишида сақларнинг маълум ҳиссаси бўлганлиги манбаларда аниқ кўрсатилган³. Кучга кириб олгандан кейин эса Мидия минтақамизга таҳдид сола бошлайди. Бу эса ўзаро тўқнашувларга сабаб бўлади. Шулардан бири ҳақида юнонлик Диодор (милоддан аввалги I аср) куйидагича ҳикоя қилади: «Артин под-

¹ Батафсил қаранг: *Фуломов Я.* Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 68-бет.

² Қаранг: *Оппенгейм А.* Древняя Месопотамия, 1990, с. 52.

³ История Узбекистана в источниках, с. 49.

шоҳлиги даврида парфияликлар мидияликлардан ажралиб чиқиб, ўз ер ва шаҳарларини сакларга топширдилар. Шунда саклар ва мидияликлар ўртасида уруш бошланди... Охири (Ўзаро) сулҳ тузилди... Сак подшоҳлари мидиялик асирларни Танаиду (яъни Сирдарё — А.З.) томон кўчириб олиб кетдилар»¹.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар асосида биз минтақамизнинг милоддан аввалги 1-мингйилликнинг биринчи ярмидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳволи, ташқи алоқалари хусусида бир қадар тасаввурга эга бўлдик. Энди ўз-ўзидан бир мантқиқий савол туғилади: ўз замонаси учун шундайин жадал ва сермазмун сиёсий, ижтимоий, иқтисодий халқаро муносабатлар боши-охири йўқ, тизгинсиз бир чексизликда кечганми, ё бўлмаса уларни жиловлаб турадиган, манфаатли равишда тартиб доирасига солувчи тизим мавжуд бўлганми? Албатта, шундай тизим бўлган ва бу давлат, давлатчилик тизимидир. Ўз даври учун «баҳайбат» каналлар қурилиши, яратилган сунъий суғориш тизимини идора қилиш, давлатчилик тартиблари йўлга қўйилган қудратли, шундоққина ёнгинада жойлашган салтанат (Мидия) билан тенгма-тенг муносабатда бўлиш маълум бир сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий асосларда уюшмаган маконда юз бериши мумкинми? Албатта, йўқ. Хуллас, милоддан аввалги 1-мингйилликнинг биринчи ярмида, аниқроғи VII асрлардаёқ мамлакатимизда давлатчилик асослари узил-кесил тартиб топган, дейишга ҳақлимиз.

Мазкур давлатчилик асослари кўҳна Хоразмда қарор топган эди. Ушбу ҳақиқатни, фақат ўзбек халқи билан боғламаган ҳолда, чет эллик олимлар ҳам тан олганлар. Улар қаторига биз В. Маркварт, С. Толстов, Кисселинг, И. Дьяконов, М. Воробьева, Б. Вайнберг ва бошқа олимларни киритишимиз мумкин².

ХОРАЗМ

Мамлакатимиз тарихига оид энг қадимги ёзма гувоҳликларни ўзида мужассамлаштирган «Авесто»да минтақанинг Хоразм (Каиризем, Айранам-вэжо), Сўғдиёна

¹ Ўша жойда, 145-бет.

² Қаранг: *Markwart J. Wehrot und Arang. Leiden. 1938; Толстов С. Древний Хорезм. 1998; Kisseling. Nyrkania. col 470 sg. 1914; Дьяконов И. История Мидии. 1956; Воробьева М. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. 1970; Вайнберг Б. Монеты древнего Хорезма. 1977.*

(сўғдлар макони Гава), Марв (Моуру), Нисо (Нисайа), Ария (Ҳарайва), Бақтрия (Бахди) каби бир қатор тарихий вилоятлари номи тилга олинган. Бунда воқеалар баёни Ахура Мазда номидан бериб борилади: «Мен Ахура Мазда, энг афзал макон ва мамлакатлар сирасидан Айранам-вэжони, ... сўнгра сўғдлар яшовчи Гавани, кейин эса Моуруни, тўртинчи бўлиб Бахдини, ... бешинчи бўлиб Моуру ва Бахди оралиғидаги Нисайани... яратдим»¹. Кўриниб турибдики, мазкур манба яратилган даврда тилга олинган «макон ва мамлакатлар» ҳақиқатан ҳам бир макон, аниқроғи, катта бир вилоят сифатида шаклланиб бўлган ва маълум бир асослардаги чегаралари ҳам бўлган. Бу жараён бир зумда содир бўлмагани ҳам табиий. Бошқача қилиб айтганда, то номлари «Авесто» саҳифаларида зикр этилгунга қадар улар ҳеч бўлмаганда иқтисодий-географик макон сифатида узоқ муддат давомида шаклланиб борган. Мазкур жараён минтақадаги Амударё, Зарафшон, Атрек, Мурғоб, Тажан (Ҳарируд), Қундуз каби дарёлар воҳаларида кечган. Шунга кўра милоддан аввалги 1-мингйиллик бошларидаёқ ўлкада Хоразм, Бақтрия, Ария (Ариана), Парфия, Гиркания, Марғиёна ҳамда Фарғона каби вилоятлар мавжуд бўлган. То аҳамонийлар босқинига қадар (милоддан аввалги VI аср) ўлка асосий қисмини бирлаштириб турувчи сиёсий омил, марказ Хоразм ҳисобланган. Афсуски, бу даврда Хоразмда ҳукмронлик қилган сулолалар тўғрисида биз бир нима дея олмаймиз. Аммо ривоят ва афсоналарга кўра, Хоразмнинг энг қадимий сиёсий сулолалари сифатида сиёвушийлар тилга олинади.

Аҳамонийлар тажовузи арафасида Хоразм Сирдарёдан Ўрта Афғонистонгача бўлган ерларни (Бақтрия ва Гиркания бундан мустасно) ўз таъсир доирасида тутиб турган асосий куч сифатида гавдаланади. Милоддан аввалги VI аср ўрталарида Мидияга тобе ҳисобланган Эроннинг жануби-ғарбидаги қабилалардан бири аҳамонийлар кучга кириб, аввал Форс вилоятида, Мидияни енгач, Эронда бутунлай ҳукмронлик қила бошлайдилар. Энди ўз-ўзидан аҳамонийлар ва Хоразм ўртасида ўлканинг бой вилоятлари учун кураш авж олиши табиий эди. Аҳамонийлар давлатининг асосчиси Куруш (Кир) катта қўшин тўплаб, юнонлик Геродот (милоддан аввалги V аср) тили билан айтганда, «қўп сонли ва қудратли массагетларга қарши» жангга отланади. Бу даврларда

¹ История Узбекистана в источниках, с. 28.

массагетлар мамлакат аҳолисининг энг нуфузлиларидан ҳисобланиб, уларнинг подшоси вафот этган, бошқарув эса унинг оқида ва тадбиркор хотини Томир хотун (Тўмарис, Томирис) қўлида эди. Куруш айнан Томир хотун билан жангда ўз ажалини топади¹. Геродотнинг кичик замондоши Ктесий (вафоти милоддан аввалги IV асрда) келтирган маълумотда эса Куруш саклар подшоси Аморғнинг хотини Спаретра билан жанг қилган. Унинг ўлими бу жанг билан боғланмаган². Милодий II асрда ўтган юнон тарихчиси Полиен куйидагиларни ёзиб қолдирган: сак подшоҳлари Саксафар (Хоразм ҳукмдори(?)), Аморғ (саклар подшоҳи), Томирис (массагетлар маликаси) Дорога (Дорйуш) қарши кураш режасини тузиб турганларида, улар ҳузурига Широқ исмли отбоқар келади ва агар оиласи тирикчилигидан хабар олиб туришга ваъда берилса, якка ўзи душман хавфини қайтаришга уриниб кўришини айтади. Подшоҳлар таклифни қабул қилиб, қасам ичадилар. Шунда кулоқ ва бурнини кесиб танасини қора қонга бўяган Широқ Доро ҳузурига бориб, сак подшоҳлари устидан арз қилади. Доронинг раҳми келиб ҳамда Широқнинг «мен форслар кучи билан ўз душманларим таъзирини бермоқчиман» деган сўзларига ишониб, уни ўз ёнида қолдиради. Широқ эса Дорога саклар турган жойга қўққисдан бошлаб бораман деб ваъда беради. Етти кунлик егулик ва ичимликни ғамлаб, Доро ва унинг кўшини Широқ раҳнамолигида йўлга тушади. Кумликлар узра анча йўл босиб қўйганларида Доронинг мингбошиси Раносбат Широқнинг ҳийласини фаҳмлайди ва ундан: «Айтчи, шундай улуг подшоҳни лақиллатиб, форсларнинг шунча кўп лашкарини на бир ўт, на бир қуш, на бир ҳайвон кўринадиган, илгари юрсанг ҳам, ортга қайтсанг ҳам бенаф бундай чўлу биёбонга бошлаб келишга сени нима мажбур қилди?!», — деб сўрайди. Широқ қўлларини ўйнатиб, қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб, «Мен ютдим, ватандошларим саклардан хавфни бартараф этиш учун очлик ва ташналикда форслар (лашкарини) ўласси қилдим-ку!», жавобини беради. Раносбат шу заҳотиёқ унинг калласини кесади. Тасодифан ёғиб қолган ёмғиргина Дорони буткул ҳалокатдан сақлаб қолган экан³.

Бирон-бир манба Хоразм ва унинг таъсир доирасида бўлган ерларнинг қай тарзда аҳамонийлар тобелиги-

¹ Ўша жойда, 50-бет.

² Ўша жойда, 69-бет.

³ Ўша жойда, 193-бет.

га тушиб қолганлиги тўғрисида аниқ бир маълумот бермайди. Аммо Доронинг (милоддан аввалги 522—486 йиллар) буйруғи билан Загрос қоясига (Эрондаги Кермоншоҳ шаҳридан 30 км масофада жойлашган) ўйиб битилган ёзувга кўра Хоразм, Сўғдиёна, Ария, Парфия аҳамонийларга қарам 23 вилоят (сатрапия) қаторида санаб ўтилади. Айни гувоҳликларни Персеполдаги (Эрондаги Шероз шаҳридан шимолда, тахминан 50 км масофада жойлашган; 520—450 йиллар орасида қурилган) ёзувлардан ҳам топиш мумкин¹. Лекин Доронинг қабр тоши битикларида аҳамонийлар салтанатига тобе мамлакатлар рўйхатига Сўғдиёна, Ария ва Парфия киритилган, холос. Хоразм эса бу қаторда йўқ². Геродот қолдирган маълумотларда айтилишича, Парфия, Хоразм, Сўғдиёна, Ария аҳамонийларга қарам XVI округни ташкил этиб, йилига 300 талант солиқ тўлаб турганлар³.

Хуллас, яна бир қатор ёзма гувоҳликларни мантиқий мушоҳада этган ҳолда аҳамонийлар — Хоразм муносабатларининг бу даврдаги аҳволи тўғрисида қуйидаги фикрга келиш мумкин. Хоразм ўз таъсир доирасидаги вилоятларда (Сўғдиёна, Парфия, Ария) ўз мавқеини сақлаб қолиш ниятида расман аҳамонийлар устунлигини тан олган ва зикр этилган 300 талант солиқни ҳам асосан ўзи тўлаб турган ва шу тарзда аҳамонийларга тобе ўлкалар рўйхатига тиркалиб қолган. Амалда эса ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Зеро, қанчалик кучқудратга эга бўлмасин аҳамонийлар минтақа учун курашда бирон-бир жиддий зафар кучганликлари тўғрисида ҳозирда бирон-бир тарихий гувоҳликлар йўқ.

Милоддан аввалги IV асрда Хоразм ҳатто ўша расмий қарамликдан ҳам халос бўлади. Мазкур асрнинг 20-йилларида эса минтақага юнонлик Александр бостириб кирганда ҳам Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Бунга Хоразм ҳукмдори Фаразман (Хворазм)нинг донишмандлиги ва тадбиркорлиги туфайли эришилади. Замонасининг энг қудратли салтанати соҳиби аҳамонийларни ер тишлатган, Европа чеккасидан Осиё марказига лашкар тортиб келган ва омади чошиб турган босқинчи Александр билан очиқчасига беллашиш мамлакатни хавф остида қолдиришини тасаввур этган Фаразман сиёсат йўлини тутати. 1500 отлик аскар кўриқчи-

¹ Ўша жойда, 34—38-бетлар.

² Ўша жойда, 39-бет.

³ Ўша жойда, 56-бет; бир талант 30,3 кг кумушга тенг.

лигида у шахсан Александр ҳузурига келади. Аррианнинг (милоддан аввалги I асрнинг охири—I аср) гувоҳлик беришича, милоддан аввалги 329 йили Александр Самарқандда турганида, айтилганидек, Фаразман ташриф буюради. Хоразм ҳукмдори мазкур учрашув чоғида Александрга ҳарбий иттифоқ тузиб Қора денгиз томон юришни таклиф этади. Сўғдлик Спитамен қўзғолонини бостириш билан банд бўлган Александр Фаразманга ташақкур айтиб, у билан дўстлик иттифоқини тузади. Шу билан бирга ҳозир Понтига (яъни Қора денгизга) юриш вақти эмас деб айтади¹. Александр ишончини оқлаган Фаразман юнонликларнинг кейинги ҳарбий режаси Ҳинд заминига юриш қилиш эканлигини ҳам билиб олади. Узоқни кўра билган Фаразман шу тариқа минтақадаги ягона барқарор макон — Хоразм дахлсизлигини сақлаб қолади ҳамда Александрнинг келгуси режаларидан воқиф бўлиб олади. Фаразманнинг Александр билан иттифоқи стратегия нуқтаи назаридан амалга оширилган сиёсий қадам эканлигини шундан ҳам аниқлаб олиш мумкинки, бир йил ўтар-ўтмас, милоддан аввалги 328 йили у юнонликлар тазйиқидан қочишга мажбур бўлган Спитаменга Хоразмдан бошпана беради². Фикримизча, Хоразм ҳукмдорининг Александрнинг ашаддий душмани Спитаменни қабул қилиши нафақат унинг ватандошлик ҳиссидан, балки Александрнинг аҳволдан бохабарлиги ҳамда маълум маънода ўз имкониятларига ишонганлигидан ҳамдир. Зеро, Хоразм бу замонда жануб ва шарқдаги таъсирини йўқотган бўлсада, шимоли-ғарбда Қора денгиз — Азов бўйларигача бўлган ерларда ўз мавқеини сақлаб қолганди.

Хоразм дахлсизлиги сақланиб қолинган бўлса-да, аммо бошқа вилоятлар, масалан, Сўғдиёна Александр босқинидан кўп талафот кўрган. Юнонлик Диодор (милоддан аввалги I аср) гувоҳлик беришича, бир сафар Александр қўзғолон кўтарган 120 минг аждодимизни қириб ташлаган³.

Александр вафотидан (милоддан аввалги 323 йил) сўнг кўп ўтмай Парфия, Ария, Бақтрия ва Сўғдиёна юнонлик Салавк асос солган Салавкийлар салтанатига тобе бўлиб қолади⁴. Хоразм бу сафар ҳам ўз дахлсизлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлади.

¹ Ўша жойда, 102-бет.

² Ўша жойда, 103-бет.

³ Ўша жойда, 151-бет.

⁴ *Аппиан*. Митридатовы войны. Сирийские дела. ВДИ. 1946, № 4, с. 55.

Милоддан аввалги III аср ўрталарида Бақтрия, Сўғдиёна, Парфия Салавкийлар салтанати таркибидан ажралиб чиқади.

Тахминан милоддан аввалги 170 йилларда Сўғдиёна ва Шош (Тошкент) Хоразм таъсир доирасига тортилади. Милоддан аввалги II асрда ўлкамизда бўлган хитойлик Чжан Цян гувоҳлик беришича, Хоразм (хитойликлар наздида Қанға) шарқда Фарғона, жанубда Парфия ва Бақтрия билан чегарадош, ғарбий сарҳадлари эса Бухоро ва Хоразм воҳаларини ўз ичига олган¹. Милоддан аввалги I асрда яшаган хитойлик тарихчилар Хоразмга Орол ва Азов денгизлари оралиғидаги аланлар (ҳозирги осетинларнинг қадимги аجدодлари) ва Урал-олди ўрмон қабилалари ҳам у ёки бу шаклда қарам бўлганликларини ёзиб қолдирганлар. Демак, милоддан аввалги сўнгги асрда хоразмлик сиёсий кучлар Қора денгиздан Фарғонагача бўлган улкан худудда ўз сиёсатларини юргизиб турган катта қудрат эгаси ҳисобланганлар.

Хоразм ҳукмдорлари бу вақтда ўз тангаларини зарб этиш ишини йўлга қўйганлар. Топилган танга намуналаридан шуни кўриш мумкинки, уларнинг бир томонида подшоҳнинг тасвири, иккинчи томонида эса отлик аскар тасвири туширилган². Пул тизимининг жорий этилиши давлатчилик ривожидан далолат бериши билан бир қаторда иқтисодий муносабатлар равнақи учун туртки бўлгани ҳам шубҳасиз. Айниқса, савдо-сотик ишлари гуркираб ривожланган. Сунъий суғориш ишларида бой тажриба эгалари — ўлка аҳли янги каналлар қазिश, борларини эса асраб-авайлаш борасида ҳам кўп меҳнат қилганликлари маълум. Демак, деҳқончилик янада ўсиб борган. Янги шаҳарлар қад кўтара борган, қалъа, қўрғонлар қурилган. Бу эса ўз ўрнида хунармандчилик тараққиёти учун тегишли замин тайёрлаган.

Иқтисодиётнинг бу қадар ўсиб бориши давлатни давлат қилиб турган омиллардан бири катта ва кучли лашкарни замона даражасида тутиб туришга имкон яратгани ҳам табиий. Хоразм лашкари 120 минггача бўлгани ҳақида тарихий фактлар бор. Хоразмликларнинг ҳарбий маҳорати ўз даври учун юксак поғонада бўлган. Қадимги Хоразм тарихи ва маданиятини яхши ўрганган С. П. Толстовнинг фикрича, хоразмликлар

¹ Собрание сведений. Т. II, с. 150—151, 184—186.

² Батафсил қаранг: *Вайнберг Б. И.* Монеты древнего Хорезма, с. 12 и др.; *Толстов С. П.* Древний Хорезм, с. 173—195.

янги ҳарбий тактика — отлари ҳам, ўзлари ҳам оғир совутларга чулғаниб, елкама-елка қаторга тизилиб, камон, найза, узун қилич билан қуролланган чавандозлар рақибни ўзларига яқинлаштирмасдан камон ўқлари, узун найзалар ёрдамида душман ён-атрофини ўраб олиш билан қириб ташлаш усулига асос солганлар¹. Қизиғи шундаки, хоразмликларнинг Фарб учун номаълум ана шу ҳарбий маҳоратидан фойдаланиб парфияликлар милoddан аввалги I аср ўрталарида Жазирада (Месопотамия) Рим салтанатининг етти легион, тўрт минг отлиқ, найзаотардан иборат кучли қўшинини тормор этиб, жангда 20 минг кишини ўлдириб, 10 мингини эса асир олиб қайтганликлари тўғрисидаги гувоҳликларни юнонлик Плиний (I аср) ҳамда Плутарх (I—II асрлар) асарларидан топиш мумкин. Умуман оғир отлиқ сафлари билан жанг қилиш маҳорати бошқа мамлакатларга ўлкамиздан тарқалганини алоҳида қайд этиш лозим (масалан, Шарқий Европа, Хитой, Олтой, Мўғулистон ерлари).

Бу даврда амалда бўлган диний эътиқодларга келсак, аҳоли орасида зардуштийлик, ободонлик ва фаровонлик худоси Анаҳита, куёш ва ёруғлик худоси Митра, бахт, толе ва давлат худоси Ҳумо кабиларга сиғиниш кенг тарқалган.

Ўша замонда яшаган энг қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзига келсак, водийларда асосан ўтроқ ҳаёт кечган бўлса, даштликларда эса кўчманчи, ярим кўчманчилик ҳукмрон эди. Яшаш тарзидан қатъи назар уларнинг бари меҳнатсевар, ватанпарвар ва мард кишилар эдилар. Буни биз уларнинг Александрга қарата айтганларидан ҳам билишимиз мумкин: «...биз Осурия подшоҳини, кейин эса форслар ва мидияликлар ҳукмдорини енгдик. Мазкур ғалабалар шарофати билан биз Мисргача бўлган ҳудудга юз тутдик... фақат тенглар ўртасидагина ҳақиқий дўстлик бўлиши мумкин»².

Юқорида биз давлатчилигимизнинг милoddан аввалги I-мингйилликдаги қадимги Хоразм сиёсий кучлари фаолияти билан боғлиқ энг асосий ва муҳим маълумотларни келтириб ўтдик. Маълум бўлишича янги милодий давр бошланиши арафасида Хоразм ўз замонасининг энг қудратли ва ривожланган сиёсий, иқтисодий, маданий марказларидан бири бўлган.

¹ Толстов С. П. Древний Хорезм, с. 221.

² История Узбекистана в источниках, с. 128—129.

БАКТРИЯ

Милод бошига қадар ўтган асрларда ўзбек давлатчилиги тараққиётида Ер юзида илк давлатчилик ўчоқларидан бўлмиш Яқин ва Ўрта Шарқдаги маконларда (Миср, Жазира, Финикия, Фаластин, Сурия, Эрон ва бошқалар), Ҳиндистон, Хитой, Юнонистонда ҳам кечганидек жараён юз берган. Биз бу ерда алоҳида вилоят, ички минтақа, ҳатто шаҳар доирасидаги давлатчилик муносабатларини назарда тутмоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам милоддан аввалги минтақа сиёсий харитасида Хоразмдан ташқари Бактрия, Парфия, Фарғона, Тохаристон каби давлат бирликлари фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам улар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Бактрия — бу географик макон, вилоят, вилоят номи эса Бақтр (Балхоб) дарёси номи билан боғлиқ. Бактриянинг пойтахт шаҳри Бақтр ҳам худди шундай боғлиқликда. Юнон тарихчилари бу ҳақда шундай ёзиб қолдирганлар: «Унинг (Бақтр дарёсининг — А. З.) номи билан шаҳар ва вилоят (ҳам) аталади». «Зариаспа шаҳри кейинчалик дарё номи билан Бақтр деб аталган»¹. Бактрия географик чегарасини жанубда Ҳиндукуш (Парнасс, Папопамис), шимолда Сўғдиёна, ғарбда эса Марғиёнагача (Мурғоб воҳаси) белгилаш мумкин.

«Авесто»да Бактрия (Баҳди) «байроқлари (доим) баланд ҳилпираб турадиган», яъни шон-шавкат ўлкаси сифатида тилга олинади².

Қадимги Бактрияни бошқарган сиёсий сулолалар тўғрисида ҳозирча бирон-бир илмий хулоса қилиш қийин. Шу билан бирга бу борадаги мавжуд афсоналардан бактриялик ҳукмдорлар, уларнинг куч-қудрати ўз замонасида машҳур ва маъруф бўлганлигини билиб олиш мумкин. Чунончи, юнонлик Ктесий осуриялик подшоҳ Нин Белиднинг Бактрияга ҳарбий юриши ҳақида сўзлаб, Нин бактриялик аёл Семирамидага уйланганини айтади³. Семирамида (Саммурамаат) милоддан аввалги IX—VIII аср бошларида Осурия маликаси бўлган. Ниннинг Бактрияга қарши юришида Семирамида ҳам қатнашган ва улар Бактрия подшоси Аксиарт билан обдон уришганлар. Бактриянинг ўша замондаги мавқеини шундан ҳам билиш мумкинки, гўё Нин ва Семирамида

¹ История Узбекистана в источниках, с. 119, 178.

² Уша жойда, 28-бет.

³ Уша жойда, 63—65-бетлар.

Бақтрияга 1 миллион 700 минг пиёда, 210 минг отлик, 10 мингдан ортиқ жанг аравасидан иборат лашкар билан келган эканлар. Бақтр шаҳри забт этилгандан кейин эса у ердаги хазинадан кўплаб олтин ва кумуш осурияликлар кўлига тушган¹. Милоддан аввалги сўнгги аср — милодий I асрларда яшаган Помпей Трог Ниннинг Бақтрияга юриши ҳақида нақл қилар экан, бақтрияликлар подшоҳи Зардўшт (Зороастр) бўлган дейди. Хуллас, Бақтрияда энг қадимги даврларда ҳукмронлик қилган сулолалар хусусида аниқ маълумотлардан кўра ривоятлар кўп.

Аҳамонийлар — Бақтрия илк муносабатлари тўғрисида ҳам маълумотлар етарли даражада деб бўлмайди. Ктесий Куруш (Кир) ва бақтрияликлар ўртасида содир бўлган тўқнашувларда бирон-бир томон устун келгани йўқ, ўзаро келишувга биноан бақтрияликлар аҳамонийлар ҳукмдорини тан олганлар, деб хабар беради². Доро I даврига келиб эса Бақтрия қатъий равишда аҳамонийлар кўл остидаги мулклар қаторида санаб ўтилади. Доро Бақтрияга ўз ноиби қилиб форс Додаршишни тайинлаган. Геродот қизиқ бир маълумот қолдирган. Куруш ва унинг ўғли Камбиз ҳукмдорлик йилларида (милоддан аввалги 530—522 йиллар) уларга қарам мамлакатлардан муайян бир солиқ олинмаган. Бироқ тобе мулклардан уларга совға-саломлар юбориб турилган. «Дорони форслар савдогар дейишларига сабаб, — деб ёзади Геродот, — у биринчи бўлиб солиқ тизимини жорий этганлигидандир»³. Ҳақиқатан, Доро кўл остидаги ҳар бир мамлакат ва вилоят йилига катта миқдорда тайинли солиқ тўлаб турган. Хусусан, аҳамонийларга тобе округлардан ўн иккинчисига кирган «бақтрияликлардан эгларгача (Хўжанд атрофида яшаган қабила (?)) бўлган худуд йилига 360 талант тўлаб туриши керак бўлган»⁴. Аҳамонийларнинг йиллик солиқлардан ташқари бошқа йўллар билан ҳам тобе халқлар чўнтагини қоқиб келганликлари маълум. Геродотнинг ёзишича, қақраб ётган далаларни суғориш учун деҳқонлар аҳамоний ҳукмдорлар саройига бориб, сув йўлини тўсиб турган ва табиий равишда доимо кўриқланиб туриладиган тўғон дарвозаларини очиб юборишни сўраб нола қилар эканлар. Шунда ҳукмдор тўғонни очишга фармон бераркан. «Ўзим эшитганман ва биламан ҳамки, у (яъни,

¹ Ўша жойда, 66-бет.

² Ўша жойда, 69-бет.

³ Ўша жойда, 55-бет.

⁴ Ўша жойда, 56-бет.

хукмдор — А. 3.) тўғонни катта пул эвазига очган, (йиллик) солиқ бундан мустасно», деб гувоҳлик беради Геродот¹. Умуман олганда аҳамонийлар тобе ўлкалар аҳолиси, бойликларини талашда, суистеъмол қилишда бошқа тажовузкорлардан қолишмаганлар. Чунончи, қадимда Элам давлати пойтахти бўлган, кейинчалик аҳамонийлар қароргоҳларидан бўлмиш Суза шаҳридаги сарой қурилишида ишлатилган олтин Бақтриядан олиб кетилганини тасдиқловчи маълумотлар бор².

Тажовузкорларнинг маҳаллий халқларга нисбатан тазйиқи ўз-ўзидан аҳолини исён кўтаришга мажбур қилган. Ана шундай озодлик ҳаракатларидан бири аҳамоний Артаксеркс I (милоддан аввалги 462—424 йиллар) даврида рўй берган. Бунинг натижасида Бақтрия оз муддатга бўлса-да, қарамлик кишанини улоқтириб ташлашга эришган. Аҳамонийлар қўшини ва бақтрияликлар ўртасида бўлиб ўтган жангларда, гоҳ у томон, гоҳ бу томон устунликка эришиб турган. Охири бақтрияликлар енгилганлар ва яна қарамлик ҳолига тушиб қолганлар. Бақтрияликларнинг аҳамонийларга муносабатини Квинт Курций Руфнинг куйидаги гувоҳликларидан ҳам билиб олиш мумкин: «Бақтрияликлар ғоятда эпчил, табиатан қаттиққўл, форсларнинг дабдабасию эркатойлигини хуш кўрмайдиганлардан»³.

Бақтриянинг аҳамонийларга қарамлиги то Александр босқинига қадар давом этади. Қизиғи шундаки, Жазирада юнонликлардан катта талафот кўрган Доро III (милоддан аввалги 336—330 йиллар) Бақтриядаги ўз ноиб ва қариндоши Бесснинг сотқинлиги туфайли ҳалок бўлади. Бесс ва бошқалар мағлуб Дорони ҳибсга олиб, аёллар тушган аравага соладилар ва Бақтрия томон чекина бошлайдилар. Бундан хабар топган Александр 500 отлиқ аскар билан уларни қувишга тушади. Тахминан Парфиянинг шарқий ҳудудларида Александр қочоқларни қувиб етганда, улар Дорони қаттиқ ярадор қилиб ўзлари жуфтакни уриб қоладилар. Оғир ярадор Доронинг аҳволи шу қадар бўлганки, то Александр унинг тепасига келгунча жон берган. Александр ўз рақиб мурдасини ватанига олиб бориб шоҳона равишда мархум аҳамоний хукмдорлар қаторига дафн этишни буюради⁴. Шундан сўнг Александр Бақтрия-

¹ Ўша жойда, 58-бет.

² Ўша жойда, 40-бет.

³ Ўша жойда, 111-бет.

⁴ Ўша жойда, 89-бет.

нинг жанубий сарҳадларидан нарида жойлашган ерларни бўйсундиришга киришади. Афтидан, у бақтрияликларни ҳар томондан яккаламасдан туриб уларга қарши юриш мақсадга мувофиқ эмаслигини яхши тушунган. Ҳақиқатан, бу ерларни ўзига тобе этган Александр Гирканияга (Жануби-Ғарбий Туркменистон), у ердан эса яна Парфия орқали Бақтрия томон йўлга тушади. Бу вақтда Бесс бақтрияликлар, сўғдлик ва минтақанинг юнонликлар тасарруфига тушмаган бошқа аҳолисининг навбатдаги тажовузкор домида қолишни истамасликларини суистеъмол қилиб, уларни ўз атрофида жамлаган ва Артаксеркс номи билан ўзини Осиё подшоҳи деб эълон қилганди. Чамаси бу пайтда унинг ёнида бўлган сўғдлик Спитамен ва Оксиарт Александр босқинини даф этишда Бессни қўллаб-қувватлаб (чунки Бесснинг қўл остида кўплаб форс аскарлари ҳам бор эди) шу тариқа Сўғдиёна дахлсизлигини сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Фикримизча, Бесс тарафдорлари бўлиб турган 7000 бақтриялик ва уларнинг сардорлари ҳам шу илинжда ҳаракат қилганлар. Сабаби шу дамда минтақа учун хавфлиси Александр эди. Бесснинг субутсизлик ва сотқинлик феъли эса бақтрияликлар ва сўғдиёналиклар учун аён бўлгани шубҳасиз.

Александрнинг Бақтрия ерига қадам қўйганини эшитиши билан Бесс Амударёни (Ўкс) кечиб ўтиб, Сўғдиёна томон қочади (тахминан Қашқадарё воҳасига). Юнон аскарлари Бақтриянинг қатор шаҳарлари, жумладан, Бақтрни ҳам ишғол этадилар. Шу тарзда Бақтрия Александр тасарруфига тушади. Бақтрияликларнинг содиқона хизмат қилишларига ишонмаганданми Александр Бақтрияга ноиб этиб форс Артабазни тайинлайди¹. Бақтрияликларнинг ҳақиқатан ҳам келгиндилар билан тинч-тотув яшай олмасликларини тасдиқловчи маълумотларни биз юнон тарихчилари гувоҳлигида кўришимиз мумкин. Чунончи, Аррианнинг ёзишича, Спитамен Сўғдиёнада юнонликларнинг тинкасини қуритиб партизан ҳаракатларини олиб бораётган бир пайтда бақтрияликлар ҳам кўзғолон кўтара бошлайдилар. Александр уларни бостиришни буюради. Кўп ҳам ўтмай (милоддан аввалги 328 йил) Спитамен массагет отлиқлари ҳамроҳлигида яна Бақтрияда пайдо бўлади, пойтахт Зарияспни (Бақтр) эгаллашга ҳаракат ҳам қиладди. Аммо номаълум сабабларга кўра бу шаштидан қайтади².

¹ Ўша жойда, 89—91-бетлар.

² Ўша жойда, 103-бет.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Александрга қарши курашган қаҳрамонлар ҳақида сўз кетганда одатда Спитамен номи кўпроқ тилга олинади. Ваҳоланки, юрт мустақиллиги учун жон берган қаҳрамонлар, йўлбошчилар бир талай бўлган. Масалан, Аррианнинг тасдиқлашича, Бақтрия шимолидаги Паратикан (Бойсунтоғ, Кўхитангтоғ даралари) Спитамен кўзғолони бостирилгандан кейин ҳам тинчимаган. Бу ерда Катан ва Австан исмли курашчилар бош кўтарганлар. Александр уларга қарши ўзининг энг ишончли лашкарбошиларидан Кратерни юборади. Аррианнинг нақл қилишича, «улар билан жанг шафқатсиз бўлган». Катан ҳалок бўлади. Австан эса асир олиниб, Александр ҳузурига жўнатилади. Мазкур воқеа милоддан аввалги 327 йили рўй берган¹. Шу сананинг кеч баҳорида Александр Ҳиндистон юришини бошлайди.

Аммо юнонлик тажовузкорларга қарши курашлар сўнмайди. Бунга оид билвосита маълумотлар юнон тарихчилари асарларида кўзга ташланади. Чунончи, милоддан аввалги 325 йили Александрнинг ўлими хусусида миш-миш тарқалади. Афтидан, ўз ватанидан узоқда, бақтрияликлар қаршилигидан силласи қуриган юнонликлар, асосан ҳарбийлардан 3000 киши пойтахт Бақтрни қўлга оладилар ва бақтрияликлар ёрдамида ўзларига бошчи тайинлаб, Юнонистонга қайтиш тараддудига тушадилар. Аммо етиб келган жазо қисмлар бунга чек қўяди. Худди шунга ўхшаш воқеа милоддан аввалги 323 йили Александрнинг энди ҳақиқатан ҳам ажали етгани тўғрисида хабар келганда содир бўлган. Ўшанда Бақтрия ва Сўғдиёнадаги юнонликлардан 20000 пиёда ва 3000 отлик бирлашиб, ўз ватанларига қараб йўлга тушганлар. Ўлкадаги мавқеини йўқотишдан ва бу ҳаракат бошқаларга ҳам ўрнак бўлишидан чўчиган Александр ворислари уларга қарши қўшин юбориб, исёнкор сифатида битта қўймай қириб ташлайдилар². Александр ўлимидан сўнг ҳокимият учун қураш авжига чиққани маълум. Аввал Бобилни (милоддан аввалги 312 йил), сўнг Бақтрия ва Сўғдиёнани ҳам қўлга киритган, Александр лашкарбошларидан ҳисобланмиш Салавк салавкийлар сулоласига асос солади. Салавкийлар ўзларига тобе ўлкаларда ғоят қаттиққўллик сиёсатини олиб борганлар. Агар Александр қарам ерлардаги аҳолига нисбатан муросасозлик йўли билан ҳам сиёсат юргизган бўлса, салавкий-

¹ Ўша жойда, 107-бет.

² Арриан. Поход Александра, с. 312.

лар аксинча маҳаллий аҳолини, унинг маданиятини умуман инкор этиш, ноибларни фақат юнонликлар орасидан тайинлаш, маҳаллий бошқарувда кўплаб ҳарбий истеҳкомлар, иншоотлар қуриб, ҳарбий куч орқали аҳолини бўйсундириб туриш тадбирларига зўр берганлар. Чунончи, Александрнинг юнон ва маҳаллий маданиятларни ўзаро уйғунлаштиришдаги саъй-ҳаракатлари бўлганини билган ҳолда, салавкийларнинг, аксинча, тобе халқлар орасида фақат юнон маданиятини тарғиб этишни вазифа, деб билганликларини қайд этиш лозим.

Шу ўринда эллинизм тўғрисида бир-икки оғиз сўз айтмасдан илож йўқ. Мазкур тушунчани илмий таомилга XIX асрнинг биринчи ярмида тарихчи И. Г. Дройзен киритган. Бунда у эллинлар (юнон-македонияликлар) маданиятининг ўзларига тобе мамлакатлар маданияти билан ўзаро уйғунлашуви натижасида вужудга келган маданий ҳолат ва муносабатларни назарда тутган. Баъзи бир олимлар эллинизм деганда, умуман юнон маданияти таъсири остида ривожланган мамлакатлар, халқларни тушунадилар. Бошқалар эса эллинизм деганда, юнон маданияти ривожинигина назарда тутиб, Александр хуружидан то «Рим маданияти» босқичига (милоддан аввалги 30-йиллар) ўтишгача бўлган даврни кўзда тутадилар. Биз диққатни жалб этмоқчи бўлган масала мағзи шундан иборатки, Александр бошлаб берган «юнонлар даври»дан бир неча юз йил муқаддам, яъни милоддан аввалги VII—VI асрлардан буён қадимги юнонликлар маданий ҳаётига минтақамиз маданий-маънавий муносабатларида асосий ўрин тутган зардуштийлик (оташпарастлик) таълимотининг таъсири катта бўлган. Бунинг исботи ўрнида файласуф, астроном, математик, физик Фалес (милоддан аввалги тахминан 624—575 йиллар), унинг кичик замондоши, Европа адабиёти тарихида дастлабки насрий асар муаллифи Анаксимандр (милоддан аввалги 610—546 йиллар), файласуф Анаксимен (милоддан аввалги 585—523 йиллар), Гераклит (милоддан аввалги 544—475 йиллар), Платон (милоддан аввалги 428—348 йиллар) ва унинг шогирди Арасту (Аристотел; милоддан аввалги 384—322 йиллар) ва бошқа юнон мутафаккирлари ижоди ва меросини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Гераклитнинг ҳамма мавжудотнинг асоси деб оловни билиши, дунёдаги барча ҳаракатлар қарама-қаршилик муносабатидаги кучлар бирлигидандир каби ғоялари зардуштийликдаги оташпарастлик, ҳаётнинг эзгулик ва ёвузликкаро доимий кураш, зиддият остида ке-

чиши каби таълимотлари таъсирида шакллангани шубҳасиз¹. Зеро, милоддан аввалги I-мингйилликнинг биринчи ярми охирларидаёқ зардўштийлик таълимоти минтақамиздан Эрон орқали юнонликлар мамлакатида ҳам машҳур бўлгани маълум.

Салавкийлар ҳам тобе ўлкаларни сатраплар (ноиблар) орқали бошқарганлар. Тахминан милоддан аввалги III аср ўрталарида (милоддан аввалги 253 йил атрофида) Бақтрия Салавкийлар салтанати таркибидан ажралиб чиқишга муваффақ бўлади. Эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, бу ўзгаришга Бақтрия ноиби, юнонлик Диодот сабабчи бўлган². Уни ушбу тadbирга ундаган асосий сабаб, бир томондан, салавкийлар марказида (Сурия) ҳокимият учун ўзаро курашнинг авж олиши оқибатида марказий ҳокимиятнинг заифлашиши бўлса, иккинчи томондан, Бақтрия (Сўғдиёна ҳам унинг таркибида эди) аҳолисининг четга қарамликдан қутилиш учун ҳар нарсага тайёрликларидан иборат бўлган. Бақтрияни мустақил равишда бошқара бошлаган юнонликлар бақтрияликларнинг кучига суяниб келганликларини тасдиқловчи маълумотлар бор. Чунончи, ўзларини анча ўнглаб олган салавкийлар қўлдан кетган ўлкаларни қайтариш тараддудига тушганларида Бақтрияда Евтидем (Эвфидем) деган юнон (милоддан аввалги 230 йилдан бошлаб) ҳукмронлик қиларди.

Полибий (милоддан аввалги II аср) гувоҳлик беришича, Евтидем ва салавкийлар ўртасидаги курашда 10000 бақтриялик отлик аскар Евтидем томонида турган. Бақтрияликларнинг шижоати туфайли ўзаро сулҳ тузишга келишилинадди ва шу тариқа Бақтриянинг салавкийлар салтанатидан мустақиллиги янада мустаҳкамланади³.

Тез-тез бўлиб турадиган жангу жадаллар, қарамлик аҳволига қарамай Бақтриянинг тараққиёти бир зум ҳам тўхтамаган. Юнон тарихчилари Бақтрияни «минг шаҳар ўлкаси» деб бекорга таърифламаганлар. Мазкур таъкид Бақтрия ижтимоий-сиёсий ҳаётида шаҳарлар тутган ўриндан далолат беради. Ҳақиқатан, бу вақтда Бақтр, Термиз каби шаҳарларда ҳунармандчилик, савдо-сотик ривож топган. Чунончи, ҳунармандлар олтин, кумуш, кўрғошин, қалайи, мис, бронзадан турли буюм-

¹ Сулаймонова Фозила. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, 1997, 29—35-бетлар.

² История Узбекистана в источниках, с. 160.

³ Уша асар, 184-бет.

лар, зебу зийнатлар тайёрлаганлар. Тўқувчилик, кўнчилик, қуролсозлик каби касблар ҳам равнақда бўлган.

Бақтрияда пул муносабатлари пухта йўлга қўйилган. Масалан, Бақтрия ҳукмдорлари зарб этган олтин, қумуш, мис, никел танга намуналарининг Хоразм, Сўғдиёна, Фарғонадан топилиши ҳам савдо-сотик муносабатлари даражасидан, ҳам пулнинг қадр-қимматидан далолат беради. Минтақадан ташқаридаги Хитой, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатлар билан ҳам савдо-сотик фаол олиб борилган.

Бақтрияликларнинг деҳқончилик ва чорвачиликдаги тажрибалари мақтаса арзигулик бўлган. Юнон, хитой манбаларида ёзилишича, бу ерда дончилик, шолчилик, полизчилик, узумчилик, мевачилик яхши ривожланиб келган. Чунончи, Квинт Курций Руф шундай ёзганди: «Бақтрия табиати бой ва ранг-барангдир. Баъзи ерларида кўплаб боғ-роғлар ва узумзорлар бўлиб, ширин меваларга тўла. Тупроғи унумдор жойларда буғдой экилади, қолган ерлар эса яйловлардан иборат»¹.

Бақтрияликларнинг қазилма бойликларни қайта ишлашда моҳир бўлганликлари ҳам маълум. Масалан, Бақтрияда олтин қайта ишланган. Пул зарб этишда ишлатилган никел ҳам худди шу ердан чиққан бўлса ажаб эмас. Агар келажакда бу фикрни тасдиқловчи ашёвий далиллар топилса, у ҳолда европаликлар таъкидлаганидек, никел XIX асрда улар томонидан ихтиро этилмай, аксинча, энг қадимги даврлардаёқ Туркистон халқлари никелни қайта ишлашни уддалай олганлар.

Юнонлар ҳукмронлик қилган даврда Бақтрияда юнон тили расмий ҳисобланган. Шу билан бирга оромий, асли Панжобда юзага келган карошти ёзувлари ҳам муомалада бўлгани маълум. Фан соҳасидаги ютуқлар ҳам диққатга сазовордир. Физика, математика, астрономия, фалсафа каби илмлар ривожда бўлган. Бақтрияликлар маданий ҳаётида мусиқанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, мусиқа асбобларининг тури хилма-хил бўлган. Турли маросимлар, байрамлар, саройдаги тадбирларда уд, най, ноғора, чилтор (арфа), бурғу, камонча билан чалинадиган асбоблардан истифода этилгани маълум.

Археологик изланишлар натижасига кўра, қадимги Бақтрияда ҳайкалтарошлик, сураткашлик, наққошлик каби соҳалар ҳам ўз даври учун юксак савияда бўлган.

¹ Ўша асар, 119—181 ва бошқа бетлар.

Бақтриядаги маънавий ҳаёт тўғрисида гапирадиган бўлсак, аҳоли турли динларга сиғинган. Қадимдан эъзозланиб келинадиган зардуштийлик, Анаҳита, Митра худолари билан бирга аҳоли орасида буддага, юнонларнинг Зевс, Афина, Апполон, Геракл каби худоларига интилиш ҳоллари ҳам табиий ҳисобланган. Турли эътиқодларга тегишли диний муассасалар қуриб борилган.

Тахминан милоддан аввалги II асрнинг 30-йилларида Бақтрия юнонликлар бошқаруvidан батамом қутилади. Шимолдан кириб келган қабилалар ҳарбий кучи зарби остида қулаган юнонликлар ҳокимияти ўрнида тохарлар (юэчжилар) ҳукмронлигидаги янги сиёсий бирлик — Тохаристон барпо бўлади.

ПАРФИЯ

Минтақамизнинг Атрек ҳамда Гўргон дарёлари юқори ҳавзасида жойлашган (Жанубий Туркменистон, Шимоли-Шарқий Эроннинг бир қисми) тарихий маконларидан бири қадимда Парфия номи билан юритилган. «Авесто»да Ахура Мазданинг бешинчи бўлиб Нисайа ўлкасини яратгани ҳақида сўзлар бор¹. Нисайанинг ҳозирда Ашгабат яқинидаги харобалари сақланиб қолган кўҳна Нисо шаҳри Парфиянинг дастлабки маркази билан боғлиқлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Парфиянинг милоддан аввалги I-мингйилликнинг биринчи ярмидаги аҳволи борасида аниқ фикр айтиш қийин. Зеро, бу масалада маълумотлар жуда оз. Шу билан бирга мавжуд маълумотлар асосида баъзи бир мантиқий хулосалар чиқариш мумкин. Чунончи, Помпей Трог скифлар (саклар) ҳақида сўзларкан, «улар Парфия ва Бақтрияга асос солганлар» деб ёзади. Бошқа бир жойда эса юнонлик тарихчи яна Парфия хусусида тўхталиб, «Римликлар билан бутун дунёни ўзаро бўлиб олган парфияликлар ҳозирда бутун Шарқ узра ҳукмдордирлар ва улар (аслида) қачонлардир скифлар орасидан бадарға қилинганлардандирлар, уларнинг номи (яъни Парфия — А. З.) бунга ишора, зеро, скифлар тилида «парфи» бадарға қилинганларни англатади»².

Ктесий осуриялик Ниннинг ҳарбий юришлари ҳақида баён этиб, у парфияликларни ҳам бўйсундирган, дейди³. Афтидан, осурияликлар милоддан аввалги I-

¹ Авесто, II жилд, 660-бет.

² История Узбекистана в источниках, с. 155—158.

³ Уша жойда, 64-бет.

мингйилликнинг VIII аср бошларида Мидияга қарши юришларида Парфияга ҳам бостириб кирганлар. Парфия-Мидия муносабатларига тўхталсак, мидиялик Киаксар (Увахшатра) ҳукмронлик қилган йилларда (милоддан аввалги 625—584 йиллар) Парфия Мидияга бўйсундирилган. Бироқ кўп ҳам ўтмай, тахминан сўнгги мидиялик ҳукмдор Астиаг (милоддан аввалги 584—550 йиллар) даврида Парфия Мидия тобелигидан чиқади ва юнон тарихчиси тили билан айтганда, парфияликлар «ўз юртларини сакларга топширадилар»¹. Шунда Мидия ва саклар (Хоразм?) ўртасида уруш бошланади. Охиrhoқибатда ҳарбий сулҳ ва иттифоқ тузилади. Аммо тез орада Мидия давлати кулайди ва, табиий равишда, Парфия яна мустақиллигини тиклайди. Умуман олганда эса Парфия шимолдаги Хоразм сиёсий кучлари манфаатлари доирасида бўлиб келгани шубҳасиз. Унинг бу доирада бўлиш-бўлмаслиги хоразмлик сиёсий кучларнинг маълум даврлардаги мавқеи ва қудратига боғлиқ бўлиб келганлигига ҳам шак йўқ.

Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Парфия аҳамонийлар қўл остига тушади ва салтанатнинг XVI округи таркибига киритилади². Шунга қарамай парфияликлар тажовузкорларга қарши курашни тўхтатмайдилар. Чунончи, Доро I ҳукмронлигининг дастлабки йилида Парфияда озодлик ҳаракатлари авж олади. Бу вақтда Парфияни Доронинг отаси Виштасп бошқариб турарди. Халқ қўзғолони бир неча ой давом этади. Виштасп ҳеч нарса қила олмайди. Доро эса бу вақтда Бобилдаги халқ қўзғолонини бостириш билан банд эди. Фақат милоддан аввалги 521 йилга келиб Доро томонидан юборилган катта кучга суянган ҳолда Виштасп парфияликлар қаршилигини енгишга эришди. Беҳистун ёзувларига кўра ҳал қилувчи жанг милоддан аввалги 521 йил 12 июлда рўй берган³.

Милоддан аввалги IV асрнинг 30-йиллари сўнгида Парфия навбатдаги тажовузкор юнонлик Александрнинг тобелигига тушади. Энди Парфияни Александр ноиби Андрагора бошқара бошлайди. Юнонликларнинг Парфия устидан ҳукмронлиги Александр ўлими билан боғлиқ сиёсий ўзгаришлардан сўнг ҳам тўхтагани йўқ. Чунончи, милоддан аввалги IV асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб Парфия салавкийлар таъсирига тушади⁴.

¹ Ўша жойда, 67-бет.

² Ўша жойда, 56-бет.

³ Ўша жойда, 35-бет.

⁴ Ўша жойда, 160-бет.

Бундай ҳолат милоддан аввалги III аср ўрталарига қадар давом этади.

Тахминан шу даврда парфияликлар салавкийлар тобелигидан озод бўладилар. Бунга доир маълумотларни биз қадимги юнон ва арман манбаларидаги гувоҳликлардан билиб олишимиз мумкин. Хусусан, асли келиб чиқиши сакларнинг дай қабиласидан бўлмиш, Тажан дарёси бўйларида яшовчи парна уруғи сардори Аршак салавкийларнинг Парфиядаги ноибини ағдариб, ҳокимиятни ўз қўлига олади. Шу тариқа у аршакийлар сиёсий сулоласига асос солади.

Парфияда тартиб ўрнатиш иши Аршакнинг бўйнига тушган бўлса, унинг ўлимидан сўнг укаси Тиридат қўшни Гиркания ҳамда Эроннинг бир қисмини ўз таъсир доирасига тортишга эришади. Тиридат мустақкам қалъалар барпо этиш, қўшинни ҳар жиҳатдан кучайтириш тадбирларига катта эътибор беради. Унинг бу соҳадаги кўплаб саъй-ҳаракатларининг сабаби маркази Сурияда бўлган салавкийларнинг қудрати ҳануз сақланиб келаётганида эди.

Ҳақиқатан, Тиридатнинг ўлимидан кейин (милоддан аввалги 211 йил) Парфия тахтини унинг укаси Артабан II эгаллаб турган даврда, салавкий ҳукмдор Антиох III жуда катта қўшин (юнонлик Помпей Трог ёзишича, 100 минг пиёда, 20 минг отлик аскар) билан аршакийларга қарши юриш қилади. Гарчи салавкий ҳукмдор ғолиб келса-да, охир-оқибатда ўзаро иттифоқ тузилади¹. Аммо бу ҳолат узоққа чўзилгани йўқ. Антиох III ўлимидан сўнг салавкийлар қудрати заифлашиш йўлига киради. Бундан усталик билан фойдаланган навбатдаги аршакий ҳукмдор Митридат I (милоддан аввалги 171—138 йиллар) Эрон, Жазирани ҳам ўз тобелигига қаратишга эришади. Митридат II (милоддан аввалги 123—87 йиллар) ҳукмронлиги даврида аршакийларнинг куч-қудрати янада ошди. Чунончи, у ҳатто салавкий ҳукмдор Демитрий III ни қўлга туширишга муваффақ бўлади. Бу салавкийлар сиёсий фаолиятига чек қўйилиб, энди тўғридан-тўғри Рим салтанати билан рақобатлашиш йўлига кириш, дегани эди. Ҳақиқатан, Ород II (милоддан аввалги 55—38 йиллар) даврига келиб римликлар Парфияга қарши ҳарбий юриш уюштирадилар. Милоддан аввалги 53 йили Жазира шимолидаги Карр шаҳри яқинида икки томон ўртасида тўқнашув содир бўлади. Хоразмликлар-

¹ Уша жойда, 161, 183-бетлар.

нинг тилга олинган ҳарбий тактикасини ишга солган аршакийлар лашкари римликларга қақшатқич зарба беради. Шундан сўнг ташаббусни қўлга олиб, улар биринкетин Сурия, Кичик Осиё ҳамда Фаластин каби мамлакатларни ҳам бўйсундиришга эришадилар. Худди шу вақтларда аршакийлар пойтахтни Дажла дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Ктесифон шаҳрига кўчирадилар. Бошқача айтганда, борган сари асли Парфия аршакийлар салтанатининг бир чекка ўлкасига айлана боради. Шу сабабдан ҳам III асрнинг 20-йилларигача бўлган даврда салтанат ҳаётида кечган асосий сиёсий воқеалар кўпроқ Ғарбий Эрон ва Жазира билан боғлиқ бўлган. Ана шу даврда Марғиёна аршакийлар салтанати таркибидан чиққан, Гиркания эса бўйин товламаслик йўлига ўтиб номигагина қарам эди. Иккинчи томондан, римликлар вақти-вақти билан Ктесифон томон ҳарбий юришлар уюштириб турганлар. Хуллас, 224 йили Эрондаги сосонийлар сулоласидан бўлмиш Ардашир I сўнгги аршакий ҳукмдор Артабан V ни енггач аршакийлар сиёсий фаолиятига ҳам чек қўйилади. Агарда аршакийлар сиёсий тарихига хулоса қиладиган бўлсак, фикримизча, юнонлик Помпей Трогнинг қуйидаги сўзларини келтирсак кифоя бўлади: «Аршакийлар шон-шарафи қачонлардир донғи кетган Осурия, Мидия, Форс ва минг шаҳарлар ўлкаси Бақтрия орасида юксакликка кўтарилишлари билан белгиланади»¹. Ҳақиқатан, ғарбий чегаралари Европага туташган, қудратли Рим салтанатининг тинкасини қуритган Аршакийлар салтанати фаолияти ўз давридаёқ муносиб қадрланган эди.

Энди аршакийлар даври бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти масалаларига келсак, қадимдан қолган бир қатор ёзма ҳужжатлар бу борада тасаввуримизни бойитишга ёрдам бериши мумкин.

Олий ҳукмдор албатта аршакийлар хонадонидан бўлиши шарт ҳисобланган. Шу билан бирга давлат бошқарувида икки кенгаш: қабила зодагонлари ва қоҳинлар кенгашларининг роли ҳам катта бўлган. Чунончи, янги ҳукмдор худди шу икки кенгаш иштирокида сайланган. Албатта, бунда марҳум ҳукмдорнинг васияти эътиборга олинган. Бошқача айтганда, тахтга ворислик бир сулола ичида кечса-да, аммо муайян тартиб бўлмаган, яъни ўтган ҳукмдор ўрнини унинг ўғли ё укаси, ё бўлмаса, аршакийлар сулоласининг бирон-бир

¹ Ўша жойда, 158-бет.

намояндаси эгаллаши мумкин бўлган. Афтидан, бу масалада кенгашларнинг мавқеи кучли бўлиб келган. Буни шундан ҳам билиб олиш мумкинки, ҳужжатларга кўра мазкур икки кенгаш олий ҳукмдорни тахтдан четлатишга қодир ҳисобланган. Аршакийлар салтанатни мулкларга (сатрапияларга) бўлиб идора этганлар. Шу билан бирга барча мулклар мавқеи бир хилда бўлмаганини таъкидлаш лозим. Чунончи, Гиркания, Сейистон (Сакистон) ярим мустақил мулк сифатида ўз пулларини зарб этиб келганлар¹.

Қадимги ёзма манбалар гувоҳлик беришича, Парфияда деҳқончилик билан жиддий равишда шуғулланган. Хитойлик муаллифлар парфияликларнинг шоли, буғдой етиштиришлари, узумзорларга ишлов бериб, вино тайёрлашлари ҳақида ёзиб кетганлар². Буни қадимги Нисо шаҳри ўрнида топилган ёзма ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Уларга кўра ҳар бир сатрапияда турли соҳага алоқадор хўжаликлар мавжуд бўлиб, улар муайян тарзда давлат хазинасига солиқ тўлаб турганлар. Ишланадиган ерлар бир неча даражага бўлиниб, улардан олиннадиган солиқлар ҳам турлича бўлган. Солиқлар асосан маҳсулот сифатида, қисман пул билан қабул қилинган. Масалан, узум етиштирувчи хўжаликлар пойтахтга (яъни Нисо пойтахт бўлиб турган вақтларда) вино юборганлар. Маҳсулот катта-катта хумларда сақланиб, уларнинг умумий ҳажми ярим миллион литрдан ортиқ бўлган. Шуниси қизиқки, ана шу вино сақланувчи омборлардан топилган ёзма ҳужжатларда винонинг ҳажми, узум етиштирилган жойнинг номи, винонинг нави, уни келтирган шахснинг номи, мансабига доир қимматли маълумотлар ўз аксини топганини кўриш мумкин³. Бу Парфияда иш юритиш, хўжалик тутишнинг турли соҳаларида ўша пайтларда қатъий ҳисоб-китоб тартиби жорий бўлганидан ва уларга тегишли муассаса, ташкилотлар фаолият кўрсатганидан далолат беради.

Қурувчилик, меъморчилик борасида ҳам парфияликларнинг тажрибаси диққатга сазовордир. Улар шаҳарлар, қалъалар, муҳташам бинолар барпо этишда ўз замонларида машҳур бўлганлар. Хитойлик муаллифларнинг кўрсатиб ўтишларича, Парфияда юзлаб катта-кичик шаҳарлар мавжуд бўлган⁴. Албатта, бу ерда Ар-

¹ Қаранг. Дьяконов М. М. История древнего Ирана. 1961, с. 194 и др.

² Собрание сведений, т. 2, с. 151.

³ Қаранг: ВДИ, 1960, № 2, с. 16—20; Переднеазиатский сборник, II, 1966, с. 134—136.

⁴ Собрание сведений, т. 2, с. 151.

шакийлар салтанатининг юксакликка кўтарилган даврларидаги аҳволи назарда тутилган бўлиши керак. Аммо бу каби маълумотлар асли Парфия имкониятларини ҳеч бир ерга урмай, аксинча, улардаги тараққиётдан билвосита бўлса ҳам гувоҳлик беради.

Парфиялик савдогарлар фаолияти диққатга сазовордир. Манбаларда ёзилишича, улар қуруқлик ҳамда денгиз орқали турли ўлкалар билан савдо алоқаларини олиб борганлар¹. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Аршакийлар салтанати Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги ўзига хос иқтисодий-савдо кўприги сифатида таниқли бўлган.

Парфияликлар ҳайкалтарошлик, заргарлик соҳаларида моҳир ҳисобланганлар. Қадимги Нисо шаҳри ўрнидан топилган ашёлар — мармардан ишланган ҳайкаллар фикримиз далили бўла олади. Улар юксак санъат асари ҳамда маълум маънода салтанат бойлиги, кўрки сифатида олий ҳукмдор қароргоҳида алоҳида жойда сақланган.

Парфия маданий ҳаётида юнонликларнинг таъсири ҳам сезиларли бўлган. Бир неча аср юнонликлар тобелигида ва яна беш юз йилча улар билан яқиндан муносабатда бўлган парфияликлар учун бу табиий ҳол. Шунинг учун ҳам археологлар топган ашёларда ҳам маҳаллий руҳ, ҳам юнон маданияти таъсири сезилиб туради. Чунончи, маҳаллий услубда фил суягидан тайёрланган ритон ўн икки олимпия худоси тасвири билан безатилган ашёлар фикримиз далили бўла олади². Фараз қилиш мумкинки, қадимги Юнонистонда кенг тарқалган олимпия ўйинлари маълум даражада минтақамизда ҳам ўз қизиқувчиларига эга бўлган. Узоқ-яқиндаги халқлар маданиятида мавжуд илғор анъаналарга эътибор аршакийларда нақадар катта бўлганини Плутарх (тахминан 46—127 йиллар) ёзма гувоҳликларидан ҳам билиб олиш мумкин. Хусусан, унинг ёзишича, парфияликлар Карр яқинида римликларни мағлубиятга учратиб, хушхабар билан ҳукмдорлари Ород ҳузурига келганларида у Эврипиднинг (милоддан аввалги V аср) машҳур «Вакҳ маъбудалари» («Вакҳанки») фожиасини томоша қилиб ўтирган экан³. Кези келганда эслатиш лозимки, Эврипид асарларидаги қатор лавҳалар ўлкамизда топилган қадимги ашёлар — санъат намуналарида ўз аксини топган.

Парфияликлар ўз ёзувларига эга бўлганлар. Аниқроқ айтганда, ўша даврларда кенг тарқалган оромий

¹ Ўша жойда.

² История древнего Востока, 1979, с. 336—337.

³ Древний Хорезм, с. 211.

хатидан фойдаланган ҳолда гап, сўз тузилишининг ўзларига хос тартибини жорий этганлар.

Аҳоли диний қарашларида зардуштийлик ўз мавқеини сақлаб қолган. Шу билан бирга эзгулик ва ёруғлик худоси Митра, юнон, яҳудий динларига сифиниш ҳоллари ҳам учраб турган.

Бир-икки оғиз сўз аршакийларнинг ташқи — элчилик алоқалари тўғрисида. Фарбда Рим империяси билан муҳолифатда бўлиб келганларига қарамай, улар дунёнинг бошқа мамлакатлари билан сиёсий, элчилик алоқаларини мунтазам равишда йўлга қўйганлар. Хусусан, хитой манбаларида Хитой ҳукмдори махсус элчиларининг аршакийлар даргоҳида бўлгани тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Элчиларни шарқий чегарада 20000 парфиялик отлиқ аскар кутиб олган ва ҳукмдорлари фармонига кўра то пойтахтгача бўлган масофада уларга ҳамроҳлик қилганлар¹. Бу, бир томондан, аршакийларнинг Хитой элчилари ва улар орқали Хитойга бўлган эътиборларидан дарак берса, иккинчи томондан, бевоёсита аршакийлар саройида элчиларни қабул қилишга оид маълум бир тартиблар мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Хитойлик элчилар аршакий ҳукмдор элчилари билан йўлга чиқиб, Хитойга етиб келгач бу ерлик ҳукмдорга аршакийлар юборган совға-саломларни тақдим этган эканлар.

Хулоса қиладиган бўлсак, аршакийлар Туркистон доирасидан чиқиб сиёсий юксалишда салтанат даражасига эришган биринчи сулола ҳисобланади. Шунингдек улар Яқин Шарқ ва Жанубий Европа давлатлари билан тўғридан-тўғри Фарбнинг ўзида муносабат юритган туркистонлик илк сиёсий куч ҳам бўлган. Аммо шундай қудратга эга бўлишларига қарамай аршакийлар минтақани сиёсий жиҳатдан бирлаштира олмаганлар. Хоразм, Сўғдиёна, Фарғона, Бақтрия кабиларни бир сиёсий марказ остида бўйсундириш ишининг урдасидан чиқолмаганлар.

ФАРҒОНА

Ўзбекистоннинг энг гўзал ва бетакрор маконларидан бири бу Фарғона водийсидир. Иқлим шароити, географик жойлашуви, табиий бойликлари каби қатор хислатларига кўра Фарғона қадимдан эътибор қозониб келган. Фарғонанинг давлатчилигимиз тарихида тутган ўз ўрни

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 160.

ҳам бор. Милоддан аввалги II—I асрларда бу ерда минтақадаги илк давлатчилик тизимларидан бири мавжуд бўлган. Албатта, унинг асослари анча илгарироқ, кам деганда милоддан аввалги I-мингйиллик ўрталарида шакллана бошлаганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Фарғона минтақамизнинг энг қадимий маданий ўчоқларидан ҳисобланади. Чунончи, тахминан милоддан аввалги 2-мингйилликлардаёқ бу ерда деҳқончилик маданияти ўта тараққий эта бошлаган. Деҳқончилик билан ёнма-ён чорвачилик, балиқчилик, ҳунармандчилик (металлни қайта ишлаш, кулолчилик, тўқимачилик) соҳалари жиддий равишда юксалиб боргани археолог олимлар томонидан тасдиқланган¹. Мазкур фаолият соҳаларининг ривож топиши кишилар ҳаёти, хусусан, турар жой масаласида ҳам ўз таъсирига эга бўлиши табиий. Шу сабабдан ҳам кўрсатилган даврда мустақкам кўрғонлар қуриш, бориб-бориб уларнинг шаҳарларга айланиш жараёни ҳам жиддий равишда кечгани маълум.

Қадимги Фарғона аҳли келиб чиқиши масаласига келсак, юнон тарихчилари Сирдарёнинг (Яксарт, Танаис) нариги томонида (шимолида, юқори оқимларида) скифлар (саклар) яшайдилар деб, гувоҳлик бериб кетганлар². Ҳамадондан топилган қадимги форс, элам, бобил тилларидаги ёзувларда эса «Сўғдиёнадан нарида яшовчи саклар» ҳақида маълумот сақланган³. Диққатга сазовор томони шу ердаки, баъзи бир юнонлик тарихчилар (Гекатей, Геродот, Плиний ва бошқалар), ҳинд олими Панини (тахминан милоддан аввалги V аср) асарларида, паҳлавий ёзувида битилган «Бундахшин»да парикани, париани, прақанва ва парқан этник-географик атамалари учрайди⁴. То шу кунгача мазкур атамаларнинг Фарғона билан боғлиқлигини исботловчи ё инкор этувчи бирон-бир беками кўст илмий асос шаклланишича йўқ, десак тўғри бўлади. Таажжубланарли жойи шундаки, Фарғона ҳақида «Авесто»да бирон сўз ё шунга ишора ҳам йўқ. Фикримизча, фарғоналикларнинг келиб чиқиши масаласида жиддий хулосаларга туртки бўлишга арзигулик манба сифатида милоддан аввалги II—I асрлардаги Хитой муаллифлари асарлари хизмат қилиши мумкин. Милоддан аввалги II асрнинг

¹ Қаранг: *Заднепровский Ю. А.* Древнеземледельческая культура Ферганы. Москва, 1962.

² История Узбекистана в источниках, с. 94—95, 126.

³ Ўша жойда, 39-бет.

⁴ *Батафсил қаранг:* История и культура народов Средней Азии. Древность и средние века. Москва, 1976.

20-йилларида Фарғона, Сўғдиёна, Бақтрияда сафарда бўлиб, Туркистоннинг мазкур ва бошқа қатор вилоятлари тўғрисида батафсил маълумотлар тўплаган хитойлик элчи Чжан Цян қолдирган қуйидаги гувоҳликка эътибор берайлик: «Давандан (Фарғонадан) ғарбга томон Ансигача (Парфиягача) бўлган улкан худудда турли тилларда (лаҳжаларда) сўзлашсалар-да, аммо урф-одатлари ўхшаш ва муомалада бир-бирларини тушунадилар»¹. Демак, кўҳна Фарғона аҳлининг мамлакатимизнинг бошқа ўлкалари аҳолиси билан этник боғлиқлиги масаласида ҳеч шубҳа йўқ.

Хитойликлар Фарғонани Даван (Улуғ Ван) деб атаганлар. Бу вақтда (яъни милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида) Фарғонада кам деганда 60000 оила, яъни 300000 киши истиқомат қилган. Мазкур рақамни келтирган хитойлик муаллиф афтидан Фарғонада ўша вақтда мавжуд аҳоли сонини назарда тутмаган. Зеро, бошқа бир маълумотда бутун Фарғона бўйлаб аҳоли сони бир неча юз мингга ташкил этади дейилса, бошқа бир ерда Фарғона лашкарининг ўзи 60000 кишидан иборатлиги айтилган². Чунки бу даврда Даван (Фарғона) сиёсий бирлиги тушунчасига асли Фарғонадан кенгрок худудни ўз ичига олган макон кирган.

Фарғона бошқаруви тизимида ҳукмдор, унинг икки ёрдамчиси (вазири) ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатганлиги хитой манбаларидан маълум. Ёрдамчилар асосан олий ҳукмдорнинг қариндошлари орасидан тайинланган бўлиши керак. Аммо оқсоқоллар кенгаши эса мамлакат ижтимоий, сиёсий ва ташқи муносабатларида фаол иштирок этиш билан бир қаторда олий ҳукмдор фаолияти билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш қудратига ҳам эга бўлган. Уруш очиш, сулҳ тузиш, янги ҳукмдорни тайинлаш, уни тахтдан маҳрум этиш каби тадбирларда оқсоқоллар кенгаши етакчи ўрин тутганлигини кўрсатувчи гувоҳликлар бир талай. Масалан, хитойликларнинг Фарғонага тажовузлари чоғида оқсоқоллар кенгаши ўзаро сулҳ тузиш тарафдори бўлиб чиқади ва бунга эришади ҳам. Ё бўлмаса, хитойликлар босқини билан боғлиқ воқеалар сабабчиси деб топилган ҳукмдор Муғуй оқсоқоллар кенгаши ҳукми билан қатл қилинган³.

Фарғонанинг маъмурий бўлиниши ҳақида сўз кет-

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 161.

² Ўша жойда, 149, 189-бетлар.

³ Ўша жойда, 165-бет.

ганда, энг аввало, хитойлик муаллифнинг «Даванда (Фарғонада) етмишга яқин катта-кичик шаҳарлар мавжуд, Даван ва Дахя (Бақтрия) ўртасида ўхшашликлар кўп» каби гувоҳликлари диққатни тортмай қолмайди¹. Маълумки, Бақтрия «минг шаҳар» ўлкаси номи билан машҳур бўлган. Хитойлик элчи бу ерда бўлган чоғда географик маънодаги Бақтрияда Тохаристон сиёсий бирлиги ҳукм сурарди. Хитой манбаларига кўра эса Дахяда ҳар бир шаҳар ўз ҳокимига эга бўлиб, улар устидан турувчи олий ҳукмдор бўлмаган². Агар юқорида эслатилган «Даван ва Дахя ўртасидаги ўхшашликлар» Дахядаги шаҳарлар тутган мавқега ҳам дахлдор бўлса, у ҳолда Фарғонадаги шаҳарлар ҳам маълум маънода мустақилликка эга бўлган. Юқорида зикр этилган оқсоқоллар кенгаши мана шу шаҳарлар намояндалари иштирокида ташкил этилиб келинган бўлса ажаб эмас.

Марказ (олий ҳукмдор ва оқсоқоллар кенгаши) ва шаҳарлар ўртасидаги муносабатлар хусусида аниқ фикр айтиш мушкул. Шу билан бирга қуйидаги маълумотга эътибор берайлик. Оқсоқоллар кенгаши қарори билан хитойлик элчилардан бири Фарғона пойтахтидан шарқда жойлашган шаҳарлардан бирида қатл этилади³. Бошқача айтганда, кенгаш ҳукми пойтахтдан ташқари шаҳарларда ҳам ижро кучига эга бўлган.

Бир-икки оғиз сўз Фарғона қўшини ҳақида. Яна ўша хитой манбаларига мурожаат қилинса, лашкар ҳаммаси бўлиб 60000 кишидан иборат бўлган. Фарғоналик ҳарбийлар айниқса от устида ўтириб, камондан ўқ отишнинг устаси бўлган эканлар. Улар найзалардан ҳам фойдаланганлар⁴. Фарғоналиклар ҳаётида от, айниқса уларнинг аъло насли бўлмиш арғумоқлар алоҳида ўрин тутганини инобатга олиб, лашкарнинг жанговор қисмини отликлар ташкил этган, деб фараз қилиш мумкин. Хоразмликлар асос солган от ва чавандозни зирхга чулғаш ва душман билан юзма-юз курашда камондан моҳирона фойдаланиш тактикаси фарғоналиклар учун ҳам яхши таниш бўлганига шубҳа йўқ. Бу тактика билан хитойликлар айнан Фарғонада танишган бўлишлари керак.

Фарғона ҳарбийлари мудофаа санъати борасида маълум бир тажриба ва салоҳиятга эга бўлганлар. Чунончи, мудофаани ташкил этишда шаҳарлар имкониятидан

¹ Ўша жойда, 149-бет.

² Ўша жойда, 152-бет.

³ Ўша жойда, 162-бет.

⁴ Ўша жойда, 149-бет.

кенг фойдаланилган. Масалан, пойтахт Эрши (ҳозирги Марҳамат қадимий шаҳарнинг ўрни ҳисобланади) ички ва ташқи деворлар билан ўралган. Шаҳарнинг ички қисмида узоқ муддатга етарли миқдорда озиқ-овқат сақланувчи омборлар ва бошқа керакли муассасалар бунёд этилган.

Юқорида биз Фарғонада милоддан аввалги 2-минг-йилликлардаёқ деҳқончилик маданияти юксак даражада бўлганлигини айтиб ўтгандик. Милоддан аввалги II аср хусусида эса Чжан Цян қуйидагича гувоҳлик беради: «Даванликлар (фарғоналиклар) ўтроқ ҳаёт кечирадилар, деҳқончилик билан шуғулланиб, шоли ва буғдой етиштирадилар»¹. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Туркистонда шолчиликнинг кенг ўрин тутганига оид гувоҳлик энг қадимий ёзма манба «Авесто»да ҳам бор.

Мутахассислар фикрича, тахминан шу даврда Фарғонада пахтачилик соҳаси ҳам йўлга қўйилган.

Фарғонада етиштириладиган узум ва беда ўсимликлари хитойликлар учун янгилик бўлгани маълум. Ҳақиқатан, фарғоналик боғбонларнинг узумчилик соҳасидаги тажрибалари юқори ҳисобланиб, етиштирилган ҳосилдан мусаллас тайёрлашни ҳам ўрнига қўйганлар. Бу борада уларнинг салоҳиятлари нақадар юксак даражада бўлганини шундан ҳам билиш мумкинки, ҳажми бир неча тоннагача бўлган маҳсулотни бир неча ўн йил давомида сақлай олганлар².

Хитойликларни лол қолдирган Фарғона ажойиботларидан яна бири бу наслдор отлар — арғумоқлар эди. Фарғона арғумоқлари кадр-қимматини шундан ҳам билса бўладикки, хитойликлар то Фарғона билан танишгунларига қадар Етгисувда яшаган усунларнинг отларига ҳавас билан қараб, уларни учар от, деб таърифлаб келган эканлар. Фарғона арғумоқларини кўргач, мазкур таърифни буларга нисбатан ишлатиб, усунларнинг отларини узоқ ғарб отлари, деб атай бошлаган эканлар. Фарғона отлари баданидан тер ўрнига қон чиқади қабиллидаги ҳайратомуз гувоҳликларни хитой манбаларида тез-тез учратиш мумкин. Арғумоқлар алоҳида парвариш остида бўлиб, бегона кўздан нарида, масалан, Эрши шаҳрида сақланган³. Фарғоналиклар иложи бориша зотдор отларни қўлдан чиқармасликка, ўзга юрт-

¹ Ўша жойда, 149-бет.

² Ўша жойда, 161-бет.

³ Ўша жойда, 162-бет.

ларга тарқалмаслигига интиланлар. Бошқача айтганда, юртимизда ўша узоқ замонлардаёқ наслчилик ишлари билан жиддий ва доимий равишда шуғулланилган.

Юқорида зикр этилган 70 шаҳардан фақат иккитасининг номи бизга маълум. У ҳам бўлса хитойча талаффуздагиси: Эрши ва Ю. Эрши Фарғона маркази, ҳукмдор қароргоҳи ҳисобланиб, икки қатор девор билан ўралган. Ҳукмдор саройи афтидан шаҳар ички қисмида, ташқи қисмида эса хунармандчилик устахоналари, савдо расталари жойлашган. Зикр этиб ўтилган озиқ-овқат, қурол-аслаҳа омборлари ҳам шаҳарнинг ички қисмидан ўрин олган. Ю ҳам мустаҳкам девор билан ўралган шаҳар бўлган. Эрши аҳолиси илгаридан оқар сувлардан истеъмол қилиб келган бўлса-да, хитойликлар босқини даврида босқинчилар томонидан дарё сувининг бўғиб қўйилиши натижасида шаҳар худудида кудуқ қазиш ҳам расм бўлган¹.

Фарғонанинг атроф ўлкалар билан сиёсий алоқаларига назар ташланса, милоддан аввалги 1-мингйиллик ўрталарида, яъни аҳамонийларнинг Туркистонга бостириб кирган даврида Фарғонанинг тақдири хусусида бир сўз айтиш қийин. Чунки бу борада маълумот йўқ. Демак, Фарғона ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Александр истилоси йиллари хусусида ҳам Фарғонага боғлиқ аниқ ва лўнда ёзма маълумот йўқ. Шу билан бирга юнонлик тарихчиларнинг қўйидаги маълумотлари қизиқиш уйғотмай қолмайди. Александр тахминан ҳозирги Бекобод яқинида Чекка Александрия (Александрия Эсхата) номини олган ҳарбий истеҳком-шаҳарчани бунёд этиб, ундан Сирдарёнинг шимоли-шарқий томонларида яшовчи скифларга (саклар) қарши фойдаланмоқчи бўлган. Квинт Курций Руфнинг ёзишича, бу ҳол Танаиснинг (Сирдарёнинг) нариги (шарқий? шимолий?) томонида ҳукмронлик қилаётган скифлар (саклар) подшоҳининг аччиғини чиқаради ва у ўз укаси Картазис, яъни Картазни юнонликларга қарши юбориб, истеҳкомни бузиб ташлашни буюради. Ўзаро тўқнашув охир-оқибатда сулҳ билан тугайди. Биз урғу бермоқчи бўлган масала саклардан 20 отлиқ элчиларининг Александр қароргоҳига келишлари билан боғлиқ. Уларнинг юнонлик ҳукмдорга қарата айтган сўзларига эътибор берайлик: «Билгинки, биз скифларга (сакларга) шундайин неъматлар ато этилган: қўш, найза, камон ва қадах... қадахларда биз худодлар номига вино ичамиз»². Қўш деҳқончилик, қадах,

¹ Ўша жойда, 164—168-бетлар.

² История Узбекистана в источниках, с. 128.

вино, узумчилик эканлигини инобатга олсак, булар ахир биз юқорида таъкидлаган Фарғона ҳаётига хос кўри-нишлар эмасми!? Агар бизнинг бу фаразимиз тўғри бўлса, унда ўша саклар (фарғоналиклар) элчиларининг Александрга баён этган қуйидаги сўзлари эътиборга мо-ликдир: «Агар худо сенинг танангни иштиёқингга яраша бичиб яратганида, сен (ҳатто) бутун Ер юзига (ҳам) сиф-маган бўлардинг; бир қўлинг билан машриқни тутсанг, иккинчиси билан мағрибга интилардинг. Уларга етиш-гач сен албатта яратганининг нури ўчоғини билишни ҳам хоҳлаб қолардинг... Сен билмайсанми, ахир улкан дарахт узоқ вақт ўссада, бир зумдаёқ қўпориб ташланади... Биз ҳеч кимга бош эгмаймиз, бировни итоат эттиришни (ҳам) хоҳламаймиз, фақат ўзаро тенглар ўртасидагина мустақкам дўстлик бўлиши мумкин, ўзаро тенг деб эса бир-бировларига куч ишлатмаганларни айтиш мумкин... Скифлар (саклар) қуруқ қасам ичиб дўстликка ундаяпти-лар, деб ўйлама, улар учун қасам содиқлик гаровидир. Сиз юнонликлар эҳтиёткорлик юзасидан аҳднома имзо-лайсизлар ва бунда худоларга ҳам илтижо қиласизлар. Содиқликни сақлаш бизнинг дину имонимиздир. Ким-ки инсонни ардоқламаса, у худоларни алдаган бўла-ди...»¹. Мазкур сатрлар орқали қадимги аждодларимиз дунёқарашни, қадриятларини ва улардаги мавжуд элчи-лик расм-русумлари хусусида тегишли хулосалар чиқа-риб олишимиз мумкин.

Фарғонанинг милоддан аввалги 1-мингйилликнинг сўнгги асрларидаги ташқи сиёсий алоқаларида Хитой алоҳида ўрин тутган. Аслида қадимдан Хуанхэ дарёси-нинг ўрта оқимида асос топган ва милоддан аввалги 1-мингйилликнинг сўнгги асрларида шу воҳа чегарасида ички сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тараққиёт ва таш-қи тажовузлар (масалан, хунлар) таъсирида яшаб кел-ган Хитой давлати милоддан аввалги II асрда Хан суло-ласи даврида ғарбга томон интила бошлайди. Бу эса ўз ўрнида хитойликларни ўзларидан ғарбдаги халқлар, жумладан, II асрнинг сўнгги чорагида эса Фарғона билан кескин сиёсий-ҳарбий алоқаларга киришишга олиб келади. Хитойликларнинг узоқ Хуанхэ дарёси во-ҳасидан Фарғонага интилишлари сабабини ўша замон хитойлик муаллифлар шундай тушунтирганлар: Хан су-лоласи хунларга қарши фарғоналиклар билан иттифоқ тузишга интилган. Аммо бизнингча, аслида Хан суло-ласи Туркистоннинг мазкур худудларида ўз сиёсий таъ-

¹ Ўша жойда, 129-бет.

сирига эга бўлиш ва бундан ғарбдаги мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва, шароит туғилса, фаол сиёсий муносабатлар олиб боришда фойдаланиш мақсадида эди.

Тахминан милоддан аввалги 129—128 йиллари Фарғонага Хитой элчиси Чжан Цян келади. Чжан Цяннинг асл мақсади минтақанинг Бақтрия қисмида ҳукмрон юечжилар билан хунларга қарши иттифоқ тузиш бўлиб, йўл-йўлакай Фарғонага ҳам кирган ва шу тариқа биринчи бор бу ўлка билан танишган. Фарғона ҳукмдори уни яхши қабул қилиб, кетар чоғида унга йўл кўрсатувчи алоқа (почта) хизматчиларини ҳамроҳ қилиб беради. Чжан Цян сафарни тугатиб Хитойга қайтгач Хан сулоласи ҳукмдорига ўз таассуротлари ва маълумотларини сўзлаб беради. Чунончи, у «агар уларни бўйсундириш тадбири эпланса, Хитой мулкини (ғарбга томон) яна қарийб 10 минг лига (тахминан 5.800 км) кенгайтириш мумкин» деб алоҳида таъкидлайди¹. Бундан руҳланган ҳукмдор аввалига ғарбий ўлкаларга жосусларни юбориб, у ерлик ҳукмдорларни ўзаро низолаштириш тадбирларини амалга оширишни буюради. Кейинчалик бу томонларга, хусусан Фарғонага ҳам элчилар юбориб туради. Шу ўринда Хитой элчиси Чи Линнинг Фарғонада бўлиши диққатга сазовордир. У кумуш ва олтиндан ясалган кўплаб от ҳайкалчалари билан Фарғонага келиб, эвазига арғумоқлардан сўрайди. Оқсоқоллар кенгаши унга рад жавобини бергач Чи Лин аламидан сўкина бошлайди ва олтин отни улоқтириб чиқиб кетади. Шу тариқа икки томон ўртасига совуқчилик тушади. Фикримизча, Хан сулоласининг мақсади ҳам худди шу бўлиб, Фарғонага бостириб кириш учун баҳона керак эди. Ҳақиқатан, милоддан аввалги 104 йили 6000 отлиқ аскар ва бир неча ўн минг пиёдадан иборат Хитой лашкари Фарғона водийсида жойлашган Ю шаҳрига ҳужум қилади. Мудофаачиларнинг мардонавор қаршилигига қарамай, узоқ жанглардан сўнг шаҳар душман кўлига ўтади. Аммо, кўплаб аскарларини йўқотган оч-наҳор Хитой лашкари орқага қайтишга мажбур бўлади². Афтидан, улар Фарғонанинг асосий кўшини етиб келиб қолишидан чўчиган бўлсалар ҳам керак. Тахминан худди шу йили хитойликларнинг 20 минг отлиқдан иборат бошқа бир лашкари ўз сардори

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 154.

² Ўша жойда, 163-бет.

Шо Йе Хэу бошчилигида хунларга таслим бўлади. Аччиғи чиққан Хан сулоласи ҳукмдори нима қилиб бўлса ҳам Фарғонага ҳарбий юришни давом эттиришни талаб қилади. Хитойнинг Фарғонага интилиши шу қадар кучли бўлганки, бу сафарги юришда 60 минг кўшин, уларга хизмат қилувчи 100 минг хўкиз, 30 мингга яқин от, 10 минггача хачир, эшак, туя иштирок этган. Лашкарнинг турли қисмларига бошчилик қилиш учун 50 нафар йирик лашкарбоши тайинланган. Ҳарбий юришга шунчалик жиддий тайёргарлик кўрилганки, Фарғона пойтахти аҳли оқар сувдан истеъмол қилишини олдиндан билган хитойликлар ўзлари билан дарё сувини бўғиш бўйича усталарни ҳам бирга олиб кетганлар. Хуллас, хитойлик муаллиф тили билан айтганда, бу сафар (тахминан милоддан аввалги 102—101 йили) «бутун (Ўрта) подшоҳлик (яъни Хитой — А. 3.) жунбушга келганди»¹. Хитой кўшини аввалига халқнинг қаттиқ қаршилигига тўқнаш келади. Оғир жанглардан сўнг фарғоналиклар Эрши шаҳрига чекинадилар ва шу тариқа шаҳар қамали бошланади. Хитойликлар шаҳарни сув билан таъминловчи дарёни бўғиб қўядилар. Пойтахт узоқ муддат сувсиз қолиб, бу ҳолат мудофаачиларга таъсир қилмай қолмайди. Душман ташқи деворни бузиб, шаҳар ҳудудига кирганида ҳам ҳимоячилар ички қалъада туриб урушни давом эттираверадилар. Бу орада фарғоналиклар қудуқ қазиб сув билан таъминланиш масаласини ҳам ҳал қиладилар. Иккинчи томондан, Хоразм кўшини (кангюйликлар) фарғоналикларга ёрдамга келгани ҳақида хабар тарқалади. Шунда хитойликлар сулҳ тузиш йўлига кирадилар. Келишувга биноан уларга «бир неча арғумоқ ва 3000 бош ўрта ва паст зот тойча ва бия» насиб этади². Хитойликларнинг Фарғонага уюштирган иккинчи ва сўнгги ҳарбий юриши шу тариқа барбод бўлади.

Фарғонанинг Хитой билан олиб борган савдо-иқтисодий алоқалари ҳам қизиқиш уйғотмай қолмайди. Чжан Цян илк бор Фарғонада бўлиб қайтгандан сўнг бу юртга узоқ Хитойдан бирин-кетин савдо карвонлари қатнай бошлайди. Табиий равишда улар хитойлик хунармандлар ишлаган нафис буюмларни келтириб, уларни Фарғона ажойиботлари, масалан, отлар, деҳқончилик маҳсулотларига айирбошлашга ҳаракат қил-

¹ Ўша жойда, 164-бет.

² Ўша жойда, 165—166-бетлар.

ганлар. Чунончи, Чжан Цяннинг узум ва беда ўсимлиги ҳақида ўз ҳукмдорига етказган маълумотидан сўнг олий фармонга кўра шу икки ўсимлик кўчати ва уруги элчилар, савдогарлар орқали Хитойга олиб кетилади ва ҳосилдор ерларда парвариш қилина бошланади. Шу тариқа хитойликлар узум ва бедани ўзлари учун кашф этганлар. Бартольд фикрига қараганда, тахминан шу даврда Фарғона орқали хитойликлар пахтачилик билан ҳам илк бор танишганлар¹. Бу ерда *пахта* ва унинг қадимги Хитой иероглифида *пак* қабилида ифодаланиши диққатни тортмай қолмайди. Аммо пахтачилик билан росмана шуғулланишни хитойликлар анча кейин бошлаганлар. Умуман олганда, фарғоналиклар савдосотиқ ишларида моҳир ҳисобланганлар. Милоддан аввалги I-мингйилликнинг сўнги асрларида шакллана бошлаган Буюк Ипак йўлининг шимолий йўналиши худди шу Фарғона орқали ўтгани бежиз эмас, албатта.

ТОХАРИСТОН

Милоддан аввалги I-мингйилликнинг сўнги II—I асрларига келиб минтақанинг Бақтрия қисмида яна бир сиёсий бирлик — Тохаристон юзага келади. Аслида «Тохаристон» атамаси ёзма манбаларда дастлаб милодий 338 йилдан бошлаб учраса-да, лекин милоддан аввалги II—I асрларда Бақтрия вилоятида кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва ташқи муносабатлар мажмуини бошқарган кучлар Тохаристон атамаси билан аталса тарихшунослик нуқтаи назаридан тўғри бўлади (кўп ҳолларда шундай бўлиб келган ҳам). Зеро, бу вақтда Бақтрия устидан турувчи асосий сиёсий куч тохарлар (юечжилар) эди.

Тохаристон сиёсий бирлигининг асос топиши тўғрисида сўзланар экан, кўрилаётган даврда кечган этник жараёнларнинг баъзи бир томонлари тўғрисида ҳам тўхталмасдан бўлмайди.

Хитой манбаларига кўра, милоддан аввалги I асрнинг иккинчи чорагида ҳозирги Шарқий Туркистондаги Турфондан жануби-шарқий ҳудудларда яшаб келган юечжи қабилалари кўшни хунлар тазйиқи остида ғарбга томон ҳаракат қила бошлайдилар. Чунончи, улар Ила дарё воҳасига келиб ўрнашадилар. Бу ерлик усунлар (асиан?) ўз ўрнида юечжилардан арз қилиб, ёрдамга яна

¹ Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. (I). Москва, 1963, с. 437—439.

хунларга мурожаат қиладилар. Тахминан милоддан аввалги 160 йиллари юечжилар хунларнинг навбатдаги сиқувига бардош беролмай янада ғарбга томон силжийдилар¹. Албатта, юечжиларнинг шарқдан ғарбга томон кўчишлари осон кечмаган. Бир томондан, хунлар тазйиқи, иккинчи томондан, маҳаллий қабилалар билан кураш — буларнинг бари юечжилар учун катта қийинчиликлар туғдиргани табиий. Масалан, улар Ис-сиққўлнинг ғарбий ҳудудларида маҳаллий сак қабилалари билан тўқнаш келганлар. Хитой муаллифлари сўзига қараганда, саклар бу жанглардан кейин жануби-ғарб томон чекинишга мажбур бўлган эканлар. Шу орада юечжилар усунлар томонидан мағлубиятга учрайдилар.

Шу туфайли улар энди тўғридан-тўғри Сўғдиёна ҳудудига кириб борадилар. Бу воқеа тахминан милоддан аввалги 130 йилларда юз берган. Хитойлик тарихчилар ўз баёнларида давом этиб, шундан сўнг юечжилар Бақтрия томон ҳаракатга тушадилар, деб ёзадилар². Аммо бу юришнинг сабаблари кўрсатилмаган. Нимагадир масаланинг бу томони ҳозирги тадқиқотчиларни ҳам қизиқтирмай келмоқда. Зеро, бирон-бир манбада (шу жумладан, юнон тарихчилари ҳам) юечжиларнинг Бақтрияга бостириб киришларининг сабаби ё бўлмаса шунга бирон ишора кўрсатиб ўтилмаган. Агар юечжиларнинг Шарқий Туркистондан Бақтрияга ҳаракатлари хусусидаги хитойлик муаллифларнинг гувоҳликлари чин ҳақиқат ё шунга яқин бўлса, у ҳолда юечжиларнинг Сўғдиёнани тарк этишга мажбур этган куч бу Хоразм бўлиши керак. Зеро, Сўғдиёна илгари айтиб ўтилганидек, тахминан II аср ўрталаридан бошлаб Хоразмнинг таъсир доирасида бўлиб келган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: юечжиларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчишидаги умумий сони қанчалик бўлган? Бир неча марта тилга олганимиз Чжан Цян гувоҳликлари асосида битилган маълумотларда бу ҳақда шундай дейилади: юечжилар 100 000 хонадон, 400 000 кишидан иборат; аскарларининг сони 100 000 дан 200 000 гача³. Афтидан, бу юечжиларнинг кўч-кўчи бошлангунга қадар бўлган нуфусига тааллуқли бўлиши керак. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, у

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 147—183—190—191.

² Уша жойда, 151-бет.

³ Уша жойда, 151—183-бетлар.

ҳолда юечжиларнинг 30—35 йил давомидаги оғир кечмишларидан сўнг улар ҳам сон жиҳатдан, ҳам зарб жиҳатдан ўз қобилиятларини сақлаб қололганмиканлар? Масаланинг бу томонига ўз вақтида С. П. Толстов ҳам эътибор қаратиб ўтганди¹. Ахир Бақтрияни эгаллашнинг ўзи осон эмас-ку?

Хитойлик муаллифлар қолдирган маълумотлардаги англашилмовчиликлардан яна бири шундан иборатки, юечжилар ғарбга томон одимлар эканлар, табиий равишда, йўл-йўлакай маҳаллий сиёсий кучлар билан кескинлик муносабатига кирган бўлиши керак.

Худди шундай ҳол уларнинг Фарғона орқали юришларида ҳам содир бўлганига шубҳа қилмаса бўлади. Аммо хитойлик тарихчиларга қулоқ тугилса, Чжан Цян илк бор Туркистон минтақасига, жумладан, Фарғонага қадам қўяр экан, нимагадир Фарғона ҳукмдори уни илиқ кутиб олади ва яқиндагина бу ердан бостириб ўтган юечжилар олдига иттифоқ истаб кетаётганини билгандан сўнг ҳам ҳатто ҳамроҳ бериб, элчини Бақтрияга кузатиб қўйишни топширади². Хуллас, хитойлик муаллифларнинг юечжиларнинг шарқдан ғарбга томон юришларига оид гувоҳликларини тўғридан-тўғри қабул қилиб бўлмайди, дейишга асос бор. Уларни танқидий ўрганиш лозим.

Хўш, юнонлик муаллифларнинг мазкур масалага назарлари қандай? Помпей Трог, Страбонларга кўра, Бақтрияни кўрилаётган даврда сараук, сакаравл, асиан (аси) ва тохарлар каби скиф қабилалари эгаллаб олган³. Аввал ҳам бўлганидек (Хоразм — Қанға), мазмунан бир воқеа, яъни милоддан аввалги 130 йилларда шимолдан келган куч томонидан Бақтриядаги сўнгги юнонлар сиёсий сулоласининг афдариб ташланиши тўғрисида гап кетар экан, юнонликлар юечжи хусусида, хитойликлар эса тохарлар борасида бирон-бир нима демаганлар⁴. Бу ҳақда билмаганлар ҳам. Янада аниқроқ айтганда, хитойлик муаллифлар Бақтрия ҳукмронлигидан юнонликларни афдариб ташлаш билан боғлиқ жараёни таърифлашга ўзлари юечжи номи остида билган қабилаларнинг хунлар билан муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашганлар. Туркистонни хитойликлар-

¹ Древний Хорезм, с. 246.

² Собрание сведений, т. 2, с. 148.

³ История Узбекистана в источниках, с. 164, 173—174.

⁴ Милоддан кейинги асрларда хитойлик тарихчилар Бақтрия-Тохаристон боғлиқлигини барибир эътироф этганлар (қarang: Собрание сведений, т. 2. с. 268, 322).

дан кўра анча илгари ўзлари учун «кашф» этган юнонликлар мазкур масалада бир қадар аниқ фикр юритиб, бу жараёнда қатнашган алоҳида қабилалар номини (тохарлар, сакаравлар, асианлар) тилга олиб ўтганлар. Фикримизча, худди шу ҳол олимлар учун юечжиларни тохарлар ё бўлмаса массагетлар билан айнан деб топишга интилишлари учун тегишли шароит яратиб берган.

Хуллас, милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Бақтрияда юнонликлар ҳукмронлигининг узил-кесил ағдарилишига бош сабаб, хитой манбалари кўрсатиб келганидек, юечжиларнинг хунлар тазйиқидан қочиб келиб, Бақтрияни «мажбуран» забт этишлари билан боғлиқ эмас. Асосий сабабни Орол бўйидан то Кўккўлгача бўлган улкан ҳудудда мавжуд, кўп жиҳатлардан бир-бирига яқин кучлар томонидан юнонликларнинг минтақада сақланиб қолган сўнгги «сиёсий сарқити»ни йўқотиш йўлидаги ҳаракатлар орқали тушунтирмақ керак. Ана шу кучлар орасида тохарлар (хитойликлар наздида юечжилар) кўрилайётган даврда Бақтрия ҳаётида катта сиёсий мавқега эга бўлганлар.

Шундай қилиб тахминан милоддан аввалги 130 йили Бақтрияда юнонликлар таъсирига узил-кесил чек қўйилган.

Тохаристон бошқаруви масаласига келсак, шимолдан кириб келган тохарлар (юечжилар) ҳамда маҳаллий мавқедор доиралар фаолияти бешта сиёсий хонадон билан боғлиқ бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Хитойлик муаллифларга кўра улар қуйидагилардан иборат бўлган: Хюми, Шуанми, Гуйшуан (Кушон), Хэйтун, Гаофу¹. Уларнинг ҳар бири устидан турувчи сардор йабғу (жабғу) унвонига эга бўлиб, ҳар бир йабғу ўз қароргоҳида ўтирган. Масалан, Хюми сардори (ҳокими) Ҳомо шаҳрида, Шуанми ҳокими Шуанмида, Гуйшуан ҳокими Хотзода, Хэйтун ҳокими Бомада, Гаофу ҳокими Гаофуда турган. Афтидан, бирон-бир хонадон иккинчисининг устидан ҳукмронлик қилиш имконига эга бўлмаган. Чжан Цяннинг «Дахя (Бақтрия) аслида олий ҳукмдорга эга эмас, ҳар бир шаҳарнинг ўз ҳокими бор» қабилдаги гувоҳликлари² шу хулосага олиб келади. Фикримизча, хитой манбаларида тилга олинган «ҳар бир шаҳар» мавжуд беш сиёсий сулола

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 184.

² Уша жойда, 152-бет.

бошлиқларининг қароргоҳларини англатиши керак. Шу билан бирга бу беш мулк (сулола) юечжиларга қарам, юечжиларнинг пойтахти эса Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган, каби таъкидларни ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Афтидан, юечжилар (тохарлар) кейинги даврлардаги эфталийлар, чингизийларга ўхшаб ўлкани «четдан туриб» бошқарганлар. Буни тасдиқловчи маълумотларни биз яна хитой манбаларидан топишимиз мумкин. «Катта юечжи аслида кўчманчи давлат. Аҳли мол-ҳоли билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради, урф-одатлари хунларникига ўхшаш»¹. Шундай қилиб Тохаристон сиёсий-маъмурий бошқарувида оид қуйидаги хулосага келиш мумкин.

Тохарлар (юечжилар) Бақтрияда ҳукмрон сиёсий куч сифатида вилоятнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига кўп ҳам аралашмай, асосан ўз турмуш тарзларидан кечмаган ҳолда мавжуд маҳаллий сулолалар билан маълум асосларда (масалан, солиқ олиш) муносабатда бўлганлар. Ўз ўрнида тилга олинган беш сиёсий хонадон бир-бирларига нисбатан мустақил бўлсалар-да, аммо тохарларга нисбатан сиёсий қарам бўлганлар. Фараз қилиш мумкинки, сиёсий сулолаларнинг бир-бирига нисбатан мустақиллиги уларнинг барининг тохарларга қарамлигидан келиб чиққан. Бақтрияга келиб ўрнашиб олган вақтларидан (милоддан аввалги II аср) то Кушонлар давригача (милодий I асрнинг иккинчи ярми) тохарлар турмуш тарзида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Уларнинг, айниқса, маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб кетганликлари, тўла кўчманчилик турмуш тарзидан ярим кўчманчи, ўтроқ ҳаёт кечириш йўлига ўтиб борганликлари бегумон. Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтмоқ керакки, Бақтриянинг ўзида ҳам кўчманчи ҳаёт кечирувчи маҳаллий қабилалар ҳам бўлган. Милодий I асрнинг иккинчи ярмига келиб эса тилга олинган беш сиёсий сулоладан бири гуйшуанлар вилоятда ўз сиёсий ҳукмдорликларини ўрнатишга муваффақ бўладилар ва шу тариқа Кушонлар (Гуйшуанлар) фаолияти билан боғлиқ янги давр бошланади.

Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, бу вақтда Бақтрияда бир миллионга яқин аҳоли яшаган. Тохаристон сиёсий бирлиги фуқаролари ҳақида сўзланар экан, фақат тохарлар (юечжилар) билан боғлиқ ҳоллар

¹ Ўша жойда, 151-бет.

тўғрисида тўхталмасдан, балки умуман Бақтрия аҳолиси машғулотли, касби-кори ва маданий тараққиёти хусусида мушоҳада қилинса, тарихий ҳақиқат ёритилган бўлади. Шу нуқтаи назардан олганда Бақтрия аҳолисининг умуман минтақа маданий тараққиётида тутган ўрнини эшлаш ўринли бўлади. Албатта, тохарлар ҳукмронлиги йиллари мазкур анъаналар ривожланишдан тўхтамаганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ҳақиқатан, бу вақтда деҳқончилик, сунъий суғориш, хунармандчилик, қурувчилик, ҳайкалторошлик, заргарлик, тўқимачилик каби соҳалар ривож топиб борганини археологик қазилмалар, мавжуд ёзма манбалар орқали билиб олиш мумкин. Шунингдек бу даврда танга зарб этиш давом этганлиги, савдо-сотиқнинг гуркираб ривожланганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Зеро, Бақтрия азалдан Туркистоннинг юқори қисми, Ҳиндистон, Ўрта, Яқин, Шарқ ўлкалари, Кичик Осиё ва Жанубий Европа мамлакатлараро савдо алоқаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келган.

Тохаристоннинг ташқи алоқалари хусусида маълумотлар айтарлик кўп эмас. Масалан, юнон муаллифлари ҳикоя қилишларича, тахминан милоддан аввалги 124—123 йили тохарлар шарқдаги қўшнилари Парфия билан жангга кирганлар. Афтидан, тохарлар Парфиянинг шу йиллардаги заиф сиёсий мавқеидан фойдаланиб қолишга интиланлар. Бўлиб ўтган жангда парфиялик ҳукмдор Артабаннинг оғир яраланганлиги тўқнашувлар шиддатли кечганини кўрсатади. Кейинги парфиялик ҳукмдор Митридатнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина тохарларнинг шарққа томон интилишларига чек қўйилган¹.

Бир неча марта тилга олинган хитойлик элчи Чжан Цяннинг юртимизга қадам қўйишининг асосий сабабларидан бири ҳам юечжилар (тохарлар) билан иттифоқ тузишдан иборат бўлган. Хитой тарихчиларининг баён қилишларича, хунлар тазйиқидан безган Хитой ҳукмдори Бақтрияда ҳукмронлик қилаётган юечжилар олдига ўз элчисини юбориб, улар билан хунларга қарши иттифоқ тузиш вазифасини юклайди. Хитой ҳукмдорининг айнан юечжилар билан иттифоққа кириши сабаби, юқорида айтилгандек, юечжи ва хунлар ўртасида бўлиб ўтган зиддиятлар орқали тушунтирилади. Гўё юечжилар хунларга қарши жангга кириш имконига эга

¹ История Узбекистана в источниках, с. 162.

бўлмаганликларидан афсусланганлар ва бу ҳақда хабар топган Хитой ҳукмдори улар олдига элчи юборган. Оғир қийинчиликларни бошидан кечирган Чжан Цян тахминан милоддан аввалги 128 йили Тохаристонга етиб келади. Аммо янги жойда тинч ҳаёт кечириш йўлига ўтиб олган, жангу жадаллардан узоқ юечжилар хитойликлар таклифини қабул қилмайдилар. Бақтрияда бир йил давомида тургач Чжан Цян ўз юртига қайтиб кетади. Фикримизча, хитойлик расмий тарихчиларнинг мазкур маълумотлари¹ кўп ҳам ишонч туғдира олмайди. Чжан Цяннинг сафари юечжилар билан иттифоқ ўрнатишдан кўра умуман минтақа тўғрисида тегишли маълумотлар тўплаш билан боғлиқ бўлган, десак адашмай-миз. Ҳақиқатан, Чжан Цян эсон-омон ўз ҳукмдори хузурига қайтиб борганидан сўнг минтақанинг Фарғона, Еттисув, Сўғдиёна, Бақтрия, Парфия каби вилоятларига оид қимматли маълумотларни унга бирма-бир баён этади. Кучга тўлиб бораётган Хитой давлатининг ғарбга томон интилишларида элчининг мазкур гувоҳликлари қанчалик стратегик аҳамиятга эга бўлганлигини хитойликларнинг, масалан, Фарғонага қарши юришларида кўриб ўтдик.

Шундай қилиб, милоддан аввалги 1-мингйилликнинг сўнги асрларида фаолият кўрсатган Тохаристон сиёсий бирлиги тўғрисида хотима ясар эканмиз, ёзма маълумотларнинг оз бўлишига қарамай бир нарса аниқки, давлатчилик тарихимизнинг энг қадимги даврида Тохаристон ўз муносиб ўрнига эга бўлган. Милодий I—IV асрларда донг таратган кушонийлар сулоласи фаолияти билан боғлиқ салтанатнинг асос топишида худди шу ўтган давр шарт-шароитлари муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Демак, милоддан аввалги 1-мингйилликдаёқ мамлакатимизда давлатчилик асослари қарор топиб, мазкур жараёнда Хоразм, Бақтрия, Парфия, Фарғона ва Тохаристон каби сиёсий birlikларнинг ўрни алоҳида бўлган. Турли давр шарт-шароитларида ўлканинг табиий, географик, ақлий имкониятларини ривожлантириб юксакликка кўтаришда, ўша қадим замонлардаёқ дунё ҳамжамияти маданий тараққиётида ўз муносиб ўрни-мизни мустаҳкамлашда улар муҳим омил бўлиб хизмат қилганлар.

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 147—149.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ МИЛОД БОШИДАН ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА

Мамлакатимиз давлатчилиги тарихида янги милодий даврнинг бошланиши кушонийлар сулоласи фаолияти билан боғлиқ. Кушонийлар милодий I—IV асрларда Туркистоннинг каттагина қисмида сиёсий ҳукмронликни ўз қўлида тутиб турган куч ҳисобланади. Энг муҳими, кушонийлар минтақадаги деярли барча сиёсий бирликлар, маконларни ва ҳатто қўшни мамлакатларни ҳам бир сиёсий марказ атрофида бирлаштириб ўзбек давлатчилиги тарихида салтанатчилик босқичини очган сиёсий куч ҳисобландилар. Улар шимолда Шоц, шарқда — Шарқий Туркистон, ғарбда — Эрон, жанубда — Шимолий Ҳиндистонгача бўлган улкан худудни бирлаштиришга эришганлар. Кейинчалик бу анъана эфталийлар, сомонийлар, ануштегинийлар, теурийлар, маълум маънода шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам давом этди.

Ҳақиқатан милодгача кечган асрларда на Хоразм ва Бақтрия, на Фарғона ва Тохаристон сиёсий кучларига бутун минтақа ва унинг атрофидаги мамлакатларни ягона марказ остида бирлаштириш насиб этмаганди. Таъкидланганидек, ўзбек давлатчилиги тараққиётидаги салтанатчилик босқичини очиб берган айнан кушонийлардир.

КУШОНИЙЛАР

Юқорида Тохаристонда мавжуд беш сиёсий хонадон (Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хэйтун ва Гаофу) тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. Милодий давр хитой солномачилари гувоҳлигига қараганда, шулардан бири гуйшуанлар тахминан милодий I асрда Бақтрияда ўз ҳокимиятларини бутунлай ўрнатишга муваффақ бўладилар. Хитой манбаларида гуйшуанларнинг бу вақтдаги сардори сифатида Киоцзюкю кўрсатилади¹. Археологлар

¹ Ўша жойда, 227-бет.

қазишмалари натижасида топилган тангалар бўйича аниқланишича, Киоцзюкю асли Кужула Кадфиз номининг хитойча жаранглаши экан. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Гуйшуан атамаси аслида Кушоннинг хитойча ифодасидир.

Ханузгача кушонийлар орасидан чиққан биринчи расмий ҳукмрон қайси йилдан бошлаб ҳокимият юргиза бошлагани аниқ эмас. Шунинг учун ҳам баъзи бир олимлар бу масалада I асрни кўрсатсалар, баъзилари II, ё бўлмаса III асрни тўғри деб биладилар¹. Бундай қараганда ҳаммасининг ҳам гапида жон борга ўхшайди. Фикримизча, кушонийлар минтақа сиёсий майдонига шахдам қадам қўйган йилларни I аср билан боғласа тўғри бўлади. Зеро, яна ўша хитой манбаларига мурожаат қилинса, юечжилар Бақтрияни босиб олганларидан «юз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг гуйшуанлар сардори Киоцзюкю бошқа тўрт ҳокимликнинг ҳам (яъни Хюми, Шуанми, Хэйтун, Гаофу сулолаларининг) ҳукмдори деб эълон қилинди» қабалидаги маълумотларни топамиз². Агар хитойлик тарихчилар кўрсатиб ўтганларидек, юечжиларнинг Бақтрияга кириб келиши тахминан милоддан аввалги 130 йилларга тўғри келса, у ҳолда кушонийларнинг дастлаб Бақтрия устидан ўз сиёсатини ўтказишлари милодий I асрда содир бўлганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Кужула Кадфиз Бақтрияни бўйсундирганидан сўнг энди қўшни вилоятлар сари отланиб, Сўғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмини ҳам эгаллашга эришади. «Киоцзюкю саксон йилдан ортиқ умр кўради. Вафотидан сўнг унинг ўғли Янгаочжен тахтга ўтиради ва яна бир бор Ҳиндистонни забт этади... Шу вақтдан бошлаб юечжи (яъни кушонийлар — А. З.) энг қудратли ва бадавлат сулола бўлиб қолди», деб ёзганди хитойлик муаллиф³. Демак, Кужула Кадфиздан сўнг олий ҳокимият унинг ўғли Янгаочжен, яъни тангалардаги ёзувларга кўра аслида Вима Кадфиз қўлига ўтади. У кўпроқ Кадфиз II номи билан машҳур. Кушонийлар ҳокимияти чегараларини кенгайтириб бориш борасида Кадфиз II ҳам бўш келмаган. Чунончи, Ҳинд дарёси қуйи оқимлари, ҳатто Ганг дарёси водийсигача бўлган ерларни ҳам ўз ихтиёри доирасига тортишга муваффақ бўлади.

¹ Бу ҳақда қаранг: Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. 2, Москва, 1974.

² Собрание сведений, т. 2, с. 227.

³ Ўша жойда.

Кушонийлар номи билан боғлиқ салтанат тараққиётининг энг юқори чўққига чиққан даври Канишка ҳукмронлиги йилларига тўғри келади (тахминан I аср охири — II аср биринчи чораги). Канишка кушонийлар қудратига қудрат, шуҳратига шуҳрат қўшишда жуда катта саъй-ҳаракатлар қилган ҳукмдор. Бу вақтда салтанат Ҳиндистон марказларигача чўзилиб, ҳатто Ҳинд заминининг жанубий вилоятларига ҳам жиддий таҳдид солина бошлайди. Бундан ташқари Сўғдиёна орқали Фарғона, Шарқий Туркистон ҳам кушонийлар ҳокимиятини тан олади¹. Баъзи бир адабиётларда Хоразм ҳам кушонийлар сиёсий таъсири остида бўлган, қабалидаги таъкидлар учраса-да, аммо энг сўнгги тадқиқотларга кўра Хоразм иқтисодий, маданий жиҳатдан кушонийлар билан яқин муносабатда бўлган, лекин сиёсий қарамликка тушмаган². Аммо бир нарса аниқки, Канишка замонида Туркистоннинг асосий қисмлари бир сиёсий ҳокимият остида бирлашиб, қудратли салтанат вужудга келган.

Канишка тахминан чорак аср атрофида ҳукмронлик қилган. Ундан кейинги ҳукмдорлар фаолияти давомида кушонийлар салтанати секин-аста заифлашиш йўлидан боради. Канишкадан кейин ҳокимиятни тебратган давлат бошлиқлари қуйидагилардир: Васишка, Ҳувишка, Канишка II, Васудева, Канишка III, Васудева II. Афсуски, кушонийлар салтанатининг мазкур ҳукмронлар даврида кечган аҳволи тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Аммо шу нарса аниқки, салтанатнинг жуда катта ҳудудга чўзилганлиги, унинг барча қисмларини мустаҳкам боғлаб турадиган ягона мафкуравий муҳитнинг йўқлиги, марказий ҳокимиятнинг заифлашиши, маҳаллий вилоятларнинг мустақилликка интилишлари билан боғлиқ бошбошдоқлик жараёнининг кучайиши, марказнинг Сўғдиёнадан Пешоварга кўчирилиши (Канишка даврида), ташқи кучларнинг таъсири — барча-барчаси кушонийлар ҳукмронлигига чек қўйилишига олиб келган. Бундан ташқари кейинги даврларда кушонийлар орасида ўзаро келишмовчиликларнинг юзага келиши ҳам салтанатга нисбатан қаттиқ зарба бўлган. Хитойлик тарихчиларнинг юечжилик «Цидола (Кидара) ўз лашкари билан баланд тоғлар ошиб Шимолий Ҳиндистонга ҳужум қилди ва Гантолодан (Шимоли-Фарбий Покистон) шимолда жойлашган беш давлатни (мулкни)

¹ Сикха Н. К., Банерджи А. Ч. История Индии. Москва, 1954, с. 80—81.

² Вайнберг Б. И. Монеты древнего Хорезма. Москва, 1977, с. 87—89.

босиб олди» каби гувоҳликлар фикримиз далили бўла олади¹. Кўриб турганимиздек, кушонийлар орасидаги бошбошдоқлик жараёни жуда қалтис ва кенг ҳудудда кечган. Хуллас, юқоридаги сабаблар бир бўлиб IV асрда кушонийлар сиёсий фаолиятига чек қўйган.

Кушонийлар даврида салтанат қай йўсинда бошқарилган? Айтиб ўтилганидек, аввалда кушонийлар ҳам йабғу унвонида ўз сулолалари доирасида фаолият кўрсатганлар. Салтанатга асос солинганидан сўнг минтақа учун анъанавий сатрапиялар тизимидан кенг фойдалана бошланган. Сатраплар олий ҳукмдор томонидан унинг ишончини қозонган, чамаси ўз доираси намояндалари орасидан танланган. Шу билан бирга сатраплик лавозимига ҳарбий юришларда жонбозлик кўрсатган лашкарбошилар ҳам лозим топилган вақтлар бўлган. Умуман олганда эса сатраплар бақтрияликлар орасидан бўлиши шарт эди.

Албатта, салтанат таянчи бўлиб кушонийларнинг кўп сонли яхши қуролланган қўшини ҳисоблангани ҳам шубҳасиз. Ҳозирча кушонийлар қўшинининг умумий сони қанча бўлгани тўғрисида аниқ фикр айтиш қийин. Шу билан бирга кушонийларнинг Шарқий Туркистонда хитойликларга қарши 70 минг лашкар билан чиққанини ҳисобга олиб, уларнинг умумий ҳарбий қудрати 150—200 минг аскар атрофида бўлган бўлса ажаб эмас, дейиш мумкин. Қўшин отлиқ ва пиёда аскарлардан иборат бўлиб, отлиқлар зириҳга чулганган ҳолда жангга кирганлар. Жанг қуролларига қуйидагилар кирган: узунлиги 1 метрдан ошиқроқ ҳар икки томони ўткир қилич, ханжар, найза, жанговар болта, сопқон. Кушоний ҳарбийлар узоқдан туриб жанг қилишда асқотадиган камонни такомиллаштириш борасида ҳам маълум ишларни қилганлар. Чунончи, суяк ё шох билан қопланган мураккаб қўш камон айнан кушонийлар даврида яратилган. Кейинчалик эса бу камон тури Уралолди ерлари орқали Шотландиягача, Шарқда Эрон, Ҳиндистон ва Хитойгача тарқаб борган².

Кушонийлар даври иқтисодий муносабатлари ҳақида сўз кетганда, энг аввало шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, минтақа аксар қисмининг сиёсий бир бутунлиги ягона иқтисодий маконни юзага келтирган. Қадфиз II даврида амалга оширилган пул ислоҳоти эса

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 264.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: «Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. Сборник статей. Москва, 1966; журнал «ВДИ», № 3, 1966.

иқтисодий муносабатларни янада жадаллаштириш учун катта омил бўлиб хизмат қила бошлади¹. Мазкур пул ислоҳотини амалга оширишдан асосий мақсад муомага олтин тангаларни киргизиб, пул бирлигининг қадрини ошириш, узоқ-яқин мамлакатлар савдогарларини жалб этишдан иборат эди.

Минтақанинг қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган Сўғдиёна, Бақтрия, Фарғона, Марғиёна вилоятларида кушонийлар даврида ҳам ерни қайта ишлаш, сунъий суғориш борасидаги тажриба янада такомиллашиб борган. Бу вақтда тоғли ва тоғ олди ерларида лалмикорлик ишлари кенг йўлга қўйилган. Шу билан бирга булоқ сувларидан ҳам деҳқончиликда фойдаланишда катта тажриба орттирилган. Шунингдек, Хоразм, Бухоро, Тошкент, Фарғона воҳаларида қатор сунъий суғориш иншоотлари барпо этилган. Масалан, Зарафшон дарёсидан қазилган Шоҳруд, Зандана каналлари, Чирчиқ дарёсидан чиқарилган Салор канали фикримиз далили бўла олади². Тадқиқотларга кўра, бу даврда ғаллачилик, шоликорлик, пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, ем-хашак етиштириш соҳаларига оид барча ўсимлик турлари парвариш қилинган экан. Алоҳида эътибор ўсимликлар навларини яхшилаш ва ҳосилдорликни ошириш фаолиятига қаратилгани маълум. Чорвачиликка ҳам ижодий равишда ёндашилган. Чорвачилик деганда фақат кўчманчиликни тушунмаслик керак. Зеро, чорвачилик деҳқончилик, узумчилик каби умум иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Фарғона ва бошқа вилоятларда отларни наслчилик асосида парвариш қилиш худди шу чорвачилик соҳасидаги юқори даражадаги тажриба ва тартибдан далолат беради.

Юқори савияда тараққий этиб бориш ҳунармандчиликка ҳам хос бўлган. Сўғдиёна, Хоразм, Фарғона, Бақтрия, Шимолий Ҳиндистон шаҳар ва қишлоқларида кулолчилик, металлсозлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик, дурадгорлик билан шуғулланадиган устaxonаларни кўплаб топиш мумкин бўлган.

Кулолчилик соҳасида эришилган тажриба, усталарнинг маҳорати юксак даражада бўлган. Масалан, ушбу даврга алоқадор ва бизнинг давримизда археологлар томонидан топилган, яъни 2 мингйиллик тарихга эга

¹ Таджики, с. 149—150.

² Центральная Азия в кушанскую эпоху, с. 120.

қадақ идишлар шунчалар нафиски, жаранглашда бил-
лур қадақлардан ҳеч ҳам қолишмайди¹.

Уй-рўзгор асбоблари, буюмлари, тақинчоқлар иш-
лаб чиқаришда металлсозлар турли металл қоришмала-
ридан кенг фойдаланиб келганликлари маълум.

Ўлкамизда шишасозлик (ойнасосозлик) ривож
ҳақида сўз кетганда, ўша замонлар тарихчисининг Хи-
тойда содир бўлган бир воқеага оид куйидаги баёни диқ-
қатни тортмай қолмайди: «420 йили (подшоҳлик) пой-
тахтида савдо-сотик билан машғул Юечжи (яъни Бақ-
трия— А.З.) ўлкаси вакиллари тошдан турфа рангдаги
шишалар тайёрлай олишларини айтдилар. Бунинг учун
тоғдан ашё келтириб пойтахт шаҳарда (кишилар кўз
ўнгида ўз) маҳоратларини кўрсатдилар. Тадбир уддалан-
ди ва (тайёрланган) шишанинг товланиши (шу қадар
эдики), ғарбий мамлакатлардан (Хитойга) келтирилади-
ган шишалардан ўтиб тушарди. Шу важдан ҳам ҳукмдор
мазкур шишаларни хазинага топширишни буюрди»².
Ҳақиқатан ўлкамизда (Бақтрия, Сўғдиёна, Фарғона)
шишасозлик соҳасида кўрилаётган даврда улкан ютуқ-
ларга эришилди, десак муболаға бўлмайди. Археологла-
римиз саъй-ҳаракатлари билан икки минг йил атрофи-
даги тарихга эга шишадан ишланган буюмлар, жисмлар
бугун бизнинг ихтиёримиздадир. Масалан, бир неча хил
рангларда жило берувчи қадама маржонлар; маржонлар-
дан қадама қилиб ишланган инсон тасвири; қимматбаҳо
металл, олтин билан зебланган маржонлар — буларнинг
бари учун ашё бўлиб шиша хизмат қилган.

Минтақамиздаги аввалги замонларга оид кончилик
фаолияти тўғрисида айтиб ўтгандик. Кушонийлар дав-
рига келиб сиёсий, иқтисодий тараққиёт омили ўз-ўзи-
дан бу соҳада ҳам тегишли ўзгаришлар, силжишлар со-
дир қилгани табиий. Металлсозлар, шишасозлар меҳна-
тида тоғ конларидан қазиб олинадиган ашёнинг ўрни
катталиги шубҳасиз. Шунинг учун кушонийлар даврида
олтин, кумуш, қўрғошин, қимматбаҳо тошлар, қурилиш
хом ашёлари қазиб олиш ишлари янада жадаллашиб
борган. Юқорида биз Кадфиз Пнинг пул ислоҳоти билан
боғлиқ олтин тангаларнинг (ҳар бири тахминан 8 грамм
атрофида) муомалага киритилишини айтгандик. Бу тад-
бир асосан ўлканинг олтин конлари имкониятларига су-
янган ҳолда амалга оширилганига ҳеч бир шубҳа қилма-
са ҳам бўлади.

¹ Таджики, с. 161.

² Собрание сведений, т. 2, с. 265.

Минтақамиздаги маданий-маънавий ҳаётнинг янада юксалиб боришида кушонийлар даври алоҳида ўрин тутади. Бу вақтда сўғдча, хоразмча, парфияча, бақтрияча ёзувлар мавжудлигининг ўзи бир равнақ белгисидир. Дикқатга сазовар томони шундаки, бу ёзувларда ўша замон сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётига хос бўлган фикрлар ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам мазкур ёзувлар намуналари орқали тарихчилар ўша давр кечмишларига оид баъзи бир маълумотларга эга бўлсалар, минтақа халқлари адабиёти тарихи билан шуғулланувчилар эса бадиий жанрларда номанависликка оид қизиқарли гувоҳлик билан танишадилар. Масалан, сўғдлик аёлнинг ўз онаси билан ёзишмалари (312—313 йиллар), уларда ижтимоий воқелик билан бирга оила, севгига оид мавзуларнинг кўтарилгани фикримиз далили бўла олади.

Кушонийлар даврида минтақа маданий ҳаётида қурувчилик, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик каби соҳаларда ҳам улкан ютуқларга эришилди. Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия, Тошкент, Фарғона, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистонда олиб борилган археологик қазиишмалар натижалари худди шундай фикрга келиш учун асос бўла олади.

Қурувчилик ҳам мазмунан, ҳам шакл жиҳатларидан тараққий этиб борган. Шунинг учун расмий, диний, ишлаб чиқариш, турар жой, сунъий суғориш, мудофаа, махсус, тижоратга тааллуқли қурилишларнинг ҳар бири ўзига хос. Алоҳида бинолар (сарой ва ҳоказо) мисолида биз, бир томондан, қурувчиликнинг санъат билан уйғунлаша бориб, мазмунан бойиши жараёнининг гувоҳи бўламиз. Иккинчи томондан, усталарнинг ўз касбкорига муносабати, тажрибаси хусусида ҳам маълум бир тасаввур ҳосил бўлади. Зеро, икки минг йилга яқин вақт ўтишига қарамай деворларга ишланган нақшлар, суратлар, ҳанузгача сақланиб қолган. Улар нафақат санъат намуналари, балки ўз даври тарихий воқелигини акс эттирган лавҳалар ҳамдир.

Шу маънода Тупроққалъа (Хоразм, III аср) деворий суратида ва Айритомдаги (Термиз, I—II асрлар) қадимги бино деворлари ҳошиясидаги тошдан ўйиб ишланган манзарада чилтор чалаётган аёл тасвирлангани диққатга сазовордир. Ҳар икки лавҳа ҳам ўз соҳаси бобида ғоят нафислик билан амалга оширилгани кўриниб турибди¹.

¹ *Батафсил қаранг:* Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. 1960, с. 24—25.

Улар орқали биз ўша даврдаги аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларга муносабат, анъаналар, муסיқа асбобларига оид муҳим маълумотлар эгаси бўламиз.

Кушонийлар даври маданий ҳаётидаги ўзига хос томонлардан яна бири бу кўҳна Ҳинд маданиятининг ўлкамизга янада жонлироқ кириб келиши ва ўз ўрнида минтақамизга хос кўринишларнинг Ҳиндистон зами-нида ўрнашиб бориши билан белгиланади. Бунга оид мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биргина шах-матга доир тарихий гувоҳликни олайлик. Аслида Ҳин-дистонда пайдо бўлган ва чатуранга номи билан маш-хур бу ўйин милод бошларидаёқ минтақамиз аҳли орасида тарқала бошлаган. Ё бўлмаса, қадимги аждод-ларимизнинг Ҳинд заминига кўчиб бориб, у ер мадани-яти, динини қабул қилибгина қолмай, балки давлат бошқарувида фаол иштирок этганликларини олайлик.

Кўрилаётган даврда илм-маърифат соҳаси ҳам ри-вожланиб, астрономия, математика, муסיқашунослик, грамматика, метрология, химия, фалсафа, тиббиёт, до-ришунослик каби фанлар ёшлар орасида катта қизи-қиш уйғотган, улар учун тегишли шароитлар яратиб бо-рилган.

Мазкур давр аждодларимиз эътиқодлари хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, минтақанинг аксар қисмида зардўштийлик ўз мавқеини асосан сақлаб қолган. Аммо кушонийларнинг Ҳиндистоннинг каттагина қисмини бўйсундириши ва, айниқса, Канишка ҳукмронлиги йил-лари салтанат марказининг Сўғдиёнадан Пешоварга кўчирилиши билан буддапарастлик дини ўлкамиз аҳли орасида ҳам тарқала бошлади. Бундан маълум маънода кушоний ҳукмдорлар ҳам манфаатдор эдилар. Чунки бутун салтанатда ягона диннинг (мафкуранинг) устивор бўлиши сиёсий жиҳатдан ҳам яхлитликни таъминлашда қўл келиши муқаррар эди. Аммо шунга қарамай будда-парастлик дини умумминтақа миқёсида чуқур илдиз ота олгани йўқ. Кези келганда шуни айтиб ўтиш ўринли бўладики, буддапарастлик бизнинг ўлка орқали худди шу даврда Хитойга, сўнгра Тибет ва Японияга ёйилган. Манбаларга кўра, парфиялик Ан Ши Гао деган киши 148 йили Лоян шахрига бориб, ўз издошлари билан бир-га буддапарастликни тарғиб эта бошлаган экан¹. Бу даврдаги диний таълимотлардан яна бири моний-ликдир. Унинг асосчиси асли бобиллик Моний (216—

¹ Қаранг: ВДИ, № 3, 1967.

276/277) бўлиб, у ўз таълимотида зардўштийликдаги ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги азалий кураш ғоясидан унумли фойдаланган. Буддапарастлик каби монийлик ҳам Туркистон орқали Хитойга кириб борган¹.

Минтақанинг кушонийлар даври ташқи алоқаларида савдо-сотиқ алоҳида аҳамият касб этган. Милоддан аввалги II асрдаёқ шакллана бошлаган Буюк Ипак йўли бу вақтда жадал суръатлар билан фаолият кўрсатар эди. Хитойдан Туркистонга ва у орқали ғарбдаги мамлакатларга ипак, лок ва бошқа маҳсулотлар, Хитойга эса зотдор аргумоқлар, шишадан ясалган турли буюмлар олиб борилган. Сўғдиёналик, бақтриялик савдогарлар Рим салтанати шаҳарларида савдо-сотиқ билан шуғулланиб, қимматбаҳо тошлар, темир ва темир буюмлар, курол-яроғ, ипак каби маҳсулотлар билан таъминлаб турганлар ва уларнинг эвазига асосан олтин, кумуш тангалар олиб қайтганлар. Римлик савдогарлар ҳам ўлкамизга келишда асосан олтин ва кумуш тангани ғамлаш ҳисобига маҳаллий молларни сотиб олганлар². Савдогарларнинг эса кўп ҳолларда элчилар билан ҳамроҳ бўлиб юрганлари яхши маълум. Рим билан муносабатлар ҳам бундан истисно эмасди. Чунончи, 99 йили кушоний ҳукмдорнинг элчилари Рим императори саройида бўлганини биламиз.

Шундай қилиб, давлатчилигимиз тарихида кушонийлар даври сиёсий, иқтисодий, маданий ва ташқи алоқалар соҳаларида каттадан-катта ютуқларга эришилган асрлар бўлган, десак тўғри бўлади. Бу давр нафақат бизнинг тарихимизда, балки дунё ўтмишида ўзига хос муҳим из қолдирди.

ЭФТАЛИЙЛАР

V асрга келиб сиёсий майдонга эфталийлар сулоласи чиқади. Улар то VI асрнинг иккинчи ярмига қадар минтақа сиёсий ҳаётида етакчилик қиладилар.

Эфталийлар кимлар? Уларга оид қатор маълумотларни биз хитой, ҳинд, форс, арман, сурия, лотин манбаларидан топишимиз мумкин. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки уларнинг ҳаммасида ҳам эфталийлар атамаси учрамайди. Сабаби ҳар бир тил ва ёзувнинг ўз хусусиятлари бўлишида. Масалан, хитой манбаларида эфталийлар ида, йеда, идан, идян атамалари остида

¹ Индия в древности. 1964, с. 178.

² Уша жойда, 177-бет.

келишини кузатиш мумкин¹. Сурия ва лотин манбаларида эса эптал, абдал; арман ёзувларида идал, тетал, хептал; араб ва форс муаллифлари наздида ҳайтал, йафтал, ҳетал; ҳинд манбаларида ҳуна² ва ҳоказо.

Хитойлик муаллифлар эфталийларни туркий тилли халқлар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлаб, уларнинг юечжи ё уйғур қабилаларига тегишли эканини ҳам айтиб ўтадилар³. Византиялик тарихчилар, масалан, Прокопий (VI аср), «улар (яъни эфталийлар) ҳунлардандир, таналари (эса) оқ», деб масалага аниқлик ҳам киритиб ўтади⁴. Оқ ҳуна, яъни эфталийлар ҳақида маълумотлар ҳинд манбаларида ҳам бор. Паҳлавий ёзувида битилган «Баҳман-Яшт»даги сосонийларнинг эфталийлар ва бошқалар билан муносабатига доир қуйидаги тарихий тасдиқлар эътиборни тортмай қолмайди: «(Эрондаги) подшоҳлик ва олий ҳокимият эроний бўлмаган қулваччаларга, яъни хион, турк, ҳафтал (эфтал), тибетликлар... қўлига ўтди»⁵. Кўриниб турганидек, эфталийлар тўғридан-тўғри туркий шажарага боғланаяпти. Баъзи бир тадқиқотларда эса уларнинг келиб чиқшини эроний халқлар билан боғлашга уришиш ҳоллари ҳам учраб туради⁶. Вазифамиз бўлмагани учун бу ерда биз Туркистон халқларининг мазкур давр этногенези масаласига тўхтаб ўтишни лозим топмаймиз. Аммо бизга маълум ва ихтиёримизда бўлган бирон-бир манбада эфталийларнинг эроний халқлар жумласига киргани ё бўлмаса шунга бирон ишорани учратганимиз йўқ. Бунинг устига юқорида тилга олинган «Баҳман — Яшт»да лўнда қилиб эфталийлар эроний эмас, деб ёзиб қўйилган. Шу билан бирга биз бошқа бир масалага диққатни жалб этмоқчимиз. Хитой манбасидаги қуйидаги гувоҳликка эътиборни қаратайлик: «Идан (эфталийлар) сулоласи Хан сулоласи давридан маълум Катта Юечжи авлодидан. Дахя (Бақтрия) бу Тухола (Тохаристон) демақдир. (Бу ерлик) ҳукмдорнинг номи Йедэ (Эфтал, Эфталан, Эфталит) бўлган.

¹ Собрание сведений, т. 1, с. 203, 217, 218, 229; т. 2, с. 268, 274, 279, 286, 321, 322, 327.

² *Пигулевская Н.* Сирийские источники по истории народов СССР. 1941, с. 49-51, 163, 165; Месопотамия на рубеже V—VI вв. н. э. Сирийская хроника Иешу Стилита как исторический источник. 1940, с. 131—132; *Мискавайх*. Тажориб ал-умам. Тэхрон, 1369 (х). 1-жилд, 152-бет; *Ибн ал-Асир*. Тарихи комил. Тэхрон, 1370 (х), 2-жилд, 473-бет.

³ Собрание сведений, т. 2, с. 248.

⁴ Сирийские источники, с. 50.

⁵ Таджики, с. 201, 206, 207.

⁶ Уша жойда, 209-бет.

(Кейинчалик) унинг авлодлари (бу) номни давлат номига айлантириб юборганлар. Урф-одатлари тукюеларникидай (туркларникидай)»¹. Шу қабилдаги далилларни ўзида жо этган бир қатор бошқа манбалар таҳлили шундай хулосага олиб келадики, эфталийлар Туркистон минтақасида яшаб келган қадимий уруф вакиллари-дан шаклланган сулола бўлиб, V асрда тегишли шароит туғилиши билан сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга эришганлар.

Биламизки, сўнгги кушонийлар даврида давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ташқи муносабатлардаги таъсири заифлашиб борган. Ажаб эмас, бундай ҳолатдан норози ва, аксинча, ташқи муносабатлардаги фаолликдан манфаатдор мамлакат сиёсий ва савдо доиралари эфталийларнинг олий ҳокимиятга интилиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганлар. Зеро, мамлакат ўз тараққиёт йўлида тўхтаб қолмаслиги учун қатъий сиёсатчилик фаолияти зарурлиги барчага аён нарса. Ана шу тарихий вазифани уддалаш V асрнинг иккинчи ярмида эфталийлар ё хитойлик тарихчилар тили билан айтганда Эфтал (Эфталан) авлодлари бўйнига тушган. Улар олий ҳокимиятни қўлга киритгач, ўз сулолаларини (ҳукуматларини) боболари номи билан безаганлар. Бунга ўхшаш ҳолларни биз минтақа тарихида кўплаб учратишимиз мумкин: Сомон — сомонийлар, Салжуқ — салжуқийлар, Темур — темурийлар ва ҳоказо. Эфталийлар атамаси шу сулола асосчиси Эфталан номидан келиб чиққанини византиялик Феофан ҳам ёзган². Шуни ҳам қатъий тасаввур қилиш мумкинки, VI асрда ашиналийлардан мағлубиятга учраганларидан кейин ҳам эфталийлар хонадони ўз доирасидаги фаолиятни давом эттираверган. Эфталийлар сулоласининг VII асрда ҳам барҳаётлигини шундан билса бўладики, хитой манбаларига кўра, 605—617 йиллар оралиғида улар Хитой ҳукмдори саройига ўз элчиларини юбориб турганлар³. Афтидан, бу эфталийларнинг давлат тепасида турган вақтларидаги Хитой билан ўрнатган ўзаро сулолавий алоқаларнинг давоми бўлиши керак.

Шундай қилиб V асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб мамлакатимиз, умуман Туркистон сиёсий ҳаётида эфталийлар хонадони ҳукмрон ўрин тута бошлайди. Бу йиллар IV асрдаёқ заифлашиши йўлига кирган Кушо-

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 268, 322.

² Сирийские источники, с. 50.

³ Собрание сведений, т. 2, с. 286.

нийлар салтанатининг ғарбий сархадлари сосонийлар таҳдиди остида қолган давр эди. Шунинг учун эфталийларнинг сосонийлар билан кескин муносабатларга киришишлари табиий бир ҳол бўлган. Гарчи икки томон ўртасидаги дастлабки тўқнашувлар V аср 30-йилларидаёқ содир бўлган бўлса-да, аммо ҳал қилувчи курашлар сосоний ҳукмдор Пируз (Пероз) даврига (459—484) тўғри келади. Тахминан 457 йили Вахшунвар (Ахшунвар) бошлиқ эфталийлар Чағониён (Сурхондарё вилоятининг Термиздан юқори қисмлари), Тохаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. Бир оз вақт ўтгач, яъни 459 йили Эрон тахтига Пируз чиқади. Манбаларда Пирузнинг олий ҳокимиятга келиши эфталийлар билан боғлиқ равишда баён қилинади¹.

Нафақат Пируз, балки унинг акаси Хўрмузд (457—459) ҳам эфталийлар ёрдамида тахтни қўлга киритгани маълум. Эфталийлар ва сосонийлар ўртасидаги бу каби муносабатлар сабабини тушуниш қийин эмас. Чунки Хўрмузд ва Пирузлар ўз вақтида тахт вориси сифатида Сосонийлар давлатининг шарқий вилоятларини (Сейистондан Марғиёнагача бўлган ҳудуд) бошқарганлар (Хўрмузд 420—457 йиллари; Пируз 457—459 йиллари). Шу муносабат билан улар қўшни ўлка сиёсий, савдо доиралари билан яқиндан муомалада бўлганлар. Бу яқинлик қай даража бўлганлигини шундан ҳам билиб олса бўладики, сосонийларнинг мазкур ҳудудларини бошқарган тахт ворислари «Кушон ҳукмдори» унвонига эга бўлганлар. Бу маълум вақт муқаддам кушонийлар эгаллик қилган вилоятлар устидан ҳукмронлик ва қолганларига даъвогарлик дегани билан баробар. Шу ерда Хитой манбаларида сосонийларнинг келиб чиқишини юечжилар билан боғлашга доир ҳолларни эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди². Мазкур гувоҳликлар, ҳатто афсонавор бўлганда ҳам, сосонийларнинг Туркистон билан яқинлиги кўзга ташланиб турган ҳол. Бунинг исботини Хўрмузд ва Пирузнинг Эрон тахтига чиқишларида эфталийлар кўрсатган ёрдам орқали ҳам кўриш мумкин. Фараз қилиш мумкинки, бу сиёсий тadbирдан нафақат эфталийлар, балки минтақа савдо-иқтисодий доиралари ҳам манфаатдор бўлганлар. Афтидан, мўлжалга кўра, Шарқий Туркистондан Рим салтанатигача бўлган улкан ҳудудни яхлит иқтисодий-савдо маконига айлантириш асосий мақсад бўлган. Ўз ўрнида

¹ Сирийские источники, с. 53; Тажориб ал-умам, 1-жилд, 151-бет.

² Собрание сведений т. 2, с. 326-327.

Пируз эфталийларнинг юксалиб боришини вақтинчалик деб билиб, улар кучидан Эрон тахтига келиш учун фойдаланган бўлиши керак. Аммо эфталийлар қудрати ошиб, тез орада улар сосонийларга ҳам таъсир ўтказишини англаган Пируз эфталийларга қарши жангга киради. Дастлабки тўқнашувлардаёқ эфталийлар томонидан асирга олинган Пирузни Византия ҳукмдори ўртага тушиб, тутқунликдан озод қилишга эришади¹. Шунга қарамай Пируз яна эфталийларга қарши ҳарбий юриш уюштиради. Бу сафар қўлга тушган Пируз ўттиз хачир кумуш дирҳам эвазига қўйиб юборилади².

Кушонийлар давридаги каби эфталийлар замонида ҳам салтанат якка ҳукмдор томонидан бошқарилган. Хитой манбаларига кўра тахт отадан болага қолмай, шу сулоладан ким лойиқ деб топилса ўша тахтга ўтирган³. Демак, ана шу номзодни аниқлаб тақдим этадиган қандайдир бир кенгаш ҳам мавжуд бўлган. Бу кенгаш сулоланинг мўътабар намояндалари ҳамда салтанат арконларидан иборат бўлган бўлса ҳам эҳтимолдан холи эмас. Энг муҳими эфталийлар даврида давлатимиз қонунлар асосида бошқарилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Румлик Прокопий (VI аср) «Эфталийлар давлатни қонунлар асосида бошқарадилар» деб ёзаркан, ушбу қонунлар туркий тузуклар бўлгани шубҳасиздир⁴.

Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, бундай улкан салтанатни бошқаришда юксак даражада фаолият кўрсатувчи марказий ҳокимиятга эришиш қийин. Шунинг учун Шимолий Ҳиндистон ҳудудларида ва, эҳтимол, бошқа баъзи вилоятларда ҳам бошқарув маҳаллий хонадонлар (сулолалар) томонидан олиб борилган. Фикримизча, давлатчилик (салтанатчилик) тарихида фойдаланиб келинган сатрапиялик бошқаруви, яъни марказий ҳокимият ноиблари орқали идора этиш усули бу вақтда ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиши керак.

Эфталийлар даврида давлатимизнинг пойтахти қаерда бўлгани ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Баъзилар Бойкентни (Пойкент) кўрсатса, бошқалари Бадахшонда деб биладилар⁵. Шу ўринда баъзи бир тарихий анъаналар ёдда тутилса ёмон бўлмайди. Масалан, илгари кўриб ўтганимиздек, кушонийлар пойтахти бир муддат Сўғдиёнада жойлашган ва кейинчалик маълум сабабларга

¹ Сирийская хроника, с. 131—132.

² Сирийская хроника, с. 131—132.

³ Собрание сведений, т. 2. с. 269.

⁴ Сирийские источники, с. 50.

⁵ Собрание сведений, т. 2. с. 268; Бартольд В. В. Сочинения. Т. 7, 1971, с. 48.

кўра Пешоварга кўчирилган. Шунга ўхшаш эфталийлар маркази ҳам аввал Бақтрияда, сўнгра сосонийлар хавфи узил-кесил йўққа чиққач ҳамда салтанат чегаралари Шарқий Туркистон ҳисобига ҳам кенгайгач, пойтахт Бойкентга кўчирилган бўлса ҳеч гап эмас.

Манбаларда келтирилган эфталийлар «шаҳарли сулола» ё бўлмаса «улар кўчманчи, ёзда салқин, қишда илиқ ерларда» туришларига оид қарама-қарши маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, улар дастлабки йилларда бутун минтақа узра қатъий сиёсат ўрнатгунга қадар ҳам анъанавий яшаш тарзи, ҳам шароит тақозосига кўра марказдан четда турган ҳолда бошқарув ишларини олиб борганлар. Бориб-бориб эса улар марказий ва катта шаҳарларда ҳам ўз қароргоҳларига эга бўла бошлаганлар. Бундай ҳоллар минтақа тарихида тез-тез учраб туради. Мисол тариқасида чингизийларнинг ўлка бошқарувида тутган сиёсати ва вақт ўтиши билан чингизий хонларнинг обод вилоятларда ўзлари учун саройлар қурдирганларини айтиб ўтиш мумкин. Чунончи, Нахшаб яқинида Кепакхон (1318—1326) учун қурилган «қарши» (яъни сарой) кейинчалик Қарши шаҳри учун асос бўлганини эслаш кифоя. Ҳар ҳолда Византия ҳукмдори Юстин II нинг «Эфталийлар шаҳарда яшайдиларми ё қишлоқдами» саволига ашиналийларнинг элчиси «Аъло ҳазрат, улар шаҳарлик сулолалардан»¹, деб берган жавобини мазкур жараён орқали тушунтириш ўринлидир.

Аждодларимизнинг сўнгги минг йил ичидаги ҳарбий маҳорат бобидаги тажрибаси эфталийлар даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар лашкарининг асосини отлиқ аскарлар ташкил этиб, ўз даврининг энг қудратли ҳарбий кучларидан ҳисобланган. Бунга далил сифатида сосонийларнинг Византия билан бирга эфталийларга қарши чиқиши ва мағлубиятга учрашлари ҳамда ашиналийларнинг сосонийлар билан биргаликда эфталийларни енгишларига доир гувоҳликлар хизмат қилиши мумкин. Қаранг-а, эфталийлар ҳарбий қудрати нечоғлиқ бўлган.

Минтақа шаҳарлари тарихида V аср охири — VI аср бошлари катта жонланиш йиллари бўлгани маълум. Айниқса, кичик шаҳарларнинг тезлик билан ўсиб бориши, ҳашаматли бинолари бўлган алоҳида-алоҳида қўрғонларнинг юзага келиши ва кўпайиши Хоразм, Сўғдиёна, Шош ва Бақтрия вилоятларида кенг кузати-

¹ Сирийские источники, с. 70.

лади. Бунда иқтисодий-савдо муносабатларининг изчил йўлга қўйилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ҳайлаймизки, минтақамизнинг анъанавий иқтисодий имкониятлари (деҳқончилик, сунъий суғориш, чорвачилик, боғдорчилик, хунармандчилик ва бошқалар) бу даврда ҳам ўз раванқ йўлида тўхтамаганлигига шубҳа қилмасам ҳам бўлади. Манбаларда бу борада ҳеч бир йўқотиш бўлмагани ҳақида гувоҳликлар етарли.

Айниқса, савдо-сотик гуркираб ривож топган. Бир томондан, улкан минтақанинг сиёсий жиҳатдан яхлитлиги, иккинчи томондан, Шарқ ва Ғарб мамлакатларидан иқтисодий-савдо муносабатлари оралиғида бўлиб келиш ички ва ташқи савдо ишларининг янада тараққий этиб боришига қулай шароит яратиб берган. Бу эса ўз ўрнида йўл, қатнов, таъминот, хизмат кўрсатиш тармоқларининг кенгайиб боришига йўл очган. Ташқи савдода ипак, лок, бўёқлар, рангли шишалар, қимматбаҳо тошлар, арғумоқ отлар, матолар, ширинликлар, қурол-яроғ каби ноёб маҳсулотлар бозори чаққон бўлган. Шунинг ҳам назарда тутиш лозимки, Буюк Ипак йўлининг ҳар иккала йўналишининг (шимолий — Турфон, Кошғар, Фарғона, Сўғдиёна, Марғиёна; жанубий — Хўтан, Ёркент, Помир, Бақтрия) эфталийлар салтанати ҳудудидан ўтиши ҳам муҳим аҳамият касб этгани табиий.

Иқтисодий тараққиёт ўз-ўзидан маданий ҳаётда ижобий ўзгаришларга олиб келиши тушунарли ҳол. Биз юқорида кичик шаҳарларнинг гуркираб ўсиши ҳақида гапирдик. Археологларимиз таъкидлашларича, меъморчилик соҳасида турар жойларни бир неча қават қилиб қуриш, уй деворларини наққошлик ва сураткашлик санъати намуналари билан безаш бу давр учун характерлидир. Диний иншоотлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилиб, ички безаш ишларида қимматбаҳо тошлар, хусусан олтиндан кенг фойдаланилгани маълум¹.

Эфталийлар даврида минтақада сўғдча, хоразмча, бухороча, карошти, эфталийча ёзувлар мавжуд бўлганини қайд этиш лозим. Эфталий ёзуви ҳақида хитойлик Сюан Цзан шундай ёзганди: «Ёзувларидаги асосий ҳарфлар сони йигирма бешта бўлиб, улар ёрдамида иборалар, сўзлар ясайдилар. Саҳифага хатни энига туширадилар, чапдан ўнгга қараб ўқийдилар»². Диний эътиқодлар борасида ҳам хилма-хилликни кўриш мумкин. Улкан салтанат аҳли зардуштийлик, қадимий

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 286.

² Таджики, с. 207.

этиқодлардан Сиёвуш, Анаҳита, Митрага, буддапарастлик (асосан Шимолий Ҳиндистонда) каби динларга сифинган. Шу билан бирга ўлкада Моний ва Мазда (маздакийлик) таълимотлари ҳам тарқаб борган.

Эфталийларнинг ташқи алоқалари, юқорида таъкидланганидек, Эрон билан ғоятда кескин кечган. Бунинг сабабларидан бири сосонийларнинг ҳам Фарб ва Шарқ ўртасида савдо алоқаларида етакчи ўринни эгаллашга қаратилган уринишларида эди. Сосонийларнинг эфталийларга ўлпон тўлаши Пирузнинг ўғли Кубод (Кавод) ҳукмронлиги йилларида ҳам давом этади. Шу билан бирга қулай шароит туғилди дегунча эфталийлар сосонийларнинг ички ишларига аралашшига ҳаракат қилганлар. Масалан, 496 йили тахтдан ағдарилиб қамоққа ташланган Кубод қочиб эфталийлар олдига боради. Суриялик Иешу Стилитнинг ёзишича, у «кўзида ёш билан ҳар куни (эфталийлар ҳукмдоридан) лашкар билан қўллаб-қувватлашни илтимос қилардим, то... яна давлат бошқарувини қўлга олсам» деб¹. Ҳақиқатан, эфталийлар ёрдамида Кубод 499 йили яна Эрон тахтига ўтиради. Эфталийлар сосонийларни ўзларига қарам қилиб олганларидан сўнг уларнинг имкониятларидан Византияга қарши курашда фойдаланмоқчи ҳам бўладилар. Чунончи, эфталийларнинг Византияга қарши 502 йилдаги юриши сосонийлар иштирокида амалга оширилган².

Эфталийларнинг Хитой билан муносабатлари асосан, савдо-сотик орқали амалга оширилиб, бунда юқорида айтилганидек, Буюк ипак йўлининг шимолий ва жанубий йўналишларининг минтақамиз орқали ўтиши катта аҳамият касб этган³. Эфталийларнинг Марказий Ҳиндистон, Европанинг энг шарқий вилоятлари билан ҳам яқин алоқаларда бўлганлари маълум.

Шундай қилиб, V—VI асрларда мамлакатимизда, умуман, минтақада юз йилдан ортиқ давр давомида эфталийлар сулоси ҳукмронлик қилди. Давлатни бошқаришда улар ўтмиш донгдор сулоалардан қолишмаганлар. Аксинча, сўнгги кушонийлар замонида бошбошдоқлик йўлига кирган мамлакатни қайтадан бирлаштириб, сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар ва ташқи алоқалар тараққиётини анъанавий юксак даражада тутиб туриш ишига бош-қош бўлганлар.

¹ Сирийская хроника, с. 136.

² Ўша жойда, 63-бет.

³ Собрание сведений, т. 2, с. 269.

АШИНАЛИЙЛАР

VI асрнинг бошларига келиб Олтойнинг жанубий вилоятларида сиёсий муносабатлар жараёнининг фаоллашиши яққол кўзга ташлана бошлайди. Хитой манбаларига кўра, бунда ҳал қилувчи ўринни Ашина сулоласи намояндалари эгаллаганлар¹. Бу даврда минтақадаги сиёсий манзарани тўлиқ тасаввур қилиш учун қуйидагиларни эслаш кифоя бўлади, деб ўйлаймиз. Шарқий Туркистон, Фарғона, Сўғдиёна, Хоразм, Бақтрия, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Эронни ўз ичига олган ҳудудда эфталийлар, ҳозирги Мўғулистон ва қисман Шимолий Хитой устидан эса Жужан хонлиги ҳукмронлик қилиб келарди. Айтилганидек, Олтойнинг жанубий томонида Ашина сулоласи хатти-ҳаракатлари туфайли сиёсий жараён юксалиш йўлига киради. Бундан ташқари замонавий тушунчадаги Хитойнинг шимолий қисмида Вэй (Юан-Вэй) сулоласи (386—558) ҳукмдорлик қилар ва бу хонадоннинг асли чиқиб келиши эса туркий негиз билан боғлиқ эди. Демак, VI аср бошларида Каспий денгизидан Узоқ Шарққача бўлган катта ҳудуд ҳаёти кўпдан-кўп туркий тилли сулолалар фаолияти билан боғлиқ бўлган.

Олтой тоғ тизими жанубий қисмининг қадимги номи Олтин йиш (Олтин водий) бўлиб, табиий шароити ҳар қандай жамият фаровонлигини таъминлашда беназир ҳисобланган. Хитой манбаларида ёзилишича, тилга олинган Ашина сулоласи ҳам худди шу шарт-шароитда юксалган, сиёсий таъсири ортиб бориб, айниқса Бўмин (Тумин) сардорлиги вақтида бу жараён янада фаол тус олган. Уддабурон сиёсатчи сифатида у ҳам сиёсат, ҳам зўравонлик йўлини тутди. Масалан, Бўмин Жужан хонлиги билан очиқдан-очиқ алоқани узиб, 551 йили Вэй хонадони билан қуда-андалик алоқасига киради. 552 йили эса Жужан хонлигига қарши қуролли курашга отланиб, уларни тор-мор қилади². Аммо Бўмин 553 йили вафот этади ва унинг ўрнига тахтга ўғли Қора Иссиқ (Исиғи) ўтиради. Қора Иссиқхон кўп ҳукмдорлик қилмай, шу йилиёқ қазо қилади. Лекин у ҳам ўз ҳукмронлиги давомида жужанларга яна бир бор қаттиқ зарба беришга улгурганди. Демак, шу йилнинг ўзида Ашина сулоласининг сардори икки марта ўзгарган³. Эндиги гал

¹ Собрание сведений, т. I, с. 221.

² Собрание сведений, т. I, с. 228

³ Уша жойда.

тахтга Бўминнинг кичик ўгли Муғанхон (553—572) чиқади.

Муғанхон даврида ашиналийлар «Корея қўлтигидан Фарбий денгизгача, (Хитой деворидан) Шимолий денгизгача» бўлган ерларни¹ ўз сиёсий ҳукмлари остига олишга муваффақ бўлганлар. Муғанхон худди отаси Бўмин каби ҳам сиёсат, ҳам зўравонлик йўлларидан усталик билан фойдалана билган ҳукмдор эди. Чунончи, эфталийлар сулоласига қарши курашда у, аввало, уларнинг жануби-ғарбидаги душманлари сосонийлар билан яқин муносабатларга киришади. Бунинг учун Муғанхон 554 йили Эронга элчи юбориб, икки томонлама алоқа ва ишончни мустаҳкамлаш юзасидан амакиси Истамининг қизи Аснабекани сосоний Хисрав I га (531—579) турмушга беради². Эфталийлар қаршиликка қарамай ашиналийлар ва сосонийлар ўртасидаги ўзаро келишувга путур етмайди. Лекин бу яқинлашув вақтинчалик эди. Зеро, Ашина сулоласининг эфталийлардан сўнг албатта сосонийларни ҳам бир ёқлик қилишни мўлжаллаб қўйганликларига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. 565 йили Муғанхоннинг амакиси Истами эфталийлар қўшинига қақшатқич зарба берган. 567 йили эса Тохаристон ва умуман эфталийлар қўли остида бўлиб келган ерларни забт этишга муваффақ бўлади³. Шу тариқа VI асрнинг сўнгги чораги арафасида минтақада навбатдаги сулола — ашиналийлар ҳукмронлиги ўрнатилади.

Уша давр сиёсий воқелиги нуқтаи назаридан олганда ашиналийларнинг Туркистонни забт этишлари эҳтимоли баланд эди. Чунки сўнгги йилларга келиб эфталийлар ўз сиёсий фаолиятларида заифлашиш йўлига кирган ва буни улар қўл остидаги ерларнинг сосонийлар ва ашиналийлар ихтиёрига ўтиб боришидан ҳам билса бўлади. Чунончи, кейинги вақтларда Эрон нафақат йиллик ўлпон тўлашдан бош тортган, балки 554 йили Тохаристонни босиб олганди, яъни эронликларнинг ҳам Туркистонга даъвогарликлари ниҳоятда жиддий эди. 555 йили эса ашиналийлар Тошкент, Сирдарё бўйлари, Хоразмни забт этадилар⁴. Бошқача айтганда, эфталийларнинг эртанги аҳволи маълум бўлиб қолган. Бундан ташқари Ашина сулоласи эфталийлар, сосо-

¹ Қаранг: Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности, 1951, с. 51.

² Тажориб ул-умам, 165-бет.

³ Собрание сведений, т. II, с. 269; Сирийские источники, с. 71—75.

⁴ Турк хоқонлиги, 47-бет.

нийлардан фарқли ўлароқ, энди қудратга тўлиб келаётган ёш сиёсий куч ҳисобланарди. Шу билан бирга, энг муҳими, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо алоқаларининг барқарор равишда олиб борилишини сиёсий жиҳатдан кафолатловчи томон бўлиб ҳам Ашина сулоласи намояндалари чиқишлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам 565 йилги ашиналийлар ва эфталийлар ўртасидаги асосий жангда сўғдиёналиклар бетараф бўлиб турган бўлсалар ажаб эмас. Чунки бу вақтга келиб Византия султлик билан бўлса-да, ўзида ипак етиштириш ишини бошлаб юборган ҳамда 564 йилги аҳдлашувга биноан Муғанхон Вэй-Чжэу сулоласидан (537 йили, тилга олганимиз, Вэй сулоласи ҳукмрон ҳудуднинг ғарбий қисмида ҳокимиятни қўлга киритган хонадон) ўлпон сифатида йилига 100 минг парча ипак мато олиш керак эди¹. 100 минг парча ипак мато ўз даври учун жуда катта ҳажм эканлиги қанчалик табиий бўлса, бу «ўлпон»ни Ғарбга олиб бориб сотиб, фойда олиш ва бу соҳада доимо биринчи бўлиш сўғдиёналик савдогарлар учун тушунарли ва эпласа бўладиган тadbир эди.

Муғанхон ва унинг авлодлари ҳарбий ютуқларни давом эттира бориб, юқорида айтилганидек, Қора денгиздан Тинч океангача бўлган улкан ҳудуддаги салтанатга асос солишга эришадилар. Лекин шу билан бирга қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра (масалан, салтанат майдонининг ҳаддан ташқари катталиги ва уни бошқаришдаги мураккабликлар, тadbиркор, дошишманд ҳукмдорларнинг нисбатан кам бўлиши, Византия, Эрон, Хитой каби қудратли давлатлар билан доимий рақобат ва ҳоказо), аввалига (VI аср охири) салтанат ғарбий ва шарқий хоқонликларга бўлиниб, биринчиси VII асрнинг иккинчи ярмида, иккинчиси эса VIII асрда батамом барбод бўлади.

Энди ашиналийлар ҳукмронлиги йилларидаги бошқарув масаласига тўхталиб ўтсак, бутун салтанат устидан олий ҳукмронликни хоқон олиб борган. Юқорида зикр этилган ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинишдан сўнг ҳар икки томон ўз хоқонига эга бўлган. Хоқон аслида туркий қаған унвонининг арабий жаранглашидан ҳосил бўлган. Хоқонлик, яъни олий ҳукмдорлик меросий ҳисобланган. Тахт отадан болага ўтсин, қабилдаги қатъий тартиб бўлмаган. Хитой манбаларидаги маълумотлар билан танишиш шу хулосага олиб келадики, олий ҳукмдорлик отадан болага, акадан укага ё

¹ Собрание сведений, т. I, с. 233.

бўлмаса, манба тили билан айтганда, бирон-бир «қариндош»га насиб этиши мумкин бўлган¹. Бундан ташқари шундай ҳоллар ҳам бўлганки, тахт соҳибини «улус оқсоқоллари» тайинлаган. Хоқонни тахтга ўтқазиб маросимнинг аниқ бир тартиблар силсиласи ва доирасида амалга оширилиши бу тадбирнинг узоқ вақтдан бери қўлланиб келаётганидан далолат беради. Маросим эса қуйидагича кечган: йирик амалдорлар тахт ворисини кигизга ўтқазиб, қуёш ҳаракати асосида, яъни шарқдан ғарбга томон тўққиз марта доира бўйлаб айлантирганлар. Тўққиз сони туркий тилли халқларда азиз ҳисобланади. Ҳар бир айланишда маросимда иштирок этувчилар хоқонга таъзим қилганлар ва бу билан ўз итоаткорликларини англатганлар. Шундан сўнг уни отга миндириб бўйни узра ипак мато ташлаб қаттиқ сиққанлару дарҳол бўшатиб, ундан неча йил ҳукмдор бўлиши ҳақида сўраганлар². Афтидан, бу савол ва у билан боғлиқ тадбир ҳукмдорнинг қатъийлиги, иродаси ва жисмоний имкониятларини синаш нияти билан боғлиқ бўлган бўлса керак.

Ашиналийлар даври ўлкамиз бошқаруви ҳақида сўз кетганда, икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, мамлакатимиз ҳам тобе бўлган умуман хоқонликнинг бошқарув тизими ва, иккинчидан, маҳаллий (анъанавий) бошқарув услубининг сақланганлиги. Шу маънода хитойлик муаллифларнинг қуйидаги гувоҳликлари диққатга сазовардир: «(Ғарбий хоқонликда) сифаян ва хунда (мансабидаги) амалдорлар давлат ишларини бошқарганлар; қолганлар эса (яъни қолган мансабу мартабалар) худди шарқий мулклардагидек (яъни шарқий хоқонликдагидек)»³.

Шарқий хоқонликдаги мазкур масала хусусида яна хитой манбаларига мурожаат қиламиз: «Олий мартабалар орасида энг улуғи шеху (жабғу), кейин дэлэ, учинчиси эса силифа, тўртинчиси тумафа, (қолган) кичикроқ даражадаги мансабларда 20 киши банд; уларнинг ҳаммаларининг мансаблари меросийдир... кўриқчиларни эса фули (яъни бўри) деб атайдилар»⁴.

Қадимги туркий ва хитой манбаларида учрайдиган мансаблардан шад (ша) ва тутунни кўрсатиш мумкин⁵.

¹ Ўша жойда, 228-бет.

² Собрание сведений, т. I, с. 229.

³ Ўша жойда, 279-бет.

⁴ Ўша жойда, 229-бет.

⁵ Ўша жойда, 266, 283, 286, 287 ва бошқа бетлар.

Тутун ҳам меросий ҳисобланган. Тутуннинг луғавий маъноси тутиб турмоқ эканлиги назарга олинса, у ҳолда уни соҳибининг вазифаси ойдинлашгандай бўлади. Зеро, хитой манбаларига кўра тутун ҳукмдорнинг жойлардаги ноиби, вакили, назоратчиси вазифасини адо этган (тутиб турмоқ, яъни назоратда тутиб турмоқ). Тутунларнинг маҳаллий ҳокимлар фаолияти устидан назорат қилиб туришларидан ташқари солиқ йиғиш тадбирларида ҳам кўз-қулоқ бўлиб турганларини эслатиб ўтиш керак. Шадга келсак, хитой манбаларида ёзилишича, энг олий мансаблардан ҳисобланиб, шунга яраша сарой маросимларида ҳукмдорнинг ўнг томонидан жой олган¹. Қадимги туркий ёзувлар ва хитойлик муаллифлар гувоҳликлари билан танишиш шу хулосага олиб келадики, шад ва жабғу (йабғу) мазмунан бир-бирига ғоятда яқин мансаб (унвон) ҳисобланган. Бу ҳар икки унвон ҳукмдорнинг энг яқинларига берилган. Масалан, Кутлукхон (вафоти 693 йил) ўзини хон деб эълон қилгач, укаларидан Мучурга шад, Тузилбекка эса жабғу унвонларини беради. Билгахон (вафоти 734 йил) ҳам тахтга ўтиргунга қадар кичик шад унвонида бўлган. Кўриниб турганидек, хоқонлик ўз даври учун мураккаб бошқарув тизимига эга бўлган.

Биз юқорида хоқонликнинг асосан марказий бошқарув тизими билан боғлиқ томонларини кўриб чиқдик. Хоқонлик таркибидаги кўплаб маҳаллий мулклар (вилоятлар)даги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси бирдай эмаслигини таъкидлаган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, улардаги бошқарув хоқонлик марказидан фарқли бўлиши табиий. Зеро, кўчманчи маданият вакили бўлмиш ашиналийлар ўз қўл остиларидаги ўтроқ халқлар турмуш тарзи, ички анъанавий бошқаруви масалаларига мослаша, аралаша олмасликлари турган гап эди. Бунга ўхшаш ҳолат билан биз кейинчалик мўғуллар босқини ва ҳукмронлиги йилларида ўлкамиздаги бошқарув масалаларини ёритишда ҳам тўқнаш келамиз. Бундан ташқари хоқонлик марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий давлат тадбирлари (салтанат осойишталигини сақлаш, ҳимоя қилиш ва давлат ҳудудини кенгайтириш, солиқ тизимининг мунтазам ишлаб туришига эришиш, ички ва ташқи савдо алоқаларини тегишли даражада таъминлаш, давлатлараро сиёсий-элчилик муносабатларини олиб бориш ва ҳоказо) билан машғул бўлиб, маҳаллий даражадаги жа-

¹ Ўша жойда.

раёнлар учун маълум маънода эркинликка йўл қўйилган. Албатта, бунда жойлардаги хусусий жиҳатлар ҳам инобатга олинган. Шунинг учун ҳам Фарғона, Сўғдиёна, Шош, Хоразм, Тохаристон, Шимолий Ҳиндистон каби маконларда бошқарув иши, асосан, маҳаллий сиёсий кучлар (сулолалар) томонидан амалга ошириб берилган. Лекин марказ томонидан назорат ҳеч бир су-саймаган ҳам. Юқорида тилга олинган тутунлар худди шу вазифа билан машғул бўлганлар.

Хитой муаллифларига кўра, Сўғдиёнада маҳаллий Кан сулоласининг мавқеи кучли бўлиб, уларга саккиз ҳокимлик (мулк) тобе бўлган.

Сўғдиёна ҳукмдори ихшид унвонига, тобе ҳокимликлар бошлиқлари ҳам ўз унвонларига эга бўлганлар (масалан, Кеш ҳокими ихрид унвони билан машҳур бўлган). Бошқарувни уч амалдор (вазир) амалга оширган¹. Тохаристондаги аҳвол ҳам худди шу каби бўлган. Тохаристон ҳукмрони жабғу унвони билан, унга тобе ҳокимлар эса (Хутталон, Кубодиён, Шугнон, Чағониён ва бошқа мулклар бошлиқлари) ўз маҳаллий унвонлари билан танилганлар. Масалан, Чағониённи чағонхудотлар бошқарганлар². Шошдаги аҳвол ҳам 605 йилга қадар худди шундай кечган бўлса-да, аммо шу йили Шегуйхон (вафоти 618 йил) бу ерни бошқаришни шаҳзодалардан Фучжитегинга топширади³. Хоразмга келсак, бу ерда, илгари тилга олинганидек, маҳаллий африғийлар сулоласи намояндалари ҳукмфармолик қилардилар.

Жамият ҳаётини идора этишда маълум бир ҳуқуқий усулларнинг мавжудлиги шу жамиятдаги маданий-маънавий аҳвол, ижтимоий адолат даражасидан далолат беради. Шу маънода тарихий-маданий тараққиётимиз учун анъанавий бўлмиш қонунчиликнинг тузукчилик шакли ўша қадим замонлардаёқ ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топганлигини айтиб ўтиш лозим. Масалан, хитой тарихчиси Сўғдиёна ҳақида сўз юритар экан, бошқа масалалар қатори қуйидагиларни ҳам келтириб ўтади: «Ибодатхонада муҳофазатда турадиган туркий тузуклар (мажмуаси) бор. (Бирон-бир) жазони белгилашда ушбу тузуклар (мажмуасини) олиб, унга асосланган ҳолда ҳукм чиқарадилар»⁴. Туркий тузуклар ё тўролар мавжудлигини биз тўғридан-тўғри қадимги туркий битик-

¹ Собрание сведений, т. 2, с. 271.

² Қаранг: Тарихномайти Табарий, 2-жилд, 831-бет.

³ Собрание сведений, т. 2, с. 313.

⁴ Уша жойда, 271-бет.

лардан ҳам билиб олишимиз мумкин (Турк тўроси, эл тўроси). Чунончи, тузукларда қуйидаги жазо нормалари белгиланганлигини айтиб ўтиш мумкин: энг оғир жиноят содир қилинганда жиноятчи бутун уруф-аймоғи билан қириб юборилган. Афтидан, исёнчи ва сотқинларга нисбатан шундай жазо қўлланилган. Бировни ўлдиргани, эрлик хотин билан бузуқлик қилгани, адашган отни суистеъмол қилиб олгани учун ҳам ўлим жазоси қўлланилган. Агар бировга лат етказилса буюм ё бошқа бирон-бир мол-мулк билан товон тўланган. Тузукчилик амалий ҳаёт билан чамбарчас равишда шаклланиб борганини шундан ҳам билса бўладики, масалан, жиноятчи бирон кимсанинг кўзига зиён етказган тақдирда, у ҳолда белгиланган жавобгарликка кўра айбланувчи жабрланганга ўз қизини, қизи бўлмаса аёлининг мол-мулкани бериши шарт қилиб қўйилган. Хуллас, жамият ва давлатни қонунлар асосида бошқариш анъанаси ўз даврига хос равишда давом этган.

Ашиналийлар даврида ўлканинг деҳқончилик, ҳунармандчилик, қурувчилик, савдо-сотик, кончилик каби соҳалардаги тараққиёти тўхтамаган. Бунинг сабаби тушунарли, албатта. Чунки мамлакатимизнинг табиий, жуғрофий, кўп асрлик тажрибавий имкониятлари нечоғлиқ бўлгани ҳам маълум. Шунинг учун ёзма манбаларда, археологик қазилмалар натижалари орқали Фарғона, Сўғдиёна, Хоразм, Бақтрия (Тохаристон) каби вилоятларда деҳқончиликнинг барча турларига оид қимматли маълумотларни қўлга киритиш мумкин. Деҳқонлар мавжуд сув ресурслари ҳамда лалмикор ерлар имконларидан фойдаланиб буғдой, арпа, шоли, мош, тарик, нўхот, қовун, тарвуз каби ўсимликлардан юқори ҳосил олганлар. Пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик каби соҳалар ҳам ўтган асрлар каби муносиб даражада ўсиб борганини ўрта аср тарихчилари қайд этиб ўтганлар. Масалан, бир ерда ўлкада етиштириладиган пахтанинг юқори сифат даражаси таъкидланса, бошқа бир ерда узумчилик, хусусан, виночилик борасидаги миришкорлар тажрибасига анъанавий бўлиб қолган таҳсинлар ўқилади. Боғдорчиликка ҳам муносабат худди шу қабилда. Шафтоли, ўрик, олчанинг бир неча турлари, ёнғоқ, писта, бодом ва бошқа қатор мева навларидан ҳам сифатли, ҳам юқори ҳосил олинган ё манба тили билан айтганда «(мевали) дарахтлар савлат тўкиб турган». Чунончи, ажнабийларни Самарқанднинг «тилла шафтолиси» лол қолдиргани маъ-

лум¹. Шифобахш ўсимликлардан ҳам кенг фойдаланилган.

Қадимдан қазилма бойликлари билан машхур ўлкамизда бу даврда ҳам кончиликдаги фаолият сусаймаган. Олгин, темир, навшадил, кумуш, кўрғошин, мис, маргимуш, тузнинг бир неча хили, турли қимматбаҳо тошлар, шифобахш қотишмалар Сўғдиёна, Шош, Фарғона, Тохаристон каби вилоятларда қазиб олингани манбаларда аниқ кўрсатилган². Деҳқончилик ва кончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўз-ўзидан кейинги уч тармоқ: хунармандчилик, қурилиш, савдо-сотик равнақи учун катта туртки бўлиши табиий ҳол эди. Шунинг учун ҳам бу вақтда металлсозлик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик каби касб-корлар кенг қулоч ёзиб борган. Уларнинг ривожига оид мисоллар жуда ҳам кўп. Заргарларнинг нафис безаклари, тақинчоқлари, темирчиларнинг деҳқон, қурувчига ё бўлмаса оддий бир рўзғорга заруриятларни (болта, ўроқ, мих, қайчи, занжир, калит дегандай), қуролсозларнинг ҳарбийларга, зодагонларга, ишқивозларга ясаб берган пухта ва ноёб қурол-аслаҳалари, турли ҳажм ва мақсадда ишлов берилган сопол идишлар, пахта, жун, ипак матолар, қоғоз ўрнида ишлатса бўладиган даражада сайқал берилган терилар ва кўплаб маҳсулотларни санайверсак тутамайди.

Юқоридаги соҳалар жонланиши билан қурувчилик кенгайиб бораверган. Устахоналар, диний ва расмий бинолар барпо этиш, уларни муносиб равишда сайқаллаш, безаш каби тадбирлар қурувчилар бўйнига тушгани табиий. Археологлар олиб борган қазилмалар шаҳарларнинг ўсиши, янги қалъаларнинг бунёд бўлиши, ибодатхоналар, саройлар, фуқаролар турар жойларининг қурилишига доир кўплаб маълумотларни юзага чиқармоқда.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кўприк вазифасини ўтаб келган ўлкамиз савдо аҳли сиёсий маконнинг кенгайишидан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятларини янада жонлантириб юборадилар. Илгари халқаро савдо асосан Хитой—Туркистон—Эрон орқали ғарбга томон йўналишда олиб борилган бўлса, эндиликда Каспий денгизи ҳамда Шимолий Кавказ йўлидан ҳам унумли фойдалана бошланди. Ўлканинг асосий савдо ҳамкорлари бўлиб Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Византия каби мамлакатлар ҳисобланган. Бу мамлакатларга тўқимачи-

¹ Ўша жойда, 281, 310, 316 ва бошқа бетлар.

² Ўша жойда, 259, 272, 281, 282, 285-бетлар.

лик, ипакчилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, улардан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, дориворлар, наслдор арғумоқлар, бир неча хил туз, вино, боғдорчилик маҳсулотлари, қазилма бойликларнинг бир қанча турлари олиб борилган. Айниқса, савдо-сотик ишларида Сўғдиёна савдогарлари донг чиқарганлар. Шу маънода хитойлик муаллифларнинг куйидаги гувоҳлиги диққатга сазовардир: «(Сўғдиёналик) эркаклар йигирма ёшга тўлишлари билан кўшни мамлакатларга ошиқадилар ва (савдо-сотикда) қаерда (кулайлик) ва манфаат бўлса, (албатта) у ерга қадам ранжида этадилар»¹. Демак, улар аввало шу ёшга етгунга қадар маълум бир тайёргарлик босқичини ўтганлар (хат-савод чиқарганлар, савдогарчилик хунарини ўрганганлар) ва шундан кейингина дунёнинг бой ўлкалари бўйлаб тижорат сафарига отланганлар.

Сиёсий, иқтисодий-савдо, халқаро муносабатларнинг юксак савияга кўтарилиши минтақа маданий-маънавий ҳаётининг янада бойишига сабаб бўлиши муқаррар эди. Буни археологлар олиб борган тадқиқотлар натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хоразм, Сўғдиёна, Тохаристон каби тарихий маконларда олиб борилган қазилмалар кўрилаётган даврда ҳайкалтарошлик, ўймакорлик, ганжкорлик, наққошлик борасидаги юксак санъат даражасидаги тадбирлар амалга оширилганини яққол кўрсатиб берган.

Ёзма манбалар, деворий суратлар бу вақтда ўлкамизда мусиқашунослик, раққослик, театршунослик каби санъат соҳалари ривожланиб борганини тасдиқлаши мумкин. Бу, албатта, илгариги асрлардан буён давом этиб келаётган анъаналарнинг давоми ҳисобланади. «Катта ва кичик чирманда, беш торли уд, дўмбира, най, турли рубоблар» каби ўнлаб мусиқа асбобларининг номларини келтириш мумкин². Раққосларнинг маҳорати шу даражада юксак бўлганки, ҳатто хорижий давлатларда, масалан, Хитой саройларида ҳам уларни гоётада қадрлаганлар. Чунончи, ўлкамиз кўғирчоқ театри усталарининг санъати хитойликларни лол қолдириб, кўғирчоқ театри Хитойга бизнинг маданиятимиз намунаси сифатида кириб боргани ҳам маълум³.

Аждодларимизнинг ушбу даврдаги ҳаётлари қанча-

¹ Уша жойда, 310-бет.

² Уша жойда, 271-бет.

³ Батафсил қаранг: Раҳмонов М. Ўзбек театри (қадимги замонлардан XVIII асрга қадар), 1975, 152—182-бетлар.

лик ранг-баранг кечганлиги далили сифатида ўша йилларда мавжуд хат-ёзувлар ҳақида ҳам бир оғиз тўхталиб ўтса бўлади. Хусусан, аҳоли орасида туркий, сўғдча, хоразмча, бухороча ёзувлар кенг тарқалган. Шунга ўхшаш ҳар хилликни диний эътиқодлар борасида ҳам учратиш мумкин: оташпарастлик, буддапарастлик, насронийлик, табиат кучларига сиғиниш ва ҳоказо.

Юқорида биз ашиналийларнинг ташқи сиёсий алоқаларига тегишли баъзи маълумотларни келтириб ўтдик. Умуман олганда эса ўз даврининг халқаро муносабатлари доирасида ҳам географик, ҳам сиёсий (бугунги кун ибораси билан айтганда геосиёсий) жиҳатлардан марказий ўринни эгаллаб турган хоқонлик ўзидан ташқари мавжуд уч йирик давлат: Хитой, Эрон, Византия билан рақобат қилишига тўғри келган. Бу рақобат мазмуни тўрт давлатнинг ҳар бири ва улар жойлашган Ўрта денгиздан Тинч океанигача, Ҳинд океанидан Шимолий Муз океанигача бўлган улкан сиёсий, иқтисодий, маданий, географик макон имкониятлари ила белгиланар эди. Уларнинг бирон-бири якка ҳолда мазкур макон «бешигини тебратишга» қодир эмасди. Шунинг учун ҳам ашиналийлар нозик дипломатия йўлини ҳарбий куч ишлатиш усули билан уйғунлаштирган ҳолда ўз рақибларининг ички сиёсий, иқтисодий ва ташқи муносабатларини доим ўрганиб, воқиф бўлиб туриш орқали фаолият кўрсатганлар.

Албатта, ҳамма вақт ҳам бунинг уддасидан чиқишнинг иложи бўлмаган. Лекин давлатчилик тараққиётида ўз даври учун юқори чўққиларга эришиб, буюк салтанат барпо этишда юқоридагиларнинг аҳамияти катта бўлгани шубҳасиз. Масалан, Ашина сулоласи эндигина кучга кириб келаётган дастлабки даврда биринчи вазифа қилиб ён-атрофни мустаҳкамлашни қўйган. Шунинг учун, айтиб ўтилганидек, насл-насаби номаълум жужанлардан кечиб, қавман яқин вэйлар билан яқинлашинилади. Бу ашиналийларнинг шарқий йўналишдаги мавқени мустаҳкамламай туриб ғарбга томон одимлаш қийин кечишини яхши тушунганликларидан далолат беради. Бундан ташқари Шарқ ва Ғарб муносабатларида ўша асрларда энг муҳим омиллардан бири бу ипак билан савдо қилиш бўлгани учун хом ашёни ишлаб чиқаришда асосий ўрин эгаллаган Хитойни жиловлаш ва бу билан халқаро иқтисодий алоқаларга қатъий таъсир ўтказиш сиёсати ҳам назарда тутилгани аниқ. Ана шу талаблардаги вазифа амалга оширилиб бўлгандан кейингина (маса-

лан, хитойликларга йилига 100 минг парча ипак миқдо-
рида ўлпон солиниши) навбатдаги мақсад — эфталийлар
сулоласи фаолиятига чек қўйишга киришилади. Бунда
Эрон омилидан усталик билан фойдаланилади. Бу вақт-
да Эрон ҳам, Византия ҳам эфталийлар билан тескари
эди. Шу сабабдан ҳам сосонийлар ва ашиналийлар
ўртасида эфталийларга қарши иттифоққа эришиш шун-
дай осон ҳал бўладики, иш ҳатто эронлик ҳукмдорлар-
нинг туркистонлик маликалардан бирига уйланишигача
бориб, ашиналийлар энди Эрон саройида ўз кишилари-
га эга бўлиб оладилар. Тез орада эфталийлар ҳукмронли-
ги хотимага етади ва бу ҳақда айтиб ўтилди. Эндиги гал
ашиналийлар Византия билан ҳарбий иттифоқ тузиб
Эронни сиқувга олиб, ҳатто улар эфталийларга тўлаб
келган йиллик ўлпонни бундан буён бизга тўлайсизлар,
қабалидаги шарт ҳам қўядилар. Шарт-шароит етилганда
хоқонликнинг Кримда Византия билан юзма-юз келган
вақтлари ҳам бўлган. Албатта, ашиналийларнинг Хитой,
Эрон, Византия билан муносабатларда ўз ҳукмларини
ўтказиб, ҳарбий устунликларга эришган вақтларда сал-
танат сиёсий-географик жиҳатдан юксалган. Шу билан
бирга Эрондан ҳам, Хитойдан ҳам мағлубиятга учраб,
тушкунликка тушиб қолган пайтлар ҳам бўлган.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ X—XIII АСРЛАРДА

VII асрнинг ўрталарида арабларнинг мамлакатимизга таҳдиди жиддий тус олди. Сосонийлардан бўлмиш Яздигар III ни қувиб келган араблар 651 йили Марвни эгаллайдилар. Шундан кейинги 60 йилдан ортиқ вақт мобайнида улар минтақанинг бошқа йирик марказларини ҳам босиб олишга ҳаракат қилдилар. Фақат VIII асрнинг бошларига келибгина араблар бирин-кетин Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Шош ва Фарғона каби ерларни бўйсундира олдилар¹. Албатта, арабларнинг мазкур муваффақияти юртимиз шаҳар-қишлоқларини талаш, ватан ҳимоясига отланганларни қириш, асрлар давомида яратиб келинган турли ва кўплаб маданий-маънавий обидаларни (ёзма манбалар, ибодатхоналар ва ҳоказо) яқсон қилиш орқали амалга оширилган эди. Чунончи, арабларнинг Хоразмга босқинини таърифлаб Абу Райҳон Беруний шундай ёзганди: «(араб лашкарбошиси) Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини (яъни тарихини — А. З.) ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди»². Шу тариқа ўлкамиз милодий 1-мингйилликда илк бор ташқи тажовузкор домига тушиб, энди Араб халифалигига қарам бўлиб қолди. Демак, сиёсий мустақиллик, ўз юртида давлатни бошқариш эрки йўқолди.

Ислом таълимоти асосида мафкуравий жиҳатдан жамиятда бир бутунликка эришилганини ҳисобга олмганда бу галги эркни йўқотиш ҳам аждождаримиз учун қимматга тушди. Маданий тараққиёт нуқтаи назаридан анча орқада бўлган арабларнинг узоқ асрлардан бери ҳар тарафлама обод ва фаровон ўлкага муносабати бундан кам ё ортиқ бўлиши мумкин ҳам эмасди. Шу муносабат билан илмий ва бошқа доираларда учраб туради-

¹ *Батафсил қаранг:* Тарихномайн Табарий; Тарихи Йақубий; Муруж аз-заҳаб; Тарихи комил ва бошқалар.

² *Беруни.* Памятники минувших поколений. Ташкент, 1957, с. 63.

ган «ўрта аср араб маданияти (цивилизацияси)» қабилдаги тушунчалардан (аслида эса тушунмовчиликлардан) воз кечиш пайти келди, деб ўйлаймиз. Зеро, ягона мафкура ва маълум давргача араб тили ҳукмронлигини ҳисобга олмаса, бу давр фан ва маданияти моҳият эътибори билан туронликлару эронликлар саъй-ҳаракати ила жонланиб келган.

СОМОНИЙЛАР

Бир-икки оғиз сўз мазкур сулола ҳақида. Олдинлари ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, одатда сулолалар бирон-бир ўзларига мансуб йирик намоянда фаолияти орқали машҳурликка эришадилар (масалан, эфталийлар, ануштегинийлар, теурийлар ва ҳоказо). Сомонийлар ҳам шундай. Улар аслида Сомон қишлоғи оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодларидир. Бу масканнинг қаердалигини аниқ кўрсатиш қийин. Чунки баъзи манбаларда Самарқанд атрофи кўрсатилса, баъзиларида эса Термиз ё Балх томонларга ишора берилади¹. Худди шунингдек, сомонийларнинг қайси этнога тааллуқли экани ҳам маълум эмас. Сомонхудотнинг авлодлари IX аср биринчи ярмида Фарғона, Шош, Самарқанд, Ҳирот каби йирик вилоятларга ҳокимлик қилганлар. Лекин халифаликка қарамлик сақланиб келганди. 874 йилдан бошлаб Бухорони, 892 йилдан бошлаб эса бутун Мовароуннаҳрни бошқара бошлаган Исмоил Сомоний даврига келибгина бу қарамликдан қутулиш имкони туғилди. Шу ерда икки оғиз сўз «Мовароуннаҳр» атамаси ҳақида. Арабчада «дарёнинг (яъни Амударёнинг — А. З.) нариги томонидаги ер» маъносини англатувчи ушбу атама географик тус олиб аввалига ҳақиқатан ҳам Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ерларга, кейинчалик эса асосан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралигидаги маконга нисбатан ишлатила бошланган.

Исмоил 849 йили Фарғонада туғилган. 14 ёшида отаси Аҳмад вафот этиб, акаси Наср қўлида қолади². Манба тили билан айтганда «ақли, адолатли, фикр ва тадбир эгаси» бўлмиш Исмоил, айтилганидек, 892 йили бутун Мовароуннаҳр ҳукмини ўз қўлига олишга эришиб, «ҳақиқатан ҳам подшоҳликка лойиқ ва ҳақли» эканини исботлайди. Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётидаги бу

¹ *Наршахий*. Бухоро тарихи. Мерос, 132-бет; *Бартольд В. В.* Сочинения. Т. 1, с. 267.

² *Наршахий*. Бухоро тарихи, 149-бет.

ўзгариш Араб халифаси Муътазидга (892—902) ҳам, унинг Хуросондаги ноиби Амр ибн Лайсга ҳам хуш келмагани аниқ. Бунинг исботини халифанинг Исмоилни Мовароуннаҳр тахтидан маҳрум этиб, Амр ибн Лайсни Хуросон билан бирга Мовароуннаҳр устидан ҳам ҳукм юритиш ҳуқуқи билан таъминлагани ҳақидаги фармонидан билиб олиш мумкин. Мазкур фармон тезда Амр ибн Лайсга жўнатилади. Бошқача айтганда, халифа Амр ибн Лайсни Исмоилга ҳарбий юришга гиж-гижлаган. Бу билан у нафақат Исмоилни йўқотиш пайида бўлган, балки Амр ибн Лайснинг ушбу ҳарбий юриш оқибатида заифлашиб қолишига ҳам умидвор бўлган. Аммо халифа ва унинг йўриғидан ҳамда ўз нафси кетидан борган Амр ибн Лайснинг режалари амалга ошмайди. 900 йилнинг баҳорида Балх атрофида юз берган жангда Амр ибн Лайс Исмоил томонидан мағлубиятга учратилади. Исмоилни Хоразм, Фарғона, Бухородан, яъни бутун Туркистондан ёрдамга келган катта ҳарбий куч қўллаб-қувватлагани ҳақида манбаларда аниқ ёзилган¹. Шу тариқа Хуросон ва Шимолий Эрон ҳам Исмоил тасарруфига ўтади. Араб халифалигига қарамликка барҳам берилади.

Исмоил давлатчилигимиз тарихидаги 1600 йилдан ортиқ тажриба ва анъаналарни уддабуронлик ила давом эттира билган давлат арбоби ҳисобланади. У, энг аввало, мамлакатимиз сиёсий бирлигини таъминлаш ишига бел боғлаб, Фарғона, Исфижоб (Сайрам), Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағониён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон, Фазна каби қатор вилоятларни ўз ҳукми остида бирлаштирди. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам мутлақ равишда тобелик йўлига кирмаган бўлсалар-да, аммо қудратли марказий ҳокимият оби ҳавосини тан олишга мажбур бўлган эдилар. Демак, Исмоил марказлашган давлатчилик асосларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлган. Шундан сўнг у ана шу марказлашган давлат бошқарув тизимини жорий этишга киришади. Чунки эндигина мустақилликни қайта тиклаган давлат учун қатъий тартиб доирасида фаолият кўрсатувчи идорачилик зарур эди. Исмоил бу вазифани ҳам ҳал эта билди. Аммо илгарилари бошқа сулолалар тажрибасида кўрилганидек, Исмоил вафотидан сўнг (907 йил 25 ноябрь)² тахтга чиққан сомонийлар намояндалари (Аҳмад, Наср II, Нух I, Абдумалик, Мансур I,

¹ Ҳаша жойда, 149—159-бетлар; Зайн ал-ахбар, с. 63.

² *Наршахий*. Бухоро тарихи, 159-бет; Зайн ал-ахбар, с. 63.

Нух II, Мансур II) буюк аждодлари қолдирган меросни сақлаб қолишга ожизлик қилдилар. Масалан, Исмоилдан кейин тахтни эгаллаган Аҳмад субутсизлик қилиб, араб тилини яна давлат тили даражасига кўтаради. Ваҳоланки, Исмоил даврида бу нарса йўқ қилинган эди.

Аҳмаднинг бу каби бошқа ишлари ҳам бир бўлиб, охир-оқибатда унга суиқасд уюштирилишига сабаб бўлган¹. Хуллас, X аср давомида сиёсий бошбошдоқлик авжга чиқиб марказий ҳокимият мавқеига путур етади. «Дарахтнинг бўшини қурт ейди» деганларидек, сомнийлар зарбининг пасайиши минтақанинг Еттисув ва Кошғар қисмида бошқа бир сиёсий сулола — қорахонийларнинг кучайиб бориши билан бир вақтга тўғри келганди. Натижада X аср охирида ҳокимият уларнинг қўлига ўтади². Қорахонийлар минтақанинг Еттисув, Кошғар, Мовароуннаҳр каби қисмлари устидан ҳукмронлик қила бошлайдилар. Хуросон, Ғазна каби вилоятлар эса худди шу даврдан бошлаб минтақада етишиб чиққан яна бир сиёсий сулола — ғазнавийлар тобелигига ўтган эди.

Таъкидлаганимиздек, Исмоил ўз даври учун илғор ҳисобланмиш марказлашган бошқарув тизимини жорий этишга муваффақ бўлган. Бу тизим асосини олий ҳукмдор даргоҳи (саройи) ва девонлар (вазирликлар) мажмуи ташкил этган. Олий ҳукмдор амир унвонига эга эди. Шунинг учун манбаларда Амир Исмоил, Амир Аҳмад каби таъкидларни учратиш мумкин. Олий ҳукмдор ҳукмларининг ижроси ҳорис амирига юклатилган. Даргоҳ ҳамда бошқа қатор муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш хизматини бош ҳожиб ва унинг ходимлари олиб борганлар. Даргоҳнинг хўжалик юмушлари билан боғлиқ фаолият вакил томонидан бошқарилган. Бундан ташқари даргоҳда дастурхончи, эшикоғаси, шарбатдор каби хизматлар ҳам бўлган³.

Девонлар (вазирликлар) бошқарувига келсак, уларнинг умумий сони 10 та бўлиб, пойтахт Бухорода ҳар бири учун алоҳида бинолар қуриб берилганди⁴. Қуйида девонлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади.

1. Бош вазир девони. Бутун ижроия ҳокимияти ҳамда қолган тўққиз девон устидан раҳбарлик ва назорат худди

¹ *Наршахий*. Бухоро тарихи, 161—162-бетлар; Зайн ал-ахбар, с. 65.

² *Наршахий*. Бухоро тарихи, 165-бет; Зайн ал-ахбар, с. 84—90.

³ *Бартольд В. В.* Сочинения. Т. 1, с. 286—287.

⁴ *Наршахий*. Бухоро тарихи, 106-бет.

шу вазирлик томонидан амалга оширилган. Сомонийлар даврида ушбу лавозимга замонанинг атоқли хонадонлари намояндалари тайинланган. Чунончи, бош вазирлик жайҳонийлар, балъамийлар, утбийлар сулолалари орасидан чиққан шахсларга насиб этгани маълум.

2. Молия (кирим-чиқим) ишлари девони. Давлатнинг молиявий ишлари, сарф-харажатларига оид ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланган.

3. Давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш девони. Бу махсус девон саналиб, унинг хизматчилари давлат аҳамиятига молик барча ҳужжатларни тайёрлаб берганлар. Бундан ташқари мазкур девонга дипломатик тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш каби вазифа ҳам юклатиб келинган.

4. Соқчилар бошлиғи девони. Ушбу муассаса махсус сараланган ҳарбий қисмларга бошчилик қилиб, уларнинг тайёргарлиги, тартиб-интизоми, озиқ-овқати, умуман, хўжалик таъминоти, маоши масалалари билан шуғулланиб келган. Масалан, маош бир йилда тўрт марта — ҳар уч ойда тўлаб турилар экан.

5. Хат-хабарлар мутасаддиси девони даргоҳ, ҳукумат, маҳаллий ҳокимият билан боғлиқ хабардорлик ишлари билан машғул бўлиб, пойтахтда қабул қилинган муҳим қарорлар, ҳужжатлар ва бошқа расмий кўрсатмаларни вилоятлар, шаҳарларга етказиш ҳамда жойлардаги шу қабилдаги маълумотларни марказга етказиб бериш каби тадбирлар билан банд бўлган. Шу билан бирга мазкур девоннинг жойлардаги бўлимлари маҳаллий давлат идоралари, ҳокимлар фаолияти ҳақида ҳаққоний маълумотларни тўплаб, тўғридан-тўғри даргоҳга юбориш имконига ҳам эга бўлганлар. Шу тариқа олий ҳукмдор жойлардаги бор аҳволдан воқиф бўлиб турган ва тегишли чоралар кўрган.

6. Сарой иш бошқарувчиси девони. Даргоҳ таъминоти билан боғлиқ сарф-харажатлар устидан назорат олиб бориш шу девонга юклатилган.

7. Давлат мулклари девони ҳукмдор сулолага тегишли мол-мулк бошқаруви, назорати, ҳисоб-китоби билан шуғулланган.

8. Мухтасиб девони жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган хизматлар сирасига кирган. Унинг хизматчилари қиладиган асосий иш шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартибни назорат қилиш, диний маросимларни амалга оширишда чегарадан чиқмасликни таъминлаш, савдо-сотик ишларида харидор-

ларга хиёнат қилмаслик, маҳсулотлар сифатини қатъий кўрсатилган даражада тутишни текшириш, нарх-наво-ни белгиланган миқдордан (айниқса гўшт, нон каби бирламчи озуқаларга) оширмасликни назорат қилишдан иборат бўлган. Бундай масъулиятли вазифага кўпчиликнинг эътиборини қозонган, ҳаммага бирдай турадиган кишилар тайинланган.

9. Вақфлар девони, яъни турли йўллар билан диний муассасалар ихтиёрига ўтказилган мол-мулк, ер-сув ишлари билан шуғулланувчи вазирлик.

10. Қозилик ишлари девонига қозиларнинг фаолиятини назорат қилиш юклатилган. Баъзи ҳолларда, яъни иши қозига оширилганлар орасида юқори лавозимда ишлайдиганлар бўлса, қозилик қилишни олий ҳукмдорнинг шахсан ўзи, ё унинг тарафидан тайинланган ҳукмдор сулола вакили амалга оширган. Бундан мақсад мартабадорларнинг қозиларга тазйиқ қилишларига йўл қўймаслик бўлган, албатта.

Зикр этилган девонларнинг жойларда ҳам бўлимлари бўлган. Улар марказдаги ўз девонларидан ташқари маҳаллий ҳокимларга ҳам бўйсуниб, маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатганлар. Бундан хат-хабарлар хизмати девони мустасно ҳисобланиб, уларнинг маҳаллий бўлимлари фақат марказгагина ҳисобот берганлар, холос. Зеро, юқорида айтилганидек, улар маҳаллий ҳокимлар, мансабдорлар устидан ҳам пинҳона назорат олиб борганлар.

Вилоят бошлиғи ҳоким, шаҳар бошлиғи эса раис деб аталган. Ҳокимни олий ҳукмдор, раисни ҳоким тайинлаган. Албатта, бунда у ёки бу номзоднинг шу ердаги обрў-эътибори, мавқеи ҳисобга олинган.

Давлат ишларига қабул қилишда маълум бир талаблар силсиласи мавжуд эди. Масалан, давлат тилини мукаммал билиш, замона ҳуқуқ меъёрларидан тўлиқ хабардорлик, тарих, адабиёт каби илмлардан бохабарлик, ҳисоб-китоб ишларидаги билимдонлик ва ҳоказо.

Лашкар икки тоифага бўлинган: доимий равишда фаолият кўрсатувчи сараланган қисмлар (гвардия) ва зарур ҳолларда вилоятлардан йиғиладиган қисмлар. Сараланган қисмлардаги хизмат камида саккиз босқичдан иборат бўлиб, оддий пиёда аскарликдан висоқбоши, яъни тўрт кишидан иборат гуруҳга бошлиқ даражасигача бўлган йўлни босиб ўтишга тўғри келган. Кейин у ҳайлбоши (кичик қўшин бошлиғи) мақомини эгаллаши мумкин бўлган. Бу даражага тегишли тар-

тиб-интизом, талаблар доирасида хизмат қилингандагина эришиш мумкин эди¹.

Кўрдикки, сомониёлар даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий хизматнинг ўз даври учун мураккаб ва салоҳиятли тизими ташкил этилган. Мазкур масалага катта эътибор билан қараб келинганини шундан ҳам билса бўладики, ҳазинадаги умумий йиллик даромад 45 млн. дирҳамни ташкил этган ҳолда шундан 20 млн. дирҳам давлат бошқаруви ва лашкарга сарф этилган. Албатта, ўшанда ҳам порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш каби иллатлар учраб турган. Аммо давлат тизими ва лашкарга кетган сарф-харажатлар ўзини оқлаган. Масалан, лашкар мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаб келган. Давлат идоралари эса, манба тили билан айтганда, каналлар, ер ости ариқлари (коризлар) қазилар, кўприклар қуриш, шаҳар, қишлоқлар ободончилиги, деҳқончилик борасида ғамхўрлик қилиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш, карвонсаройлар, турли мақсадлар учун мўлжалланган бинолар, бозорлар, янги шаҳарлар бунёд этиш каби катта ва серхаражат, кўпчилик билан битадиган тадбирларга бош-қош бўлиб кетган². Шунинг учун ҳам бу даврда деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари гуркираб ривожланиб, фаровонлик ҳукм сурган.

Илгариги асрларда бўлгани каби Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон водийлари, Шош, Хоразм, Хуросон вилоятларида деҳқончилик ишлари юксак савияда амалга ошириб борилиб, буғдой, арпа, шоли, пахта, тарик, зиғир, кунжут, каноп, нўхот, мош, ёсмиқ, беда каби қатор экинлар етиштирилган. Ҳосилдорлик шу даражада бўлганки, бир сиқим дон экиб, юз сиқим, ҳатто ундан ҳам кўп ҳосил олинган. Боғдорчилик, хусусан, узумчилик ва полизчилик соҳаларида ҳам ютуқлар шу каби эди. Узумнинг ўнлаб навлари, мевалардан олма, шафтоли, ўрик, нок, анжир, беҳи, олча, олхўри, анор, бодом, ёнғоқ, полиз экинларидан қовоқ, қовун (айниқса Бухоро қовунлари машҳур бўлган), сабзавотдан бодринг, бақлажон, сабзи, пиёз кабилар етиштирилган. Хуллас, бу борадаги миришкорлик шу даражада бўлганки, чет эллардан келганлар ернинг унумдорлиги, ҳосилнинг юқорилиги, ҳамма ернинг кўм-кўк, яъни обод бўлиб туришини кўриб ҳайратга тушганлар³.

¹ Сиёсатнома, 141-бет.

² Ўша жойда, 12—13-бетлар.

³ Қаранг: *Истахрий*. Масолик ва мамолик. Техрон, 1368(х), 226—227-бетлар.

Хунармандчиликнинг аҳволига назар ташланса, шу нарса маълум бўладики, пахта, ипак, жундан турли хил матолар, тайёр кийимлар тайёрланиб, ўлка ва ён-атроф аҳлининг талаби қондирилиб келинган. Қоғоз ишлаб чиқаришда мамлакатимиз Ўрта ва Яқин Шарқда, Европа мамлакатлари орасида биринчиликда туриб, уларни бу ноёб маҳсулот билан таъминлаб келганини алоҳида таъкидлаш лозим. «Самарқанд қоғози каби қоғозни, — деб ёзганди X аср тарихчиси Истахрий, — (дунёнинг) ҳеч бир ерида учратмайсиз»¹. Шунингдек шишасозлик (ранг-баранг шиша идишлар, безаклар, дераза учун ойна ишлаб чиқариш), кулолчилик (айниқса, сопол идиш, буюмларни сирлаш борасида катта тажрибага эга бўлинган), кўнчилик, гилам тўқиш, мисгарлик, қуролсозлик, темирчилик, кунжут, чигит, зиғир, канопдан мой олиш каби ўнлаб соҳалар фаолият кўрсатиб, жамият ҳаётини яхшилашда муҳим ўрин тутган.

Сомонийлар даврида кончиликка ҳам катта эътибор берилгани маълум. Айниқса, Фарғона водийсида бу борада катта кўламдаги ишлар амалга оширилиб, Ахсиқат, Навқотда олтин, кумуш, юқори Нисода тошпахта (астбест), қатрон, кумуш, олтин, феруза, темир, мис, кўрғошин, Исфара тоғларида тошкўмир, қора, қизил, сариқ ранглардаги талқ (слода), Сўх яқинида симоб, Ўзгандда новшадил конлари ишлаб турган. Шунингдек Фарғонада бу вақтда туз, нефть каби қимматли хом ашёлар ҳам қазиб олинган. Туз конлари Илоқда (Оҳангарон водийси) ҳам бўлган. Аммо бу ерда, асосан, кумуш, кўрғошин қазиб олишга зўр берилган. Бундан ташқари мазкур водий тоғларида гилвата, ўтга чидамли оқ лой (каолин), аччиқтош, феруза, офит (серпантин), аметист каби қазилма бойликлари ҳам бўлган. Темир, олтин, мис, кумуш, навшадил, купорос, ақиқнинг йўл-йўл тури, туз конлари Усрушонада (Шош, Фарғона, Чағониён, Самарқанд вилоятлари билан ўралган макон) ҳам ишлаб турган. Минтақанинг бошқа ерларида (Хуросон, Бадахшон ва ҳоказо) ҳам ёқут, заҳармуҳра, олтин, кумуш, лаъл, туз, тошпахта, феруза, мрамор, олтингургурт, маргимуш, агат конлари мавжуд эди². Археологик қазишлар шуни кўрсатадики, кончилик технологияси ўз даври учун юқори даражада бўлган³.

¹ Ўша жойда, 227-бет.

² Қаранг: *Истахрий*. Масолик ва мамолик; Худуд ал-олам. Техрон, 1340(х), 105—118-бетлар.

³ Қаранг: *Массон М. Е.* К истории черной металлургии Узбекистана, 1947; К истории горного дела на территории Узбекистана, 1953.

Юқорида тилга олинган соҳаларни юзага чиқарадиган муҳим фаолият савдо-сотиқ хусусида тўхталсак. Со-монийлар давридаги пул муомаласининг ўзига хос то-монлари бор. Муомалада олтин тангалар, исмоилий, муҳаммадий, фитрифий, мусаййабий, хоразмий дирҳам-лари бўлган. Шу ўринда Истахрийнинг қуйидаги гувоҳ-лиги эътиборга молик: «Самарқандда муомалада олтин (танга) ва исмоилий дирҳами юради. Яна бир пул бирли-ги борки, уни муҳаммадий дейдилар. Ва Самарқанддан бошқа ҳеч ерда муомалада юрмайди»¹. Бошқача айтган-да, исмоилий дирҳами салтанат ва халқаро миқёсдаги қаттиқ валюта ролини ўйнаган. Муҳаммадий, фитрифий ва бошқалар эса маҳаллий аҳамият касб этган. Масалан, фитрифий кумуш тангалари, асосан, Бухоро доирасида муомалада бўлган². Аввало, ўлка савдогарлари шу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан минтақа аҳли эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам савдо-сотиқ гуркираб ўсган, кўплаб бозорлар бунёд этилган, бориб-бориб расталар, бозорларни маъ-лум бир йўналишда ихтисослаштириш йўлига ўтилган, айниқса, марказий шаҳарларда кўтарасига савдо кенг йўлга қўйилган. Масалан, манбада шундай ёзилади: «Мовароуннаҳрнинг (энг асосий) бозори, (ҳар қаёқдан) савдогарлар оқиб келадиган жойи бу Самарқанддир. Мовароуннаҳрда (ишлаб чиқариладиган) аксар маҳсу-лотлар аввал Самарқандга олиб келинади, кейин эса бу ердан бошқа вилоятларга олиб кетилади». Худди шу каби таърифни Бухоро, Пойкент, Бинкат, Хўжанд, Тер-миз, Урганч, Кот каби шаҳарларга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Савдо-сотиқнинг бундай ривожланишига нафа-қат ишлаб чиқаришдаги, балки ички ва ташқи савдони ташкил этишдаги ҳаракатларнинг таъсири ҳам катта эди. Чунки карвонсаройлар тизими, йўл хавфсизлиги ва орасталигисиз, адолатли солиқ тизимини таъминламай туриб савдо-сотиқ ривожини тўғрисида сўз бўлиши мум-кин эмас. Энг аввало, бундан давлат манфаатдор бўлган.

Ўша вақтларда мамлакатимиздан олиб чиқиб кетил-ган ё бўлмаса юртимизга олиб келинган маҳсулотлар ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Уларнинг барчасини санаб ўтирмай энг асосийларига тўхталиб ўтамиз. Масалан, Хитойга шишасозлик буюм-лари, ойна, аргумоқ отлар, баъзи бир озиқ-овқат маҳсу-

¹ *Истахрий*. Масолик ва мамолик, 253-бет.

² *Наршахий*. Бухоро тарихи, 114—115-бетлар.

лотлари жўнатилган. У ердан эса ипак ва ипак матолар келтирилган. Европага ип, жун, ипак матолар, қурилган мевалар, шоли, кумуш буюмлар, тангалар кўплаб олиб кетилган, у ерлардан эса асосан мўйна, чарм кабилар олиб келиб сотилган. Европаликлар айтиқса бизда ишлаб чиқариладиган кумуш буюмлари, тангаларга ишқивоз бўлганлар. Сабаби бу вақтда Европада кумуш конлари тўғрисида хаёл ҳам қилмаганлар. Шу жиҳатдан кумуш борасида минтақамизга боғланиб қолгандилар. Бу боғлиқлик шу даражада бўлганки, археологлар Скандинавия ўлкаларида текшириш ишлари олиб борганларида Тошкент вилоятида ўша даврларда қазиб олинган кумушдан ишланган тангаларни кўплаб топганлар¹. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари кўпроқ бизнинг ота-боболаримиз ишлаб чиқарган қурол-аслаҳаларга, темирчилик маҳсулотларига ўч бўлганлар. Хуллас, бу даврда ҳам савдо-сотикдаги анъанавий юксак савия сақланиб қолган, ўзига хос янгиликлар киритилган. Масалан, ҳозирда ҳамманинг оғзида бўлган чек тизими дастлаб ўша узок замонлардаёқ жорий қилинган эди. Чек (чак) тушунчаси аслида европаликларга биз орқали кириб борган бўлиб, савдогарлар йирик савдо тадбирларини амалга ошираётганларида ёнларида катта маблағни олиб юрмасдан ҳар бир шаҳарда мавжуд ишончли саррофларга (пул майдалаб берувчилар, алмаштирувчилар) нақд пул топшириб, шу ҳақда ҳужжат, яъни чек олганлар. Мўлжалдаги шаҳарларга бориб худди шундай саррофларга ёки йирик савдогарларга чекни кўрсатиб ўз режаларини амалга оширганлар. Шуниси диққатни тортадики, Маҳмуд Кошғарий луғатида, чек аслида ип-газлама турларидан биридир, деб ёзилган². Маҳмуд Кошғарий келтирган чек газлама тури билан савдо муомаласида ишлатилган чек ўртасидаги боғлиқликка шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Зеро, бундан минг йил бурун ёзув объекти ўрнида қоғоз билан бир қаторда газлама парчаларидан фойдаланилган.

Савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши яна бир муҳим фаолият — қурувчилик, меъморчиликда ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Шаҳарлар кенгайди, муҳташам бинолар, ораста бозорлар, масжид-мадрасалар, ҳаммомлар, устахоналар, дўконлар

¹ Қаранг: Янин В. И. Денежно-весовые системы русского средневековья. Москва, 1956.

² Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. 1-жилд, Тошкент, 1969, 170-бет.

ва бошқа қатор иморатлар бунёд этилди. Бунда қурувчиликка алоқадор турли касбдаги усталар иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширганлар. Буни биз Бухоро, Самарқанд, Термиз каби қатор қадимий шаҳарлар ми-солида кўришимиз мумкин¹.

Юқоридагиларнинг бари бир бўлиб ҳар қандай жамият кўрки ва қудратини белгилаб берувчи яна бир ғоят муҳим, шу билан бирга нозик таъб соҳа-илму маданиятнинг ҳам изчил тараққий этишига катта имконлар яратиб берди. Бу асрларда (IX—X) мамлакатимиз обрўсини Ер юзига ёйган олиму фузалолар ҳақида кўплаб сўз айтиш мумкин. Уларнинг сони ўнлаб, ҳатто юзлабдир, десак муболаға бўлмайди. Биргина Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг ўзи бутун оламга татийди. Масалан, у Араб халифалиги ҳамда Европани ҳинд ҳисобига ўргатди, яъни уларга номаълум 1 дан 9 гача бўлган рақам шакллари орқали кўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлишнинг энг мақбул ва илғор йўллари-ни кўрсатиб шарҳлаб берди. Бунгача европаликлар рим рақамлари билан таниш эдилар, холос (*қиёсланг*: XXXV ва 35). Ё бўлмаса олимнинг «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида китоб» асари математик алгебра (ал-жабрнинг лотинча жаранглаши) соҳасига асос бўлган. XIV асрдан бошлаб алгебра Европада ёйила бошлайди. Ҳар қандай регуляр ҳисоблаш жараёнини англатадиган математик тушунча — алгоритм ҳам бизнинг аждодимиз номи билан боғлиқ, ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода (Ал-Хоразмий — Алгоризм, Алгоритм)².

Буюк астроном, математик ва географ Аҳмад Фарғонийни олайлик. Ҳосиб, яъни ҳисобдон, математик лақаби билан машҳур бу аждодимиз европаликлар наздида Алфраганус номи-ла эътиборли эди. У ҳақда ҳам кўп гапириш мумкин. Аммо унинг ўз вақтида Ернинг думалоқлигини исботлашда келтирган далиллари ҳозир ҳам ўз қадрини йўқотмаганининг ўзиёқ ўзбек илмининг кишилиқ маданий тараққиётида тутган салмоқли ўрни-ни белгилаб беради.

Яна бир машҳур ва кишилиқни оёққа турғазишда кўп меҳнати сингган аждодимиз Форобий ҳақида ҳам узоқ сўзлаш мумкин. Унинг «Иккинчи муаллим» лақаби бўлиб, «Биринчи муаллим» ўрнида Шарқда Арасту (Аристотел) тушунилади. Баъзан биринчи, иккинчи

¹ Батафсил қаранг: *Наршахий*. Бухоро тарихи, 99, 103, 104, 113, 125-бетлар; *Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И.* Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана, 1958, с. 20—26;

² Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. 1983.

аниқликларини мавқе даражасига ишора деб ҳам қарашади. Аслида, бу ерда вақт мезони назарда тутилиб, Арастунинг Форобийга нисбатан анча қадимда яшаб ўтганлигидан ҳам биринчи, яъни ана шундай истеъдод эгаси бўлганлардан аввалроқ яшаб ўтгани маъноси чиқади. Форобий диққатини тортган фан ва маданият соҳаларига бир назар ташласак: фалсафа, мантиқ, математика, геометрия, астрономия, физика, оптика, кимё, тиббиёт, биология, мусиқа, тилшунослик, шеърят, нотиклик санъати, хаттотлик, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, ахлоқ. Бу соҳаларда у зот амалга оширган ишлар саногининг ўзи бир кенгликни талаб қилади. Шунинг учун икки нарсага эътиборни жалб этамиз. Биз ўз ўрнида зардуштийликнинг қадимги юнон фалсафий қарашлари шаклланишида асосий туртки бўлганлиги ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Қаранга, Платон, Аристотел, Эвклид, Птоломей каби йирик файласуфлар асарларини англаш ўрта асрда европаликлар учун мушкулотга айланади. Ёрдамга яна Туркистон намояндаси келади. Аниқроғи европаликлар Форобийнинг мазкур муаллифлар асарларига ёзган шарҳлари орқали қадимги юнон фалсафаси мағзини чақа бошлайдилар. Иккинчи мисолимиз тўғридан-тўғри асосий тадқиқот мавзуимиз бўлган давлатчилик билан боғлиқ.

Сиёсатшунослик бобида ҳам қалам тебратган мутафаккир минг йил буруноқ давлатчиликнинг мағзини англаб, «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга элтишдир», деб ёзган эди. Шу икки оғиз таъкидда кўп нарсани англаш мумкин. Оддийгина қилиб инсонни дейиляпти, унинг на мазҳаби, на миллати, ё бошқа томони ажратилаётгани йўқ. Элтиш дейиляпти, яъни давлатнинг жамият ҳаётидаги масъулияти ва шунга яраша бошқариш ҳуқуқи ҳақида ишора бўляпти¹.

Х аср иккинчи ярмида мамлакатимизда яна икки буюк зот ўтган: Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний. Уларнинг ҳаёти ва илмий ижоди кейинги аср ва сулолалар даврида давом этганини ҳисобга олиб, улар ҳақда кейинроқ фикр юритишга қарор қилдик. Ҳозир эса қуйидаги масала устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълум бир давр ичида тушкунликда бўлиб сўнг бош кўтариб юксақликка эришилган ҳолат бизда уйғониш, фарб тилларида одатда ренессанс даври дейилади. Қизиги шун-

¹ Батафсил қаранг: *Хайруллаев М. М.* Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. 1963; *Форобий*. Фозил одамлар шахри. 1993; *Касымжанов А. Х.* Абу Наसर ал-Фараби. 1982.

даки, ренессанс дейилганда, аксарият XV—XVI асрларда Европадаги юксалишни англайди. Ваҳоланки, арабларнинг дастлабки вақтдаги сиёсатлари натижасида анчайин харобаликка юз тутган мамлакатимиз ва умуман Шарқ мамлакатлари IX—X асрларга келиб фан ва маданиятда юксакликка эришганлар, яъни жамият яна бир бор уйғонган. Бу уйғонишнинг нафақат бизнинг, балки батамом кишилик тараққиётидаги ўрни тўғрисида фикр қилинса (бунинг учун Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Берунийларни эслашнинг ўзи кифоя), у ҳолда инсоният тарихида биринчи уйғониш даври моҳият эътибори билан бизнинг мамлакатимиз ва минтақамизда рўй берди. Ва бу юксалиш биз орқали бутун башариятга тегишлидир.

Хуллас, юртимизда сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган асрлар жўшқин, воқеаларга бой, намунали ва сабоқли даврдир. Энг муҳими, бу даврда мамлакатимизнинг, халқимизнинг, тарихий-маданий тараққиётдаги анъана ва тажрибаларимизнинг нақадар мустаҳкам пойдеворга эга эканлиги намоеън бўлди. Зеро, юқорида айтилганидек, тушкунлик, қарамлик даврини бошдан кечирган жамият яна юксакликка кўтарила олди.

ҚОРАХОНИЙЛАР

Сомонийларнинг куч-қудрат ва шон-шухратга тўлган даврлари IX аср охирларида бошланиб, у қандай кечганини биз юқорида кўриб ўтдик. Улар, айтиб ўтилганидек, минтақалик бошқа бир сиёсий куч — қорахонийлар билан курашга дош беролмай инқирозга юз тутганлар. Совет даври тарихшунослигида сомонийлар ва қорахонийлар ўртасида кечган табиий рақобатни «Мовароуннаҳр ва турклараро зиддият», «туркларнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши» тарзида кўрсатиш ҳоллари ҳам бўлган. Бунинг сабаби тўғридан-тўғри Россия империясини коммунистлар бошқарган даврдаги салтанатпарастлик мақсадлари билан боғлиқ бўлиб, большевиклар ҳукмронлиги даврида минтақада ўтказилган «маъмурий бўлиниш»ни (аслида парчалашни) ҳамда ўзбекларни икки дарё оралиғига келгинди қилиб кўрсатишни тарихан исботлашга уриниш ва омма онгига сингдириш эди, холос¹.

Аслида эса илгарилари ҳам кўп марта бўлганидек, X

¹ Қаранг: История Узбекской ССР. Т. 1. Книга первая, 1955, с. 255; Таджики, с. 345.

асрнинг иккинчи ярмига келиб минтақанинг Еттисув қисмида ўзи шаклланган макондан кўра ҳам кенгроқ миқёсда сиёсий фаолият кўрсатиш имкони ва қудрати-га эга бўлган янги сиёсий куч майдонга чиқади. Биз уларни қорахонийлар номи остида биламиз.

Шу ўринда қорахонийлар сулоласининг келиб чиқиши масаласига доир савол туғилади. Илмий доираларда мазкур масалага ҳалигача узил-кесил нуқта қўйилганича йўқ. Қорахонийлар фаолияти минтақамизнинг Еттисув, Марказий Тангритоғ ҳудудида қадимдан яшаб келаётган туркий тилли қавмларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муносабатлари муҳтида шаклланганлиги аниқ бўлгани ҳолда, мазкур сулола тўғридан-тўғри қайси бир қабилага тегишли экани масаласи ҳамон баҳсталаб бўлиб келмоқда. Бу фан учун табиий ҳол, албатта. Биз учун эса асосий вазифа ўзбек давлатчилиги тарихида қорахонийлар сулоласи тутган ўринни кўрсатиб беришдан иборатдир.

Икки оғиз сўз «қорахон» атамаси тўғрисида. Бу ерда «хон» маълум тушунча, яъни «ҳукмдор». «Қора»нинг (аслида эса «Қаро») бир неча маънода қўлланилишини таъкидлаган ҳолда, биз кўраётган мисолда «буюк», «улуғ» тушунчасини беради, десак хато бўлмайди, яъни «Буюк хон», «Улуғ хон»¹.

Шундай қилиб, X аср иккинчи ярми давомидаги саъй-ҳаракатлар натижасида қорахонийлар шарқий йўналишда Балхаш кўли — Черчен дарёсигача (Шарқий Туркистон) бўлган ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлиб, ғарбий йўналишда эса Исфижоб, Ўзганд, Мурғоб дарёси қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларни ўз таъсир доираларига киритиб оладилар². Ҳарбий-сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаб ва кенгайтириб бораётган қорахонийлар учун энди янада ғарбга силжиб Самарқанд, Бухоро вилоятларини ҳам бўйсундиришга ҳаракат қилиш табиий эди. Зеро, уларнинг минтақадаги шу вақтдаги асосий сиёсий рақиблари бўлмиш сомонийлар сиёсий маркази худди шу маконда жойлашганди. Мазкур мақсад йўлидаги биринчи уриниш 992 йили рўй беради. Шу йили қорахоний Буғрохон сомоний Нух ибн Мансур (976—997) билан жангда ғолиб келиб Бухорони ишғол қилишга муваффақ бўлади³. Аммо бу ютуқ вақтинчалик бўлиб тез орада Буғрохон орқага қайтиб кетишга мажбур

¹ Древнетюркский словарь, 1969, с. 422—424.

² Караев О. История караханидского каганата, 1983, с. 1—114.

³ Зайн ал-ахбар, с. 84.

бўлади. Фақат 999 йилга келибгина қорахонийлар яна бир бор Бухорони забт этишга муваффақ бўладилар. Манбаларда ёзилишича, бу галги уринишда деярли қийинчилик бўлмаган. Оддий халқ томонидан эса қорахонийларнинг Бухорони эгаллашлари бир сулола ўрнига иккинчи бир сулола келиши қабилида қабул этилган. Гарчи ўрта аср тарихчилари бунинг сабабини ҳар икки сулоланинг бир динга мансублиги орқали тушунтирилганларда¹, буни инкор этмаган ҳолда минтақанинг Бухоро, Самарқанд каби шаҳар ва вилоятлари учун Еттисув, Шарқий Туркистон ҳудудлари ҳам тарихий-маданий бирлик жиҳатидан бегона эмаслиги бош сабаблардан бўлган, деб ҳисоблаш тўғрироқ бўларди. Хуллас, 1005 йили сомонийлар сиёсий саҳнадан бутунлай тушиб кетдилар ва шу вақтдан бошлаб қорахонийлар энди Бухоро, Самарқанд ва умуман Амударёгача бўлган ҳудудларни ҳам бошқара бошлаганлар. Бошқача қилиб айтганда, XI аср бошларида Туркистон бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этилган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағониён, Хуталон вилоятлари қорахонийлар, Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар то Ғазнагача, Хуросон, Сейистон вилоятлари ғазнавийлар, Хоразм эса хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар ўғизлар иттифоқи томонидан бошқарилад эди. Албатта, биз бу ҳолни ижобий бир ҳол деб баҳолай олмаймиз. Зеро, ягона мамлакат ва улкан минтақанинг бир қанча сиёсий маконларга бўлиниши, унинг ички ва ташқи хавфсизлигига путур етказиши, сиёсий кучлараро зиддиятлар келиб чиқишига олиб келиши турган гап эди. Худди шундай бўлди ҳам. Масалан, 1008 йили қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида ҳарбий тўқнашув юз беради (Балх атрофида)². Шуниси қизиқки, ўз вақтида, яъни сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида қорахонийлар ва ғазнавийлар ўзаро яқинлашув сиёсатини тутган эдилар³. Буни сиёсий манфаатлар орқали тушунтириш мумкин.

XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса қорахонийлар шу юз йилликнинг 40-йилларидан буён кучга кира бошлаган бошқа бир туркий тилли сулола—салжуқийлар билан кескин муносабатда бўла бошладилар. Маълумки, салжуқийлар XI асрнинг 40 йили ғазнавийларни

¹ Қаранг: Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XII вв. Ташкент, 1988, с. 25—27 и др.

² Зайн ал-ахбар, с. 93—94.

³ Тарихи Байҳақий, 246-бет.

мағлубиятга учратиб, 50-йиллардан эса Хуросондан Бағ-
додгача бўлган ҳудудни ўзларига бўйсундиришга эриш-
ган эдилар. Минтақада ҳукмронликка интилиш бораси-
даги бу икки сулола ўртасидаги курашнинг амалий
кўриниши сифатида 1089 йил воқеаларини келтириш
мумкин. Чунончи, ўша йили салжуқий ҳукмдор Малик-
шоҳ (1072—1092) Бухоро, Самарқанд, Ўзганд каби ша-
ҳарларда ўз сиёсий ҳукмини ўрнатиб, қорахонийларга
қаттиқ зарба беришга муваффақ бўлади. Гарчи тез орада
қорахонийлар ўз мавқеларини қайта тиклашга муваф-
фақ бўлсалар-да, аммо 1130 йили бошқа бир салжуқий
ҳукмдор султон Санжар (1118—1157) томонидан Самар-
қанднинг ишғол қилиниши қорахонийларнинг жиддий
ҳарбий-сиёсий куч сифатида бундан буёнги тақдирла-
рини ҳал этди, деса бўлади¹. Чунки энди салжуқийлар
Самарқанд тахтига қорахонийлардан кимни ўтқозиш ё
ўтқазмасликни тўғридан-тўғри ўзлари ҳал қилардилар.
Яъни қорахонийлар сиёсий куч сифатида бутунлай
йўққа чиқмасдан, салжуқийларнинг иродаси доирасида
фаолият кўрсатар эдилар. Кўп ҳам ўтмасдан — 1137 йили
қорахонийлар шарқдан келган бошқа янги сиёсий куч —
қорахитойлар (киданлар) томонидан Хўжанд атрофида
юз берган урушда мағлубиятга учрайдилар. Қорахитой-
лар қудрати нечоғлик бўлганини шундан ҳам билиб олса
бўладики, 1141 йили улар энди қорахонийлар ва салжу-
қийларнинг бирлашган лашкарларига ҳам зарба бериш-
га муваффақ бўладилар². Қизиғи шу ердаки, қорахитой-
лар ҳам қорахонийларни сиёсий сулола сифатида бутун-
лай йўқ қилиб ташламай, аксинча, уларни ўз қарамлик-
ларида тутиб қоладилар. Қорахонийлар фаолиятига чек
қўйиш эса 1213 йилга келиб юз беради. Буни хоразмшоҳ
Султон Муҳаммад (1200—1220) амалга оширади.

Қорахонийлар даври бошқарув тизими масаласига
тўхталиб ўтсак. Совет тарихшунослиги мазкур сулола-
нинг минтақадаги сиёсий ҳокимияти ва бошқарув усули
ҳақида сўз борганда, қорахонийлар сомонийларнинг
ўрнини олишлари билан марказлашган давлат тизимига
зарба берилди, бошқарувда мулкчилик (яъни қўл остида
вилоятларни сулола намояндаларига бўлиб бериш) шак-
ли жорий қилинди, қабилдаги ақидани илгари сурган³.
Ваҳоланки, бошқарув шакли жамият ижтимоий-сиёсий,
иқтисодий ҳаёти, талаблари, вазифалари мазмуни билан

¹ Роҳат ас-судур, 169-бет.

² Ўша жойда, 172-бет.

³ Қаранг: История Узбекской ССР. Т. I, Книга первая, с. 247—248.

боғлиқлиги назардан четда қолдирилган. Чунончи, асли Еттисув вилоятида юксалиш^{ни} бошлаган қорахонийлар, юқорида таъкидланганидек, жануб, ғарб йўналишларида ўз ҳукмронлик доираларини кенгайтириб борганлар ва бунинг натижасида Черчен дарёсидан Хоразмгача бўлган ҳудудни бошқара бошлаганлар. Сиёсий марказ сифатида эса юксалишлари бошланган ўз тарихий маконларидаги катта шаҳарлардан бўлмиш Болосоғун ва нисбатан ундан узоқда бўлмаган Кошғарни танлаганлар. Демак, асосий сиёсий марказ шу ҳудудда мужассамлашган. Бухоро, Самарқанд, Чағониён, Фарғона ва бошқалар табиий равишда янги сиёсий марказга нисбатан вилоят (мулк) ўрнида бўлган. Гарчи кўп жиҳатлардан Самарқанд ва Бухоро тараққиётда Болосоғун ва Кошғардан анча юқори бўлса-да, аммо худди шу даврдаги сиёсий вазиятга кўра, бошқарув маркази минтақанинг Еттисув, Шарқий Туркистон қисмига кўчиб қолганди. Ана шу «табиий» сабабларга кўра, анъанавий равишда қадимдан марказ ролини ўтаб келган Бухоро ва Самарқанд эндиги сиёсий мавқеига кўра вилоят (мулк) даражасига тушиб қолишларига тўғри келган. Шу билан бирга уларнинг иқтисодий, маданий ва, айниқса, сиёсий имконлари шу қадар юқори бўлганки, кўриб чиқилганидек, Самарқанд, Бухородаги сиёсий ўзгаришлар қорахонийлар сулоласи мавқеида катта аҳамият касб этган. Иккинчи томондан, сомонийлар даврида ҳам бир қанча вилоятлар (масалан, Хоразм, Сейистон, Ғазна, Чағониён ва бошқалар) марказдан фарқли ўлароқ мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилганлари ҳам маълум. Демак, сомонийлар давридан кейинги сиёсий-географик ўзгаришларга сабаб бўлган қорахонийлар ҳукмронлик ва бошқарув тизимида шу ўзгаришларга яраша баъзи янгиликлар бўлиши табиий эди. Аммо юқорида таъкидланганидек, бошқарув тизимининг шакли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий омиллар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам қорахонийлар даврида сомонийлар вақтида мавжуд бўлган бошқарув тизимининг асосий мазмуни сақланиб қолган. Аслида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки аввалдан шаклланиб келган ва объектив тараққиёт натижаси ўлароқ юзага келган бошқарув анъаналаридан қорахонийлар юз ўтира олмасдилар.

Марказдаги бошқарув тизими икки идора: даргоҳ ва девонлардан иборат бўлган. Олий ҳукмдор ўзига тобе бўлган вилоят ва шаҳарларга ҳукмдор сулола намоёндаларини тайинлаб, бу билан, табиий равишда, бутун

мамлакат узра ўз сиёсатини юргизишни мақсад қилиб қўйган. Вилоят (мулк) ҳукмдорлари илиг унвонига эга бўлганлар. Бироқ, илгарилари ҳам кўрганимиздек, вилоятлар марказдан фарқли мустақил сиёсат юритишга ҳам интиланлар. Бу ўз ўрнида ички низоларга сабаб бўлиб, XI асрнинг учинчи чорагида қорахонийлар сиёсий бирлиги иккига: ғарбий ва шарқий хоқонликларга бўлиниб кетади. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган қорахонийлар намояндалари бундан буён марказга бўйсунтиришдан бош тортиб, мустақил сиёсат юргиза бошлаганлар. Шарқий вилоятларда (Еттисув, Шарқий Туркистон) жойлашган сиёсий марказ эса уларни бўйсундиришга ожиз бўлган. Аммо ҳам ғарб, ҳам шарқ бир сиёсий хонадоннинг турли намояндалари орқали бошқариб борилаверган.

Ғарбий хоқонликда (Самарқанд, Бухоро, Хутталон, Чағониён) сомонийлар даврида мавжуд бўлган бошқарув тизими (бош вазир, молия ишлари, давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, соқчилар бошлиғи, хат-хабарлар, сарой иш бошқарувчиси, мухтасиб, вақфлар, қозилик ишлари девонлари) сақланиб қолгани маълум. Шунингдек вилоят бошлиқларини ҳоким, шаҳар бошлиғини раис деб аташ расми ҳам ўзгармаган¹.

Ҳар қандай давлатчиликда бўлгани каби қорахонийлар даврида ҳам марказдаги (даргоҳдаги) бошқарув тизимига катта эътибор берилган. Бунда даргоҳ, яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб турувчи ҳожиблар фаолияти алоҳида ўрин тутган. Сомонийлардан фарқли ўлароқ қорахонийлар даврида ҳожиблар, асосан, олий ҳукмдор, вилоят ҳокимларининг давлат ва раийят ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланганлар. Бунинг исботини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, машҳур мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб (тахминан 1020 йилларда туғилган) қорахоний Тамғоч Қора Буғроҳон (1074—1102/1103) эътиборини қозониб, хос ҳожиб унвонини олган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган: «Хос ҳожиб унвони лойиқ билди у (яъни Буғроҳон — А. З.), Ўзига энг яқин одам қилди у»². Худди шундай унвонга Маҳмуд Кошғарий (XI) ҳам муносиб кўрилгани маълум.

Даргоҳ фаолиятини тегишли даражада тутиб туриш-

¹ История караханидского каганата, с. 244—255.

² Кутадгу билиг, 9-бет.

да сарой ишлари бошқарувчиси, ҳозирда биз протокол юмушлари деб билувчи, меҳмонларни қабул қилиш хизмати (унинг бошлиғи «Бирук» деб аталиб, бу атаманинг «Буйруқ» билан боғлиқлигини эҳтимол қилиш мумкин), хазиначи (ағичи), ошхона мутасаддиси (ошчи), шарбатдор, ётоқ, кийим-кечак билан таъминловчи хизмат, ов уюштириш хизмати (қушчи) ва бошқаларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бўлган.

Олий ҳукмдорнинг хавфсизлигини таъминлаш, унинг сиёсати йўлида содиқона хизмат қилиш вазифаси бўлган махсус сараланган ҳарбий қисм (гвардия) ҳам даргоҳ бошқарув тизимига кирган. Албатта, гвардиядан ташқари ҳарбий кўшин ҳам мавжуд эди. Ундаги энг муҳим лашкарбошилиқ ва бошқарув мансабларига қорахонийлар сулоласи намояндалари ҳамда содиқлигига шубҳа бўлмаган лашкарбошилар тайинланган. Агар қўшиндаги бошқарув тизимига назар ташланса, шу нарса аёнлашадикки, йирик лашкарбошилардан ташқари кичик офицерлар (човуш), отлиқлар сардори (ҳайлбоши), юзбоши, мингбоши каби ҳарбий мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бир вақтнинг ўзида минтақада бир неча ўзига яраша қудратли сиёсий кучларнинг фаолият кўрсатиши ва бундан ташқари қорахонийлар сулоласидаги ички келишмовчиликлар даргоҳнинг ташқи ишлар (дипломатия) масаласига жиддийлик билан қарашига сабаб бўлган. Буни Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида келтирилган маълумотлар орқали ҳам билишимиз мумкин. Ташқи сиёсат билан шуғулланувчи мансабдорларга, хусусан, элчилар олдида жуда катта талаблар қўйилган, яъни улар «билимли, ўқувли, етук, шерюрак, кўзи тўқ, уят-андишали» бўлишлари керак бўлган. Талаблар ичида шундайлари ҳам бор: астрономия, математика, геодезия илмларини мукаммал билиш, шахмат ва нардни рақибларидан устун даражада ўйнаш, ҳарбий санъатда беназир бўлиш ва ҳеч қачон май ичмаслик, сўз, ибораларнинг тўғри ва кўчма маъноларини пухта билиш¹.

Иқтисодий муносабатлар тўғрисида сўз кетаркан, шуни айтиш керакки, қорахонийлар даврида ҳам деҳқончилик ишлари ўз маромида кечган. Бунга, албатта, сунъий суғориш тизимларининг талаб даражасида ишлаб туриши, лозим бўлганда уларни таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши, ер ости, ер усти қувурлари-

¹ Ўша жойда, 59-бет.

нинг ўтказилиши, каналлар, сув омборлари, тўсиқларнинг бунёд этилиши ҳамда ўлкада, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида деҳқончилик анъанавий юқори даражада бўлганлиги орқали эришилган. Илгаригидек деҳқончиликнинг барча асосий турлари етиштириб борилгани ҳам маълум.

Тадқиқ этилаётган даврда кончиликдаги саъй-ҳаракатлар ҳам сусаймаган. Чунончи, Оҳангарон атрофида (Қорамозор) мис, кумуш, кўрғошин конлари, Фарғонада олтин, симоб, кумуш, темир, мис, феруза, навшадил, нефть, купорос, қатрон, Нурота тоғларида олтин, мис, кўрғошин, симоб, мрамор, Бухоро, Усрушонада олтин, нефть, феруза, темир конлари ишлаб турган¹.

Деҳқончилик ва тоғ-кон ишлаб чиқаришида фаоллик бошқа бир муҳим соҳа — ҳунармандчиликни ҳам жонлантириб тургани табиий, албатта. Шунинг учун темирчилик, кулолчилик, шишасозлик (ойнасослик), заргарлик, тўқимачилик, кўнчилик каби ўттиздан ортиқ соҳалар ривожланиб борган. Масалан, шишасозликда шишадан ишланган буюмларга (ошхона буюмлари, жиҳозлари, безак-тақинчоқлар, сиёҳдон, тувак ва бошқалар) турли рангда жило бериш расм бўлганини биламиз. Бу, албатта, ўз даври учун катта ютуқ. Бундан ташқари иморатларни безаш, жиҳозлашда шишасозликнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Чунончи, уларга ўрнатилган ойналар ҳам рангсиз, ҳам рангли бўлиши мумкин эди. Панжаралар оралигига турли рангдаги шишалардан ўрнатиб, иморат кўркини очишга ҳаракат қилинганини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир.

Тўқимачилик тўғрисида сўз юритилганда, аввало шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу борада Бухоро, Самарқанд вилоятлари пешқадамликни қўлдан бермаганлар. Пахтадан тўқилган турли хилдаги газламалар ҳам минтақада, ҳам хорижий ўлкаларда машхур бўлган. Кўнчилик маҳсулотларидан эса манбаларда олмахон, собол ва бошқа ҳайвонлар терисидан пўстин (ичук), чармдан ишланган оёқ кийимлари (излик), туя ё кўй юнгидан тўқилган иссиқ кийим (қарс), гулдор наматлар ва бошқалар тилга олинади. Кўнчиликда энг нозик ишлардан ҳисобланмиш мўйни тўктиришда арзутал номли аралашмадан фойдаланилганини Маҳмуд Кошғарий асаридан ҳам билиб олиш мумкин².

¹ К истории горного дела на территории Узбекистана, с. 20—21.

² История караханидского каганата, с. 230—236; Девону луготит турк, 1-жилд, 99, 129, 162, 452-бетлар.

Бундан аввал ҳам кўрилганидек, деҳқончилик, хунармандчиликдаги бир текис равнақ савдо-сотик ишларини жадаллаштириб боришда муҳим аҳамият касб этган. Қорахонийлар даврига келиб Шарқий Туркистондан Хоразмгача бўлган катта ҳудуднинг сиёсий жиҳатдан бирлашиши савдо-сотик ишларида минтақанинг шарқий вилоятлари имкониятларини юзага чиқариш шароитини яратиб берди. Чунончи, биз бугун «ипак йўли» деб биладиган савдо йўли тўғридан-тўғри Шарқий Туркистонни араб ўлкалари билан туташтириб турган. Ўз даврида шимолий ва жанубий йўналишларга эга бўлган бу йўлнинг бир учи Хитойдан бошланиб Шарқий Туркистон, Фарғона, Тошкент, Зарафшон водийси, Бухоро орқали шимолда Волга бўйлари воситасида Шарқий Европага, жанубда эса Ўрта Шарқ орқали Ўрта денгизгача борган. Йўл узра жойлашган шаҳар ва қишлоқларда бозорлар, карвонсаройлар таъмирлиги ва орасталиги, умуман, савдогарларга хизмат кўрсатиб, шу орқали фойда кўриладиган турли хизматларни муҳайё этишга катта эътибор берилган. Мунтазам равишда турли ерларда савдо кўرғазмалари уюштирилиб турилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор¹.

Қорахонийлар давридаги қурилиш ишларига назар ташланса шу нарса аён бўладики, Бухорода Минораи калон, қатор масжидлар, Жаркўтон (Сурхондарё), Вобкентда миноралар, Ўзгандда мақбаралар, минора, масжидлар, Самарқандда мадрасалар бунёд этилган. Қорахоний ҳукмдорлар савоб ишлардан ҳам қочмаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Чунончи, қорахоний Иброҳим ибн Наср 1066 йили Самарқанддаги бир шифохона ихтиёрига бугун иморатлари, расталари билан икки карвонсаройни тақдим (вақф) этган. Хужжатдан англашилишича, ана шу икки карвонсаройдан келадиган даромаддан касалларнинг озик-овқати, дори-дармони, табиблар, барча турдаги хизмат кўрсатувчиларни тегишли маош билан таъминлаш йўлида фойдаланилган. Бошқа бир хужжатда Самарқандда бунёд этилган мадраса мажмуини таъминлаш учун Иброҳим ибн Наср уч меҳмонхона, бир карвонсарой, бир эркаклар ҳаммоми, сув айиргич, узумзор, бир қанча экин ерлари ва бошқалардан келадиган даромадни вақф қилиб бергани ҳақида гувоҳликлар мавжуд².

Қорахонийлар даврида ҳам кўплаб истеъдод эгалари

¹ История караханидского каганата, с. 231—243.

² Уша жойда, 215-бет.

юзага чиққан. Шулардан юқорида номлари тилга олинган Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарий ҳақида тўхталиб ўтсак. Чуқур билим ва тафаккур эгаси Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» («Саодатнома») асари билан машҳурдир. Зеро, бу асарда давлатни бошқариш усули, қонун-қоидалари, сиёсати, мафкураси, ижтимоий гуруҳлараро муносабатлар, одоб-ахлоқ масалаларига оид ўз даври учун зарур ва фойдали, тарихан ўз аҳамиятини йўқотмовчи фикрлар илгари сурилган. Чунончи, у жамиятнинг тўрт устунини қуйидагича белгилаб берган: АДОЛАТ, ДАВЛАТ, АҚЛУ ЗАКОВАТ, ҚАНОАТ. Диққатга сазовор томони шундаки, мана шу тўрт устун асосидаги жамият бахт-саодатини таъминлашда илм биринчи ўринга қўйилади: «Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, Билим қайда бўлса, буюклик бўлар». Ё бўлмаса, асарда келтирилган давлат-идора кишилари ҳақидаги фикрларни олайлик. Вазирлар оқил, довюрак, имонли, номусли бўлишлари керак. Беклар, яъни ҳокимлар эса билимли, етук, кўзи, кўнгли тўқ бўлмоғи даркор. Агар улар бузуқ феъл бўлсалар, замона ўқидан қочиб қутилолмайдилар, улардан одамлар ҳам юз ўгиради, ғамга гирифтор бўладилар. Юсуф Хос Ҳожиб лашкарбошилар хусусида шундай дейди: «Олисдаги ёвнинг ваҳимасидан қўрқма, аксинча, ундан яқиндан воқиф бўлиб тур, шунда унинг бор имконидан хабар топасан. Душман дағдаға қилиб дўқ қилса, бардошли бўл, чекинма (чунки у бу билан сени синамоғи мумкин)». «Қутадғу билиг»да олимлар, шоирлар, деҳқонлар, чорвадорлар, савдогарлар ҳақида, оила, фарзанд тарбиясига оид ҳикматли фикрлар ҳам бир талай¹.

Маҳмуд Кошғарий ҳам ўзидан ажойиб ва бебаҳо мерос қолдирган. Бу унинг туркий тиллар ва маълум маънода туркий тилли халқлар ҳақидаги қомусий асари «Девону луғот ат-турк»дир. Асар Туркистон халқларининг тиллари тарихини ўрганишда, чунончи, ўша давр тили морфологияси, фонетикаси, лексикаси, этимологиясини ўрганишда беназир манба ҳисобланади. Бундан ташқари, унда минтақа халқларининг этник тарихига оид ғоятда қимматли маълумотлар жамланган. Маълумки, туркий тилли халқлар ҳам сон жиҳатдан кўп, ҳам серқавм бўлиб келганлар. Улар ўртасидаги муносабатлар тарихини ёритишда «Девону луғот ат-турк»нинг аҳамияти катта. Бундан ташқари асарда дав-

¹ Қутадғу билиг, 5—6 ва бошқа бетлар.

латчилик, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар, ҳунар-мандчилик, расм-русумлар, маданий ҳаётга тегишли маълумотлар ҳам кўп учрайди. Маҳмуд Кошғарий асарининг қимматли томонларидан яна бири унда муаллиф чизган дунё харитасининг мавжудлигидир. Харита доира шаклида ва унинг ҳар тарафдан сув билан ўралганидан далолат берувчи белгилар мавжуд. Харитада марказда Етгисув, Шарқий Туркистон худуди жойлаштирилиб, унинг тўрт атроф йўналишида турли шаҳарлар, мамлакатлар, денгизлар, кўллар, дарёлар, тоғлар жойлашуви берилган. Умуман олганда, бу асар башарият маданий равнақи йўлини ўрганишда нодир манба ҳисобланади.

Демак, қорахонийлар сулоласи ўз фаолияти давомида ўлкамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган сиёсий кучлардандир. Қорахонийлар қудратга тўлиб турган XI асрнинг биринчи ярмида минтақанинг Шарқий Туркистон ва Ғарбий Туркистон (Хоразмдан ташқари) қисмларини бир марказдан бошқариш имкони туғилган. Ва, аксинча, ички сулолавий қарама-қаршилиқлар авж олганда ҳукмрон сиёсий куч заифлашиб ўлкада парчаланиш юз берган.

ҒАЗНАВИЙЛАР

Ғазнавийларнинг сиёсий куч сифатида юзага келиши ва юксалиши масаласида ҳам биз совет тарихшунослигидаги мавжуд баъзи бир қарашларни қабул қила олмаймиз. Чунки илгари ғазнавийларни (демак, уларнинг замонини ҳам), асосан, салбий томондан кўрсатишга интилиб келинган, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, бу сулола асос топган Ғазна вилояти «исёнкор турк лашкарбошилари»га бойлик орттириш учун қулай жой сифатида шарҳланиб, ўз-ўзидан шу ерда кучга кирган ва мазкур шаҳар (вилоят) номила танилган ғазнавийлар сулоласи тарихи ҳам гўё худди шундай мақсад йўлида юзага келган ва фаолият кўрсатгандай баён этилган¹. Аслида эса тарихий воқелик сабаблари бир нечта.

Биринчидан, Исмоил Сомонийдан кейин сомонийлар орасидан ҳар жиҳатдан етук, юқори даражада сиёсат юргиза оладиган арбоб етишиб чиққани йўқ. Бунинг оқибатида сомонийлар ўз ички, яъни сулолавий

¹ История Узбекской ССР. Т. 1. Книга первая, с. 246.

имкониятларидан кўра кўпроқ мавжуд сиёсий муҳит қонун-қоидаларига боғлиқ бўлиб қолганлар. Сиёсий муҳитни эса бу вақтда нуфузли лашкарбошиларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Фазна вилоятидаги кучлар сиёсий фаоллигининг ошиши ва бориб-бориб алоҳида бир сулола даражасига кўтарилиши ҳам худди шундай йирик лашкарбошилар номи билан боғлиқ бўлганини биз қуйида яққол кўрамиз.

Иккинчидан, Туркистон минтақасида сиёсий тараққиётнинг ўзига хос томонларидан бири — бу даврда худди маданий ҳаётдаги каби бир қатор ўзига яраша кучли давлат арбобларининг, сиёсий сулолаларнинг юзага чиқишидир. Гап шундай ҳолнинг яхши-ёмонлигида эмас, оқибатларидан қатъи назар, шундай вазият содир бўлган ва бу билиб қўйилса ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Фазнавийлар сулоласи қандайдир «ўлжапарастлик» кетидан эмас, балки минтақада кечган ижтимоий-сиёсий муносабатлар муҳитида юзага келганлигига доир гувоҳликлар манбаларда етарли даражада топилади. Юқорида биз сомонийлар саройида йирик лашкарбошилар тутган мавқе ҳақида айтиб ўтгандик. 961 йили сомоний ҳукмдор Абдумалик ўлимидан сўнг вазирлар тахтга марҳумнинг ўғлини ўтқаздилар. Бунга, манба тили билан айтганда, «Сомонийлар хонадони учун мақтовга лойиқ хизматлар қилиб келган ҳамда ноиблик ва лашкарбошилик йўлини тутган» Алптегин қаршилик қилади¹. Шу тариқа давлат арконлари ва Алптегин ўртасидаги мухолифлик кучайиб авжига чиқади. Лашкарбоши Бухорони тарк этади. Ҳатто шундан кейин ҳам зиддиятлар тугамай, охирида Алптегин ва Бухоро кўшинлари ўртасида тўқнашув содир бўлиб, бухоролик лашкар мағлубиятга учрайди. Сомонийлар хонадони ва Моваруннаҳр билан алоқани узган Алптегин Фазна вилоятида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Унинг вафотидан (963) сўнг Фазнада навбати билан Амир Исҳоқ ибн Алптегин, Амир Билгатегин, Амир Пирий, Амир Сабуктегинлар ҳукмронлик қиладилар². Фазнавийлар сиёсий сулоласига асос солган ҳам аслида ана шу Сабуктегин бўлади. Шу билан бирга Фазнанинг минтақа сиёсий марказларидан бирига айланишида биринчи салмоқли қадамни Алптегин қўйганини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Зикр қилинганидек, Алптегин сомонийлар билан

¹ Зайн ал-ахбар, с. 75—76; Мажма ал-ансоб, 31-бет; *Наршахий*. Бухоро тарихи, 163—164-бетлар.

² *Батфисил қаранг*: Мажма ал-ансоб, 32—34-бетлар.

алоқани узган бўлишига қарамай, сомонийлар Фазнада мужассамлашган ва қулоч ёйиб бораётган сиёсий-ҳарбий кучга доимо эҳтиёж сезиб келганлар. Бунинг яққол исботини Сабуктегин ва сомоний Нух III (976—997) ўртасида Кеш атрофида бўлиб ўтган учрашув (бунда Сабуктегин Нухни қўллаб-қувватлаши ҳақида ваъда берган), ё бўлмаса 994 йили сомонийларнинг энг ашаддий душманларидан Абу Али Симжурийнинг тор-мор этилишида Сабуктегин тутган асосий ўрин орқали кўриш мумкин. Сабуктегиннинг обрў-эътибори сўнгги йилларда шу даражада юқори бўлганки, у «дину давлат ҳимоячиси (Носир ад-дин ва ад-давла)» фахрий унвони билан машхур эди¹.

Фазнавийларнинг ҳам расман, ҳам амалан сиёсий куч сифатида тан олинishi 996 йилга тўғри келади. Юқорида кўриб чиқилганидек, қорахонийлар бир неча марта Бухорога таҳдид соладилар. Тилга олинган йили эса Сабуктегин сомонийларни қорахонийлар «чангали»дан сақлаб қолади. Сомоний Нух III рақиб олдидаги заифлигини сезган ҳолда унга мурожаат қилади. Сабуктегин эса Бухорони қўлга олиб, қорахонийлар билан келишувга имзо чекади². Бунга кўра Амударёдан жанубда жойлашган барча вилоятлар Сабуктегиннинг номига муҳрланади. Унинг вафотидан (997) кейин аввалига тахтга бир оз муддат унинг ўғли Исмоил ва 998 йилдан эса бошқа фарзанди Маҳмуд чиқади. Фазнавийлар кудрати ва шуҳратини оширган ҳукмдор ҳам аслида ана шу Маҳмуд ҳисобланади. Чунончи, унинг ҳукмронлиги даврида (998—1030) Хоразм, Хуросон, Сейистон, Кобул, Фазна, Шимолий Ҳиндистон каби вилоятлар ва маконлар фазнавийлар измида бўлган. Маҳмуднинг ўлимидан сўнг тахтга унинг ўғли Муҳаммад ўтиради, ваҳоланки, ундан катта ўғли (Масъуд) ҳам бор эди. Ўша замонда ёзилган манбалар шарҳига кўра, Маҳмуд тахтни кичик ўғли Муҳаммадга васият қилиш билан бирга, унга «Аканг Масъуд билан қарама-қаршиликка борма, агар у сенга қарши чиқса, урушиб юрма, (бекор) нобуд бўласан», деган. Ҳақиқатан ҳам тез орада Масъуд ва Муҳаммад ўртасида муҳолифат юзага келади. Масъуднинг Муҳаммаддан устун бўлганлигини замондош тарихчилар ҳам тан оладилар. Хуллас, шу йилнинг ўзидаёқ Масъуд тахтни эгаллайди³.

¹ Зайн ал-аҳбар, с. 84—86.

² Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв. С. 29—33. (Тарихи Яминий, 125—135-бетлар); Мажма ал-ансоб, 25-бет; *Бартольд В. В.* Сочинения. Т. I, с. 325.

³ Мажма ал-ансоб, 47—70-бетлар; *Абу-л-Фазл Бейҳаки.* История Масъуда, 1962, с. 43—52.

Илгарилари ҳам кўп марта кўрганимиздек, одатда, бирон-бир сулола тарихида муайян маънода бекаму кўст, доимо «ошиғи олчи» сиёсатчи тарих саҳнасига бир марта чиқади. Ҳазнавийлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Шунинг учун ҳам Масъуд даври (1030—1041) асосан Маҳмуд саъй-ҳаракатлари билан қўлга киритилган натижаларни сақлаб қолиш йўлидаги уринишлар йиллари бўлди, десак тўғри бўлади. Биринчидан, 1034 йили Хоразм ғазнавийлар таъсир доирасидан чиқади. Иккинчидан эса Хуросонда бошқа бир сиёсий сулола — салжуқийларнинг кучайиб бориши ҳам худди мана шу Масъуд даврига тўғри келган. 1035 йилги келишувга биноан Масъуд салжуқийларга (Йабғу, Тўғрил, Довуд бошлиқ қабилаларга) Нисо, Фарова, Деҳистон вилоятларини маскан ва яйлов сифатида беришга мажбур бўлади. Вақт ўтиши билан куч-қудрат орттирган салжуқийлар 1038 йили Нишопурни эгаллайдилар. Шу йилги Сарахс атрофидаги Масъуд билан жангда мағлуб бўлишларига қарамай, кўп ўтмай — 1040 йили Марв ва Сарахс оралиғидаги Дандониқонда салжуқийлар ғазнавийларга чунонам зарба берадиларки, шундан сўнг Сабуктегин авлодлари ўзларини ўнглай ололмайдилар¹. Хуросон қўлдан кетади. Гарчи Масъуд ўғли Мавдуд (1041—1049) ўз хонадонининг илгариги мавқеини тиклашга уринган бўлса-да, бунинг уддасидан чиқолмаган. Чунки фурсат қўлдан кетганди. Ҳазнавийлар бундан буён фақат Ҳазна вилояти ва Шимолий Ҳиндистондагина ҳукм юргизишга қодир бир худудий сулолага айланиб қолганлар. Бироқ нима бўлганда ҳам 1187 йилга қадар улар ўз фаолиятларини тўхтатганлари йўқ. Мавдуддан сўнг сулолага навбати билан Али, Абдурашид, Иброҳим, Масъуд II, Арслоншоҳ, Баҳромшоҳ, Хисравшоҳ, Хисрав Маликлар етакчилик қилганлар².

Ҳазнавийлар даври бошқарув тизими ўзининг мураккаблиги билан диққатни жалб этади. У кўп жиҳатдан сомонийлар, қорахонийлар замонидаги давлат бошқаруви тизимларига яқин ва ўхшаш. Бу табиий ҳол. Чунки илгари ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар қандай бошқарув тизими (шакли) мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий шароитга боғлиқ бўлади. Бошқа томондан эса ғазнавийлар ҳукмронлиги остида бўлган Хуросон, Сейистон, Кобул, Ҳазна каби

¹ История Масъуда, с. 416, 418, 435, 506, 520, 550, 552.

² Мажма ал-ансоб, 84—88-бетлар; Тарихи Фиришга. Лақднав, 1323 (х), 44—52-бетлар.

вилоятлар минтақанинг ажралмас таркибий қисмлари бўлиб келганликларини назарда тутсак, бошқарувчилик тараққиётидаги ўхшашликлар, яқинликлар сабаби маълум бўлади.

Демак, бошқарув тизимининг марказида даргоҳ ва девонлар (вазирликлар) турган. Авваллари ҳам кўрилганидек, даргоҳга олий ҳукмдор (ғазнавий ҳукмдорлар «Амир» унвонига эга бўлганлар) ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор хизматлар, амаллар кирган. Улар орасида «ҳожиблик» хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Ғазнавийлар даври бўйича манбаларда биз ҳожибликнинг қуйидаги шаклларига дуч келдик: улуғ ҳожиб, сарой ҳожиб, навбатчи ҳожиб, ҳожиб-жомадор¹. Улуғ ҳожиб нафақат бошқа ҳожиблар орасида, балки умуман мамлакат ва давлат ҳаётида алоҳида мавқега эга бўлган. Бунга ишора берувчи бир неча мисоллар келтирамиз. Маҳмуднинг ўлиmidан кейин Муҳаммаднинг тахтга ўтиришига бош-қош бўлган ва, қисқа муддатга бўлсада, бошқарув ишларини ўз ихтиёрида мужассамлаштирган ҳам улуғ ҳожиб Али Қариб бўлади. Расмий маросимларда улуғ ҳожиб олий ҳукмдорга энг яқин жойни эгаллаган. Унга ғоят муҳим вазифалар юклатилган. Катта аҳамият касб этувчи жангларда улуғ ҳожибга қўшиннинг энг салмоқли ва масъулиятли қисмига бошчилик қилиш вазифаси юклатилган. Масалан, олий ҳукмдор марказни бошқарса, сипоҳсалор ўнг қанотга, улуғ ҳожиб эса чап қанотга қўмондонлик қилган. Улуғ ҳожиб ўта жиддий ҳарбий юришлар, махсус сараланган қисмларни текшириш, таъминотини жойига қўйиш тадбирларида ҳам фаол бўлгани маълум. Олий ҳукмдор ва улуғ ҳожиблараро муносабатлар нечоғлик бўлганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, Масъуд улуғ ҳожиб Али Қарибга йўллаган бир мактубида унга «фозил (улуғ) ҳожиб, биродар» деб мурожаат қилади². Сарой ҳожибининг вазифаси тушунарли — у сарой эшикоғаси бўлган.

Ҳожибга келсак, фикримизча, ҳожиблик, умуман олганда, қандайдир бир ижтимоий-сиёсий табақа сифатида кўпроқ намоён бўлади. Фараз қилиш мумкинки, ўз даври учун ҳожиблик рицарлик тушунчасига яқин бўлса ажаб эмас. Масалан, манбаларда шундай маълумотларга ҳам дуч келамизки, улар кенгроқ мулоҳаза қилинса, мазкур фараз беасос эмаслиги равшан

¹ История Масъуда, с. 43, 46, 48, 49, 55, 237, 296 и др.

² Уша жойда, 47-бет.

бўлади. «Тарихи Масъудий»да ўқиймиз: «Амир Абду-раззоқ... вилоят амирлиги халъатини кийди... Унинг икки гуломига эса қора (чакмон) бердилар, ҳожиблик учун». «Ҳожиб Бадр ва ҳожиб Эртегинларга иккита қимматбаҳо халъат бердилар. Бадрга улуг ҳожиблик (халъати), Эртегинга эса гуломлар бошлиғи (халъати) берилди»¹. Ҳожиблар бир вақтнинг ўзида шиҳна ё сипоҳсалор мансабига эга бўлганларини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. (Ҳожиблар одатда қора чакмон ва икки учли кулоҳ кийиб юрганлар.)

Даргоҳ фаолиятида сипоҳдор (сарой хизматчиси), давотдор (олий ҳукмдор шахсий ҳужжатлари, ёзув-чизуви билан боғлиқ ишларга бош-қош хизматчи), пардадор (махрам, сир сақловчи, пинҳона вазифаларни бажарувчи), мартабадор (саройдаги ўрта даражадаги амалдор), фаррош (саройдаги кичик хизматчилардан), хазиначи, жомахона (кийим-кечак сақланувчи хона) бошлиғи каби мансаб ва хизматларнинг ҳам ўз ўрни бўлган.

Девонлар (вазирликлар) ижроия идоралари бўлганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Манбаларда бундай девонлардан бештасининг номи тилга олинади: Вазир девони, яъни бош вазир девони; ҳарбий ишлар девони; дипломатик ва бошқа расмий тадбирлар, ҳужжатларни расмийлаштириш, тузиш девони; ҳисоб-китоб, яъни молия девони; почта-хабар девони². Мазкур девонларнинг вазифалари ҳақида илгари ҳам сўз юритганимиз учун бу борада яна тўхталиб ўтирмаймиз. Гарчи манбаларда мушрифлик (давлат назорати), мухтасиблик девонлари тилга олинмаса-да, аммо жойларда шундай хизматлар мавжудлигидан уларнинг марказий девонлари ҳам бўлган, деган хулоса чиқади (масалан, шаҳар мушрифлиги, вилоят мушрифлиги мансаблари бўлганлиги аниқ):

Вилоят бошлиғини волий деганлар ва уни олий ҳукмдор тайинлаган. Вилоят ижроия бошқарув ишларини амид олиб борган. Шаҳар бошлиғини раис деб атаганлар. Шаҳар миқёсида шиҳна, кутвол (қалъа комендант), соҳиб девон (маъмурий бошқарувчи) каби амалдорлар ҳам фаолият кўрсатганлар³.

Биламизки, ғазнавийлар, айниқса, Маҳмуд даврида қудратли қўшинга эга бўлганлар. Олий қўмондонлик ҳукмдорнинг ўз ихтиёрида бўлганлиги табиий. Бош

¹ Ўша жойда, 58, 78-бетлар.

² Ўша жойда, 43, 47, 79, 110, 247, 248, 330, 331 ва бошқа бетлар.

³ Ўша жойда, 47, 50, 51, 58, 68 ва бошқа бетлар.

қўмондонликка (сипоҳсалор) эса сулоланинг энг ишончли, асосан, шу хонадон намояндаси тайинланган. Масалан, Маҳмуд бундай мансабга укаси Муҳаммад Юсуфни лойиқ топган¹. Юқори даражадаги ҳарбий лашкарбошилар салор, ўрта даражадагилари сарҳанг дейилиб, охиргилари ҳайлларга (бир неча ўн отлиқларга) бошчилик қилганлар. Ҳарбийлар ўз почта, қозилик хизматларига эга эдилар. Ҳазнавийларнинг ҳам сараланган жанговор қисмлари (гвардия) бор эди, аммо улар тўғридан-тўғри даргоҳ ихтиёрида бўлган.

Ҳазнавийларнинг ташқи алоқалари масаласида икки нарсага эътибор бериш лозим: уларнинг минтақа худудидаги муносабатлари ва минтақадан ташқаридаги алоқалари. Ҳазнавийларни минтақанинг Мовароуннаҳр, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон қисмларида ҳукмрон бўлган қорахонийлар билан муносабатлари ҳақида юқорида бир қадар тўхталиб ўтгандик. 1001 йилги Маҳмуд Ҳазнавий ва Наср Қорахоний ўртасидаги келишувга биноан Амударё икки томон манфаатларини ажратиб турувчи чегара ҳисобланган².

Гарчи бу аҳднома кейинчалик бир неча марта (асосан қорахонийлар томонидан) бузилиб турган бўлса-да, умуман олганда, дарё икки томон учун чегара бўлиб қолаверган. Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин. Ҳазнавийлар учун худди ўзлари каби кучга тўлиб турган қорахонийлар билан муносабатларни кескинлаштиришдан кўра Хоразм ва Шимолий Ҳиндистонни бўйсундириш ҳам реал, ҳам моддий жиҳатдан анча нафли эди. Буни шундан ҳам билиб олса бўладики, Маҳмуднинг ўзи Шимолий Ҳиндистонга бир неча марта ҳарбий юриш уюштирган, Хоразмни бўйсундирган (1017 йили)³. Шу маънода Маҳмуд кўпроқ узоқни ўйлайдиган, минтақадаги умумий сиёсий вазиятни яхши биладиган сиёсатчи сифатида гавдаланади. Ҳам худудий, ҳам сиёсий-ҳарбий, иқтисодий жиҳатлардан ўзига яраша қудратга эга бўлган қорахонийлар билан бирданига кескин сиёсат юргизиш калтабинлик бўларди. Шимолий Ҳиндистонда, кейинчалик Хоразмда эришилган сиёсий-ҳарбий ютуқлардан сўнг эса Ҳазнавийлар қорахонийлар билан нафақат тенгма-тенг рақобатлаша оладиган, балки улардан устунроқ мавқега ҳам етишадилар.

Салжуқийлар билан муносабатда ҳам Маҳмуд узоқ-

¹ Ўша жойда, 43-бет.

² Тарихи Яминий, 275—277-бетлар.

³ Қаранг: Зайн ал-аҳбар, с. 92, 93—96, 98—101; Мажма ал-ансоб, 54—56-бетлар.

ни кўзлаб иш тутади. Гарчи бу вақтда салжуқийлар етуклик даражасидан йироқ бўлсалар-да, лекин умуман жиддий ҳарбий куч сифатида Хуросонга хавф туғдиришлари мумкин эди. Айниқса, Маҳмуднинг Шимолий Ҳиндистонга уюштирган юришлари чоғида бундай хавф воқеликка айланиши эҳтимолга яқин бўлган. Шунинг учун ҳам у 1025 йили турк-ўғиз уруғларидан бир қисмига (тўрт минг чодир) Хуросондан манзил беради¹. Кейинчалик Масъуд даврида улар кучайиб, ғазнавийларга қақшатқич зарба берадилар.

Шимолий Ҳиндистон билан алоқаларга келсак, совет тарихшунослигида бу ўлкага нисбатан ғазнавийлар тутган сиёсат босқинчилик, ўлжапарастлик, талон-торожлик хатти-ҳаракатлари орқали тушунтириб келинган. Фикримизча, бундай ёндашув кўп ҳам тўғри эмас. Чунки Шимолий Ҳиндистон, биринчидан, ўз даврида минтақанинг тарихий таркибий қисми бўлган. Иккинчидан, марказлари Фазна бўлган ғазнавийлар учун Шимолий Ҳиндистон кўшни ўлка бўлгани табиий. Хуросон ё Сейистонга нисбатан уларнинг интилишлари ва умуман сиёсатлари қанчалик табиий бўлса, Шимолий Ҳиндистонга нисбатан ҳам шундай эди. Учинчидан, ғазнавийлар таъсир доирасида бўлган Шимолий Ҳиндистондаги маҳаллий сулолалар, сиёсий кучларнинг мустақилликка интилишлари, уларга қарши курашиш, қаршилик кўрсатишлари ҳам оддий ҳол бўлган. Шуларни назарда тутган ҳолда ғазнавийларнинг Хоразм ё Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юришларини ўша давр сиёсий, иқтисодий, халқаро муносабатлари орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, биз ҳар доимдагидек тўкилган қон ва кўрилган талафотларни оқлай олмаймиз.

Ғазнавийларнинг минтақадан ташқаридаги алоқалари ҳақида сўз кетса, Араб халифалиги билан муносабатлар тўғрисида тўхталишга тўғри келади. Ғазнавийлар шу замонга келиб илгариги қудратини йўқотган халифалик ҳурматини ўрнига қўйишга ҳаракат қилганлар. Зеро, бу уларнинг манфаатларига мос келар эди. Яъни, биринчидан, Араб халифалиги шунчалар заиф эдики, минтақадаги бирон-бир сиёсий сулола (масалан, қорахонийлар, хоразмшоҳлар ва ғазнавийларнинг ўзлари ҳам) уни реал қудрат сифатида тан олмасди. Демак, халифалик томонидан ғазнавийларга қарши ҳарбий

¹ Зайн ал-ахбар, с. 104.

хавф-хатар йўқ эди. Аксинча, Масъуднинг тили билан айтганда, «Агарда халифалик даргоҳига ҳурматимиз бўлмаганда эди, ночор Бағдодга отланиб ҳаж йўлини холи қилиб кўярдик... Агар отамиз қазо қилмай, Хурсонга қайтишга мажбур бўлмаганимизда, албатта, бутун Миср ва Шомда (ҳам ҳукмрон) бўлардик»¹. Иккинчидан, минтақанинг ўзида ҳам ғазнавийларнинг рақиблари етарли эди. Яна бир, ҳатто заиф, аммо очиқдан-очиқ душман орттириш ортиқчалиги тушунарли. Учинчидан, Араб халифалигининг минтақага кўли етмаса ҳам, «тили» етарди. Яъни минтақадаги сиёсий кучларни бир-бирига гиж-гижлаш, фиску-фасод уруғларини сочиш унинг сиёсатига айланиб қолганини биз сомонийлар даврида ҳам кўргандик. Ғазнавийлар эса халифаликка «ҳурмат» билан қараб, ўзларига нисбатан ҳар қандай бузғунчилик ҳаракатларини бартараф этдилар ва ҳатто ундан рақибларига қарши фойдаланиш имконини ҳам четга суриб қўймадилар.

Ташқи алоқалар ҳақида сўзни хорижий меҳмонларни қабул қилиш маросимига оид кўйидаги лавҳа билан тугалласак. Баён 1032 йилда Масъуднинг Араб халифалигининг олиймақом элчисини қабул қилиши ҳақида. «Тонг ёриша бошлаган замон тўрт минг сарой ғуломи (яъни гвардия — А.З.) амирлик саройининг икки тарафидан бир неча қатор бўлиб саф тортдилар. (Шундан) икки минг нафари икки учли кулоҳ (кийиб) ва ўнта попути (осилиб турган) камар (тақиб) олгандилар. Ҳар бир ғулом кумуш гурзи (тутиб турарди). Қолган икки минг (ғулом) тўртта пар қадалган кулоҳда эдилар. Белларидаги камарга ўқдон, қилич, камонни тутиб турувчи қайиш маҳкамланган, ҳар бир ғуломнинг кўлида камон ва учтадан ўқ. Барча (тўрт минг ғулом) қимматбаҳо нафис ипакликдан (тикилган) чакмонда эди. Хос ғуломлардан уч юзтаси амир (яъни олий ҳукмдор — А.З.) ўтирган супа яқинида ҳар томондан саф тортиб турардилар. Уларнинг кийимлари янада кўркама (бўлиб) (бошларида) икки учли кулоҳ, камарлари зардан, гурзилари ҳам заррин. (Ораларидан) бир неча кишининг камарлари жавоҳирлар билан безатилганди. Яна элик-олтмиш нафар (ғулом) нарироқда Дилмон саройи ўртасида қалқон бўлиб турардилар. Даргоҳ улуғлари, вилоятлар волийлари, ҳожиблар — барчаси икки учли кулоҳда, зар камарлар тақиб олганлар. Сарой ташқариси-

¹ История Масъуда, с. 277.

да мартабадорлар турардилар. Филларнинг сони ҳам кўп эди. Лашкар эса шай бўлиб, қимматбаҳо нафис ипаклик кийимда, соябонлар (остида), (ҳар бир қисм) ўз қурол-яроғи, белгилари билан бир-бирларига қарама-қарши томонларга сафлангандилар, (худди) шулар орасидан элчи ўтиши керак эди. Элчини бошловчи безатилган отларни олиб кўпчилик ҳамроҳлигида (ташқарига қараб) юради. (У ерда) элчини отга миндирадилар. (Сўнг) уни бошлаб келдилар. (Шунда) бурғу, катта-кичик ноғоралар овози янграб кетдики, гўё қиёмат куни келгандай (дейсан киши). Элчини ана шундай улуғвор такаллуф билан кузатиб бордилар. Бундай (қабул маросимини) у умрида кўрмаганди. Фоятда ҳайратга тушган ҳолда у кўшкка қадам кўйди. Амир (яъни олий ҳукмдор — А. З.), Оллоҳ ундан рози бўлсин, супа олдида тахтда ўлтирарди. Халифа элчиси салом берди. У қора (кийимда) эди. Жавобни улуғ хожа Аҳмад Ҳасан берди. Амир ёнида ундан бўлак ҳеч кимса ўлтирмаганди. Қолган барча тик турарди. Ҳожиб Абу Наср элчининг тирсагидан тутиб ўлтиришга ундади...»¹.

Ғазнавийларнинг минтақа маданий ҳаётида тутган роли ҳақида гапирарканмиз, XI аср фан ва маданияти тараққиёти ва оламшумул ютуқларида улар ҳукмфармо бўлган макон ва замоннинг ўрни катта бўлган. Албатта, бунинг сабабини энг аввало минтақанинг анъанавий фан ва маданият ўчоғи бўлиб келганлиги билан боғлаш мумкин. Шу билан бирга, фикримизча, бунда ғазнавийлар сулоласи намояндаларининг мазкур соҳага бўлган муносабатлари, шахсий имкониятлари омили ҳам кам ўрин тутмаган. Чунончи, Маҳмуд Ғазнавий она тилиси туркийдан ташқари форс, араб, ҳатто паҳлавий тилларини ҳам мукамал билган, шеър битган. Шунинг учун ҳам бўлса керак Маҳмуд ва умуман ғазнавийлар ҳукмронлик қилган марказлар ўз даврининг маданий муҳитида энг олдинги ўринларда турганлар. Фаррухий, Унсурий, Манучехрий, Утбий, Гардизий, Байҳақий, Носир Хисрав каби машҳур шоирлар, тарихчилар, олимлар ғазнавийлар ҳомийлигида фаолият кўрсатганлар. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний ҳам ғазнавийлар саройида илм билан шуғулланиб ўзининг кўплаб машҳур асарларини, жумладан, «Ҳиндистон», «Геодезия», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Масъуд қонуни», «Минералогия», «Сайдана»ни Ғазнада ёзган.

¹ Тарихи Байҳақий, 381—383-бетлар.

Ғазнавийлар билан яна бир машҳур маданият арбобининг номи боғлиқ. Сўз Абулқосим Фардавсий ҳақида. Форс адабиётининг даҳо шоирларидан ҳисобланмиш Фирдавсий ҳаммага маълум «Шоҳнома» асарини ўттиз йилдан ортиқ вақт ичида ёзиб тугатиб, ўша замон тартиб-қоидаларига кўра давр султони Маҳмудга тақдим этади. Маҳмуд бу улкан шеърини асар (60 мингдан зиёд байтдан иборат) учун таомилга кўра шоирни тақдирлаши ва ҳурматини ўрнига қўйиши керак эди. Аммо у бундай қилмайди. Баъзи бир адабиётларда бунинг учун Маҳмудни қоралаш қонун тусига кириб қолганлигини назарда тутиб, бу масалага равшанлик киритишга ҳаракат қилайлик. Фирдавсий ўз халқи фарзанди ва куйчиси сифатида табиий равишда Эронзамин ва эрон халқини мадҳ этади. Ва бунда эронликларнинг тарихи ва фазилатлари (донолиги, шижоати ва ҳоказо) масаласини ёритишда уларга туронликларни қарши қўяди. Бугунги кун тили билан айтганда асарда туронликлар салбий «қахрамонлар» сифатида гавдаланадилар. Туркийнасаб ҳукмдор сифатида Маҳмуд буни қабул қилолмаслиги табиий эди. Қайси ҳукмдор ўз халқига қарши руҳда битилган асарни тақдирлаган? Бундайи йўқ. Шунинг учун бу борада Маҳмудни айблаш тарихий ҳақиқатга ва умуман мантиққа зиддир.

Ғазнавийлар даврида қурилиш, маърифий ишларга ҳам катта эътибор берилгани маълум. Ғазна, Балх, Нишопур, Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар кўплаб қурилгани манбаларда ўз аксини топган. Мадрасаларда турли соҳадаги фанлардан дарс берилган, илми толиблар учун ўз замонасида бой ҳисобланган кутубхоналар эшиги доимо очиқ бўлган¹.

САЛЖУҚИЙЛАР

Кишиликнинг энг қадимги маданий ўчоқларидан бири ҳисобланмиш Туркистон тарихий тараққиётнинг ўнқир-чўнқирларига қарамай доимо ўзининг сернуфуслиги билан кўзга ташланиб келган. Ва, табиий равишда ҳаёт шаҳар ва воҳалардан ташқарида — дашту биёбонларда ҳам қайнаган. Шунинг учун ҳам Туркистон халқлари ҳаётида ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчилик турмуш тарзи ёнма-ён, бир-бирига ғоятда боғлиқ равишда

¹ Қаранг: Мажма ал-ансоб, 69—70-бетлар.

мавжуд бўлиб келган. Хоразм, Зарафшон, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё воҳа ва водийларида яшаган халқлар минг йиллар давомида асосан ўтроқ ҳаёт кечириб келган бўлсалар, атрофдаги чўлу биёбонларда, табиий равишда, кўчманчи, ярим кўчманчилар истиқомат қилган. Шу билан бирга кўчманчи муҳитдан ҳам вақти келиб қудратли сиёсий сулолалар етишиб чиққани ҳам маълум. Бу, айниқса, салжуқийлар сулоласи мисолида кўзга яққол ташланади.

Салжуқийлар туркий ўғиз қавми таркибида дастлаб ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудига тўғри келадиган яйловларда, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи ҳаёт кечирар эдилар. Аслини олганда худди шу вақтда салжуқийлар сулоласи ҳали шаклланмаган эди. Бошқача айтганда, салжуқийлар бу этник ном эмас. X асрда Балхаш кўлининг жанубидан то Қуйи Волгагача бўлган ҳудудда туркий халқлардан бўлмиш ўғизлар яшардилар. Улар кўплаб қабила ва уруғларга бўлинганлар. Ана шундайлардан бири — қиниқ уруғидан чиққан Салжуқ исмли шахс ўзининг фазилатлари, билимдонлиги, абжирлиги ва мардлиги орқасида обрў-эътибор қозониб боради ва бир қанча ўғиз қабилалари сардори, катта ҳарбий куч бошлиғи даражасига эришади¹. Табиий равишда бундай шахсларнинг бориб-бориб ўз давраси, таъсир доираси вужудга келади. Салжуқда ҳам шундай бўлган. Бу эса ўз ўрнида муайян қарама-қаршиликларни ҳам вужудга келтирган. Хуллас, иқтисодий-сиёсий рақобат натижасида Салжуқ ўз тарафдорлари билан юқорида тилга олинган Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарк этиб, дарёнинг қуйи оқими чап қирғоғида жойлашган Жанд вилояти яқинига келиб ўрнашади. Бу воқеа тахминан X асрнинг ўрталарида содир бўлган. Шу орада улар ислом динини қабул қиладилар. Улар худди шу асрда Мовароуннахрни идора қиладиган сомонийлар, аниқроғи сўнгги сомонийларни ҳарбий жиҳатдан кўллаб-қувватлаганларини биламиз. Салжуқийларнинг Мовароуннахр сиёсий ҳаётига фаол аралашуви айниқса сомонийларнинг қорахонийлар билан рақобати йиллари кучайди. Бу эса салжуқийлар қарамоғидаги ўғиз қавмларининг Самарқанд, Бухоро, Кеш вилоятларига бориб ўрнашишлари учун шароит яратди. Улар ўз турмуш тарзларига кўра яйловлар, даштликлар-

¹ *Садр ад-Дин Али Хусайний*. Зубдат ат-таварих, с. 23—24; *Тарихи Саложақа*, 10-бет; *Роҳат ас-судур*, 86—87-бетлар; *Агаджанов С. А.* Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв., 1969, с. 179—180.

да ўрнашганликлари табиий. Шаҳар ва воҳаларда эса, аввалгидек, ўтроқ туркий аҳоли истиқомат қилаверган.

Ўғиз қавмларининг ҳаракати икки дарё оралиғи билан чекланиб қолмаган. 1025 йили уларнинг бир қисми (4000 оила) Маҳмуд Ғазнавийнинг розилиғи ва бир неча шартлар билан Сарахс, Фарова ва Обивард атрофларидаги яйловларни ўзларига макон қиладилар. Шу тариқа улар Хуросонга қадам босадилар¹. Салжуқийлар ва ғазнавийлар ўртасидаги илк муносабатлар ҳақида биз ўтган бобларда ҳам тўхталиб ўтгандик. Салжуқийлар иложи борича Хуросонда мавжуд иқтисодий, савдо ва, албатта, сиёсий шароитлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ўз ўрнида шу вақтда ўлкада ҳукмдор бўлган Ғазнавийлар манфаатига зид келарди. Шу тариқа улараро зиддият пайдо бўлади. 1040 йилга қадар улар бир неча марта ўзаро тўқнашганлар. Охири эса кўрсатилган йили Дандониқонда салжуқийлар ғазнавийларни мағлубиятга учратадилар². Бу вақтга келиб Салжуқ аллақачон охиратга равона бўлган, унинг хонадони сиёсий фаолиятига эса набираси Тўғрулбек (1038—1063) бошчилик қиларди. Хуллас, 1040 йили Тўғрулбек Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинади ва шу тариқа дунё салтанатлари тарихида яна бир қудратли сулоланинг расмий юксалиш йўли бошланади.

XI асрнинг мазкур 40-йилларидаёқ салжуқийлар Хоразм, Эрон, Кавказортига ҳарбий юришлар уюштирадилар. 1055 йили эса Тўғрулбек халифалик пойтахти Бағдодни эгаллайди ва ўз номига хутба ўқиттиради³. Тўғрулбек ҳаётлигидаёқ салжуқийлар Эрон, Ироқ, Кавказорти ўлкаларини ўз таъсир доираларига тортган эдилар. 1071 йили эса кейинги салжуқий ҳукмдор Султон Алп Арслон (1063—1072) Кичик Осиёда Византия подшоши Ромен IV Диогенни енгиб, ўзини асирга олади. Бу ўз ўрнида салжуқийларнинг Кичик Осиё ва Яқин Шарқда мустаҳкам ўрнашиб олишлари учун катта замин тайёрлайди. Султон Маликшоҳ (1072—1092) замонида Самарқанд, Бухоро, Ўзганд (Фарғона) ҳам салжуқийлар қўл остида бирлашади. Шарқий Туркистондаги қорахонийлар ҳам салжуқийлар устунлигини тан оладилар. Султон Маликшоҳ ҳукмронлиғи даврида салжу-

¹ Тарихи Саложақа, 11-бет; Зубдат ат-таварих, с. 24; Роҳат ас-судур, 87-бет.

² Роҳат ас-судур, 100—101-бетлар; Зубдат ат-таварих, с. 32; Тарихи Саложақа, 14-бет.

³ Роҳат ас-судур, 105-бет; Зубдат ат-таварих, с. 36.

қийлар салтанати Шарқий Туркистондан Ўрта денгизгача бўлган ҳудудни ўз ичига олган¹.

Шу билан бирга, авваллари ҳам кўрганимиздек, ҳар қандай салтанатнинг ўз юксалиш босқичи бўлиши билан бирга парчаланиш, инқироз йўлига кириш даври ҳам бўлади. Салжуқийлар салтанатининг заифлашиб парчаланиш жараёни эса XI асрнинг иккинчи ярмида бошланади. Бундай жараён сабабини салтанатнинг ҳаддан ташқари улкан ҳудудда ястанганлиги, бунинг оқибатида уни бир марказдан туриб бошқарувдаги маълум қийинчиликларнинг вужудга келиши, расмий сулоланинг кўплаб намояндалари, маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилишлари, қарам ўлкаларнинг табиий равишда норозилиги, қаршилиги кабилар билан тушунтириш мумкин.

Қисқаси, XI асрнинг иккинчи ярмидаёқ салжуқийлар хонадони вакиллари фаолияти билан боғлиқ Сурия, Ироқ, Анатўлия (Кўня), Кермон султонликлари юзага келади. Сулола ички низолари кескинлаша бориб, XII аср бошларидаёқ салтанат шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетади (ашиналийлар, қорахонийларнинг ҳам ички низолар сабабли худди шундай қисмларга бўлиниб кетганини эслайлик). Шарқий қисм асосан Хуросон ва Мовароуннаҳрдан иборат бўлиб қолди. Унинг чегаралари, таъсир доираси қатъий бўлмай ўзгариб турган. Чунончи, Султон Санжар (1118—1157) қудрати авжига чиққан вақтларда ғарбий салжуқийлар (Эрон, Ироқ, Озарбайжон) унинг, яъни шарқий салжуқийларнинг сиёсий таъсирида бўлганлар. 1141 йили Мовароуннаҳрга шарқдан қорахитойларнинг бостириб кириши билан эса Султон Санжарнинг ҳам кучи қирқилди. Қорахитойларга қарши салжуқийлар қорахонийлар билан биргаликда лашкар тортган бўлсалар-да, аммо мағлубиятга учрайдилар. 30 минг киши, жумладан, 3—4 минг амиру амалдорлар ҳам ҳалок бўлади². Бу ўз ўрнида салжуқийларга қарам бўлган Хоразм сулолаларининг юксалиши учун шароит яратади. Худди шу ердан чиққан хоразмшоҳлар (ануштегинийлар) XII асрнинг иккинчи ярмида ғарбий салжуқийларга зарба берадилар. Шарқий салжуқийлар фаолиятига эса Султон Санжар ўлимидан кейин чек қўйилади. Бошқача қилиб айтганда, XII аср охирига келиб Кичик Осиёдаги Анатўлия (Кўня) султонлигидан ўзга бирон-бир маконда расмий салжуқий хонадони қолмайди. Анатўлия (Кўня) султонлиги эса XIII аср ўрталарида мўғул-

¹ Тарихи Саложақа, 14—25-бетлар; Зубдат ат-таварих, с. 36.

² Роҳат ас-судур, 172—173-бетлар.

ларга қарамликка тушади. Аммо нима бўлганда ҳам худди мана шу салжуқийлар туфайли Кичик Осиёга туркий тилли қавмларнинг бориб ўрнашиши жараёни кучаяди ва бориб-бориб мазкур минтақада туркий давлат ва миллатга асос солиниши учун тегишли замин яратди. Шунинг учун ҳам ҳозирги Туркиядаги туркий тилли халқ Туркистонни ота юртимиз, яъни тарихий ватанимиз, деб эътироф этади.

Энди салжуқийлар даври давлат қурилиши масаласига тўхталсак. Давлат тепасида олий ҳукмдор мақомида салжуқийлар хонадони намояндаси турган. У Султон (Султон ул-аъзам) унвонига эга бўлган. Унинг номидан хутба ўқилиб, танга зарб этилган. Тахт отадан болага мерос сифатида ўтган. Мулк, ер-сув тақсимлаш, муҳим давлат ва бошқарув мансабларига тайинлаш, давлат қирим-чиқимларидан бохабар бўлиб туриш, қўл остидаги амалдорлар ва хизматкорлар фаолиятини назорат қилиб туриш унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари сирасига кирган. Шунингдек олий ҳукмдор ўз мансабдорлари, хизматкорлари устидан тушган ариза ва шикоятларни, амалдорларнинг даромади, солиқ тўловчилар, уларга бошчилик қилувчиларнинг фаолиятини назорат қилиб бориши керак бўлган. Мамлакат ободонлиги, сунъий суғориш тизимларини барпо этиш, кўприклар қуриш, қишлоқларни обод этмоқ, экинлар аҳволидан бохабар бўлиш, қалъалар, янги шаҳарлар барпо этиш, олий бинолар қуриш, катта йўллар узра работлар (меҳмонхоналар) бино этиш, мадрасалар очиш каби қатор савобли ва ҳар қандай давлат ривожини учун зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш ҳам олий ҳукмдор зиммасида бўлган¹. Низомул мулк ҳукмдорнинг фуқароларга муносабатини шундай белгилаган: «Подшоҳнинг бир ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилмасдан иложи йўқ. У зулмкорни жазоламоғи, инсофга чақирмоғи, раийят сўзларини ўз қулоғи билан воситачисиз эшитмоғи керак. Арзчилар энг муҳим сўзларини айтмоқлари, (ҳукмдор эса) улар бўйича ҳукм чиқармоғи лозим. Шунда мамлакатда подшоҳ эзилган ва адл истовчиларни ҳафтада икки кун қабул қилиб, уларнинг сўзини тинглар экан, овозаси тарқайди. Золимлар бундан чўчийдилар, қўлларини калта қиладилар»².

Ҳазнавийлар, қорахонийлар, сомонийлар мисолида кўрганимиздек, салжуқийлар бошқарув тизими ҳам ик-

¹ Сиёсатнома, 12-бет.

² Ҷўша жойда, 18-бет.

кига: даргоҳ ва девонларга бўлинган. Даргоҳдаги энг асосий хизмат ва вазифаларни кўрсатиб ўтамиз: улуғ ҳожиб — даргоҳдаги султонга энг яқин киши, даргоҳ билан девонлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб турувчи, расмий қабулларни уюштирувчи. Ҳорис амири (амири ҳорис) султон чиқарган жазо ҳукмларини ижро этиш билан шуғулланган. Саройдаги қурол-аслаҳа, айниқса, султонга тааллуқли нарсаларни сақлаш ишини салоҳдор олиб борган. Даргоҳ ишларини бошқарувчи хос вакил, султон байроғини тутувчи аламдор дейилган. Султон ва даргоҳ хавфсизлигини таъминлаш жанддорга юклатилган. Шунингдек даргоҳ фаолиятини таъминлашда жомадор, шаробдор, чашнегир (султоннинг овқатланишига масъул), сарҳанг, мирохур, таштдор каби мансабдорларнинг ҳам ўз ўрни бўлгани маълум¹.

Салжуқийлар бошқарув тизимида ҳам бош вазир хизмати алоҳида аҳамият касб этган. У марказий бошқарув (девони аъло) тепасида турган ҳолда мавжуд барча девонлар (вазирликлар) фаолиятига раҳбарлик қилган. Ҳазина, молия, солиқ, давлатга тегишли ишлаб чиқариш муассасалари ишини назорат қилиш унинг гарданида эди. Манбаларда бош вазирни раис ур-руасо (раисларнинг бошлиғи), саъид ур-руасо (бошлиқларнинг каттаси)²; деб таърифлашларига кўра айтиш мумкинки, унинг фаолияти мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги барча соҳаларга тегишли бўлган. Чунончи, у султон номидан қарам ўлкалар ҳукмдорлари, хорижий давлатлар намояндалари билан мулоқот ва музокарада бўлиш ҳуқуқига эга эди. Иккинчи томондан, шунчалик кенг кўламда фаолият кўрсатиш унинг бир ўзига оғирлик қилгани табиий. Шунинг учун ҳам бош вазир ўзининг махсус вакиллари, назоратчилари орқали ҳам иш юритган. У хизматчиларни ишга олиш, уларга маош тайинлаш, ишдан бўшатиш каби ваколатларга ҳам эга бўлган. Хуллас, бош вазирнинг ҳақ-ҳуқуқи катта бўлган. Шу билан бирга у ер-мулк тақсимлаш борасида ҳуқуқсиз бўлган. Мазкур ваколат султон ихтиёрида қолган.

Шаҳзодалар ва маликалар ҳам ўз вазирларига эга эдилар. Аммо бу ҳол давлат манфаатларига зид эканлигига ўз вақтида салжуқийларнинг бош вазири лавози-

¹ Агаджанов С. А. Сельджукиды и Туркмения в XI—XII вв. 1973, с. 73—74; Зубдат ат-таварих, с. 50, 55, 60—61, 105—107 и др.

² Зубдат ат-таварих, с. 68.

мида фаолият кўрсатган машхур Низомул мулк (1018 ёки 1020—1092) ишора этганди: «Қачонки, подшоҳлик иши аёллар ва гўдаклар қўлига ўтса, билгинки, подшоҳлик ўша хонадонни тарк этгай»¹.

Девонлар тўғрисида сўз очарканмиз, уларнинг икки тоифага бўлинишини таъкидлаш лозим: сулолавий ва расмий девонлар. Номидан ҳам кўриниб турганидек, сулолавий девон ҳукмдор хонадон фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унга тегишли мол-мулк, ер-сув, хазина ва бошқалар бошқаруви, ҳисоб-китоби, олиқ-солиғи каби вазифалар билан шуғулланган. Расмий девонлар қуйидагилардир: девони туғро, девони истифо, девони ишроф, девони арз². Туғро девони мазкур девонлар ичида энг муҳими ҳисобланиб, унинг бошлиғи бош вазир ўринбосари мавқеида бўлган. Бу девонда олий ҳукмдорнинг фармонлари, қарорлари, расмий ёзишмалари ва ҳужжатлари тайёрланиб, кейин унга муҳр бостиришга тақдим этиларди. Жойларга расмий ҳужжатлар юбориш, улардан ҳужжатлар қабул қилиш, чет элларга мактублар юбориш, давлат ҳужжатларида махфийликни таъминлаш кабилар шу девон хизматчилари назорати остида эди. Бу девонга хизматга ҳар ким ҳам олинавермасди.

Кейинги вазирлик бу истифо, яъни молия девони. Давлат кирим-чиқимлари, солиқлар, бож ва бошқа молиявий даромадлар, уларни алоҳида рўйхатга олиш худди шу девон ихтиёрида мужассамлашган. Бу вазирлик жойлардаги бўлимлари орқали тегишли рўйхат ва миқдорларда солиқ йиғиш, қилинган ишларни алоҳида дафтарларда қайд этиш билан шуғулланган. Бўлимлар марказга ҳар бир тадбир, масалан, солиқ йиғиш бўйича алоҳида ва батафсил ҳисобот ёзиб берганлар. Истифо девони ҳақ-ҳуқуқлари нечоғлик бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, унинг хизматчилари (муставфийлар) ҳатто даргоҳ кирим-чиқимлари, хазинадаги аҳвол, мавжуд нақд пулнинг ҳисоби, давлат қарамоғида бўлганларга кетадиган харажат, маош, нафақа миқдори кабиларга ҳам тўғридан-тўғри аралашганлар, назорат қилганлар.

Яна бир вазирлик бу ишроф девонидир. Унинг бўлимлари вилоятлар ва шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатган. Бир сўз билан айтганда, бу хизматнинг моҳияти давлат назорати тушунчасини беради. Бунинг ис-

¹ Сийёсатнома, 246-бет.

² Сельджукиды... с. 75—86.

ботини ишроф хизматининг фаолият доираси орқали ҳам билиб олиш мумкин: молия-солиқ ҳисобларини назорат қилиш ва текшириш, вақфга тегишли мулклар устидан умумий назорат олиб бориш, сулолага тегишли ер-сувлар, қимматбаҳо молия қозғолари, зарбхоналар, амалдаги муҳрлар, бозорлар мутасаддилари, солиқчилар, қишлоқ оқсоқоллари ва бошқа амалдорлар устидан назорат олиб бориш. Назорат ўз ўрнида махфий ҳам бўлган.

Девони арз ўзига хос ҳарбий муассаса (ҳарбий вазирлик) бўлиб, лашкарга мўлжалланган маош ва таъминот (озик-овқат ва кийим-кечак), ҳарбийларнинг рўйхати, янгиланиб туриши, ҳарбий қисмларнинг таркибий сони, уларга кетадиган харажатларнинг тури ва ҳажми, транспорт, ҳарбий юришлар чоғидаги таъминот, вақти билан ҳарбийлар кўригини ташкил этиш кабиларга масъул эди. Мазкур девон ва умуман девонлар тизими иши қандай йўлга қўйилганини қўйидаги мисол орқали яққол тасаввур қилиш мумкин. Лашкардаги бирон-бир хизматчининг маоши оширилладиган ё қисқартирилладиган бўлинса, бу ҳақда, энг аввало молия-солиқ идоралари билан келишиб олиниши зарур ҳисобланган.

Маҳаллий бошқарув тизимига келсак, вилоят бошлиқлари (волий) ҳам ўз девонларига эга бўлганлар. Волийларни олий ҳукмдор тайинлаган. Улар бутун вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳаларга бошчилик қилганлар: молия, солиқ, суд, ҳарбий ишлар, жазо идоралари волий назорати, тасдиғи, измида фаолият кўрсатганлар.

Туман, шаҳар миқёсидаги бошқарув тизими ҳам вилоятларники каби бўлган, фақат ҳарбий фаолият бундан мустасно эди.

Салжуқийлар даври иқтисодий муносабатлар аҳволига келадиган бўлсак, албатта, биз бутун салтанат, яъни Мовароуннаҳрдан Ўрта денгизгача бўлган ҳудудда кечган иқтисодий муносабатлар тўғрисида фикр юритмай, асосий эътиборни мазкур масаланинг минтақага алоқадор томонларига тўхталиб ўтсак тўғри бўлади.

Шу маънода ўз даври учун катта аҳамият касб этган деҳқончилик ривожланиб бориб, бунга асосан сунъий суғориш тизимларининг кенгайиб, мукаммаллашиб бориши кенг йўл очиб берган. Чунончи, сув тўғонларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, ер ости ва ер усти сув иншоотларини барпо этиш, деҳқончиликнинг илғор усулларида фойдаланиш, сунъий сув ҳавзаларини яратиш каби тадбирлар ўша замон деҳқончилиги тарақ-

қийётидаги асосий омиллардандир. Ғаллачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик, пахтачилик, пиллачилик соҳаларидаги ютуқлар ҳам илгариги даврлар ва бошқа минтақалардан кам бўлган. Чунончи, Хоразм қовунлари, Журжон (Гургон) хурмолари, шакарқамиши, лимонлари, Нисо узумлари, беҳилари, бақлажонлари, Марв буғдойи нафақат минтақада, балки ундан ташқарида ҳам шуҳрат қозонган эди.

Деҳқончилик соҳасининг ривожини, албатта, хунармандчилик тараққиёти учун тегишли асос яратиб беради. Салжуқийлар даври ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам ёзма манбалар, археологик изланишлар натижалари берган гувоҳликларга назар солинса, тўқимачилик (ип газлама, ипак, зиғирпоя толасидан тайёрланган матолар ишлаб чиқариш), кулолчилик (коса, хум, кўза, пиёла ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш), гиламчилик, заргарлик, ойнасозлик, темирчилик, кўнчилик каби қатор соҳалар ҳам ички, ҳам ташқи талаб ва эҳтиёжларни қондириш йўлида тараққий этиб борган.

Яна бир муҳим соҳа бу савдо-сотикдир. Савдо-сотикнинг ривожланишида ишлаб чиқариш (деҳқончилик, хунармандчилик) билан бир қаторда улкан иқтисодий-савдо маконининг мавжудлиги ҳам муҳим ўрин тутган. Албатта, бундай маконни яратиш осон бўлмаган. Шаҳарларда бозорлар аҳволини яхшилаш, тартиб ўрнатиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш, маълум масофаларда работлар, тўхташ жойлари бино этиш, пул муомаласини назорат қилиш каби қатор муҳим тадбирларни доимо амалга оширишга тўғри келган. Бунинг натижасида минтақанинг Ўрта ва Яқин Шарқ, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакат ва ўлкалар билан савдо алоқалари гуркираб борган. 1087 йили Султон Маликшоҳ Шарқ ва Ғарб йўналишлараро савдони янада жонлантириш ниятида Хуросон ва Ироқ савдогарларини баъзи бир савдо тўловларидан озод этган¹. Савдо-сотикда куруқликдан ташқари Каспий денгизи имконларидан ҳам оқилона фойдаланишга интилингани маълум. Каспий денгизи орқали Туркистонга нефть маҳсулотлари келтирилганини биламиз. Ё бўлмаса Сирдарё қуйи оқими, ўн қирғоғи ерларидан чиқадиган мушк, олтин, кумуш ёмбилар нафақат ташқи бозорда, балки минтақанинг ўзида ҳам ғоятда қадрланган. Умуман олганда, минтақа

¹ Сельджукиды... с. 44.

бозорларида қимматбаҳо мўйна, қорақўл териси, тузланган балиқ, морж қозиқ тишидан тортиб куруқ мева, нафис матолар, қимматбаҳо тошлар, тақинчоқларгача топиш мумкин эди.

Пул муомаласига келсак, энг юқори даражадаги пул бирлиги ўрнида соф олтиндан зарб этилган динор (қизил динор) қабул қилинган. Таркибида олтиндан ташқари қўшимча металл аралашмаси бўлган ва маҳаллий аҳамият касб этган динор ҳам бўлиб, уни рукний деганлар. Шунингдек муомалада мис дирҳамлар ҳам бўлиб, улар асосан ички бозорга мўлжалланган. Салжуқийлар даврида ҳам чек, аккредитив, вексел туридаги нақд пулсиз муомала қилиш тизими амалда бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим¹.

Салжуқийларнинг ташқи алоқалари ҳақида нима дейиш мумкин. Салтанатнинг Шарқий Туркистондан Ўрта денгизгача ястаниши географик жиҳатдан уларни тўғридан-тўғри тарихий Хитой ва Византия билан чегарадош қилиб қўйди. Хитой ҳам, Византия ҳам бундан хавфсираши турган гап эди. Шунинг учун ҳам улар иложи борича салжуқийларнинг заифлашиб боришидан манфаатдор эдилар. Бунда «чўғни бировнинг қўли билан ушлаш» сиёсатидан унумли фойдаланишга кўп ҳаракат қилинган. Чунончи, салжуқий Султон Маликшоҳ даврида Византия дипломатик йўллар билан Хитойни салжуқийларга қарши гиж-гижлаб, улар ўртасида уруш чиқаришга обдон ҳаракат қилгани маълум. Аммо Сун хонадонидан бўлмиш Хитой ҳукмдорлари урушдан кўра савдо алоқалари кўпроқ манфаатлироқ эканини англаган ҳолда «шайтон йўлидан» юрмайдилар. Византия бу билан тинчимай энди тўғридан-тўғри ғарбда, Европанинг ўзида салжуқийлар, аниқроғи «мусулмонлар хавфи»ни байроқ қилиб, уларга қарши курашга даъват қила бошлайди. Ваҳоланки, ислом динини эндигина қабул қилган салжуқийлар исломни ё унинг «хавфи»ни элтувчи куч бўлолмасдилар. Зеро, ислом дини зуҳуридан кейин дин байроғи остидаги бирон-бир юриш, истило йўқким, асл мақсади ва манфаати билан сиёсий, иқтисодий мўлжаллар билан уйғунлашмаган бўлсин. Демак, салжуқийлар Византия учун, энг аввало сиёсий, халқаро савдо муносабатларида катта рақиб ҳисобланарди. Одатда, рақибни енгиш иши унга нисбатан кўпчилик фикри, яъни мафқурасини қарши қўйишдан бошланганидек,

¹ *Батафсил қаранг: Сельджукиды... с. 49—53...*

Византия салжуқийларнинг ҳарбий-сиёсий хавфига қарши мафкура, эътиқод омиллини қўйди. Бундан Рим черкови ва бошқа Европа мамлакатлари иложи борича фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шу тариқа XI асрнинг сўнгги ўн йиллигида мафкура бўёқлари билан чапланган, аслида таъсир доиралар курашидаги бир ҳаракатгина бўлган салиб юришлари бошланган. Салибчиларнинг шарққа қараб ҳаракатларини қирқишда салжуқийларнинг хизматлари катта бўлган.

Салжуқийлар ўз тобелигида бўлган юртларда фан ва маданият тараққиёти учун барча шарт-шароитни яратиб беришга интиланлар. Салжуқийлар хонадонига мансуб олий ҳукмдорми, шаҳзодами ё маликами, ҳам-малари мамлакатдаги бирон-бир шаҳарда бир ё бир нечта мадраса қуришни ўз вазифалари, деб билганлар. Улардан вазирлар, амирлар, маҳаллий ҳокимлар ҳам ўрнатқилиб иш тутганлар. Чунончи, тилга олганимиз машҳур вазир Низомул мулк ўз даврида кўплаб мадрасалар қурдирган. Ҳар бир мадрасада ўнлаб, юзлаб илм толиблари ҳам диний, ҳам дунёвий соҳаларда билим олганлар. Мадрасаларда ҳам табиий-аниқ фанлар, ҳам ижтимоий-диний билимлардан таҳсил олинган. Ўқувчиларга ойлик нафақа бериб борилиб, жой билан ҳам таъминланган, уларни ўз даврларининг етук олимлари ўқитганлар, илм толибларининг ихтиёрида кўп минг жилддан иборат кутубхоналар бўлган. Баъзи бир мадрасаларда ўқувчилар сони минглаб бўлганини биламиз. Масалан, Низомул мулк томонидан асос солинган «Низомия» мадрасаларидан бирида олти минг нафар талаба яшаб, таълим олгани маълум¹.

Илму маърифатга бўлган анъанавий жиддий эътибор салжуқийлар даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади ва биз буни юқорида таъкидланган ўнлаб мадрасаларнинг барпо қилиниши орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Аҳвол ҳақиқатан ҳам шундай бўлганини ўша замонда яшаган буюк олимлар, шоирлар фаолияти ҳам тасдиқлайди. Баҳовиддин Абубакр Марвазий, Шарафиддин Тусий, Абулҳасан Али Марвазий, Умар Хайём, Абулҳотам Музафар Исфизорий, Заҳририддин Ғазнавий каби ҳандасачилар, юлдузшунослар, риёзиётчилар, Шараф аз-замон Муҳаммад Илоқий, саййид Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий каби табиблар, кимёгарлар, Муъизий, Анварий, Собир Термизий, Асириддин Ахси-

¹ *Батафсил қаранг:* Торихи адабиёт дар Ирон, 2-жилд, 234—241-бетлар.

катий, Рафъий Марвазий каби йирик шоирлар шулар жумласидандир. Одатдагидек, улар ўз замонларининг барча илмларидан хабардор бўлганлар. Масалан, Умар Хайёмни биз кўпроқ машҳур шоир, аниқроғи, тўртликлар устаси сифатида таниймиз. Ваҳоланки, у етук юлдузшунос ва риёзиётчи ҳам эди. Хайём иштирокида расадхона лойиҳаси чизилиб, сўнг бир йил ичида барпо этилган. Унда олиб борилган кузатишлар ва бошқа изланишлар натижасида 1097 йили Умар Хайём Султон Маликшоҳ топшириғига кўра янги тақвим (календарь) тузади. Унинг аниқлиги Григорий календаридан ҳам юқори бўлишига қарамай амалда жорий қилинмасдан қолиб кетган. Бундан ташқари математика тарихида сонлардан бутун мусбат илдиз топишнинг умумий қондасини биринчи исботлаб берган ҳам Умар Хайёмдир.

Ё бўлмаса, кутубхоналар аҳволини олайлик. Билим ва маърифат тарқатишда, буюк аждодларимиз тарихий-маданий меросини сақлашда катта аҳамият касб этган бундай муассасалар салжуқийлар даврида бир талай эди. Тарихчи ва сайёҳ Ёқут Ҳамавий (1179—1229) Марвда бўлганида бу ерда ўн та йирик кутубхона борлигини кўрган. Мазкур кутубхоналарда сақланаётган китоблар қиммати ва сони жиҳатидан дунёда бирон-бир кутубхона унга тенг келолмайди, деб ёзганди тарихчи¹.

Хуллас, салжуқийлар даври ва фаолияти ҳақида кўп ёзиш мумкин. Аммо бир нарса аниқки, Туркистондан чиққан намоянда сифатида салжуқийлар мазкур минтақанинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳадаги кўп асрлик тажриба ва анъаналарига суянганлар, баҳоли қудрат ўз фаолиятларида уларни давом эттиришга ҳаракат қилганлар.

АНУШТЕГИНИЙЛАР

Ўзбек давлатчилиги тараққиётида мамлакатимизнинг ҳар бир воҳаю водийсининг ҳиссаси бўлиб келганини биз бир неча бор кўрдик. Шу маънода давлатчилигимиз ибтидоси қарор топган кўҳна Хоразмда XI—XIII аср бошларида кечган сиёсий жараён ва унинг тамом минтақага таъсири катта қизиқиш уйғотади. Биз қуйида шу ердан чиққан, кўпроқ хоразмшоҳлар номила машҳур сулола фаолияти ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Хоразмшоҳ дейилганда, аслида, Хоразм воҳасида ҳукмронлик қилган сулола вакили тушунилади, яъни

¹ Ўша жойда, 252-бет.

Хоразм хукмдори (шоҳи) маъносини англатади. Узоқ асрлар давомида бу вилоятда бир қатор сулолалар хоразмшоҳлар унвони остида фаолият кўрсатганликларини биламиз. Масалан, IV—X асрларда афригийлар хонадони, 995—1017 йилларда маъмунийлар (Маъмун I, Абулҳасан Али, Маъмун II), 1017—1041 йилларда эса олгунтошийлар (Олгунтош, Хорун, Ҳандон) сулолалари хоразмшоҳлар унвони билан бошқарув курсисида ўтирганлар. Аммо Хоразм доирасидан ташқарига чиқиб, мамлакат, минтақа миқёсида от суриб ва бу билан ҳам чекланмасдан бошқарувнинг салтанат даражасига эришган сулола бу ануштегинийлардир (1097—1231). Сўз ҳам айнан ануштегинийлар ҳақида боради.

Ануштегинийлар сулоласининг бошловчиси Ануштегин (вафоти 1097 йил) ҳисобланади. XI асрнинг иккинчи ярмида салжуқийларнинг омади чопган вақтлар эди. Ануштегин салжуқий хукмдор Султон Маликшоҳнинг мансабдорларидан бўлиб, ўзининг намунали хизмати эвазига юксак мартаба ва хукмдорнинг яқин аёнларидан бири даражасига кўтарилади. Тахминан 1077 йили у Хоразм шихналиги (комендант маъносида) вазифасига тайинланади¹. 1097 йили эса ўғли Қутбиддин Муҳаммад Хоразм волийси, яъни ҳокими мавқеига эришади². Унинг ҳокимлиги фақат Хоразм доирасида бўлгани табиий. Қутбиддин Муҳаммад салжуқийлар даргоҳига қарам эди. Ҳар йили ўзи ё ўғли Отсиз орқали марказга вилоятдан ундирилган солиқни олиб бориб турарди. Худди мана шу Отсиз (тўлиқ исми Малик Абу Музаффар Аловиддин Жалолиддин Отсиз) отасидан кейин (1128 йили) салжуқий Санжар хукми билан Хоразм волийлигига тайинланади. Бу вақтда у ҳали 30 га ҳам кирмаганди. Отсиз ҳам аввалига отаси каби салжуқийлар хонадонига сидқидилдан хизмат қилади. Аммо сиёсатда бўлганидек, ўз мавқеи мустақамланиб ва, аксинча, рақобатчилари заифлаша борганини сезган ҳолда салжуқийларга қарамликдан бош торта бошлайди. Гарчи фаолиятининг сўнгги 20 йили давомида у мутлақ мустақилликка эришиш ва бу билан ҳам чегараланмай ўз хукмини Сирдарёнинг қуйи оқимларидаги ерлар ва Хуросонга ҳам ўтқазишга интиланган бўлса-да, аммо моҳият эътибори билан айтадиган бўлсак, унинг замонида Хоразм вилояти тўла эркинликни қўлга кирита олмади³. Агар Отсиз

¹ Тарихи жаҳонгўшой. Лейден-Лондон, 2-жилд, 1916, 1—2-бетлар.

² Ўша жойда, 3-бет.

³ Қаранг: Бунятов З. М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. Москва, 1986, с. 8—13.

замонаси сиёсий манзарасига назар ташлагудек бўлсак, бу вазифани ҳал этиш ҳақиқатан ҳам қийин эканлигини сезамиз. Аввало, нима бўлганда ҳам Султон Санжар ғоятда катта қудратга эга эди. Бунга Отсизнинг ўзи ҳам бир неча бор иқрор бўлган. Иккинчи томондан, шу асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошида Туркистон сиёсий майдонига чиққан янги куч — қорахитойлар ҳам ниҳоятда қувватга тўлиб турган эдилар. Бекорга Отсиз уларга йилига 30 минг олтин динар тўлаб туришни бўйнига олмаган, албатта¹. Аммо шу билан бирга Отсиз фаолияти ўз сулоласининг кейинги ўн йилликларда Туркистон ва ундан ташқарида ҳам амалга оширган ҳаракатларининг асосини яратишда беқиёс бўлди. Яъни Отсиз ануштегинийлар хонадони нафақат бир вилоят, балки улкан минтақада ҳам сиёсат юргизиш, донгдор сиёсий кучлар билан рақобатлаша олишга қодир эканлигини амалда кўрсатганди. Отсиз ва Султон Санжар кетма-кет (1156 ва 1157 йиллари) охиратга сафар қилганлар. Отсизнинг сиёсатини ўғли Эл Арслон (1156—1172) давом эттиради. Очиғини айтиш керак, бу вақтга келиб минтақадаги вазият ҳам анча «бўшашганди». Бу, энг аввало, Султон Санжарнинг ўлиmidан кейин салжуқийлар хонадонидан унинг ўрнини боса оладиган етук сиёсатчининг чиқмаганлигидан, десак тўғри бўлади. Гапнинг қисқаси, Султон Санжардан сўнг шарқий салжуқийлар сиёсий бирлиги инқирозга учраган эди. Бундай шароитда Эл Арслон учун Хоразмда мустақил сиёсат юргизишга эришиш мушкул эмасди. У фақат бу билан чегараланибгина қолмай минтақа бўйлаб ҳам фаол ҳаркат қила бошлайди. Чунончи, у 1158 йили Мовароуннаҳрда қорахитойлар билан тўқнашиб, қўли баланд келган ҳолда улар билан сулҳ тузади². 1167 йили эса Нишопурни эгаллайди ва Озарбайжонга ҳарбий юриш уюштиради³. Аммо Эл Арслонга ҳам марказида Хоразм бўлган, барча томонидан тан олинган қудратли сиёсий ҳокимиятга асос солиш насиб этмаган.

Хоразмшоҳларнинг забардаст сиёсий куч сифатида рўёбга чиқа олмаганликларининг бош сабабларидан бири бу ички низоларга барҳам бера олмаганликларидир. Чунончи, Эл Арслондан сўнг унинг ўғиллари Ало-виддин Такаш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида 20 йилдан ортиқ вақт давомида тахт учун кураш кетади. Ҳар

¹ Тарихи жаҳонғушой, 2-жилд, 88-бет.

² Уша жойда, 16—17-бетлар.

³ Государство хорезмшахов..., с. 35.

иккови ҳам гоҳ қорахитойларга, гоҳ Ҳиротдан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда ҳукмронлик қилиб турган ғурийлар сулоласига, гоҳ эса Хуросон амирларига суянган ҳолда ўзаро кураш олиб борганлар. Бироқ бундан бирон-бир наф чиқмади, на сулола, на Хоразм юксалди. Фақат Султоншоҳ вафотидан сўнггина (1193 йил) Такаш якка ҳукмдор сифатида кенг қамровли сиёсат юргизиш имконига эга бўлди. 1194 йили у Ғарбий Эроннинг аксар қисмини бўйсундирди, кейин Кермонда ҳам унинг номига хутба ўқилади. Ҳукмронлиги сўнггида у ҳатто Бағдодни — халифалик пойтахтини забт этишга ҳам шайланади. Аммо юриш чоғида, 1200 йилнинг ёзида, йўлда вафот этади¹. Ундан қолган мерос — Туркистон ва Эронни ўз ичига олган салтанат курсисига Аловиддин Муҳаммад (1200—1221) чиқади. 1210 ва 1212 йилларда икки уринишда у қорахитойлар масаласини бутунлай ҳал қилади². Бу воқеа унинг обрў-эътиборини ниҳоятда ошириб юборади. Иккинчи Искандар, иккинчи Султон Санжар лақаблари билан машҳур бўлган Султон Кутбиддин Муҳаммад саъй-ҳаракатлари туфайли 1217 йилга келиб Озарбайжон, Эрон, Хуросондан Ҳиндистонгача бўлган ерлар хоразмшоҳлар измига тушганди. Шу йил охирида у ҳам Бағдодни эгаллаш ҳаракатига тушади, аммо об-ҳаво оғир келиб, мўлжал амалга ошмай қолади. Султон Муҳаммаднинг асосий мақсади Сурия, Кичик Осиё ва Мисрни ҳам бўйсундириш эди. Хуллас, Чингизхон (1206—1227) босқини арафасида хоразмшоҳлар сулоласи дунёнинг энг қудратли сиёсий кучларидан бирига айланганди. Орол денгизидан Ҳинд океанигача, Ироқдан Шарқий Туркистонгача бўлган улкан ҳудуд тақдири Хоразмда ҳал бўларди³.

Худди шу даврда шарқда бошқа бир ҳарбий-сиёсий куч қудратга тўлиб бораётганди. Албатта, биз бу ерда Чингизхон асос солган ҳарбий-сиёсий кўчманчи уюшмани назарда тутяпмиз. XIII аср ўнинчи йиллари охирида Шарқда икки йирик куч — хоразмшоҳлар ва чингизийлар ҳукмронлиги шароитида уларнинг ўзаро тўқнаш-ишлари табиий ҳол эди. Қатор манбалар, илмий адабиётларда чингизийларнинг Мовароуннаҳрга юришлари сабабини турлича изоҳлашга ҳаракат қилинади-ю, аммо оддий бир ҳақиқатга кўп ҳам эътибор берилмайди. Хоразмшоҳлар ҳам, чингизийлар ҳам сиёсий куч сифа-

¹ Уша жойда, 38—61-бетлар.

² Тарихи жаҳонгўшой, 2-жилд, 74—84-бетлар.

³ *Ан-Насаби*. Жизнеописание, с. 45.

тида шундай бир қувватга эга эдиларки, ёнма-ён турган бир шароитда уларнинг ўзаро тўқнаш келмасликлари мумкин эмасди (худди, масалан, македониялик Александр ва аҳамонийлар, Амир Темур ва Боязид ўртасидаги рақобат каби). Баҳона эса доимо топилади. Хоҳ у томондан, хоҳ бу томондан. Одатда, Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга лашкар тортишига сабаб қилиб 1218 йилги Ўтрор воқеаси кўрсатилади, яъни Чингизхон элчилик-савдо карвонининг Ўтрорда қатл этилиши Чингизхон газабини кўзгаган, қабилдаги фикрлар олға сурилади.

Ваҳоланки, икки томон ўртасида уруш чиқиши муқаррарлиги ҳам Султон Муҳаммадга, ҳам Чингизхонга бошданоқ аён эди. Бу борада ташаббус кўпроқ Чингизхонда бўлган. 1218 йили хоразмшоҳга юборган номасида у Султон Муҳаммадга ўғлим, деб мурожаат қилади¹. Дипломатия тилида бу «қаролим» деган билан баробар бўлиб, аслида бу жангга ундаш эди. Ҳозирча бизга номаълум қандайдир сабабларга кўра Султон Муҳаммад бундай қилмайди. Ўтрордаги воқеага келсак, элчилар ва савдогарларнинг ўлдирилиши ҳам айб сифатида Султон Муҳаммадга кўйиб келинади. Ваҳоланки, бизнинг назаримизда, унинг бундан бошқа иложи йўқ эди. Бу карвон фақатгина элчилик ва савдо карвони бўлмай, балки ундаги 100 кишига ўлкадаги турли ерларда савдо билан шуғулланиш учун Чингизхон кўрсатмаси билан маблағ ажратилган эди². Бошқача айтганда, мазкур кишилар жосуслик фаолияти билан шуғулланишлари мўлжал қилинган. Умуман олганда, Чингизхон бўлажак жанг майдони бўлмиш ўлкани жуда яхши ўрганганди. Буни Султон Муҳаммад яхши биларди ва унга чек қўйиш зарурлигини ҳам англади. Биз ҳатто шундай фараз қилишимиз мумкинки, Ўтрордаги тўкилган қон Чингизхон томонидан аввалдан пишитилган режа асосида амалга оширилган. Чунки мазкур воқеа тарихий баёнининг бир чўпчакнамо томони бор. Яъни карвоннинг барча кишилари қириб ташланган-у, фақат бир киши омон қолиб, бу ҳақдаги хабарни Чингизхонга етказган. Ваҳоланки, шундай катта шаҳар Ўтрорда бир неча юз одам қатл этилиши, нима бўлганда ҳам, бекитиқча қолмасди.

Ўз ўрнида Султон Муҳаммад ҳам қатор хатоларга йўл қўйган. Чунончи, душман билан бўладиган жангларда қандай тактикадан фойдаланиш масаласида у

¹ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 1. Книга 2, с. 188. Жизнеописание, с. 77—78.

² Мўғулларнинг хуфия шажараси, 1979, 132-бет (қозоқча матн).

саботсизлик ва калтабинлик қилди. Ваҳоланки, ҳарбий кенгашда бир қатор таклифлар ўртага ташланганди: барча ҳарбий кучни (600 минг киши атрофида) бир ерга тўплаб, ҳарбий юришда толиқиб турган душманга Сирдарё бўйида ҳужум қилиш; ғанимни Мовароуннаҳрга киритиб, қулай вазиятда унга зарба бериш (Жалолиддин таклифи); тоғликларга чекинган ҳолда мўғуллар учун ноқулай дараларда жанг қилиш; Ғазнага ва ҳатто Ҳиндистон томон чекиниб ўша ерда жанг олиб бориш¹. Султон Муҳаммад буларнинг барчасини инкор қилган ҳолда бошқа бир йўлни танлайди, яъни ҳар бир шаҳар ва қалъа кучига суянган ҳолда ҳимояланишни маъқул топади. Бу эса ҳарбий кучнинг аввал бошданок бир неча майда-майда қисмларга бўлиниб кетишига олиб келади. Натижада, 1220 йили Бухоро, Самарқанд, 1221 йили Урганч, Термиз қўлдан кетади. Хўжанд ҳокими Темур Малик, Жалолиддин хоразмшоҳ мардликлари нечоғлик юқори бўлишига қарамай ташаббус қўлдан кетгани сабаб урушда ютқазилади². Шу ерда биз бир масалага—мағлубиятнинг бош сабабига диққатни жалб этмасдан қололмаймиз.

Чингизхон нечоғлик қудратли қўшинга ва ақл-заковатга эга бўлишидан қатъи назар Султон Муҳаммад имкониятлари ундан кам эмасди. Юқорида тилга олинган улкан ҳудудни ўз қўл остида бирлаштиришга муваффақ бўлганлиги унинг имкониятлари ниҳоятда катта бўлганидан далолат беради. Шунга қарамай маданий жиҳатдан қолюқ бўлган сиёсий кучга кураш бой берилди. Бунинг сабаби нимада? Фикримизча, Султон Муҳаммад ҳукмронлиги даврида давлатчиликда ўзига хос икки ҳокимиятчиликнинг юзага келишида. Юқорида Низомул мулкнинг подшоҳлик ишига аёллар ва гўдакларни аралаштирмаслик кераклиги ҳақидаги фикрини келтириб ўтгандик. Султон Муҳаммад замонида эса худди шу ҳол юзага келади. Унинг онаси Туркон хотун давлат ишларига тўғридан-тўғри аралаша бошлайди. У давлат бошқарувидаги энг муҳим масала — давомийлик, яъни валиаҳдлик масаласига аралашиб ўзининг ҳукмини ўтказади. Валиаҳд қилиб Султон Муҳаммад мўлжаллаган Жалолиддин эмас, онаси талаб қилган кенжатоӣ Узлоқшоҳ тайинланади. Кенжа ўғилнинг онаси эса ўз ўрнида Туркон хотун қавмидан бўлиб, Туркон хотун ўз қавмига доим ён босиб келарди. Тур-

¹ Государство хорезмшахов..., с. 138.

² Қаранг: Торихи жаҳонгўшой, 1- жилд, 70—102- бетлар.

кон хотун аслида қипчоқ уруғларидан бирига мансуб бўлиб, ўз вақтида Такаш қипчоқларни ўзига оғдириш ниятида унга, қипчоқ хонининг қизига уйланганди. Вақти келиб Туркон хотун кўмагида қипчоқлар хоразмшоҳлар салтанатида катта мавқе касб этишларини у хаёлига келтирибди дейсизми. Хуллас, кўчманчи шаброитдан чиқиб, ўтроқ ва юксак маданиятли муҳитда бирданига юксак даражага эришган амирлар, ҳарбийлар иложи борича ўз мавқеларини қандай бўлмасин мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилганлар. Қолоқликдан бирданига, деярли ҳеч бир уринишсиз, Туркон хотун ёрдамида маданиятнинг ва у билан боғлиқ барчанинг марказида бўлиб қолиш, албатта, эгаллаган жойни сақлашга ундайди. Лекин бу жараён хоразмшоҳлар ва, умуман, давлатчилик устунлари заифлашиши ҳисобига кечди. Султон Муҳаммад ва ана шу тоифа амирлари ўртасидаги тафовут шунчалар бўлганки, вазиятдан усталик билан фойдаланган Чингизхон кўрсатмаси билан бир қалбаки хат тузилган ва унда гўёки мазкур тоифа амирлари Чингизхонга мурожаат қилиб, уни зориқиб кутаётганликларини ёзадилар. Бу хат жосуслар орқали тарқатилиб, Султон Муҳаммадга етиб боради ва унинг собитлигига катта зарба беради¹.

Демак, давлат марказида қабилавий манфаатларни ҳамма нарсадан афзал билувчиларга ўрин бўлмаслиги керак экан. Бу борада Туркон хотун шунчалар паст бўлганки, Чингизхон тутқунлигида бўлиб турган бир вақтида унга қочиб Жалолиддин олдига борайлик дейишганда, Ойчечакнинг ўғлига (Жалолиддинга) қарам бўлгандан кўра Чингизхон кўлидаги асирлик ва бу ердаги камситишлар менга азизроқдир, деган экан². Гарчи Султон Муҳаммад ўлими олдидан (1221 йили) ўғли Жалолиддинни валиаҳд қилиб тайинласа-да, фурсат қўлдан кетганди. Шунга қарамай давлат ва халқ олдида ўз масъулиятини ҳеч қачон унутмаган Жалолиддин душманга қарши курашни тўхтатмайди. Тўғри, у Урганчни тарк этади ва Нисо, Қандаҳор атрофида, Чорикорда, Ғазна яқинида бўлган жангларда мўғулларга шундай зарбалар берадики, ўз енгилмасликларига ортиқча бино қўйган мўғуллар ичини алам ва афсус доғ қилади³. Шунда Жалолиддинга қарши шахсан Чингизхоннинг ўзи отланади. Ушбу вазиятда давлатчилигимиз тарихида кўзга

¹ Жизнеописание, с. 82.

² Уша жойда, 85-бет.

³ Уша жойда, 102, 105, 109, 125 ва бошқа бетлар; Собрание летописей, т. 1, книга 2, с. 220—221.

ташланиб келган бир нуқсонимиз яна панд беради. Сўнги жангда қўлга киритилган ўлжани тақсимлашда келишмовчилик чиқиб баъзи бир амирлар ўз қўшинлари билан Жалололидинни тарк этадилар. Жалололидин уларга қарата «бирга бўлайлик, умум душманга қарши биргаликда курашайлик» дейишига қарамай наф чиқмайди. Энг ачинарлиси, мўғуллар ўша амирларни биттама-битта қириб ташлаганлар. Кучи қирқилган Жалололидин эса Синд дарёси томон чекинади. Чингизхон уни тириклайин тутишни буюрган. Қўли паст келаётганини сезган Жалололидин бутун ҳарамини дарёга чўктиришни буюради, яъни яқинларининг душман қўлига тушишини хоҳламайди. Ўзи ҳам оти билан дарёга отилади ва эсон-омон нариги қирғоққа сузиб ўтиб олади. Бу манзарадан ҳайратга тушган Чингизхон: «Ўғлинг бўлса, шундай бўлсин!», деган экан¹.

Жалололидиннинг кейинги фаолиятини кузатадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадики, у хоразмшоҳлар тахти вориси сифатида ўз хонадонига тегишли бўлган ерларда ҳукмронликни тиклашни мақсад қилиб қўйган. Шунга кўра у аввал Шимолий Ҳиндистонда, сўнг Кермон, Шероз, Исфаҳон ва Озарбайжонда хоразмшоҳлар сиёсатини тиклайди. 1226 йили эса Тифлисни олади. Манбалардан бирида ёзилишича, Жалололидин олдини-га грузинлар билан тинчлик йўли асосида келишишга ҳаракат қилган. Жумладан, уларга қилган мурожаатида шундай дейилади: «Мен сизларнинг мамлакатингиз қудрати ва грузинлар шижоати ҳақида эшитганман. Эндиликда эса мен биргалашиб душманга (яъни мўғулларга — А. З.) қарши курашайлик, дейман. Эшитишимча, ҳукмдорларинг аёл экан (бу ерда малика Русудана (1222—1245) назарда тутилмоқда — А. З.). У менга турмушга чиқсин ва мен сизларнинг ҳам ҳукмдорларинг бўлай ва биз биргаликда умум душманни мағлуб қилгаймиз»². Русудана бунга кўнмаган ва шундан кейин Жалололидин Тифлисни жанг қилиб олган.

Бу вақтга келиб Жалололидин хоразмшоҳлар бошқариб келган салтанатнинг ғарбий қисмида ўз ҳукмронлигини тиклашга муваффақ бўлганди. Шу билан бирга шарқдан мўғуллар хавфи кучайиб келарди. 1227 йили Исфаҳон атрофида Жалололидин мўғулларга қақшатқич зарба беради. Бу ўз ўрнида унинг мавқеи ва қудратини янада оширади. 1230 йили эса Жалололидин Кичик

¹ Собрание летописей, т. I, книга 2, с. 223—224; Жизнеописание, с. 127—129.

² Государство хорезмшахов..., с. 169.

Осиёнинг жануби-шарқий қисмини забт этади¹. Бир сўз билан айтганда, мазкур йилларда Жалолиддин шарқдан босиб келаётган мўғуллар билан бас келишга ягона куч ва, умуман, Ғарб мамлакатларини улардан тўсиб турган қалқон ҳисобланарди. Буни ғарбий мусулмон давлатлари тан оладилар. Бу ҳақиқат мўғулларга ҳам аён эди. Шунинг учун ҳам улар Жалолиддинга мурожаат қилиб, ўзаро сулҳ тузишни таклиф қиладилар. Аммо, у бунга юрмайди, чунки ўз она-юртини хароб этган, халқини хўрлаганлар билан келишишга унинг миллий ғурури йўл қўймасди. Ғарчи Жалолиддиннинг мўғулларга қарши курашдаги қалқонлиқ ролини барча мусулмон давлатлари тан олсалар-да, амалда унинг атрофига бирлашишни истамасдилар. Бу эса ўз ўрнида мўғулларнинг ғарбга қараб силжишларига муносиб шароит яратиб берарди. 1231 йили Озарбайжонни забт этган мўғуллар яна Жалолиддиннинг қаршилигига учрайдилар. Аммо тасодиф туфайли 1231 йилнинг 17 ва 20 август оралиғида Жалолиддин бир курд томонидан Маёфорикин (Кичик Осиё) атрофида ўлдирилади².

Жалолиддин ҳақида кўп ёзиш мумкин ва керак ҳам. Унинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги улуғвор ўрни табиий равишда юксакдир. Агар мўғуллар босқинининг дунё халқлари тарихида тутган ўрни инобатга олинса, Жалолиддин кишилиқ тараққиётидаги энг буюк давлат арбоби ва йирик лашкарбошиларидан бири сифатида гавдаланиши керак. Жалолиддиннинг ҳалокати ҳақида унинг душманларидан бўлмиш Дамашқ ҳукмдори Малик ал-Ашраф Мусога хабар берганларида у шундай деган экан: «Сизлар мени унинг ўлими билан қутляп-сизларми? Аммо ҳали сизлар бунинг азобини кўрасизлар. Яратган номила қасам ичиб айтаманки, унинг ҳалокати тоторларнинг (яъни мўғулларнинг — А. З.) мусулмонлар ерига бостириб киришига (йўл очилди) демакдир. Энди биз ва яжуж — мажужлар (яъни мўғуллар — А. З.) ўртасида девор мисол туриб келган хоразмшоҳ (Жалолиддин) каби (лашкарбоши) йўқ»³.

Ануштегинийлар замонида давлат бошқаруви қандай бўлган, саволи туғилиши табиий. Ануштегинийлар даври бошқарувида ҳам илгари кўриб ўтилган сулолалар бошқарувидан фарқли тизим бўлмаган. Зеро, бир

¹ Жизнеописание, с. 186; Сборник летописей, т. I, книга 2, с. 243—244.

² Жизнеописание, с. 297.

³ Уша жойда, 411-бет.

томондан, сулолалар ўзгариши билан воқелик, яъни макон ва анъаналар ўша-ўшалигича қолаверган, иккинчи томондан, ануштегинийлар маълум муддат салжуқийлар даргоҳи билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлганликлари учун улардаги бошқарув тизими тажрибасини ўзлаштиришлари қийин бўлмаган. Демак, давлат бошқаруви икки тизимдан: даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган.

Даргоҳда ҳожиб, улуғ ҳожиб тутган мавқе хусусида биз олдинлари ҳам фикр юритгандик. Ҳожиблик хизмати хоразмшоҳлар даврида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Улуғ ҳожиб ҳукмдорнинг энг яқин кишиларидан бири ҳисобланган. Ҳожибларга ғоятда муҳим вазифалар, масалан, махсус музокаралар олиб бориш ва, ҳатто, вазирлар фаолиятини тафтиш этиш кабилар топширилган. Шунингдек ҳожиб лавозимидаги амалдорга бутун бир вилоят ноиблиги топширилгани ҳам маълум¹. Даргоҳдаги барча хўжалик хизматлари фаолиятини бошқариш устоздорга юклатилган. Султон чақирганда биринчи ҳозир бўладиган шахс ҳам устоздор ҳисобланган. Олий фармон олган устоздор шунга кўра тегишли хизматларга буйруқ берган ва унинг гапини икки қилиш бўлмаган. У даргоҳнинг барча масалалари билан шуғулланган ва бундан ташқари бош хазина маблағларидан ҳам истифода этган ҳолда нонвойхона, ошхона, отхона, сарой хизматчиларининг харажатларини қоплар эди. Шунингдек, у ушбу маблағдан маош бериш ва бошқа харажатлар учун ҳам фойдаланган. Нисовийнинг ёзишича, бунда устоздор улардан тилхат олган. Тилхатга вазир, муставфий, мушриф, нозирнинг муҳрлари босилган бўлиши керак эди. Аъёнлар харажатига кетган маблағ ҳақидаги тилхат ариз муҳри билан тасдиқланиши керак бўлган².

Амири охур мансаби ҳам масъулиятли ҳисобланиб, унча-мунча киши бу лавозимга тайинланмаган. Чунки унинг бўйнига султонга тегишли отлар парвариши юклатилган. Отларнинг сони эса 30 минггача бўлгани маълум. Подшоҳона овларни ўрнига қўйиш тадбирларини амири шикор уюштирган³. Саройдаги муҳим хизматлардан яна бири бу таштдордир. Гарчи таштдор ювиниш анжомларини сақловчи маъносини берса-да, ammo аслида бу мансабни эгаллаган киши султоннинг

¹ Ўша жойда, 70, 75, 206, 233, 235, 285-бетлар.

² Ўша жойда, 130, 226, 228-бетлар.

³ Ўша жойда, 81, 92, 113, 141, 184, 247 ва бошқа бетлар.

Энг яқин кишиларидан бирига айланган. Ҳукмдор унга ўзининг энг махфий фикрларини ҳам изҳор қилиши мумкин эди. Юқорида тилга олганимиз Ануштегин салжуқий Султон Малик саройида худди мана шундай таштдор мавқеига эришганда, унга мазкур мансабга вилоятда мутаносиб келувчи шиҳналик, яъни Хоразм шиҳналиги лавозими берилади¹. Чунки таштдор хизмати билан боғлиқ барча харажатлар Хоразм вилоятидан тушадиган солиқлар билан қопланарди. Яна бир муҳим лавозим бу қиссадордир. У ҳафта давомида султонга тушган арзлар, шикоятларни йиғиб, жума куни кечаси ҳукмдорга топширарди. Кейин эса ҳар бир арзчи ё шикоятчига тегишли жавобини берарди. Бу мансабга ҳам ҳар ким тайинлана берилмасди. Зеро, ҳукмдор билан оддий халқ ўртасида алоқа боғлаб, раиййат аҳволи ва зоридан хабардор қилиб туриш савобли ишини ҳамма ҳам ҳалол бажара олмаслиги табиий. Даргоҳда шунингдек чашнигир — султонга бериладиган овқат, ичимликларни текшириб кўрувчи, жомадор, султоннинг котиби (даватдор), шаробдор, фаррош, байроқдор (амири алам), хос хизматкорлар бошлиғи (малики хавас) каби хизмат ва вазифалар ҳам бўлгани маълум².

Ижроия ишларини девонлар (вазирликлар) олиб бориб, бу тизим тепасида вазир (бош вазир) турган. Вазир ҳам ҳукмдорнинг энг яқин кишиларидан, биринчи маслаҳатчиси сифатида гавдаланади. Ўз фаолиятида у фақат султон олдидагина жавобгар бўлган. Расмий тadbирлар, турли мақсаддаги музокараларда ҳукмдор номидан иш тутган. Унга барча амалдорлар, ноиблар, ҳарбийлар бўйсунган. Ишдан олиш, ишга тайинлаш, маош, нафақа тайинлаш, хазина ва солиқ тизимини назорат этиш, маҳаллий вазирлар ҳисоботини олиш каби қатор вазифалар унинг ваколатида бўлган³.

Девонларга келсак, уларнинг фаолияти салжуқийлар замонасидаги тизимдан деярли фарқланмаган. Иншо ёки туғро девони расмий ҳужжатлар, ёзишмаларни тузиш билан шуғулланган. Молия ишлари билан истифо девони, давлат назорати тadbирлари билан ишроф девони, ҳарбий масалалар, чунончи, кўшинни қурол-аслаҳа билан таъминлаш, кўшин қисмлари шахсий таркибини назорат қилиш, ҳарбийларга ажратилган ер-сув назорати, ҳарбий кўриклар ўтказиш кабилар

¹ Тарихи жаҳонғушой, 2-жилд, 2-бет.

² Жизнеописание, с. 92, 115, 129, 198, 219, 241 и другие.

³ Государство хорезмшахов..., с. 93.

билан девони арз ё жайш шуғулланган. Яна бир девон бўлиб у девони хос дейилган. Ҳақиқатан ҳам бу махсус девон ҳисобланиб, ҳукмдор сулолага тегишли ер-сув, мол-мулк, султон мамлукларига маош бериш вазифалари билан машғул бўлган¹.

Икки оғиз сўз хоразмшоҳлар қўшини ҳақида. Хоразмшоҳлар ўз даврининг энг қудратли лашкарига эга бўлганлар. Юқорида зикр этилган қорахитойларга қарши ҳарбий юришда Султон Муҳаммад ихтиёрида 600 минг отлиқ аскар бўлгани маълум. Худди шундай куч Бағдод юришига ташланган. Мўғуллар босқини арафасида эса хоразмшоҳлар тахминан 600 минг отлиқни ўз қўл остиларида бирлаштириш имконига эга эдилар². Албатта, бу ерда пиёда аскарлар, турли кўмакчи қисмлар назарда тутилмаяпти. Бундай улкан лашкарни тайёргарликда тутиш, таъминотидан хабардор бўлишнинг ўзи бўлмаган. Яна шу нарса маълумки, ҳарбий қисмларда аёллар ҳам эркаклар билан баробар жанг қилганлар.

Олий ҳукмдорнинг махсус шахсий гвардияси (ҳарос) ҳам бўлиб, улар фақат мамлуклардан иборат бўлган. Чунончи, Султон Муҳаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг кишини ташкил қилган. Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур қисм жангчиларини паҳлавонлар ҳам деб аташган. Шунингдек, ҳарбий назоратчи, сипоҳсалор, соҳиби жайш (вилоят қўшини бошлиғи), амир ул-умаро, малик (10 минг қўшин бошлиғи), човуш (чопар), жосус (разведкачи), аскар қозиси каби хизмат ва вазифалар бўлган³.

Улкан минтақада сиёсий яхлитлик ва барқарорликка эришилиши, табиий равишда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлишига сабаб бўлиши аниқ эди. Археологик изланишлар, ёзма манбалар гувоҳлигига кўра сунбий суғоришга катта эътибор берилиб, воҳалар имконидан иложи борица кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган. Натижада деҳқончиликнинг ривожланишида узилиш бўлмаган. Бизга илгаридан маълум маҳсулот турларининг барчаси етиштирилган. Шаҳарларда ҳаёт қайнаб, савдо-сотик, ҳунармандчилик ривожланган. Мамлакатда ишлаб чиқарилган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам, поёндоз, тери, жун, ёғ-мой, со-

¹ Жизнеописание, с. 166, 196, 308, 342, 352 и другие.

² Жизнеописание, с. 55; Сборник летописей, т. 1, книга, 2, с. 191.

³ Жизнеописание, с. 54, 67, 71, 92, 128, 146, 153, 180, 186, 196 и другие; Государство хорезмшахов..., с. 90—91.

вун, қурол-аслаҳа, эгар-жабдуғлар, ҳўл мева, қуруқ мева, ипакликлар, жавоҳирлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда харидоргир эди. Албатта, бунда тегишли давлат идораларининг ҳиссаси ҳам катта бўлган. Чунончи, доим бўлганидек мухтасиблар бозорлардаги нарх-наво, маҳсулотларнинг сифати, тошу тарозунинг аҳволдан хабардор бўлишни тўхтатмаганлар. Карвон йўлларида тўхташ жойлари, сув омборлари, ҳавзалари қурилган ё борлари таъмирланган, катта карвонларни қўриқлаб боришга ҳатто султоннинг шахсий паҳлавонлари ҳам жалб этилган.

Хоразмшоҳлар даври фан ва маданият равнақи ҳам аъло даражада бўлганини биламиз. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки юртимиз анъанавий равишда фан ва маданият бешиги бўлиб келаркан, гап фақат у ёки бу даврда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт аҳволи ва давлат арбобларининг нечоғлик илм-маърифатли эканлигида қолган. Хоразмшоҳлар замонида айни шу икки омил ўзаро уйғунлашган эди. Хоразмшоҳларнинг барчаси чуқур билим эгаси эдилар. Улар ҳам дунёвий, ҳам диний билимларни эгаллаганлар. Масалан, Отсиз қасидалар, рубоийлар ёзган, кўплаб назм намуналарини ёддан айтиб бера олган, санъат ва илмга катта ихлос билан қараган. Рубоийларидан бирида у шундай дейди: «Дунё белига урилган тамға менинг фармонимдир, фалак қулоғидаги ҳалқа менинг паймонимдир. Бугун шундай салтанатни қўлда тутсам-да, дўст ризолигига эришиш менинг иймонимдир»¹. Такаш, Эл-Арслон, Султон Муҳаммад ва хоразмшоҳларнинг бошқа намояндалари ҳам кенг билимли, шеър ва санъатни қадрловчи бўлганлар, назмда ижод қилганлар. Такаш эса айниқса уд чалишни ўрнига қўйган².

Юқорида биз хоразмшоҳларнинг барчаси кенг билимлар эгаси эдилар деярганмиз, бу билан нафақат ануштегинийларни, балки умуман хоразмшоҳлар унвони билан машҳур сулолаларни, жумладан, маъмунийларни ҳам назарда тутамиз. Чунончи, Маъмун II (1010—1017) фан ва маданиятга ҳомийликда ўрта асрлардаги энг донгдор ҳукмдорлардан бири саналиб, пойтахт Урганчда ўз даврининг Академиясига асос солган. Бу масканда яратилган шарт-шароитдан Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр

¹ Ториҳи жаҳонғушой, 2-жилд, 3—4-бетлар; Ториҳи адабиёт, 2-жилд, 35-бет; Мажма ал-ансоб, 134-бет.

² Государство хорезмшахов..., с. 61.

Ҳаммор, Наср Ироқ, Ибн Мискавайҳ каби буюк даҳлар баҳраманд бўлиб, ўз ижодларини чархлаган эдилар¹. Кези келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, Хиванинг 2500 йиллиги тантана қилинган 1997 йилда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов фармони билан Хоразмда Маъмун Академияси қайтадан тикланди. Демак, орадан минг йил ўтиб тарихий адолат қарор топди ва бу ҳол шубҳасиз ўзбек давлатчилиги тарихини тиклашда катта аҳамият касб этади².

Мамлакатимиз ва миллатимизнинг, арбобларимизнинг фан ва маданиятга бўлган чанқоқлиги азалий жараён экани ануштегинийлар даврида яна бир бор исботланди. Бу замонда мадрасалар барпо этиш, кутубхоналар очиш, уларни китоблар билан тўлдириш, истейдод эгаларининг бошини силаш, асраб-авайлаш одати сақланибгина қолмай, янада ривож топди. Зиё маскани бўлмиш кутубхоналар фаолиятига катта эътибор берилган. Масалан, Бухоро вилоятидаги шаҳарлардан бирида фуқаролар, яъни умумий кутубхона мавжуд бўлиб, унда сақланадиган қўлёзма асарлар ғоятда ноёб ҳисобланган. Худди шундай кутубхоналар ўлканинг бошқа ерларида ҳам, масалан, Хоразмда³ бўлгани маълум. Мадрасаларга келсак, манбаларда ёзилишича, бундай билим масканлари салтанат маркази Хоразмдан ташқари Нишопур, Исфаҳон ва бошқа шаҳарларда ҳам қад кўтарган. Уларда ўқиш жараёнига жуда катта масъулият билан қаралганини шундан ҳам билиб олса бўладики, мадраса раҳбари ва мударрислар олий ҳукмдор ё унинг жойлардаги ноибининг махсус буйруғи билан тайинланганлар⁴. Чунки ҳар қандай жамият, у қанчалик турли имкониятларга эга бўлмасин, агар шу имкониятларни юзага чиқаришга қодир мутахассислар бўлмас экан, улар оғизда қолаверади. Мутахассислар эса тарбияланади, парвариш этилади. Хоразмшоҳлардан Отсиз, Такашларнинг шу маънодаги буйруқларини таҳлил қиларканмиз, улар мазкур ҳақиқатни жуда тўғри англаганликлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам улар таълим ва тарбия, фан соҳаларига мутасаддиларнинг илмли, иймонли, ҳурматли, ҳалол бўлишларига катта эътибор билан қараган-

¹ Булгаков П. Г. Жизнь и труды Беруни. 1972, с. 120—121, 346—363.

² Батафсил қаранг: *Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Тошкент, 1998, 374—381-бетлар; Хабарнома № 4 (28), 1997, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри, 21—25, 96—97-бетлар.*

³ Жизнеописание, с. 94; Государство хорезмшахов..., с. 127.

⁴ Жизнеописание, с. 241; Государство хорезмшахов..., с. 126—127.

лар¹. Мазкур сиёсат ўз мевасини ҳам берган. Баҳовиддин Марвазий, Абу Али Ҳасан Бухорий, Заҳириддин Ғазнавий, Исмоил Журжоний, Фаҳриддин Розий, Маҳмуд Замаҳшарий, Абулфатҳ Хоразмий, Абулқодир Журжоний, Сирожиддин Хоразмий, Рашидиддин Вотвот, Сайфи Исфарангий, Зиё Хўжандий, Нажмиддин Кубро, Мажидиддин Хоразмий каби ўнлаб математиклар, юлдузшунослар, табиблар, тарихчилар, шоирлар, файласуфлар, адиблар, тилшунослар, мутассаввуф олимлар шулар жумласидандир. Албатта, биз ва ҳамкасбларимиз мазкур рўйхатни янада давом эттириб, уларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб қоғоз қоралашимиз мумкин. Аммо бу алоҳида тадқиқот учун мавзу бўлгани сабабли куйида уларнинг баъзи бирларининг эътиборга молик жиҳатларига диққатни жалб этмоқчимиз.

Қутбиддин Муҳаммад ва Отсиз замонларида машҳур тиббиёт олими Саййид Исмоил Журжоний фаолият кўрсатиб, бир қатор қимматли асарлар яратган. Улар орасида Қутбиддин Муҳаммадга бағишланган «Заҳирайи Хоразмшоҳий» асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарнинг қиммати шу қадар бўлганки, Жолинус (Гален), Муҳаммад Закариё, Ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий асарлари билан бир қаторда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим асар ва манбалардан бири сифатида қабул қилинган. Ун икки жилдан иборат бу асар тиббиётнинг барча йўналишлари, ташриҳ, оддий ва мураккаб дорилар ҳақидаги тадқиқотларни ўз ичига олган. У араб ва турк тилларига таржима қилинган. Исмоил Журжонийнинг энг катта хизматларидан бири шундаки, у Ибн Синодан кейин тиббиёт соҳасидаги барча йўналишларни янги тадқиқотлар асосида қайтадан баён қилиб чиққан². Олим фаолиятининг биз учун қадрли томонларидан яна бири шундаки, Ибн Сино юртимиздан «бир чиқиб» қолган ягона буюк тиббиёт олими эмас, балки бу соҳа ундан кейин ҳам бизда юксак даражада тараққий қилиб келганлиги маълум бўлади. Зеро, ўтмишдаги олиму фозилларимиз илму тафаккурга доимо содиқлик билан хизмат қилиб келганлар. Уларнинг содиқлик тўғрисидаги тушунчалари ватанга нисбатан ҳам юксак даражада эди. Буни биз машҳур мутасаввуф олим ва шоир Нажмиддин Кубро мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Таҳсил олиб юрган ёшлик йилларида ким билан баҳс ё мунозара қилса, доим устун келгани учун Нажмиддин-

¹ Ўша жойда.

² Тарихи адабиёт, 2-жилд, 314—315-бетлар.

га «таммат ул-кубро», яъни «буюк ғолиб» лақаби берилган экан. Бориб-бориб биринчи сўз (таммат) тушиб қолиб «Кубро» лақаби сақланиб қолган. Нажмиддин Кубро нафақат илм баҳсида, балки ватан учун курашда ҳам енгилмас бўлган. 1221 йили мўғуллар Урганчни қамал қиладилар. Мудофаачилар орасида машҳур шайх Нажмиддин Кубро ҳам борлигини эшитган Чингизхон унга одам юбориб, «мен Хоразмни ер билан яксон қиламан, замона авлиёси ул зот у ерни тарк этиб бизга қўшилмоқлари лозим» деб таклиф қилади. Шайх Чингизхонга шундай жавоб берган экан: «Мана, етмиш йилдирки, тақдирнинг аччиқ-чучугини Хоразм ва унинг халқи билан бирга тортиб келяпман. Фалокат бўсағада турган бир вақтда элимни тарк этишим инсонийлик ва олижанобликдан бўлмайди»¹. Ҳақ замон тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, Нажмиддин Кубро ўз халқи билан бирга қулликдан кўра шаҳидликни афзал билиб душманга қарши курашда ҳалок бўлган, аммо унга таслим бўлмаган.

Энди икки оғиз сўз хоразмшоҳлар даврида Туркистоннинг ташқи сиёсий-дипломатик алоқалари тўғрисида. Ҳақ замон тарихчилари қолдирган гувоҳликларга кўра, рус подшоҳи Владимир (978—1015) хоразмшоҳлар ҳукмдорига ўз элчиларини юбориб, ислом динини қабул қилиш борасидаги ниятини билдиради ва шунга кўра хоразмшоҳ руслар ўлкасига имомлардан бирини юбориб, мусулмончилик қонун-қоидаларини ўргатишда русларга ёрдам беришни тайинлайди². Агарда Владимир даврида Рус давлатининг расман христианликни (988 йили) қабул қилгани назарда тутилса, шундай хулоса қилиш мумкинки, жамият ҳаётида катта аҳамият касб этувчи бу жараёнга, яъни мажусийликдан яқка худоликка ўтишга ўта жиддий равишда тайёргарлик кўрилган. Шу маънода мусулмончиликни қабул қилиш масаласи ҳам кун тартибидеда турган. Зеро, бу динга кириш мусулмон оламига кириш, унинг имкониятларидан, масалан, ҳарбий кучидан Византия «кофир»ларига қарши курашда фойдаланиш йўлини очиб берарди. Туркистон эса Ҳақ вақтларда мусулмон дунёсининг энг қудратли ва кенг имкониятли мамлакатларидан бири сифатида Рус давлати подшоҳлари учун ўз ички ва ташқи сиёсатларини амалга оширишда катта кўрғон бўлиши муқаррар эди.

¹ Ҳақ жойда, 1013—1014-бетлар; Собрание летописей, т. I, книга 2, с. 217.

² *Муҳаммад Авфий*. Жавоме ал-ҳикоят ва лавоме ар-ривоят. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ. Рақами 2836, 65 б-варақ.

Мамлакатимиз имкониятларидан ҳамма фойдаланиб келган ва шунга интиланган. Қизиғи шундаки, бу ўлканинг имкониятлари ҳатто унинг худудидан ташқарида ҳам залворли таъсирга эга бўлган. Буни биз юқорида тилга олинган Жалолиддин ўлимидан кейин Яқин Шарқда вужудга келган вазият, унда туркистонликларнинг иштироки орқали ҳам кўриб олишимиз мумкин. Жалолиддин нобуд бўлган бўлса-да, аммо унинг сафдошлари — хоразмлик амирлар ва уларнинг қўл остидаги минглаб аскарлар ҳаёт эдилар. Бу жуда катта куч эди. Манбаларда улар умумий ном — хоразмликлар номи билан аталганлар. Ҳарбий маҳорат ва уюшқоқликда ғоятда пухта тайёргарлик кўрган, ўзлари ҳам шижоатли хоразмликлар Жалолиддин ўлимидан сўнг яна ўн беш йил давомида Ироқ, Кичик Осиё, Сурия, Миср сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келганлар. Уларнинг қудратига суяниб Яқин Шарқ маҳаллий туркий сулоалари Дамашқ, Қоҳирани забт этишга муваффақ бўлганлар. 1241 йили эса хоразмликлар Қуддусни (Иерусалим) эгаллайдилар ва 1229 йилдан бери салибчилар қўлида бўлган бу муқаддас шаҳарни мусулмонлар ихтиёрига қайтардилар.

Юқорида биз Жалолиддинни мўғуллар ва Яқин Шарқ, Европа ўртасидаги тўғон, деб таърифлаган эдик. Худди шунга ўхшаш таърифни мусулмонлар ва салибчилараро курашда фаол иштирок этган хоразмликларга нисбатан ҳам берсак бўлади. 1244 йили улар Миср қўшинлари билан иттифоқда Сурия ҳукмдорларининг салибчилар билан биргаликдаги катта лашкарига қаттиқ зарба берадилар. Манбаларда ёзилишича, шу жангда салибчиларни тор-мор қилганлар худди мана шу хоразмликлар эди. «Бу улуғ кун бўлганди. Ислом зуҳуридан сўнг бундай кун ҳеч қачон бўлмаганди», — деб хотима қилганди тарихчилардан бири¹.

Шундай қилиб, биз ўзбек давлатчилиги тарихида ўчмас из қолдирган яна бир сулола — ануштегинийлар (хоразмшоҳлар) ҳақида сўз юритдик. Доим бўлганидек, мазкур сулола намояндалари ҳам хоҳ ички сиёсатда, хоҳ ташқи алоқаларда бўлсин, ўзларининг бор имкониятлари, афзалликларини рўёбга чиқариш, шу мамлакатни, унинг халқини дунёга олқишлаш йўлида саъй-ҳаракат қилиб келганлар. Шунинг учун ҳам худди ана шу она юрт шарофати билан улар тарихга Буюк Хоразмшоҳлар номида кириб абадий қолмоқдалар.

¹ *Батафсил қаранг:* Государство хорезмшахов..., с. 190—195.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА

Чингизхон лашкарлари томонидан юртимизнинг забт этилиши билан халқимиз тарихида тўртинчи бор қарамлик даври (XIII аср 20-йилларидан 1370 йилгача) бошланади. Чингизхон ва унинг авлодлари нафақат Туркистонни, балки ўша замондаги дунёнинг маъмур-ободон ўлкаларининг аксарини босиб олишга муваффақ бўлгандилар. Улар асос солган салтанат Марказий Европадан Япон денгизигача, Ўрта денгиздан Ҳиндихитойгача бўлган улкан ҳудудни ўз ичига олганди. Маданий жиҳатдан бўйсундирилган халқлардан анча орқанда бўлган чингизийлар ҳукмронлиги қарам ўлкалар тарихий тараққиёт йўлида салбий из қолдирди. Чингизийларнинг ўлкамиздаги ҳукмронлиги 150 йил давом этган бўлса-да, шу катта давр ичида на ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, на илму маданиятда эътиборга молик бирон-бир тадбир амалга оширилмади. Аксинча, араблар босқини ва уларга қарамликдан сўнг бир неча юз йиллар давомида шу соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, тикланган анъаналарга катта заволят етди. Қўплаб олиму фозиллар, шоирлар чингизийлар босқини йиллари ва ундан кейин ҳам паноҳ излаб тинч ўлкаларга, масалан, Шимолий Ҳиндистонга кетиб қолган эдилар.

Чингизхон асос солган салтанатни улусларга бўлиб бошқариш жорий қилинган бўлса-да, аммо ҳар бир улус (Улуғ юрт, Чигатой, Жўчи, Ҳалокуийлар улуслари) мустақил бўлибгина қолмай, бир-бирларининг мулкига зуғум қилишдан ҳам тоймас эдилар. Хуллас, чингизийлар истибдодида қолган халқлар обдон эзилгандилар. Аммо бу ҳол уларнинг ирода-ю эркак бўлган интилишини синдира олгани йўқ. 1238 йилиёқ Мовароуннаҳрда боқинчиларга қарши катта кўзғолон кўтарилиб, унга Бухородан чамаси 20 км узоқликдаги Тороб қишлоғилик Маҳмуд исмли бир хунарманд бошчилик қилган. Кўзғолончилар тез орада Бухорони озод этишга

муваффақ бўладилар. Шу билан бирга сўнгги олишувда Маҳмуд ҳалок бўлади. Унинг ўрнига сардорлик мақомига кўтарилган укалари Муҳаммад ва Али ҳам кейинги жангда ҳалок бўладилар. Йўлбошчисиз қолган кўзғолончилар ҳаракати сустрлашади. Натижада улардан 20 минг киши ҳалок бўлади ва шу тариқа кўзғолон бостирилади¹. Шу ўринда биз қайси даражада бўлмасин моҳир ва оқил йўлбошчиларнинг тутган ўрни доимо беқиёс бўлиб келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Нафсиламбирини айтганда, давлатчилигимиз тарихий йўлининг теурийлар давридаги аҳволи ҳам худди мана шу масала билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Чингизхон томонидан амалга оширилган салтанат тақсимотида Мовароуннаҳр, Еттисув, Кошғар унинг иккинчи ўғли Чигатойга (вафоти 1242 йил) насиб этди. Манба тили билан айтганда, «шундан кейин (бу ўлкадаги) ҳукмронлик узоқ вақтларгача унинг авлодлари қўлида қолди»². Аниқроғи асосан тегишли солиқларни қўлга киритиш билан кифояланиб, бошқарув ишини маҳаллий намояндалар ихтиёрига топшириб қўйгандилар. Ўзлари эса асосий вақтни маданий вилоятлардан ташқарида — биёбонлардаги қароргоҳларида ўтказиб келгандилар. Бу табиий ҳол эди. Чунки улар дашту биёбон воқелигида қанчалик сиёсий юксакликка кўтарилмасинлар, аммо маданий ўлкадаги турли йўналишдаги муносабатлар жараёнини ҳали эплай ололмасдилар. Улар кўп йиллик ҳукмронликлари давомида бу нуқсонни бартараф этишга уринганликлари ҳам маълум. Масалан, чигатойлардан Кепакхон (1318—1326) ўз қароргоҳини биёбонда эмас, Мовароуннаҳрнинг ўзгинасида қуришга жазм қилиб, Насаф шаҳридан 12—14 км нарида бир сарой қурдиради. Сарой мўғул тилида «қарши» дейилган. Кейинчалик сарой атрофида бошқа иморатларнинг бино этилиб бориши билан бу ерда бутун бир шаҳар барпо бўлиб, саройнинг мўғулча мутақобили «қарши» унга ном бўлиб қолади. Кепакхон шунингдек маъмурий ва пул ислохотларини ўтказишга ҳам урингани маълум. Ундан кейин ҳукмронлик қилган Тармаширинхон (1326—1334) ҳатто ислом динини қабул қилганини ҳам биламиз³. Аммо бу билан улар барибир минтақамизнинг тарихий-маданий ҳаёт йўлига буткул мослаша олмадилар. Чигатой хонлардан Қазон (вафоти 1346 йил)

¹ *Батафсил қаранг:* Тарихи жаҳонғушой, 1-жилд, 85—89-бетлар.

² *Муъиниддин Натанзий.* Мунтахаб ат-таворих, 102-бет.

³ Уша жойда, 109—111-бетлар.

даврига келиб эса ички вазият кескинлашиб йирик амирлар тўғридан-тўғри ҳукмдор хонадонга нисбатан тазйиқ ўткази борадилар. Бунинг натижасида амир Қазоғон (Қазаған) Қазонхонни нобуд этишга муваффақ бўлади. «Қазон Султон ўлдирилгандан кейин, — деб ёзади ўша замон тарихчиси, — амир Қазоғон ўлкадаги воқеликни назарда тутиб (чиғатоийлардан бўлмиш) До-нишмандчани ҳукмдор деб эълон қилади»¹.

Айтиб ўтилганидек, илк бор сохта хонларни эълон қилиш анъанаси амир Қазоғон даврида юз берган. Аммо амалда бутун ҳокимият унинг қўлида бўлган. Ўша пайтда ўлка сиёсий-бошқарув тизимида юз берган шароитни замон тарихчиси қуйидагича таърифлаганди: «(Амир Қазоғон давридан бошлаб) хонлик тизими амирлик бошқарувига ўзгарди»². Яъни расман хонлик ҳокимияти тан олинса-да, лекин бошқарув амалда амир қўлида эди. Амир Қазоғондан сўнг унинг ўғли Абдулла отаси каби сиёсат юргиза олмади ва натижада ўзи сиёсий кураш қурбони бўлди. Ундан кейин амирликни қўлга олган Баён сулдуз қатъийсиз эди. Шу сабабдан ҳам XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда бошбошдоқлик юз берган. Фикримиз далили сифатида Низомиддин Шомийнинг қуйидаги гувоҳлигига эътибор берайлик. Бу вақтда Кеш (Шаҳрисабз) вилоятида Ҳожи барлос, Хўжандда амир Боязид, Балх ва баъзи вилоятларда амир Қазоғоннинг набираси амир Ҳусайн, Шибирғонда амир Муҳаммадхожа, Бадахшонда ҳам маҳаллий ҳокимлар, Хатлон (Хутталон) ва Арҳангсаройда амир Кайхисрав ва амир Улжойту, Самарқанд вилоятида эса амир Хизр Йасовурий ўзбошларича ҳокимлик қилардилар³. Улардан ҳар бири олий тахтни қўлга киритиш пайида бўлганликлари хусусида шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу борада айниқса амир Ҳусайн тиришқоқлик кўрсатарди. У ўзини тилга олганимиз амир Қазоғон набираси сифатида улуғ амирлик рутбасига ворис деб биларди. Чиғатоийлар измида бўлиб келган Еттисув ва Кошғардаги вазиятга келсак, бу ерда бир қатор нуфузли амирлар томонидан хонлик тахтига Туғлуқ Темур ўтқазилади. Худди мана шу Туғлуқ Темур 1360 йили Мовароуннаҳрда чиғатоийлар ҳукмини қайтадан тиклаш учун бу ерга лашкар тортади. Мазкур йил воқеаси муносабати билан илк бор Амир Темур номи тилга олинади. Амир Темур 736 йил шаъбон

¹ Ўша жойда, 113-бет.

² Ўша жойда.

³ Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 15-бет.

ойининг йигирма бешида сешанба куни кечкурун (1336 йил, 8 апрель) дунёга келган¹.

Амир Темурнинг отаси Тарағай баҳодир (вафоти 1360 йил) Кеш вилоятининг нуфузли амирларидан бири бўлган. Тарағай баҳодир ҳақида асл манбаларда тўлиқ маълумотлар келтирилмаган. Шу билан бирга, манбалардан бирида ёзилишича, Ниёзий (Ачиғи) қишлоғи Амир Темурнинг меросий мулки ҳисобланган². Демак, бу қишлоқ унинг отаси Тарағай баҳодирга тегишли бўлган. Шунга кўра, хулоса қилиш мумкинки, амир Тарағай ҳар ҳолда замонасининг ўзига тўқ кишиларидан ҳисобланган. Бу ҳол табиий равишда Амир Темурнинг ёшлигиданоқ моддий жиҳатдан таъминланган ҳолда ўсганини билдиради. Одатда, ўзига тўқ оилалар ҳамма замонда фарзандларига яхши билим ва тарбия беришга интилиб келганлар. Амир Тарағай оиласи ҳам бундан мустасно эмасди. У ўғли Темурга ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар олиши учун тегишли шароит яратиб берган. Иккинчи томондан эса туғма истеъдод ва ўткир хотира соҳиби бўлмиш Амир Темур турли соҳа илмларини ўзлаштиришда ғоятда тиришқоқлик билан ҳаракат қилган, албатта. Шунинг учун ҳам ўрта аср тарихчилари унинг тарих, шеърият, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик борасидаги салоҳияти ҳақида алоҳида сўз айтиб ўтганлар. Тарихчи Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Амир Темур китоб мутолаа қилишни ҳеч қанда этмаган³. Амир Темур шахмат ўйинида зўр маҳоратга эга бўлган. Унинг хотираси нечоғлик бўлганига ишора бўлмиш бир ажойиб ривоятга кўра, Амир Темур Шерозни бўйсундиргандан сўнг ўз одатига кўра шаҳарлик олиму фозилларни шаҳар масжидига йиғиб, улар билан суҳбат, турли мавзуларда баҳс ўтказа бошлабди. Йиғилганлар орасида машҳур форсийзабон шоир Ҳофиз (вафоти 1390 йил) ҳам бор экан. У нафақат истеъдодли шоир, балки Куръони каримни ёддан, ўн тўрт оҳангда ўқий биладиган ҳофиз ҳам эди (тахаллуси ҳам шундан). Амир Темур унга, сен ҳофиз бўлсанг, «Арофат» сурасини охиридан бошига қараб оятма-оят ўқиб бергинчи, деб мурожаат қилганда, у бундай қилиш мумкин эмас, деган экан. Шунда Амир Темурнинг ўзи йиғилганлар танлаган «Бақара» сураси-

¹ Яздий. Зафарнома, 192-бет.

² Бу қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд бўлиб Шаҳрисабздан 20—22 км шарқда, Танхоз дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган.

³ Шомий. Зафарнома, 2-жилд, 162-бет.

ни охиридан бошига қараб оятма-оят ёддан ўқиб бошлаб, еттинчи оятга етганида йиғилганлар ҳайратдан таҳсинлар айтган эканлар. (Тарихий манбаларда Амир Темурнинг 1384 йили, яъни Ҳофиз ҳали тириклиги пайтида Шерозда бўлгани ҳақида маълумотлар бор)¹.

Демак, Амир Темур ёшлигиданоқ ғоятда билимли, кенг дунёқарашли, камёб истеъдод эгаси бўлган. Табиий равишда бундай шахслар одатда кўпчилик назарига тушмай қолмайди. Шу билан бирга отаси амир Тарағайнинг ўзига яраша тутган мавқеи ўғли Темурнинг танилишида озми-кўпми сабаб бўлгани аниқ (бунинг исботини биз сағал қуйироқда кўрамиз). Хуллас, юқорида зикр этилганидек, Туғлуқ Темурхоннинг 1360 йил феврал-март ойларидаги Мовароуннаҳрга юриши вақтида Амир Темур ўзига яраша сиёсий фаолият юргизишга қодир, эл-юрт олдида ўз бурчини англаб улгурган шахс сифатида етилиб бўлганди.

Амирлардан Хизр ва Боязид Туғлуқ Темурхон қароргоҳига бош эгиб борадилар. Ҳожи барлос эса Хурросон томон жўнашга жазм қилади. Афтидан, унинг хизматида бўлган Амир Темур ҳам у билан бирга йўлга чиқади. Аммо Амударё бўйида Амир Темур Ҳожи барлосга мурожаат қилиб, шундай деган: «Агар икковимиз ҳам ватанни тарк этсак, меросий юртимиз шубҳасиз бегоналар қўлига ўтиб кетади. Лозим топсангиз мен подшоҳ (Туғлуқ Темурхон) хизматида борсам»². Меросий мулкимиз деганда бу ерда Амир Темур Кеш вилоятини назарда тутгани аниқ. Мўлжали ҳам ойдин: Туғлуқ Темурхондан Кеш вилояти ҳокимлигини олиш. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди: нуфузли амирлардан ҳожи Сайфиддин ёрдамида Амир Темур Туғлуқ Темурхон қабулига боради. Амир ҳожи Сайфиддин Соҳибқироннинг фаҳм-фаросати ва салоҳияти, ўз замонаси учун қадрли бўлган насл-насаби ҳақида таҳсинли сўзларни айтиб Туғлуқ Темурхон олдида унинг обрў-эътиборини кўтаради. Натижада Амир Темурга Кеш вилояти ҳокимлиги топширилади. Бу вақтда у 24 ёшда эди³. Бир қараганда Туғлуқ Темурхоннинг бу юришидан кейин Мовароуннаҳрда ҳам чингизийлар хонадони мавқеи амалда тиклангандай бўлиб кўринса-да, аслида маҳаллий йирик амирлар ҳануз мустақил сиёсат юргизишга интилардилар. Шунинг учун ҳам келаси йили

¹ Ўша жойда, 1-жилд, 84, 104, 105-бетлар.

² *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 117-бет.

³ Ўша жойда, 206-бет. *Яздий*. Зафарнома, 212—213-бетлар.

баҳорда Туғлуқ Темурхон яна бир бор катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб келади. Бу сафар ҳам Амир Темур Кеш вилояти ҳокимлиги мавқеига эришади. Бунда унга отасининг дўсти амир Ҳамид ёрдам беради¹. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмайди. Чунки кетиш олдидан ўғли Илёс Хожани Мовароуннаҳрда қолдирган Туғлуқ Темурхон ўзининг ишончли амирларидан Бегчикни ундан бохабар бўлиб туришга тайинлаганди. Амир Бегчик эса тез орада маҳаллий амирлар билан келишмовчилик ва уларга нисбатан тазйиқ ўтказиш йўлига ўтиб олади².

Бундай вазиятда Амир Темур Кешда ва умуман Мовароуннаҳрда қололмасди. Шунга кўра у ватанни тарк этиб, кейинги деярли тўққиз йил давомида амир Ҳусайн билан аввал ёнма-ён, сўнгра қарама-қаршиликда фаолият кўрсатади.

Нима учун Амир Темур амир Ҳусайн билан бирга ҳаракат қилган, саволи туғилиши табиий. Амир Ҳусайн бошданок, бобоси амир Қазоғон давридаги ўз хонадони мавқеини тиклашга интилиб келарди. Шу сабабдан ҳам Туғлуқ Темурхоннинг сўнги, 1361 йилги Мовароуннаҳрга босқинида унга қарши чиққан ва кучи етмай Амударё ортига чекинишга мажбур бўлган. Аммо тахт учун курашдан тоймаган. Бунинг устига бу вақтда қазоғонийлар ҳукмронлиги даврида, манба тили билан айтганда, «парвариш топган» қораунослар (яъни чингизийлар даврида Чигатой улуси ғарбий қисмларида — Мовароуннаҳр, Хуросонга шарқдан келиб ўрнашган ва маҳаллий туркий аҳоли таркибига сингиб кетган туркий, мўғул қабилалар) орасида унинг мавқеи баланд эди³. Амир Темурнинг мавқеи эса ҳали бу даражада эмасди. Худди шунинг учун ҳам у амир Ҳусайн томон интилган. Уларнинг икковини ҳам бир мақсад — умумий душманга қарши кураш бирлаштирганди. 1363—1364 йиллари улар Мовароуннаҳрни чингизийлардан халос этишга муваффақ бўладилар. Илёс Хожа Мовароуннаҳрни ташлаб қочади. Ҳусайн улғу амирлик мақомига эришади, худди бобоси давридагидек чингизийлардан бўлмиш Кобилшоҳни расман хон деб эълон қилади. Аммо бутун ҳокимият амир Ҳусайн қўлида мужассамлашганди. Амир Темурга эса яна Кеш вилояти насиб этади⁴.

¹ *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 118—209-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 240-бет.

² *Яздий*. Зафарнома, 220—221-бетлар.

³ *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 204-бет.

⁴ Уша жойда, 114, 129, 221-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 239-бет.

1365 йил баҳорида Мўғулистондан (Етгисув ва Кошгар) лашкар тортиб келган Илёс Хожа амир Хусайн ва Амир Темур бошлиқ лашкарни мағлубиятга учратади. Бу воқеа 22 майда Тошкент ва Чиноз оралигида қаттиқ ёғингарчилик шароитида содир бўлган (шунинг учун ҳам бу олишув «Лой жангги» деб тилга олинади). Мағлуб томон, жумладан, Амир Темур ҳам Амударё орқасига чекинишга мажбур бўлади¹. Аммо мўғуллар зафари узоққа чўзилмайди. Улар Самарқандга қилган юришларида Мавлонозода Самарқандий, Хўрдак Бухорий, Абу Бакр Наддоф Калавий бошлиқ сарбадорлар томонидан қақшатқич зарба еб, ортга қайтиб кетадилар. Сарбадорлар ҳаракати алоҳида тадқиқот учун мавзу бўлгани сабаб, бу ерда биз фақат бир масала — сарбадорлар ва Амир Темур муносабатига нисбатан ўз фикримизни билдириб ўтмоқчимиз. Сарбадорлар ғалабаси ҳақидаги хабар аввал Амир Темурга ва у орқали амир Хусайнга етиб борган. 1366 йил баҳорида амир Хусайн ва Амир Темур Самарқандга келадилар ва Кониғилда ўтказилган ғалаба маросимида амир Хусайн буйруғи билан сарбадорларнинг йўлбошчилари ва, афтидан, фаол иштирокчилари қатл қилинадилар. Амир Темурнинг аралашуви туфайлигина Мавлонозоданинг ҳаёти сақланиб қолинди². Маълумотлардан кўриниб турибдики, сарбадорлар «масаласи»ни амир Хусайн ҳал қилган, Амир Темур унга аралаша олмаган, ҳисоб. Сабаби ҳам маълум: бу вақтда ҳали унинг ҳарбий-сиёсий мавқеи бунга имкон бермасди. Амир Хусайн ва сарбадорлар муносабатига келсак, амир Хусайн уларга ўз сиёсий рақиби сифатида қарагани шубҳасиз. Манбалардан бирида диққатни тортувчи бир гувоҳлик бор: сарбадорлар ғалабасидан сўнг самарқандликлар Мавлонозода итоатига ўтиб, «уни имом ва амир (сифатида) қабул қилганлар»³. Яъни Самарқандда ҳам диний, ҳам сиёсий ҳокимият Мавлонозода қўлида мужассамлашган. Унинг бу «имомлиги ва амирлиги» Самарқанднинг ўзида деярли бир йил давом этган. Афсуски, ихтиёримизда ана шу бир йил давомида Самарқандда бўлган ўзгаришлар жараёни ҳақида батафсил маълумотлар йўқ. Аммо бу бир йил ижтимоий-сиёсий муносабатлар нуқтаи назаридан бекор ўтмагани аниқ. Шу маънода амир Хусайннинг сарбадорларга нисбатан тутган сиёсати моҳиятини тушунса (оқлаш эмас) бўлади.

¹ Ўша жойда, 222, 227, 240, 246-бетлар.

² *Муъинидин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 227—232-бетлар; *Шомий*. Зафарнома, 32-бет; *Яздий*. Зафарнома, 246—248-бетлар.

³ *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 230-бет.

Амир Хусайн учун ўз сиёсий рақибларини заифлаштириш ва мавриди келса улардан қутулиш сиёсати нечоғлик муҳим бўлганини Конигил воқеасидан сўнг юз берган жараён орқали ҳам билиб олиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, энди амир Хусайн қандай бўлмасин Амир Темурнинг мавқеига болта уришга жиддий равишда киришади. Бунинг учун, энг аввало, Амир Темур атрофини «бўшаштириш» ва сўнгра уни фаол сиёсий ҳаракатдан четлаштиришни мақсад қилиб қўйган. Чунончи, у Амир Темурнинг бир қатор сафдошлари ва яқин амирларига нисбатан тазйиқ ўтказа бошлайди. Улар орасида Соҳибқироннинг қариндоши амир Жоку, юқорида тилга олинган амир Сайфиддинлар ҳам борлиги айтилса, амир Хусайн кўзлаган режа янада ойдинлашади. Гапнинг қисқаси, 1365—1370 йиллар Амир Темур ва амир Хусайнаро кураш йиллари бўлди ва у Соҳибқирон ғалабаси билан тутади¹.

1370 йил 9 апрель чоршанба куни нуфузли амирлардан Шайх Муҳаммад сулдуз, Кайхисрав Хутталоний, Ўлжойту апарди, Довуд дуғлот, Сарбуғо жалойир, Жоку барлос, Муаййад Арлот, Бадахшон ҳокими Шайх Муҳаммад, Хусайн баҳодир ҳамда бошқа амирлар ва сардорлар, саййидлардан саййид Барака, термизлик акаука саййидлар Абул Маолий ва Али Акбар кабилар хузурида Амир Темур ҳокимияти бир овоздан тан олинади². Бу вақтда Амир Темур эндигина ўттиз тўрт ёшга кирганди. Шу тариқа мўғулларга 150 йиллик сиёсий қарамлик, юртдаги бошбошдоқлик, иқтисодий ва маданий тараққиётдаги қолоқлик даврига расман чек қўйилиб, давлатимиз мустақиллиги тикланган. Олдинда эса бир қатор мушкул ва муҳим вазифаларни ҳал этиши керак бўлган амалий тадбирлар силсиласи турарди.

Давлат, давлатчилик моҳияти унинг жамиятда мавжуд барча ички ва ташқи имкониятларини рўёбга чиқарувчи ташкилотчилиги билан белгиланади. Шу маънода мўғуллар ҳукмронлиги даврида давлатчилигимиз ўз ташкилотчилик қобилиятини амалда ифода этиш имконига эга бўлмади. Чунки сиёсий ҳуқуқ қўлдан кетганди, қарамлик, эрксизлик ҳукм суларди. Ҳар қандай қобилият эса фақат эркинлик шароитидагина ўзлигини намоён қила олади. Қарамликка чек қўйилиб, давлат ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтгач, жамият яна бир

¹ Батафсил қаранг: *Шомий*. Зафарнома, 33—61-бетлар; *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 232—274-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 248—297-бетлар.

² *Шомий*. Зафарнома, 61-бет; *Яздий*. Зафарнома, 298—299-бетлар.

бор ўз имкониятларини рўёбга чиқариш шароитига эга бўлади. Бу ички ҳамда ташқи сиёсатдаги имкониятлардир. Демак, Амир Темур ана шу асосий йўналишларда давлат фаолиятига бошчилик қилиши керак эди. Худди ана шу фаолият билан боғлиқ кенг қамровли жараён Амир Темур даври давлатчилигимиз сиёсати моҳиятини ташкил этади.

Амир Темур давлат бошқарувини ўз қўлига олган бўлса-да, аммо мавжуд шарт-шароитда амалий қадамлар қўйиб бориш ниҳоятда оғир эди. Зеро, мамлакат ё бирон-бир вилоят, ёки ижтимоий табақа доирасида каттагина мавқега эга бўлган амирлар ҳозирча унинг ҳукмронлигини тан олган бўлсалар-да, улар билан Амир Темур ўртасидаги муносабат бундан буён уларга ва улар намояндаси бўлмиш ижтимоий муҳитга нисбатан юргизиладиган сиёсат билан кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Худди шунинг учун ҳам мазкур йилнинг ўрталарида Самарқандда ўтказилган қурултойда Амир Темур барча вилоятлардан нуфузли амирлар, лашкарбошилари йиғиб, уларнинг ҳар бирининг мавқеи ва мартабасига қараб бирон-бир мансаб ва мулк (вилоят, туман, шаҳар) тақсимлаб берди, каттадан-катта совғалар улашди¹. Шу маънода Соҳибқироннинг «Тузуклар»ида келтирилган қуйидаги таъкиди диққатга сазовордир: «Булардан мол-дунёга хирс қўйган очкўз ва таъмагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларга қўлим остидаги мамлакат ва вилоятлардан бирининг ҳокимлигини бердим»².

Амир Темур ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда яна бир тарихий тадбирни амалга оширдик, бу унинг давлатчилик моҳиятини англашдаги салоҳиятининг нечоғлик теран бўлганлигидан далолат беради. Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Темур чиқарган дастлабки фармонларда йўллардаги хавфсизлик, почта, қатнов воситаларини таъминлаш, қўшинлар юриши, жанглар оқибатида хароб бўлган ерларни обод этиш, работлар (меҳмонхоналар, тўхташ жойлари), хонақоҳлар қуриш, камбағал ва мискинлар учун хайрхоналар очиш ҳақида сўз кетган. Шунингдек у саййидлар, дин пешволари, қозилар, шайхларга, яъни мусулмон жамиятида ўзига хос мавқе ва таъсирга эга табақага катта икром билан

¹ *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 291—292-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 303—305-бетлар.

² Темур тузуклари, 43-бет.

қарашини билдиради. Илм-фан ривожи учун йўл очади, талабаларга каттадан-катта стипендиялар тайин этишни буюради¹. Бу билан у узоқ йиллар давомида мамлакат ҳаётини қамраб олган жамият тараққиёти ва истакларига зид бўлган жараёнга чек қўйилгани ва бундан буёнги ҳаёт жамиятнинг турли табақалари (дин пешволарию олимлардан то мискину савдогарларгача) манфаатида қурилишини билдирди. Ўзининг ўттиз беш йиллик фаолиятида Амир Темур учун бу бош сиёсат бўлиб қолди. Гарчи у ўз даври фарзанди сифатида ҳокимиятини сақлаш вазифасини ҳам уйғунлаштириб юборган бўлса-да, аммо объектив равишда унинг фаолияти ўзбек давлатчилиги ва жамияти тараққиёти учун улкан тарихий хизмат қилди.

Шу тариқа Амир Темур ўз олдида турган биринчи тадбир заминини тайёрлади. Бу тадбир ҳар қандай халқ давлатчилиги, хусусан, ўзбек давлатчилиги тарихи-табиатидаги мутлақ ҳақиқат — мамлакат сиёсий бирлиги ва яхлитлигини амалда таъминлашдан иборат эди. Тарихий-маданий тараққиёт йўлида асосий жиҳатлардан умумийликка эга бўлиб келган ва шу туфайли ҳам бир мамлакат, бир халқ сифатида танилган ва худди шу орқали ривожланиш, юксалиш шароити ва имкониятларига эга бўлган макон ва жамият яхлитлигига эришмасдан туриб бошқа сиёсий, иқтисодий ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириб бўлмасди. Бу йўлдаги хатти-ҳаракатлар Амир Темур учун осон кечмади. Аммо нима бўлганда ҳам XIV асрнинг 70-йиллари ўрталарига келиб мамлакат сиёсий яхлитлигига асосан эришиб бўлинганди. Шу ерда биз бир масалага диққатни тортмоқчимиз. Совет даврида тарихимизнинг у ёки бу саҳифаси сиёсий манзарасига мурожаат қилинганда, асосан сунъий равишда ўрнатилган «Ўзбекистон ССР» чегаралари орқали мушоҳада этиларди. Агар тарихий воқелик мана шу чегарадан четга чиққудек бўлса, у ҳолда мазкур тарихий вазият ўзга юртларга босқинчилик сифатида баҳоланарди. Ва, аксинча, агар, масалан, минг йил бурун Еттисувда ташкил топган қорахонийлар сулоласи Мовароуннаҳрга лашкар тортса, яъни советлар ҳукмронлиги давридаги «Ўзбекистон ССР» чегарасини бузса, бу ҳол ташқи тажовуз сифатида кўрсатиларди. Ваҳоланки, биринчидан, Хитойдан Яқин Шарққача, Шарқий Европадан Ҳиндистонгача бўлган улкан худудда энг қадимги

¹ *Шомий*. Зафарнома, 2-жилд. 188—198-бетлар; *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 275—280-бетлар.

замонлардан бери яшаб келаётган халқларнинг ўзаро алоқалари нечоғлик боғланиб кетганини биз ўтган замонлар сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар тарихида кўрдик. Иккинчидан, Амир Темур чингизийларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги йиллари давомида ўзгариш топган ва тадқиқ этилаётган йилларга келиб эса воқеликка айланган геосиёсий вазиятни инкор қилолмасди. Учинчидан, тилга олинган улкан ҳудудда туркий тилли халқларнинг мавқеи баланд бўлиб келганини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Буни ўз вақтида Фарбнинг машҳур олимларидан бири, салтанатлар тарихининг йирик тадқиқотчиси, машҳур «Византия салтанати тарихи» муаллифи, академик Ф. И. Успенский (1845—1928) ҳам тўғри пайқаган. Унинг фикрича, чингизийлар ҳукмронлиги давридаёқ Фарғонадан Волгагача бўлган ҳудудда яшовчи «тоза турклар» хоразмшоҳлар давридаги салтанатнинг ўрнида ўз «миллий буюк давлатларини» барпо этишга киришганлар. Шу билан бирга, деб давом этади муаллиф, Туркистоннинг бу миллатчилари Чингизхон ёсоқлари ўрнида мусулмон асослари, шариат қонунларини тиклашни хоҳлагандилар. Кейинги XIV асрнинг (охирги чорагида) буюк Темур ҳам худди шу вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди¹.

Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг Олтин Ўрда (бугунги Қозоғистон, Шарқий Европанинг бир қисми), Мўғулистон (Етгисув, Кошғар), Хуросон (Шимолий Афғонистон, Шарқий Эрон), Сейистон, Шимолий Ҳиндистон каби минтақаларга ҳарбий юришини, бир томондан, уларни ўз таъсир доирасига тортишдан иборат эди, деб баҳоласак, иккинчи томондан, тарихий-маданий жиҳатлардан яқин минтақани бирлаштириш ниятида амалга оширилган ҳаракатлар эди, дейилса ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Бу Амир Темур ё унинг учун қилинаётган ихтиро эмас. Ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бу моҳият ўз аҳамиятига эга эди ва сақланиб қолган. Шунингдек, Олтин Ўрда, Мўғулистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий кучлар Амир Темур ҳокимиятига хавф солиб турардилар. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш (1376—1395) Амир Темурнинг мамлакатда йўқлигидан фойдаланиб, 1387—1388 йиллари Мовароуннаҳрга ҳужум уюштириб, уни талон-торож қилган. Бу билан кифояланиб қолмасдан Хоразм вилоятида ҳокимлик қилиб турган сўфийларни, чунончи, Хусайн ва Сулаймонни марказий ҳокимиятга қарши ҳаракатларга унда-

¹ Успенский Ф. И. История Византийской империи. т. III, 1948, с. 589.

ган. Амир Темур бунинг олдини олиши керакмиди? Албатта. Шунинг учун ҳам 1389—1395 йиллар оралигида у уч маротаба Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юришлар уюштириб, охири уни тор-мор қилишга муваффақ бўлган. Худди шунга ўхшаш Амир Темур Мўғулистонга ҳам бир неча маротаба ҳарбий юришлар уюштириб, ўз сиёсий рақибларининг кучини кесишга ҳаракат қилди. Зеро, у Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга қилган ҳарбий юришларини ва умуман мўғулистонлик сиёсий кучларнинг бу юртга нисбатан тутган сиёсатини яхши биларди. Масалан, 1376 йили Амир Темурнинг Самарқандда йўқлигидан фойдаланиб Мўғулистоннинг йирик амирларидан Қамариддин Фарғонага ҳужум уюштирганини эслаш кифоя. Ва, ниҳоят, яна бир нарсани ёдда тутиш керакки, халқаро майдонда манфаатлар йўлида кураш тушунчаси бугун пайдо бўлгани йўқ. Балки бу тушунча асрлар давомида мавжуд бўлиб келган воқелик ҳосиласидир, холос. Табиий равишда, 1370—1405 йилларда давлатимизга бош бўлган Амир Темур ҳам давлатлараро муносабатларда бу тартиб-қоидаларга бўйсунмасдан иложи йўқ эди.

Амир Темур даврида минтақа халқлари сиёсий аҳволига назар ташлагудек бўлинса, шу нарса маълум бўладики, юқорида тилга олинган улкан худудда яшаб келган туркий тилли халқларнинг ўзаро яқинлашувида, бир сиёсий марказ остида бирлашувида (турли шаклларда албатта) Соҳибқирон олиб борган фаолият жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мамлакат, минтақа бирлигини таъминлаш сиёсати бошқа бир қатор тadbирлар билан бир вақтда олиб борилиши кераклиги табиийдир. Булар давлат бошқарув тизимини ташкил этиш, фан ва маданият ривожини анъанавий даражага олиб чиқиш, савдо-социк муносабатлари учун барча йўлларни очиш, деҳқончилик, хунармандчиликни ривожлантириш, ташқи сиёсий-дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш, давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги азалий мавқеини қайта тиклашдан иборат эди. Энг муҳими мазкур йўналишларда юқори натижаларга эришиш маълум маънода ташқи омилларга ҳам боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ички сиёсатнинг юксалиб бориши ўз ўрнида давлат олдига ташқи фаолиятда тегишли вазифаларни қўяди. Масалан, қайси бир давлат халқаро савдо йўлларида устунликка эришса, ўз ички тараққиётидаги устунлиги ҳам шу даражада бўлади. Юқоридагиларнинг барчасини назарда тутган ҳолда шу нарсани таъкидлаш мумкинки, Амир

Темур давлатни буюклик даражасига кўтариш, мамлакатни бутун дунё сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айлантиришни ўзига бош мақсад қилиб қўйган эди.

Ана шу дастурнинг ташқи фаолият билан боғлиқ амалий тадбирларини ўша давр учун табиий ва зарур бўлган ҳарбий юришларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. XIV асрнинг 80-йилларида Эроннинг, 90-йилларида эса Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Шимолий Ҳиндистоннинг Амир Темур томонидан бўйсундирилишини худди мана шу жиҳатлар орқали тушунтирмақ ҳам керак, деб ўйлаймиз.

Амир Темур 1405 йил 18 февраль куни Хитойга юриш чоғида Ўтрорда вафот этади¹. У умрининг энг сўнгги дақиқаларигача фақат бир нарсани — эл-юрт осойишталиги ва равнақини таъминлашни ўйлади. Буни биз фарзандлари, яқинлари ҳамда аъёнларига қилган қўйидаги васияти орқали ҳам кўришимиз мумкин: «(Зўравонликка) монелик қилиш ишени кечиктириш мамлакатни хавфу хатар остида қолдиради, жумлайи халойиқнинг ҳузур ҳаловатини бузади, маслағ-у тариқатнинг бузилишига олиб келади. Қиёмат куни буни биздан сўрайдилар, суриштирадилар. Шу кундан эътиборан фарзандимиз (набирамиз — А. З.) Пир Муҳаммад (ибн) Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вори си этиб тайинладикким, Самарқанд тахти унинг амри фармонида бўлғай, тамкинлик ва истиқлол билан мулк миллат, лашкар ва раийятнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсин. Сизлар эса унга тобелик ва бўйсунуш маросимини ўрнига қўйинглар, биргаликда уни қўллаб-қувватланглар, токи олам бузилмасин...

Мамлакат манфаати ва халқлар фаровонлиги бобида (кишилар тажрибасида) нимаики айтилган бўлса, ёдда тутинглар. Раийят ва қўл остингиздагилар аҳволдан беҳабар қолманг. Қилич дастасини шижоат ва мардлик қўли билан маҳкам ушланглар, шундагина мен каби подшоҳлик тизгинини мустаҳкам тутгайсизлар. (Шу йўл билан) мен Турон ва Эронни муҳолифлар ва муфсидлардан тозаладим, адолат ва эҳсон орқали обод этдим. Агар менинг васиятларимга амал қилгудек бўлсангиз, адолат ва ҳимматни ўзингизга мақсад қилиб олсангиз, давлат ва мулк узоқ йиллар давомида сиз билан қолгай. Агар ораларингда бир қадар қарама-қаршилик юз бергудек бўлса, (билингки, унинг) оқибати яхшилик билан тугамайди.

¹ Яздий. Зафарнома, 963-бет.

Чунки (бундай шароитда) душманлар фикрини фиску фасод қамраб олади ва (бу сизлар учун кўшлаб кутилмаган) қийинчиликларни туғдиради».

Хукмронлиги йиллари давомида дунёнинг ўша замондаги маъмур мамлакатларининг деярли барчасини (Хитойдан ташқари) у ёки бу шаклда бўйсундиришга муваффақ бўлган Амир Темурнинг мазкур сўнги хоҳиши билан 1370 йили олий тахтга ўтиргач дастлаб чиқарган ва биз келтириб ўтган фармонлари мазмуни солиштирилса, қуйидаги фикр ва мақсад яққоллашади: эл-юрт осойишталиги ва фаровонлиги.

Ўзининг 35 йиллик фаолияти давомида Амир Темур қайси бир тadbирга қўл урмасин доимо уни поёнига етказган. Аммо бир масалада у ҳам заифлик қилади. У ҳам дейишимизга сабаб — бу масаланинг ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч бир даврда ҳал этилмаганидандир. Сўз давлат бошқарувидаги давомийлик усули ҳақида. Ўтган сулолалар мисолида ҳам биз кўрдик: бирон-бир сиёсий арбоб ўз абжирлиги, донолиги бир сўз билан айтганда, буюклиги билан нафақат ўз сулоласини, балки бутун давлатни, халқни, мамлакатни юксакликка олиб чиқади. Ундан кейин эса худди мана шу давомийлик масаласи ҳал қилинмагани сабаб илгариги буюклик ва юксакликка катта зиён тегади. Мазкур масала ечимини давр шарт-шароитлари, анъаналари орқали тушунтириш мумкин ва бу кўп ҳам салоҳият талаб қилмайди. Аммо бу нуқсон ўнлаб асрлар давомида панд бериб келаркан, у ҳақда жиддийроқ ўйлашни тараққиётимиз талаблари тақозо этади. Бунини янада теранроқ англаш учун Амир Темур ўлиmidан сўнг мамлакатда юз берган жараён билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Пир Муҳаммад Мирзо (1376—1407) Амир Темурнинг иккинчи ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг (1356—1376) фарзанди бўлиб, бу вақтда набиралар ичида ёш жиҳатдан энг улуғи эди. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг яна бир ўғли бўлиб — Муҳаммад Султон Мирзо (1376—1403) — у бир неча йил бурун вафот қилганди. Соҳибқироннинг тўнғич ўғли Умаршайх Мирзо (1354—1394) ҳам отаси ҳаётлигидаёқ оламдан ўтганди. Унинг бир неча ўғли бўлган: Рустам Мирзо (1381—1424), Искандар Мирзо (1384—1415), Пир Муҳаммад Мирзо (1379—1410), Аҳмад Мирзо (1385—1425), Сайди Аҳмад Мирзо (1391—1429), Бойқаро Мирзо (1393—1423). Амир Темур вафот этганда унинг бошқа икки ўғли ҳаёт эди: Мироншоҳ Мирзо (1366—1408) ва Шоҳрух Мирзо

(1377—1447). Мироншоҳ Мирзонинг ўғиллари: Абобакр Мирзо (1382—1417), Халил Султон Мирзо (1384—1411), Умар Мирзо (1383—1407), Ижал Мирзо (1387—1415), Суйурғатмиш Мирзо (1386—1411), Муҳаммад Бакр Мирзо (1406—1434), Жамшид, Қарочар, Султон Муҳаммад, Сайди Аҳмад, Муҳаммад Қосим, Муҳаммад Темур. Шоҳрух Мирзонинг фарзандлари: Иброҳим Султон Мирзо (1394—1435), Улуғбек Мирзо (1394—1449), Суйурғатмиш Мирзо (1399—1426), Жонўғлон Мирзо (1403—1411), Муҳаммад Жўкий Мирзо (1402—1444), Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (1397—1434), Муҳаммад Ёрдий Мирзо (1404—1409), Бекўғли, Жаҳоншоҳ.

Вафотидан олдин Соҳибқирон олий тахтнинг расмий ворисини тайинлаган, авлодларию аъёнлари унга хизмат қилишга қасам берган бўлсалар-да, аммо амалда иш умуман бошқача тус олади. Соҳибқироннинг ўлими ҳақидаги хабар салтанат узра тарқашни билан ҳар бир теурий шаҳзода у ёки бу даражада ворислик иштиёқи билан ёнгани, ё бўлмаса бундан буёнги вазиятда ўзи тутиши мумкин бўлган мавқе борасида ўйлагани аниқ. Масалан, кенжа ўғил Шоҳрух Ҳиротда ўз номидан хутба ўқитиб, танга зарб қилишни жорий этган¹. Бу билан у Пир Муҳаммад Мирзо у ёқда турсин, ҳатто бошқаларнинг ҳам даъволари билан ҳеч қандай иши йўқлигини билдирганди. Тахт учун курашда тоғаларидан орқада қолишни Соҳибқироннинг қизи Оғабегим (вафоти 1382 йил) ўғли Султон Хусайн (1380—1405) ҳам истамаган. Абжирликда эса ҳаммадан Халил Султон ўтиб тушганди. Бош шаҳар Самарқандни эгаллаб у Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони (1396—1435) хон деб эълон қилади². Чамаси бу йўл билан Халил Султон икки мақсадни мўлжаллаган. Бир томондан, Амир Темур васиятига хилоф иш тутишда айбланишнинг олдини олмоқчи бўлган. Чунки Муҳаммад Султон Мирзо бобоси ҳаётлигидаёқ расман эълон қилинган тахт вориси эди. Аммо бевақт ўлим мазкур режанинг амалга ошишига тўсиқ бўлганди. Халил Султон эса Соҳибқироннинг илк ниятини назарда тутган ҳолда Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони хон деб кўтаради, унинг номидан хутба ўқитиб, танга урдиради. Иккинчидан, Амир Темурнинг «биринчи» валиаҳди авлодининг Мовароун-

¹ *Ҳофизи Аbru*. Зубдат ат-таворих. Саййид Жаводий нашри, 1372 (х), 1-жилд, 8-бет.

² *Яздий*. Зафарнома, 992-бет.

наҳрда расман тан олиними ҳеч бўлмаганда назарий-ғоявий жиҳатлардан Амударёнинг нариги соҳилидаги кучлар — Шоҳрух Мирзо ва Пир Муҳаммад Мирзо мавқеини суствлаштириши мумкин эди. Лекин ҳамма гап амалий тадбирларда, Соҳибқироннинг сафдошлари — йирик амирлар ҳаракатида қолганди.

Нима бўлганда ҳам тахт учун курашда асосан икки даъвогар яққол кўзга ташланиб қолганди: Халил Султон ва Шоҳрух. Султон Ҳусайн аҳволини шундай баҳолаш мумкин: бир томондан, у тахт илинжида ёнган, иккинчи томондан, унинг учун курашда ўзида қандайдир бир қатъий ишончни сезмаган. Аввалига у Шоҳрух томон оған. Аммо кўп ҳам ўтмай бесабаб уни тарк этиб Халил Султонга бориб қўшилади. Худди ўз вақтида Шоҳрух уни қандай яхши қабул қилган бўлса, Халил Султон ҳам шундай иноятлар кўрсатади. Ҳатто уни бир қатор йирик амирларига бош қилиб Балхга Пир Муҳаммад Мирзога қарши юборади. Султон Ҳусайн бу ерга етиб келгач нияти ўзгариб ҳамроҳидаги амирлардан иккитасини қатл эттиради, қолганлари эса тиз чўкиб унга хизмат қилажакларини билдирадилар. Хуллас, амирларни ўзига бўйсундирган Султон Ҳусайн энди лашкарни ҳам хурсанд қилиш ниятида Балхга келаётган малика Хоникабегим мол-мулки ва зеб-зийнатларини фора қилиб, навкарларига улашади. Унинг мазкур барча ҳаракатлари паскаштликдан ўзга нарса эмасди. Шунинг учун бўлса керак, Султон Ҳусайн лашкар билан Балхдан Самарқандга, Халил Султонга қарши юзланганда, Балхда зўравонлик билан бўйсундирилган амирлар уни тарк этиб Халил Султон томон ўтиб кетадилар. Султон Ҳусайн қочишга мажбур бўлади. Сарсон-саргардон бўлиб ахийри яна Шоҳрух ҳузурига келади. Унинг барча қилиқларидан хабардор Шоҳрух буйруғи билан Султон Ҳусайн қатл қилинади¹. Шу тариқа тахтга даъвогарлардан бири «рўйхат»дан тушади. Бундан буёнги сиёсий жараён энди асосан Шоҳрух ва Халил Султон ўртасида кечиши аниқ бўлиб қолганди.

Халил Султон ёш, абжир ва довюрак бўлса, Шоҳрухда тажриба устун эди. Пировардида, фикримизча, худди мана шу тажриба голиб келади. Аввал бошда, ҳали ҳарбий-сиёсий кучлар тақсимооти тўла амалга ошмаган бир пайтда, на Шоҳрух, на Халил Султон бир-бировларига нисбатан кескин ҳаракат қилишга ботинолганлар. Ха-

¹ Зубдат ат-таворих, 1-жилд, 81—88-бетлар.

лил Султоннинг бунга ҳали кучи етмасди ва Султон Хусайн билан бўлганидек тўсиқлар йўл бермасди. Шоҳрух эса арқонни узун ташлаб ҳам мақсадга эришиш мумкинлигини яхши биларди. Шу маънода икки томон алмашган хатлар мазмуни эътиборли. Шоҳрухнинг Халил Султонга ёзганидан: «... бугун сен менга биродар ва фарзанд ўрнида жондан ширинроқ ва кўз нуридан азизроқсан; хазина, мамлакат ва аскарлардан нимани орзу қилсанг, сендан дариф тутмайман; аммо (менинг ёшим) катталиги, яқин кишиларни олдиндан аниқлаш, бандалару асл ходимларни риоят қилиш ишларининг нозик тарафларини билишим (сенга) равшан ва (орамизда) туғишганлик иплари ҳам маҳкам. Агар баъзи амирлар масофат йироқлиги ва фитнаю офат кўрқинчи сабабли биз йўқлигимизда иттифоққа келган бўлсалар, энди маслаҳат шуки, сен тўла зийраклик юзасидан иш тутиб ҳузуримизга келгин, токи биз нимани маъқул топсак, шунга иттифоқ тузиб амал қилайлик»¹. Халил Султон ёзганларидан: «мен он ҳазратнинг бандаси, давлатхоҳи ва инисиман; аммо ҳазратимизнинг эл-улуслари Хуросондандир; албатта, у мамлакатни ташлаб кетмасалар керак ва бу вилоятни бирор қулларига ёки ини ва ноибларига топширарлар. Шундай бўлгач, бу ишга мендан бошқа қайси бир қул қобилиятлироқ бўла олиши мумкин?! Агар илтимосни қабул қилиб яқин қариндошлик ҳуқуқига риоя қилсалар ва бахту саодат билан қайтиб кетсалар, мен хазина ва мол юбораман ва ҳар нимагаки ишорат қилсалар бажо келтираман»².

Вақт ҳақиқатан ҳам Шоҳрухнинг «одамларни олдиндан билиш»да устунлигини кўрсатади. У Халил Султонга тескари бўлган амирлар билан алоқа ўрнатади, ўз кишиларини унинг хизматига қўяди, жамиятда катта мавқега эга дин пешволари билан доимий муносабатда бўлиб, уларни эътибордан қолдирмади. Халил Султон мавқеининг сусайиб боришида саройда йўл қўйган баъзи хатолари ҳам сабаб бўлган. Чунончи, Ибн Арабшоҳ таъкидлашича, Халил Султон севикли хотини Шодмулк таъсирига берилиб унинг маслаҳатсиз бирон қадам қўймаган. Бундан Шодмулкка яқин бўлганлар, хусусан, унинг хизматчиларидан бири Бобо Тармиш (Турмиш) фойдаланиб, ҳатто вазирлик мақомига эришган. Бу ҳол ён-атрофдаги аслзода амалдорларга хуш келмаган. Бунинг устига Бобо Тармиш уларнинг баъзиларига тазйиқ

¹ Мағлайти саъдайн ва мажмайи баҳрайн, 62-бет.

² Ҷша жойда, 63-бет.

ҳам ўтказа бошлаган¹. Хуллас, чиқаси келса эгаси сабабчи бўлади, деганларидек вазият ҳар томонлама пишиб бораверган. 1407 йилги Мовароуннаҳрдаги очарчилик чипқон устига дард бўлган, лашкар ва аҳоли орасида норозилик аломатлари пайдо бўла бошлаган. Ҳаммаси бир бўлиб Шохрух учун Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ҳудудда ҳам узил-кесил ўз ҳокимиятини ўрнатиш имконини туғдириб беради ва 1409 йил 13 май куни Шохрух Самарқандга кириб келади. Бунга у деярли қон тўкишсиз муваффақ бўлганди. Халил Султон таслим бўлади. Шохрух уни Эронга, Рай ҳукмдорлигига тайинласа-да, аммо у ҳокимлик гаштини узоқ суролмайди — 1411 йили вафот қилади. Ибн Арабшоҳ ёзишича, севгилисиз ғамини кўтаролмай, Шодмулк ўз жонига суиқасд қилган экан².

Шундай қилиб, Туркистоннинг Сирдарёгача бўлган қисми ҳамда Эронда темурийлар хонадони ҳукмронлиги сақланиб қолади. Шохрух Мовароуннаҳрни ўғли Улуғбекка (1409—1449) топширади. Тўғри, Шохрух даврида ҳам мамлакат ички ҳаётида осойишталик, савдосотиқ, иқтисодиёт равнақи, фан ва маданият, маънавиятга эътибор ҳеч бир сусаймаган, давлатимизнинг халқаро обрўси ҳам ўзига яраша бўлса-да, аммо давлатчилигимиз имкониятларининг Амир Темур замонидаги манзараси йўқолганди. Аниқроғи давлатнинг зарби, буюклиги йўқолганди. Буни қаранг, темурийларга тобе Озарбайжон қорақўйунлийлар қўлига ўтган кезларда Шохрух уч маротаба (1421, 1429, 1434) у ерга юриш қилиб ўз ҳукмини тиклайди. Лекин ҳар сафар орқага қайтганидан сўнг қорақўйунлийлар яна Озарбайжонни забт қилаверадилар³. Бу ҳол давлат зарби йўқолиб борганидан далолат беради, албатта. Худди шунга ўхшаш вазиятни Улуғбек бошқарган Мовароуннаҳр мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1427 йили Улуғбек лашкари қўшни Дашти қипчоқ сиёсий кучларидан мағлубиятга учрайди⁴. Шундан кейин ҳам уларга қарши бирон-бир жиддий тадбир қўлланмайди. Натижада чегара вилоятларга ташқаридан тажовузлар кучайиб боради. Биз бу билан Шохрух ва Улуғбек ҳарбий юришлар уюштириб туришлари керак эди, деб масалани қатъий қўймоқчи

¹ *Ибн Арабшоҳ*. Амир Темур тарихи. Таржима ва изоҳлар У. Уватовники. 1992, 2-китоб, 51—53-бетлар.

² *Зублат ат-таворих*, 1-жилд, 297—315-бетлар; Амир Темур тарихи, 2-китоб 60—64-бетлар.

³ *Зублат ат-таворих*, 2-жилд, 729-бет; *Матлаи саъдайн*, 283, 356-бетлар.

⁴ *Матлаи саъдайн*, 348—350-бетлар.

эмасмиз. Аммо давлат тақдири учун жавобгар кучлар ўз замонаси шарт-шароити доирасида доимо унинг манфаатларини ҳимоя қилиб боришлари керак, албатта. Давлатнинг ташқи манфаатларни ҳимоя қилишдаги суствлик ички сиёсатда эртами-кечми ўз таъсирини кўрсатади. Буни биз Шохрух ўлимидан сўнг юзага келган вазият орқали ҳам кузатишимиз мумкин.

Отасидан сўнг Туркистон, Хуросон, Эронни бир марказ остида бирлаштиришга уринган Улуғбекка омад ёр бўлмади. Бу тadbирни кейинги темурийлар ҳам удда-лай олмадилар. Аксинча, кучли зиддият юзага келди. Самарқандда Абу Саъид (1451—1469), Ҳиротда Абулқосим Бобур (1452—1457) ўз бошларича ҳукмронлик қилардилар. Темурий намояндалар, жумладан, мазкур Абу Саъид мақсадига эришиш йўлида ўз хонадонининг доимий рақобатчиси ҳисобланиб келган даштиқипчоқлик сиёсий кучларга суянган пайтлари ҳам бўлганини эслатиб ўтиш жоиздир. Албатта, биз бу ерда даштиқипчоқлик шайбонийларнинг машҳур намояндаси Абулхайрхонни назарда тутмоқдамиз. Абу Саъид худди мана шу Абулхайрхон ёрдамида Мовароуннаҳр тахтини эгаллашга муваффақ бўлган¹. Аммо ярим аср ўтиб айнан Абулхайрхон авлодлари аввал Мовароуннаҳрда, кейин эса Хуросонда темурийлар фаолиятига чек қўйишини у бу вақтда хаёлига келтирган дейсизми!

Хожа Аҳрор Валий мададида юрган Абу Саъид учун Абулқосим Бобур ўлимидан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳамда Эрон узра ўз ҳукмини ўрнатиш имкони туғилгандай туюлса-да, лекин Султон Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтини эгаллаши билан яна икки томонлама зиддиятга йўл очилиб кундан-кун ошиб борган. Бу ўз ўрнида умуман темурийлар хонадони кучини қирқиб борарди. Мана қаранг: Мовароуннаҳрда Султон Аҳмад ҳукмронлиги даврида (1469—1494) аввал Сайрам (1482), кейин Тошкент (1485) Мўғулистон хонлари тасарруфига тушади, Фарғона доимий хавф остида қолади. (Кейинчалик Муҳаммад Шайбоний Самарқандга юришида Тошкентда ўрнашиб олган худди мана шу мўғулистонлик сиёсий кучларга қаттиқ таянган.)

Хуросонда ҳам аҳвол бундан афзал эмасди. Шохрух ўлимидан сўнг Фарбий Эрон темурийлар тасарруфидан чиқиб бошқа бир туркий сулола — қорақўйунлийлар қўлига ўтади (шу аср 60-йиллари охиридан эса қора-

¹ Қаранг: Ҳабиб ас-сийар, 3-жилд, 3-қисм, 260 ва бошқа бетлар.

қўйунлийлар ўрнини оққўйунлийлар эгаллайдилар). Демак, Султон Ҳусайн ва унинг авлодларининг сиёсий фаолиятлари, аниқроғи ўзаро келишмовчиликлари жуда тор доирада Хуросон ва Шарқий Эрон худудларида кечган.

XV аср сўнгги йиллари ҳам Мовароуннаҳрда, ҳам Хуросонда темурийлар учун ички сулолавий низолар, келишмовчиликлар кучайган пайтлар бўлди. Самарқанд тахти учун Абу Саъид набиралари Бойсунғур (1477—1499), Султон Али (1483—1501) ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) ўзаро кураш олиб борганлар (Султон Али ва Бобур биргаликда Бойсунғурга қарши). Хуросонда эса Султон Ҳусайн Бойқаро бир оёғи Марв ва Обиварда, бир оёғи Астрободда бўлиб ўғиллари кўтарган исёнларни бостириш билан овора эди¹. Бу ҳам етмагандай Бадахшон ҳокими ҳам ички низолардан фойдаланган ҳолда Балхга зуғум қилиб турарди.

Хуллас, Дашти қипчоқда бош кўтариб кучга тўлиб келаётган шайбонийларнинг жанубга томон юришлари арафасида темурийлар хонадони ички зиддиятлар таъсирида ғоятда заифлашиб қолганди. Шайбонийлар бундай вазиятдан усталик билан фойдалана билдилар. 1501 йили Самарқанд, 1504 йили эса Фарғона уларнинг тасарруфига ўтиши билан Мовароуннаҳр масаласи ҳал бўлди, ҳисоб. 1507 йили Ҳирот олингандан сўнг эса темурийлар ўзларининг энг йирик сиёсий марказларидан айрилдилар². Шу йилларга келиб Сирдарёдан ҳозирги Афғонистон марказий қисмларига қадар бўлган минтақа шайбонийлар қўлига ўтганди.

Шундай қилиб, биз Амир Темур ва унинг авлодлари фаолияти орқали XIV аср ўрталаридан то XVI аср бошларигача бўлган даврда минтақамизда кечган сиёсий муносабатлар қисқача тарихи билан танишиб чиқдик. Қизиғи ва сабоқли томони шундаки, Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши мамлакатдаги сиёсий бошбошдоқлик ва ички низоларга чек қўйган бўлса, унинг номи билан боғлиқ сулола тақдирини оқибатда худди шу ҳол — ўзаро чиқишмовчилик ва тарқоқлик ҳал этди.

¹ *Заҳриддин Кошифий*. Рашаҳоти айн ал-ҳаёт, 2-жилд, 516—549-бетлар.

² *Ҳабиб ас-сийар*, 3-жилд, 3-қисм, 260 ва бошқа бетлар.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ, ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲАРБИЙ СИЁСАТ

Амир Темур ва темурийлар замони давлатчилик сиёсати, бошқарув тизимини кўриб чиқмоқчи эканмиз, давлат, давлатчилик моҳиятида муайян бир макон ва жамиятда мавжуд турли имкониятларни шу ерлик халқ манфаати йўлида юзага чиқарувчи ташкилотчилик ётганини эслатиб ўтиш ғоятда муҳимдир. Зеро, давлат асослари, давлатчилик ҳар бир жамият ва халқ «бошига бир марта битилган бўлади». Шу маънода ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги 1-мингйилликнинг биринчи ярмидан ўз тарихини бошлаб то Амир Темур давлатимиз тепасига келгунга қадар деярли 2100 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтганди. Бу улкан давр ичида давлатимиз бошқарувига турли сулолалар (бугунги тилда айтганда сиёсий партиялар) келиб кетди. Уларнинг фаолияти турли замонларда, турли объектив-субъектив шарт-шароитларда турлича кечди. Биз мазкур масалага урғу бераётганимизнинг бир неча сабаби бор.

Биринчидан, биз Амир Темур давлати, Темурийлар давлати каби кенг тарқалган тушунчаларга қаршимиз. Зеро, давлатчилик асослари ягона бўлади. Демак, Амир Темур давлати эмас, ўзбек давлатчилигининг Амир Темур бошқарган босқичи дейилса ҳар тарафлама ҳақиқатга мос тушади.

Иккинчидан, Амир Темур давлати тушунчаси давлатчилигимизнинг ҳам унганча бўлган, ҳам ундан кейинги тараққиёт йўлини узиб қўяди (бу фикр бошқа сулолавий давлатларга ҳам тегишли, албатта). Бу ўз ўрнида, бир томондан, тарихни сохталаштирса, иккинчи томондан, давлатчилигимиз тарихидаги босқичий жараёнлар, масалан, яна ўша Амир Темур даври моҳиятини англашни қийинлаштиради. Зеро, ҳатто соф илмий нуқтаи назардан олганда ҳам мушоҳада жараёнда кузатилгандагина тўлиқланади, хулоса учун имкон яралади.

Учинчидан, биз ўзбек давлатчилиги моҳияти ва имкониятлари ҳақида қанчалик сўзламайлик, агар унинг амалий ифодасининг гувоҳи (бугунги кун нуқтаи назаридан эса қурувчиси) бўлмас эканмиз, гап-гаплигича қолаверади. Шу маънода Амир Темур даври давлатчилигимизнинг моҳияти ва имкониятлари кўламини амалда юзага чиқариб берганлиги билан ҳам ғоятда муҳимдир (албатта, ўз даври шароитида).

Шундай қилиб, Амир Темур даврига қадар ўзбек

давлатчилиги 2100 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган экан, шунга кўра биз биринчи хулосани қилишимиз мумкин. Амир Темур даври давлатчилик тизими муайян бир ўтмишга, анъаналар, тажрибалар, сабоқлар, қонуниятларга асосланган ҳолда ташкил қилинган. Шу ерда ҳақиқат савол туғилади: бу ўтмиш йўл қонуниятлари, тажрибалари, яъни давлатчилик асослари нималарда ўз аксини топгани ва Амир Темур давлатимизга раҳбарлик қилган йиллари уларга қандай муносабатда бўлинди? Саволни шу тариқа қўйиш ниҳоятда муҳим. Зеро, бизнинг тушунчамизда давлат арбоби, сиёсатчи салоҳияти (ва бундан келиб чиқадиган буюклиги), энг аввало, унинг давлатчилик асосларини нечоғлик теран англаб олиши ва амалда унга риоя эта билиши билан белгиланади. Бу ғоятда оғир вазифадир.

Ўзбек давлатчилигининг Амир Темур даврига қадар шаклланиб замонлар синовидан ўтган асослари қуйидагилардир:

1. Давлат ўз вазифасини бажармоғи учун, энг аввало, сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши керак.

2. Давлат ва жамият сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги керак.

3. Давлат ва жамият муайян бир қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилмоғи лозим.

4. Бошқарувнинг турли табақалари, йўналишлари, соҳаларини мувофиқлаштириб турувчи маълум бир тизим шаклланган бўлиши даркор.

5. Жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволи (тараққиёти) давлат диққат марказида турмоғи лозим.

6. Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш давлат аҳамиятига молик қатъий сиёсат сифатида қаралмоғи лозим.

7. Ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёда мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда ҳам ҳал этиб бориши даркор.

8. Давлат тепасида турган кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, қатъий иймон, ғоятда юксак маънавиятпарварлик ва миллатпарварлик ила англамоғи керак.

Мазкур саккиз асос қонуният сифатида шаклланган эди. У ёки бу замонда улардан фойдаланилдими ё йўқ, бу бошқа масала. Бироқ Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган буюк ўрни шундаки, у ўзининг

бутун фаолияти мобайнида ана шу асосларни рўёбга чиқара олди. Яъни 150 йиллик қарамликдан сўнг давлатимиз сиёсий мустақиллигини тиклади; ўз даврида мавжуд шариат, тўро-тузуклар асосида жамият ҳаётини бошқаришни йўлга қўйди; марказлашган давлат тизими яратдики, ўз замонаси учун бу дунё миқёсидаги тараққийпарвар воқеа ҳисобланганди; иқтисодий муносабатлар (деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик) ривожини учун барча ички ва ташқи шароитларни барпо этишга қаттиқ киришди; ижтимоий муносабатларни (солиқ тизими, мулкчилик, турли ижтимоий табақалар манфаатини назарга олиш ва ҳоказо) муҳим деб билди; ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан то умрининг охиригача фан ва маданият равнақига алоҳида диққат билан қаради; ўз даври шарт-шароитига кўра ташқи сиёсатда қатъий ва фаол ҳамда мақсадга мувофиқ равишда ҳаракат қилиб, давлатни салтанат мавқеига олиб чиқди; ўлкани дунёнинг энг буюк сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айлантирди; асосида яккахукмронлик мазмуни ётган жамият бошқарувида биринчи раҳбар қандай бўлиши кераклигини намоён этиб кетди.

Шу билан бирга Амир Темур мазкур саккиз асосни яна бир муҳим — тўққизинчи асос билан бойитди. У ҳам бўлса, жамият ривожидида барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ва манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Амир Темур бўйича бундай табақалар 12 та бўлиб, уларда жамиятнинг барча таркибий қисмлари ўрин олган. Диққатга сазовор томони шундаки, тузуклар баёнида Амир Темур табиий равишда дин ва шариатни биринчи ўринда таъкидлаган ҳолда ижтимоий табақаларга бўлган муносабатни бошқа йўналиш ва масалалардан устун қўяди. Демак, Амир Темур даврида давлатимизнинг тўққиз асоси ўз ижобий ечимини топган ва худди мана шу тўққиз асос Соҳибқирон юритган давлатчилик сиёсатининг тўққиз томонини ташкил этади.

Юқорида давлатнинг сиёсий мустақиллиги ва мамлакат яхлитлиги борасида Амир Темур олиб борган фаолият билан қисқача танишиб ўтдик. Қўйида унинг давлат бошқаруви, давлатчилик ва ҳарбий сиёсат борасидаги ҳаракатларини лўнда тарзда ёритишга уриниб кўрамиз.

Чингизийларнинг ўлкадаги ҳукмронлиги барча соҳалар тараққиётида салбий асорат қолдиргани ҳақида сўз айтдик. Давлат бошқаруви соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Умуман бошқа, кўчманчи шарт-шароитда шакл-

ланган сиёсий дунёқараш ва тарбия чингизий намояндалар учун маҳаллий бошқарув анъаналарини қабул этишга йўл бермасди. Шу сабабдан ҳам аввалги даврларда кечган давлатчилик бошқарувидаги кўп асрлик тажриба ва анъаналар чингизийлар ҳукмронлиги замонида амалда ўз давомийлигини топа олмади. Агар бу давр бир ярим аср кечгани назарда тутилса, шу соҳадаги аҳвол нечоғлик оғирлашиб қолгани маълум бўлади. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида қилган хизматларидан бири шундаки, у 150 йиллик узоқ бир давр ўтиб, шунинг орасида одатлар, анъаналарда каттадан-катта ўзгаришлар содир бўлганига қарамай, қадимдан мавжуд бўлиб келган ўзбек давлатчилиги бошқарув тизимининг (биз ҳатто илмининг деган бўлардик) классик намуналарини қайтадан тиклай билди. Ниҳоятда мушкул бўлган бу вазифани у донолик билан ҳал эта олди.

Демак, Амир Темур даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва девонларга (вазирликларга) бўлинган.

Даргоҳ — энг олий давлат идораси. Унинг бошлиғи ҳам табиий равишда давлатнинг олий ҳукмдори. Амир Темур давлат тепасига келгандан сўнг чингизийлардан бўлмиш Суйурғатмишни хон, яъни олий ҳукмдор деб эълон қилгани маълум¹. Шу билан бирга Суйурғатмиш «сохта хон» мавқеида бўлиб, амалдаги ҳокимият Соҳибқирон ихтиёрида бўлганини ҳам биламиз. Нима учун шундай қарама-қаршилик юзага келганди, саволи туғилади. Чингизийларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги мамлакат ҳаётида катта таъсирга эга бўлганини таъкидлаган эдик. Сиёсий муносабатлар, қарашлар, одатлар жамиятнинг энг қайноқ соҳаларидан бири сифатида янгилик ва ўзгаришларга бой бўлади. Масалан, улус бошлиғининг биёбондан қароргоҳ қуришини олайлик. Мамлакатимизда асрлар давомида давлат бошлиғининг қароргоҳи шаҳарларда қанчалик табиий бўлиб келган бўлса, чингизийлар даврида, аксинча, хон биёбондаги қароргоҳда туриши керак, қабилдаги ақида сиёсий муҳитга қаттиқ сингиб кетганди. Шунга ўхшаш ўзгаришлардан бир қанчаси мазкур бир ярим асрлик жараёнда ўз ўрнини топиб олганди. Гап уларнинг тўғри-нотўғрилигида эмас. Муҳими Амир Темур давлат тепасига келган пайтда улар жамият ҳаётидаги воқеликни ташкил этарди. Соҳибқирон буларни назарда тутмасдан иложи йўқ эди. Иккинчи томондан, 1370 йили мамлакатда Амир Темурдан

¹ Қаранг: *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 57—58-бетлар; *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 114, 129, 273-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 293-бет.

бошқа ҳам яна бир қанча қудратли амирлар, уларни қўллаб-қувватловчи ижтимоий-сиёсий кучлар бор эди. Улар ҳам зимдан ё очиқчасига мустақил сиёсат юргизиш, ҳатто олий тахтни эгаллаш ниятида бўлганлар. Бундай шароитда Амир Темур ўзини расман хон деб эълон қилолмасди. Чунки бу рақибларга баҳона бўлиб, норозилик ва хуружларга туртки бўлиши турган гап эди. Зеро, худди шу йиллар таомилига кўра сиёсий ҳокимият чингизийлар хонадони ихтиёрида бўлиши керак эди. Учинчи томондан, Суйурғатмиш хон деб кўтарилганда ҳали амир Ҳусайн масаласи ҳал бўлмаганди, аниқроғи ҳал бўлиш арафасида эди. Амир Ҳусайн эса ўз вақтида Кобилшоҳни (1364), сўнг Одил Султонни (1365) расман хон деб эълон қилганди¹. Демак, Амир Темур томонидан Суйурғатмишнинг хон деб эълон қилиниши Одил Султон «хонлиги»ни, яъни амир Ҳусайн ҳукмдорлигини бекор этиш билан баробар ҳисобланарди. Хуллас, мазкур масала ўша замон воқелигидан келиб чиқиб Амир Темур ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган. Соҳибқирон учун бу пайтда муҳими ҳам аслида шу эди.

Амир Темурнинг чингизийлардан бўлмиш Қазонхоннинг қизи Сарой Мулкхонимга (1337—1408) уйланиши, яъни хон авлодига куёв (кўрагон), қариндош бўлиши ҳам унинг сиёсий мавқеини расман бўлса ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилган. Бундан ташқари Чигатойхон амирларидан Қарочар барлос Амир Темур авлоди эканлиги ва у ўз вақтида Чигатойхон улуг амири сифатида ўлкани бошқаргани (Шомий ёзишича, гўё «Чингизхон Чигатойни Қарочарга топширган»²) ҳақидаги ярим ҳақиқат, ярим афсона ҳам таомилга киритилган. Ярим ҳақиқатлиги шундаки, Чигатойнинг Қарочар барлос номли мингбошиси бўлган. Аммо ишончли манбаларда унинг хон номзоди сифатида мамлакатни бошқаргани ҳақида сўз йўқ³. Шу маънода Яздий «Зафарнома»сида келтирилган Амир Темур аждодларига оид шажара ғирт афсона ва тўқимадир. Зеро, унга кўра гўё Амир Темур уруғи Чингизхон уруғи билан амакивачча. Бу ҳеч бир ҳақиқатга тўғри келмайди ва уни исботловчи бирон-бир тарихий маълумот йўқ. Шунга қарамай баъзи бир ҳолларда Амир Темур шахси ва фаолиятини, демак, ўзбек халқи тарихи ва маданиятини камситишга уринувчилар

¹ Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 14—27-бетлар; Муъиниддин Натанзий. Мунтахаб ат-таворих, 114, 129, 221, 260-бетлар.

² Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 10-бет.

³ Қаранг. Рашид ад-Дин. Сборник летописей, т. I, часть 2, 1952, с. 275.

мазкур афсонадан «унумли» фойдаланадилар, яъни Амир Темурни Чингизхон ва мўғуллар билан боғлаб кўрсатишга уринадилар.

Демак, даргоҳ бошида амалда Амир Темур турган. Мамлакат ва давлат аҳамиятидаги масалалар унинг ҳукми ва кўрсатмаси асосида ҳал этилган. Шу билан бирга даргоҳда вақти-вақти билан хос мажлислар ўтказилиб турилгани маълум. Бундай мажлисларда давлат ва мамлакат идораси, содир бўлаётган ўзгаришларга муносабат, муҳими мансаб ва вазифаларга тайинлаш каби масалалар кўриб чиқилган. Бундай тadbирлар фоятда тор доирада ўтказилиб, давлат аҳамиятига молик масалаларнинг четга аён бўлишидан ниҳоятда сақланилган. Чунончи, махсус котиб мажлис баёини махсус дафтарга тушириб борган¹. Афтидан, кейинги мажлисда ана шу баён асосида илгари қабул қилинган қарорлар, турли чоралар натижалари текшириб борилган.

Амир Темурнинг даргоҳ фаолиятини бошқариш, одамлардан унумли фойдаланиш, уларни ўз атрофига тўплаш, катта-кичик тadbирларни ташкил қилиш борасида тутган йўлини «Тузуқлар»даги баёнлардан яққол кўриш мумкин. Чунончи, Соҳибқирон шундай ёзганди: «Салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тadbир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. (Донишмандлар) демишларким, ўз ўрнида қўлланган тadbир билан кўплаб лашкарнинг қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж лашкарни енгиб бўлур. Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тadbиркор ва ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради... Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр киши мулоҳазакорлик, тadbир ва кенгашга таяниши лозим. Шунинг учун Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам айтганларидек, ҳар бир ишни қилишга киришар эканман, аввал обдон ўйлаб, (амирларим билан) кенгашдим. Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмони, фойдаю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки

¹ Темур тузуқлари, 108-бет.

томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирардим. Унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор берардим. Қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни бажаришдан воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим... Ишларимнинг барини кенгаш билан юритиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим»¹.

Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлар, маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечган жараён билан боғланиб туриш ишини олий девон олиб борган. Даргоҳ тизимидаги бу девонга девонбеги бошчилик қилган. Олий девоннинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд бўлганки, манбаларда баъзан уни даргоҳ билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам кузатилади². Олий девонда ҳар куни тўрт вазир, яъни ижроия идораларидан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб ўзига хос равишда ҳисобот бериб турганлар³. Афтидан, бунда вазирликлар тегишли кўрсатмалар олиб турган бўлишлари керак. Сарҳад ва бошқа тобе мамлакатлар бошқаруви билан боғлиқ яна уч вазирлик ҳам девонбегига ҳисобот берганлар.

Даргоҳдаги муҳим вазифалардан бири бу — арзбегидир. Унинг хизмати даргоҳга арз-дод, шикоят билан келганлар ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириб, тушган арзлар, шикоятлар, таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туришга масъуллиқдан иборат эди⁴. Бундан ташқари даргоҳда адолат амири лавозими мавжуд бўлиб, у турли ўлка ва шаҳарларда «сипоҳ ва раиййат орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида» бохабар бўлиб, олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумот етказиб турган. Демак, жойлардаги аҳволдан бохабар бўлиб туришнинг икки йўлидан фойдаланилган: бири пастдан юқорига, яъни арзчилар тўғридан-тўғри даргоҳга мурожаат қилиш имконига эга бўлганлар, иккинчиси — махсус хизмат орқали жойлардаги вазият давлат томо-

¹ Темур тузуклари, 25—26-бетлар.

² *Яздий*. Зафарнома, 176, 196, 397, 398, 466, 623, 669, 670, 673, 674, 695, 723 ва бошқа бетлар.

³ Темур тузуклари, 107-бет.

⁴ *Яздий*. Зафарнома, 175-бет; Темур тузуклари, 108, 120-бетлар.

нидан, аниқроғи, олий ҳукмдор даргоҳи орқали текширилиб борилган. Мана шу икки йўл билан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, тартибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар ҳақида рўй-рост маълумот олингач, сўнг махсус вакиллар — аминлар (яъни ишончли вакиллар) жойларга бориб воқеани ўрганиб тегишли чоралар кўрганлар. Чунончи, бирон кишига нисбатан зулм, адолатсизлик қилинган бўлинса, адолатни тиклаб ўша ер маҳаллий хазинасидан уларга тўлов ажратиб қайтганлар. Аминлар ўзлари тафтиш қилган ишлари, кўрилган чоралар ҳақида кейин ёзма ҳисобот берганлар. Аминлар вазифасига бундан ташқари тобе ерлар тўловини йиғиб келиш ҳам кирган¹.

Даргоҳдаги муҳим лавозимлардан яна бири бу — тавочидир. Тавочи олий фармонга кўра жойларга бориб ҳарбий юриш учун лашкар тўплаш билан шуғулланган. Бу вазифа ғоятда муҳим аҳамият касб этгани учун Шарафиддин Али Яздий муболаға билан уни олий ҳукмдордан кейинги юқори даражадаги давлат мансаби деб баҳолайди. Албатта, бундай таърифда ҳам жон бор. Зеро, лашкар тўплашни қуруқ фармон етказиш деб тушунмаслик керак. Маълумки, тобе ўлкалар, ҳукмрон сулола вакиллари, нуфузли амирларга тақсим қилиб берилган юртлар олий кўрсатма бўлганда тегишли ҳарбий куч билан хизматга шай туришлари кўзда тутилган. Тавочилар эса худди мана шу аввал бошдан белгиланган лашкар сонининг тахт бўлиши, тайёргарлик даражаси, таъминоти кўнгилдагидек талабга жавоб бериши, кўрсатилган жойга муайян йўл билан ўз вақтида етиб бориши каби ғоятда масъулиятли тadbирларга жавобгар бўлганлар. Мазкур муаллифнинг гувоҳлик беришича, тавочилар бош тавочи, пиёда аскар тавочиси кабиларга тақсимланган. Бош тавочилар туманот (ўн минглик), ҳазоражот (минглик), садажот (юзлик) етакчиларидан, вилоят катталаридан кўшинни ўз вақтида, белгиланган сон ва сифат, таъминланганликда етказиб бериш тўғрисида тилхат олганлар. Шу билан бирга тавочи ҳарбий юриш чоғида кўшинларнинг жойлашуви, берилган буйруқларнинг ижро этилиши (масалан, душман истеҳкомлари девори остидан лаҳм кавлаш) ҳамда тинчлик пайтларида катта қурилишларда иш тақсимлаш кабилар билан ҳам шуғулланган. Чунончи, Байлақон кана-

¹ *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 160-бет; *Яздий*. Зафарнома, 905, 907, 911-бетлар.

лини қазишда 35—40 км масофани ҳар бир ҳарбий қисмга тақсимлаб беришга тавочилар бош бўлган¹.

Даргоҳда шунингдек бош ҳожиб, ҳожиблар, расмий тадбирлар бошқарувчиси ва ташкилотчилари, хазинадор, хонсолар (даргоҳда ва олий фармон билан бошқа ерларда, масалан, юришларда ўтказиладиган тўй, базмлар, катта зиёфатларда дастурхон тузатишга бош-қош бўлувчи), жибочи (қурол-аслаҳа сақловчи), қушчи (подшоҳона овлар уюштирилганда махсус ўргатилган ов қушларини олиб юрувчи ва парвариш қилувчи) ва мана шу хизматни бошқарувчи қушбеги, баковулбоши (сарой ошпазларининг бошлиғи), котиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, ғазалхонлар, фаррошлар каби катта-кичик вазифалар, таблхона (ноғорахона), дорихона каби хизматлар бўлгани маълум.

Ижроия тизими, юқорида айтилганидек, марказда вазирликлар фаолиятида мужассамлашган. Кези келганда шунини таъкидлаш керакки, чингизийларнинг 150 йил ҳукмронлиги даврида маҳаллий бошқарув тизими анъаналари поймол қилинган бир шароитда Амир Темур биз сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, ануштегинийлар замонида шоҳиди бўлганимиз, ижроия ҳокимиятининг вазирликлар тизимини қайтадан жонлантира олди. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида қилган катта хизматларидан бири ҳам шунда. Яъни у бир неча асрлар давомида шаклланиб келган давлатчилигимиз ижроия тизимидаги бошқарувнинг классик шаклларини тиклай олди. Бу ниҳоятда қадрли ва тарихий хизматдир.

Энди тўғридан-тўғри вазирликларга ўтсак.

Биринчиси — мамлакат ва райийат вазири. У мамлакатнинг муҳим ишлари, кундалик муомалалар, халқ аҳволи, вилоятларда олинадиган ҳосил, солиқлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимлар, ободончилик ишлари, аҳоли фаровонлиги, хазина аҳволи каби муҳим юмушларга жавобгар бўлган. Мазкур масалалар юзасидан олий ҳукмдорга тегишли маълумот ва ҳисоботлар бериб турган. Агар мазкур вазирлик вазифасини олдинги давр ижроия тизими билан таққосласак, у ҳолда сўз бу ерда бош вазир ҳақида кетаётгани маълум бўлади.

Иккинчиси — ҳарбий вазир. У ҳарбийларнинг маоши, алоҳида хизматлари учун уларга туҳфа қилинган ер-сувлар бошқаруви (яъни назорат ва қайд этиш маъносида),

¹ Яздий. Зафарнома, 516, 538, 625, 719, 835, 905, 950 ва бошқа бетлар.

қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий кўрикларни тайёрлаш, жангларда ярадор бўлиб хизматга яроқсиз бўлганларга нафақа тайинлаш, истеъфога чиққан ҳарбийлар тўғрисида қайғуриш каби масалалар билан машғул бўлган.

Учинчиси — мулкчилик ва солиқ ишлари вазири. Бу вазирлик турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни назоратга олиш, савдогарлардан закот ва бож олиш, мамлакат чорвалари, ўтлоқ-яйловларни бошқариш, уларнинг барчасидан тушадиган даромадларни сақлаш, мулкчиликдаги меросхўрлик тартибларини амалга ошириш (масалан, ғойиб бўлганлар, ўлганларнинг мулкани ворисга топшириш) каби вазифаларни бажарган¹.

Тўртинчиси — бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинаётган барча харажатлар ҳисобини олиб борувчи молия вазири.

«Темур тузуклари»да молия вазири масъулиятига тегишли диққатга сазовар бир тузук бор: «Молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб (хазинадан бирон маблағни) ўзлаштириб олган бўлсалар (аввал текшириб кўрилсин). Агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улфа (яъни маош — А. З.) миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совға — инъом ўрнида берилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баравар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маошидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баравар кўп маблағ олинган бўлса, ҳаммаси (салтанат хазинасига) тортиқ сифатида олинсин»².

«Темур тузуклари»да мазкур тўрт вазирликдан ташқари яна уч вазир ҳақида сўз кетиб, улар салтанат таркибидаги турли ўлка ва мамлакатларга оид молиявий муомалалар ва келадиган даромадларни бошқарганлар. Агар салтанат ҳудуди ва унга кирган сарҳадлар кўлами назарга олинса, ҳақиқатан ҳам у ерлар билан боғлиқ молия-даромад ишларини ташкил қилиш учун уч вазирлик таъсис этилишини асосли деса бўлади³.

Саккизинчи вазирлик бу адлия вазирлигидир (девони мазолим)⁴. Кези келганда шуни алоҳида қайд этмоқ керакки, бу вақтда адлия, яъни суд тизими учга бўлинган эди. Адлия вазирлиги тўғридан-тўғри фуқаролар ё, манба тили билан айтганда, дунёвий ишлар билан шу-

¹ Темур тузуклари, 107-бет.

² Темур тузуклари, 1991 йилги нашри, 73-бет.

³ Темур тузуклари, 107-бет.

⁴ Яздий. Зафарнома, 316-бет.

ғулланган. Ҳарбий суд (лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган¹. Кўриб турганимиздек, бу соҳада ҳам Амир Темур даврида илгариги анъаналар давом эттирилган. Суд тизимидаги тақсимот эса бизларда бир неча асрлар муқаддам амалга ошиб келганини мазкур давр мисолида ҳам мушоҳада қилса бўлади. Қонун, ўша замон тартиблари олдида жавобгарлик барчага баробар бўлган. Масалан, Амир Темурнинг набираси Пир Муҳаммад ибн Умаршайх ўз қилмиши учун девони мазолимда қаттиқ сўроқ қилиниб, айби аниқлангач, шунга яраша жазо берилгани ва бу ҳақда шахсан Амир Темурнинг ўзи фармон бергани тарихий манбаларда ўз аксини топган².

Илгариги сулолалар даврида мавжуд бўлган вақф ишлари вазирлиги хизмати Амир Темур даврида садрлар садрига (садрлар бошлиғи) юклатилган. Гарчи вазирлик тизими маъносида тилга олинмаса-да, аммо мазкур хизмат моҳияти сақланиб қолган³. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки вақф мулкчилиги сақланганди.

Шунга ўхшаш ўтган замонларда таъкидланган хабар ва почта вазирлиги шаклан тилга олинмаса-да, аммо мазмунан бу вақтда ўзининг энг юксак равнақ даражасига кўтарилганди, десак тўғри бўлади. Зеро, улкан салтанатни мақсадга мувофиқ равишда бошқариб боришда унинг турли бурчақларида содир бўлаётганлардан боҳабар бўлиш, марказдан буйруқ, фармон, кўрсатмалар жўнатиш, марказга турли ҳужжат, ҳисобот ва ҳоказоларни етказиш, ташқи сиёсий-дипломатик муносабатларни пухта ва тезкор равишда йўлга қўйиш каби юмушларни катта салоҳият ва ғайрат билан амалга оширишга тўғри келарди.

Ўз ўрнида бу борадаги тадбирлардан савдо-сотик муносабатлари нечоғлик ютишини тасаввур қилиш мумкин. Гапнинг қисқаси, хабар ва почта хизмати аҳамиятини аввал бошданоқ яхши тушунган Амир Темур ўзининг дастлабки фармонларидан бирида уни йўлга қўйиш ҳақида кўрсатма берган. Уша замон гувоҳларидан бири Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, бутун салтанат узра бир кунлик йўл оралиғидаги ҳар бир масканда тўхташ жойлари бино этилган бўлиб, уларда 10 тадан 200 тагача от-улов сақланган, махсус хизматчилар фаолият

¹ Темур тузуклари, 108-бет.

² Шомий. Зафарнома, 2-жилд, 99-бет; Яздий. Зафарнома, 731—733-бетлар.

³ Темур тузуклари, 108-бет.

кўрсатган. Бу юмушларнинг бари давлат хазинасидан таъминланган. Даргоҳдан ё даргоҳ томон жойлардан, хизмат юзасидан йўлга чиққан ҳар бир шахс ё гуруҳ мазкур жойларда тўхтаб дам олиб, отларни алмаштириб яна йўлда давом этаверган¹. Ҳайратга соларлик томони шундаки, улкан салтанатнинг ҳар бир бурчагидан Самарқанд томон йўналувчи йўлда шу тартиб жорий қилинган. Улар ҳатто аҳоли турмайдиган ерларда ҳам ишлаб турган. Чунончи, испаниялик элчилар Табриздан (ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбидан) Самарқандгача бўлган сафар чоғида бундай тартибни ўз кўзлари билан кўрганлар. Тартиб ғоятда қатъий бўлган. Масалан, мазкур хизматдан фойдаланаётганлар минган от йўлда, тўхташ жойлардан йироқда яроқсиз бўлиб қолса, йўлда учраган отликнинг, ким бўлишидан қатъи назар, амирми, ҳарбийми, ҳатто олий ҳукмдорнинг ўғлими, отини олиб миниб кетишга ҳақли бўлган. Бир сафар шундай ҳолатда Амир Темурнинг катта ўғлининг отидан фойдаланган эканлар². Бу борадаги тартиб ва аҳвол хусусида янада аниқроқ маълумотни Ҳофиз Абру қолдирган. Унга кўра, Самарқанддан қайси бир томонга йўлга чиқилмасин, бир ой ё икки ой йўл юриладими, ҳеч ким ҳеч қачон кўчада қолмаган. Тўхташ жойлари бир йўла ҳатто 1000 кишини қабул қилиши мумкин бўлган³.

Амир Темур ва умуман темурийлар даврида ташқи сиёсий-дипломатик алоқалар изчил равишда олиб борилганини биламиз. Албатта, бунда тегишли давлат муассасаларининг роли бўлгани табиий. Бундан ташқари X—XIII аср бошларида биз ташқи алоқалар, ёзишмалар бўйича ижроия ташкилотлари ишлаб келганини кўрдик. Клавихонинг Самарқандда элчилар билан шуғулланувчи махсус амирлар хизмат қилгани, элчиларни кутиб олиш, кузатиш билан боғлиқ тадбирларни уюштиришга оид гувоҳликларини инобатга олиб хулоса қилиш мумкинки, ташқи алоқалар, элчилар, халқаро ёзишмалар билан шуғулланувчи хизмат бўлган. Афтидан, бу хизмат ижроия тизимида эмас, даргоҳ таркибида фаолият кўрсатган.

Хоҳ даргоҳ, хоҳ ижроия тизими бўлсин, давлат хизматлари қандай пухта ва аниқ ишлаганини Клавихонинг куйидаги гувоҳлигидан билиб олиш мумкин. Ҳар бир

¹ *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406), 1990, с. 89.*

² *Уша жойда, 90-бет.*

³ *Шомий. Зафарнома, 2-жилд, 198-бет.*

маслаҳатчи, яъни йирик амалдор ўз битикчиси ва қайд дафтарига эга экан. Битикчилар ўз бошлиқлари кўрсатмасига мувофиқ турли ҳужжатлар, масалан, ёрлиқлар ёзиб тайёрларканлар, албатта, бу ҳақда қайд дафтарига ёзиб ёрлиққа тегишли белги (рақам) қўйганлар. Кейин эса ёрлиқ йўриқчига топширилиб, у унга муҳр босган ва мазкур масалага дахлдор хизматларга юборган. Хуллас, ҳужжат яна 3—4 амалдор назоратидан ўтиб уларнинг муҳрлари босилгандан кейингина олий ҳукмдор муҳри урилган¹. Шундан сўнг бу ҳужжат қонун кучини олган. Кези келганда айтиш лозимки, Соҳибқирон муҳрида қуйидагича белги ўз аксини топган:



Икки оғиз сўз давлат хизматчилари ҳақида. Доим бўлганидек, давлат хизматига олинадиганларга катта талаблар қўйилган: улар ўқимишли, кенг билимли ва дунёқарашли, ҳалол бўлишлари керак эди. Бу борада Амир Темур ўз «Тузуклар»ида шундай ёзади: «Амр қилдимки, вазирлар тоза наслик, ақл-фаросатлик, халқ аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик, сабр-чидамлик ва тинчликсевар» бўлмоғи керак. Бундайларга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин. Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, наслию зоти ёмон, ҳасадчи, кина-кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди»².

Маҳаллий бошқарув ҳақида сўз кетса, аввал шуни қайд этиш керакки, салтанатнинг одатда ҳукмрон сулола намояндалари ва шу хонадон таянчи бўлмиш ҳарбий-сиёсий кучлар ёрдамида идора этилишини кўп бора кўрдик. Темурийлар даври ҳам бундан мустасно эмасди. Табиий равишда Амир Темур салтанатни бошқаришда, энг аввало, ўз ўғиллари ва авлодларига суянди. Чунончи, у салтанатни бир қанча улусларга тақсимлаб, Мовароуннаҳр яхлитлигини сақлаган ҳолда бошқарди. Ҳар бир улуснинг ҳам ўзига яраша даргоҳи ва вазирлари бўлган. Аммо марказий бошқарув тизимидаги каби кенг тармоқли бўлмай, муайян ҳудуд доирасида олий даргоҳ ва ижроия тизими олдида жавобгарлик ҳолатида фаолият кўрсатган.

¹ *Клависо*. Дневник, с. 142.

² Темур тузуклари, 94—95-бетлар.

Алоҳида кўрсатган хизматлари учун йирик амалдорлар, ҳарбийлар, дин пешволари ҳамда бўйсундирилган собиқ ҳукмдорларга шахсий хизмати ва шароитга муносиб равишда бирон ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман) тортиқ (суйурғол) қилинган. Масалан, Амир Темур ўз пири саййид Баракага Андхудни тортиқ қилгани маълум¹. Ана шундай ҳолларда, «Тузуклар»да ёзилишича, ҳар бир суйурғол қилинган вилоят ё мамлакатга икки-тадан вазир тайинланган. Биринчиси — йиғиладиган солиқларни қайд этиб, аҳоли аҳволидан бохабар бўлиб туриш, иккинчиси эса йиғиладиган даромадлар қай тарзда харж қилинаётганини ҳисобга олиш, шу ерда мавжуд ҳарбий қисмларга бериладиган маош тақсимооти билан шуғулланиш кабилар билан банд бўлган². Фараз қилиш мумкинки, мазкур вазирлар орқали марказ жойлардаги молиявий, солиқ, ижтимоий ҳолат масалалари бўйича тўғридан-тўғри маълумот олиб турган. Афтидан, бу вазирлар юқорида тилга олинган марказий ижроия тизимидаги сарҳадлар бўйича уч вазирлик назорати ва ҳамкорлигида фаолият кўрсатган. Суйурғол ерларга махсус вазирларни тайинлашнинг амалий томони бўлгани шубҳасиз. Зеро, суйурғол эгалари ўзларига тортиқ қилинган жойлардаги аҳолидан олинадиган давлат солиқларини тўлалигича ё маълум бир улушини ўзларига олишлари назарда тутилган. Бу борада меъёрдан чиқиш, аҳоли норозилигига сабаб бўлувчи ишларга қўл уриш умуман салтанат кудратига путур етказиши турган гап эди. Шунинг учун ҳам марказ жойларда ўз вакилларига эга бўлгани табиий.

Шаҳар, туман миқёсидаги бошлиқлар доруға, қалъа бошлиғи кутвол дейилганини эслатиб ўтиш жоиз.

Энди кўриладиган даврда қонунчилик, жамият ва давлат бошқарувидаги қонун ва тартиблар ҳақида тўхталиб ўтсак. Темурийлар, хусусан, Амир Темур даври қонунчилигини ёритишда унинг «Тузуклар»и гоятда қўл келади. «Бу тузуклардан, — деб ёзади муаллиф, — (келажакда) салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар»³. Демак, «Тузуклар»ни ёзишдан мақсад жамият ва давлат бошқарувида зарур ҳисобланган қонун-қоидалар, яъни тузуклар мажмуини яратиш бўлган. Агар ундаги баъзи бир қайтаришлар, шахсий мулоҳазалар ва «лирик кечинмалар»ни олиб

¹ Яздий. Зафарнома, 915-бет.

² Темур тузуклари, 90-бет.

³ Уша жойда, 68-бет.

ташласак, ихтиёримизда ўша даврнинг асосий қонунлари (қонунчилиги) мажмуи гавдаланиши турган гап.

Умуман давлатчиликнинг ўрта асрларга хос, хусусан, ўзбек давлатчилиги тарихида давлат тепасида турган биринчи шахсга жуда кўп нарса боғлиқ бўлганини биламиз. Ҳар бир жамият ўзига муносиб ё ўзи муносиб бўлган ҳукмдорга эга бўлади, ҳикмати ҳам худди ўша замонлардан қолган ва ўша замон воқелигини акс эттиргани шубҳасиз. Шу маънода Амир Темур даври қонунчилиги нафақат унинг шахсияти, балки ўша жамият дунёқараши, одатлари, талаб ва имкониятлари кабилар билан боғлиқ бўлгани аниқ. Юқорида биз алоҳида таъкидлаган давлатчилигимиз асосларига Амир Темур томонидан сингдирилган тўққизинчи асос — барча ижтимоий табақалар фаолияти ва манфаатларини назарда тутиш ўша замон қонунчилигининг бош бўғинини ташкил этган. Амир Темурнинг қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: «Давлат устунлари ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан қувватланади». Агар қайтаришларни истисно этсак, бу табақа ва тоифа қуйидагилардир: сиёсатчилар, дин пешволари, ҳарбийлар, амалдорлар, зиёлилар, савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар¹. Кўриниб турганидек, бу ерда барча ижтимоий табақалар мужассамлашган. Гап «ҳукмрон синф» ё бирон-бир алоҳида табақа устида эмас, бутун жамият аъзолари ва улар тегишли бўлган тоифалар устида кетмоқда. Мазмун эътибори билан Амир Темур мазкур 12 табақага муносабатидан сўнг қуйидагиларни ёзади: «Давлат ишларини салтанат қонун қоидаларига... тўро-тузукка таяниб... амирлар, вазирлар, сипоҳ, райийат — ҳар бирини ўз лавозимига ва мартабасига» қараб бошқардим. Гарчи бир қараганда ҳақиқатан ҳам Амир Темур бошқаргандек туюлса-да ва бунда ҳақиқат бор, аммо шу билан бирга аслида жамият ва салтанат шарият ва тўро-тузуқлар, яъни ўз даври қонунчилиги асосида бошқарилган.

Шарият деганда ўша замонларда мусулмон жамиятидаги муайян бир ахлоқий-ҳуқуқий нормалар англаймоғи керак. Зеро, «тўғри йўл» мазмунини берувчи шарият (Аш-шариа) асосида Куръон ва сунна ётса-да, лекин у аслида фикҳ (ҳуқуқ ва юриспруденция) учун умумий мафкуравий, диний-ахлоқий манба бўлиб хизмат қилган. Демак, хулоса қилиш мумкинки, жамият ҳаётининг

¹ Ўша жойда, 81—84-бетлар.

турли соҳаларини бошқаришда қадимдан жорий бўлиб келган қонунчилик (тузукчилик) ва мусулмон қонунчилиги (фиқҳ) имкониятларидан ҳам фойдаланилган.

Албатта, бу ерда ўрта асрларга хос ва мос яқка ҳукмронлик бошқарув тизимида олий ҳукмдорнинг ўрнини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Зеро, унинг ҳар бир фармойиши амалда қонун кучини олган. Шу маънода «Тузуклар»да келтирилган «Аҳолини йўл-йўриққа солиш ва маош тайинлаш», «Раиййатдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва юксалтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга ошириш», «Сипоҳ сақлаб туриш», «Вазир тутиш» каби қатор тузуклар таҳлили эътиборга моликдир¹. Уларда ҳар бир алоҳида ижтимоий йўналишда доим содир бўлиб турадиган жараёнлар учун ҳуқуқий меъёрлар ўз аксини топган. Масалан, уруш пайтларида мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбоши ҳукмининг эса ўнбошига мажбурийлиги ва бу тартиб бузилса тегишли жазо берилиши ё бўлмаса оддий аскар, ўнбоши, юзбоши, мингбошига бериладиган машошлардаги чегаралар, фарқларни оласизми, қўйингчи, ҳар бир тузукда муайян бир воқеликдаги фаолиятга адолат мезонидан туриб муносабатда бўлиш кўзга ташланиб туради. Демак, Амир Темур ўз тузукларини ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ қиларкан, энг аввало, бир нарсани — жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қонуний асосга қўйишни мўлжал қилган. Бунда олий ҳукмдор — давлат раҳбари олдида турган масъулиятни ҳам унутмаган. Унингча, давлат раҳбари бир сўзли, ўз ишини ўзи билиб қилиши, ўзи ва атрофидагиларга адолатли бўлиши, холис, қатъийлик билан иш юритиши, фикрлар хилма-хиллигидан чўчимаслиги, қизиққон бўлмаслиги, мулоҳаза билан иш юритиши лозим².

Талаблар нафақат фуқаро ё, кўрганимиздагидек, ҳукмдорга нисбатан, балки ҳокимият идоралари олдида ҳам қўйилгани маълум. «Агар, — дейилади «Тузуклар»да, — (хароб бўлиб ётган ерларнинг) эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин»³. Кўриниб турганидек, фуқародан бир нарсани талаб қилишдан олдин давлат унга тегишли шарт-шароит яратиб бермоғи лозимлиги қонунлаштирилган. Бу борада янада чуқурлашиб борилиб қуйидаги

¹ *Батафсила қаранг:* Темур тузуклари, 88, 94, 121, 122-бетлар.

² *Уша жойда,* 80—81-бетлар.

³ *Уша жойда,* 124-бет.

хукукий меъёр юзага келган: «Кимки, бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўқартирса, ёки бирон-бир хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раиййат ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин»¹. Фуқаролар ҳаёти ва фаолиятини адолатли, уларнинг манфаатига мос тарзда ташкил этишда бу билан ҳам чекланилмаганлигини Амир Темурнинг қуйидаги фармонидан билиб олиш мумкин: «Хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига» ва бошқа шарт-шароитларга қараб олсинлар. Мазкур мисоллар ўзбек давлатчилиги ва қонунчилигининг Амир Темур давридаги мазмунини тўла равишда намоён қила олади, десак хато бўлмайди. Қонунчиликда биринчи ўринда фуқаро манфаати турган. «Негаки, — дейилади «Тузуқлар»да, — раиййат хонавайрон қилинса, (давлат) хазинаси камбағаллашишига олиб келади... (бу эса ўз ўрнида) салтанатнинг кучsizланишига олиб боради»². Бу ҳамма замонлар учун ҳақ гап. Зеро, иқтисодий қудратга эга бўлмаган давлат доим заиф бўлади. Иқтисодий қудратни эса халқ (раиййат) яратади. Бунда адолатли қонун роли беқиёсдир. Амир Темур даҳосининг қирраларидан бири ҳам унинг мазкур абадий ҳақиқатни англай билганлиги ва амалда намоён қила олганлиги билан ўлчанади.

Икки оғиз ҳарбий сиёсат ҳақида. Амир Темурнинг мазкур масала бобидаги дунёқарашини унинг қуйидаги сўзлари орқали билиб олиш мумкин: «Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим»³. Демак, сиёсат ва бошқарувда Амир Темур қиличга, яъни зўрликка фақат бир улушгина эътибор ажратяпти. Унинг байроғи эса доимо сиёсат ва тадбир бўлиб келган. Шу билан бирга тарих Амир Темурни энг буюк саркардалардан деб билади. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо бизнинг фикримизча, Амир Темурнинг ҳарбий санъат борасидаги буюклиги унинг энг асосий фазилати — буюк давлат арбоблигининг бир қиррасини ташкил этган, холос. Зеро, унинг ҳарбий сиёсати бош мақсад — қудратли давлат ва салтанат барпо этиш ишига хизмат қилган. Масаланинг бу томонига алоҳида

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда, 122-бет.

³ Ўша жойда, 25-бет.

урғу беришимизнинг сабаби бор. Чунки шу чоққача ва баъзан ҳозирда ҳам Амир Темурнинг фаолияти ҳақида сўз кетганда унинг ҳарбий саркарда, лашкарбошилиги-га кўпроқ эътибор берилиб, унда у қўлга киритган ҳарбий ютуқлар ҳақида сўз кетган. Бу билан унинг умри фақат урушларда ўтгандай бўлиб қолади. Ваҳоланки, Шомий, Яздий, Натанзий, Ҳофиз Абру ва бошқа тарихчилар асарларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Амир Темур ҳарбий тадбирлар билан тўғридан-тўғри ўрта ҳисобда йилда бир неча ойгина банд бўлган. Қолган вақт давлат ва салтанат ишларига бағишланган. Аслида эса, таъкидланганидек, ҳарбий сиёсат унинг бош мақсадининг амалдаги таркибий қисми эди, холос. Шу билан бирга катта истеъдод эгаси сифатида мазкур соҳада ҳам Амир Темур бошқалардан ажралиб турган.

Бунинг исботини биз «Тузуқлар»нинг мазкур масалага оид боблари билан танишиш борасида яққол кўришимиз мумкин. Амир Темур лашкарида ҳар бир аскар, ҳар бир қисм фаолияти, яъни маоши, ҳарбий аслаҳалар билан таъминоти, хизмат пиллапояларидан кўтарилиб бориши, навкар билан унинг беги ўртасида хизмат муомаласи, уруш пайтларидаги ҳарбий тактика каби барча масала ва тадбирлар олдиндан ўйланиб, муайян бир тартибга солинган эди. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур лашкарида қатъий хизмат ва ташкилий интизом ўрнатилган, ким нима билан шуғулланиши, нимага жавоб бериши аниқ кўрсатиб қўйилган. Ҳатто икир-чикир масалалар ҳам олдиндан кўрсатилиб ўтилган. Масалан, оддий аскарнинг ҳарбий юришга тайёргарлигидаги талабларни олайлик. «Юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон, бир қилич, арра, бигиз, битта қоп, жуводдуз, болта, ўнта игна ва чарм халта олсин», дейилган «Тузуқлар»да¹. Худди шунга ўхшаш баҳодирлар, ўнбошилар, юзбошилар, мингбошилар, амирлар учун зарур ҳисобланган қурол-аслаҳалар тафсилоти ҳам берилган. «Тузуқлар»да амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўн бошилар ва бошқа ҳарбийларга маош белгилаш тартиби ҳам аниқ кўрсатилганини эсласак, шу нарса маълум бўладики, Амир Темур бўлажак ҳарбий тадбирларга, энг аввало, тинчлик шароитида, лашкарни ҳар жиҳатдан таъминлаш, у тўғрида қайғуриш орқали тайёргарлигини кўриб қўйган. Бир сўз

¹ Ўша жойда, 15-бет.

билан айтганда, унинг лашкардан, лашкарнинг эса ундан кўнгли тўқ бўлган ҳолда жангларга киришилган. Амир Темур жанг суратини ҳам олдиндан режалаштириб қўйгани маълум. Чунончи, у жорий қилган тартибга кўра, агар ғаним лашкари ўн икки мингдан ортиқ, лекин қирқ мингга етмаса, лашкарбошилиқ шаҳзодалардан бирига юклатилган. Агар ғаним кўшини қирқ мингдан ошиқ бўлса, у ҳолда Соҳибқироннинг ўзи лашкарга бошчилик қилган¹.

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг шахсан ўзи яккама-якка олишувлардан тоймаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Чунончи, 1379 йили Урганч қамал қилинаётган бир пайтда у Юсуф Сўфийга юзма-юз чиқишга отланади, аммо рақиб олишувга чиқмайди. Худди шунга ўхшаш ҳол 1383 йили Сейистон юришида бўлиб ўтган². Хуллас, Амир Темурнинг мардлиги ва шахсий намунаси лашкар руҳини кўтаришда катта аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Шароитга қараб Амир Темур лашкарнинг саф тортиши, жангга кириш тартибини ўзгартириб турган. 1391 йили Тўхтамишхонга қарши жангда илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган янги ҳарбий тактикани қўллаган. Амир Темур тарихчиларидан Шомийнинг ёзишича, «Соҳибқирон лашкарини сафлаб етти қисмга шундайин муқаррар этдики, унинг васфи ва баёнига киши ожизлик қилади»³. Мазкур гувоҳликдан чиқадиган хулоса шуки, бу ғоятда мураккаб ва камёб ҳарбий тактика бўлган.

Амир Темур ҳарбий юришларни ниҳоятда пухталиқ ва ортиқча шов-шувсиз тайёрлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам унинг кўшинлари ғаним учун қутилмаган вақт ва ерда пайдо бўлиб, кўкқисдан ҳамла қилиб қолиши ҳеч гап эмасди. Соҳибқироннинг ҳар бир йирик ҳарбий юришдан олдин кенгаш ўтказиши одат тусига кирган. Кенгашда у барча йиғилганларнинг фикрини тинглаб, мазкур шароитда энг мақбул йўлни танлашга ҳаракат қилган.

Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур даврида ташқи разведка фаолияти ниҳоятда юксак даражада йўлга қўйилган. Мазкур хизмат вакиллари чақанафуруш, йирик савдогар, полвон, дорбоз, ҳунарманд, мунажжим, қаландар, дарвиш, денгизчи, сайёҳ, мешқобчи, этикдўз, толиб ниқоби остида турли мамлакат-

¹ Уша жойда, 125—134-бетлар.

² Яздий. Зафарнома, 343—362-бетлар.

³ Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 123-бет.

ларда бўлиб, у ерлардаги шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, тоғу тошлар, сувлар, ҳар бир жойнинг аҳолиси, бошлиқлари, улуғлари, амирлари, фозиллари, шарифлари, бойу камбағаллари тўғрисида ҳар томонлама батафсил маълумотлар йиғиб, ҳатто суратлари билан Самарқандга юбориб турганлар¹. Бу билан ҳам чекланмай, Амир Темур ҳарбий, сиёсий муносабатларга киришаётган мамлакатлар тарихи, урф-одатларига оид асарларни синчиклаб ўрганган.

Демак, Амир Темур ҳарбий сиёсати, энг аввало, давлатни мустақкамлаш, хавфдан сақлашга йўналтирилган бўлиб, бу сиёсатни пухта йўлга қўйишда Соҳибқирон масаланинг иқтисодий, техникавий, илмий (мамлакатлар, шаҳарлар, йўллар, халқлар, душман лашкарлари, табиий-иқлим шароитларини ўрганиш ва ҳоказо), ташкилий томонларига катта эътибор билан қараган. Худди шу йўл уни ҳарбий санъат борасида юксакликка олиб чиққан.

Шундай қилиб, биз Амир Темур даври давлат бошқаруви, қонунчилиги, ҳарбий санъат масалаларига оид мулоҳазаларни билдирдик. Мазкур соҳаларда олиб берилган ҳаракатлар бир мақсадга: давлатни қудратли ва жамиятни иқтидорли этишга қаратилганини ёдда тутиш биз учун фоятда муҳимдир.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ, ФАН ВА МАДАНИЯТ

Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида сўз кетганда аксар ҳолларда мавзунинг сиёсий тарих, ҳарбий юришлар билан боғлиқ томонларига кўпроқ эътибор бериб келинган. Гап ўша замон ижтимоий-иқтисодий муносабатлари масалаларига тақалганда эса жамиятдаги «хукмрон синфлар» манфаатларининг устунлиги ва оддий халқнинг «эзилгани» борасида фикр юритишдан четга чиқилмаган ҳисоб. Ваҳоланки, ўз даври учун тараққиётни юксак даражага олиб чиқишда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнини ҳам шундай поғонага кўтара билишлик тақозо этилгани ойдек равшан эди. Темурийлар ва айниқса Амир Темур давридаги давлатимиз қудрати кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қуввати билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган.

¹ Амир Темур тарихи, 2-китоб, 71—72-бетлар.

Юқорида Амир Темур доимо қонун ва тўро-тузукларга суяниб иш тутгани ҳақида маълум қилгандик. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш жараёни ҳам бундан мустасно эмасди. «Темур тузуклари»да бу масалага бағишланган махсус боб бор. Унга кўра мазкур соҳа иштирокчилари (деҳқон, хунарманд, савдогар, солиқчи ва ҳоказо), объектлари (ер-сув, ҳосил ва бошқалар) — ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси аниқ белгилаб қўйилган¹. Энг масъулиятли вазифани эса давлат ўз бўйнига олган. Хароба ерларга сув чиқариш ва обод қилиш, бузилган кўприкларни тузатиш, янгиларини қуриш, йўл хавфсизлигини таъминлаш, савдо ва элчилик қарвонларига кузатувчи ва соқчилар тайинлаш, йўловчиларнинг ҳаётини, мол-мулкни муҳофаза қилиш, қарвонсарой, ёмхоналар қуриш каби катта куч ва маблағ талаб қиладиган юмушлар шулар жумласидандир. Амир Темурнинг барча ижтимоий табақаларга бирдай муносабатда бўлгани ва, энг муҳими, жамиятни бошқаришда уларнинг ҳар бири имкониятларидан тўла фойдаланишга интилгани ҳақида биз тўхталиб ўтгандик. Бу борада Амир Темур илгари сурган ғоя — усул ҳам аниқ: куч — адолатда.

Барча замонлар учун оддий бир ҳақиқат бор: инсонни ер боқади. Ерни ишлаш, энг аввало, суғориш лозим. Амир Темур мазкур оддий ҳақиқатни давлат миқёсидаги масалага кўтара билди. Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, «олам равнақи ва рўшнолиги йўлида ҳафсаласи ниҳоятда баланд бўлган (Амир Темур) ободончиликка ярайдиган бирон парча ернинг зое бўлишини раво кўрмасди». Шу қоидага риоя қилган ҳолда у Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа ўлкаларда сув чиқариб ободончилик, янги ерлар очиш, боғлар барпо этиш каби муҳим тадбирларни амалга оширди. Амир Темур даврида Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳару туманларда ўнлаб каналлар, ариқлар қазилди, дарахтзорлар, экинзорлар, боғ-роғлар яшнаб, тўкин-сочинлик юзага келди, хориждан келган сайёҳлар, элчилар мамлакат гўзаллигидан ҳайратга тушдилар. Бундай тадбирлар нафақат бизнинг юртда, балки салтанат таркибидаги бошқа мамлакат ва маконларда ҳам амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу маънода ўша замон тарих ва география олими Ҳофиз Абрунинг гувоҳликлари диққатга сазовордир. Унга кўра, Амир

¹ Темур тузуклари, 122—125-бетлар.

Темур Хуросондаги Мурғоб дарёси (ҳозирда Афғонистон ва Туркманистон ҳудудларидан оқадиган дарё) водийсида ободончилик ва деҳқончилик хароб аҳволга тушиб қолганини кўриб, дарёдан йигирмата канал қазиб сув чиқаришни буюради. Шу тариқа, деб ёзади тарихчи, водийда бунёдкорлик ва деҳқончилик соҳаларига асос солинди. Ким билсин, бугун ана шу каналлардан қайсилари сақланиб қолган экан. Шу вайдан ҳам уларнинг номини келтириб ўтамиз: Дилкушо, Ганжравон, Дарбанд, Ганжхона, Умар Тобон, Оқбуғо, Қутлуғ хотун, Шайх Абу Саъид, Шайх Али, Давлатшоҳ Жондор, Гулбоғон, Қутлуғ Темур, Ҳасан Жондор, Амир Аловуддин, Санжадак, Наврўз, Навбатхон, Менглихожа, Кепакчи, Али Малик каналлари¹. Юқорида тилга олинган Қутлуқ хотун канали афтидан Амир Темурнинг опаси Қутлуқ Туркон Оғо номига берилган бўлиши керак. Водийдаги ободончилик ва деҳқончилик равнақиға кейинги даврларда ҳам эътибор сусаймаганини шундан ҳам билса бўладики, Хуросондаги сўнги теурийлардан бири Султон Ҳусайн Бойқаро Боло Мурғоб ва Марв оралиғидаги ҳудудларда каналлар қазитиш, таъмирлаш, экинзорлар барпо қилиш тадбирларини амалга оширгани маълум.

Амир Темурнинг Озарбайжонда ҳам сунъий суғориш тизимларини бунёд этиш ишларига катта аҳамият берганини биламиз. Чунончи, Қорабоғда бўлиб турган пайтида Соҳибқирон ўша атрофда узунлиги 60—70 км келадиган Барлос каналини қазитгани ҳақида гувоҳликлар бор. Бошқа бир гал унинг буйруғи билан 35—40 км узунликдаги Бойлақон канали қазилади. Мазкур тадбирлар натижасида қаровсиз ерларга сув чиқиб, саҳро ва харобалар ўрнида экинзорлар, боғ-роғлар, қишлоқлар қад кўтаргани манбаларда аниқ ёзилган². Амир Темурнинг Кобулдан нарироқда оқадиган Фурбон дарёсидан 30—35 км узунликда канал чиқаргани ва у Жуйи моҳигир ҳамда Жуйи нав номлари билан машҳур бўлгани, натижада бу атрофда ободончилик юзага келгани ҳам маълум³.

Кўриб турганимиздек, Амир Темур ва теурийлар даврида сунъий суғориш ишларига катта эътибор берилган. Шу билан бирга лалмикор ерлар имкониятларидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган. «Тузуқ-

¹ Жуғрофийойи Ҳофизии Абуру. Қисмати рабъи Хуросон. Мойил Ҳаравий нашри. Техрон, 1349 (х), 34-бет.

² *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 245, 291-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 822, 910-бетлар.

³ *Яздий*. Зафарнома, 621-бет.

лар»да таъкидланишича, лалмикор ерлар жарибларга (гектарларга) бўлиниб, йиғиб олинган ҳосилнинг учдан бир ё тўртдан бир қисми солиқ сифатида тўланган¹.

Ер-сувдан унумли фойдаланиш деҳқончиликнинг барча соҳалари ривожига туртки бўлган. 1404 йили Самарқандда бўлган Испания элчиси Клавихо қолдирган хотиралар фикримиз далили бўлиши мумкин. Унинг ёзишича, нон шунчалик арзон бўлганки, ундан арзон бўлиши мумкин эмасди. Гуруч эса ҳаддан ташқари кўп. Бир қоп арпа бир мири (яъни кумуш танганинг тўртдан бири), битта катта кўй тахминан ўн кумуш танга атрофида бўлган². Мазкур маълумотлар ўша пайтда ғаллачилик, чорвачилик қандай йўлга қўйилиб, нечоғлик юқори ҳосилдорликка эришилганидан далолатдир. Шунингдек пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик каби соҳалар ҳам изчил ривожланиб боргани маълум. Полиз экинларидан айниқса қовун хорижда ҳам машҳур эди. «Ҳар куни шаҳарга қовун ортилган туялар шунчалик кўп келадики, уларнинг қандай сотилиб кетилишию қандай қилиб истеъмолчиларга етиб боришига ақлинг бовар қилмайди», деб ёзганди Клавихо юртимиз қовунларига таъриф бериб³. Ё боғларни олайлик, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот ва бошқа кўплаб жойларда ўнлаб боғлар барпо этилган. Биргина Самарқанд атрофида Беҳишт, Шимол (Шамол), Дилкушо, Баланд, Чинор, Зоғон, Боғинав, Жаҳоннамо, Нақши жаҳон, Гулбоғ, Бўлду, Давлатобод, Амирзода Шоҳрух каби бир қатор боғлар қад кўтарган. Улар нафақат боғдорчилик, балки ичидаги қасрлари билан меъморчиликнинг нафис намуналари ҳам эдилар.

Миришкор деҳқонлар ва боғбонлар ҳосил етиштириш билан бир қаторда уларни узоқ муддатда сақлашни ҳам яхши эплаганлар. Чунончи, анжир қоқи, қовун қоқи, туршак, майиз ва бошқа кўплаб қуруқ мевалар йил бўйи, айниқса, салқин-совуқ фаслларда бозор расгалари ва хонадонларни безаган, чет элларга олиб бориб сотилган.

Мазкур соҳаларда юқори натижаларга эришишда адолатли солиқ тизимининг ҳам мавжудлиги ўз таъсирини кўрсатгани шубҳасиз. Шу маънода «Тузуқлар»даги қуйидаги қайдлар қизик: «Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан раиййатдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар раиййат со-

¹ Темур тузуқлари, 124-бет.

² Клавихо. Дневник, с. 138.

³ Ўша жойда.

лиқ тўпловчи юборилмасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агар солиқ йиғувчини юборишга мажбур бўлинса, улар солиқни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак-арқон ишлатиб ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб занжир билан кишанламасинлар»¹.

Ишлаб чиқаришга келсак, ип, ипак, жундан турли-туман газламалар, матолар тўқилган, кийим-кечаклар тикилган. Қуролсозлик, ойнасозлик, дурадгорлик, тош йўнувчилик, заргарлик, кўнчилик, кулолчилик каби бир қатор бошқа соҳалар юқори савияда ривож топган. Чунончи, испаниялик элчини лол қолдирган соҳалардан бири зардўзлик эди. У қимматбаҳо матоларни заррин иплар билан безаш, оловдек ёниб турган гиламларга заррин нақшлар ила жило бериш ҳунари нафис санъат даражасига етказилганига тан берган.

Юқорида зикр этилган йўналишлардаги ютуқлар савдо-сотик ишларига кенг йўл очиб бериши табиий. Бунинг устига Хитойдан Европагача бўлган улкан ҳудуднинг бир сиёсий марказ остида бирлаштирилиши, шимолий ва жанубий йўналишлардаги савдо йўллари ни назорат қилиш, карвон йўлларининг ҳар жиҳатдан таъминланиши, чунончи, хавфсизлик, равон йўллар, доимо хизмат кўрсатиб турувчи карвонсаройлар, лангарлар — буларнинг бари савдо-сотикнинг гуркираб ўсишида муҳим омиллар бўлиб хизмат қилган. Хуллас, Амир Темур даврида ҳозирда «Буюк ипак йўли» номила машҳур Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи савдо йўли узлуксиз ва маҳсулдор равишда ишлаб туришига кенг имкониятлар очилган. Шу ўринда Амир Темурнинг қўйидаги сўзлари эътиборга лойиқ: «Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладим, улар қаерга боришмасин, Хитой, Чинмочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Жазоир, Фарангистон (Европа), у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тўхфаларидан келтирсинлар»².

Соҳибқирон буйруғи билан бутун салтанатда ҳар бир кунлик йўл масофаси оралиғида карвонсаройлар қурилган. Карвонсаройлар чексиз саҳроларда ҳам бунёд этилиб зарурият туғилганда тунда ҳам минг отлиқ йўловчини қабул қилиш имконига эга бўлган. Мусофирхоналар ташкил қилиш ҳам шу тарзда йўлга қўйил-

¹ Темур тузуқлари, 124-бет.

² Уша жойда.

ган. Уларни озуқа, ем-хашак ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш учун бир қишлоқ, ё бир неча қишлоқни уларга вақф қилиб бериш қонунлаштирилган¹. Хуллас, Амир Темур савдо-сотиққа катта эътибор берган. Унинг фикрича, «Дунё савдо аҳли ила ободдир»².

Савдо муносабатларининг давлат ва жамият ҳаётида, ташқи сиёсатда тутган муҳим ўрнини яхши англаган Амир Темур бу борада яна қатор тадбирларни амалга ошириб борган. Чунончи, бозорлар қуриш, эскиларини кенгайтириш, таъмирлаш ишлари жадал кечганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг исботини Самарқанд бозорининг бино этилиши орқали кўриш мумкин. Амир Темур буйруғи билан шаҳарнинг Темир дарвоза қисмидан бошланиб жануби-ғарбий йўналишда катта кўча қурилади. Унинг икки томонида эса асосан икки қаватли, чорсу, тим шаклида қурилган дўконлар, расталар қад кўтаради. Кўча усти бошдан охир гумбаз шаклида ишланган тоқ билан ёпилади. Ёруғлик тушиб туриши учун ҳар ердан дарчалар ҳам қолдирилган. Бундан ташқари маълум масофада фавворалар қурилиб, омборхоналар қад кўтарган³. Эътиборга молик томони шундаки, бирон-бир соҳага мослашган маҳаллалар, тимлар, расталар кенг қулоч ёзган. Масалан, телпакчилар, каллапазлар, новвойлар, ҳолвачилар, газмолчилар, кўнчилар, темирчилар, заргарлар, қуролсозлар ва ҳоказо. Кези келганда шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бозорлар, тимлар нафақат Самарқанд ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида, балки Хуросон, Эрон ва бошқа ўлкаларда ҳам қурилганини биламиз. Масалан, «Зафарнома» муаллифи Шарафиддин Али Яздийнинг ватани Йаздда Амир Темур олий девонининг вакили бир тим қурдирган экан. Муаллифнинг ўзи ёзишча, «Дорул фатҳ» номила машҳур бўлган бу бино ўзининг тантанавор ва гўзаллиги билан дунёда тенги йўқ ҳисобланган⁴. Соҳибқироннинг ўғли Шохрух ҳаракати билан эса Ҳиротдаги бозорни қайтадан таъмирлаш ишлари олиб борилгани ҳам маълум. Чунончи, Ҳофизи Абрунинг ёзишча, то шу чоққача Ҳирот бозорлари очиқ-сочиқ ҳолда бўлиб, чанг-тўзон, ёғингарчилик, жазирама иссиқ пайтларда сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам қийналар эканлар. Шохрух бозорни

¹ Шомий. Зафарнома, 2-жилд, 198-бет.

² Аснод ва муқотибот. Абулхусайн Навоий нашри. Техрон, 1370 (х), 128-бет.

³ Клавихо. Дневник, с. 134—135.

⁴ Яздий. Зафарнома, 850-бет.

ғиштдан қурдириб, олий тоқлар барпо қилиб, майдоннинг устини ёпишни буюрган экан. Шаҳарнинг ўртасида жойлашган мазкур бозор майдонига шаҳарнинг тўрт дарвозаси орқали тушиб бориш имкони яратилган¹.

Хуллас, савдонинг ривожини учун бор имкониятлар ишга солинган. Натижада шаҳар ва қишлоқ бозорларига ҳар қардан — Хитой, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, араб давлатлари, Рум, Миср, Европадан маҳсулотлар оқиб келаверган. Масалан, Хитойдан асосан ипак, ипак матолар, чинни, мушк, олмос, лаъл, марварид, Ҳиндистондан мускат ёнғоқ, занжабил, долчин, қалампир-мунчоқ ва бошқалар, Европадан газлама, пичоқлар, шимолий юртлардан эса мум, мўйна, тери, араб мамлакатларидан тайёр кийимлар, шиша буюмлар келтирилган. Мамлакатимиздан эса асосан тўқимачилик маҳсулотлари, ип газламалар, ипакли кийимлар, қоғоз, пахта, гуруч, мева, қуруқ мевалар каби қатор маҳсулотлар четга чиқарилган. Савдо ҳажми нечоғлик катта бўлганини шундан ҳам билса бўладики, Клавихо Самарқандда бўлиб турган йили фақат июнь ойининг ўзида биргина Хитойдан 800 туя мол олиб келинган экан². Савдосотиқнинг бундай гавжумлиги фақатгина Туркистон шаҳарларига хос бўлмай, бундай ҳолатни салтанатнинг Табриз, Султония, Шероз, Исфаҳон, Кермон, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Ироқ, Сурия каби шаҳар ва ўлкаларида ҳам кўриш мумкин эди. Айтайлик, Эрондаги Султония шаҳрида ёз ойлари савдо шунчалар қизиқ кетарканки, Ҳиндистон, Хитой, Туркистон, Озарбайжон, араб ўлкаларидан юзлаб, минглаб карвонлар келиб-кечиб турган. Келтирилган маҳсулотларнинг муайян қисми шу еда қолиб, қолгани теварак-атрофдаги мамлакатларга олиб кетилган³.

Темурийлар, айниқса, Амир Темур даврида ишлаб чиқариш ва савдо муносабатларидаги ижтимоий адолат масаласи муҳим ҳисобланганини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Яратилган шарт-шароитга, мавжуд тартибларга риоя қилмай текин даромад кетидан қувганлар жазо топиши ҳеч гап эмасди. Чунончи, Клавихо гувоҳлик беришича, навбатдаги ҳарбий юришдан қайтгач Амир Темур ўзи йўқлигида шаҳарда аҳвол қандай бўлганини текширган. Шунда бир қатор дўкондорлар, жумладан, қассоблар, этикдўзлар, бошмоқчилар ўз маҳсулотлари-

¹ Жуғрофийойи Ҳофизии Абуру, 9—10-бетлар.

² *Клавихо*. Дневник, с. 141.

³ Уша жойда, 80-бет.

ни ҳаддан юқори баҳода сотганликлари маълум бўлади. Уларнинг иши дарҳол судга берилиб жазоланадилар, суистеъмол қилинган маблағ эса тортиб олинади¹.

Темурийлар даврида пул муомаласига тўхталсак. Амир Темур замонида 6 грамм оғирликдаги кумуш тангалар ва унинг тўртдан бирига тенг 1,5 граммлик кумуш пуллар зарб қилинган маълум. 1,5 граммлик кумуш пуллар «мири» дейилган. Мазкур ном Соҳибқироннинг Амир унвони билан боғлиқ. Шунингдек муомалада мис пуллар — чақалар ҳам бўлганини биламиз. Тангалар Самарқанд, Бухоро, Ардабил, Астробод, Дарбанд, Домғон, Мордии, Табриз, Сабзавор, Шероз ва бошқа қатор шаҳарларда зарб қилинган. Бундан ташқари Амир Темур ҳарбий ўрдасининг ҳам махсус зарбхонаси (дор ал-зарби ўрдуйи олий) бўлган².

832(1428/1429) йили пул муомаласини яхшилаш, мис тангалар қадрини ошириш мақсадида Мирзо Улуғбек пул ислоҳотини ўтказди. Унга кўра, 1420 йили зарб этилган мис тангалар зарбхоналарга топширилиб, уларнинг ўрнига оғирлиги 1,5—2 баробар кўп бўлган тангалар зарб этилган. Қулайлик учун зарбхоналар Бухородан ташқари Андижон, Қарши, Самарқанд, Термиз, Шохрухийада ҳам ташкил қилинган³. Натижада пулнинг қадри кўтарилган.

Энди икки оғиз сўз Амир Темур ва темурийлар даври фан ва маданияти ҳақида. Юқорида биз Соҳибқироннинг нечоғлик истеъдод эгаси бўлгани ҳақида таъкидлагандик. «Зар қадрини заргар билади» деган ҳикмат бор. Бир қатор илмларда (тарих, шеърят, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик) салоҳияти катта бўлган шахс, бунинг устига яна подшоҳ, улкан салтанатнинг олий ҳукмдори бўлса, табиий равишда илм ва маданиятга, олим ва ижодкорга катта ҳурмат билан қарайди, бу йўлда барча имкониятларни ишга солади. Бундан ташқари ҳар қандай жамият ва давлат тараққиёти ва келажagini фан ва маданият равнақисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини Амир Темур яхши тушунган. Шунингдек истеъдод эгалари махсус ва доимий эътиборга муҳтож ва лойиқ бўлишлари, ноёб қобилият эгаларини муҳофаза қилиш, ижодлари учун шароит яратиш, турмушларини таъминлаш зарурлигини ҳам у тўғри англаган. У олиму

¹ Уша жойда, 122-бет.

² Яздий. Зафарнома, 788-бет.

³ Батафсил қаранг: Тўхтiev И. Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари, 1992; Давидович Е. А. История денежного обращения средневековой Средней Азии, 1983.

Фозиллар ўз маслаклари ва дунёқарашлари юзасидан жамият ва давлат тараққиёти, замонавий аҳволи хусусида бошқа ижтимоий табақаларга нисбатан кўпроқ бош қотиришлари ва бу орқали тегишли тажриба ва билимларга эга бўлиб боришларини ёдда тутган. Шу сабаб ҳам дунёнинг қайси бир мамлакати ва шаҳарига бормасин олиму фозилларни бир ерга йиғиб, улар билан узоқ суҳбатлашиш, уларнинг фикрини тинглаш, баҳслашиш ишини қанда қилмаган. Фикримизча, Амир Темурнинг фан ва маданият соҳасида юритган сиёсатини худди мана шу омиллар орқали баҳолаш даркор. Шу маънода Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги баёни эътиборли: «Амир Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икромии ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳашамат бўларди»¹. Бироқ шу билан бирга мазкур омилларни юзага чиқариш, улар имкониятларидан тўла фойдаланиш учун яна бир муҳим омил мавжуд бўлишини ҳам Соҳибқирон яхши биларди. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатлардан қудратли давлатгина тилга олинган омилларни юзага чиқариш имконини бериш мумкин. Ўз ўрнида, жавоб тариқасида, илм ва маданият ривожии давлат қудратига қудрат, обрўсига обрў қўшган. Шу маънода Амир Темур ҳокимият тепасига келган йилларни эслайлик.

Чингизийлар ҳукмронлиги даврида тараққиётда анча оқсаб қолган Туркистон XIV асрнинг ўрталарига келиб сиёсий бошбошдоқлик таъсирида янада мункиллаб қолган эди. Тахтга чиқиши билан Амир Темур чиқарган дастлабки фармонларда ана шу аҳволни тўғрилаш нияти борлиги яққол сезилиб туради. Чунончи, унинг буйруғига кўра олий ўқув юртлари бўлмиш мадрасалар ва уларнинг ўқувчиларини моддий жиҳатдан таъминлаб, стипендиялари оширилиши кўзда тутилган. Бу борада Муъиниддин Натанзий шундай ёзади: «Фақирлар ва илм толиблари нафақалари вақф мулклари ва мадрасаларга, ҳар бирининг ҳолига яраша ва воқиф шартига мувофиқ белгиланган. (Ана шундай) вақфларга ҳеч ҳам ва мутлоқо солиқ солилмаган. (Амир Темур) ўз вазирларига вақф мулкларидан бирон танга

¹ Амир Темур тарихи, 2-китоб, 69-бет.

менинг хазинамга тушмасин дея кўрсатма берганди. (Соҳибқирон) илм, ҳикмат аҳли ва донишманд кишилар билан (тезда) киришиб кетарди»¹.

Илм ва маданиятга бундай муносабатни Соҳибқирон умрининг охиригача сақлаб қолди. Бу йўлдан унинг авлодлари ҳам юрдилар. Натижада теурийлар замонида кўплаб мадрасалар, кутубхоналар, мактаблар барпо этилди. Уларда ўқиш ва ўқитиш учун дунёнинг турли бурчакларидан етук олимлар таклиф этилди, жалб қилинди. Совет даврида ёзилган китобларда Амир Темурунинг Самарқандга бошқа юртлардан ижодкору хунармандларни «ҳайдаб келгани» ҳақида айюҳаннос солинади. Ваҳоланки, биринчидан, айниқса Чингизхон босқини йиллари ва кейинчалик ҳам мамлакатимиздаги, умуман минтақадаги жуда кўплаб олимлар, шоирлар, хунармандлар, санъаткорлар жон сақлаш ниятида Кичик Осиё, араб ўлкалари, Ҳиндистон томонларга қочиб кетганлар. Масалан, Сайфи Фарғоний (XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV асрнинг биринчи ярми) Кичик Осиёга, Сайфи Саройи (XIV аср) Мисрга жўнаб кетишга мажбур бўлганлар. Асли бухоролик Муҳаммад Авфий (XIII асрнинг сўнгги чораги — XIV асрнинг биринчи ярми) ҳам Чингизхон хавфидан Шимолий Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлган. Юртимиз маданий тараққиётига катта зарба бўлган ҳолатлардан бири шунда эдики, турли мавқедаги сулолалар, бой-бадавлат оила ва шахслар мўғуллар дастидан ватанни тарк этарканлар, ўзлари билан сарой аҳллари, давралари, жумладан, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, хунармандларни ҳам олиб кетганлар. Иккинчи томондан, илм ва маданият намояндлари ўз ҳомийлари имкониятларидан фойдаланиб жон сақлаб қолганлар. Бундай «кўчиш» кенг равишда содир бўлганлиги ҳақида маълумотлар ихтиёримизда бор. Масалан, Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган туркий сулолалардан бирининг намояндаси Фиёсиддин Балбан (1266—1287) замонида у ерга турли мамлакатлардан, жумладан, Туркистондан ҳам мўғуллар сиқувидан қочиб бориб кўплаб олимлар, шоирлар, хунармандлар ўрнашганки, ҳукмдор уларга алоҳида-алоҳида маҳаллардан жой берган. Шу тариқа Деҳлининг ўзида хоразмликлар, самарқандликлар, кошғарликлар маҳаллалари бунёд бўлган².

Гапнинг қисқаси, чингизийлар даврида таъқибу си-

¹ *Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 279—280-бетлар.

² Тарихи Фиришга. Лакҳнав, 1903, 75-бет.

қувлар, сиёсий остин-устунликлар натижасида илм ва маданият нуқтаи назаридан хувиллаб қолган Туркистон Амир Темур замонига келиб яна жонланиш имконини қўлга киритади. Таъбир жоиз бўлса, Соҳибқирон илгари содир бўлган ноҳақликни тиклашга ҳаракат қилган. Бунда у, энг аввало, маҳаллий илм-фан ва маданият вакилларига суянгани аниқ, яъни илму маданият ривожини учун шарт-шароит яратган, сиёсий барқарорликка эришган. Натижада турли мамлакатлардаги туркистонликлар ўз юртларига қайта бошлаганлар. Улар орасида қачонлардир ота-боболари Шимолий Ҳиндистон, араб ўлкалари ва бошқа юртларга бориб ўрнашган авлодлар ҳам бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Улар, асосан, Соҳибқирон лашқарлари билан қайтган бўлишлари керак. Иккинчи томондан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларининг маданият ва илм марказига айланиши, бу ерларда бошқа жойлардан кўра ижод учун шароитнинг яхшилиги ўз-ўзидан хорижий олимлар, шоирлар, санъаткорларнинг бу ёқларга «оқиб келиши»га сабаб бўлган. Бунинг исботи сифатида Улуғбек Академиясида фаолият кўрсатган эронлик, румлик олимларни эслайлик. Масалан, Улуғбек расадхонаси, унинг илмий мактабида изчил фаолият кўрсатган эронлик машҳур олим Фиёсиддин Коший ана шундай олимлардан бири эди. Унинг ўзи, Эронда юлдузлар илмига эътибор сусайиб, аксинча, Самарқандда бу борада барча шароит борлиги сабаб ҳам Мовароуннаҳрга юзландим, деб ёзганди.

Энг муҳими, Туркистон фақатгина Амир Темур ва темурийлар даврида илму маданият соҳасида танилган юрт бўлмай, балки то ўша замонларга қадар ҳам дунёга зиё нурларини тарқатиб келаётган кўҳна ва мўътабар мамлакат ҳисобланганлигини биз яхши биламиз.

Фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши темурийлар намояндаларининг барчалари, хоҳ тахтга чиққани бўлсин, хоҳ йўқ, кенг билим эгалари бўлганликлари орқасидан ҳамдир. Улар ўз она тилларидан ташқари форс, араб тилларини мукамал билар, тарих, астрономия, математика, тиббиёт, шеърят, ҳуснихат, меъморчилик, диний илмлар борасида катта салоҳият соҳиби эдилар. Улар китобга, яъни билим ва билиш манбаига катта ҳурмат билан қараганлар. Шунинг учун ҳам Амир Темур, Шоҳрух, Бойсунғур, Улуғбек, Пир Муҳаммад, Халил Султон, Султон Ҳусайн, Бадиуззамон, Фариуддин Ҳусайн Мирзо каби подшоҳу шаҳзодаларнинг бой ку-

тубхоналари кишилар оғзига тушган, улардан кўпчилик бахраманд бўлган. Амир Темур, Шохрух, Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Қутлуғ Туркон Оғо, Маликат Оғо, Гавҳаршодбегим каби темурий ҳукмдорлар ва маликалар ҳамда темурийлар хизматида бўлган бир қатор амирлар томонидан Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Марв, Ҳирот, Йазд, Балх, Машҳад, Шероз ва бошқа шаҳарларда ўнлаб мадрасалар барпо этилди. Халил Султон, Мирзо Улуғбек, Искандар Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Ғиёсиддин Бойсунғур, Абулқосим Бобур, Абдуллатиф Мирзо, Масъуд Мирзо, Бойсунғур Мирзо (Бойсунғури Соний), Султон Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон Мирзо, Шох Ғариб Мирзо, Ғариуддин Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Султон Муҳсин Мирзо, Мўмин Мирзо, Музаффар Ҳусайн Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ва бошқа темурий намоёндалар нозик дидли шоир ҳам бўлиб, туркий ва форсийда шеър битганлар. Ва, табиий равишда, катта-кичик шоирларга ҳомийлик қилганлар, истеъдодли қаламкашларни парвариш айлаганлар. Шунинг учун ҳам темурийлар даври ўзбек ва форс адабиёти ривожига муҳим босқич ҳисобланади. Навоий ва Жомийларнинг худди ўша замонларда яшаб ижод қилганликларини эслайлик. Ўзбек ва, умуман, туркий тилли адабиёт равнақида улкан ҳисса қасб этган Саккокий, Лутфий, Атоий каби туркийзабон шоирлар, Бурундук Хўжандий, Исмаи Бухорий, Ҳумоюн Исфариний, Бадриддин Чигатой, Риёзий Самарқандий, Ҳалокий каби форсийзабон шоирлар ҳамда Эрон, Озарбайжон, Хуросон, Кичик Осиёда ижод қилган ўнлаб назм усталари худди шу даврда яшаганлар ва у ёки бу маънода темурийлар ҳимматидан бахраманд бўлганлар. Абдулҳай, Пираҳмад Боғишамолий, Муҳаммад Ҳалимий, Султон Али Бовардий, Шаҳобиддин Абдулло, Заҳириддин Асғар, Камолиддин Беҳзод каби наққошлар (миниатюра рассомлари) ҳам, Аҳмад Румий, Шомий Бойсунғурий, Ҳожи Абдулқодир, Муҳаммад Бадриддин, Муҳаммад Котиб, Султон Али Машҳадий, Абдулхалил котиб каби ўнлаб хаттотлар ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида камолот чўққисига чиққанлар. Ҳуснихат борасида темурийлар ҳам ном чиқарганлар. Чунончи, Шохрухнинг ўғиллари Иброҳим Султон ва Бойсунғур кўли билан кўчирилган Қуръон нусхалари фикримиз далилидир.

Темурийларнинг илм-фан ва маданиятга рағбати шу қадар бўлганки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг

авлодлари Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган йиллари бу мамлакат маданий тараққиётида жуда катта из қолдирди¹.

Аниқ фанлар ривожиди ҳам темурийлар замони алоҳида ўрин эгаллайди. Биргина Улуғбек Академиясини олайлик. Бу вақтларда Самарқандда ўнлаб мўътабар олимлар, астрономлар, математиклар фаолият кўрсатганлар. Қозизода Румий, Али Қушчи, Фиёсиддин Жамшид Коший, Муъиниддин Коший, Жалолиддин Астрободий, Низомиддин Биржандий, Мирим Чалабий, Мансур Коший, Абдулқодир Лоҳижий, Муҳаммад Ҳусайний ва бошқалар мазкур мактаб намояндалари, издошлари эдилар. Лекин ҳаммадан ҳам ўтиб тушгани Улуғбек бўлди. У Самарқандда ўз даври ва муайян маънода кейинги асрлар учун ҳам катта аҳамият касб этган фундаментал фанлар ривожини учун кенг йўл очиб берди. Айтилган бу ерда расадхонанинг барпо этилиши оламшумул воқеага айланди. Йигирма йил атрофида олиб борилган юлдузлар ҳаракатини узлуксиз кузатиш ишлари натижасида 1018 та юлдузнинг эклиптик системадаги вазияти аниқланди. Расадхона бош ўлчов асбобининг аниқлик даражаси бир ёй секундигача бўлганлигини ҳисобга олсак, яратилган юлдузлар жадвали то XVII асрга қадар, яъни оптик асбоблар кашф этилгунча, энг мукаммал ҳисобланганлиги асосиз бўлмаганини биламиз.

Икки оғиз сўз тиббиёт илми ҳақида. Аввалида Амир Темурнинг тиббиётга рағбати ҳақида сўз юритган эдик. Бунинг натижаси ўлароқ мазкур соҳа ривожини учун ҳам қулай шароитлар туғилганди. Тиббиёт оламида машҳур бўлган асарлар, чунончи, Бурҳониддин Нафиснинг «Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари шарҳи», «Мўжаз ал-қонун» шарҳи, Фиёс Мутаббиддиннинг «Касалликлар шифоси», Мансур ибн Муҳаммаднинг «Инсон танаси ва унинг аъзолари ҳолатининг шарҳи», «Кифоят Мансурий», Баҳоуддаула Ҳасанийнинг «Тажрибалар ҳулосаси ва хайрли ишлар» каби яна бошқа қатор тиббиёт борасидаги рисолалар темурийлар даврида ёзилди. Бурҳониддин Нафис эса олимлик билан бир қаторда Улуғбекнинг шахсий табиби ҳам эди.

Амир Темур ва темурийларнинг тарих фанига ҳам катта эътибор билан қараганликларини биламиз. Тарих-

¹ Қаранг: Зиёев А. XVI—XVII асрларда форсийзабон тарихнавислик. «Шарқшунослик» тўплами, 6-сон, 1995, 41—53-бетлар; Темурийлар даври Ҳиндистон тарихнавислиги. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 7—10-сонлар, 1996, 172—180-бетлар.

навислик бобида Шарқда донг таратган Фиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Ҳофизи Аbru, Муъиниддин Нанзанзий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар паноҳида яшаб ижод қилганлар, улар ҳақида асарлар битиб машхур бўлганлар. Мазкур ижодкорлар баъзи бирларининг асарларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Низомиддин Шомий. Асл исми Али ибн Муҳаммад, аммо кўпинча Низомиддин Шомий ёки Низомиддин Шанбий номи билан машхур. Туғилган йили аниқ эмас. Вафоти 1404—1409 йиллар орасида юз берган. 1383 йилдан буён Амир Темурнинг хизматида бўлган. Бошқа асарлари ҳам бўлса-да, уни машхур қилган «Зафарнома»дир. «Зафарнома» 1404 йили тамомланган бўлиб, уни ёзиш ташаббуси шахсан Соҳибқирондан чиққан. 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтгандан сўнг Шомий асарни унга тақдим қилган. Демак, бу «Зафарнома»га Соҳибқироннинг муборак назарлари тушган. Асар Амир Темурнинг тахтга чиққанидан (1370) то кўрсатилган 1404 йилга қадар Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Эрон, Кавказорти, араб мамлакатлари, Кичик Осиёда рўй берган ва, албатта, Амир Темур, темурийлар фаолияти билан боғлиқ муҳим воқеалар баёнидан иборат. Шомий асарни ёзишда Амир Темур хизматида бўлган битикчилар томонидан тайёрланган ҳар бир юриш, сиёсий, ижтимоий, маданий воқеалар ҳақидаги ҳисоботлар — ҳужжатларга таянган. «Зафарнома» Амир Темур тарихини тўла ёритган илк тарихий асар ҳисобланади. «Зафарнома» муқаддимасида ёзилишича, 804 (1401/1402) йили Соҳибқирон Шомийни даргоҳига чорлаб, ўз ҳаёти ва фаолияти тарихини ёзишни буюради ва шундай талаб қўяди: «Баён услуби мураккаблик аломатларидан ҳамда мақтанчоқлик дабдабаларидан холи бўлсин, (турли) маънодорлик тарзидан (ҳам) тийилинсин. Ташбиҳ ва истиоралар безаги (гирдобида асосий мақсад) кўринмай қолса, бундай услубда битилган асардан не фойда? Бир киши, бирон сўз даражасини англаб унинг маънисини тушунса, қолган ўн киши, балкисим юз киши ундан кўзланган мақсадни англашда ожиздирлар. Демак, ундан оддий халққа ҳеч қандай наф йўқдир»¹. Кўриниб турганидек, Амир Темур тарихий асар яратишдан мақсадни, баён услубларини аниқ тасаввур қилган ва вазифани ҳам лўнда қўйган, яъни тарих омма, келажак учун ёзилади. Шомий Соҳиб-

¹ Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 11-бет.

қирон талабларига мос асар яратишга интиланган ва, таъкидланганидек, кейинги йиллар тарихчилари, жумладан, Шарафиддин Али Яздий ҳам, унинг асари тузилишидан кенг фойдаланганлар. Кези келганда шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, темурийлар замонида тарихнавислик ўзининг энг юқори чўққиларидан бирига чиққан¹.

Ҳофиз Абру. Асли исми Шихобиддин Абдуллоҳ Хавофий бўлиб, 1430 йили вафот қилган. У ҳам Амир Темур ва кейинчалик Шоҳрух хизматида бўлган. Ҳофиз Абру сермаҳсул тарихчилардан. Шу билан бирга, фикримизча, асарлари орасида «Зубдат ат-таворих» алоҳида ўрин тутди. Бу асар Шоҳрухнинг ўғли Бойсунгур топшириғи билан ёзилиб, унинг тўртинчи қисмида Амир Темур тарихига оид бир қатор муҳим қўшимчалар ҳамда Соҳибқирон ўлимидан кейин то 1427 йилгача Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз берган ҳаёт тафсилотлари ўз аксини топган².

Муъиниддин Натанзий. У ҳам темурийлар, хусусан, Искандар Мирзога ва унинг ўлимидан кейин Шоҳрухга хизмат қилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Натанзий ўз даврида энг машҳур олимлардан бири ҳисобланган. Бунга биз унинг «Мунтахаб ат-таворих» («Тарихларнинг сираси») асари билан танишиш орқали иқрор бўлишимиз мумкин. Асар оламнинг яратилишидан то Соҳибқирон вафотига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Унинг географияси ҳам кенг: Хитойдан Европагача. Биз учун Амир Темур даври қизиқ. Кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Натанзий фойдаланган манбалар, ҳатто Шомий истифода қилган ҳужжатлардан ҳам фарқлидир. Ҳақиқатан ҳам асар билан танишар эканмиз, унда кўплаб туркий сўзларни учратамиз. Демак, муаллиф ихтиёрида сарой архивига оид туркий тилда ёзилган қимматли ҳужжатлар тўплами ҳам бўлган. Умуман олганда «Мунтахаб ат-таворих» синчиклаб ўрганиладиган асар. Зеро, унда бошқа тарихий манбаларда бўлмаган ва ҳозирги кўплаб олимлар назаридан четда қолаётган ноёб маълумотлар бир талай³.

¹ Асар ҳақида қаранг: *Низомиддин Шомий*. Зафарнома, Ф. Таувер нашри, 1-жилд, Прага, 1937; *Аҳмедов Б.* Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, 140—141-бетлар.

² Асар ҳақида қаранг; *Ҳофиз Абру*. Зубдат ат-таворих. Саййид Жаводий нашри, Техрон, 1372 (х), 1-жилд; Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, 143—145-бетлар.

³ Асар ҳақида қаранг: *Муъиниддин Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих. Ж. Обэн нашри, 1957; Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, 141—143-бетлар.

«Зафарнома» номи билан машхур яна бир асар бор. Унинг муаллифи **Шарафиддин Али Яздийдир** (вафоти 1454 йил). У Шохрухнинг ўгли Иброҳим Султон саройида хизматда бўлгани ва мазкур асарни яратиш иши ҳам ушбу темурий шаҳзода номи билан боғлиқлигини биламиз. Яздий «Зафарнома»си юқорида кўрилган Шомий «Зафарнома»сидан фойдаланиб ёзилгани аниқ. Шу билан бирга Яздий асарида кўплаб тўлдиришлар, аниқликлар мавжудки, бунинг сабабини муаллифнинг ўтмишдошларига нисбатан туркий битиклар, форсий манбалар, гувоҳлар, воқеалар иштиракчилари хотираларидан кенгроқ, унумлироқ фойдаланганлиги билан тушунтириш мумкин. Иккинчи томондан, Яздий «Зафарнома»сини ёзиш тадбирига ҳам жиддий эътибор билан қараган. Муаллифнинг ёзишича, Иброҳим Султоннинг буйруғи билан мавжуд барча манбалар, ҳужжатлар, хотиротлар ҳар қаердан йигиб келиниб, бирмабир мутолаа қилиниб, бир неча мароталаб текширилиб кейин вараққа олинган. Натижада, 1425 йили Амир Темур тарихига оид ўз даври учун мукамал асар яратишга эришилган¹.

Темурийлар даврида сермахсул ижод қилган тарихчилардан яна бири **Абдураззоқ Самарқандий** (1413—1482) ҳисобланади. Унинг отаси Шохрух саройида хизматда эди. Кенг билим олган Абдураззоқ ҳам йигирма беш ёшларидан бошлаб Шохрух хизматига киради. Кейинчалик у Абу Саъид Мирзо ва Абулқосим Бобур каби темурийларга ҳам хизмат қилгани маълум. Бир сўз билан айтганда, Абдураззоқ Самарқандий темурийлар даврида, хусусан, XV асрнинг 20-йилларидан 70-йилларигача кечган замонда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда бўлиб ўтган турли воқеалардан яхшигина хабардор бўлган. Нафақат хабардор бўлган, балки ўз вақтида тарихий воқеаларни қоғозга тушириб ҳам борган. Натижада улар асосида 1467—1470 йиллар орасида «Матлайи саъдайн ва мажмайи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ўрни ва икки денгизнинг кўшилиш жойи»)² асарини яратган. Асар икки жилддан иборат бўлиб, биз учун унинг иккинчи жилди, хусусан, XV аср 20-йилларидан 1470 йилга қадар юқорида тилга олинган катта минтақада кечган ижтимоий-сиёсий тарих баёни муҳимдир.

¹ Асар ҳақида қаранг: *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Уринбоевники, 1972.

² Қаранг: *Абдураззоқ Самарқандий*. Матлаи саъдайн ва мажмайи баҳрайн. Таржима ва изоҳлар А. Уринбоевники, 1969.

Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик равнақи борасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида ҳам сўз айтиш мумкин. Туркистон шаҳарларида, чунончи, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Яссида; Хуросонда, масалан, Ҳирот, Машҳад, Нишопур ва бошқа шаҳарларда, Эрон ва Озорбайжонда бунёд этилган қалъалар, масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, бозорлар, тимлар, саройлар, хонақоҳлар, хиёбонлар, мақбаралар ва бошқа мақсадга мўлжалланган бино ва иморатларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб қоғоз қоралаш мумкин. Шунинг учун ҳам биз темурийларнинг меъморчилик фаолиятига доир баъзи бир далилларни келтириб ўтмоқчимиз.

Бунёдкорлик ва меъморчилик жиҳатидан энг гуллаб-яшнаган шаҳар темурийлар даврида Самарқанд бўлди. Буни табиий деб билиш керак. Зеро, у пайтларда дунёнинг энг қудратли ва бой давлати бизники эди. Самарқанд эса мамлакатимиз пойтахти ҳисобланган. Ва ўз-ўзидан жаҳоннинг энг олди давлати пойтахти даражасида гуллаб-яшнаган, гўзал бўлиши керак эди. Албатта, бу ерда Амир Темурнинг раҳбар сифатидаги орзу-ҳаваслари, ўз юртига нисбатан фарзандлик бурчи, мамлакати билан фахрланиш каби туйғулари ҳам ўз ўрнини топган. Буни биз Самарқанд атрофида Миср, Дамашқ, Султония, Бағдод, Шероз каби қишлоқлар бунёд этиши орқали ҳам кўришимиз мумкин. У Самарқандни ва, демак, мамлакатни дунёдаги йирик давлатлар пойтахти ва мамлакатларидан бир неча маротаба юксакликка кўтаришни истаган. Аслида у бутун умрини шунга сарфлади ҳам.

Чингизийлар босқини даврида Самарқанд харобаликка юз тутганини биламиз. Қалъалар, деворлар, масжидлар ва бошқа иншоотлар вайрон қилинганди ўшанда. Хитойлик сайёҳлардан бирининг гувоҳлик беришича, Самарқанд шунчалик ҳувиллаб қолган эканки, аввалги аҳолисидан чорагигина қолган. Амир Темур тахтга чиқиши билан шаҳар ички ва ташқи қалъасини (ҳисор) бунёд этди. Бозорларни тартибга солиб, меъморий жиҳатдан беназир тимлар, дўконлар қаторини қурдирди. Шаҳарнинг ичкари ва ташқарисида боғлар билан ўралган саройлар (Тахтақароча ва бошқалар), мадрасалар, мақбаралар (Оқсарой, Ишратхона, Гўри Амир), масжидлар (масалан, Бибиҳоним), давлат идоралари, ҳаммомлар бинолари меъморчилик нуқтаи назаридан юксак даражада бажарилган. Соҳибқирондан унинг атрофидагилар ҳам ўрнак олиб кўплаб қурилиш ишларини амалга оширганлар. Ё бўлмаса, унинг Шаҳрисабзда амалга

оширган қурувчилик фаолиятини олайлик. Шаҳарни девор билан ўраш, бетакрор ва улуғвор Оқсаройни барпо этиш, Дор ул-тиловот, Дор ул-сиёdot мажмуаларидаги мақбараю мадраса таъмири ва яна қатор бошқа меъморчилик тадбирлари фикримиз далили бўла олади. Амир Темур буйруғи билан қурилган Аҳмад Яссавий мақбараси (ҳозирги Туркистон шаҳрида) ҳашамати бугун ҳам кишини лол қолдиради. Ҳиндистон юришида Ирёб, Нагар шаҳарларида қурилган қалъалар, Жанубий Озарбайжонда Байлақондаги таъмирланган қалъа, Кобул водийсида қурилган работлар ва бошқа қатор иншоотлар ҳам Амир Темур буйруғи билан амалга оширилган.

Соҳибқироннинг бундай ободончилик ва меъморчилик фаолияти бошқаларга ҳам ўрнак бўлгани маълум. Бу борада унинг авлодлари — Шоҳрухнинг Ҳирот ва Марв қалъаларини тиклагани, Ҳиротда мадраса, хонақоҳ, янги бозор биноларини қурдиргани, унинг хотинлари: Гавҳаршод бегимнинг Ҳирот, Машҳад, Тусда мадрасалар, Милкат Оғонинг Балхда битта, Ҳиротда иккита мадраса, «Дорушшифо» касалхонаси, хонақоҳ, ҳаммом, мақбара, кутубхона биноларини иморат қилганликларини мисол қилиш мумкин. Яна Улуғбек Самарқандда бино эттирган мадраса, ҳаммомлар, Шоҳи Зиндани таъмирлаш, кенгайтириш борасидаги қурилишлар, Ғиждувон, Бухородаги мадрасалар, Шаҳрисабздаги масжид, Самарқанддаги Муҳаммад Султон, Қосим Султон, Муҳаммад Қосим номлари билан боғлиқ ҳаммомлар, шу шаҳардаги Ферузшоҳ, Шоҳ Малик каби амирлар, Сароймулк хоним, Хожа Аҳрор, Мирзо Абдулло мадрасалари, Туман Оғо, Улуғбек хонақоҳлари, Ҳиротдаги амирлардан Жалолиддин Фирузшоҳ, Фармоншайх, Чақмоқ мадрасалари, Йаздадаги амир Чақмоқ мадрасаси, Шероздаги Даштакий мадрасаси, Султон Ҳусайн хотини Билга Султоннинг Балхдаги «Бадиййа» мадрасаси, Машҳаддаги амир Юсуфхожа масжиди, Абдулқосим Бобур Мирзонинг Анўвдаги масжиди бино этилиши ҳақида сўз юритиш мумкин. Ё бўлмаса, Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон Оғонинг ўз ҳисобидан мадрасалар ва хонақоҳлар қургани ҳақидаги гувоҳликларни олайлик. Хуллас, темурийлар даври қурилиш ишлари хусусида яна кўп қоғоз қоралаш мумкин¹. Масалан, Алишер Навоийнинг Хурсон меъморчилигидаги фаолияти ҳақида. Аммо биз юқоридагилар билан кифояланиб, темурийлар замони

¹ Қаранг: Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида, 1997; *Файзиев Турғун*. Темурийлар шажараси, 1996.

меъморчилигининг баъзи бир жиҳатларига диққатни жалб этмоқчимиз.

Биринчидан, амалга оширилган ишлар, энг аввало, жамият манфаатини кўзлаб қилинган. Кўприклар, ҳаммомлар, бозорлардан кимлар фойдаланган, мадрасаларда кимлар ўқиган, карвонсаройларда кимлар тўхтаган, боғ-роғлардан кимлар баҳраманд бўлганини эслайлик. Иккинчидан, тўхтовсиз олиб борилган турли қурилиш ишлари кишиларни иш билан таъминлаган, ҳашаматли ва дабдабали бинолар барпо этиш тадбири олимлар (айниқса, математика, геометрия, геодезия), хунармандлар ижодининг юксалишига катта туртки бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Учинчидан, меъморчилик, қурувчилик орқали шаҳарлар, қишлоқлар, бутун бир мамлакат обод бўлиб борган. Тўртинчидан, давлат хазинасида йиғилган катта бойлик, тарихимизнинг баъзи замонларида бўлганидек, айшу-ишрат, ҳукмдор маъқеини сақлаш учун беҳуда совға-саломлар тарқатиш каби бемаъниликларга эмас, кўпчиликка фойдали, асрларга татиғулик хайрли ишларга сарфланган. Хуллас, келажак авлод учун шундай маданий-маънавий мерос қолдирилганки, улар нафақат ўтмишдан хотира сифатида, балки ўзбек халқининг маданий бойлиги, маънавий салоҳияти, ақлий имкониятларидан далолат берувчи беқиёс тимсол ўрнида ҳам қадрлидир.

ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯ

Амир Темур ва темурийлар даврида халқаро муносабатлар ва уларда давлатимизнинг тутган ўрни ҳақида сўз юритишдан олдин бир фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз. 2700 йилдан ортиқ давлатчилик тарихига эга ўзбек халқининг ўтган мингйилликлардаги халқаро алоқалари жуда кам ўрганилган, чунончи, ташқи сиёсий муносабатлар дипломатияси масалалари деярли тадқиқ қилинмаган. Шу маънода мазкур йўналишда қўйилган ҳар бир қадам катта қизиқиш уйғотиши табиий. Шунга қарамай биз темурийлар, айнақса, Амир Темур даври ташқи сиёсий алоқалари ва дипломатиясини ҳеч бир муболағасиз халқаро муносабатлар тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан дея оламиз.

Кўрилаётган давр халқаро муносабатлари ва дипломатиясига баҳо бераётганда бир қоидани ёдда тутмоқ даркор, яъни марказда воқелик туриши керак, наинки бир шахс ёки шахслар. Тарихий воқеликни ҳар тараф-

дама ва чуқур таҳлил қилмасдан туриб, аввалдан қандайдир бир ижтимоий ё ҳиссий буюртма билан бир мавзу, ё шахсни улуғлаш, оқлаш ё қоралаш, хаспўшлаш мақсад қилиб қўйилса боши берк кўчага кириб қолиш, қолганларни ҳам ўша ёққа бошлаб кетиш ҳеч гап эмас. Тарихий воқелик тўғри англаб олингандагина тарихий шахслар роли ва хизматлари яққол билинади. Бундан ташқари тадқиқ қилинаётган мавзу ва макон ҳақида ҳам тўғри ва аниқ тасаввурга эга бўлиш ниҳоятда муҳим. Шу маънода Амир Темур даври халқаро муносабатлари ва дипломатияси мағзини чақишда энг аввало, ўша замондаги жаҳон сиёсий, иқтисодий, мафкуравий манзарасини билиб олишга тўғри келади. Зеро, Амир Темур дунё миқёсида от ўйнатган сиёсатчи ва дипломатдир. Демак, биз, аввало, ана шу «ўйин майдони»даги аҳволни, паст-баландликларни, қонун-қоидаларни билиб олишимиз керак. Шундагина Амир Темурнинг ҳар бир муайян вазият ё масалада тутган сиёсати ва ёндашувининг сабабларини кўра оламиз. Бу ўз ўрнида Амир Темур даври давлатимиз ташқи сиёсати ва дипломатиясининг моҳиятини англаш учун йўл очиб беради.

XIV аср, умуман, дунёда ва, хусусан, Туркистонда (Амир Темургача) бошбошдоқлик, сиёсий тарқоқлик ва қарама-қаршиликлар авжига чиққан юз йиллик бўлган. Чунончи, минтақамизда ҳар бир вилоят ўз бошича бўлгани ва Соҳибқирон тахтга ўтиргач мамлакат бирлаштирилгани ва бунинг натижасида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтдик. Атрофда эса, хусусан, Ўрта ва Яқин Шарқда куртлар (маркази Ҳирот), сарбадорлар (Сабзавор, Астробод, Нишопур, Машҳад), музаффарийлар (Форс, Кермон, Курдистон), жалойирийлар (Ироқ, Озарбайжон, Арманистон, Фарбий Эрон), кечроқ (XIV аср охирларида) қорақўйунлийлар (Озарбайжон, Арманистон), отабеклар (Кичик ва Катта Луристон), мамлуклар (Миср ва Сурия) ҳамда бир қатор вилоят миқёсидаги маҳаллий сулолалар ўзаро ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятда эдилар. Кичик Осиёда ҳам сорунолийлар, ойдинийлар, мунташойлар, такоэлийлар, кармиёнийлар, қарамонийлар, усмонлийлар каби бир қатор катта-кичик сулолалар фаолият кўрсатиб, улар орасида усмонлийларнинг ошиғи олчи бўлиб келаётган бўлса-да, ўзаро зиддиятлар барҳам топмаган эди.

Европага келсак, аҳвол бундан ҳам аянчлироқ эди. Европа халқлари бу вақтда марказлашган давлатчилик

йўлига эндигина кириб келаётган, шаҳар маданияти пайдо бўлганига ҳали кўп ҳам бўлмаганди. (Эслатиб ўтамиз, Европада шаҳар маданияти узоғи билан IX аср, асосан X—XI асрлардан бошлаб изчил тараққий эта бошлаган.) Мазкур икки омил орқали қитъадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожига қай даражада бўлганлигини билиб олишимиз мумкин. Масалан, Италияда Флоренция, Сиена, Пиза, Милан, Венеция ва яна бир қатор давлатчалар мавжуд эди. Уларнинг номланиши ҳам қизиқ: шаҳар-давлатлар, денгиз республикаси. Марказий Италиянинг аксар қисмида эса католик черковининг маркази Рим папаси ҳукмрон эди. Бир сўз билан айтганда, Италия сиёсий тарқоқлик ва ички зиддият шароитида ҳаёт кечирарди. Франциянинг аҳволи бир оз дурустроқ кўринса-да, у ҳам марказлашган ҳокимият остида бирлаша олмаётганди. Айниқса, 1337 йили Англия билан бошланган ва умум ҳисобда юз йилдан ортиқ давом этган уруш ички вазиятни янада кескинлаштириб юборганди. Карл VI замонида (1380—1422) келиб эса маҳаллий сулолалар қиролга деярли бўйин бермай қўйгандилар. Германиядаги вазиятни 1356 йили Карл IV (1347—1378) имзолаган ҳужжатдан яққол кўриш мумкин. Унга кўра ҳар бир маҳаллий қироллик учун қонуний тарзда мустақиллик туғдириб берилган. Сиёсий тарқоқлик Испанияда ҳам ҳукм сурарди. XIV аср давомида Леон-Кастилия ва Арагон-Католон қиролликлари ўртасидаги рақобат тўхтамаган. Қачонлардир кудратга эга бўлган Византия (Рум) ҳам ички ва ташқи зиддиятлар сабаб ниҳоятда заифлашиб қолган, усмонлийлар тазйиқига зўр-базўр бардош бериб инқироз арафасида турарди.

Европа мамлакатлариаро ўзаро қарама-қаршиликлар ҳам уларнинг ҳар биридаги ички зиддиятлардан қолишмас, боз устига уларни янада кескинлаштириб борарди. Юқорида Франция ва Англия ўртасидаги давомли урушлар ҳақида айтдик. Англия Испания билан ҳам зиддиятда эди. Бу ҳам етмагандай Испания Португалия билан қарама-қаршиликда эди. Шимолий Италия Венгрия ҳужумларига бардош беришига тўғри келарди. Аслида ўзиникилар томонида бўлиши керак туюлган Рим папалиги Венгрияни жанубий славян давлатлари — Сербия, Босния, Хорватияга қарши курашда қўллаб-қувватларди. Жанубий славянлар кези келганда Византиядан ҳам дод дердилар. Ўз ўрнида Босния Сербия тазйиқида ҳам қолганди. Хорватия Венгрияга

қарамликка ўтган, Болгария эса XIV асрнинг иккинчи ярмида учга бўлиниб кетганди.

Рим папалигининг юқорида ишора қилинган фаолияти Европада мазҳабий жиҳатдан ҳам муштараклик йўқлигидан далолат беради, албатта. Ҳақиқатан, 1054 йили икки йирик мазҳабий кутбга (ғарбий католик ва шарқий православ) бўлиниш оқибатида заифлашиб қолган папалик XIII асрга келиб фаоллашади. Европа ҳаётидаги нафақат мазҳабий, балки сиёсий масалаларда ҳам етакчилик қилишга интила бошлайди. Салиб юришларини илҳомлантирувчи ҳам худди шу диний ташкилот эди. Натижада баъзи бир европалик йирик сулолалар ва папалик ўртасидаги зиддият кучаяди. Масалан, шундай курашлар натижасида Франция қироллиги папалик марказини ўз мамлакатига кўчиришга муваффақ бўлади ва деярли 70 йил давомида бу ташкилот Франция измида қолади. Юз йиллик урушда Франция томонида бўлган папаликка қарши Англия бош кўтаради. Шунингдек уч асрдан буён папалик асоратида бўлиб келган Португалия ҳам унга қарши кайфиятда эди. Православиёга тегишли Шарқий Европа ва Византиянинг Рим черковига қарши муносабатини тасаввур қилиш қийин эмас. Византия учун энг оғир йиллар ҳисобланмиш усмонлийлар хатари кучайган пайтларда ҳам ана шу мазҳабий қарама-қаршилиқ ҳеч бир сусаймаган, аксинча, тўғоноқ бўлган.

Буларнинг бари Европа халқларининг ижтимоий ҳаётига таъсир кўрсатмасдан қолмасди. Бу вақтда қитъада крепостнойлик ҳуқуқи ҳануз сақланар ва ўз ўрнида қатор ғалаёнларга сабаб ҳам бўлганди.

Шундай қилиб, юқорида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари сиёсий-ижтимоий ва мазҳабий муносабатларига қисқа равишда тўхталиб ўтдик.

Энди эса XIV асрда дунёдаги умумий ва баъзи жиҳатлардан хусусий аҳволдан бохабар бўлган ҳолда тўғридан-тўғри Амир Темур юритган ташқи сиёсат ва дипломатиянинг амалий томонларига тўхталиб ўтамиз.

Амир Темурнинг Туркистон ва Ўрта Шарққа нисбатан тутган сиёсатини шарҳлашда қуйидагиларни назарда тутмоқ лозим. Туркистон, Эрон, Хуросон, Шимолий Ҳиндистонни ўз ичига олувчи улкан ҳудуд асрлар давомида сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муштараклик, яхлитлик, яқинлик шароитида яшаб келган. Узоққа бормаи, Чингизхон босқинидан олдинги хоразмшоҳлар (ануштегинийлар) ҳукмронлиги даврини олайлик.

Ўшанда ҳақиқатан ҳам мазкур ҳудуднинг аксари (Шимолий Ҳиндистондан ташқари) хоразмшоҳлар қўл остида бирлашган эди¹. Бунга ўрта асрларда сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ҳам интиланликларини биламиз. Тилга олинган ҳудудда ўз вақтида кушонийлар, эфталийлар, ашиналийлар ҳам от ўйнатганлари, худди шундай мақсадга эронлик сосонийлар сулоласи ҳам интилгани маълум. Бошқача айтганда, ўрта асрлар воқелиги учун бу улкан ҳудуд яхлитлик, муштараклик касб этган ва манбаларда уни асосан Турон ва Эрон заминлари деб атайдилар. Чингизийлар даврида эса Турон ва Эрон учга бўлиб идора этилган: Олтин Ўрда, Чигатой ва Ҳалокуийлар улуслари. Бунда маркази ҳозирги Мўғулистонда бўлган Чингизхон асос солган салтанатнинг манфаати кўзда тутилгани аниқ ва табиийдир. Худди шунинг учун ҳам Туркистоннинг Мовароуннаҳр қисмининг ажралмас бўлаги бўлиб келган Хоразм иккига бўлиниб, шимоли Олтин Ўрдага, жануби эса Чигатой улусига қўшиб олинган. Шу сабабдан ҳам 1370 йили ҳокимият тепасига келган Амир Темур ўтган 150 йиллик чингизийлар ҳукмронлиги давомида тилга олинган улкан ҳудудда юз берган ўзгаришлар ва ҳосил бўлган воқеликлар билан ҳисоблашиб иш тутишига тўғри келганди. Хўш бу воқелик қандай эди?

Амир Темур Туркистонни бирламчи тарзда бирлаштиргандан сўнг дастлабки иши шу бўлдики, собиқ Чигатой улусига даъвогарлик ўчоғи ҳисобланмиш Мўғулистонда (Етгисув ва Кошғар) мавжуд сиёсий кучлар пайини қирқишга жазм этди. Зеро, бу вақтда Мовароуннаҳрга хавф солиб турган реал куч худди шу ерда мужассамлашганди. Буни аниқ тасаввур қилиш учун XIV асрнинг 60-йиллари биринчи ярмида юз берган Туғлуқ Темурхон ва Илёс Хожаларнинг Мовароуннаҳрга юришларини эслайлик. Шуларни назарда тутган ҳолда Амир Темур XIV асрнинг 70-йиллари давомида Мўғулистон томон бир неча марта ҳарбий юриш уюштириб у ерлик ҳарбий-сиёсий кучларни заифлаштириш, ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Мовароуннаҳр ва Мўғулистон ўртасида зиддият юзага келгандан бери ҳали ҳеч ким шарққа томон лашкар тортмаган эди. Чигатой улусининг ғарбий қисми бу маънода заифлик мавқеида бўлиб келарди. Амир Темурнинг Мўғулистонга отланиши минтақадаги вазият тамоман

¹ Жизнеописание, с. 45.

ўзгариб бораётганидан далолат берарди. Мўғулистонликлар ҳам тинч ўтирмаганлар. Чунончи, 1376 йили амир Қамариддин бошлиқ мўғул қўшинлари Фарғонага бостириб кирганларини биламиз. Аммо Амир Темурнинг етиб келаётганини эшитиши билан жуфтакни ростлаб қолган. Хуллас, 70-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Амир Темур биринчи хавф ўчоғи бўлмиш Мўғулистонни асосан жиловлашга муваффақ бўлганди (лекин узил кесил эмас, бунинг учун Соҳибқирон у томонга яна бир неча юришлар ўтказган, масалан, 1383, 1389, 1390 йилларда)¹.

Мовароуннаҳрга хавф туғдирадиган иккинчи куч шимолдан эди. Олтин Ўрда (Жўчи улуси) номила ҳам машҳур бу улкан салтанатнинг Сирдарёнинг сўл соҳилига кўз олайтириши дастлабки чингизийлар замонларидаёқ намоён бўлганди. Масалан, XIII аср ўртасида бир неча йил давомида Чиғатой улуси Олтин Ўрдага қарам ҳолга тушгани маълум. Иккинчи томондан эса энг жанубий ҳисобланмиш Ҳалокуийлар улусида (Эрон) ҳам Мовароуннаҳр «ишқи» бор эди. Ҳалокуийларнинг 1272 йилги Бухорога юришларини эслайлик². Шу маънода чингизийлар улуслари орасида геосиёсий нуқтаи назардан собиқ Чиғатой улуси энг заиф аҳволда қолганди, яъни ўртада эди. Унга нисбатан ҳар уч томондан тазйиқ ўтказиш имкони сақланиб келганди. Амир Темур Чиғатой улусига барҳам бергани билан геосиёсий шароит деярли ўзгармаганди, яъни шимол ва шарқдан келувчи хавф ўз кучини йўқотмаганди. Бундай вазиятдан Амир Темур яхши хабардор бўлгани ва тегишли ҳисоб-китобни қилгани аниқ. Чунки унинг хатти-ҳаракатлари бундан далолат бериб турибди. Янада равшанроқ айтганда, Мўғулистондан сўнг Амир Темур Олтин Ўрда «масала»си билан шуғулланишга киришади.

XIV аср бошларидаёқ Олтин Ўрда иккига — Оқ Ўрда ва Кўк Ўрдага бўлиниб кетганди. Оқ Ўрда таркибига Сирдарё ҳавзаси, Орол денгизидан Ишим ва Сарисув дарёларигача бўлган шимоли-шарқий йўналишдаги ҳудуд кирарди³ (ҳозирги Қозоғистон ва Фарбий Сибирнинг майдонларига тўғри келади). Улуснинг қолган ерлари эса, жумладан, Қора денгиз ва Дарбанд

¹ Қаранг: *Шомиё*. Зафарнома, 1-жилд, 64, 69, 70, 72, 74-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 332, 333, 424, 434, 1121-бетлар.

² *Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 134-бет.

³ Ўша жойда, 81-бет («Улуғтоғ, Саккиз ёғоч, Қаротолдан Тўйсин, Жанд ва Баркентга қалар ҳудуд»).

ҳамда Рус князликларининг ғарбий чегараларигача бўлган ерлар Кўк Ўрда ихтиёрида эди. Кўриниб турганидек, Кўк Ўрда қудрати улусда сезиларли бўлган ва шунинг учун ҳам Кўк Ўрдага нисбатан илгариги Олтин Ўрда тушунчаси ишлатилаверилган.

Амир Темур тахтга чиққан йиллари Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрисхон (1361—1380) Кўк Ўрдада ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва бу билан Олтин Ўрда, яъни асл Жўчи улусидаги ҳокимиятни бутунлай қўлга олиш ҳаракатида эди¹. Агар у бу мақсадига эришса Мовароуннаҳр учун шимолдан катта хавф туғилиши муқаррар эди. Шу орада Тўхтамиш Ўрисхондан нолиб Оқ Ўрдадан Амир Темур даргоҳига бош уриб келади. Баъзи манбаларда ёзилишича, Ўрисхон Тўхтамишнинг амакиси бўлиб, ўзаро келишмовчилик оқибатида ўз укаси, яъни Тўхтамишнинг отаси Тўйхожани қатл эттиради. Бундай шароитда Тўхтамиш ўз юртида қололмай Мовароуннаҳрга қочган². Амир Темур учун бу ҳол «сопини ўзидан чиқариш» имконини туғдирганди. Олтин Ўрданинг кучайиб бориши бир кунмас бир кун Мовароуннаҳрга хавф туғдиришини билган Соҳибқирон у ерда ўз кишисига эга бўлиш нечоғлик муҳимлигини ҳисобга олиб, Тўхтамишни қўллаб-қувватлашга қарор қилади. Ҳарбий ва моддий жиҳатдан ёрдам олишига қарамай Тўхтамиш ҳеч бир ишнинг улдасидан чиқолмайди. Шунда Амир Темур Ўрисхонга қарши шахсан ўзи отланади. 1376—1377 йиллар қишида юз берган бу воқеа шуни тасдиқлайдики, Амир Темурнинг Олтин Ўрдага нисбатан тутган стратегияси Тўхтамиш омили билан боғлиқ эмасди. У ҳатто Тўхтамиш бўлмаганда ҳам бу йўналишдан воз кечмасди. Чунончи, шу вақтда Бухорода бўлиб турган Соҳибқирон олдига Ўрисхондан нолиб яна бир киши — Идику келади (рус солномаларида Едигей деб аталган ва у XV аср бошларида рус князликларини ўзига қарам ҳолда тутгани билан машҳур). У келтирган маълумотга кўра, Ўрисхон Амир Темурга қарши урушга тайёргарлик олиб борган. Шу орада Ўрисхоннинг икки элчиси (Кепак манғит ва Тулижон) келиб, агар Амир Темур Тўхтамишни Олтин Ўрдага қайтармаса уруш бошланиши ҳақида расман хабар берадилар. Кўриниб турганидек, Амир Темурнинг Олтин Ўрдадан хавфсирашининг сабаби бўлган. Шу сабабдан ҳам у икки маротаба (1376

¹ Ўша жойда, 92—93-бетлар; Олтин Ўрда ва унинг қулаши, 269-бет.

² Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 74-бет; Натанзий. Мунтахаб ат-таворих, 92-бет; Яздий. Зафарнома, 334-бет.

ва 1377 йиллари) Ўрисхонга қарши юради, унга сезиларли зарбалар бериб, ўзининг қатъийлигини намойиш этади. 1377 йил охирида эса Тўхтамишни Оқ Ўрда тахтига ўтқозишга эришади¹. Бу билан Соҳибқирон шимолдан туғиладиган хавфни бартараф этгандай эди. Вақти келиб Тўхтамиш нонкўрлик қилиб ўзига қарши чиқишини у хаёлига келтирибди дейсизми! Аммо нима бўлганда ҳам Амир Темур ўз ҳукмронлигининг дастлабки ўн йили давомида мамлакатни шарқий ва шимолий йўналишлардан келадиган хавфдан асосан ихота қилишга муяссар бўлганди. Олдинда эса жануб ва ғарбга йўналтирилган сиёсат турарди.

Айтилганидек, Ҳирот куртлар (картлар) номила машҳур туркий сулоланинг маркази эди. Ҳалоқуийлар инқирозигача чингизийларга қарам бўлиб келган мазкур сулола кейинчалик мустақил сиёсат юргизиш йўлига ўтган. Уларнинг тақдири Амир Темургача ҳам бир хил кечмагани маълум. Масалан, XIV асрнинг 30-йилларида атиги икки йилгина сулолани бошқарган Малик Ҳофиз ғурийлар томонидан ўлдирилган. Ё бўлмаса, куртларнинг қўшни вилоятларга муносабатини олайлик. Ўз фаолиятларини Ҳиротда бошлаган куртлар Фаржистон, Сейистон, Қандаҳор каби вилоятларни ўз тасарруфларига олганларини ҳам биламиз. Уларнинг сарбадорлар билан ҳам муносабатлари зиддиятли ўтган. Чунончи, куртлардан бўлмиш Фиёсиддин Пир Али сарбадорлар ҳудудига ҳамла қилиб, Нишопур атрофидаги буғдойзорларни пайҳон, боғ-роғларни ер билан яксон қилгани, юз йиллик дарахтларни илдизи билан кўпортириб, кориз-қудуқларни тупроқ билан тўлдиртиргани ҳақидаги маълумотлар манбаларда ўз аксини топган².

778 (1376/1377) йили, яъни Амир Темур Мўғулистон ва Олтин Ўрда билан банд бўлган кезлари Соҳибқирон ва куртлар сардори Фиёсиддин Пир Али элчилар алмашдилар. Соҳибқироннинг «Орамиздаги дўстлик қадимийдир. Мақсадимиз дўстликни мустаҳкамлаб, қонқариндош бўлишдир. Ўртадаги бегоналик ягоналикка айлансин» мазмунидаги хатига жавобан Фиёсиддин Пир Али «Мен Сизнинг қулингизман. Агар ҳазрат фарзандим Пир Муҳаммадни хизматкорлари қаторига қабул этишга илтифот айласалар, биз учун ифтихор бўлур эди» деб ёзиб юборади³. Шунга кўра Соҳибқирон ўзининг энг

¹ *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 75—79-бетлар; *Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 93—97, 420—427-бетлар; *Яздий*. Зафарнома, 336—339, 341—342-бетлар.

² Ҳабиб ас-сийар, 3-жилд, 2-қисм, 75, 79 ва бошқа бетлар.

³ Уша жойда.

яқин кишиси — синглиси Ширинбека Оғонинг қизи Суғунч Қутлуқ Оғони Фиёсиддиннинг тилга олинган ўғлига никоҳлаб беришга қарор қилади¹. Бу ерда Соҳибқирон мақсади аниқ: дипломатия ва қариндошлик йўли билан Хуросонда ўзига яраша мавқега эса сиёсий кучни ўз томонига оғдириш. Куртларнинг қудрати чакана бўлмаганини ва қўшни сулолалар ишига аралашиш ҳам қўлларида келишини юқорида келтирилган Нишопур воқеаси орқали ҳам кўргандик. Бу борада далил ўрнида Ибн Баттута гувоҳлигидаги яна бир маълумотни беришимиз мумкин. Чунончи, Фиёсиддин Пир Алининг отаси Муъизиддин Хусайн (1331—1370) ҳукмронлиги даврида куртлар Мовароуннаҳрнинг ички ишларига аралашиб чигатоий хонлардан Бузанга (1334—1338) қарши курашган Халилни ҳарбий куч ва маблағ билан таъминлаганлар. Ибн Баттутанинг далолат беришича, Халил куртлар берган ёрдам билан Бузанни тахтдан ағдариб, ҳокимиятни қўлга олишга эришган². Демак, назарий жиҳатдан олганда ҳам куртлар тегишли шароит туғилса Мовароуннаҳрга яна таҳдид солишлари мумкин эди. Шу маънода Амир Темурнинг улар билан дипломатик йўл орқали алоқани яхшилашга интилишини табиий деб билмоқ керак. Фиёсиддиннинг ваъдасига ишонган Амир Темур жиянини дабдаба билан Ҳиротга жўнатади. Бу ерда ҳам катта тўй бўлади. Аммо энг муҳим паллада келишувларга қарамай Фиёсиддин иттифоқчилик аҳдини бузади. 782 (1381/1382) йили Балх ва Андхуд оралиғида Соҳибқирон томонидан чақирилган ҳарбий қурултойга келмай бир неча шартлар қўяди. Шартлари бажарилгандан сўнг ҳам у қурултойга келмайди. Шунда Амир Темур куч билан Ҳиротни эгаллайди. Аммо Фиёсиддинни ўз ўрнида қолдиришига қарамай, у яна мухолифат йўлига киради. Амир Темур уни Самарқандга жўнатишга мажбур бўлади³.

Фиёсиддиндан фарқли ўлароқ, сарбадорлар ҳукмдори Али Муаййад бош эгиб келиб, Амир Темур хизмати-га киради. Соҳибқирон уни эъозлаб ўз ўрнида қолдиради. Лекин Журжон, Мозандорон ҳокими амир Вали, Тус, Калот, Обивард, Нисо, Марв ҳокими Валибеклар бир неча марта Амир Темурга тобеликларини билдириб, шунча марта аҳдни бузадилар. Ҳатто унга қарши

¹ Ўша жойда, 80-бет.

² *Иброҳимов Незматулло*. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати, 1993, 73—74-бетлар.

³ *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 81—84-бетлар; *Натанзий*. Мунтахаб а-таворих, 306—311-бетлар.

суиқасд уюштириш йўлига кирадилар. Шундан сўнг Амир Темур уларнинг тақдирини ҳам узил-кесил ҳал қилади.

Шундай қилиб XIV аср 80-йилларининг ўрталарида Амир Темур Хуросон, Сейистон, Қандаҳор, Шимолий Эрон вилоятларини ўз ҳукми остида бирлаштиришга муваффақ бўлган эди. Унинг бу зафарли юришларидан узоқ-яқиндаги сулолалар, сиёсий кучлар хабардор эдилар, албатта. Гарчи улар кўп ҳолларда ўзаро зиддиятда бўлишларига қарамай Амир Темурнинг шахдам фаолияти олдида дипломатик борди-келдиларни кучайтириб музокаралар олиб борардилар. Бир вақтнинг ўзида ҳар қандай тадбирни тинчлик, дипломатия йўли билан битириш тарафдори бўлган Соҳибқирон ҳам улар билан элчилик алоқаларини йўлга қўйиб, уларнинг кўнглини олиш, хотираларини жам қилишни қанда қилмаган. Шу маънода музаффарийлардан Шоҳ Шужо (1359—1384) билан дипломатик музокаралар жараёни диққатга сазовордир. 784 (1382/1383) йили Шоҳ Шужо ўз элчиси амир Умаршоҳ орқали Соҳибқиронга йўллаган мактубида Амир Темурга нисбатан ихлоси ва тарафдорлигини билдиради¹. Соҳибқирон одатдагидек икки томонлама алоқаларни қариндошлик воситаси билан мустаҳкамлаш ниятида ўз фарзандларидан бирига Шоҳ Шужо қизларидан сўрайди. Аммо бир оз ўтиб Соҳибқирон тилга олинган Сейистонга юриш қилган кези бу вилоятга яқин Кермон вилояти ҳокими амир Ихтиёриддин Ҳасан ўз ҳукмдори Шоҳ Шужога хат йўллаб, унда Амир Темур Сейистондан сўнг Кермонга ҳам ўтса керак, деб ўз хавотирини билдиради. Албатта, амир Ихтиёриддин Шоҳ Шужо ва Соҳибқирон ўртасида олиб борилган музокаралардан беҳабар бўлган. Шунинг учун ҳам у хавотирга тушган. Лекин Шоҳ Шужонинг унга жавоб хатида диққатни тортувчи бир фикр борки, у орқали биз музаффарийлар сардорининг асл мақсадини билиб олишимиз мумкин. Чунончи, у Амир Темурни улуғлаб «ул зот ўз лашкарларини дўстлар ва мухлислар мулкига тажовуз қилишига йўл қўймайдилар» дейиш билан бирга, агар Амир Темур лашкар тортса, бизнинг шижоатли қўшинимиз урушишга тайёр, деб асосий мақсадини ойдинлаштиради². Демак, Шоҳ Шужо, бир томондан, Амир Темур билан элчилар орқали музокаралар олиб бориб, унга тарафдорингизман, дея сўз бериб, иккинчи томон-

¹ Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 89-бет.

² Аснод ва мукотибот, 12-бет.

дан, ҳарбий тайёргарликни ҳам кўраверган. Шоҳ Шужонинг ўз манфаатини кўзлаб юритган бундай сиёсатини табиий деб билган ҳолда Амир Темурга нисбатан у олиб борган муносабат самимий бўлмаганини кўрсатувчи яна бир муҳим маълумотни келтириб ўтмоқчимиз. Шоҳ Шужонинг тарафдорлигига ишонган Амир Темур ўз набираси Пир Муҳаммадга (1376—1407) унинг набирасини унашгириб қўйиш тараддудида бўлган бир пайтда охира-ти яқинлашганини сезган музаффарий ҳукмдор Соҳибқиронга қуйидаги мазмунда мактуб йўллаган: «Менинг куним битганга ўхшайди, ўғлим Зайналобиддин ва бошқа фарзандларимни сизга ишонаман, мен сизнинг ихлосмандингиз ва тарафдорингизман»¹. Қизиғи шундаки, худди шу мазмундаги хатни у тез орада Соҳибқиронга қарши курашга кирган Султон Аҳмад жалойирга (1382—1411) ҳам юборади. Султон Аҳмад жавоб хатида унинг илтимосини қабул қилгани ва бу борада бевафолик қилмаслигини алоҳида таъкидлайди².

Амир Темур жавоб хати ёзган-ёзмагани номаълум. Аммо 1387 йили Лилонда (Лайлон; Марофадан 22 км нарида жойлашган) туриб Амир Темур Шоҳ Шужо ўлиmidан сўнг тахтни эгаллаган Зайналобиддинга хат йўллаб шундай деган: «Сенинг марҳум отанг биз билан дўстлик ришталарини боғлаб, итоат ва тобелик мақомида эрди. Шу важдан ҳам ҳузуримизга келишинг вожибдирким, то биз ул вилоятни янгитдан сенга хатлаб бергумиздир. (Сўнг эса) сени (шундай дабдаба билан) ўз юртингга йўллайликки, то шуқуҳингга муносиб бўлгай»³. Кўриниб турганидек, аввалги аҳдга биноан Соҳибқирон Зайналобиддинни чорлаб ўртадаги алоқани яна бир бор мустаҳкамламоқчи. Ва доим бўлганидек, бош эгганларни ўз юртида қолдириш усулини музаффарий ҳукмдорга нисбатан ҳам қўлламоқчи. Ваҳоланки, бу вақтда Амир Темурнинг куч билан уни бўйсундиришга имкони етарли эди. Кейинги воқеалар эса бунини исботлади. Яъни Зайналобиддин фақат аҳдни бузиш билангина чекланмасдан, балки Амир Темурнинг элчиларини вақтида қўйиб юбормай ушлаб қолади. Бу ҳам етмагандай Соҳибқирон йўлга чиққанини эшитиши билан тахтни ташлаб, Шуштарга (Эроннинг жануби-ғарбидаги Хузистон вилоятида) амакиваччаси

¹ Уша жойда, 13—17-бетлар.

² Аснод ва муқотибот, 18, 23, 24-бетлар.

³ *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 104—105, 132-бетлар; *Натанзий*. Мунтахаб ат-таворих, 193—194, 335—336, 353-бетлар.

Шоҳ Мансур хузурига қочиб боради. Бундай шароитда Амир Темур учун Ҳамадон, Исфаҳон, Шерозни бирон уринишсиз забт қилиш ҳеч гап эмасди. Шундай бўлди ҳам. Зайналобиддиннинг кейинги тақдири масаласи ҳам қизиқ. Юқорида дунё ўлкаларидаги сиёсий аҳволга тўхталарканмиз, барча жойда ички ва ташқи зиддиятлар, бошбошдоқлик ҳукмронлик қилганини айтгандик. Музаффарийлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Шу сабабдан ҳам Амир Темур илтифотидан қочиб Шуштарга борган Зайналобиддин амакисининг буйруғи билан дарҳол зиндонга ташланади. Бу ҳам етмагандай кўзи кўр қилиниб, метиндек мустаҳкам Сафид қалъасида тутқинликда тугилади. Бу ёғи ҳам қизиқ. 1393 йили Амир Темур кўшинлари мазкур қалъани забт этганларида Зайналобиддинни халос қилиб Соҳибқирон хузурига келтирадилар. Амир Темур унга меҳрибонлик кўрсатиб кўп совғалар беради ва биродари Султон Шибли билан бирга Самарқандга юбориб у ердан уларга ер-сув (иқто) ажратиб ҳам беради (Султон Шибли ҳам кўр қилинганди ва бу ҳақдаги буйруқни эса ўз отаси Шоҳ Шужо берган)¹.

Қолган музаффарий намояндаларга келсак, Шоҳ Мансурдан ташқари барчаларига Амир Темур ўз мулкларини бошқариш ҳуқуқини қайтариб берган. Кўриб турганимиздек, маҳаллий ҳокимларга, сулолаларга ўз юртида ҳукмронлик қилиш ҳуқуқларини қолдириш Амир Темур олиб борган ташқи сиёсатнинг муҳим томонларидан бири бўлган. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Фикримизча, бу ерда камида икки жиҳат бор: 1. Соҳибқироннинг феъл-атвори, дунёқарашидаги шахсий хусусиятлар натижаси. 2. Бу йўлнинг амалий нафи, яъни тинч ва дипломатия йўли билан оғдирилган рақиб, агар унинг манфаати узил-кесил йўққа чиқарилмаса, яна хизмат қилиши мумкин. Акс ҳолда, у душманга айланади, курашни давом эттиради.

Шу ерда биз юқорида тилга олинган 1387 йилга қайтамиз. Айтилганидек, бу вақтда Соҳибқирон тарихий Озарбайжонда (ҳозирда жануб қисми Эронга, шимоли Озарбайжон Республикасига тегишли) турарди. Амир Темурни бу ёққа нима бошлаб келган эди, деган савол туғилиши табиий. Соҳибқироннинг ташқи сиёсий стратегияси ҳақида сўз юритиб, биз ундаги жануб ва ғарб йўналишларини ҳам тилга олгандик. Бу

¹ Яздий. Зафарнома, 499-бет.

борада дастлабки қўйилган қадамлар Хуросон, Сейистон ва Қандаҳорни бирлаштириш имконини берган ва бу билан жануб масаласи деярли ҳал бўлганди. Шундан кейин эса сўнги ва кейинчалик маълум бўлишича (ким билсин, балки бу Амир Темурга олдиндан маълум бўлгандир), асосий йўналиш — ғарб масаласи кўндаланг турарди.

Амир Темур ғарбга томон ҳам Шимолий Эрон, ҳам Жанубий Эрон орқали кириб бориши мумкин эди. Соҳибқирон биринчисини танлайди. Зеро, Жанубий Эрон бўйлаб юриш табиий-географик қийинчиликлардан ташқари сиёсий жиҳатдан қалтис эди. Биринчидан, ўша пайтларда музокара ва дипломатия йўли билан камида бетараф қилинган музаффарийлар билан алоқа бузиларди (Кермон ҳокимининг Шоҳ Шужога хатини эслайлик), Самарқанддан узоқлашиб кетишга тўғри келарди. Натижада Мовароуннаҳрга Мўғулистон ва Олтин Ўрдан, Хуросонга Шимолий Эрондан амир Валнинг таҳдиди учун шароит туғиларди. Шимолий Эрон орқали ҳаракат эса ҳар жиҳатдан нафли, энг муҳими, ўша давр геосиёсий манзараси ва ундан Амир Темур кўзлаган мақсадга тўла мос тушарди. Яъни, биринчидан, Шимолий Эрондаги сиёсий кучлар масаласи ҳал этилиб, бу минтақада мустаҳкам мавқега эга бўлиш имкони туғиларди. Ва бунда Эроннинг Кермон, Форс, Курдистон каби вилоятларида фаолият кўрсатаётган музаффарийлар сардори Шоҳ Шужо билан келишув ва хайрихоҳлик (ҳатто назарий жиҳатдан ҳам) эътиборга олинса, Соҳибқирон Озарбайжондан ташқари деярли бутун Эронни ўз таъсирига тортиш имконига эга бўларди. Иккинчидан, бу пайтда Озарбайжон бир қатор сиёсий кучларнинг диққат марказида эди. Булар жалойирийлар, қорақўйунлийлар, музаффарийлар (айниқса, Шоҳ Шужо даврида), Олтин Ўрда, Кичик Осиё туркий сулолалари, айнақса, усмонлийлар ва Амир Темур эдилар. Тўғри, мазкур кучларнинг бу йўналишда кучлари-ю имконлари турлича бўлган. Масалан, музаффарийлар аҳволига юқорида назар солдик. Дажла дарёсининг юқори қисми ва Ван кўли жанубий оралиғидаги водийда фаолият кўрсатган қорақўйунлийлар кўпроқ жалойирийларга қарам эдилар. Лекин бу на музаффарийлар, на қорақўйунлийлар Озарбайжонга нисбатан ўз манфаатларидан қайтдилар, дегани эмасди. Мазкур маконда манфаатлари кесишган асосий томонлар ҳозирча Олтин Ўрда, жалойирийлар ва Амир Темур эди. Катта

қудратта эга бўлишларига қарамай усмонлийлар кўпроқ «чўғни бировнинг қўли билан ушлаш» сиёсатини олиб борардилар. Бунинг сабабини уларнинг бу вақтда нақд бўлиб турган Болқон масаласи билан фаол шуғулланаётганликлари билан тушунтириш мумкин.

Амир Темур ёрдами билан «одам бўлган» Тўхтамиш Оқ Ўрда тахтини эгаллагач, тез орада Олтин Ўрдада ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлганди. 1380 йили машҳур Мамайни (Мамоқ) енгиб у Олтин Ўрда, жумладан, Крим ва Шимолий Кавказни ҳам ўз ҳукми остида бирлаштирганди¹. Натижада у жуда катта ҳарбий, моддий ва, албатта, сиёсий қудрат эгасига айланади. Шу ўрнида Олтин Ўрданинг ҳам эскидан мавжуд бўлиб келган геосиёсий манфаатларини ёдда тутмоқ лозим. Яъни Шарқий Европа, Кавказ орқали Озарбайжон ва Эрон ҳамда Мовароуннаҳр йўналишлари. Олтин Ўрданинг Мовароуннаҳрга нисбатан сиёсати ҳақида юқорида бир қадар тўхталиб ўтдик. Энди Олтин Ўрданинг Озарбайжонга нисбатан стратегиясига ойдинлик қиритишга асосий эътиборни жалб қилсак.

Олтин Ўрда мазкур йўналишда доимо фаол ҳаракат қилиб келган. Озарбайжонга эгалик қилиш сиёсий жиҳатдан Эрон, Ироқ, Кичик Осиёга таъсир ўтказиш имконини берса, иқтисодий томондан Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи асосий жанубий карвон йўлларини назорат қилиш имкониятини яратарди (бир тасаввур қилайлик, Шарқ ва Ғарбни боғловчи шимолий йўналиш ўз маконидан ўтган Олтин Ўрда учун бу қандай улкан сиёсий-иқтисодий манфаат туғдирарди). Шу сабабдан ҳам ўз вақтида Олти Ўрда ва ҳалокуийлар ўртасида катта қарама-қаршилиқлар рўй бериб турган. Масалан, 1263—1265 йилларда Кура дарёсининг чап қирғоғида улар ўртасида жуда қаттиқ жанг содир бўлган². 1356 йили эса Олтин Ўрда ҳукмдори Жонибекхон (1342—1357) Табризни эгаллаб бу ерда ҳатто ўз номидан танга зарб этгани маълум³. Ўз ниятларини амалга ошириш йўлида олтинўрдалиқлар барча мавжуд воситалардан фойдаланганлар. Чунончи, ҳалокуийлардан Абақохон (1265—1282) даврида Табризда ёнларидан маблағ харжлаб, ўз хонлари номидан масжид қурдирганлар ва маҳаллий аҳолига мафкуравий жиҳатдан таъсир ўтказмоқчи бўлганлар (мусулмон оламида масжидларнинг тутган ўрнини эслайлик).

¹ Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов, т. 1, с. 75.

² Қаранг: Рашид ад-Дин. Джами ат-таварих, т. 3, 1957, с. 59—61, 68—69.

³ Натанзий. Мунтахаб ат-таворих, 83—84-бетлар.

Озарбайжонга интилиш жалойирийларда ҳам ўзига яраша сезиларли эди. 1384 йили Амир Темур Райда (Техрондан жанубда жойлашган) бўлиб турганида Султон Аҳмад жалойир Султонияни мустаҳкамлаш ишига бел боғлайди. Аммо Соҳибқирон яқинлашиб келаётганини эшитиши биланоқ Бағдодга қочади. Бир оз ўтиб, 1385 йил қишида Озарбайжонга Тўхтамишхон юборган қўшин Кавказ орқали кириб келади. Улар бир ҳафта мобайнида Табризни қамал қилиб, ҳамма ёқни остинустун этадилар. Айниқса, масжид ва мадрасалар катта талафот кўриб хонавайрон бўлади. Манба тили билан айтганда, йиллар давомида бу юртда тўпланган бойлик ўн кун ичида талон-торож қилинади¹. Аммо Амир Темур Тўхтамиш қўшинларига қарши бирон тadbир қўлламайди. Чунки бу вақтда, фикримизча, Соҳибқироннинг қудрати ҳали бунга йўл бермасди. Афтидан, шулардан келиб чиққан ҳамда музаффарийлар ва жалойирийларнинг ўзаро иттифоққа киришларини ҳисобга олган ҳолда келаси 1386 йили Соҳибқирон Шимолий Эрон бўйлаб яна бир бор ҳарбий сафарга чиқади. Ўйлаймизки, мазкур юришдан Амир Темурнинг яна бир амалий мақсади бўлган, яъни музаффарийлар масаласини ойдинлаштириш. Буни шундан ҳам билса бўладики, Соҳибқирон Кичик Луристонга ҳаракат қилиб унинг маркази бўлмиш Хуррамободни эгаллайди ва бу билан музаффарийларнинг шимол, яъни Озарбайжон билан алоқаларини узиб қўяди. Мазкур мўлжалнинг нечоғлик тўғри бўлганини тез орада содир бўлган воқеалар исботлайди. Биз бу ерда Султон Аҳмад жалойирнинг Бағдоддан лашкар тортиб Табризга йўлланганини назарда тутмоқдамиз. Аммо Султон Аҳмад жалойир бу сафар мақсадига эришолмай орқага қайтади. Бунга уни олдинроқ ҳаракат қилган Амир Темур мажбур қилганди². Табриз томон йўлга чиққан Соҳибқирон қўшинларига дош беролмаслигига унинг ақли етган эди.

Шундай қилиб худди шу вазиятда қуйидагилар маълум бўлиб қолганди: музаффарийларнинг бошқа сиёсий кучлар билан алоқаси узилган ва Султон Аҳмад жалойирнинг эса Амир Темур билан тўқнашишга имкони йўқ. Буни яхши англаган, аниқроғи, айнан шунга интилган Соҳибқирон кейинги, энг муҳим режани

¹ Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 97-бет.

² Ўша жойда, 99-бет.

амалга оширишга киришади. Манбаларда ёзилишича, у шимолга қараб юриб то Элбурзгача бўлган ҳудудда ўз таъсирини ўтказишга муваффақ бўлади. Шу ерда биз бир масалага диққатни жалб қилмоқчимиз. То шу чоқ-қача Амир Темур юритган ташқи сиёсат масалаларига баҳо берилганда деярли доим бир анъана ҳукм суриб келган, яъни Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари фақатгина унинг ҳарбий манфаати ва салтанатпарастлик режаларини рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилган. Гўё унинг бутун фаолияти «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» юришлардан иборат бўлган ва бутун умрини у шунга бағишлаган. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур ҳеч қачон «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» уруш режаларини қилмаган. Биринчидан, мазкур тушунчаларни Шарафиддин Али Яздий таомилга киритган. Ундан олдин қалам тебратган Шомий, Натанзий каби тарихчиларнинг асарларида бундай таърифлар йўқ. Иккинчидан, ҳатто ушбу таърифлар шартли тарзда қабул қилинганда ҳам Соҳибқирон муттасил ва тўхтовсиз ҳар куни, ҳар ойда уруш билан машғул бўлган, деган хулосага келиш нотўғри. Зеро, жанг одатда бир неча соат давом этади. Қолган вақт эса унга тайёргарликка, бир манзилдан иккинчисига кўчишга сарф бўлган. Учинчидан, Соҳибқирон салтанатни фақат Самарқандда туриб эмас, тўғридан-тўғри жойларда ҳам бошқараверган. Масалан, Боязид устидан қозонилган ғалабадан (1402 йил) сўнг то Хитой юриши бошланган 1405 йилга қадар Амир Темурнинг бирон-бир жиддий жангга кирганини кўрмаймиз. Бу вақтда у асосан ободончилик, қурилиш ишлари (масалан, Байлақон каналини қаздириш), бошқарув юмушлари, хориджий давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш, тўй-у маъракалар ўтказиш билан банд бўлган.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темур даври давлатимиз ташқи ва ички сиёсатини фақат жангу жадалларга боғлаш, баён қилиш ҳам илмийликка, ҳам ўша замон тарихий воқелигига зиддир. Бундан ташқари жангу жадаллар ташқи сиёсатдаги бирон-бир муаммо, масалани ҳал этишнинг сўнгги ё навбатдаги босқичи бўлган. Шу маънода ўша давр воқелигини таҳлил қилиш ва ундаги Амир Темурнинг фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатяптики, масала биз ўйлагандан кўра анча мураккаброқ бўлган.

Узоққа бормай Соҳибқироннинг Элбурзга қадар ҳудудда ўз назоратини ўрнатишини харита орқали му-

шоҳада этсак. Бундай қилинганда тасаввурларимиз бутунлай ўзгаради, аниқроғи Амир Темурнинг мўлжали ойдинлашади. Яъни Элбурзгача бўлган ерларни эгаллаш билан Соҳибқирон Кичик Осиё (усмонлийлар) билан Шимолий Кавказни (Олтин Ўрда) ва Шимолий Кавказ билан Жанубий Озарбайжонни бир-биридан узиб қўйган. Ўзига қарши шайланган Тўхтамишхон, Султон Аҳмад жалойир, усмонлийлар, музаффарийлар орасига тўғаноқ бўлиб ёриб кирган. Уларнинг ўзаро муносабатда бўлиш йўлларига ғов солган. Унинг бу мўлжали нечоғлик тўғри бўлганини кейинги воқеалар тўла тасдиқлайди.

Қорабоғда қишни ўтказётган Амир Темурга Тўхтамишхон Дарбанд орқали Самур дарёси томон (ҳозирги Доғистонда) қўшин юборгани ҳақида хабар келади¹. Бу воқеа 1387 йилнинг баҳори арафасида содир бўлган эди. Агар биз юқорида зикр қилганимиздек, Олтин Ўрданинг Озарбайжонга нисбатан стратегияси, чунончи, XIII—XIV асрлардаги Табриз йўналишидаги ҳаракатлари ва ниҳоят Тўхтамишхоннинг бир йил бурунги мазкур шаҳарга юришини эсласак, унинг Озарбайжонга муносабатини яққол тасаввур қилишимиз мумкин. 1386 йилги Табризга юриши эса катта тадбирлар олтидан қўйилган синов қадами, десак асосли бўлади. Бу фикрларни тасдиқловчи яна бир далил бор. Тўхтамишхон олтига қўйган мақсадга осонлик билан эришиб бўлмастлигини яхши билган ҳолда иттифоқчилар излай бошлаган. Шу ниятда у 1385 йил январидаёқ Миср ҳукмдори, мамлуклардан бўлмиш Султон Барқуққа (1382—1388) ўз элчиларини юборган. Ўша замон тарихчилари гувоҳлик беришларича, Миср ҳукмдори элчиларни жуда зўр иззат-икром билан кутиб олган². Элчиликдан кўзланган мақсад эса Амир Темурга қарши Султон Барқуқни иттифоққа тортиш бўлганига шубҳа қилмаса бўлади. Зеро, биринчидан, Олтин Ўрда ва Миср мамлакатлари Озарбайжондан шарқ ва жанубда мужасамлашган кучларга қарши эскидан иттифоқдош бўлиб келганлар. Чунончи, Эрон, Озарбайжон, Ироқни ўз тасарруфида тутган ҳалокуийлар замонида бу икки тараф манфаатлари ўзаро борди-келди қилишни тақозо этганди. Олтин Ўрда, юқорида айтилганидек, Озарбайжонга интиларди. Мисрга эса ҳалокуийларнинг

¹ Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 101-бет; Яздий. Зафарнома, 447-бет.

² Закиров С. Дипломатические отношения Золотой Орды с Египтом, 1966, с. 93—94.

ғарбга қараб, яъни мамлуклар таъсир доирасидаги худудлар томон ҳаракатларини бартараф қилиш муҳим эди. Шу сабабдан ҳам Олтин Ўрда ва Миср алоқалари изчиллашиб кетган. Масалан, Миср султони Байбарс (1260—1277) ва Олтин Ўрда ҳукмдори Беркахон (1256—1266) ўртасида олиб борилган дипломатик алоқалар бу борада ёрқин мисол бўла олади. Ўз хатларида Миср султони Олтин Ўрдани Кавказ орқали Озарбайжон ва Эронга қарши юришга гиж-гижлаб бу масалада ўзи кўмакдош бўлишини таъкидлаган¹. Иккинчидан эса Миср ҳукмдорлари (мамлуклар) Амир Темурнинг ғарбга қараб силжиб боришидан манфаатдор эмасдилар ва бу ҳол уларнинг Тўхтамишхон билан иттифоққа киришлари учун етарли асос бўла оларди.

Хуллас, афтидан Амир Темур Озарбайжон атрофида манфаатлари мужассамлашган барча тарафлар имкониятларини ҳар жиҳатдан чуқур билгани учун ҳам Тўхтамишхон кўшинларининг зикр этилган Самур дарёси томон юришига баҳо беришда ва чора кўришда шовшмайди. Юзаки қараганда у дарҳол кўшин сафлаб, Тўхтамишхон билан юзма-юз бўлиши мумкин эди. Аммо Озарбайжонда ва унинг атрофида етарли мавқега эга бўлмасдан туриб бу ишни қилиб бўлмасди. Акс ҳолда тузоққа тушиб қолиш ҳеч гап эмасди. Шунинг учун ҳам Амир Темур Тўхтамишхон кўшинларига қарши бир неча амирлари ва ўғли Мироншоҳ бошлиқ бир бўлак лашкар жўнатиб, ўзи ўрдада қолади. Мироншоҳ эса Тўхтамишхоннинг унча ҳам кўп бўлмаган аскарларига зарба бериб, бир қанчасини асир олиб қайтади. Шомийнинг ёзишича, Амир Темур асирларни ниҳоятда яхши қабул қилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаган ва бир фикрни уларга уқтиришга интилан: «Биз ахир Тўхтамиш билан ота-боламиз-ку. Нега биз ўртадаги аҳду паймонни бузишимиз керак? Агар кимда-ким орамизга ана шундай ихтилоф уруғини сочаётган бўлса, у худонинг қарғишига учраши тайин. Биз ундайларни жазоламоғимиз керак»². Амир Темурнинг мазкур тадбири ва сўзларини қандай шарҳлаш мумкин? Фикримизча, Соҳибқирон Тўхтамишхонга умид боғламаган. Шу билан бирга Тўхтамишхоннинг Озарбайжонга нисбатан сиёсати нафақат унинг, балки Олтин Ўрдада мужассамлашган ҳарбий сиёсий кучларнинг ҳам манфаатини ифода этишини жуда яхши англаган. Шу сабабли ҳам

¹ Уша жойда, 5-бет.

² Шомий. Зафарнома, 1-жилд, 102-бет.

чамаси юқори мартабага эга бўлган асирларни яхши сўз билан сийлаб, уларга ҳиммат кўрсатган ва ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилган. Зеро, Амир Темур ҳақидаги яхши таассуротни улар ўз юртига қайтгач бошқаларга ҳам етказишлари аниқ эди. Соҳибқироннинг «ўртамизга ихтилоф уруғини сочаётганлар жазоланиши даркор» қабилдаги сўзлари ҳам илмоқли эди. Яъни ихтилоф уруғини сочаётган Тўхтамишхоннинг ўзгинаси эканлиги ҳаммага аён бўлиб, энди фақат гап уни ким жазолашида қолганди: Амир Темурми ё олтинўрдаликларнинг ўзларими? Кейингиси Соҳибқирон учун ҳар жиҳатдан маъқулроқ эди. Чунки шу пайтда Амир Темур Тўхтамишхон билан росмана курашга тайёр эмасди. Аниқроғи, вазият унинг фойдасига зид равишда эди. Бундай дейишга қандай асосимиз бор?

Тарихий манбаларни, айниқса, шу давр асосий «қаҳрамонлари» бўлмиш усмонлийлар, жалойирийлар, қароқўйунлийлар, музаффарийлар, мамлуклар ҳамда Олтин Ўрда намояндаларининг ўзаро алмашган мактубларини ўрганиш шундай хулосага олиб келдики, Амир Темурнинг гарбий йўналишда халқаро майдонга чиққанидан то Султон Боязидни енгунгга қадар (1402 йил) Ўрта ва Яқин Шарқ, Кичик Осиё ҳамда Олтин Ўрдадан, яъни усмонлийлар, жалойирийлар, қароқўйунлийлар, музаффарийлар, мамлуклар, Тўхтамишхондан иборат ўзига хос ҳарбий-сиёсий иттифоққа қарши курашишига тўғри келганди. Бу иттифоққа бош-қошлиқни усмонлийлар олиб борганлар. Улар асосан четдан туриб бошқаларнинг кўли билан иш қилганлар. Иттифоқдаги энг абжир куч эса Тўхтамишхон ҳисобланган. Қолган кучлар, таъбир жоиз бўлса, «қитмир» кучлар эди. Қўлларида бирор жиддий тадбир келмагани сабаб асосан усмонлийлар пинжига кириб ҳаракат қилганлар. Аммо ҳар бирлари ўз манфаатларини ҳеч қачон эсдан чиқармаганлар. Шу маънода музаффарий Шоҳ Мансурнинг Султон Боязидга йўллаган хатидаги бир жумла қизиқ. Унда Шоҳ Мансурнинг усмонлий ҳукмдорга, агар Амир Темур сизни иттифоққа чорласа, яна кўниб юрманг, мазмунидаги сўзлари битилган¹. Кўриб турганимиздек, «қитмир» кучлар ўзларидан хавотир олиб барчага шубҳа билан қараганлар. Энди мазкур иттифоқда усмонлийларнинг тутган ўрнига батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Бунда фактларга суянган

¹ Аснод ва муқотибот, 48-бет.

маъкул. Султон Боязиднинг Шоҳ Мансурнинг илтижо билан ёзган хатига жавобида шундай кўрсатмалар бор: «Қаро Юсуф ва Султон Аҳмад менинг паноҳимдадирлар. Уларга лашкар бериб Диёрбакрга жўнатдим. У ерда улар кеча-кундуз қаттол билан машғулдирлар. Сиз ҳам ўз ерларингизда пистирмада туриб фурсат туғилишини кутинглар. Бундан ташқари гоҳ у жойдан, гоҳ бу жойдан Амир Темурга зарба беришни қўлдан берманглар. Охири хайрли бўлишига шубҳа йўқ»¹.

Шунга ўхшаш кўрсатмани Султон Боязид Қаро Юсуфга ҳам берган: «Сизлар Ширвон, Гилон, Луристон ҳокимлари билан бир тану бир жон бўлиб, кеча-кундуз Амир Темурга қарши жанг қилмоқларинг керак»². Ё бўлмаса, Султон Аҳмад жалойирнинг Султон Боязидга ёзган хатидаги қуйидаги таъкидларга эътибор берайлик: «Шом ёки Миср султонлари ва ҳокимлари ўртасида Амир Темурга қарши курашиш масаласида бирлик мавжуддир. Бу ёғи энди сизга (яъни Султон Боязидга — А. З.) боғлиқ»³. Султон Аҳмаднинг бу сўзларига ҳеч шубҳа билдирмаса бўлади. Зеро, унинг Миср султони билан аввал элчилар орқали, кейин эса шахсан мулоқотда бўлгани, Султон Барқуқ уни ҳарбий куч билан қўллаб-қувватлаганини биламиз.

Шу ерга келганда эса биз ўз-ўзидан яна бир хулосага яқинлашиб қолдик. Кўрилаётган даврда халқаро муносабатларда учта йирик куч фаолият кўрсатган: усмонлийлар, Олтин Ўрда ва Амир Темур. Ҳарбий-сиёсий, иқтисодий имкониятлар нуқтаи назаридан уларнинг ҳар бири халқаро майдонда етакчилик қилиши мумкин эди. Бу билан айтмоқчимизки, ҳатто Амир Темур омили бўлмаган тақдирда ҳам халқаро геосиёсий вазият деярли ўзгармасди. Олтин Ўрда ва усмонлийлар манфаати тўқнаш келиши турган гап эди. Лекин мавжуд шароит шундай шакллангандики, унга кўра Амир Темур бир вақтнинг ўзида зикр этилган «қитмир» кучлардан ташқари ҳам усмонлийлар, ҳам Тўхтамишхонга қарши туриши керак эди. Хўш, Соҳибқирон бундай вазиятда қандай йўл тутди?

Амир Темур ўз рақибларининг имкониятларини яхши билгани аниқ. Бундан ташқари уларнинг, биз ишора қилган тарихий манфаатларидан ҳам бохабар бўлганига шубҳа йўқ (манбаларда ёзилганидек, Соҳиб-

¹ Ўша жойда, 50-бет.

² Ўша жойда, 37-бет.

³ Ўша жойда, 81—82-бетлар.

қирон тарихни жуда яхши билган, тарихчилар билан суҳбат қуришдан чарчамаган. Шунингдек мўлжалидаги мамлақату шаҳарларни обдон ўрганган¹). Шулардан келиб чиққан ҳолда у, энг аввало Тўхтамишхон билан орани очиқ қилишга киришади. Сўнг эса Султон Боязид «масаласи» билан шуғулланади. Музаффарийлар, жалойирийлар, қорақўйунлийлар, мамлуклар тақдири эса йўл-йўлакай ҳал этилади.

Холисона айтиш лозим: Олтин Ўрда Самарқандга қанчалик хатар туғдирса, мавжуд шароитда Амир Темур ҳам Тўхтамишхон учун шунчалик хавfli эди. Буни Тўхтамишхон яхши англаган. Аммо Соҳибқирондан фарқли ўлароқ, у аҳдбузарлик, орқаваротдан иш тутиш йўлидан кетган. Чунончи, Мовароуннаҳр бирлигига путур етказиш ниятида Хоразмга ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Бунда у Амир Темур билан бир неча маротаба аҳдлашган ва шунча маротаба сўзини бузган маҳаллий сўфийлар сулоласига суянади (ваҳоланки, сўфийларга ишонган Соҳибқирон бошданоқ улар билан қариндошлик ипини боғлаб, ўгли Жаҳонгирга сўфийлар хонадонидан бўлмиш Хонзодабегимни олиб берганди²). Тўхтамишхон бу билан қаноатланмай Амир Темур мамлақатда йўқлиги пайтларида Мовароуннаҳрга кўшин юборади. Масалан, 1387 йили унинг кўшинлари Самарқанд, Бухоро атрофини талаб, Занжирсаройни ёндирганлар³. Амир Темур эса Тўхтамишхоннинг бу қитмирлигининг сабабларини яхши тушунган, яъни Соҳибқиронни шошма-шошарлик билан тадбир кўришга ундаган. Амир Темур бундай қилмайди ва 1395 йили Тўхтамишхон билан бўладиган жангга ҳар томонлама тайёргарлик кўриб уни енгади⁴. Бу билан Олтин Ўрдани ҳам ўз таъсир доирасига тортишга муваффақ бўлади. Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи шимолий карвон йўли ҳам энди Самарқанднинг назоратига ўтганди. Қизиғи шундаки, мазкур жангга аранг жон сақлаб қолган Тўхтамишхон ўн йил давомида саргардон бўлиб юриб, 1405 йили Хитойга отланган Амир Темур ҳузурига элчи юбориб, тавба тазарру этади. Соҳибқирон унга Хитойдан қайтгач, яна бир бор Олтин Ўрда масаласи билан шуғулланишини айтади.

Шундай қилиб XV аср бўсағасида Амир Темур икки

¹ Қаранг: Амир Темур тарихи, 2-китоб, 71—72-бетлар.

² *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 67—68-бетлар.

³ *Яздий*. Зафарнома, 404—405-бетлар.

⁴ *Шомий*. Зафарнома, 1-жилд, 157—161-бетлар.

асосий ва қудратли рақибдан бири бўлмиш Олтин Ҳрдани бир ёқли қилишга муваффақ бўлган эди. Энди унинг олдида сўнгги рақиб — усмонлийлар кўндаланг турарди. Амир Темур учун Султон Боязид билан юзмаюз келишдан бошқа йўл қолмаганди. Нега биз бошқа йўл йўқ эди, деяпмиз. Чунки дунёдаги энг қудратли икки куч бу вақтга келиб, Самарқанд ва Кичик Осиёда мужассамлашганди. «Икки кўчқорнинг боши эса бир қозонда қайнамайди». Фикримизча, масала моҳияти ҳам шунда. Ана шу тўқнашувга ким сабабчи бўлдию, нима баҳона чиқди, ким айбдору, ким ҳақ —булар энди мазкур асосий масаланинг тафсилотларидир. Аммо тарих мана шу тафсилотлари билан қизиқ. Шунинг учун ҳам куйида бу борада қисқача тўхталиб ўтамиз.

XIII асрнинг сўнгги ўн йилликларидан бошлаб Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида маҳаллий туркий сулола — усмонлийлар кучга тўлиб, биз ўрганаётган даврга келиб дунёдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланади. XV аср бўсағасида улар Византия (Константинополдан ташқари), Сербия, Болгария, яъни деярли бутун Болқон ярим оролини ўзларига бўйсундиришга муваффақ бўлгандилар. 1396 йили усмонлийлар ҳукмдори Султон Боязид Венгрия қироли Сигизмунд бошлиқ юз минг кишидан иборат европаликларнинг (Англия, Франция, Германия, Чехия, Италия ва Венгрия намояндаларидан иборат) умумий лашқари — салибчиларга Дунай дарёси ўнг қирғоғида жойлашган Никопол (Болгария) шаҳри атрофида қақшатқич зарба беради. Оддий аскарлардан ташқари бир қатор донгдор рицарларни ҳам асирга олади (кейинчалик уларни ўз даври учун жуда катта маблағ — 200 минг дукатдан иборат тўлов пулига озод қилади)¹. Мазкур ғалаба Султон Боязидга Марказий Европа томон ҳаракат қилиш учун қулай имкониятлар туғдирганди. Уша замон тарихчилари ва мазкур мавзуни ўрганган барча тадқиқотчиларнинг фикрича, Ғарбий Европа Султон Боязид хавфидан талвасага тушиб қолганди². Аммо Никополдаги мағлубиятдан сўнг ҳеч бир мамлакат яна усмонлийларга қарши курашиш масаласини амалда кўтаролмасди. Шу ўринда арқон бўғизида турган Византия императори Мануйилнинг (1391—1425) қисмати қизиқ. 1399 йили у усмонлийларга қарши ёрдам сўраб Европа мамлакатларига сафарга чиқади. Чунончи, Венеция, Милан, Флорен-

¹ История Византийской империи, т. III, с. 759.

² Уша жойда.

ция, Франция, Германияда бўлиб, бу ерлик ҳукмдорлардан нажот кутади. Аммо тантанавор қабуллари куруқ ваъдалардан бошқа деярли ҳеч нарсага эришмайди. То Мануйил сафардан қайтгунча бир неча йил ўтиб, орада Амир Темур Султон Боязидни мағлубиятга учратади¹. Шу тариқа Константинопол маълум муддатга хавфдан қутилиб қолади. Ё бошқа бир масалани, яъни Рим папалигининг усмонлийларга муносабатини олайлик. Бунда бир мисол келтириш билан чекланамиз. Ўша кезлари европаликлар орасида шундай гаплар кенг тарқалган экан: усмонлий турклари аслида Рим папалигининг жиянларидир. Бундай дейилишига сабаб эса қуйидагича: усмонлийларга қарши салиб юришлари уюштираман, деб Рим папалиги Европа бўйлаб каттадан-катта маблағлар, солиқлар йиққан. Аммо йиғилган маблағнинг аксар қисмини суистеъмол қилиб юборган. Натижада усмонлийлар «хавфи» папаликка моддий наф келтирган.

Шу ерда Амир Темур билан Европа давлатлари ўртасидаги муносабатлар қизиқиш уйғотиши табиий. Афсуски, бу мавзуга оид Европа архив ва бошқа турдаги манбаларидан фойдаланиш имкониятларимиз жуда кам. Шунинг учун фақат борлари устидан ҳукм қилишимиз мумкин ва шундай бўлса ҳам асосий йўналишлар бўйича тасаввурга эга бўлиш имкони бор.

Амир Темур Генуя, Венеция, Византия, Испания, Франция, Англия билан дипломатик алоқаларни ташкил этгани маълум. Европаликларнинг Амир Темурга муносабатини Султон Боязид омили орқали баҳолаш табиий. Ҳа, бундай дейиш билан биз агар бу омил бўлмаганда эди, Самарқанд ва Европа муносабатлари ўзгача бўлиши мумкин бўларди, демоқчимиз. Бунга биз қуйидаги маълумотлар орқали амин бўлишимиз мумкин. Мануйил Европага жўнаганда Константинополда ўз ноибни Иоанни қолдирганди. Иоаннинг Амир Темур элчиларига «Константинопол то шу чоққача Султон Боязидга тўлаб келган солиқни бундан буён Амир Темурга тўлайди», деганини биламиз². Бошқа бир Мануйил номила машҳур Трабзон императори ҳам Султон Боязидга қарши уруш ҳаракатлари бошланса, Соҳибқиронга ҳарбий кемалар билан ёрдам беришини ваъда қилган. Аммо Султон Боязид енгилгандан сўнг эса Константинопол ҳам, Трабзон ҳам сўзида турмаган. Бу

¹ Ўша жойда, 761-бет.

² Ўша жойда.

хам етмагандай усмонлийларга ёрдам берганлар¹. Биз нима учун Амир Темур ва Европа муносабатларини шарҳлашни айти шу масаладан бошладик? Чунки то шу чоққача мазкур муносабатлар ёритилганда асосан икки нарсага урғу бериб келинган: Европа икки туркий хукмдорни бир-бировига гиж-гижлаб, уларни уруштириб қўйган ва кейинчалик ўз манфаатини рўёбга чиқариб олган; Амир Темур Европани усмонлийлардан халос қилган.

Тўғри, юқорида кўрганимиздек, Амир Темур Европанинг бир қатор давлатлари билан дипломатик алоқаларни олиб борган. Чунончи, унинг франциялик Карл VI ва англиялик Ҳенри IV (1393—1413) билан ёзишмаларидан хабардормиз. Карл VI ҳам, Ҳенри IV ҳам Соҳибқиронни кўкка кўтариб мақтаб, унинг усмонлийларга қарши курашини юқори баҳолайдилар. Масалан, Карл VI Султон Боязид мағлубиятини назарда тутиб, энди биз ўзимизни «ғоятда енгил ва бахтиёр ҳис» этмоқдамиз деб ёзганди². Шу билан бирга, улар Амир Темур таклиф қилган ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш учун тайёр эканликларини билдирганлар. Амир Темур ҳам асосан савдо алоқаларини кенгайтириш масаласи билан чекланган. Зеро, икки томон ҳам бир нарсани яхши тушунганлар: Амир Темур Султон Боязидни енгизиши билан то шу чоққача усмонлийларга у ёки бу шаклда қарам Европа энди кўп жиҳатдан Самарқандга боғлиқ бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам Европа ва Самарқанд ўртасидаги элчилик алоқалари Анқара жангидан сўнг анча фаол тус олган. Амир Темурнинг европаликларга савдо-сотикда ҳамкорлик қилишни таклиф этиши дипломатия тилидан оддий тилга ўтказилса «Мен сизларга Султон Боязид каби сиёсий талаб қўймайман, фақат бизнинг савдогарларга ўз юрларингизда шароит яратиб берсанглар бўлди», дегани билан баробар эди. Мазкур режа амалга оширилганда эса Хитойдан Атлантика океанигача бўлган савдо йўлларини назорат қилиш имкони туғиларди. Бунинг нечоғлик катта қудрат бахш этишини тасаввур қилиш қийинмас. Мана шу ерда асосий мақсадга кўчамиз. Амир Темур Султон Боязидга қарши курашаркан, бу ишнинг кимларгадир ёқиш ва кимларнингдир гиж-гижлашишига учиш учун эмас, балки сиёсий жиҳатдан

¹ Уша жойда.

² Труды Узбекского государственного университета. Новая серия. Выпуск 61, 1956, с. 195—196.

ўз салтанати манфаатларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий жиҳатдан дунё миқёсида кенг имкониятларга эга бўлиш йўлида амалга оширган. Агарда биз Соҳибқирон европаликларнинг гиж-гижлаши оқибатида Анқара жангига кирди, десак, унда ўзимиз билмаган ҳолда Амир Темурни ерга уриб кўямиз. Ўйлаб кўрайлик. Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида не-неларни кўрган, ҳар томондан илмли, тажрибали, ёши етмишга етиб қолган буюк сиёсатчи икки-уч кишининг ифвосига учиб, Султон Боязиддай қудратли сиёсий кучга қарши жангга кириб кетса. Йўқ, Соҳибқирон Султон Боязид билан тўқнашувга обдон тайёргарлик кўрган. Уни енгса нимага эришишию, акси бўлса не юз беради — ҳаммасини тарозуга солган. Шунинг учун ҳам 1404 йили Самарқандга кириб келган Испания элчиси Клавихони қабул қиларкан биринчи сўрагани куйидагича бўлган: «Менинг ўғлим сенйор қиролнинг (яъни Испания қироли Ҳенри III нинг — А. З.) аҳволлари, соғлиқлари қалай... менинг ўғлим, дунёнинг (нариги) чеккасида яшовчи Фаранг қироллари орасидаги энг улуғи Испания қироли юборган мана бу элчиларга қаранглар... мен ўғлим — Испания қиролини дуо қиламан»¹. Мазкур сўзларни таҳлил қилсак, биз илгари сурган фикр янада ойдинлашади. Дипломатия тилидаги «ўғлим» оддий мулозиматда қаролим дегани. Франклар, яъни европаликларнинг энг улуғ қироли Соҳибқиронга ўғил бўлса, қолганлари-чи?! Демак, Амир Темурнинг Европага муносабатида шубҳа қилмаса бўлади. У Европани озод қилишни мақсад қилиб кўймаган. Бунга унинг куйидаги сўзлари тасдиқ бўла олади. Султон Боязидга ёзган хатларидан бирида Соҳибқирон шундай дейди: «Фаранг лашкарига қарши жиҳод фарзини амалга ошириш йўлида ҳаракат камарини (белга) боғлаганинг учун ҳам сенинг мамлакатинг ҳудудига ҳеч бир тажовуз этмадик», ё бўлмаса «ул жаноб ҳеч бир хавотирсиз (яъни Амир Темур орқадан босиб келади, деб ўйламасдан — А. З.) ўша диёр кофирлари жиҳоди ила машғул бўлаверсинлар. Биз томондан ул тарафга қайси шаклда мақбул бўлса самиймона иноят ва кўмак кўрсатилғай»².

Демак, Амир Темурнинг Султон Боязид билан ҳам муносабати ниҳоятда мураккаб бўлган. Бир томондан, диндош, иккинчи томондан, қавмдош, учинчи томондан, сиёсий мухолиф. Учунчиси ҳамма замонлар,

¹ *Клавихо*. Дневник, с. 109.

² Аснод ва муқотибот, 105—107-бетлар.

ҳамма давлатлар учун муҳим бўлиб келган. Тўғри, усмонлийлар билан сиёсий қарама-қаршиликни Соҳибқирон дипломатия йўли билан ҳал қилишга кўп ҳаракат қилган. Икки томон тўрт мартаба хат алмашганлар¹. Агар хатларни кўздан кечирсак, Амир Темур босиқлик билан иш тутувчи, мўлжалини рўёбга чиқаришда ҳеч бир шубҳаси йўқ кишини эслатади. Султон Боязид эса кўпроқ танглик, асабийлик, ўжарликка берилади. Ҳатто Амир Темур номига номақбул сўзларни ҳам айтади. Бундан ташқари Султон Боязид музаффарийлар, жалойирийлар, қорақўйунлийлар билан ёзишмаларида Соҳибқиронни таҳқирлаб кофирликда айблайди. Амир Темур буларга ҳам кўз юмади ва бу ҳақда Султон Боязидга шахсан ёзади ҳам. Хуллас, яхши сўз билан иш битмайди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди. Яна қайтаришга мажбурмиз: Султон Боязид ҳам ҳазилакам қудратга эга бўлганми. Унинг ҳам Яқин ва Урта Шарқ, Кавказортига нисбатан ўз мўлжали бор эди. Жалойирийлар, қорақўйунлийлар, музаффарийлар, мамлуклар шу мўлжални амалга оширишда унинг кўлидаги воситалар эди ва мазкур воситалардан Султон Боязид то Анқара жангигача усталик билан фойдаланиб келган. Буни қисман юқорида кўрдик.

Анқара атрофидаги Амир Темур ва Султон Боязид тўқнашуви 1402 йилнинг 20 июлида содир бўлиб, унда Соҳибқирон тўла ғалаба қозонади. Шу тариқа дунёда маркази Самарқанд бўлган буюк давлат учун хавф туғдирадиган бирон ҳарбий-сиёсий куч қолмайди. Бу нафақат ўз даври, балки олдинги ва кейинги замонлар учун ҳам ташқи сиёсатда эришилган энг улуғ ғалаба эди. Зеро, ўзбек давлатчилиги кейинги асрларда ташқи сиёсат бобида халқаро майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини Амир Темурчалик амалга ошира олмади. Ваҳоланки, Соҳибқирон вафотидан сўнг воқелик моҳияти ҳеч бир ўзгармаганди. Кечагина бирга бўлганлар: Қаро Юсуф ва Султон Аҳмад Озарбайжон учун ўзаро курашдилар ва бу кураш Султон Аҳмаднинг ҳалок бўлиши билан тугади. Қорақўйунлийларни эса бошқа бир туркий қабила — оққўйунлийлар улоқтириб ташладилар. Мамлукларни жазолаган эса худди ўша усмонлийлар бўлдилар. Кейинги усмонлийлар даврида Сурия, Миср, Шимолий Африканинг бошқа ерлари, Крим кабилар эгалланди. Кон-

¹ Ўша жойда, 92—93, 97—100, 104—111, 115—118-бетлар.

стантинопол забт этилди. Венгрия, Италия, Германия, Молдова, Рус каби бошқа қатор давлатлар усмонлийлар билан курашларда тинкалари қуриди.

Шундай қилиб, темурийлар, айниқса Амир Темур даврида ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг ёрқин саҳифалар битилди, десак, ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Мазкур йилларда давлатимизнинг, умуман ўзбек халқининг ички ва ташқи сиёсатдаги имконлари, салоҳияти тўлатўқис намоён бўлди. Мамлакатимиз жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айланди. Давлатимиз куч-қудратига Европадан Хитойга қадар улкан ҳудуддаги давлатлар тан берди. Шу билан бирга, минг афсуски, сўнгги темурийлар, XVI асрда улардан ҳокимиятни тортиб олган шайбонийлар ва келгусида ҳокимиятни бошқарган сулолалар ушбу муваффақиятлар ва давлатчиликдаги тараққиёт даражасини сақлаб қололмадилар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ XVI—XIX АСРЛАРДА

ШАЙБОНИЙЛАР

Ўзбек давлатчилигининг Россия босқинидан олдинги сўнги босқичи, фикримизча, XVI асрдан, яъни ҳокимият шайбонийлар қўлига ўтишидан бошланади. Зеро, айнан мазкур асрдан бошлаб давлат бошқарувида то шу чоққача шаклланиб келган анъаналардан чекиниб бориш ҳолати кўзга ташланади. Бунинг сабаби шайбонийларнинг ўзлари ҳам, улар суянган ҳарбий-сиёсий қатламлар ҳам кўчманчи муҳит вакиллари бўлганликларидадир. Нафсиламбирини айтганда, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки шайбонийлар ўз фаолиятларини Жўчи улусининг Оқ Ўрда қисмида бошлаганлар. Мазкур сулола мавқеи, айниқса, шайбоний Абулхайрхон (1428/29—1468/69) даврида юксалган. XV асрнинг 30—40-йилларида аввалига Фарбий Сибирь ерларида, сўнг Сирдарёдан шимолдаги худудларда ўз ҳокимиятини ўрнатган Абулхайрхон Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган вилоятларга ҳам зугум қила бошлайди. Чунончи, 1431 йилиёқ у Хоразмга бостириб киргани маълум¹. Бу энди шайбонийларнинг темурийлар билан ўзаро зиддиятга кира бошлаганидан далолат эди. Абулхайрхон Хоразм босқини билан чекланмай, Шохрух ўлимидан сўнг (1447) Улуғбек мамлакатда йўқлигидан фойдаланган ҳолда Самарқанд ва Бухоро атрофига ҳарбий юриш уюштиради². Атроф ерларни талаб катта ўлжа олиб қайтиб кетади. Аммо шайбонийларнинг Мовароуннаҳрга бостириб боришларида темурийларнинг ўзаро кураши бош сабаб бўлган эди, десак тўғри бўлади.

1451 йили, Самарқанд тахти учун темурийзодалар ўртасида кураш қизиган бир паллада, темурий Абу Саъид ёрдам сўраб Абулхайрхонга мурожаат қилади. Пайтдан фойдаланган Абулхайрхон лашкар тортиб Мова-

¹ Масъуд ибн Усмон Қўҳистоний. Тарихи Абулхайрхоний. Ўзбекистон ФАШИ ҚЖ. Рақами 9989, 217 б-варақ;

² Уша жойда, 231 а-варақ.

роуннахрга кириб келади ва Абу Саъидни бошқа бир темурий шаҳзода Абдулла Мирзога (1450—1451) қарши жангида қўллаб-қувватлаб, Самарқандни қўлга кириштишда катта кўмак беради. Тахт эгаси бўлиб олган Абу Саъид шайбоний ҳукмдорга каттадан-катта совғалар бериб, Мирзо Улуғбекнинг Робия Султонбегим номли қизини ҳам «тортиқ» қилади¹. (Кейинчалик бу никоҳдан шайбонийлардан Кўчкунчи, Севинчхожа, Оқбурун туғилган.) Аммо Абулхайрхон учун мазкур юришдан олинган энг катта ютуқ шу бўлдики, 1451 йил воқеалари орқали у Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига шайбонийлар омилини олиб кирди, бу юртда ўз сиёсий мавқеига эга бўлиб олди. Энди унинг учун мазкур йўналишда янада фаолроқ ҳаракат қилиш имкони туғилганди. Бу имкондан у қандай фойдаланди?

1460 йили Абулхайрон Абу Саъиднинг рақиби темурийзода Муҳаммад Жўкийга (1449—1464) Туркистон, Сайрам, Тошкент, Ахсикат, Шохрухийани эгаллаб олишида ҳарбий ёрдам беради. Шунга ўхшаш ёрдам қўлини у Хоразм учун Абу Саъид билан курашга киришган Султон Ҳусайнга (1469—1506) ҳам чўзади². Хуллас, Абулхайрхон борган сари Мовароуннаҳрда ўз нуфузига эга бўлиб боради. Амалда эса бу ҳолат шайбонийларнинг мазкур ҳудудда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бораётганларидан далолат эди. Аслини олганда шайбонийлар Олтин Ўрда (Жўчи улуси) намояндалари сифатида Мовароуннаҳрни собиқ Чигатой улусининг таркибий қисми деб билиб, унга нисбатан ўз даъволарининг ҳақли эканлигига ишонардилар ва бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уринардилар. Шу маънода Муҳаммад Шайбонийхоннинг куйидаги сўзлари қизиқиш уйғотади: «Агар Темурбек авлодларидан баъзи мулкларни тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Зеро, қазо меросий мулкни яна бизнинг қўлимизга ва ихтиёримизга қайтишини тақозо этади»³.

Абулхайрхон ўлимидан сўнг шайбонийлар хонадонига ички зиддиятлар сабаб сулола заифлашганига қарамай Муҳаммад Шохбахт даврига келиб шайбонийлар яна бир бор қаддиларини тиклаш имконига эга бўлдилар. Муҳаммад Шохбахт Абулхайрхоннинг Шох

¹ Ўша жойда, 216а-218а-варақлар; Ҳабиб ас-сийар, 3-жилд, 3-қисм, 167-бет.

² Ҳабиб ас-сийар, 3-жилд, 3-қисм, 167, 213—215-бетлар.

³ Меҳмонномаи Бухоро, 72 б-варақ.

Будоғ номли ўғлидан туғилган набираси бўлиб, биз уни асосан Муҳаммад Шайбонийхон (1451—1510) номила яхши биламиз.

XV асрнинг 90-йилларидаёқ Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрнинг биқинида мустаҳкам ўрнашиб олганди, яъни Ўтрор, Сайрам, Туркистон (Йасси) унинг ҳукми остига ўтганди. У Хоразмга ҳам таҳдид солиб келарди. 1394 йили Мовароуннаҳр ҳукмдори темурий Султон Аҳмад вафот этади. Бобур таъбири билан айтганда, «беклар иттифоқ қилиб» марҳумнинг укаси Султон Маҳмудни (1453—1495) тахтга ўтқаздилар¹. Унинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади, 1495 йили Самарқанд тахтини ўғли Бойсунғур (1477—1499) эгаллайди. Мовароуннаҳрдаги вазият кескинлашган йиллар айна шу замон бўлган десак тўғри бўлади. Зеро, маҳаллийчилик авж олиб, самарқандлик ва бухоролик беклар Бойсунғурни ҳисорлик бекларга ён босганликда айблаб, олий тахтга унинг укаси Султон Алини (1483—1501) ўтказиш пайига тушадилар. Мазкур қарама-қаршилиқка дин пешволари ҳам аралашадилар. Вазиятнинг нечоғлик мураккаб бўлганини шундан ҳам билиб олса бўладики, хожа Аҳрор авлодларидан Муҳаммад Хожаги Бойсунғурни ёқласа, хожа Йахё Султон Али томонида эди. Бобур таъбири билан айтганда, «Ҳазрати хожа Убайдулло (Аҳрор) авлодининг орасида бу сабабдин таассуб тушти. Улуғи улуғига мураббий бўлди, кичиги кичигига муқаввий»². Бир сўз билан айтганда, мамлакат нафақат сиёсий, балки мафкуравий жиҳатдан ҳам иккига бўлинади. Бошқа томондан эса Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Ҳисор ва Кундузга интилишини кучайтира бошлайди. 1496 йили Самарқанд тахти атрофидаги мазкур машмашалар хабари Фарғонага етиб боради. Бу ерда эса отаси ўлимидан сўнг ҳоким мақомида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) фаолият бошлаганди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзганди: «(Хабар келгач) биз ҳам Самарқанд доияси (яъни даввоси — А. З.) била... ўқ черик отландуқ»³. Бошқача айтганда, Самарқанд тахти учун яна бир даввогар кўпайганди.

Бойсунғурнинг акаси Султон Масъуд (1475—1506) билан иттифоққа кирган Бобур 1497 йили Самарқандни қамал қилади. Бойсунғур ёрдам сўраб Туркистонга (Йассига) одам юбориб, Муҳаммад Шайбонийхонни

¹ Бобурнома, 23-бет.

² Уша жойда, 36-бет.

³ Уша жойда, 37-бет.

даъват қилади. Пайтдан фойдаланган Муҳаммад Шайбонийхон тезликда лашкар тортиб келган бўлса-да, аммо сўнгги паллада Бойсунғур айниб уни қабул қилмайди. Муҳаммад Шайбонийхон яна орқага қайтиб кетади. Бойсунғур ҳам Самарқандни тарк қилгач, шу йили Бобур илк бор Самарқандга кириб тахтни эгаллашга муваффақ бўлди. Аммо бу ютуқ узоққа чўзилмай тез орада Бобур ўзи йўқлигида Андижонни эгаллаб олган рақиблари билан курашиш учун Фарғонага жўнашга мажбур бўлади. Бир сўз билан айтганда, темурийлар хонадонида бошбошдоқлик авжига чиққан, маҳаллий беклар мавқеи ошиб расмий сулолани тан олмай қўйганлар. Бундай шароитда Муҳаммад Шайбонийхон учун Самарқандга интилиш табиий бир ҳол эди. Камолиддин Биноий шу муносабат билан, темурийлар ўртасида қарама-қаршилик ортиб бораётганидан хабар топган Муҳаммад Шайбонийхон бу сулоланинг умри тез орада битишини билди, деб ёзганди¹. Ҳақиқатдан ҳам кучга тўлиб келаётган Муҳаммад Шайбонийхоннинг мўлжали тўғри чиқади. Ўзаро чиқишмаган темурийлар орасидаги парокандаликдан фойдаланган Муҳаммад Шайбонийхон 1501 йили Самарқандни забт этишга муваффақ бўлади. Бобур Хуросон томон чекинади. 1503 йили Муҳаммад Шайбонийхон Амударёдан ўтиб темурийларнинг сўнгги таянчи Хуросон учун курашни бошлаб юборади. Ўзаро уюша олмаган хуросонлик темурийлар ҳам жангда енгилдилар. 1507 йили Ҳиротда Муҳаммад Шайбонийхон номидан хутба ўқилади. 1508 йили Муҳаммад Шайбонийхон Хуросоннинг Жом, Марв, Машҳад, Қандаҳор, Астробод каби муҳим марказларида ўз ҳукмини ўрнатишга эришгач², темурийларнинг мамлакатдаги ва умуман Турон минтақасидаги 135 йиллик фаолиятига нуқта қўйилади. Аввал Кобул, сўнгра Ҳиндистон томон юзланган Бобур 1526 йили Шимолий Ҳиндистонда темурийлар ҳукронлигини ўрнатишга муваффақ бўлади. Темурийларнинг Бобурдан тарқаган авлодлари бу кўҳна заминда расман 1858 йилга қадар даврон сурадилар.

Хуросоннинг ҳам бўйсундирилиши амалда минтақанинг бир марказ (Самарқанд) остида бирлаштирилиши эди. XV асрнинг иккинчи ярми давомида темурийлар рўёбга чиқаролмай келган вазифани Муҳаммад Шайбонийхон эплаганди.

¹ Шайбонийнома. ЎзФА ШИ ҚЖ. Рақами 844, 25 а-варақ.

² Бу ҳақда қаранг: Хабиб ас-сийар, 3-жилд, 3-қисм, 353—358-бетлар; Аҳсан ат-таворих, 1-жилд, 91, 97—100, 106-бетлар.

XV аср охири ва XVI аср бошларида нафақат Туркистон (Турон), балки Эронда ҳам катта сиёсий ўзгаришлар юз беради. Чунончи, Ғарбий Эронда ҳокимиятга янги сиёсий куч — сафавийлар (қизилбошлар) келадилар. Гарчи манбаларда сафавийларнинг (1501—1732) келиб чиқиши ҳақида турлича талқинлар мавжуд бўлса-да (масалан, сафавийлар сулоласи насабини араблар, курдлар, турклар билан боғлаш ҳоллари бор), аммо бир нарса фанда аниқ. Яъни, сафавийлар Кичик Осиё ва Урта Шарқдаги муайян бир туркий ҳарбий-сиёсий кучларга суянганлар, улар кўмагида ҳокимиятга келганлар, улар ёрдамида давлатни бошқарганлар¹. Уларнинг қизилбош дейилишига сабаб, бош кийимларининг қизил рангда бўлганлигидандир. Зеро, Кичик Осиё қавмларининг XIII—XIV асрлардаёқ қизил кулоҳ кийиб юрганликлари маълум.

Шундай қилиб, теурийлар салтанати барбод бўлиши билан XVI асрда Турон ва Эронда икки янги сиёсий куч — шайбонийлар ва сафавийлар (қизилбошлар) фаолият кўрсата бошлайдилар. Бошқача айтганда, уларнинг ўзаро тўқнаш келишлари муқаррар эди. Зеро, ҳар икковлари ҳам бир-бирлари томон ҳаракатда жадал эдилар. 1510 йили Марв атрофида Муҳаммад Шайбонийхон ва сафавийлар сардори Исмоил (1510—1524) ўртасида жанг юз бериб, ҳарбий-тактикавий усталик йўли билан Исмоил шайбонийлар қўшинини мағлубиятга учратади².

Муҳаммад Шайбонийхон ҳам шу тариқа жангда ҳалок бўлади. Исмоил буйруғига кўра унинг калласи олиниб пўсти шилинади, пўсти ичи сомон билан тўлдирилиб, сафавийларнинг ғарбдаги душманлари бўлмиш усмонлийлар ҳукмдори Султон Боязид II (1481—1512) ҳузурига жўнатилади. Бу билан Исмоил усмонлий ҳукмдорга ўз қудратини кўрсатиб қўймоқчи бўлгани аниқ. Муҳаммад Шайбонийхон бош чаноғига келсак, Исмоил уни олтин билан қоплаб базми жамшидларда унга май қуйиб қадаҳ ўрнида фойдаланган.

Муҳаммад Шайбонийхон ўлиmidан сўнг тахтга Кўчкунчихон (1510—1530), яъни марҳумнинг амакиси чиқади³. Гарчи у расман йигирма йил мамлакатни бошқарган бўлса-да, аммо сулола ичида мавжуд баъзи бир

¹ Қаранг: *Фаруқ Сумер*. Сафавий давлатининг барпо бўлиши ва ривожиди Анадулу туркларининг роли. Анқара, 1992.

² Ҳабиб ас-сийар, 3-жилд, 4-қисм, 56—60-бетлар.

³ Кўчкунчихон, юқорида тилга олинганидек, Мирзо Улуғбекнинг набираси эди.

қарама-қаршиликлар сабаб шайбонийлар Муҳаммад Шайбонийхон замонидек қатъий ички ва ташқи сиёсат юргиза олмаганлар. Натижада дастлабки йилларда (1511—1512) шайбонийлараро ички зиддиятлардан фойдаланган ҳолда ҳамда сафавийлар кўмагига суяниб, Бобур Самарқанд тахти учун курашни давом эттириш имконига эга бўлади. Бобур хавфини қайтаришда Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла султон жонбозлик кўрсатади. Умуман олганда худди мана шу султон олий тахтга ўтиргунга қадар шайбонийлар на ички, на ташқи сиёсатда эътиборга молик тадбирларни амалга оширолмаганлар. 1530—1533 йилларда Кўчкунчихоннинг ўғли Абу Саъид ҳукмронлигидан сўнг ниҳоят олий ҳокимиятга Убайдулла келади. Шунда ҳам осонлик билан эмас. Чунончи, пойтахт Самарқандда ўрнашиб олган Кўчкунчихон авлодлари унинг шаҳарга кириб расм бўйича тахтга чиқишига тўсқинлик қилганликлари сабаб Убайдулла Бухорода олий ҳукмдор деб эълон қилинади. Демак, пойтахт ҳам ўша ёққа кўчади. Ғайратли ва уддабурон Убайдуллахон (1533—1539) мамлакат ичкарисида тартиб ўрнатишда ва айниқса, Хуросонда Мовароуннахрнинг илгариги мавқеини мустаҳкамлашда кўп тадбирларни амалга оширади. Сафавийлар билан тенгма-тенг рақобатлашади¹.

Убайдуллахоннинг ўлимидан кейинги йиллар яна бир бор шуни исботладики, яккаҳукмдорлик тузумида жамият ва давлат тақдири кўп ҳолларда олий ҳукмдор шахсига боғлиқ бўлиб қолади. Яъни, агар у уддабурон, ақлли, шижоатли, узоқни кўра биладиган етук сиёсатчи бўлса, унинг ҳам, сулоланинг ҳам, ва албатта, жамиятнинг ҳам иши юришади. Акс ҳолда вақт ички низолар, ташқи тажовузлар мавжудлиги билан ўтиб, давлат ва жамият заифлашиб бораверади. Убайдуллахондан сўнг ҳам шундай бўлди. Абдуллахон I нинг қисқа ҳукмдорлигидан (1539—1540) сўнг мамлакатда кўш ҳокимиятчилик юзага келади. Бухорода Убайдуллахон ўғли Абдулазиз (1540—1550), Самарқандда эса Кўчкунчихон ўғли Абдуллатиф (1540—1551) ҳукмфармо эдилар. Авваллари ҳам кўрганимиздек, сиёсат бўшашган замонларда дин пешволарининг роли ошиб борганидек, мазкур йилларда ҳам мамлакатда йирик дин пешволаридан ҳисобланмиш жуйборий хожаларидан Муҳаммад Ислом (вафоти 1563 йил) фаолияти тобора кўзга ташланиб боради.

¹ Силсилот ас-салотин, 116 б—120 а-варақлар; Аҳсан ат-таворих, 1-жилд, 240—246, 263—272, 274—278, 290—292-бетлар.

Ўткир тафаккурли хожа Муҳаммад Ислоом бошданоқ ёш шайбонийзодалардан бўлмиш, аммо ниҳоятда абжир ва уддабурон Абдулла султонни қўллаб-қувватлай бошлайдди. Худди шундай хислатларга эга сиёсатчигина жамиятга ҳам, давлатга ҳам, ва албатта динга ҳам кўп фойда келтиришини у яхши билган. Абдуллахон II (1583—1598) амалий ҳокимиятни 1556 йилнинг охирларида қўлга киритгунга қадар Самарқанд ва Бухорода ҳукмдорлар бир мартаба ўзгаришга улгуради: Наврўз Аҳмадхон (1551—1556) ва Бурҳонхон (1550—1556). Олий ҳукмдор сифатида расман Абдуллахон II нинг амакиси Пир Муҳаммад I (1557—1561), 1561 йили эса отаси Искандархон (1561—1583) эълон қилинган бўлса-да, аммо таъкидланганидек, амалдаги сиёсат тизгини Абдуллахон II ихтиёрида эди¹. Расмий хон сифатида эса у фақат 1583 йили, яъни отаси ўлимидан сўнг олий тахтга чиқади.

Абдуллахон II сўнгги йигирма йил давомида сиёсий бошдошдоқлик натижасида парчаланган мамлакат ва минтақани бирлаштиришни бош мақсад қилиб, бу йўлда кўп ва муваффақиятли, шу билан бирга машаққатли ҳаракатларни амалга оширган буюк давлат арбобидир. У Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Термиз каби вилоятларни пойтахт Бухоро атрофида бирлаштириш йўлида кўплаб ҳарбий-сиёсий тadbирларни рўёбга чиқаради. Бу сиёсатнинг мураккаблиги нечоғлик бўлганини шундан ҳам кўрса бўладики, 1578 йили, яъни фаол сиёсат юргиза бошлаганидан йигирма йил ўтгандан кейин ҳам, Самарқанд, Хоразмни пойтахт ихтиёрида сақлаб қолишдек юмушларни бажаришга мажбур бўлган. Хоразмни марказий ҳокимият доирасига киритиш учун уч мартаба урингани ва ахийри мақсадига 1596 йили, ўлимидан икки йил бурунгина эришганини олайлик. Хуллас, мамлакат сиёсий яхлитлигига эришиш осон кечмаган².

Абдуллахон II Амир Темурдан сўнг Дашти қипчоққа нисбатан қатъий сиёсат юргиза олган ягона ва сўнгги давлат арбоби ҳисобланади. Чунончи, у 1582 йили мазкур йўналишда Бухоро ҳокимиятини тиклаш ниятида ҳарбий юриш уюштириб, Улуғтоққача (ҳозирги Қарағанда вилоятининг ғарбида, Сариксув дарёсининг ши-молида жойлашган тоғлик) боради. Манбаларда шу муносабат билан қизиқ маълумот бор. Абдуллахон II Улуғтоққа етиб боргач тоғ тепасидаги бир минорада

¹ Абдуллонома, 1-жилд, 239, 299-бетлар.

² Абдуллонома, 2-жилд, 201-217; Шажарайи турк, 143, 147, 150—157-бетлар.

битилган куйидаги сўзларга кўзи тушади: «Тарих етти юз тўқсон учинда, кўй йили, ёзнинг ора ойи, Турон султони Темурбек икки юз минг черик била Тўхтамишхон юртига интиқом учун юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб бу минорани қурдирди. Тангри нусрат бергай, иншооллоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилгай. Бизни дуо билан ёд қилгай». Мазкур битиклар 1391 йили Амир Темур Тўхтамишхонга қарши лашкар тортган кези шу тоғ устига чиқиб, бу ерда бир минора қурдириб, унга ёздирган хотира сўзлари эди. Абдуллахон II Соҳибқирон ҳақида дуолар ўқиттириб, ўзи ҳам қарши томонда бир минора қуришга буйруқ беради. Ва унга «Кимки бу манзилга қадам кўйса, хайрли дуо ила бизни ёд айласин» сўзларини ўйдиртиради¹. Мазкур гувоҳликлар Абдуллахон II нинг Амир Темур даври Туронзамин шуҳрати ва қудратини тиклаш нияти нечоғлик баланд бўлганлигидан далолатдир, албатта.

Фикримиз исботи сифатида Абдуллахон II нинг 1563 йилиёқ шайбоний Кучумхонга лашкар бериб, уни Сибирь хонлигида ҳокимиятга келишида қўллаб-қувватлаганлиги ҳамда Сибирь хонлигининг Бухоро билан яқиндан сиёсий-иқтисодий ва диний алоқаларда бўлганлигини келтириш мумкин. Агар биз Абдуллахон II нинг 80-йилларда Хуросонда, айниқса, унинг марказлари Ҳирот, Машҳадда, 90-йилларда эса Сейистон, Гармсир ва то Ҳилманд дарёсигача бўлган ерларда Бухоро ҳокимиятини ўрнатганини, Қандаҳорни қамал қилганини назарда тутсак, у ҳолда биз Абдуллахон II даврида Улуғтоғдан Ҳилманд дарёсигача, Сибирь хонлигидан Машҳадгача бўлган улкан ҳудуд яна бир бор марказий ҳокимият — Бухоро қўл остида бирлашганининг гувоҳи бўламиз. Бундай натижага Амир Темурдан сўнг Абдуллахон II эришди, холос.

Абдуллахон II 1598 йили олтмиш беш ёшида вафот этган. Умрининг сўнгги йилларида у ўғли ва валиаҳди Абдулмўмин (1568 йили туғилган) билан бир оз қарама-қаршилиқда бўлгани маълум. Аниқроғи, манбаларда берилган таърифга кўра, шайбонийлар орасида шижоат, мардлик ва художўйликда беназир Абдулмўмин отасидан олий тахтни талаб қила бошлайди. Юқорида айтилган ҳолат, Искандархон расман олий ҳукмдор бўлса-да, аммо амалий ишни Абдуллахон II нинг ўзи бажарганини ваз қилиб олган Абдулмўмин ниятидан

¹ Силсилот ас-салотин, 125 б-варақ.

қайтмай, олий тахт учун очиқчасига бўлмаса ҳам ҳар ҳолда кўп уринган. Лекин тез орада отасининг куни битиб 1598 йили у расман хонлик курсисига ўтиради¹.

Абдулмўмин ўз мавқеини мустаҳкамлаш йўлида, тахтга даъвогарлик йилларида отаси томон бўлган баъзи бир амирларни қатл эттиради. Бу билан ҳам чекланмай, ҳатто шайбоний шаҳзодаларни ҳам аямайди. Сўнг эса салтанат ишларига киришиб, аввал шу йили Тошкентда юз берган шайбоний султонлар исёнини бостиради. Кейин Хуросонда ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш ниётида йўлга чиқади. Ўша давр тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, Абдулмўмин қизиққон, чўрткесар шахс бўлиб, отаси даврида ҳузур-ҳаловат ва тақвога ўрганиб қолган бухоролик бир қатор бекларнинг пайига тушган. Улар буни сезиб мазкур Хуросон юришига йўлга чиққан, Ўратепа ва Зомин оралиғига етиб борган Абдулмўминга қарши суьикасд уюштириб, уни ўлдирадилар². Тахтга сўнгги шайбоний ҳукмдор Пир Муҳаммадхон чиқади. Орадан икки йилча вақт ўтиб — 1601 йили Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад билан курашда енгилган Пир Муҳаммадхон тақдири билан бирга умуман шайбонийлар сулоласи тақдири ҳал бўлади. Зеро, Боқи Муҳаммад бошқа бир сулола — аштархонийлар намояндаси эди. Демак, 1601 йили мамлакатимиз сиёсий саҳнасига янги сулола — аштархонийлар чиқади.

Шайбонийлар даври давлат бошқаруви масаласига тўхталиб ўтсак. Шайбонийлар замони давлат бошқаруви ҳақида сўз кетганда темурийлар ва айниқса чингизийлар босқинидан аввалги замонлардаги каби давлат идоралариаро тақсимотда мавжуд бўлган аниқ кўринишлар тўғрисида сўз юритиш қийинроқ. Бунинг бош сабаби, бир томондан, кўрилаётган давр тарихий ва бошқа турдаги манбаларнинг кам ўрганилганида бўлса, иккинчи томондан, кўчманчи, ярим кўчманчи турмуш тарзи анъаналари мустаҳкам Жўчи улусидаги (Дашти қипчоқдаги) ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шайбонийлар фаолиятида сақланиб қолганлигидандир. Аниқроқ айтганда, шайбонийларнинг Дашти қипчоқдан Мовароуннаҳрга кириб келишлари билан мазкур биринчи маконда мавжуд айрим анъаналарнинг ҳам Туркистон марказига тарқалиши учун шароит туғилганди. Худди шу сабаб ҳам ўзбек давлатчилигининг сомонийлар, қорахонийлар, газнавийлар, салжуқийлар,

¹ Ўша жойда, 144а—147а-варақлар.

² Ўша жойда, 148б—155б-варақлар; Муқимханская история, с. 69—70.

ануштегинийлар, теурийлар даврида мавжуд бўлган давлат бошқарув тақсимооти шайбонийлар замонида келиб консерватив йўналишда ривож топа бошлади. Яъни даргоҳ ва унинг атрофидаги хизматлар мавқеи кучайиб бориб, ижроия ҳокимиятидаги девонлар тизими фаолияти чегараланиб қолган. Албатта, буларнинг бари муайян бир жараён давомида содир бўлгани шубҳасиз.

Шундай қилиб шайбонийлар ҳукмронликлари йилларида ҳам энг олий давлат идораси даргоҳ ҳисобланган. Унинг тепасида табиий равишда олий ҳукмдор — хон турган. Олий ҳукмдорлик отадан болага эмас, балки сулоладаги энг улуг ёшдаги намояндага ўтиши тартиби дастлабки шайбонийлар даврида сақланган бўлсада, аммо юқорида кўрганимиздек, асосан XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб сулола ичидаги оилавий анъана устун чиқа бошлаган. Абдуллахон II даврига келиб эса бу ҳолат аниқ бир шаклга тушган (биз бу ерда расмий ҳокимиятни Искандархондан ўғли Абдуллахонга ва Абдуллахондан ўғли Абдулмўминга ўтганини назарда тутмоқдамиз). Шунга қарамай шайбонийлар сулоласидаги давомийлик масаласи сўнгги пайтларгача муайян шаклга эга бўла олмади. Чунончи, Абдулмўминдан сўнг тахт шайбонийлар хонадонидан тирик қолган Пир Муҳаммад II га ўтди. Тахт вориси наввоб, қуғулхоний, кичик хон деб аталганлигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Абдуллахон II замонида валиаҳдга Балх вилояти ҳокимлигини топшириш анъанаси ҳам шаклланиб борган бўлса-да, аммо шайбонийлар фаолиятига тез орада чек қўйилиши сабаб мазкур анъана ривож топмай қолган (бундай расм кейинги сулола аштархонийлар даврида кўпроқ жорий бўлган).

Даргоҳдаги хондан кейинги муҳим давлат вазифаси нақиб ҳисобланган. Таржимада сардор, бошлиқ, етакчи маъносини берувчи нақиблик мансаби амалда анча кенг мазмун ва ваколатга эга бўлган. Нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан ҳисобланган. Расмий қабул маросимларида унинг олий ҳукмдордан чап томондан биринчи бўлиб жой олиши нақибнинг даргоҳда тутган юксак мақомидан далолатдир. Хоннинг фармон, ёрлиқларида ҳам нақиб номи биринчи бўлиб зикр этилган. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда олий ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси сифатида қаралган. Масалан, 1570 йили Бухорода яна бир бор ўз ҳокимиятини тикларкан, бухороликлар томонидан ўртага солинган машҳур Қосим шайх Азизон (вафоти

1578 йил) билан музокарага Абдуллахон II ўз нақибини юборди¹. Ҳарбий юришларни уюштириш, давом эттириш, душман ҳарбий имкониятларини ўрганиш юмушларини ҳам хон нақибга юклаган, унинг маслаҳати билан қарор қабул қилган. Шунингдек нақибларга масъулиятли элчилик вазифалари ҳам юклатилгани маълум. Нақибларнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бу лавозимга асосан пайғамбар авлодлари ҳисобланмиш саййидлар хонадонига мансуб кишилар тайинланган. Афтидан, бу билан сиёсат ва мафкура жиловини даргоҳ доирасида тутиб туриш, мафкуравий ҳаёт тизгинини бутунлай тариқатлар ихтиёрида мужассамлашининг олдини олиш мўлжал қилинган бўлса керак.

Давлат аҳамиятига молик мансаблардан яна бири оталиқдир. Номидан ҳам кўриниб турганидек, оталиқ қилмоқ, отасининг ўрнини босмоқ мазмунини берувчи мазкур лавозим марказий ҳокимиятнинг жойлардаги, яъни вилоят(мулк)лардаги сиёсатини белгилашда катта аҳамият касб этган. Зеро, олий ҳукмдор вилоятларни сулола намояндалари — шаҳзодалараро тақсимлаб берар экан, уларга оталиқ, яъни ўз назоратчисини, ишонган шахсини тайинлаган. Айниқса, балоғат ёшига етмаган шаҳзодалар вилоятларга тайинланган ҳолларда, улар то улғайиб мустақил фаолият кўрсатиш даражасига етгунликларига қадар, давлат ишларини бошқаришдек оғир юк худди мана шу оталиқлар зиммасига юклатилган. Демак, бундай ҳолларда амалда оталиқлар бутун бир вилоят тақдирини, унинг марказ билан муносабатлари қандай бўлишини ҳал этиб келганлар. Бундан чиқадики, оталиқларнинг асосий вазифаси жойлар — вилоятлар билан боғлиқ бўлган.

Олий ҳукмдор чиқарган ҳукмлар, ёрлиқлар ва бошқа расмий ҳужжатларни ўз эгалари, масъулларига, ижрочиларига етказиш тадбирларига парвоначи жавобгар бўлган. Уруш пайтларида эса улар ҳарбий етакчилик вазифалари билан ҳам шуғулланганлар.

Даргоҳга тушган арзларни қабул қилиш, жавобини бериш ҳамда мамлакатдаги ижтимоий адолат тартибларига риоя қилишнинг назорати каби юмушларга додхоҳ мутасадди эди. Шунингдек у элчиларни қабул қилиш, элчилик юмушларини ташкил этиш ва ҳатто шахсан элчи сифатида бошқа мамлакатларга бориб келиш каби тадбирларни ҳам амалга оширгани маълум.

¹ Абдуллонома, 2-жилд, 79-бет.

Даргоҳдаги яна бир муҳим лавозимлардан бири бу кўкалдош ҳисобланади. Мазмунидан ҳам кўриниб турганидек, улар олий ҳукмдорга ва расмий сулолага энг яқин кишилардан бўлган. Одатда, кўкалдошнинг ижтимоий моҳияти расмий сулоланинг бирон вакили билан бир онани эмганлик билан тушунтирилади. Демак, кўкалдош даргоҳнинг энг ишончли кишиларидан ҳисобланиб, унга топшириладиган вазифалар ҳам шу қадар нозик ва масъулиятли бўлган. Бир сўз билан айтганда, мазкур мақом вазифаси мамлакатда олий ҳукмдор олиб бораётган сиёсат дахлсизлиги, унга кишиларнинг муносабатлари билан боғлиқ юмушлардан иборат эди. Масалан, юқорида келтирилган Абдулла-хон II ва Абдулмўмин ўртасидаги қарама-қаршилиқни баргараф этишда, Абдулмўмин ҳаракатлари ва мақсадларини олдиндан билиб, хонга тўғри маълумот беришда асосий ўринни Қулбобо кўкалдош тутгани маълум. Худди шунинг учун ҳам Абдулмўмин тахтга чиққандан сўнг дастлаб қилган ишларидан бири Қулбобо кўкалдошдан қутилиш бўлган (уни қатл эттирган)¹.

Сулола ички муносабатларига оид тадбирлар, чунончи, олий ҳукмдор билан шаҳзодалар ўртасидаги алоқаларни тегишли тартиб асосида йўлга қўйиш ишини хон ясовули олиб борган. Чунончи, шаҳзодаларни хон томонидан қабул қилиш, уларнинг пешкашлари, арзлари, илтимосларини етказиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Даргоҳдаги хавфсизлик, тартиб, келди-кеттидан хабардорлик каби тадбирлар эшикоғабоши бошлиқ хизмат бўйнида бўлган. Чап эшикоғоси, ўнг эшикоғаси, эшикоғаси каби ички тақсимотлари бўлган бу хизмат вакиллари уруш пайтларида олий ҳукмдорнинг энг муҳим ҳарбий топшириқларини ҳам бажариб борганлар.

Умуман олганда, ўша замонларга хос равишда давлатнинг бирон-бир хизмат идораси, хизмат тури намояндалари уруш пайтларида ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларига қўшимча равишда ҳарбий фаолият билан ҳам шуғулланиб келганлар. Буни биз мироҳур (олий ҳукмдорга тегишли йилқи, от-улов, уларнинг таъминоти кабиларга масъул), шиғовул (чет эл элчиларини қабул қилиш бўйича махсус хизмат бошлиғи), қушбеги (подшоҳона ов тадбирларини уюштирувчи), чухрабоши (махсус ҳарбий қисм бошлиғи), баковулбоши, дастур-

¹ Силсилот ас-салотин, 147а—149а-варақлар.

хончи каби хизматлар фаолияти орқали ҳам кўришимиз мумкин. Яъни улар ўз идоровий вазифаларидан ташқари ҳарбий юмушларни ҳам бажариб келганлар.

Даргоҳ билан боғлиқ бошқа бир қатор хизматлар ҳам бўлгани аниқ: кўрчибоши (қурол-аслаҳа хизмати бошлиғи), унинг амалдорларидан бўлмиш жибочи; жарчи, тавочи, қоровулбеги, туғбеги, китобдор, мирзабоши, мунший, муҳрдор, хазиначи, меҳтар ва ҳоказо.

Даргоҳ фаолиятида катта мавқега эга бўлган лавозимлардан бири шайхулислом бўлиб, давлат ва жамиятдаги мафкуравий ҳаётда унинг ўрни фавқуллодда эди, десак хато бўлмайди. Юқорида айтилган маълумот: Абдуллахон II ни тахт учун курашда қўллаб-қувватлаган хожа Ислом ҳам ана шундай юксак мақомда бўлганини эслаш кифоя. Дин пешволари ва муассасалари нафақат ижтимоий ҳаётда, балки иқтисодий муносабатларда ҳам ўз мавқеларини йўқотмаганлар. Шу сабабдан ҳам вақф мулклари билан шуғулланувчи махсус хизматлар жорий этилган бўлиб, уларни мамлакат миқёсида бош садр, жойларда эса садрлар бошқарганлар.

Суд ишларига келинганда, мамлакат миқёсида тизимга бош қози етакчилик қилган бўлса, ҳарбийлар ҳаётида юз берадиган ҳуқуқий масалаларни аскар қозиси ҳал қилиб борган. Шу билан бирга ҳарбий қози ҳам, маҳаллий қозилар ҳам бош қозига бўйсунганлар. Мамлакатдаги ахлоқий нормаларга риоя қилиш, айниқса амалдорлар, ҳатто дин пешволари орасидаги шу масалага муносабат нечоғлигини билиб бориш иши билан мухтасиб (раъис) шуғулланган.

Шайбонийлар давридаги девонлар тизими ҳақида фикр юритиш бир оз мушкулроқ. Зеро, X—XII асрлар ва теурийлар даврида бу борада тақсимот анча яққол кўзга ташланган бўлса, XVI асрдан бошлаб юқорида ишора қилинганидек, ижроия тизими кўпроқ даргоҳдаги турли хизматларда мужассамлаша борган. Зеро, қолоқ муҳит — кўчманчиликдан чиққан шайбонийлар ва улар суянган ҳарбий-сиёсий кучлар учун Мовароуннаҳр маданий тараққиёти маҳсули бўлмиш девонлар тизими бегона эди. Шу сабабдан ҳокимият тақсимооти хусусида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунончи, илгариги замонларда кўрганимиз, давлат назорати хизмати (девони мушриф) эндиликда тўғридан-тўғри даргоҳда кўкалдош фаолиятида ўз амалий ифодасини топа бошлаган. Шундай бўлса ҳам девоннинг шайбонийлар саройидаги мавқеи хусусида маълум бир тасаввурга эга

бўлиш имкони бор. Чунончи, Ҳофиз Таниш Бухорий гувоҳликларига кўра, девонбеги мамлакатнинг муҳим ишларидан, мол-мулк, яъни молия, солиқ, ер-сув масалалари, вилоятлар бўйлаб амалдорга иш тақсимлаш, мансабларга тайинлаш ва буларнинг барчаси ҳақида олий ҳукмдорга ҳар куни ҳисобот бериб туриши керак бўлган¹. Демак, девонбеги (бош вазир) нима бўлганда ҳам ўзининг илгариги мақомини ҳар ҳолда бутунлай йўқотмаган.

Бошқа девонларга келсак, манбаларда уларнинг номи кўп ҳам тилга олинавермайди. Бундан чиқадики, ушбу даврда улар ўз аҳамиятини йўқотиб борган. Тилга олинганларидан, ҳукмдор сулолага тегишли ер-сув ва мол-мулк бошқаруви, назорати ҳамда солиқ ишларига масъул девонни кўрсатиш мумкин. Биламизки, ҳукмдор сулола намояндалари катта бойлик: мол-мулк, тегирмон, корхоналар, дўконлар, карвонсаройлар, ер-сув эгалари бўлганлар. Ана шу йўналишдаги ишларни девони саркори хосса олиб борган. Юқорида тилга олинган мухтасиб (раъис) хизмати ҳам илгари алоҳида девон миқёсида фаолият кўрсатганини биламиз. Аммо кўрилаётган даврда мухтасиб девонига ишора манбаларда йўқ бўлгани учун ҳам биз уни даргоҳ хизматлари доирасида тилга олдик. Шу билан бирга «Абдулланом»да вазирлар тилга олинади². Аммо уларнинг вазифаси хусусида тўхталинмаган. Балки улар бир девон доирасида фаолият кўрсатгандирлар.

Бир неча сўз маҳаллий бошқарув ҳақида. Айтилганидек, вилоятлар асосан ҳукмдор сулола намояндалари орасида мулк ўрнида тақсимлаб берилган. Шунингдек вилоятларга йирик амалдорларни тайинлаш тартиби ҳам бўлган. Биз юқорида кўриб чиққан турли хизматларнинг кўпчилигини маҳаллий бошқарув тизимида ҳам учратиш мумкин. Айниқса, бу ҳолат Балх вилояти мисолида кўзга яққол ташланади. Шайбонийлар замонида ҳам қалъа бошлиғини кутвол дейиш расм бўлган бўлса-да, шу билан бирга бориб-бориб у шаҳар ҳокими мақомини ҳам касб этади.

Дехқончилик ҳақида сўз юритганда, одатдагидек, аввало суғориш ишлари қай даражада йўлга қўйилганини айтиш жоиз. Бу борада шайбонийлар даврида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилгани маълум. Бунда суғориш ишларида табиий таянч бўлиб келган анъанавий

¹ Абдулланом, 2-жилд, 89, 212-бетлар.

² Уша жойда, 185-бет.

манбалар — Зарафшон, Чирчиқ, Сирдарё, Амударё, Вахш, Мурғоб дарёлари имкониятларидан фойдаланилгани ҳам, шубҳасиз. Масалан, «Меҳмонномаи Бухоро» муаллифи Сирдарё дарёси имконлари ҳақида сўз юритар экан, бу дарёнинг кечув жойларидан, ирмоқларидан кўплаб катта анҳорлар қазилгани ва улар суви билан атрофдаги экинзорлар суғорилганини алоҳида таъкидлайди. Айниқса, Сигноқ атрофини ободонлаштиришда бу якқол кўрсатилган¹. Мазкур муаллиф Фазлуллоҳ ибн Рўзбихонга ҳомийлик қилган Муҳаммад Шайбонийхон 1502 йили Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарёга айирилиш ерида кўприк — сув айиргичини бино қилдирганини биламиз. Умуман олганда, Муҳаммад Шайбонийхон ҳукмронлик йиллари ва ҳатто унинг ўлиmidан сўнг мамлакатда юзага келган сиёсий беқарорлик йилларида ҳам сунъий суғориш ишларининг аҳамияти йўқолмаган. Буни биз XVI асрнинг йигирманчи йилларида тузилган вақфномалардан бирида келтирилган маълумотлар орқали кўришимиз мумкин. Чунончи, биргина Кеш вилоятида Қашқадарё ирмоқлари бўлмиш Сурхоб, Рудакдан атроф қишлоқларга қазилган ўндан ортиқ каналлар ишлаб тургани маълум². Лекин сунъий суғориш ишлари XVI асрда гуркираган пайт бу Абдуллахон II замонида тўғри келади. Фикримиз исботи сифатида 1582 йили Зарафшон дарёсида қурилган Кармана кўприги (Пули Кармана) — сув айиргичи, 1583 йили Нурота тоғларида қурилган Оқжоб сув омбори, Зарафшон дарёси сувини тегишли ҳудудларга тақсимлашда катта аҳамият касб этган Меҳтар Қосим, Чаҳорминор, Жондор кўприк — сув айиргичлари, Зарафшон дарёсидан Жиззах воҳасигача тортилган ва Сангзар дарёси билан туташувчи Туятортар канали, Мурғоб воҳасидаги Ҳовузихон сув омбори, 1556—1557 йиллари қурилган ва Саманжуқ даштини ободонлаштиришда катта аҳамият касб этган Хожа Кааб канали, 1559—1560 йиллари бунёд этилган Афшона канали, 1568—1569 йиллари Амударёдан Чоржўйгача тортилган, Мурғоб дарёсидан Марв атрофига чиқазилган каналлар, 1577—1579 йиллари амалга оширилган Ҳисор ва Ромитон, 1579—1585 йиллари Вахш дарёсидан қазилган сунъий суғориш иншоотлари кабиларни келтиришимиз мумкин. Чунончи, ҳужжатларга кўра, ана шундай тадбирларда ўн минглаб марди-

¹ Меҳмонномаи Бухоро, 74, 116—177-бетлар.

² Мукминова Р. Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. Вакфнаме. Ташкент, 1966, с. 288,

корлар қатнашган. Булар, албатта, йирик сув иншоотларидир. Улардан ташқари маҳаллий аҳамиятга молик анҳорлар, ариқлар қазилш, уларни тозалаш (масалан, Тошкент вилоятдаги Зах ариқ), сардобалар қуриш каби тадбирлар ҳам доимо амалга ошириб борилганини назарда тутиш лозим.

Суғориш ишларининг йўлга қўйилгани табиий равишда ғаллачилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик, ипакчилик каби соҳаларнинг ривожланиб боришига йўл очиб бергани ўз-ўзидан маълум.

Ишлаб чиқаришга келсак, шайбонийлар замонида ҳам тикувчилик (пахта, ипак матолар), кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, дурадгорлик, қоғоз, қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш каби қатор соҳалар фаолият кўрсатиб, ички ва ташқи бозорда сотиладиган турли турдаги маҳсулотлар тайёрланган. Бу маҳсулотлар (ипак жун, ип газламалар, пилла, гилам, қуруқ мевалар, ширинликлар, қоракўл ва бошқалар) билан савдогарлар Эрон, Ҳиндистон, араб ўлкалари, Хитой, Аштархон, Нўғой, Қозон хонликлари, сўнгги уч хонлик Россия томонидан босиб олингач (XVI асрнинг 50-йиллари), Россия каби ўлкаларга қатнаганлар.

Ички савдо, умуман аҳоли турмушини яхшилаш ниятида пул ислоҳотлари ҳам ўтказилгани маълум. Чунончи, 1507—1509 йиллари Муҳаммад Шайбонийхон то шу вақтгача мавжуд турли ўлчов ва оғирликдаги тангалар ўрнига бир хил оғирлик ўлчовидаги (5,2 г) кумуш ва мис тангаларни жорий этади. Бу, албатта, пул-савдо муносабатларини барқарорлаштиради. Аммо Муҳаммад Шайбонийхон ўлиmidан сўнг, бир томондан, шайбонийлараро қарама-қаршилик, иккинчи томондан, Бобурнинг Самарқандни олиш ниятидаги ҳарбий юришларидаги жанглар мамлакат иқтисодий ҳаётига катта зарар бўлиб, пул қадрсизланган. Шунинг учун ҳам Кўчкунчихон 1515 йилдан бошлаб пул ислоҳотига киришиб, фақат 1527 йилга келиб аҳволни тўғрилашга эришади¹.

Шайбонийлар меъморчилик ишларида ҳам ўзларидан қатор ёдгорликлар қолдирганлар, турли мақсадга мўлжалланган қурилиш ишларини амалга оширганлар. Бу борада нафақат сулола намояндалари, балки ўз даврининг кўзга кўринган ва катта моддий имкониятга эга

¹ Қаранг: Нумизматика и эпиграфика. X, 1972.

кишилари ҳам четда қолмаганлар. Чунончи, Самарқанддаги Муҳаммад Шайбонийхон қурдирган Хонийа, шунингдек, Абу Саъид, Қулбобо Кўкалдош номи билан боғлиқ мадрасалар; Бухорода шаҳар деворининг таъмирланиши, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон (Абдуллахон онасига аталган), Гавкушон, Жўйбор, Фатхулла қушбеги, Муҳаммадхожа Порсо, Марокан, Қулбобо Кўкалдош (Кўкалдош) мадрасалари, Калон, Хожа Зайниддин, Баланд, Абдуллахон, Чор Бакр (хонақоси билан) масжидлари, Заргарлар, Саррофлар, Телпакфурушлар, Ўқчилар, Унфурушлар тоқлари, Абдуллахон тими; Тошкентда Кўкалдош мадрасаси, Қаффоли Шоший мақбараси, Бароқхон мадрасаси; Туркистонда (Йасси) Муҳаммад Шайбонийхон масжиди; Карманада Қосим шайх масжиди; Балҳда қалъа деворининг таъмири (узунлиги тахминан 14 км), Абдуллахон, Қулбобо Кўкалдош (Кўкалдош) мадрасалари, Кўкалдош масжиди ва работи, бир қатор чорбоғлар; Ҳиротдаги Кўкалдош мадрасаси; турли шаҳарларда қурилган кўплаб карвонсаройлар, ҳаммомлар, бозорлар ва бошқа қатор қурилиш, таъмирлаш ишлари шулар жумласидандир. Манбаларда ёзилишича, биргина Абдуллахон II даврида минтақада 1001 та работ ва сардоба (усти берк сув омбори) қурилган экан¹.

Шайбонийлар даврида фан ва маданиятнинг ривож топишида мазкур сулола намояндаларининг тутган ўрни катта бўлгани, шубҳасиз. Аввало, уларнинг ўзлари ниҳоятда ўқимишли шахслар эдилар. Чунончи, Муҳаммад Шайбонийхон, Кўчкунчихон, Убайдуллахон, Рустам Султон, Абдулазизхон, Жавонмардали Султон каби шайбонийлар туркий ва форсийда шеър битганлар, диний ва дунёвий илмларда етарли салоҳиятга эга бўлганлар. Муҳаммад Шайбонийхон ёшлигида таълимни Бухоро мадрасасида олган. Убайдуллахоннинг мусиқа илмига катта рағбати бўлгани, мусиқий асбоблар чалгани, нозик ҳуснихат эгаси бўлгани маълум. Абдуллатифхоннинг тарих, илми нужум борасида салоҳияти жуда юқори бўлган. Абдуллахон II нинг эса диний илмлардан кўплаб таълим олганини ҳам биламиз. Абдулазизхон ва Абдуллахон II га тегишли китобхоналар ўз замонасининг энг йирик китоб хазиналари ҳисобланган, уларда қўлёзма асарларни кўчириш, таъмирлаш, уларга безаклар ишлаш билан ҳам шуғулланилган. Шайбоний-

¹ Силсилот ас-салотин, 147-варақ.

лар даврида ҳам тарих илми кўп ривож топган. XVI аср тарихини ёритиб берувчи «Таворихи гузида, Нусратнома», Мулла Шодийнинг «Фатҳнома», Биноийнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг «Зубдат ал-асор», Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Зайниддин Восифийнинг «Бадойе ал-вақое», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланнома» каби мумтоз тарихий асарлари фикримиз далили бўла олади. Бундан ташқари Муҳаммад Шайбонийхон даврида Биноий «Ажойиб ал-маҳлуқот» географик асарини, Кўчкунчихон буйруғи билан Муҳаммад Бухорий Рашидиддин Фазлуллоҳнинг машҳур «Жоме ат-таворих» асарини, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини форсчадан ўзбек тилига ўгирганини ҳам эслатиш жоиз.

Тарихий ва бошқа турдаги манбаларда мужассамлашган маълумотларга кўра, XVI асрда мамлакатнинг турли марказларида юзлаб олимлар, шоирлар, тарихчилар, рассомлар, хуснихат эгалари фаолият кўрсатганлар. Биргина Бухоронинг ўзида бир вақтда ўнлаб илм ва маданият намояндалари ижод қилганлар. Улар орасида қомусий илм эгалари ҳам кам бўлмаган. Масалан, биз кўпроқ шоир сифатида биладиган мавлоно Мушфиқий (1538—1588) фалсафа, астрономия, фикҳ, ҳисоб, физика, мусиқа, араб тили каби соҳаларда ҳам етук саналган. XVI асрда тиббиёт соҳасида ҳам асарлар яратилган. Чунончи, Кўчкунчихон ва Абу Саъидхон замонларида яшаган машҳур табиб ва олим Султон Али «Дастур ал-илож», «Муқаддимаи дастур ал-илож» рисолаларини битиб, уларда инсон танаси касалликлари шарҳи ва даъволари тўғрисида фикр юритади. Кўз касалликларига оид ишларни Абдуллатифхон шахсий табиби Муҳаммад Йусуф, Наврўз Аҳмадхон саройида Шоҳ Али табиб олиб бориб, тегишли асарлар ёзганлар («Кўз табиблари учун қўлланма», «Кўз касаллигига оид асарлар сараси» ва бошқалар). Муҳаммад Йусуфнинг яна икки асари маълум: «Иситмани ўрганишга доир», «Қон томири (пульс) ва сийдик». 1562—1567 йиллари Убайдуллоҳ Қаҳҳол томонидан яна бир муҳим қомусий асар «Касаллик шифоси» ёзилган.

Энди шайбонийлар давридаги ташқи сиёсий алоқалар тўғрисида бир неча оғиз сўз юритсак. Шайбонийлар ҳокимият тепасига келган йилларда ва улар фаолият юритган XVI асрда минтақа атрофидаги сиёсий манзара темурийлар замонида нисбатан анча ўзгариш топ-

ган. Бу, энг аввало, Эронда сафавийлар ва Шимолий Ҳиндистонда бобурийлар (темурийлар) ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, Туркистон, Эрон, Шимолий Ҳиндистондан иборат улкан ҳудудда бир вақтда ўзига яраша қудратга эга уч сиёсий куч: шайбонийлар, сафавийлар ва бобурийлар фаолият юргизганлар. Табиий равишда уларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашмай иложи йўқ эди. Ана шу манфаатлар кесишган «нуқта» бўлиб Хуросон ҳисобланган. Хуросон эса сиёсий-ҳарбий ва иқтисодий-савдо жиҳатларидан муҳим аҳамият касб этган. Уни Туркистон, Эрон, Ҳиндистон йўналишларидаги дарвоза деса бўларди.

Шайбонийлар каби бобурийлар ва сафавийлар ҳам туркий ҳарбий-сиёсий кучга суянганлар. Улар ўртасида ўхшашликлар ҳар ҳолда кўп эди. Аммо шайбонийлар ва бобурийлардан фарқли ўлароқ, сафавийлар шиа мазҳабини расмий давлат мафкураси даражасига кўтарганлар. Бу ҳолат Хуросон учун курашга мафкуравий тус бериш имконини туғдирган эди. Бундай «мафкуравий кураш»да бобурийлар асосан четда турганлари ҳолда шайбонийлар ва сафавийлар қарама-қаршилиги ниҳоятда авжига чиққан. Бутун XVI аср юзасидан хулоса қилинганда, Хуросонни назорат қилишда Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон ва Абдуллахон II даврида шайбонийлар устун турганлар. Қолган пайтларда эса сафавийлар ташаббусни қўлга олишга эришганлар. Хуросон учун курашда сафавийлар йўлига ғов бўладиган бир тўсиқ бор эди. У ҳам бўлса, уларнинг шимоли-ғарбидаги қўшнилари ва ашаддий рақиблари усмонлийлар салтанати ҳисобланган. Сафавийлар Хуросонга юзланганларида шимоли-ғарб холи қоларди ва аксинча. Шайбонийлар бундан усталик билан фойдаланиб келганлар. Сафавийларга қарши курашга улар бобурийларни ҳам жалб қилишга кўп уринганлар. Икки томон ўртасида элчилар айирбошлангани, улар келтирган номалар ҳақида манбаларда маълумотлар етарли¹. Бунда асосан сафавийларнинг бидъат йўлига кирганликлари (яъни шиалик) байроқ қилиниб, шайбонийлар бобурийларни биргаликдаги курашга чорлайдилар. Бу ҳол, айниқса, Абдуллахон II ва Акбар ёзишмаларида кўзга яққол ташланади. Аммо бобурийлар бирон марта ҳам шундай таклифларга амалий

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Зияев А. Переписка правителей Шейбанидов и аштарханидов с Ираном и Индией.//Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент, 1993, с. 99—109.

жавоб бермаганлар. Зеро, уларнинг ўзларида шайбонийлар билан сулолавий ва мулкый келишмовчиликлар бор эди. Чунончи, биз Бобурнинг бир неча маротаба Самарқанд тахтини шайбонийлардан тортиб олиш борасидаги уринишларини биламиз. Сўнгги 1511—1512 йилги уринишда у сафавийлар ҳарбий кучига суянган ҳолда иш тутади. Гарчи мақсадига эришиб, Самарқанд тахтини эгаллаган бўлса-да, аммо мафкуравий масалада хатога йўл қўйган. Яъни шиа мазҳабидагилар билан иттифоққа кириб Самарқандни олгандан сўнг бу ерда шоҳ Исмоил ҳамда ўн икки имом номидан хутба ўқитади. Бу, албатта, маҳаллий аҳоли орасида унинг мавқеи йўқолишига сабаб бўлиб, шайбонийларнинг эса бидъатчиларга қарши курашда аҳли суннани руҳлантиришларига имкон туғилган.

Сафавийлар билан иттифоқчилик йўлига бобурийлар Ҳумоюн даврида ҳам кирган бўлсалар-да, аммо қўшма ҳарбий куч билан шайбонийларга қарши курашиш имкони туғилмаган. Аниқроғи бобурийлар бундай йўлга бошқа кирмаганлар, аммо Мовароуннаҳрга нисбатан ўз ниятларидан қайтмаганлар ҳам. Чунончи, 1528 йили Ҳумоюн бошлиқ қирқ-эллик минглик лашкар Балх томон отлангани маълум. Ўғлига ёзган хатида Бобурнинг, агар Самарқандни олишга эришсанг, ўша ерда сен ўзинг ўтир, Ҳисор вилоятини эса холиса (яъни давлат тасарруфига киритиш) қиламан, қабалидаги сўзларидан кўриниб турибдики, Бобур сўнгги вақтларгача Самарқанддан умидини узмаган.

Кейинги йилларда эса шайбонийлар ва бобурийлар ўртасидаги муносабатлар асосан бобурийлар назоратида бўлган ва шайбонийлар интилиб келган Бадахшон вилояти масаласи билан боғлиқ бўлган¹. Чунончи, Ҳумоюн ва Комрон ўртасидаги келишмовчиликлар авжига чиққан XVI асрнинг 40-йилларида Комрон Балхдаги шайбонийлар (Пир Муҳаммад) ёрдамида Бадахшонда ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бу ҳол ўз ўрнида Ҳумоюннинг шайбонийларга нисбатан кескин чоралар қўллашига сабаб бўлади. Натижада у 1549 йили Балхга қўшин билан кириб боради.

Хуллас, ўзаро элчилар алмашинилиши, олий ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмаларнинг деярли муттасил олиб борилишига қарамай, XVI аср давомида шайбо-

¹ Батафсил қаранг: *Ахмедов Б. А. Последние Тимуриды и борьба за Бадахшан // Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии*, с. 81—98.

нийларнинг сафавийлар ва бобурийлар билан муносабатлари кўпроқ кескинлик характерига эга бўлган. Айниқса, Бухоро тахтига Абдуллахон II чиққандан сўнг шайбонийларнинг Хуросон ва унинг атрофидаги устунликлари анча сезиларли бўлган. Машҳад, Ҳирот, Сейистон, Заминдовар, Қандаҳор атрофлари, Бадахшон каби уч томон ўртасидаги талаш ҳудудлар шайбонийлар назоратига ўтган. Аммо Абдуллахон II нинг ўлими ва Абдулмўмин фожиасидан сўнг шайбонийлар ҳокимиятида вужудга келган вазият Абдуллахон II даврида қўлга киритилган ютуқлар деярли кўпчилигининг чиппакка чиқишига сабаб бўлади.

Шайбонийларнинг шимолий йўналишдаги ташқи сиёсатлари ҳам қизиқ. Чунончи, Муҳаммад Шайбонийхондан то Абдуллахон II гача бўлган даврда Сибирь хонлигида Бухоронинг мавқеини оширишга ҳаракат қилинган. Юқорида тилга олинган воқеа — Кучумхоннинг Сибирь хонлиги тахтига ўтириши ва бунда Бухоронинг тутган катта ўрни фикримиз далили бўла олади. Сибирь хонлиги ва умуман Сибирда, аввал унинг ғарбида, ислом динининг тарқалишида ҳам шайбонийларнинг, улар ташкил қилган тадбирларнинг роли беқиёс. Чунончи, 1574 йили Кучумхон Абдуллахон II номига ёзган хатида, биз томонларда кишиларни иймон йўлидан бошловчи азиз-авлиёлар йўқдир. Саййиду шайхлардан юборсангиз, мазмунида ўз илтимосини билдиради. Абдуллахон II бу илтимосни қондириб, Сибирга шайху саййидлардан бир гуруҳини юбортиради. Умуман олганда шу вақтлардан бошлаб Сибирда мовароуннаҳрликлар (бухороликлар) сони ортиб боради. Уларнинг маълум қисми ўша ерларда ўрнашиб ҳам қолганлар.

Бухоронинг Ғарбий Сибирь билан алоқаларининг мустаҳкамланиб бориши ғарбдан шарққа томон босқинчилик асосида бегона юртларни ўз тасарруфига олиб келаётган Россия давлатининг ғашига тегарди. 1556 йили Аштархонни (Астрахан) эгаллаган Россия Туркистонга тўғридан-тўғри кириб бориш имконига эга бўлган. Сибирь йўналишида ҳаракат қилган Ермак бошлиқ казаклар 1581 йили Кучумхон билан тўқнаш келдилар. Кучумхон ўз атрофига барча кучларни йиғиб душманга қарши курашдан ожизлик қилгани учун ҳам жанубга чекинишга мажбур бўлади. Гарчи орадан кўп ўтмай — 1583 йили Кучумхон Ермакни енгилшига эришса-да, аммо бошда қўлдан кетган ташаббус ва

ўзаро уюшмаганлик натижасида русларнинг мавқеини сусайтиришнинг иложи бўлмайди.

Шарқий йўналишда бир қадар муваффақиятларга эришган Россия ҳукумати Бухоро, Хива билан элчилик алоқаларини йўлга қўйишга интила бошлайди. Худди шундай сиёсатни Бухоро ҳам олиб борган. Зеро, Россия тасарруфида бўлган ҳудудларда савдо қилиш Туркистон савдогарларига фойда келтириши, у ерлик маҳаллий аҳоли учун таъминот масаласини ҳал қилиши мумкин эди. Шу маънода Сибирда ўрнашиб олган рус колонияси аҳлининг Москва подшосига ёзганлари қизиқ: «Эндиликда биз томонларга ҳеч қаердан савдогарлар келаётганлари йўқ ва шу сабаб биз ниҳоятда ночормиз. Агар савдогарлар келиб-кетиб турганларида эди, бизнинг қорнимиз ҳам тўқ бўларди... Олий ҳазрат, Бухоро ва Нўғой хонлигига элчилар юбориб (у томонлардан савдогарлар юборилишини сўра), токи бизнинг еримизда ҳам тўкинлик бўлсин»¹. Бошқача айтганда, Россия ҳукумати босиб олган ва ўз таркибига киритган ерлардаги аҳолини боқа олмаган. Шунинг учун ҳам оқ подшо бухоролик савдогарлардан солиқ олмаслик, уларга бож солмаслик, ҳеч қандай тўсиқ қўймаслик, хафа этмаслик борасида махсус кўрсатма берган. «Зеро, — дейилади ҳужжатда, — агар бухоролик савдогарлар ранжитилса, улар бошқа бу томонларга маҳсулот келтирмай қўядилар». Бу ерда нафақат иқтисодий, балки сиёсий омил ҳам бўлгани аниқ, яъни савдогарлар орқали Туркистон жамиятида Россия ҳақида муайян бир фикр туғдириш, қизиқишни орттириш ва ҳоказо.

Бухоро ва усмонлийлараро алоқалар изчил бўлмаган. Ҳозирча бизнинг ихтиёримизда усмонлий Мурад III (1574—1595) томонидан Абдуллахон II га йўлланган мактуб нусхаси бор. Мактубнинг мазмунини олдиндан пайқаш қийин эмас. Мурад III Абдуллахон II ни сафавийларга қарши курашга чорлаган. Гарчи бухоролик ҳукмдорнинг жавоби борасида манбаларда бирон маълумот бўлмаса-да, Бухородан Румга совға-саломлар юборилганлиги хусусидаги гувоҳликдан хулоса чиқариш мушкул эмас. Яъни Абдуллахон II учун сафавийларга қарши ҳарбий иттифоқчи керак эди².

Шундай қилиб, XVI аср ўзбек давлатчилиги тарихида етакчи сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатган су-

¹ Зилев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI—XIX асрлар). Тошкент, 1962, 43-бет.

² Силсилот ас-салотин, 1436—1446-варақлар.

лола бу — шайбонийлардир. Юқорида кўриб чиқилган масалалар юзасидан фикр қилинса, бир қараганда, мазкур сулола ҳар ҳолда озми-кўпми давлатчилик ривожига ўз ҳиссасини кўша олгандай. Айниқса, Абдуллахон II даврида эса ўзбек давлатчилиги яна бир бор юксак марраларга кўтарилиш имконига эга бўлган. Давлат марказлашди, ички ва ташқи сиёсатда залворли қадамлар қўйилди, маданий ҳаёт ривож топди. Шу билан бирга биз тадқиқ қилаётган асосий мавзу — давлатчилик, давлат бошқаруви тарихининг XVI асрдан олдинги (X—XII, XIV асрнинг 70-йилларидан XVI асргача) ва кейинги даврлардаги аҳволи, тараққиёти нуқтаи назаридан фикр юритилса, шу нарса маълум бўладики, шайбонийларнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олишлари билан давлат бошқарувида сезиларли ўзгаришлар юз берган. Асрлар давомида ҳар томондан тараққийпарвар мазмун касб этиб келаётган жараён — давлат бошқаруви тақсимооти тизими (даргоҳ ва девонлар) айнан шайбонийлар ҳукмронлиги йиллари нурай бошлади. Бунга бош сабаб, албатта, шайбонийлар ва улар суянган ҳарбий-сиёсий кучларнинг аслида тарихий-маданий жиҳатлардан қолоқ бўлмиш Дашти қипчоқдан келиб чиққанларида ва улардаги шунга яраша сиёсий-ижтимоий тафаккурдадир. Натижада давлат бошқаруви тараққиёт тизимида орқага қайтиш бўлган. Зеро, шайбонийлар ўзлари билан давлат бошқарувининг кўчманчи, ярим кўчманчиларга хос маданиятини олиб келганлар. Ваҳоланки, бу босқични Мовароуннаҳр X асрдаёқ ортда қолдирган эди. Ва, аксинча, илғор бошқарув маданиятига эга темурий бобурийлар Ҳиндистонни юксалтиришга эришдилар.

АШТАРХОНИЙЛАР

Шайбоний Абдулмўминхон ҳалокатидан сўнг тахтга чиққан Пир Муҳаммадхон (1599—1601) ҳукмронлиги узоққа бормади. Зеро, Абдулмўминхонга нисбатан суиқасд уюштирилиши ҳодисасининг ўзи мамлакатда марказий ҳокимиятнинг заифлашиб бораётганидан, йирик амирлар ва маҳаллий кучлар мавқеи ошиб бораётганидан далолат эди. Бундай пайтларда одатда кўп нарса олий ҳукмдорнинг шахсига, унинг нечоғлик марказий ҳокимият обрўсини тута билишига боғлиқлиги ҳам табиий. Аммо Пир Муҳаммадхонда шундай хусусиятлар йўқ эди. Натижада 1601 йили у тахтни қўлдан бой

беради. Аниқроғи, Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад-ни пойтахт ихтиёрида тутиш ниятида тахминан 50 минг кўшин билан унга қарши чиққан Пир Муҳаммадхон Боғи шамол атрофида мағлубиятга учрайди. Бухоро тахти эса Боқи Муҳаммад кўлига ўтиб, у хон деб кўтарилади¹. Бошқача айтганда, шу тариқа шайбонийларнинг бир асрлик ҳукмронлигига нуқта қўйилади. Мамлакат ва давлат тизгинини энди янги сулола — аштархонийлар ўз қўлларига оладилар.

Икки оғиз аштархонийларнинг келиб чиқиши ҳақида. Олтин Ўрда (Жўчи улуси) заифлашиб борар экан, унинг бир қанча майда хонликларга бўлиниш эҳтимоли ҳам кучайган. Натижада XV асрнинг 30-йилларида Волгабўйи ерларида Аштархон хонлиги юзага келади. «Астрахан» Аштархоннинг руслашганидир. Аштархон эса аслида «Ҳожи Тархон» сўзидан олингандир. Тархон туркий тилли халқлар ҳаётида имтиёзли унвонлардан ҳисобланиб, машҳур Хазар хоқонлиги (VII—X) давридан оқ маълум. Шу ўринда ўқувчиларда, қандай қилиб туркий тилли халқларга тегишли ерлардан бўлмиш Ҳожи Тархон Астраханга айланган, саволи туғилиши табиий. 1552 йили Россия Қозонни босиб олгандан сўнг 1554 йили Аштархон (Ҳожи Тархон) хонлигига нисбатан босқинчилик қилади. Хонликни бу вақтда бошқариб турган манғит сулоласи намояндалари лашкари билан урушиб енгади ва тахтга шу сулолалик Дарвишалини ўтказди. Мақсад уни қарамликда тутиб, хонликни ўз таъсиридан чиқармаслик эди. Аммо кўп ўтмай Дарвишали ҳам Москвага бўйсунидан бош тортгач, 1556 йили руслар катта кўшин билан яна босиб келиб, хонликни бутунлай йўқ қилиб, бу ерларни Россия империясиники деб эълон қиладилар. Худди шу йилларда, манба тили билан айтганда, «урус (номила) машҳур насронийлар босқини дастидан (қочиб) Ёр Муҳаммадхон фарзандлари Жони Муҳаммад султон, Аббос султон, Турсун Муҳаммад султон, Пир Муҳаммад султон ва аҳли аёли билан Мовароуннаҳрга келган»².

Бу ерда Ёр Муҳаммадхонга катта ҳурмат билан қарайдилар. Чунончи, у Абдуллахон II нинг отаси Искандархон билан яқин муносабатда бўлгани маълум. Искандархон унинг тўнғич ўғли Жони Муҳаммад султонга қизи Зухрабонуни турмушга бериб, ўзаро алоқаларни қариндошлик иплари билан мустаҳкамлайди. Мазкур

¹ Ўша жойда, 160а—161а-варақлар.

² Силсилот ас-салотин, 1236—124а-варақлар.

никоҳдан кейинчалик Дин Муҳаммад, Боқи Муҳаммад ва Вали Муҳаммадлар туғиладилар¹. Хуллас, Ёр Муҳаммад ва унинг авлодлари шайбонийлар хонадонининг энг яқинлари ва таянчларидан бирита айланиб, олий ҳукмдорга хизмат қила бошлайдилар. Бориб-бориб уларнинг ҳам мавқелари ошиб, охири юқорида айтилганидек, мамлакатдаги эътиборли вилоятлардан Самарқандни бошқаришга эришган Боқи Муҳаммад олий тахтни шайбонийлардан тортиб олишга ҳам муваффақ бўлади. Шу билан мамлакатда аштархонийлар сулоласининг бир ярим асрлик ҳукмронлик фаолияти бошланади.

Ўзбек давлатчилиги бошқарувига янги сулоланинг келиши амалда бирон-бир кескин тарихий бурилишга сабаб бўлмагани табиий. Зеро, бошданоқ таъкидлаб ўтилганидек, давлат асослари бир, ўзгармас бўлгани ҳолда ҳар бир янги сулола уларга суянган равишда ўз замонаси шарт-шароитини ҳисобга олиб фаолият юргизади. Шу маънода Боқи Муҳаммадхон (1601—1605) олдида турган вазифаларнинг энг муҳими яна ўша мамлакат сиёсий яхлитлигини таъминлашдан иборат эди. Чунки шайбоний Пир Муҳаммадхон замонидан заифлашиб қолган марказий ҳокимият сулолалар алмашуви билан боғлиқ воқеалар натижасида янада кучсизланиб, Марв, Хоразм, Балх кабилардаги сиёсий кучлар бошбошдоқлик йўлини тута бошлаганлар. Чунончи, шайбоний Абдуллахон II нинг саъй-ҳаракатлари билан Бухоро ихтиёрига киритилган Хоразм унинг ўлиmidан сўнг туркманлар ёрдамида яна итоатсизлик йўлига ўтади. Манбада ёзилишича, маҳаллий сулола намояндаси Ҳожи Муҳаммадхон (1559-60—1602) тез орада Амударёдан Аштархон ва Манқишлоққача бўлган ҳудудда ўз ҳукмини ўрнатишга эришади. Боқи Муҳаммадхон бунга бефарқ қараб туролмасди. Аммо иш урушгача бормай «Боқи Муҳаммадхон ва Ҳожи Муҳаммадхон ўртасига оқсоқоллар тушиб орадаги низо ва қарама-қаршилик пардасини рафу даф қилиб, тинчлик иплари билан боғлаганлар»². Шундан сўнг мамлакат ғарбий мулкларидан кўнгли бир оз тасалли топган Боқи Муҳаммадхон 1602 йили Балх томон юриш уюштиради. Шунда ҳам очикчасига эмас, Ҳисор юриши баҳонаси билан. Мазкур тадбир муваффақиятли тугаб, Балх ҳам пойтахт доирасига киритилади ва уни Боқи Муҳаммадхон укаси

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда, 162аб-варақлар; Шажарайи турк, 157—158-бетлар.

Вали Муҳаммадхонга тортиқ қилади. Бу ерни «фитна ўчоғига айлантирган» Ёр Муҳаммад мирзо, Шерафкан мирзо ва Араб оталиқ кабилар қочиби, сафавий ҳукмдор шоҳ Аббос I (1587—1629) ҳузурига кетадилар. Балхнинг яна марказ ихтиёрига қайтарилиши ташаббус Боқи Муҳаммадхон томонда эканидан далолат берарди. У пайтни қўлдан бермай Андхуд, Шибиргон, Чечакту, Маймана, Форйоб — Мурғоб дарёсигача бўлган ерларни ҳамда Бағлон, Бадахшон, Ҳисорни ҳам аслий марказ—Бухорога бўйсундиртиради. Укаси Вали Муҳаммадни валиаҳд деб эълон қилиб, ўзи пойтахт Бухорога қайтади.

Гарчи мазкур уринишлар натижасида Боқи Муҳаммадхон мамлакат ва минтақани бирлаштиришда сезиларли ютуқларга эришган бўлса-да, аммо Эронга қочган султонлар 1603 йили сафавийлар қўшини билан яна Балх вилоятига келадилар. Бу сафар ҳам Бухородан етиб келган Боқи Муҳаммадхон қўли баланд келиб ганим қочади. Боқи Муҳаммадхон ташаббусни қўлдан бермасдан Хуросонда Бухоро ҳокимиятини тиклаш ниятида сафарга ҳозирлик кўриб турганида эса 1604 йили қозоқ хони Келди Муҳаммаднинг Тошкентга юриши, Самарқандга хавфи ҳақида хабар келиб, Хуросон юриши амалга ошмай қолади. Келди Муҳаммадхонни ҳам мамлакатдан ҳайдагунча вақт ўтиб 1605 йили у ўз ажали билан вафот этади¹. Олий тахтга валиаҳд Вали Муҳаммадхон (1605—1611) чиқади.

Боқи Муҳаммадхон каби Вали Муҳаммадхон ҳам дастлаб мамлакатнинг жанубий чегараларини кўриқлашга мажбур бўлган. Чунки Ёр Муҳаммад мирзо, Шерафкан мирзо ва бошқалар 1606 йили сафавийлардан мадад олиб яна Балхга қўшин тортадилар. Бу сафар ҳам Бухоро лашкари зафар кучади, сафавийларнинг қизилбошлардан иборат қўшини ҳамда мазкур мирзолар Эронга қочишга мажбур бўладилар. Уларни таъқиб қилган туркистонлик лашкар Ҳиротни яна Бухоро тасарруфига олиш имконига яқин бўлса-да, бироқ обихавонинг айниб қор ёғиб, қаттиқ совуқ тушиши сабаб мақсад амалга ошмай қолган. Аштархонийлардан кетма-кет бир неча марта мағлуб бўлган сафавийлар ҳукмдори шоҳ Аббос ишни дипломатия йўли билан битирмоққа киришади. Чунончи, у Вали Муҳаммадхон қароргоҳига элчи юбориб, ўзаро қўшничилик ва

¹ Силсилот ас-салотин, 1616—169а-варақлар; Мукимханская история, с. 74—79.

дўстликни таклиф қилади. Қандайдир сабабларга кўра кўли баланд келиб турган Вали Муҳаммадхон рози бўлиб, ўзи ҳам Эронга элчилар юборади. Натижада, дейилади манбада, Хуросон учун кўп машаққат чеккан ва қон тўккан бир қатор йирик бухоролик амалдорлар Вали Муҳаммадхоннинг мазкур сиёсатидан норози бўла бошлайдилар. Зеро, кўрсатиб ўтилган элчилик ал-машувлари натижасида кейинги йилларда Хуросонда тикланган Бухоро мавқеи осонгина кўлдан чиқарилганди¹. Бу ҳолат бухоролик амирларни Вали Муҳаммадхонга нисбатан беихлос қилиб қўйган. Хон ҳам бундан хабар топиб уларнинг бир қанчасини жазолайди. Қолганлари эса энди очикдан-очик қарама-қаршиликка бориб Вали Муҳаммадхоннинг жияни, Самарқанд ҳокими Имомқули султонни олий тахтга ўтқазिश пайига тушадилар. Бу ҳаракатлар 1608 йили бошланган бўлса, ниҳоясида Вали Муҳаммадхоннинг Эронга шоҳ Аббос олдига қочиши билан тугайди. Бухоро тахтини Имомқули султон эгаллайди. Вали Муҳаммадхон 1611 йили шоҳ Аббос берган ёрдам натижасида вақтинчалик (шу йилнинг август охирларидан октябрь бошларигача) бўлса-да, Бухоро тахтини қайта эгаллашга эришса-да, аммо 1611 йил октябрда Имомқулихон билан Самарқанд атрофидаги навбатдаги тўқнашувда ҳалок бўлади. Шундай қилиб мамлакат тахтига Имомқулихон (1611—1642) ўтиради. Кўриниб турганидек, у давлатни ўттиз йилдан кўпроқ бошқарган. Боқи Муҳаммадхон ва Вали Муҳаммадхонларга нисбатан олганда бу албатта катта давр. Шунинг ўзиёқ Имомқулихон ҳукмронлик йиллари барқарор, марказий ҳокимият мустаҳкам бўлганидан далолатдир. Тўғри, Имомқулихоннинг ҳам шимолдан Тошкент ва Андижонга хавф солиб турган қалмоқ ва қозоқ қавмларини тийиб туришига тўғри келгани маълум. Чунончи, 1613 йили уларни қувлаб то Қоратоғ ва Ашпара томонларгача боргани, мазкур юришда укаси, Балх ҳокими Назр Муҳаммад султон ҳам қатнашганини биламиз. Бу эса ўз ўрнида жанубий чегараларда бошқа бир куч — марҳум Вали Муҳаммадхоннинг Ҳиротда паноҳ топган ўғли Рустам султон лашкари пайдо бўлишига сабаб бўлган. Чунки Рустам султон Ҳиротда тураркан, Назр Муҳаммад султоннинг Балхни тарк этганидан хабар топиши билан бу томонга ҳамла қилади.

¹ Силсилот ас-салотин, 1706—171а-варақлар; *Искандарбек муниший*. Тарихи оламороий Аббосий. Техрон, I, 334 (х), 830—885-бетлар.

Бироқ бу сафар ҳам ҳеч нарсага эришолмай, мағлуб бўлиб яна орқага қайтиб кетади¹.

Хуллас, XVII асрнинг 30-йиллари охирида аштархонийлар ва бобурийлар ўртасидаги муносабатларнинг бир оз зиддиятлашганлигини (Ҳазоражот ва Кобул учун) ҳамда тилга олинган Рустам султоннинг Шибиргон, Андхуд (1620), Йабағу, Чечакту (1622), Маймана, Жузжон (1631) томонларга зуғуми, аштархонийларнинг, асосан Назр Муҳаммад султон кучларининг Боло Мурғоб, Ҳирот, Машҳад атрофларига бир-икки юришларини ҳисобга олмаганда, Имомқулихон даврида Бухоро ташқи сиёсатида кенг кўламда ва мақсадга мувофиқ равишда сиёсий-ҳарбий ҳаракат қилинганини кўрмаймиз. Асосий кўшнилари қозоқ хонлари, Эрон ва Ҳиндистон (бобурийлар) билан кўпроқ элчилик алоқалари олиб борилган². Имомқулихон худди шу йўл билан мамлакат ташқи хавфсизлигини таъминлашга интилган. Афтидан, худди шу ҳол унга кўпроқ мамлакат ички ҳаёти билан машғул бўлиш имконини берган.

Имомқулихон даврида мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик ҳақида ўша замон манбаларида етарли маълумотлар бор. Чунончи, уларнинг бирида шундай ёзилган: «Имомқулихон ночорлар ишини енгиллаштирди, арз билан келганларини қайтармади, унинг замонида на камбағал, на бечора қолмаганди. Чиқарган буйруқлари ижроси борасида амалдорларига қаттиқ турди, қоронғи тушиши билан оддий кийим кийиб вазири ва кўрчи билан бозорлару маҳаллаларни айланиб, оддий халқнинг ҳақиқий турмуш аҳволидан бохабар бўлиб турарди. Буни халқ биларди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукмронлиги йиллари мамлакатда бирон марта ҳам исён туғи кўтарилмади»³. Имомқулихон замонидаги бундай осойишталик ва фаровонлик афсуски кейинги олий ҳукмдор Назр Муҳаммадхон (1642—1645) ҳукмронлиги вақтида ички низолар қарама-қаршилиги билан алмашмаганди. Сўнгги йилларда кўзи ожиз бўлиб қолган Имомқулихон укаси Назр Муҳаммад султонни Балхдан чақиртириб тахтни унга топширади. Бошда бухоролик бир қатор амирлар, амалдорлар

¹ Силсилот ас-салотин, 186а—188а-варақлар; Муқимханская история, с. 86—87.

² Қаранг: Силсилот ас-салотин, 1886—1896, 1896—1926, 194а—196а-варақлар; Муқимханская история, с. 88—92; Шоҳ Аббос. Мажмауи аснод ва муқотиботи торихий ҳамроҳи ёддоштҳои тафсилӣ. Абдулхусайн Навоӣ нашри. Теҳрон, 1367 (х), 1—3-жилдлар.

³ Муқимханская история, с. 82—83.

Имомқулихоннинг ушбу қароридан норози ҳам бўлганлар. Манба тили билан айтганда, «(Имомқулихон замонида) давлатнинг олиймақом ишлари ва муҳим мулкӣ ҳамда молиявий тадбирларини ижро қилиб келган» табақа¹ Назр Муҳаммад султоннинг хонлик курсисига ўтиришидан манфаатдор эмасди. Зеро, шундай қилинганда мазкур гуруҳ илгариги мавқеини йўқотиши турган гап эди. Шу сабабдан ҳам ожиз Имомқулихоннинг тахтда тургани, чамаси, уларга кўпроқ маъқул бўлган, деб гумон қилиш мумкин. Аммо Имомқулихон ўз сўзини ўтказди. Бунда у ҳам ўша амиру амалдорларга, ҳам укасига насиҳат, тушунтириш йўли билан иш тутади.

Назр Муҳаммадхон тахтга чиққанидан сўнг мамлакат сиёсий доираларида ўзига нисбатан манфӣ муносабат борлигини билган ҳолда ишни йирик амирлар ва амалдорларга каттадан-катта совға-салом улашишдан бошлайди. Уларнинг кўнглини оламан деб у, ўша замон тарихчиси муболағаси билан айтганда, бор топган-тутганини сарф қилиб юборади. Шундан сўнг у кўрган тадбир мамлакат вилоятларини тақсимлаш билан боғлиқ бўлган. Бу ҳам осон иш эмасди. Чамаси тилга олинган норози гуруҳ ўша пайтдаёқ янги хоннинг мулк тақсимлаш жараёнида ўз манфаатини йўқотишини билган. Зеро, Имомқулихон давридаги мулк тақсимотида амирлар иштироки сезиларли эди. Масалан, Йалангтўшбий бутун Фарчистон вилояти, Абдурахмон оталиқ Кундуз, Ўрозбий Термиз, Раҳим парвоначи Қарши кабиларни бошқарганлар. Имомқулихоннинг бундай сиёсатини шу билан тушунтириш мумкинки, бир томондан, бу билан Имомқулихон йирик амирларни ўз ҳокимиятига боғлаб манфаатдор қилиб қўйган, иккинчи томондан эса ўғли Рустам султоннинг ҳалокатидан (1612) сўнг аштархонийлар сулоласининг ҳукмрон бош оиласидан фақат икки киши — Имомқулихоннинг ўзи ва укаси Назр Муҳаммад қолгандилар. Имомқулихоннинг бошқа ўғиллари ё укалари йўқ эди. Аштархонийларнинг бошқа оилалари, чунончи, Имомқулихоннинг амакиваччалари кўпчиликни ташкил қилмай, уларнинг мулк бошқарувида фаоллашувидан кўп ҳам манфаатдор бўлинмаган чоғи. Зеро, акс ҳолда сулола ичида олий тахт учун даъвогарлар сони кўпайиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Назр Муҳаммадхоннинг фарзандлари сероб бўлган. Одатга кўра, мулк тақсимотида олий ҳукмдорнинг фар-

¹ Силсилот ас-салотин, 1996-варақ.

зандлари — шаҳзодалар катта имтиёзга эга бўлганлар. Чунки улар меросхўр сифатида ўз улушларига эга бўлишлари керак эди, ҳатто балоғатга етмаган бўлсалар ҳам. Бошқа томондан, олий ҳукмдор мамлакат бошқарувида ўз фарзандларига суянишга ҳаракат қилган. Шундай қилиб Назр Муҳаммадхон олти ўғли, бир набираси, икки жиянига мамлакатнинг асосий вилоятларини тақсимлаб беради. Чунончи, Абдулазиз султонга Самарқанд, Ҳисрав султонга — Бадахшон билан Қундуз, Баҳром Султонга — Тошкент, Субҳонқули султонга — Балх, Қутлуқ Муҳаммад султонга — Ҳисор, Абдурахмон султонга — Шибирғон ва Андхуд, набираси Қосим султонга — Ҳузор, жиянлари Муҳаммадёр султонга — Шаҳрисабз, Сўфи султонга — Толиқон тегади¹. Агар мазкур шаҳзодаларнинг Имомқулихон олий ҳукмдорлиги йилларида оталари Назр Муҳаммадхон мулки — Балх вилояти доирасидагина фаолият кўрсатганликлари ҳисобга олинса, Назр Муҳаммадхоннинг Бухорога ўтиши мамлакат мулклар (вилоятлар) бошқарувидаги ўзгаришлар нечоғлик кескин бўлганини кўрсатади. Буни Назр Муҳаммадхоннинг тахтга чиқишидан норози бўлган гуруҳлар олдиндан билганлар, албатта.

Ҳар ҳолда нима бўлганда ҳам Назр Муҳаммад олий ҳукмдорлик камарини белига боғлайди. Мулк тақсимо-ти, амиру амалдорларни сайлаш каби ишлар билан бир қаторда Эрон, Ҳиндистон ҳукмдорлари, қозоқ ва қорақалпоқ қавмлари бошлиқларига элчилар юбориб, дўстлик ва қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш ниятида эканини билдиради. Тез орада Хоразмдан ҳам хушxabар келади. Исфандиёрхон (1623—1643) ўлими-дан сўнг унинг ўғиллари оталари васиятига кўра Урганчда Назр Муҳаммадхон номидан хутба ўқитиб, Бухоро ҳокимиятини тан олганлар. Бундан ташқари, элчи қўйиб Назр Муҳаммадхондан ўз ноибларини юбо-ришини илтимос ҳам қилганлар. Илтимос бажарилади².

Хуллас, кўриниб турганидек, ҳукмронликнинг бош-ланиши Назр Муҳаммадхон учун силлиқ кечган. Аммо тез орада мамлакатда вазият ўзгара бошлайди. Чунон-чи, Тошкент, Хўжанд вилоятларидаги кўчманчи кучлар бебошлик йўлига кирадилар. Андижонга ҳам кўчманчи қирғизлар ҳужум қила бошлайди, қалмоқлар Тошкент, Туркистон (Йасси) томонларга таҳдид соладилар. Бу-ларнинг барини Назр Муҳаммадхон бартараф этади.

¹ Ўша жойда, 204аб, 2096-варақлар.

² Ўша жойда, 205а—209а-варақлар.

Аммо энг асосий хавф — мамлакат ичкарасида йирик амирлар томонидан туғилган хавфни йўқ қилишга унинг кучи етмайди. Бир неча маротаба тилга олинган норози гуруҳлар 1645 йилнинг апрелида Ўратепа атрофидаги Янгисарой (Саройи нав) деган жойда Абдулазиз султонни хон деб эълон қиладилар. Ваҳоланки, бу вақтда Бухорода Назр Муҳаммадхон ўтирарди. Хўш, бундай ҳолат қандай сабаб билан юзага келганди?

Дастлабки икки йил давомида ошиғи олчи келиб турган Назр Муҳаммадхон ўз ҳокимиятини янада мустақамлаш ниятида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўрин тутиб келган амирлар мавқеини чеклаш йўлига ўтади. Чунончи, у машхур Йалангтўшбийдан унинг мулки бўлмиш Каҳмердни тортиб олади. Ваҳоланки, Йалангтўшбий замонасининг энг қудратли сиёсий арбобларидан бўлиб, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатлардан хонлардан қолишмасди. Манба тили билан айтганда, «ҳар йили унга Ҳиндистон саркорлари, Қандаҳор ва Хуросон хонлари, қирғизлар, қозоқлар, қалмоқлар бошлиқлари ва Кошғар хони назру ниёз юбориб, у билан яхши муносабатда бўлишга интилганлар»¹. Шундай қудратли шахс билан қарама-қаршиликка бориш ниҳоятда қалтис иш бўлган. Бундан ташқари Назр Муҳаммадхон давлат юмушларида ўзининг эски қадрдонлари балхлик амирларга суяна бошлайди, уларга марказий ҳокимиятдан юқори лавозимлар беради. Масалан, Абдурахмонбийни девонбеги даражасига кўтарди. Назр Муҳаммадхоннинг яна бир хатоси шундан иборат бўлганки, тўнғич ўғли, яъни отадан сўнг хонликка даъвогар биринчи шахсни, одатга кўра Балхга эмас, Самарқандга тайинлайди. Балхга эса аввал бошқа фарзанди — Субҳонқули султонни тайинлаб, лекин тез орада унга Йалангтўшбийдан тортиб олинган Каҳмердни беради. Балх эса ҳоли қолади. Афтидан, Назр Муҳаммадхон Балхдаги ҳокимиятни ҳам Бухоро билан қўшган ҳолда ўз ихтиёрида мужассамлаштирмоқчи бўлган. Хуллас, ҳаммаси бир бўлиб, фитна уюштирилади ва пойтахтдан йироқда, Балхга тайинланмаганидан норози бўлиб юрган Абдулазиз султонни хон деб эълон қиладилар. Назр Муҳаммадхон бундан хабар топиб Балхга қочишга мажбур бўлади².

¹ Маҳмуд ибн Вали. Баҳр ал-асрор. Индия оффис кутубхонаси. Рақами 575, 290б—291а-варақлар.

² Силсилот ас-салотин, 210а—215б-варақлар; Амали Солиҳ, 2-жилд, 362—363-бетлар.

Абдулазизхон (1645—1681) гарчи олий тахтни эгаллагани билан ҳали мамлакат бутунлай унинг ҳукми остида бирлашмаган эди. Балхда ўрнашиб олган Назр Муҳаммадхон Бухорога бўйсунитишни ўйламасди ҳам. Лекин Абдулазизхоннинг ҳам унга кучи етмасди. Шу сабабдан ҳам мамлакатнинг кўзга кўринган хожаларидан Абдулғаффорхожа (Маҳдуми аъзам Косонийнинг авлодларидан), Муҳаммад Содикхожа Жуйборий, Сангинхожа ва бошқа муътабар шахслар ва уламолар ўртага тушиб Абдулазизхоннинг Бухоро, Назр Муҳаммадхоннинг Балх билан кифояланишларини айтиб, масалани ҳал қилганлар¹. Гарчи дин пешволарининг мазкур аралашуви мамлакат осойишталигидан келиб чиқиб амалга оширилган бўлса-да, аммо мазкур ҳол, унга бир қатор амирларнинг, маҳаллий ҳокимларнинг Назр Муҳаммадхон — олий ҳукмдорга қарши фитна уюштириб ўз мақсадларига эришганларини қўшсак, шуни кўрсатадики, марказий ҳокимият ва расмий сулола мавқеи анча тушиб кетган. Бу эса ўз ўрнида давлат асосларини заифлаштириши турган гап эди. Шу маънода Назр Муҳаммадхон ҳукмронлиги йиллари давлатчилигимиз тараққиётида салбий аҳамият касб этади, десак янглиш бўлмайди. Аммо бир савол устида ўйламай илож йўқ. Нима сабабдан қирқ йилга яқин давр мобайнида мамлакатда пойтахтдан сўнг энг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланмиш Балхни бошқарган Назр Муҳаммадхон олий тахтга ўтиргандан сўнг ўзига ҳам, давлатга ҳам панд бериб қўйди? Унинг мақсади нима эди, фақатгина ўз мавқеини мустаҳкамлашми ё бошқа режалари ҳам бор эдими? Юқорида келтирилган маълумотлардан кўрдикки, у ўз мавқеини мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилган. Бироқ қайси давлат арбоби, сиёсатчи бундай қилмаган?! Бу табиий ҳол.

Биз эса фикрни бошқа томонга қаратмоқчимиз. Балх вилоятига ҳеч кимни тайинламай, уни ҳам пойтахт билан қўшиб ўзи бошқаришга интилган Назр Муҳаммадхон шайбонийлар, айниқса Абдуллахон II замонидан таомилга кириб келган валиаҳдлик вилоятини йўқ қилиш ниятида бўлмаганмикан. Чунки валиаҳд қароргоҳига айланган Балх вилояти икки жиҳатдан марказни заифлаштириб қўйиши мумкин эди. Биринчидан, айтилганидек, бу ерда катта сиёсий ва иқтисодий қудрат мужассамлашганди ва унга суянган ҳолда

¹ Ўша жойда, 2206—221а-варақлар.

ҳар ким, хусусан, валиаҳд мамлакатни бошбошдоқлик йўлига бошлаши ҳеч гап эмасди. Иккинчидан, кўри-лаётган даврда Балх мамлакатнинг чекка, яъни доимий рақиблар Эрон ва Ҳиндистон билан чегарадош қисми сифатида, у ёки бу томонга оғиши, ё бўлмаса алоҳида-ликка интилиши билан ўлка яхлитлигига завољ бўлиши мумкин эди (келажакда шундай бўлди ҳам). Хуллас, Назр Муҳаммадхон, ҳақиқатан ҳам, биз ўйлаганчалик, узоқни кўра биладиган сиёсатчи бўлган бўлса, шулар ҳақида ўйлаб иш тутгани эҳтимол. Аммо у бир нимада адашди: ички муносабатларни ўрнига қўя олмади. Имомкулихон даврида мавқеини анча кўтариб олган йирик амирлар, маҳаллий ҳокимлар тилини тополмади.

Шундай қилиб, 1645 йилдан бошлаб мамлакатда қўш ҳокимиятчилик ҳукмфармо бўлган. Балхни бош-қарган Назр Муҳаммадхон олий тахтни қайтариб олиш илинжида кўзига ҳеч нарса кўринмай, ёрдам сўраб бобурийларга мурожаат қилади. Бобурийлар эса пайтдан фойдаланиб қўшин тортиб келиб икки йил давомида (1646—1647) Балх ва Бадахшонда ҳукмронлик қиладилар. Алданган Назр Муҳаммадхон Эронга юзланади. Абдулазизхонга келсак, 1646 йил бошида у Туркистон (Йасси) ва Сайрамга ҳужум қилган қалмоқларни барта-раф этиш билан машғул бўлиб, фақат шу йил кузидаги-на Бухоро кўшини ҳамда қозоқ ва қорақалпоқ қавмла-ри лашкари билан Бадашхон ва Балхга йўл олган. Ман-баларда мазкур ҳарбий юриш, Абдулазизхоннинг ши-молдан, Назр Муҳаммадхоннинг ғарбдан Балх учун бо-бурийларга қарши курашлари тафсилотлари кенг бе-рилган. Бир сўз билан айтганда, 1647 йил октябрда бобурийларнинг лашкари Балхни тарк этишга мажбур бўлади. Балх яна Назр Муҳаммадхонга насиб этади. Абдулазизхон эса Балхга олдинроқ кирган Назр Му-ҳаммадхонга қарши бирон чора кўролмай орқага қай-тиб кетади¹.

Кўриниб турганидек, Абдулазизхоннинг мавқеи дастлабки йилларда айтарлик мустаҳкам бўлмаган. Манбаларда ҳатто унга қарши икки марта фитна уюш-тирилгани ҳақида гувоҳликлар ҳам бор. Чунончи, Абду-лазизхондан норози бўлган гуруҳлар Бухоро тахтига аввал аштархонийлардан бўлмиш Сўфи султонни, ке-йинги сафар эса хоннинг укаси Субҳонқули султонни ўтказмоқчи бўладилар. Икки сафар ҳам фитна очилиб,

¹ Ўша жойда, 217а—261б-варақлар; Амали Солиҳ, 2-жилд, 383—442-бетлар; 3-жилд, 2—14-бетлар; Муқимханская история, с. 100-101.

Сўфи султон қатл қилинади, Субҳонқули султон эса Балхга, отаси олдига қочади. Шу баҳона у Балх вилоятида ўрнашиб олиб, 1651 йили Балх тахтини отасидан тортиб ҳам олади. Давлат ишларидан қўлини ювиб ҳажга отланган Назр Муҳаммадхон шу йил ёзнинг ўрталарида Симнон (Эрон) шаҳрида вафот этади¹.

Абдулазизхон Балхни пойтахт ихтиёрига киргизишга бир неча марта (1655—1657) ҳаракат қилса-да, аммо Субҳонқули султон ҳам бўш келмай, деярли Бухородан мустақил тарзда даврон сурган. 1658 йили Абдулазизхоннинг пири Абдулғаффорхожа воситачилигида Бухоро ва Балх ўртасида тинчликка эришилиб, Субҳонқули султон акаси ҳокимиятини тан олса-да (Балхда Абдулазизхон номидан хутба ўқилган), лекин 1681 йилга қадар ҳам Балх амалдаги мустақиллигини сақлаб қолган.

1681 йили мадордан қолган Абдулазизхон тахтни укаси ва валиаҳд Субҳонқули султонга топшириб ҳажга жўнайди². Субҳонқулихон (1681—1702) мамлакатни нисбатан узоқ бошқарган бўлса-да, аммо мазкур йигирма йил давомида у ҳам Балх «масаласи» билан шуғулланишга мажбур бўлган. Балхга бир неча мартаба ўз ўғилларини тайинлаган ва бир неча мартаба фитна уюштирилиб шаҳзодалар қурбон бўлган (1683 йили — Искандар султон, 1684 йили — Ибодулло султон, Абулмансур султон, 1685 йили — Сиддиқ Муҳаммад султон, 1707 йили — Муҳаммад Муқим султон). Бу ҳолат марказий ҳокимиятнинг Балхдаги мавқеи ниҳоятда заифлашиб кетганидан ва маҳаллий сиёсий кучларнинг, хусусан йирик амирларнинг нуфузи ошиб борганидан далолат беради. Бунинг исботини шундан ҳам билса бўладики, 1688—1697 йиллар давомида Балх ҳукумати йирик амирлардан Маҳмудбий ихтиёрида мужассамлашган эди³.

Мамлакат ғарбида ҳам нотинчлик бўлиб турган. Чунончи, хоразмлик Анушахон (1664—1687) мамлакат ичкарисига ҳамлалар уюштириб, талон-торожлик билан шуғулланган. Масалан, 1684 йил ёзида у ҳатто Самарқандни эгаллашга эришиб, бу ерда ўз номидан хутба ҳам ўқитган ва фақат келаси йил кеч кузидагина Субҳонқулихон уни бартараф эта олган. Шунга қарамай Анушахоннинг вориси Арнак (Ўзбек, Эренг) 1687

¹ Силсилот ас-салотин, 2676-варақ.

² Ўша жойда, 2616—268а, 2696—271а, 281а—285а, 287а—2966-варақлар; Муқимханская история, с. 103—111.

³ Муқимханская история, с. 111—184; Батафсил қаранг: Ахмедов Б. А. История Балха, с. 117—121.

Йили яна мамлакат ичкарисига юриш қилади. Эндиги сафар Субҳонқулихон уни бартараф қилиш билан бирга хоразмлик амирлар хоҳишига кўра бу вилоятга ўз ноибини тайинлайди. Шу тариқа Хоразмда яна Бухоро ҳокимияти қарор топади¹.

Мамлакатдаги ички зиддиятлар кейинги аштархоний ҳукмдор Убайдуллахон (1702—1711) даврида яна кучайган. Йирик амирлар ва маҳаллий ҳокимлар мавқеи эса тобора ошиб борган. Мамлакатдаги энг асосий вилоятлар ва шаҳарларда сулола намояндалари эмас, тобора қудратга тўлиб келаётган амирлар ҳукмронлик қилганлар. Масалан, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Уратепа, Ҳисор, Балх (1707 йилдан бошлаб) ва бошқалар. Бу ҳол ўз-ўзидан расмий сулола учун жойларни назоратда тутиш имконини кескин камайтирган. Хуллас, 1711 йили Убайдуллахон ҳам суиқасд қурбони бўлади. Убайдуллахон тарихини ёзган ўша замон тарихчисининг гувоҳлик беришича, олий ҳукмдорнинг ўзбилармонлик сиёсати туфайли саройдаги бир гуруҳ кишилар давлат ишларини қўлга олиб зулм йўлига ўтадилар. Убайдуллахон билиб турса ҳам индамаган. Шунда амирлар ва лашкарларнинг унга нисбатан эътибори сусайиб, мамлакатда сиёсий суиқасд учун вазият етилиб қолган².

Хуллас, Убайдуллахон фожиасини³ нафақат у йўл қўйган хатолар, шу билан бирга кейинги ўн йилликларда кучайиб келаётган маҳаллий кучлар ҳамда йирик амирлар фаолияти билан ҳам тушунтирмақ керак. Бироқ нима бўлганда ҳам марказий ҳокимият ниҳоятда заифлашиб борган. Бундай аҳвол амалдаги сўнгги аштархоний ҳукмдор Абулфайзхон (1711—1747) замонида ҳам давом этган. Яна ўша бошбошдоқлик, маҳаллий кучлар ва нуфузли амирларнинг ўз манфаати йўлида интилишлари, уларни бартараф этишда Абулфайзхоннинг ожизлиги... Бу жараён шу даражада чуқурлашиб кетганки, ҳатто 1736 йили Эронда ҳукмронлик қила бошлаган янги сулола — афшорийлар (1736—1748) намояндаси шаҳзода Ризоқули мамлакатга бостириб кирганда улар вақтинча қовушган бўлсалар-да, аммо душман чекиниши билан яна эски ҳолатларига қайтадилар. Бунинг оқибати эса маълум.

1740 йили афшорийлар сардори Нодиршоҳ

¹ Ўша жойда, 145—153-бетлар; Силсилот ас-салотин, 303а—305а-варақлар.

² Убайдулланаме, с. 217—233.

³ Ўша жойда, 266—275-бетлар; История Абулфайзхана, с. 16.

(1736—1747) яна бир бор бостириб келиб, аштархонийлар кудратига сўнгги кулатувчи зарбани беради. Гарчи Нодиршоҳ Абулфайзни ўз ўрнида хонлик курсисида қолдирган бўлса-да, аммо амалда ҳокимият бошқа бир маҳаллий сулола — манғитлар намояндалари Муҳаммад Ҳакимбий ва унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий ихтиёрига ўтади¹. Худди шу Муҳаммад Раҳимбий буйруғи билан 1747 йили Абулфайзхон қатл қилиниб, мархумнинг ўғли Абдулмўмин султон хон деб эълон қилинади. Аммо амалдаги ҳокимият Муҳаммад Раҳимбий ихтиёрида қолаверади. Бир йил ўтиб Муҳаммад Раҳимбий бу кўғирчоқ хонни ҳам ўлдиртириб, ўрнига мархумнинг укаси Убайдулла султонни ўтқазиб тез орада уни ҳам йўқ қилади. Шу тариқа аштархонийлар сулоласи фаолияти ҳам узил-кесил барҳам топади.

Аштархонийлар даври давлат бошқаруви тизими ҳақида нималар дейиш мумкин?

XVII—XVIII асрнинг биринчи ярми давлат бошқарувида бир нарса яққол кўзга ташланади: ҳокимият марказда ҳам, вилоятларда ҳам асосан бир идора — даргоҳда мужассамлашиб борган. Аниқ равишдаги даргоҳ ва ижроия (девонлар) тақсимотини биз бу замонда кўрмаймиз. Аштархонийлар ҳукмронлик йилларида ҳам нақиб, оталиқ, парвоначи, додхоҳ, девонбеги, қушбеги, чухрабоши, мирохур, ясовул, иноқ, қурчи, ҳарбий қози, бош қози, шайхулислом, аълам, раъис, бош муфтий, ҳарбий муфтий, эшикоғобоши, мирзабоши, мунший, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби лавозимлар мавжуд бўлгани маълум. Шу билан бирга уларнинг вазифаларида сифат ўзгаришлари юз берганини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Чунончи, оталиқнинг вазифаси XVI асрда асосан жойлардаги бошқарув тизими билан боғлиқ бўлса, аштархонийлар замонида, айниқса Абдулазизхондан бошлаб, оталиқнинг марказдаги мавқеи кучайиб боради. Масалан, Абдулазизхон Бухоро тахтига чиққач пойтахтдаги оталиқ вазифасини Йалангтўшбийга, яъни ўша пайтдаги энг забардаст амирга тақлиф қилган. Оталиқнинг мавқеи Субҳонқулихон даврида ҳам баланд бўлиб, энг муҳим ҳарбий ишлар (масалан, хиваликларнинг Бухорога таҳдидини қайтариш, Хуросон юриши) оталиққа юклатилган. Бундай ҳолат Убайдуллахоннинг дастлабки ҳукмронлик йиллари ҳам сақланиб қолган. «Убайдуллонома»да

¹ Батафсил қаранг: Тухфат ал-хоний, 24а—316; 32а—496-варақлар; Мирза Маҳди Астрободий. Тарихи Нодирий. Теҳрон, 1370 (х), 344—364-бетлар.

XVIII аср бошларидаги оталиқ вазифасининг моҳиятини кўрсатиб берувчи таъриф бор — умдат ал-умаро, яъни тамом амирлар табақасининг таянчи¹. Демак, оталиқ биз кўраётган йилларда мамлакатдаги амирлар синфининг етакчиси, уларнинг ишончини қозонгандир. Оталиққа доир яна бир қизиқ маълумотни биз Убайдуллахон даврида учратамиз. 1707 йили Убайдуллахон Одилбий мингни Балх вилояти мулкларининг бош оталиғи этиб тайинлайди².

Аштархонийлар, хусусан Убайдуллахон ва Абулфайзхон замонларида қушбегининг ҳам мавқеи ўсгани маълум. Аниқроғи шу мансабдаги шахснинг мавқеи кўтарилиши билан у эгаллаб турган лавозим аҳамияти ҳам юксалган. Чунончи, Тўрақули қушбегибоши мансабга тайинлаш ва унвон бериш, хон ёрлиғисиз шахсан ёзма кўрсатмалар тарқатиш, олий қабулларда ўз хоҳишига кўра иштирок этиш каби имтиёзларга эга бўлган. Манба тили билан айтганда, бу пайтда қушбегибоши амирларнинг энг улуғи эди³.

Хуллас, шароит ва вазиятга қараб у ёки бу давлат лавозимининг эътибори ўзгариб бораверган. Кўриниб турганидек, бу ҳолат асосан олий ҳукмдорнинг у ёки бу шахсга, унинг ҳокимият учун тегадиган нафига, жамиятда тутган ўрнига қараб муносабатда бўлиши билан боғлиқ эди. Чунончи, аввал бошда Убайдуллахон саройида Муҳаммад Раҳим оталиқ мавқеи баланд бўлса, 1707 йили хон уни Қарши вилояти бошқарувига тайинлайди. 1710 йили эса Тўрақули қушбегибошига юқорида кўрсатилган катта имтиёзларни беради. Натижада қушбеги унвони мавқеи ўз-ўзидан юксалади⁴. Хуллас, унвон эгаларининг ижтимоий мавқеи ҳал қилувчи рол ўйнаган. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлигига парвоначи, оталиқ каби лавозимдагиларнинг тайинланиши табиийликка айланиб борган. Аштархонийлар давридаги даргоҳ хизматларидан яна бирига — сарой кутволига диққатни қаратмоқчимиз. Бу хизмат мамлакатда давлат хазинаси ҳисобига амалга оширилган қурилиш, ободончилик ишларига жавобгар бўлган. Масалан, 1709 йили Убайдуллахон сарой кутволи Хожа Болтуга пойтахт атрофида чорбоғ барпо этишни буюради. Хожа Болту ишга киришиб, муҳандислар, меъморлар, уста-

¹ Убайдулланнаме, с. 41—42.

² Ўша жойда, 142-бет.

³ Ўша жойда, 214-бет.

⁴ Ўша жойда, 184—185-бетлар.

лар, мардикорлар, ҳашарчиларни жалб қилиб, катта чорбоғ ва унинг ўртасида ажойиб ва ҳашаматли сарой ҳам қурилишига бошчилик қилади. Маблағни эса олий ҳукмдор беради¹.

Аштархонийлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масаласига келсак, албатта, энг аввало сунъий суғориш ҳақида сўз кетади. Бу борада ҳам муайян ишлар қилинган. Чунончи, 1614—1615 йиллари Имомқулихон буйруғи билан Қашқадарёдан Қарши чўлига канал чиқарилиб, натижада бир қатор қишлоқлар ва қаровсиз ерлар обод бўлганини биламиз. 1633—1634 йиллари Қўшқўрғонда ҳам унинг буйруғи билан канал қазилгани маълум². Шунга ўхшаш тадбирлар, айниқса, сунъий суғориш тизимларини, иншоотларини таъмирлаш, тозалаш кабилар ҳам муттасил равишда олиб борилган. Лекин XVI асрдаги каби кенг кўламдаги сунъий суғориш қурилишига оид ишлар камроқ бўлган кўринади. Зеро, бизга маълум манбалар шундан далолат беради.

Деҳқончиликнинг барча соҳалари (ғаллачилик, пахтачилик, полизчилик, пиллачилик, боғдорчилик) ўз ривож йўлидан кетаверган. Ўша пайтларда буғдойнинг йигирма хили бўлганини биламиз. Масалан, сарғиш; оқшининг уч тури; баҳорги-қизғиш; дони йирик («туя тиш» дейилган); бир томони оқиш, бир томони қизғиш; тоғолди ерларида ўсадиган, ҳаводаги намлик билан кифояланиб совуққа бардош бера оладиган нав; қора ҳолли нав; кузги; ем учун экиладиган, макка, ёсмиқ ва ҳоказо³.

Ҳунармандчиликда ҳам илгаригидек анъанавий йўналишлар: тўқувчилик, темирчилик, қуролсозлик, дурадгорлик, заргарлик, кулолчилик кабилар мавжуд бўлган. Тайёр маҳсулотлар (ипак, ипак кийимлар; ип газлама; қоғоз; тақинчоқлар; қуруқ мевалар; қимматбаҳо тошлар) ички ва ташқи бозорда сотилган. Албатта, ишлаб чиқариш ва савдо ривожидида сиёсий барқарорликнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам мазкур соҳалардаги ривож сиёсий беқарорлик йиллари анча сусайгани маълум. Масалан, Убайдуллахон даврида марказ мавқеининг сусайиши, даргоҳдаги тартибнинг издан чиқиши натижасида давлат хазинаси анча бўшаб

¹ Ўша жойда, 142-бет.

² Тарихи Роқимий. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёзмаси. Рақами 7711, 249а, 6-варақлар.

³ Иршод аз-зироат. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёзмаси. Рақами 565/II, 266-30а-варақлар.

қолган. Уни қоплаш ниятида пул ислоҳоти ўтказилиб, пулнинг қиммати тўрт маротабага қадрсизлантирилиб сондан ютилмоқчи бўлинган. Натижа тескари бўлиб чиқади. Дўкандору ширкатлар ишини тўхтатиб савдо қилмай кўяди. Халқ норозилиги бошланади. Аммо хон қаттиқ туриб орқага қайтмаган¹.

Кўрилаётган даврдаги маданий ҳаётга тўхталадиган бўлсак, энг аввало, шуни қайд этиш лозимки, ҳукмрон сулола намояндалари, сиёсий ва ҳарбий арбоб бўлиш билан бирга ўз даврларининг етук илм эгалари ҳам эдилар. Уларнинг барчаси туркийдан ташқари форс ва араб тилларини билганлар, шу тилларда хат ёзганлар, дунёвий ва диний илмлардан чуқур билимга эга бўлганлар. Имомқулихон, Назр Муҳаммадхон, Абдулазизхон, Субҳонқулихонлар шеър ёзганликлари маълум. Масалан, Субҳонқулихон «Нишоний», Абдулазизхон «Азизий» таҳаллуси билан ижод қилган. Абдулазизхон насх ва настаълиқ хатларида ёзишни, мактуб ва иншо машқини замонасининг энг сара алломаларидан ўрганган. Кейинчалик олий ҳукмдор даражасига етишганда, Ҳиндистон, Эрон ва Румга хоҳ туркий, хоҳ форсийда бўлсин, нома битиларкан, уларни ўзи таҳрир қилиб, ёқмаса бошқатдан шахсан, ёзаркан².

Хуллас, сиёсий вазият қандай бўлишидан қатъи назар, аштархонийлар илм, фан, санъат, меъморчиликка ҳомий бўлишда ҳеч бир сустлашмаганлар. Шу сабабдан ҳам Бухорода Абдулазизхон, Убайдуллахон мадрасалари, Боқи Муҳаммадхон, Убайдуллахон масжидлари, Субҳонқулихон Регистонда қурдирган ҳовуз ва Бухородаги касалхона (Дорушшифо), Балхда Назр Муҳаммадхон, Субҳонқулихон мадрасалари, Балх атрофидаги қатор чорбоғлар саройлари билан, Балх аркидаги иморатлар, жоме масжиди, ҳазрати Али мазоридидаги гумбаз ҳамда Имомқулихон Мадинада қурдирган чорбоғ, Нур тоғидаги ҳовуз, Маккада Каъбага кираверишдаги дарвозалардан бири остонаси учун ишлатилган олтин ва кумуш тутқичли ёғоч зиналар ҳақида маълумотлар тарих саҳифаларидан ўрин олади. Бундай савобли ишларни бошқалар, хусусан, маҳаллий сулолалар, амиру амалдорлар ҳам бажарганликлари маълум. Чунончи, XVII асрда Хивада Араб Муҳаммадхон, Ҳожамберди, Шерғозихон мадрасалари, Бухорода Пояндабий оталиқ масжиди, Шодимбек, Назр девонбеги мадрасалари,

¹ Убайдулланаме, с. 156—159.

² Муқимканская история, с. 109; Силсилот ас-салотин, 295аб-варақлар.

мазкур девонбегининг ҳаракатлари билан бунёд қилинган хонақоҳ ва ҳовуз; Бозори гусфанд мадрасаси; Самарқандда Йалангтушбий қурдирган Шердор, Тиллакорий мадрасалари, Самарқанд атрофидаги Назр девонбеги мадрасаси, шаҳардаги қози Соқий мадрасасини тилга олиш мумкин.

XVII асрда ижод қилган олиму фозиллар, шоирлар, тарихчилар сони илгаригидан кам бўлмаган. Чунончи, 1692 йили Муҳаммад Бади Самарқандий томонидан битилган тазкирада шу асрда яшаган 165 та ижодкорнинг номи тилга олинган¹. Тарихий манбаларда ҳам бунга доир гувоҳликлар бор. Соқий, Юсуф Қорабоғий, Туробий, Нахлий, Муҳаммад Балхий, Турдий, Сайидо Насафий, Қосимхожа Самарқандий, Фитрат, Мулҳам, Сўфи Оллоёр, Машраб шулар жумласидандир.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йиллари тарихнавислик борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган. «Мусаххир ал-билод», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк», хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ал-мулук», Муҳаммад Йусуф муншийнинг «Муқимхон тарихи», Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллахон тарихи», Абдурахмон Толенинг «Абулфайзхон тарихи», Ҳожамқулихон Балхийнинг «Қипчоқхон тарихи» каби асарлар худди мана шу даврда ёзилган.

Икки оғиз тиббиёт соҳаси ҳақида. Тиббиёт илми айниқса Субҳонқулихон замонида гуркираган. Зеро, хоннинг ўзи бу соҳага катта рағбат билан қараган. Юқорида тилга олинган «Дорушшифо»нинг очилиши бекор бўлмаган, албатта. Бу масканда кишиларни даволаш билан бирга тадқиқот ишлари ҳам юритилган. Диққатга сазовори шундаки, Субҳонқулихоннинг ўзи ҳам бу тадбирларда қатнашиб «Ихйо ат-тибби Субҳоний» асарини тайёрлаган. Саккиз бобдан иборат бу рисолада турли касалликларга қарши дори-дармонлар хусусида сўз кетади.

Шунингдек, XVII асрда математика, астрономия, геометрия (мулла Турсун Фароизий, мулла Неймат Самарқандий), мусиқашунослик (Абдулло Офаринкентий, Али Бухорий, мулла Раҳмат Самарқандий), ҳусниҳат (Муҳаммад Ниёз, хожа Муҳаммад, мулла Зариф Мажнун ва бошқалар) соҳаларида ҳам қатор ишлар қилинган.

¹ Муҳаммад Бади Самарқандий. Музакир ал-асҳоб. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёмаси. Рақами 4270, 2436—2876-варақлар.

Давлатимизнинг XVII—XVIII асрнинг биринчи ярмидаги ташқи алоқаларига ҳам тўхталиб ўтсак. Умуман олганда, шайбонийлар даврида, айниқса, Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллахон, Абдуллахон II ҳукмронлик йилларидаги каби фаол ташқи сиёсат аштархонийлар замонида кўзга ташланмайди. Аксинча, баъзи бир масалаларда давлат манфаатини ҳимоя қилиш иши ниҳоятда сустрелиб кетган. Чунончи, Абдуллахон II ҳаракатлари билан Бухоро ихтиёрида тутиб келинган Ҳирот ва умуман Хуросон, унинг ва Абдулмўминнинг ўлимидан сўнг эронлик сулола — сафавийлар таъсир доирасига тушиб қолган эди. Сафавийлар бу билан чекланмасдан Балх, ҳатто Бухорони ҳам ўзларига тобе қилиш йўллари қидирадилар. Бунда улар, энг аввало, Балх ҳокимиятига ўз тарафдорларини ўтказишга интиланлар. Аммо бир неча марта қилган уринишларига қарамай (1602, 1605, 1606, 1607), улар мағлуб бўлиб қайтганлар¹. Мазкур ниятни сафавийлар 1610 йили Эронга қочиб борган аштархоний ҳукмдор Вали Муҳаммадхон орқали амалга оширишга уриниб кўрадилар. Вали Муҳаммадхон ҳатто Бухоро тахтини эгаллайди ҳам. Лекин Имомқулихон ҳаракати билан у сиёсий саҳнадан бутунлай улоқтириб ташланади². Сафавийлар шунда ҳам бўш келмай, энди Вали Муҳаммадхоннинг ўғли Рустам султонни кўллаб-қувватлаш билан Балхнинг Андхуд, Шибирғон каби ерларига доимий зуғум уюштириб турадилар. Рустам султондан эронликлар шу асрнинг то қирқинчи йилларига қадар фойдаланиб келганлар. Ўз ўрнида аштархонийлар ҳам тинч ўтирмаганлар. Чунончи, 1623 йили Йалангтўшбий, 1632—1637 йиллари Абдулазиз султон бошлиқ кўшин Боло Мурғоб, Машҳад, Ҳирот томонларга бир неча марта юриш уюштириб, вақтинчалик бўлса ҳам муваффақият қозонган бўлсалар-да³, аммо фикримизча, энг муҳим масалани — Хуросонни яна эски марказ Бухорога қайтаришни мақсадга мувофиқ равишда ҳал эта билмаганлар. Натижада кўпроқ Балх мулкининг жанубий сарҳадларини ҳимоялаш иши шу йўналишдаги ташқи сиёсат вазифаларига айланиб қолган. Хуросон ва Ҳирот қўлдан кетган. Тўғри, Субҳонқулихон даврида Боло Мурғоб Бухорога бўйсундирилса-да, аммо юқорида таъкидланганидек,

¹ *Батафсил қаранг*: Силсилот ас-салотин, 1616—1626, 1646—1686-варақлар; Муқимханская история, с. 75—78; Баҳр ал-асрор, 666—686, 1736—1756-варақлар; *Ахмедов Б. А.* История Балха, с. 199—202.

² Силсилот ас-салотин, 1736—1836-варақлар.

³ Баҳр ал-асрор, 1956—1986, 2226—230а-варақлар.

ташқи сиёсатдаги мўлжал тамомила ўзгарганлиги сабаб, унинг кўп ҳам фойдаси тегмаган. Бу эса сафавийларнинг янада фаол бўлишларига туртки эди. Улар Хоразм сиёсий кучларига, Эронга ёрдам сўраб борган аштархоний намояндаларига (масалан, Вали Муҳаммадхондан сўнг 1646 йили Назр Муҳаммадхон борган) ҳарбий кўмак бериш йўли билан мамлакатдаги сиёсий қарама-қаршилиқни кучайтиришга интилганлар. Дўппилари тор келганда эса, хусусан, шимол ва ғарбда усмонлийлар хавфи кучайганда, дарҳол Бухорога элчи қўйиб тинчлик, дўстлик ва қўшничилик сиёсатини ўртага солиб, пайтдан ютишга интилганлар. Ё бўлмаса, Назр Муҳаммадхонга ҳарбий ёрдам ниқоби остида катта кучни Хуросонга ташлаб, кейинчалик ундан 1649 йили бобурийлар қўл остида бўлган Қандаҳорни эгаллашда фойдаланганлар¹. Қолган йилларда эса Бухоро ва Исфаҳон ўртасида мунтазам равишда элчилик алоқалари олиб борилиб, ҳар икки томон Хуросон учун курашда амалий ҳаракатлар фойдасиз бўлган ҳолларда элчилар орқали мулоқотда бўладилар.

Эронга, айтилганидек, усмонлийлар хавфи оғир тош бўлиб турса, аштархонийлар учун, энг аввало, ички келишмовчиликлар, хусусан, Бухоро-Балх зиддияти, ҳам Эрон, ҳам Ҳиндистон билан барқарор муносабатда бўлишлиқни тақозо этарди. Аммо натижа улар ўйлагандек чиқмади. 1736 йили Эрон тахтини эгаллаган, асли туркманларнинг афшор қавмидан бўлмиш Нодиршоҳ 1740 йили лашкар тортиб келиб, аштархонийлар сулоласи тақдирини ҳал қилади. Юқорида айтилганидек, мамлакатдаги сиёсий ҳокимиятни Нодиршоҳ ёрдамида манғитлар қўлга оладилар. Бу ҳам етмагандек, Нодиршоҳ буйруғи билан Самарқанддан Амир Темур қабри устидаги яшм (нефрит) тоши ва Бибиҳоним масжидининг икки табақали, етти хил металл қоришмасидан тайёрланган дарвозаси Машҳадга олиб кетилади. Аммо номаълум сабабга кўра Нодиршоҳ уларни кўрадию, яна Самарқандга қайтаришни буюради². Кези келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Нодиршоҳнинг Туркистонга юриши вақтида, хусусан Бухоро таслим бўлганда, унга тақдим қилинган совғалар орасида Амир Темурга тегишли қилич ва зириҳнинг ичидан кўкрак ва орқага қўйиладиган тўрт темир пора (чоройина) бор

¹ Силсилот ас-салотин, 245а—249б-варақлар; Амали Солиҳ, 3-жилд, 51—55-бетлар.

² Бартольд В. В. Сочинения. Т. IV, 1966, с. 241—242.

экан. Бундан ташқари мазкур юришда иштирок этган курд сардорларидан бири Самарқандда Амир Темур қабри устига қўйилган, Шохрухнинг ўели, Бойсунғур томонидан кўчирилган Куръон нухасини олиб кетган. Мазкур Куръон нухаси оддий бўлмай, ниҳоятда нафислик билан кўчирилган ва безатилганидан ташқари, ҳажми, яъни саҳифасининг катталиги тахминан ярим метрга бир метрдир. Курдлар аввалига унинг ҳар саҳифасини йиртиб олишган, кейинчалик бир қисми бир имом мақбарасига берилган экан¹.

Аштархонийларнинг Ҳиндистон, хусусан, бобурийлар билан алоқаларига келсак, умуман олганда икки томонлама муносабатлар барқарор бўлиб келган. Ўзаро элчилар алмашиб турилган. 1646—1647 йиллардаги сиёсий бўҳрондан фойдаланиб бобурийларнинг Балх вилоятини забт этишларини ҳисобга олмаганда, Бухоро ва Ҳиндистон кўпроқ ўзаро яқинликка интилиб келган. Зеро, минтақада икки давлатнинг манфаати йўлида эронлик сафавийлар тўғоноқ бўлиб турардилар. Шунинг учун ҳам улар кези келганда сафавийларни шиа мазҳабига ружу қўйганликда айблаб, бирлашиб уларга қарши юриш режаларини бир-бирларига таклиф ҳам қилганлар. Аммо бундай таклифлар қоғозда қолаверган².

Аштархонийлар, хусусан, Балх ҳокими Муҳаммад Муқим султоннинг усмонлийлар ҳукмдори Султон Аҳмад III (1703—1730) даргоҳига элчи юбориб алоқа қилганини ҳам биламиз³. Умуман олганда аштархонийлар ва усмонлийлар ўртасидаги элчилик муносабатлари сезиларли бўлмаган. Ваҳоланки, ҳар икки томон учун умумий бўлган рақиб — сафавийларга қарши ҳаракатда улар ўзаро борди-келдини жонлантиришлари мумкин эди. Тўғри, 1691 йил усмонлийлар ҳукмдори Султон Аҳмад II (1691—1695) Субҳонқулихон даргоҳига элчи Мустафони юбориб, аштархоний ҳукмдори Эрон шираларига қарши биргаликдаги урушга чорлаган⁴. Аммо бу борада амалий қадамлар қўйилмаган.

¹ 1994 йили камина Эронда илмий сафарда бўлганимизда, Техрондаги «Садобод» музейлар мажмуасининг ҳарбий қисмида Амир Темурнинг қилчичини ҳамда Машҳаддаги имом Ризо мажмуасидаги Куръон музейида мазкур «Бойсунғур Куръони»нинг бир неча саҳифаларини кўришга муяссар бўлганмиз. Шунингдек «Бойсунғур Куръони»нинг бир неча саҳифаси Эрондаги шахсий қўлёзма жамғармаларидан бирида борлигини ҳам биламиз.

² *Батафсил қаранг:* Силсилот ас-салотин, 128а—1436, 1896—1926, 205а ва бошқа варақлар; *Низомуддинов И. Г.* Из истории среднеазиатско-индийских отношений. Ташкент, 1969; *Зидев А.* XVI—XVII асрларда Хуросон учун кураш. «Шарқ машғали», 1992, 3—4-сонлари.

³ Силсилот ас-салотин, 328а—331а-варақлар.

⁴ Муқимханская история, с. 154—157.

Энди аштархонийларнинг Россия билан муносабатларига ҳам тўхталиб ўтсак. Россия томонидан босиб олинган Волга, Урал бўйлари, Фарбий Сибирь ерлари табиий равишда ва тарихан Туркистон минтақаси ҳамда туркий тилли халқлар яшаш жойларига алоқадорлиги шубҳасиз. Шу маънода бухоролик, самарқандлик, хоразмлик, балхлик савдогарларнинг мазкур юртларда савдо қилишга интилишлари ҳам табиий эди. Савдонинг ривожидан манфаатдор аштархоний ҳукмдорлар Россия давлати билан элчилик алоқалари олиб бориб, ўз савдогарларига қулай шароит яратишга интилганлар. Россия ҳукумати эса савдо муносабатларини ўз савдогарлари манфаатида ташкил қилишга ҳаракат қилиб, туркистонлик савдогарларга Россияда эркин савдо фаолияти юритишларини тақиқлаган эди. Шунингдек Россиядан Туркистонга металл ва ундан ишланган маҳсулотларни олиб кетишга ҳам йўл берилмасди. Бундай хатти-ҳаракатлардан мақсад аниқ: бир томондан, янги босиб олинган ерлардаги маҳаллий туркий тилли аҳоли билан туркистонликларнинг иложи борича камроқ мулоқотда бўлишини, маҳаллий аҳолининг Москвага қарши кайфиятини кучайтирмасликни таъминлаш, иккинчи томондан, ҳарбий соҳада катта аҳамият касб этган металл ва ундан тайёрланган қурулларнинг (масалан, милтиқ, замбарак ва ҳ. к.) хонликка етиб боришининг олдини олиш.

Россия томонидан Туркистонга келиб кетган савдогарлар, элчилар ўз вазифаларидан ташқари ўлкани ҳар томонлама ўрганиш билан ҳам машғул бўлганлар. Бу ердаги турли-туман бойлик, айниқса, олтин ҳақидаги маълумотлар рус ҳукуматининг рашкини келтириб, Пётр I замонидан бошлаб минтақага нисбатан дастлабки ҳарбий экспедициялар уюштира бошланади (1714, 1716, 1717, 1719, 1721 йиллари). Улардан мақсад мамлакатни пухта ўрганиш, қуруқлик ва сув йўлларини аниқлаш, ички иқтисодий-савдо имкониятларни таҳлил қилиш, иложи бўлса маҳаллий ҳукмдорларни Россия паноҳига ўтишга кўндириш, эвазига ҳарбий ёрдам ваъда этиш каби тадбирларни амалга ошириш эди. Гарчи мазкур экспедициялар барбод бўлса-да, аммо улар Россиянинг Туркистонга нисбатан бошланган босқинчилик ва империяпарастлик сиёсатининг ибтидоси эди¹.

¹ Батафсил қаранг: *Зиёев Ҳамид*. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент, 1988, 52—67-бетлар.

Шундай қилиб, биз аштархонийлар ҳукмронлиги давридаги давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини кўриб чиқдик. Бир сўз билан айтганда, қанчалик катта иқтисодий, маданий, маънавий шарт-шароит ва имконларга эга бўлинмасин, марказий ҳокимиятнинг заифлашиши, маҳаллийчилик, сиёсий бошбошдоқлик мамлакат ва давлатнинг бошқа барча қудратларини кесиб юборади. Эътибор берган бўлсангиз, Назр Муҳаммадхон замонида бошланган сиёсий беқарорлик тахминан юз йил ўтиб сулола инқирози ва давлатнинг учга бўлиниши билан тугади. Шунингдек давлат бошқаруви тизимида шайбонийлар даврида бошланган «орқага қайтиш» жараёни кучайиб бориб, аштархонийлар замонида девонлар тизими деярли барбод бўлди. Бутун ҳокимият даргоҳда мужассамлашиб қолди. Агар даргоҳ ва девонлар тизими мавжудлиги шароитида марказ вилоятларни даргоҳ — маҳаллий ҳокимликлар тизимидан ташқари девонларнинг маҳаллий бўлимлари орқали ҳам бошқариш имконига эга бўлиб, бу ҳол марказ эътиборини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этган бўлса, энди эса жойлардаги бутун ҳокимият маҳаллий кучлар қўлида мужассамлашганди. Шунинг учун ҳам вилоятларнинг бошбошдоқлик кайфияти бу вақтда ниҳоятда кучайган. Бундан давлатчилик асослари заифлашиши ҳам турган гап эди. Шундай бўлиб борди ҳам.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йиллари кўзга ташланадиган яна бир муҳим жиҳат хусусида тўхталиш лозим. У ҳам бўлса, давлатимизнинг халқаро ҳаётдаги мавқеининг сусайиб бориши масаласи. Эътибор берилса, ташқи алоқалар асосан Хуросон доирасида, шимолдаги кўчманчи халқлар билан муносабатларда чекланиб қолган. Бу вақтда илм-фан, техника тараққиётида, ҳарбий санъатда илгарилаб бораётган Европа давлатлари билан алоқалар ўрнатиш, жаҳон сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий даврасига кириш, бунинг орқасида дунё миқёсида фикрлаш, сиёсат юритиш анъанаси бизнинг сиёсатчилар, давлат арбобларида бўлмаган. Шунинг учун аждодларимиз гидравлика, машина, механизмлар, энг замонавий ҳарбий қуроллардан беҳабар қолаверганлар. Замонанинг энг илғор ютуқларидан миллий манфаат йўлида фойдаланишга масъул ҳукмрон кучлар, сулолалар тобора ўз қобиларига ўралашиб, маҳаллийчилик, сулолавий манфаатлар қарама-қаршилиги асоратидан чиқа олмаганлар.

МАНФИТЛАР, ҚҰНФИРОТЛАР, МИНГЛАР

Шундай қилиб, биз ўзбек давлатчилиги тараққиёт йўлидаги муҳим тарихий босқичлардан бирига етиб келдик. Нима учун муҳим тарихий босқич деяпмиз? Тадқиқ этиладиган жараёнларнинг натижада давлатчилигимиз тарихида қандайдир ижобийлик, юксаклик ҳолати билан боғлиқ бўлгани учун эмас, аксинча, XVIII—XIX асрларда (то Россия босқинига қадар), доимо таъкидлаб келганимиз, ҳар қандай жамият борлиғи ва тараққиётини белгилаб берувчи давлатчилик асосларининг ниҳоятда заифлашиб борганлигидан, оқибатда миллат ва давлат қарамлик аҳволига тушиб қолганидан келиб чиққан ҳолда мазкур даврни ўрганиш ва билиш муҳимдир. Яъни сўз кетадиган замонлар биз учун катта тарихий сабоқ бўлмоғи керак.

XVIII асрга келиб, бу вақтгача 2400 йиллик улкан тарихий тараққиёт йўлига эга ўзбек давлатчилигида бўлиниш, тарқоқлик ҳолати кўзга яққол ташланади. Бир сўз билан айтганда, миллат ва жамият бошқарувига даъвогар ҳокимият уч ерда — Бухоро, Хива, Қўқонда алоҳида-алоҳида мужассамлашганди. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатда уч ҳокимиятчилик ғолиб келган эди. Тўғри, мазкур ҳолатнинг юзага келишида муайян сабаблар бўлгани аниқ. Аммо ҳар қандай жараёнга бериладиган баҳо, энг аввало, ўша пайтдаги манзара, кечиб борган ижтимоий-сиёсий жараён ва етиб борган нуқта — натижа билан ўлчанаркан, демак, қандай бўлишидан қатъи назар, бу сабабларни биз оқлай олмаймиз. Яъни давлатчиликдаги бўлиниш, уч ҳокимиятчиликнинг юзага келиши охир-оқибатда давлатнинг кучсизланиши ва емирилишига, бошқа омиллар билан қўшилиб Россия босқинига дош беролмай қарамликка юзтубан бўлишига олиб келган.

Аштархонийлар ҳақида сўз юритиб, 1747 йили мазкур сулола фаолиятига амалда чек қўйилганини айтгандек. Гарчи шундан кейинги бир ярим йилча вақт мобайнида аштархонийлардан Абдулмўмин ва Убайдуллахон сохта хон сифатида эътироф қилинса-да, аммо ҳокимият бутунлай манғитлардан бўлмиш Муҳаммад Раҳим (1747— 1758) ихтиёрида эди.

Кўриниб турганидек, давлатчилигимиз тарихида Амир Темур давридан кейин манғитлар замонида яна бир бор «сохта хон»лар анъанасига қайтилган, яъни Муҳаммад Раҳим амир мақомида мамлакатни бошқа-

ришга киришган. Муҳаммад Раҳим ғайратли ва қаттиққўл сиёсатчилардан ҳисобланган. У аштархонийлар даврида заифлашиб қолган марказ мавқеини тиклашга уриниб, Самарқанд, Миёнқол, Қарши, Хузор, Шаҳрисабз, Кармана, Чоржўй ва Карки кабиларни пойтахт измига қайтара олган. Аммо унинг ўлиmidан сўнг вазият яна кескинлашиб, кейинги манғит намояндаси, Муҳаммад Раҳимнинг амакиси Дониёл (1758—1785) замонида яна маҳаллийчилик кучайиб, Нурота, Кармана, Хузор, Ҷратепа, Бойсун, Шеробод, Ҳисор беклари бошбошдоқлик йўлига ўта бошлайдилар. Гарчи катта қийинчилик билан Дониёл уларни яна Бухоро ҳокимиятини тан олдиришга эришса-да, аммо бу масала узил-кесил ҳал бўлди дегани эмасди. Масалан, Шаҳрисабздаги кучлар амалда ўз мустақилликларини сақлаб қолиб, бундан ташқари Бухоро ҳокимиятига доим хавф туғдириб келганлар¹.

Марказий ҳокимиятни мустақамлаш ишига қатъий бел боғлаган ҳукмдор бу Шоҳ Мурод (1785—1800) бўлди. Манғит намояндалари орасида Шоҳ Мурод ҳам шахс, ҳам арбоб сифатида алоҳида ўрин тутган, десак хато бўлмайди. У, бир томондан, ўта художўй, элпараст бўлса, иккинчи томондан, ниҳоятда қаттиққўл сиёсатчи ҳисобланган. Бошданок у мамлакатда қатъий тартиб ўрнатишга киришиб, ишни сулола мавқеини расмий жиҳатдан мустақамлашдан бошлайди. Яъни сохта хонлик анъанасига чек қўйиб (Дониёл пайтида ҳам аштархонийлардан Абулғозий расман хон ҳисобланган), тахтга расман ўзи чиқади, лекин хон эмас, амир унвони билан. Шу вақтдан бошлаб давлатнинг ҳам расмий, ҳам амалий бошлиғи унинг ўзи — амир ҳисобланган. Бу тўғри йўл эди. Зеро, энди мамлакатдаги бирон-бир сиёсий куч манғитларнинг, чунончи, Шоҳ Муроднинг тахтга даъвоси асосизлигидан баҳона чиқара олмасди. Шу билан бирга Шоҳ Муроднинг мазкур тadbирни нисбатан силлиқ амалга ошира олганининг бошқа сабаблари ҳам бор. Биринчидан, сулола алмашинганига ва манғитларнинг жамият онгига ҳукмрон куч сифатида ҳам сингиб бораётганига қирқ йилча вақт бўлиб қолганди. Иккинчидан эса, Шоҳ Мурод ўз фаолиятида оммага суяниб иш тутди. У, энг аввало, шариат тартибларига қатъий риоя қилиш, ҳаром билан ҳалолни ажра-

¹ Абдурашмов М. А. Очерки аграрных отношений, т. 1, с. 181—184; Тухфат ал-хоний, 77а—94б-варақлар.

тишда қаттиқ туриш сиёсатини кенг тадбиқ этишдан толмади. Чунончи, биз авваллари кўрган мухтасиб — раъис хизматини, яъни бозорлардаги адолат (қаллоблик, тарозудан уриш, сифатсиз маҳсулот сотиш ва ҳоказо) бузилиши, кўча-кўйларда ахлоқ нормаларига риоя қилиш кабилар билан боғлиқ тадбирларни тиклади ва жонлантирди. Ўзи ҳам ниҳоятда камтарин ҳаёт кечиришга ҳаракат қилган. Манбаларда ёзилишича, унинг ўзи учун кундалик харажати бир тангадан ошмаган экан, еб-ичиши ва кийиниши ҳам оддий бўлган. Бирон-бир амалдорнинг уйига зиёфатга бормас, ҳеч кимдан совға олмас, ўз шарафига турли дабдабали тадбирлар уюштирилишига йўл қўймас экан. Буларнинг бари, албатта, кенг омма орасида тарқалиб, халқ олдида Шоҳ Муроднинг обрў-эътибори ошиб бораверган. Бунинг устига отаси Дониёл замонида жорий этилган турли олиқ-солиқларни бекор қилиб, жамият орасида яна кўп шуҳрат топган. Оддий халқнинг Шоҳ Муродга муносабати қанчалик бўлганини шундан ҳам билса бўладики, уни «беғуноҳ амир», деб атаганлар. Хуллас, Шоҳ Мурод, бир томондан, халққа, иккинчи томондан, лашкарга суяниб мамлакат сиёсий яхлитлигини таъминлаш билан бирга эронлик Нодиршоҳ (1740) босқини йили Бухоро ихтиёридан чиққан Хуросонни қайтариш учун ҳарбий ҳаракатларни ҳам бошлаб юборган. Хусусан, 1789—1790 йиллари Марвда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, марвликлардан бир неча ўн минг кишини Самарқанд ва Бухорога кўчиртиради. Шундан сўнг эскидан Самарқанд ё Бухоро (яъни пойтахт маъносида) измида бўлиб келган Балх, Маймана, Андхуд каби вилоятларни ҳам қайтариб олиш пайига тушади. Аммо бу осон эмасди. Зеро, 1747 йилдан бошлаб Балх, Бадахшон, Андхуд, Маймана, Шарқий Сейистон, Балужистон, Синд, Кашмир, Панжоб каби вилоятларни ўз тасарруфига олган дурронийлар (1747—1842) сулоласи (яъни ҳозирги Афғонистон давлатига асос солган сиёсий куч) намояндаси Темуршоҳ (1773—1793) ҳам бўш келадиганлардан эмасди. Хуллас, ўзаро кураш қаттиқ бўлса-да, сезиларли натижа чиқмаган¹.

Шоҳ Муроддан фарқли ўлароқ, унинг вориси амир Ҳайдар (1800—1826) ҳукмронлик йиллари мамлакатда нотинчлик ҳукм суради. Яъни марказ ва вилоятлар

¹ *Тарихи амир Ҳайдар. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёмаси. Рақами 1836, 8а-9а-варақлар; Аҳмад Дониш. Рисола, 12—26-бетлар.*

ҳамда кечагина вилоят мақомида бўлган, лекин эндиликда алоҳида сиёсий бирлик — хонликка айланган Хива ва Қўқон билан қарама-қаршиликлар авжига чиқади. Миёнқол, Шаҳрисабз, Карки, Марвдаги маҳаллий кучлар яна ўзбошимчалик қила бошлаганлар. Чунончи, Марвни бошқариб турган Дин Носир (амирнинг укаси) Хива хони Элтузар (1804—1806) кўмагига ишониб бош кўтаради. Амир Ҳайдар учун бу ниҳоятда хавфли ҳолат эди. Чунки бу шунчаки бир вилоятнинг марказга бўйин эгмаслиги эмас, балки расмий сулола намояндасининг, минтақадаги рақиблардан — хиваликлар билан тил бириктириб, олий тахтга қарши ҳаракати эди. Шунинг учун ҳам амир Ҳайдар унга қарши лашкар тортади. Дин Носир бас келолмай Машҳадга қочади. Шоҳ Мурод даврида бўлганидек, амир Ҳайдар Марвни эгаллагач, маҳаллий аҳолининг бир қисмини Зарафшон водийсига кўчиртириб, бу ерга туркманларни ўрнаштиради.

Бухородаги ички зиддиятлардан Хива хонлиги бундан кейин ҳам фойдаланишга кўп уринганини биламиз. Чунончи, Дин Носирга ёрдам бериш баҳонасида Бухоро амирлиги ҳудудига кириб борган Элтузархондан сўнг 1821—1825 йиллари амир Ҳайдар Миёнқолда хитой-қиғчоқлар исёнини бостириш билан оворалигида хиваликлар Чоржўй ва Марвга ҳарбий юриш уюштирадидлар. Хиваликлар ҳатто Марвни забт этишга ҳам муваффақ бўлганлар. Бунгача ҳам амирликнинг шарқий қисмида анча йўқотишлар ва ўзгаришлар бўлган. Масалан, Қўқон ҳукмдорлари 1805 йили Хўжандни, 1809 йили Тошкентни, 1816 йили эса Туркистонни (Йасси) ишғол этиб, хонлик доирасига киритадилар. 1806—1813 йиллари Ўратепага, 1806 йили Жиззахга, 1821 йили Самарқандга таҳдид солганлар. Хуллас, амир Ҳайдар ҳукмронлиги анча таҳликали бўлиб марказий ҳокимият қудрати сусайган эди¹.

Бунинг исботини шундан ҳам билиб олса бўладики, унинг ўлимидан сўнг тахтга ўтирган ўғиллари — амир Ҳусайн икки ярим ой, кейин эса амир Умар тўрт ойгина ҳукмронлик қилганлар, холос². Шу йили (яъни ҳижрий йил назарда тутилмоқда) амирлик курсисини амир Насрулла (1827—1860) эгаллайди. Ўша замон тарихчиси Аҳмад Дониш амир Насрулла ҳақида шундай ёзганди:

¹ Батафсил қаранг: Тарихи амир Ҳайдар, 7—81-боблар; Тарихи Шоҳрухий, Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ кўлёмаси. Рақами 1787, 31а—856-варақлар.

² Рисола, 28—30-бетлар.

«(У) вазмин ва кўрқмас, қаттиққўл ва зукко ҳукмдор эди. Эл ва улусда фитна чиқаришда ном чиқарган ё илгариги амирларга (яъни ҳукмдорга — А. З.) нисбатан кўрнамаклик қилганнинг барчасини жазолади, ўз та- рафдорларини сийлади»¹. Шунингдек у шарият тартиб- ларини мустаҳкамлаб, отаси амир Ҳайдар даврида бе- бошлик қилган барча вилоятларни, аниқроғи, улардаги сиёсий кучларни пойтахт измига қайтарди.

Амир Насрулла Хива ва Кўқонни яна Бухоро атро- фида бирлаштиришга кўп уринган сиёсатчидир. Чу- нончи, у илгари қўлдан кетган Марвни пойтахтга бўйсундириш учун хиваликлар билан кўп курашади ва 1843 йили мақсадига эришади. Аммо хиваликлар ҳам бўш келмай 1855 йили яна бир бор Марвни ишғол қиладилар. Хиваликлар бу билан чеқланмай Чоржўйга ҳам доимо таҳдид солиб турганлар. Ўз ўрнида эса амир Насрулла Хива хонлиги доирасидаги Ҳазораспга юриш уюштиргани маълум.

Амир Насрулланинг Кўқонга нисбатан тутган сиё- сати унумлироқ бўлган, дейиш мумкин. 1840—1842 йиллар давомида у катта уринишлар натижасида Хўжанд, Тошкент, Кўқон кабиларни Бухорога бўйсун- диришга эришади. Бир қараганда, мазкур воқеалар на- тижасида мамлакатнинг бирламчи бирлашуви учун қайта имкон туғилгандай бўлса-да, аммо амир Насрул- ланинг бир хатоси туфайли мўлжал рўёбга чиқмай қол- ган. Ўша замон воқеалари гувоҳи, тарихчи Муҳаммад Ҳакимхон ёзишича, амир Насрулла ўйламасдан Кўқон- га Иброҳим парвоначи манғитни тайинлаб ўзи Бухоро- га қайтиб кетган. Иброҳим парвоначи эса кечагина урушдан чиққан маҳаллий аҳолига нисбатан зулм ўтка- за бошлаган, айниқса олиқ-солиқлар борасида. Нати- жада икки ой ўтиб-ўтмай асли минглардан бўлмиш, қирқ беш йил давомида тоғлик ерларда, қирғизлар ора- сида яшаган Шерали вазиятдан хабар топиб, тезда лаш- кар йиғиб келади ва Бухоро ноибини ағдаради. Гарчи амир Насрулла ҳам қўшин тортиб келиб, Кўқонни яна бир бор эгаллашга ҳаракат қилган бўлса-да, бироқ уд- дасидан чиқолмайди. Шу тариқа Бухоро ва Кўқонни бирлаштириш имкони қўлдан кетади².

¹ Ўша жойда, 31-бет.

² Амир Насрулла замони бўйича қаранг: Рисола, 30—40-бетлар. *Мир Олим Бухорий*. Фатҳномаи султоний. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёзмаси. Рақами 1838, 56а ва кейинги варақлар; Тарихи Шоҳрухий, 986—101а-варақлар; *Муҳаммад Ҳакимхон*. Мунтахаб ат-таворих. Душанба, 1985, 2-жилд, 732—739-бетлар.

Амир Музаффар (1860—1885) ҳукмронлик йиллари манғитлар сулоласи ва улар ҳукми остида яшаган аҳоли учун энг таҳликали давр бўлган, десак адашмаймиз. Фаолиятини отаси замонида мансабда бўлган амалдорларни бўшатиш ва мол-мулкларини мусодара қилишдан, амир Насрулла томонидан ўз вақтида Карманага сургун қилинган кишиларни яна пойтахтга қайтариб юқори лавозимларга тайинлашдан бошлаган амир Музаффар, гарчи шу тариқа ўз мавқеини мустаҳкамлашга уринган бўлса-да, аслида бу билан киши билмас давлат ва сулола қудратига катта зарба берганди. Карманадан қайтарилиб юқори давлат вазифаларига тайинланганлар, Аҳмад Дониш сўзи билан айтганда, ўз фаолиятларида «халқнинг қонини сўрганлар». Айниқса, солиқ йиғишда. Яна мазкур тарихчи гувоҳлик беришича, амир Музаффар Ҳисор ва Кўқонга қилган ҳарбий юришларидан (1863—1865) мағрурланиб кетган. Ўзидан бошқани тан олмай қўйган. Шариат ҳукмларини ижро этишда ўзбошимчалик қилиш йўлига ўтиб олган. Масалан, дейди Аҳмад Дониш, арзимаган жиноят қилган киши қатл этилиши, одам ўлдирган жиноятчини биров сўраб-суриштирмаслиги ҳам мумкин бўлиб қолганди. Шунингдек унинг даврида лашкар ҳам заифлашган, отаси замонида ҳарбий юришларда пишиган саркардаларни қатл эттириб, ўринларига «таги паст кишиларни ва ғуломларни» тайинлаган. «Русия ўлкага бостириб кирганда эса, деб давом этади Аҳмад Дониш, таги паст, нодон ва ғайратсиз саркардалар жуфтакни ростлаб қолдилар, (то шу вақтгача улардан) озор чекиб келган аскарлар ғуломларга хизмат қилишни ор билиб тарқаб кетдилар. Натижада барча вилоятлар Русия қўлига тушди»¹. Бир сўз билан айтганда, 1868 йили Россия ҳарбий босқинига дош беролмай манғитлар бошқарган Бухоро амирлиги қарамликни бўйнига олишга мажбур бўлади. Барча сиёсий ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум қилинган амир Музаффар ва унинг ворислари Абдулаҳад (1885—1910), Сайид Олимхон (1910—1920) Россия империяси ихтиёридаги кўғирчоқ ҳукмдорлар эдилар, холос. 1917 йили империя марказида давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятни қўлга олган янги сиёсий куч — болшевиклар Бухоро ва Хивадаги амирлик-хонлик-мустамлакачилик тартиблари ўрнига совет-мустамлакачилик шаброитини ўрнатиш ниятида 1920 йили Бухорода амир-

¹ Рисола, 35—37-бетлар.

лик, Хивада хонлик ҳукуматини йўқ қиладилар. Шу тариқа манғитлар сулоласи тарихий-сиёсий фаолиятига хотима ясалади.

Энди Хива хонлиги тўғрисида тўхталиб ўтсак. Ўтмиш даврлар мисолида кўрилганидек, доимо мамлакат марказига бўйсуниб келган ё ўзи марказ бўлиб ўлкани бирлаштириб турган (масалан, ануштегинийлар даврида), Хоразм вилояти XVI асрга келиб бир қатор маҳаллий сиёсий кучлар ҳаракати билан ўзбошимчалик кайфиятига берила бошлайди. Хусусан, темурийлар даврида Самарқанд ихтиёрида бўлган Хоразм мамлакатда сиёсий бошқарувга даъвогарлар ўзгаргандан сўнг ҳам илгариги мақомда қолган. Темурийлардан давлат тизгинини тортиб олган Муҳаммад Шайбонийхон замонида ҳам Хоразм Самарқанд сиёсий доирасида эди. Аниқроғи бунга Муҳаммад Шайбонийхон ўша асрлар қонунларига кўра 1505 йили Хоразмга ҳарбий юриш уюштириш орқасида муваффақ бўлган. Аммо 1510 йили Марв атрофида Муҳаммад Шайбонийхонни енгган эронлик сафавийлардан Исмоил пайтдан фойдаланиб Хоразмда ўз таъсирини ўтказиш ниятида бу ёққа лашкар билан ноибларни юборади. Аммо Шариф Сўфий ва Мирзо Хизр каби маҳаллий намояндалар уларга бўйин товламасликка ўтиб, бунда даштиқипчоқлик сиёсий кучларга суянадилар. Натижада, 1511 йили Хоразмда даштиқипчоқлик Элбарсхон ҳокимиятни қўлга олади¹. Элбарсхон эса аслида шайбонийлар сулоласидандир. Янада аниқроқ айтганда, Самарқанд тақтини темурийлардан тортиб олган Муҳаммад Шайбонийхоннинг бешинчи аждоди Пулод (Фулод) икки ўғилли бўлган: Иброҳим ва Арабхон (Арабшоҳ). Муҳаммад Шайбонийхон Иброҳимнинг тўртинчи авлоди бўлса, Элбарс Арабхоннинг бешинчи авлодидир. Бир сўз билан айтганда улар амакиваччалардир. Демак, 1505 йили Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Самарқандга бўйсундирилгандан сўнг олти йил давомида Хоразмда шайбонийларнинг ҳукмронлиги устивор бўлиб келган десак, 1511 йили эса мазкур вилоятда шайбонийларнинг бошқа бир оиласи намояндалари ҳокимиятни қўлга оладилар. Бу ерда табиий бир савол туғилиши мумкин: аслида бир сулола экан, нима учун хоразмлик шайбонийлар алоҳидаликка интилганлар, маркази аввал Самарқандда, сўнг эса Бухорода бўлган, Муҳаммад

¹ Шажарайи турк, 120—123-бетлар.

Шайбонийхон оиласи билан келиша олмаганлар? Бу ерда камида икки сабаб бор. Биринчидан, бир сулолага мансуб бўлишларидан қатъи назар бу икки оила орасида илгаридан қарама-қаршилиқ бўлиб келган. Масалан, Муҳаммад Шайбонийхон ўз вақтида, ҳали Дашти қипчоқдалигида Элбарснинг отаси Бурка султонни (Берка) ўлдирганди¹. Иккинчидан, қайси оила ё сулолага тегишли бўлишига қарамай, асрлар давомида, кўриб келганимиздек, маҳаллий кучлар доимо марказдан узоқлашишга интилиб келганлар. Хоразмга келиб ҳокимиятни олган шайбонийларнинг бошқа бир тармоғи намояндалари ҳам бундан мустасно эмасдилар.

Демак, 1505—1770 йиллар орасида Хоразмни асосан шайбонийлар сулоласи намояндалари бошқарганлар. Кўриниб турганидек, уларнинг, аниқроғи Арабхон наслидан тарқаган шайбонийларнинг ҳукмронлик йиллари Иброҳимнинг авлодлари — Бухоро шайбонийлари ҳукмронлик фаолиятидан (1501—1601) анча узоқроқ давом этган. 1770 йили эса Хоразмда амалий ҳокимият кўнғирот сулоласидан бўлмиш Муҳаммад Амин иноқ кўлида мужассамлашади. Ва шу тариқа мазкур вилоятда янги сулола — кўнғиротлар фаолияти бошланган.

Абулғозий Баҳодирхон, Мунис қолдирган маълумотларга кўра, 1511—1770 йилларда Хоразмда ҳукмронлик қилган шайбонийхонлар сони қирқ атрофида эди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил тўхталмай, энг асосий воқеаларга диққатни қаратмоқчимиз.

Элбарсхон давридаёқ (1511 — тахминан 1516) Хива хонлигининг сиёсий географияси шаклланган эди, десак тўғри бўлади. Зеро, бу пайтда хонлик ғарбда Каспий денгизи, шимолда Орол денгизи ҳавзаси, жанубда Атрек дарёси ва Сарахс атрофларигача бўлган худудни ўз ичига олганди. Араб Муҳаммадхон (1602—1621) давригача пойтахт Урганч ҳисобланиб, кейин эса Хивага кўчирилган. Шунга кўра замонавий тарихшуносликда хонликни Хива хонлиги дейиш одат тусига кирган.

Хиваликлар мазкур фаолият майдони билан чегараланмасдан ички Хуросон, Бухоро тасарруфидаги ерларга доимо юришлар уюштириб турганликларини билламиз. Ўз ўрнида Бухоро ҳам Хоразмни марказга бўйсундиришга кўп марта ҳаракат қилган. Чунончи,

¹ Таворихи гузида. Нусратнома, 162—165, 270—271-бетлар. Камалиддин Биноий. Шайбонийнома. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ кўлёмаси. Рақами 844, 56-варақ; Шажарайи турк, 118—120-бетлар.

шайбонийлардан Убайдуллахон ва Абдуллахон II даврларида хивалик шайбонийлар бухоролик сулоладошларига бўйсунишга мажбур бўлганлар. Аммо Абдуллахон II ўлиmidан сўнг ўша пайтдаги Хива хони Ҳожи Муҳаммадхон яна мустақил сиёсат юргизиш имконига эга бўлган. XVII асрга келиб эса Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги муносабатларда бир оз ўзгариш юз берган. Яъни шу асрдан бошлаб Бухоро хонлиги бошқарувини қўлга олган янги сулола — аштархонийлар намояндаси Назр Муҳаммадхон замонида Хивада унинг номидан хутба ўқилгани ҳамда 1678 йили кейинги аштархонийлардан Субҳонқулихоннинг Хивага ўз ноиби Шохниёз эшикоғобошини юборгани ҳисобга олинмаса, хиваликлардан Абулғозий Баҳодирхон (1644—1664) ва Анушахон (1664—1687) даврларида Бухоро қўл остидаги ҳудудга муттасил ҳарбий юришлар уюштирилиб турилганини биламиз. Хусусан, Абулғозий Баҳодирхоннинг ўзи олти марта шундай тадбирни амалга оширган бўлса, ўғли Анушахон 1684 йили ҳатто Самарқандни эгаллаб бу ерда ўз номидан хутба ўқитган. Лекин шунга қарамай Бухоро кейинчалик ҳам Хивага нисбатан олиб борган сиёсатидан воз кечмаган. Чунончи, юқорида тилга олинган Муҳаммад Амин иноқ Хивада ҳокимиятни қўлга олишда Бухоро мададига суянгани маълум. Бу ҳақда хоразмлик тарихчи Мунис гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, 1770 йилдан бошлаб Хивада (Хоразмда) янги сулола — қўнғиротлар сиёсий фаолияти бошланади. Қўнғиротлар фаолияти ҳам, бир томондан, бухоролик манғитлар сулоласи тарихининг ибтидосига ўхшаб кетади. Яъни Муҳаммад Амин ва унинг ўғли Аваз (1790—1804) амалий ҳокимиятни қўлда тутган ҳолда хонлик бошлиғи сифатида сохта хонларни эълон қилганлар. Фақат 1804 йилдагина навбатдаги қўнғиротлардан бўлмиш Элтузарнинг ўзи шахсан хонлик тахтига чиқиб, масаланинг расмий томонини ҳам ҳал қилади. Лекин у узоқ ҳукмронлик қилмаган. Кейинги ҳукмдор Муҳаммад Раҳимхон (1806—1825) хонликни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатлардан мустаҳкамлашга уринган бўлса, унинг давомчиси Оллоқулихон (1825—1842) асосий эътиборни Хуросон ва Бухоро билан муносабатларга қаратган. Шу ерда бир нарсага фикрни жалб қилиш ўринлидир. Хуросон учун курашни асосан XVII асрдан бошлаб хиваликлар олиб борганлар. Бухоро сиёсий кучлари бу борада нисбатан анча суст сиёсат юргизиб, кўпроқ Қўқон ва Хива хонликларига қарши

кураш билан банд бўлганлар. Буни ҳам тушунса бўлади. Чунки Бухоро ўртада бўлиб ҳам шарқ, ҳам ғарб томонда кураш олиб борган. Шунинг учун ҳам хиваликларнинг Хуросонга нисбатан сиёсати жадалроқ бўлган. Чунончи, Оллоқулихон бошчилигида олти марта, Муҳаммад Амин II (1845—1855) даврида эса ўндан ортиқ бор Хуросонга юриш қилинган. Аммо Бухоро ва Хуросон «ишқи»да бўлган қўнғиротлар бостириб келаётган Россия хавфига бошқа хонликлар каби қандайдир бир бепарволик билан қараганлар. Мана шу бепарқлик натижаси ўлароқ Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910) замонида Россиянинг 1873 йилги босқинидан сўнг, энг аввало, Хоразм аҳли ва табиий равишда қўнғиротлар сулоласи бегоналарга қарамлик ҳолатига тушиб қоладилар. Қачонлардир боболари сохта хонларни тахтга ўтказиб, амалий ҳокимиятни қўлда тутган бўлсалар, энди қўнғиротлардан Муҳаммад Раҳим II ва сулоланинг сўнгги намояндаси Исфандиёр (1910—1918) Россия империяси ихтиёридаги қўғирчоқ хонларга айланганлар¹.

Кўрилаётган даврда ўлкада мустақил сиёсий фаолият юргизган яна бир сулола ҳақида сўз юритсак.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларининг сўнгги босқичида (Убайдуллахон, Абулфайзхон) марказий ҳокимият заифлашиб, вилоятлардаги бошбошдоқлик кучайиб кетгани ҳақида айтган эдик. Биз кўпроқ Кўқон хонлиги деб биладиган сиёсий бирлик аслида худди шу омил — марказнинг (Бухоро) кучсизланиши, жойлардаги вазиятни ўз измида тута олмаганлиги натижасида юзага келганди. Гарчи 1705 йилда ҳам Фарғона, Андижон кабиларнинг Бухорога боғлиқлиги борасида манбаларда ишора бўлса-да, аммо бир нарса аниқки, бу вақтда Фарғона водийсида пойтахтдан кўра чадоклик (Чустдан 40 км шарқда жойлашган жой) дин пешволарининг мавқеи катта эди. Дин пешволарининг ҳатто бир водий миқёсида сезиларли мавқега эга бўлишларини ўз пайтида теурийлар (XV аср иккинчи ярми), шайбонийлар (XVI аср ўрталари), аштархонийлар (XVII аср ўрталари) замонларида ҳам марказ сиёсати бўшашиши оқибатида дин пешволарининг роли ошиб бориши ҳолати билан ўхшатиш мумкин. Демак, бу ерда қандайдир бир қонуният бор (!). Шу билан бирга бундай ҳолат қанчалик давом этишидан қатъи назар охири

¹ *Хива шайбонийлари ва қўнғиротлари фаолияти ҳақида қаранг:* Шажарайи турк, 120—188-бетлар; Фирдавс ал-иқбол, 3—5-боблар; Шажарайи Хоразмшоҳий, 5—16-боблар.

қандайдир бир сиёсий куч ўртага чиқиб, сиёсий тизгинни қўлга олади, яъни сиёсий бўшлиқни тўлдиради. Фарғона водийсида ҳам шундай бўлган. 1709 йили майдонга минглардан бўлмиш Шоҳрух чиқади.

Минглар нафақат Фарғона водийсида, балки мамлакатнинг бошқа ерларида ҳам яшаган уруф. Масалан, манбаларда уларнинг Ургут, Чечакту, Маймана, Сарипул, Гурузвон, Шибирғон, Андхуд каби ерларда ҳам мавқелари етарли даражада бўлгани тўғрисида далиллар бор. Мингларнинг Фарғона водийсида сиёсий ҳокимиятни қўлга олиб, кейинчалик уни бир бутун хонлик миқёсига кўтара олганликлари сабабларига келсак, биринчидан, айтилганидек, водийда шунга яраша шароит туғилган, иккинчидан эса аштархоний Убайдуллахон даврида Бухоро тасарруфидаги вилоятлардан баъзиларида катта мавқега эга минглар намояндалари (масалан, Ургутда Оллоҳберди минг, Маймана ва унинг атрофида Хушқол минг) тазйиққа учраганлар¹. Ва афтидан, мазкур ҳолат Фарғонадаги мингларнинг фаоллашувига яхшигина туртки бўлган. Хуллас, Убайдуллахон Фарғонада юз берган сиёсий бурилишга қарши бирон чора кўролмаган. Бунинг устига 1711 йили ўзи сиёсий фитна қурбони бўлганини ҳам биламиз. Эътиборни тортадигани шуки, Убайдуллахоннинг ўлдирилишида мазкур Оллоҳбердининг укаси Кучак, демак, минглар ҳам, иштирок этганлар². Кейинги аштархоний ҳукмдор Абулфайзхон эса, кўрганимиздек, аввалига ўзи билан ўзи овора бўлиб, эронлик Нодиршоҳ юришидан кейин эса умуман аштархонийлар сулоласи тақдири ҳал этилган. Буларнинг бари оқибатда Фарғона водийсида Шоҳрух (1709—1721), сўнг эса унинг ворислари Абдулраҳим (1721—1733), Абдулкарим (1733—1750) кабилар замонида минглар сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб, Кўқон хонлиги юзага келишига шароит яратган. Минглар нафақат водийда оёққа туриб олганлар, балки Бухоро сиёсий доирасидаги Хўжанд (1725), Ўратела (1726), Самарқандга (1729) ҳам ҳарбий юриш уюштириб, вақтинча бўлса-да муваффақиятларга эришганликлари маълум³.

Шу билан бирга минглар сулоласида ички зиддиятлар бўлгани ҳам манбалардан кўриниб турибди. Чунончи, Абдулкаримдан сўнг тахтга чиққан Абдулраҳмон

¹ Убайдулланаме, с. 36—38, 204—205.

² Уша жойда, 267-бет.

³ Тарихи Шоҳрухий. Қозон, 1885, 25—29-бетлар.

атиғи тўққиз ойгина хонлик қилгач, тахтдан туширилиб ўрнига Эрдона (Эрдон) ўтқазилади. Бир йил ўтиб эса (1752) тилга олинган Абдурраҳим ўғли Бобобек тахтга даввогарлик қилиб ниятига эришса-да, аммо 1753 йилги Ўратепа юришида Бешариқда амирлар томонидан ўлдирилиб, хонлик курсисига яна Эрдона чиқади. Эрдона Қўқон хонлигини ички томондан мустақкамлашга кўп уринган сиёсатчи ҳисобланади. Шунингдек у Фарғона водийсининг ўзига хос дарвозаси ҳисобланмиш Хўжандни хонлик ихтиёрига киритишга обдон ҳаракат қилгани, аммо бухоролик кучлар бунга йўл қўймаганликлари маълум. Ўша замон тарихчиси таърифи билан айтганда, Эрдона замонида хонлик қудрати анча юқори кўтарилиб, водийда тинчлик ва фаровонликка эришилган. Эрдона Қўқон хонлигининг шарқда жойлашган Ўш, Ўзганд каби ерларни ҳам бўйсундиришга эришган сиёсатчилардан. Унинг бу билан чекланмасдан, 1758—1759 йиллари Хитойнинг ҳукмрон сулоласи бўлмиш цинлар (1664—1911) томонидан забт этилган Шарқий Туркистонда ҳам ўз сиёсатини юргизишга уриниб, у ерга ҳарбий юришлар уюштириб турганини биламиз¹. Бир сўз билан айтганда, Фарғона вилоятида мустақкам ўрнашиб олган минглар кўрилаётган даврга келиб фарбда Бухоро амирлиги, шарқда эса Хитой билан курашда бўш келмаганлар. Шундай сиёсатни кейинги ҳукмдор Норбўта (1763—1798) ҳам олиб борган.

Қўқон хонлигининг мавқеи айниқса Олимхон (1798—1810) замонида юксалади. Аввало мазкур ҳукмдор хонлик мақомини қабул қилгани билан машҳурдир. Мингларнинг ундан кейинги намояндалари ҳам хон мақомида бўлганлар. Шу сабабдан ҳам 1709—1876 йиллари маркази Фарғона водийсида ҳисобланган ва минглар номи билан боғлиқ сиёсий бирликни Қўқон хонлиги дейиш одат тусига кирган.

Олимхон Қўқон хонлигининг кучайиб боришида ўзини кўрсатганлардан биридир. 1805 йили у Хўжандни эгаллаб, юқорида айтилганидек, Фарғона водийси учун стратегик аҳамият касб этган мазкур чегарани узил-кесил хонлик таркибига киритади. 1809 йили эса XVIII аср охирларидан бошлаб мустақил бўлиб олган ва шайх Хованд Тохур (ҳозирда Шайхонтохур номила машҳур, XIV асрнинг кўзга кўринган дин пешволаридан) авлод-

¹ Тарихи Шоҳрухий, 30—32 бетлар; Мунтахаб ат-таворих, 2-жилд, 378—395-бетлар.

ларидан бўлмиш Йунусхожа (1784—1801) етакчилик қилаётган Тошкент вилоятини ҳам Қўқонга бўйсундиришга эришади. Натижада Сайрам ва Чимкент томонларга қараб силжиш имкони туғилади. Шу тариқа у Туркистон (Йасси) ва Авлиёотагача бўлган ерларда ҳарбий юришлар уюштиради¹.

Мазкур йўналишда янада илгарилаб борган Умархондир (1810—1822). Чунончи, у Сирдарёнинг ундан ирмоқ олган Янгидарё ҳудудларигача кириб бориб, 1813—1815 йилларда Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Оқмасжид қалъасига (ҳозирги Қизил Ўрда) асос солади. Шунингдек Умархон томонидан Чимкентдан Иладарёсигача (яъни шарқий йўналишда) бир қатор қалъалар силсиласи бунёд этилгани маълум. Масалан, 1814 йили Қоратоғнинг шимолий томонида Чўлоққўрғон, Олойда Қизилқўрғон, 1821 йили Талас дарёси бўйида юқорида тилга олинган Авлиёота (ҳозир Жамбул) ҳамда Улуғқўрғон, Даровутқўрғон шулар жумласидандир. Умуман олганда, XIX асрнинг 20-йилларида Қўқон хонлигининг шарққа қараб ҳаракати ниҳоятда сезиларли бўлган. Фикримиз далили сифатида шу аср 20-йиллари ўрталарида Қўқон хонлиги томонидан Чу дарёси бўйлаб Мерка, Пишкек (ҳозирда Бишкек), Тўқмоқ ва Отбоши каби қалъаларнинг бунёд этилиб, улардан ҳарбий-мудофаа чизиги ўрнида ҳамда иқтисодий-савдо муносабатларида фойдаланилганлигини келтириш мумкин. Кези келганда айтиш лозимки, Қўқон хонлари ҳаракати билан бунёд бўлган ушбу истеҳкомлар бориб-бориб шаҳар-у қишлоқларга асос бўлганлар (кейинги йилларда қурилганлари билан ҳисоблаганда 30 дан ортиқ қалъа — Сўфиқўрғон, Жумагул, Тўққизтепа, Куртка, Тошқўрғон, Чолдевор (Чордевор, Чехелдевор), Шештепа, Иткечув, Оқсув, Кастак, Қоракўл, Барсковун, Кўнурулан, Қизилангур, Кўчқор, Тўрақўрғон, Кўчанди, Бўғувчи, Бўстонтерак, Исфана, Кан, Янгикўрғон, Чортоқ, Узун Аҳмад (Улуғқўрғон), Бешкамбир ва бошқалар).

Шу билан бирга Умархон Бухоро амирлигига нисбатан ҳам фаол сиёсат юритишга ҳаракат қилган. Чунончи, у 1821 йили Миёнқолдаги хитой-қипчоқлар исёнидан фойдаланган ҳолда Самарқандга юриш қилиб, етти кун давомида уни қамалда тутган².

¹ Мунтахаб ат-таворих, 2-жилд, 401—445-бетлар.

² Умархон даври ҳақида батафсил қаранг: Мунтахаб ат-таворих, 2-жилд, 445—546-бетлар; Тарихи Шоҳрухий, 86—113-бетлар.

Кейинги йиллар Кўқон хонлигининг қудрати ошиб борганидан далолат беради. Муҳаммадалихон (1822—1842) даврида 1826 ва 1830 йилларда Шарқий Туркистонга юриш қилиниб, у ерда хитойлик цинлар ҳокимиятини ағдаришга ҳаракат қилинган. Гарчи мазкур режа амалга ошмаган бўлса-да, аммо Хитой билан битимга кўра, кўқонликлар Шарқий Туркистонда бир қатор иқтисодий ва савдо имтиёзларига эга бўлганлар¹.

Кўқон хонлигининг қудратли кучга айланиб бо-раётганини Бухоро амирлиги ҳам тан олмасдан иложи йўқ эди. Гарчи икки ўртада Ўратепа учун ҳануз кураш кетса-да, бироқ кўқонликларнинг 1837 йили Қоратегин ва Дарвозни ҳам бўйсундиришлари ҳар ҳолда хонлик сиёсий мавқеининг ошишида катта воқеа бўлган. Шу билан бирга ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Муҳаммадалихон давлат ишларида калтабинликка йўл кўя бошлайди. Чунончи, бир қатор нуфузли арбобларни тазйиқ остига олади, ижтимоий ҳаётда ахлоқ² шариат талабларига тамомила зид нолойиқликларга қўл уради. Натижада норозилик туғилиб, ундан қутилиш пайига тушиб, Бухоро амири Насруллага мурожаат этганлар. Пайтдан фойдаланган амир 1842 йили лашкар тортиб келиб Кўқонни қўлга олган. Шундан сўнг у Кўқонда ўз ноибини (баъзи манбаларга кўра Раҳим парвоначи, бошқаларида эса Иброҳим Ҳаййол) қолдириб ҳамда кўқонликларнинг бутун қурол-яроғини олиб Бухорога жўнайди. Аммо юқорида айтилганидек, Бухоро ноибининг ноўрин хатти-ҳаракатлари туфайли маҳаллий аҳоли орасида норозилик юзага келади ва бу ҳолат Кўқонда яна минглар сулоласи намояндалари, аниқроғи Шералихон ҳукмронлиги ўрнатилишига шароит яратади². Гарчи Шералихон тез орада Бухоро лашкарининг 1840—1842 йиллардаги Кўқон хонлигига нисбатан сиёсати натижасида қўлдан кетган Хўжанд ва Тошкент кабиларни яна хонлик доирасига қайтара олган бўлса-да, аммо бошқа бир омил — маркази Норин ва Қашқадарё оралиғида бўлган кўчманчи қипчоқлар орасида катта нуфузга эга қулон уруғилик Мусулмонқул мингбошининг (1794—1852) хонликда катта мавқега эга бўлиши минглар сулоласига зарба бўлган. Чунончи, 1844 йили Мусулмонқул Андижон, Наманган кабилар-

¹ Мунтахаб ат-таворих, 2-жилд, 611—613-бетлар.

² Мунтахаб ат-таворих, 2-жилд, 716—736-бетлар; Тарихи Шохрухий, 134—136-бетлар; Мулла Аваз Муҳаммад. Тарихи жаҳоннамоӣ. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёзмаси. Рақами 9455, 160а—175а-варақлар; Ансоб ас-салотин, 19—21-бетлар.

ни ўз ҳукми остида бирлаштириб ва, энг аввало, қипчоқларга суянган ҳолда Кўқонга таҳдид сола бошлайди. Субутсизлик қилган Шералихон ҳам Кўқонни, ҳам ҳокимиятни қўлдан беради. Гарчи у тахтда қолдирилган бўлса-да, амалдаги ҳукумат энди Мусулмонқул мингбоши ва унинг тарафдорлари ихтиёрига ўтган эди. Энг муҳим лавозимларга ўз кишиларини тайинлаган Мусулмонқул сиёсати табиий равишда маҳаллий доираларга хуш келмаган. Гарчи, 1844 йили улар Шералихонни ўлдириб, ўрнига Олимхоннинг ўғли Муродни хон кўтариб, бу билан вазиятни ўзгартирмақчи бўлсалар-да, аммо Мусулмонқул усталик билан, яъни аввалига хонни тан олиб, сўнг эса ўлдириб, Кўқон ҳукмдори сифатида Шералихоннинг ўн уч-ўн тўрт яшар ўғли Худоёрни (1845 йили) эълон қилади. Кўриниб турганидек, Мусулмонқул тахтга ёш болани ўтқазиб, бошқарув ишларини ўз қўлида сақлаб қолган. Бундай ҳолат то 1852 йилгача давом этган. Орада норозилик, айниқса, илгаридан хонликда катта нуфузга эга бўлиб келган маҳаллий намояндалар норизолиги тўлиб-тошиб бораверган. Бундан ташқари шайхулислом Зокирхожа Намангоний, унинг ўғли Сулаймонхожа Холмуҳаммад раъис, Ҳожамқули аълам кабиларнинг Мусулмонқул томонидан қатл қилиниши вазиятни янада етилтирган. Шунингдек қипчоқ сиёсий гуруҳлари орасида вужудга келган қарама-қаршилиқлар ҳам Мусулмонқул мавқеининг бўшашишида ўз таъсирига эга бўлганини ҳам биламиз. Чунончи, мазкур қарама-қаршилиқ натижасида 1846 йили Мусулмонқул вазифасидан четлаштирилган. Аммо бир оз ўтиб у яна хонликдаги энг асосий кучга айланади. 1848, 1849 йиллардаги яна икки бор даргоҳдан четлаштирилганига қарамай, ҳар гал ҳокимиятни қўлга олишга муваффақ бўлаверган. Охири 1852 йили юқорида кўрсатилган сабаблар ҳамда умуман қипчоқларнинг кўчманчи, ярим кўчманчи ҳолатидан шаҳарларга ўрнашишда маҳаллий ўтроқ аҳолига ўтказган зулмлари бир бўлиб, тошкентлик ва фарғоналик маҳаллий сиёсий кучлар бирлашиб, Мусулмонқулни барча имтиёзлардан маҳрум қилиб қатл эттирилишига эришадилар.

Бу билан бир қараганда энди Худоёрхон учун хонлик ишини сулола ва даргоҳ манфаати нуқтаи назаридан юргизиш имкони юзага келгандай бўлиб туюлса-да, аммо яна эски «касалик» — маҳаллий бекларнинг исёни (масалан, Тошкент, Ўратепа), энг муҳими, ши-

молдан Россия империяси босқини билан боғлиқ воқеалар Кўқон хонлигининг бундан буёнги тақдирини иккилик қилиб қўйганди. Рус аскарлари шундоққина хонликнинг шимолий чегараларига қадам босиб турганларида ҳам ички зиддиятларга барҳам берилмаганига нима дея оласиз?! Ака-укалар — Худоёр ва Малла ўртасидаги кураш, 1858—1862 йилларда Маллахоннинг тахт соҳиби бўлиши, 1862 йили Худоёрхоннинг яна тахтга чиқиб, 1863—1865 йилларда Саъидхон ҳукмронлиги (аслида яна бир қипчоқ намояндаси Алимқул ҳокимияти), 1865—1875 йиллари эса Худоёрхоннинг сўнгги бор хонлик қилиши ҳам бир бўлган, шу йиллар орасида Россия томонидан бирин-кетин Кўқон хонлиги ерларининг, аслида мамлакатимиз бир қисмининг босиб олиниши ҳам бир бўлган. 1876 йили Россия Кўқон хонлигини бутунлай йўқ қилиб, унинг доирасидаги ерларни ўзиники деб эълон қилади¹.

Шу ерда бошқарув масаласига тўхтаб ўтсак. Айтилганидек, Бухорода бошқарувнинг амирлик тизими жорий этилган, яъни энг олий давлат мақоми амир ҳисобланиб, табиий равишда бундай мақомда олий ҳукмдор — манғитлар сулоласи намояндаси фаолият кўрсатган.

Кўрилаётган даврда марказий бошқарув тўлалигича даргоҳда мужассамлашиб, аштархонийлар даврида асосан емирилиб бўлган даргоҳ ва девонлар тизими тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Аниқроғи, мазкур тизим йўққа чиққан ва ижроия вазифалари тўғридан-тўғри саройдаги у ёки бу лавозимда ёки бирон-бир йирик арбоб фаолиятида мужассамлашган. Масалан, аштархоний Убайдуллахон замонида мамлакатдаги энг нуфузли давлат мақомига айланган кушбеги манғитлар даврида, Шоҳ Мурод ҳукмронлик қилган йилларни ҳисобга олмаганда, амирдан кейинги иккинчи шахсга айланган. Бош вазир ўрнида қабул қилинадиган кушбеги мамлакат бошқаруви, молия, солиқ, хазина, пойтахтдаги аҳвол билан боғлиқ энг муҳим масалаларни назорат қилган. Шунингдек унга барча вилоятлар бўйсунган².

Муҳимлиги жиҳатидан кейинги вазифа молия вазир (девонбеги) ҳисобланиб, уни одатда қуйи кушбеги деб атаганлар. Сабаби, кушбеги — бош вазир арқда

¹ Ансоб ас-салотин, 22—115-бетлар; Тарихи Шоҳрухий, 137—280-бетлар.

² Рисола, 37-бет.

фаолият кўрсатган бўлса, молия ишлари, асосан закот билан машғул кушбеги идораси арқдан пастда жойлашган. Шунинг учун ҳам халқ орасида бош вазир бош кушбеги, молия вазири эса куйи кушбеги дейилган.

Манфитлар даврида шайбонийлар, айниқса, аштархонийлар замонида катта мавқе касб этиб келган оталиқ хизмати асосан Самарқанд ва Бухоро, яъни амирликнинг марказий қисмини суғориш ишлари, сув тақсимоти билан боғлиқ тадбирларга бош-қош бўлган. Ҳар ҳолда XVIII аср охирларига оид ишончли манбалардан бирида шундай ёзилган¹. XIX асрга келсак, хусусан, тилга олинган Аҳмад Дониш асарида бу лавозимга оид маълумотларни топишнинг иложи бўлмади.

Шунингдек, амирликда парвоначи (олий ҳукмдор ёрликларини амалдорлар, умуман тегишли кишиларга етказувчи; унга шунингдек араб миллатига мансуб аҳоли билан шуғулланиш ҳам юклатилган), додхоҳ (жабрланувчилар арзини амирга етказиш ва жавобини олиб беришга масъул, баъзан олий ҳукмдор рухсати билан ўзи ҳам даъвогарларнинг талабларини қондириши мумкин бўлган) каби илгариги асрлардаёқ жорий бўлган вазифалар бор эди. Аммо мазкур давлат лавозимларининг мавқеи энди кўпроқ шу мансабдаги шахс нуфузи билан ўлчанадиган бўлиб қолганди. Худди шунга ўхшаш ҳолатни биз иноқ вазифасида ҳам кўришимиз мумкин. Иноқ (бош иноқ) ўз лавозимига кўра, олий ҳукмдор буйруқларини ҳукуматдаги оддий хизматчиларга етказиш, демак, буйруқни амалга оширишни ташкил қилиш ва умуман ҳали давлат мансабини эгалламаган, лекин ҳокимият хизматида бўлганлар билан шуғулланган. Бундан ташқари кичик иноқ хизмати бўлгани ҳам маълум. У жойлардан, чет эл элчилари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар, номаларни қабул қилиб олувчи илк босқич ҳисобланган. Бундан ташқари олий ҳукмдор муҳри ҳам унда сақланган². Амирликдаги яна бир муҳим давлат мансабларидан бири бу тўқсободин. Мазкур хизмат мазмунининг ўзгариб бориши қизиқ. Асл маъносига кўра, туғ, яъни олий ҳукмдор — давлат байроқдори ҳисобланса-да, у олий маросимларда ишончли шахс сифатида ҳукмдор олдига таом тортиш каби масъулиятли тадбирларни ҳам бажарган. Шу билан бирга унга бирон-бир туман ҳам

¹ Мажма ал-аркам, с. 95.

² Уша жойда, 96—97-бетлар.

бириктириб қўйилган. Бошқача айтганда, даромад манбаи шу тумандан бўлган¹. Аммо XIX асрга келиб эса мазкур лавозим эгаси худди додхоқ каби ҳарбий вакил даражасига кўтарилган. Ҳарбий ишлар бўйича энг юқори даражада эса ҳарбий вазир турган. Уни кўпроқ лашкар тўпчибошиси деб атаганлар. Аниқроғи, лашкар тўпчилар қисмининг кўмондони ҳамда Бухоро гарнизони бошлиғи лашкар бошлиғи саналиб, амалда ҳарбий вазир вазифасини ўтаган. Тўпчи қисмлар бошлиғининг бундай юксак қадрланишини шундай тушунтириш мумкин: бу вақтга келиб ҳарбий санъат ва урушда тўпчилар, яъни энг замонавий қурол усталарининг ўрни алоҳида бўлган.

Шунингдек бошқарувда кўкалдош (мамлакат миқёсида хавфсизлик хизмати бошлиғи), бош хожа (ҳарам ходимлари бошлиғи), меҳтар, кутвол (қурилиш ишларига масъул), баковулбоши, кичик уроғ (олий ҳукмдор ва амалдорларнинг хизматидагиларни назорат қилиб турувчи ходим), эшикоғабоши, мирохур, қўрчибоши (қурол-аслаҳага масъул), қоровулбеги (шаҳар, йўллар посбони), удайчи (уруш пайтида ҳарбийларни турига қараб тақсимловчи), шиғовул (элчилар қабулини уюштирувчи) каби қатор лавозим ва хизматлар ҳам бўлганки, улар ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларидан ташқари амирлик сиёсий ҳаётида тутган шахсий мавқелари билан ҳам қадрланганлар. Шунга кўра ўз-ўзидан улар эгаллаб турган лавозимнинг қадр-қиммати ҳам ошган. Масалан, 1842 йили Кўқонни бўйсундиргач, амир Насрулла бу ерга ноиб сифатида парвоначи унвонидаги ўз кишисини тайинлагани маълум.

Жамият бошқарувида муҳим аҳамият касб этиб келган шайхулислом, қози фаолиятларига ҳам тўхтаб ўтсак. Шайхулислом мафкуравий муносабатларда энг олий даража ҳисобланиб, жамият маънавий ҳаётида, жумладан, ҳукмдор хонадон ва олий ҳукмдор туриш-турмушига таъсири жиҳатидан XVII—XIX аср биринчи яримларида ниҳоятда катта мавқега эга бўлган. Унга ҳатто қози калон (қози ал-қуззот) ҳам бўйсунган. Олий қозига ўз ўрнида қуйи табақа қозилари, жумладан, аскар қозиси ҳам ҳисоботда бўлганлар. Ҳарбий доирадаги ҳуқуқий масалаларни аскар қозиси олиб борган. Қози калоннинг ваколатига қуйидагилар кирган: умуман суд ишлари, ижтимоий адолат билан боғлиқ масалалар,

¹ Ўша жойда, 98—99-бетлар.

хусусан, бозор, кўча-кўйлардаги аҳвол, мадрасалардаги таълим, вақф ишлари, йўқолган вақф ҳужжатларини тиклаш, етим ва бевалар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, карвонсаройлардаги тартиб ва ҳоказо. Амир Шоҳ Мурод даврида қозилик тизимида қатор ўзгаришлар бўлгани ҳам маълум. Чунончи, олий маҳкама таъсис этилиб, унинг ишида 40 нафар фақиҳ (қонуншунос) фаолият кўрсатган. Шоҳ Муроднинг бу борадаги ислоҳотларининг аҳамияти шундаки, суд жараёнида айбланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам албатта иштирок этиши керак бўлган. Бирон-бир томон эгаллаб турган юқори лавозими орқасида жавобгарлик, гувоҳликдан бош тортолмаган. Шунингдек, мазкур тизимда муфтий (ривоят ва фатво билан таъминловчи), раъис (мухтасиб), садр (вақф мулклари ҳисоб-китоби ва назорати билан шуғулланувчи) каби хизматлар ҳам бўлганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Хива ва Кўқон хонликларидаги бошқарув масаласига келсак, умуман олганда уларнинг Бухоро амирлигидан кўп ҳам фарқи бўлмаган. Буни табиий деб билмоқ керак. Зеро, аслида бу уч сиёсий бирлик ягона сиёсий бирлик. — давлатнинг учга бўлинишидан, бир мамлакатнинг учга парчаланишидан таркиб топган эди. Шунинг учун ҳам улар бир-бировларидан узоққа ё четга «қочиб» кетолмасдилар. Бунинг исботини биз Мунис келтирган маълумотларда кўришимиз мумкин: «Абулғозийхон ўзбекдан уч юз олтмиш кишига амал берди. Аларнинг ўттиз иккисига ўз ёнидан ўрин берди. Андоқким, икки шайхулислом, икки қози, бир раис..., бир мутавалий, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт иноқ, тўрт мироб, тўрт чигатой иноқи ва бир вазирким, ҳоло меҳтар дерлар ва бир қушбеги, бу иккови ўринсиз хон ҳузурида оёқ устида турадилар»¹.

Фарқларга келсак, Хива хонлигида иноқ вазифаси шайбонийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврларида катта амалий аҳамият касб этган. Натижада ишора қилинганидек, Муҳаммад Амин иноқ 1770 йили ҳатто ҳокимиятни қўлга киритишга ҳам эришган. Аммо XIX аср биринчи ярмида эса Хива хонлигида хондан кейинги муҳим лавозим қушбеги бўлган. Мазкур ҳолат шу юз йилликнинг 60-йилларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани маълум. Чунончи, 1865 йили Ҳасан Мурод қушбеги вазири аъзам мақомида бўлган. Бунинг сабабини

¹ Фирдавс ал-иқбол, 28а-варақ.

билиш қийин эмас. Бухоро амирлигида бўлганидек, у ёки бу шахснинг мавқеига қараб унинг расмий мақоми ҳам ошиб бораверган. Айтайлик, Ҳасан Мурод вафотидан (1865 йил) сўнг вазири аъзамлик Абдулло меҳтарга ўтади. Бухорода эса меҳтарга хон муҳрини сақлашдан (кичик меҳтар) закот, вориссиз мулклар билан шуғулланишгача (катта меҳтар) ишлар юклатилган¹. Хивада эса у улуғ вазир даражасида турган. Кейинчалик эса девонбегининг мавқеи хонликда олий ҳукмдордан кейин иккинчи ҳисоблангани маълум. Девонбеги нафақат бошқарув, олиқ-солиқ, молия ишлари, балки ҳарбий масалалар, чунончи, ҳарбий юришларга бош бўлиш, аскарларга нафақа ва мукофот тайинлаш, душман билан музокара олиб бориш, сулҳ тузиш қабиларга ҳам дахлдор бўлган². Хива хонлиги бошқарувида биз шунингдек доруға, кутвол, тўқсобо, шиғовул, ясовулбоши, мингбоши, юзбоши, солоқ, сардор, мунший каби вазифаларни учратамиз.

Кўқонда ҳам бошқарув тизими кўп жиҳатдан Бухородаги ҳолатни эслатса-да, аммо унинг ҳам ўзига хос томонлари бўлган. Қушбеги, девонбеги, оталиқ, парвоначи, додхоқ каби мансабларнинг мавқеи бу ерда ҳам баланд ҳисобланган ҳолда, ҳарбий лавозим эгаларининг, айниқса, мингбошининг роли баъзи замонларда ниҳоятда юқори бўлганини биламиз. Чунончи, қушбеги, парвоначи лавозимидагиларга мингбоши ҳарбий унвони берилиши фикримиз далили бўла олади. Юқорида кўрганимиз, Мусулмонқул мингбоши ҳатто ҳокимиятни қўлга олиб, бутун хонлик ишларини юргизганини эслайлик.

Энди XVIII—XIX асрларда (то Россия босқинига қадар) мамлакатдаги ишлаб чиқариш соҳаларига тўхтаб ўтсак. Сиёсий муносабатлар нечоғлик мураккаб бўлишидан қатъи назар, бу даврда сунъий суғориш ишларига эътибор сусаймаган, десак тўғри бўлади. Деҳқончилиги кўп жиҳатдан сунъий суғориш ишлари билан боғлиқ мамлакатимиз учун бу соҳадаги доимий ҳаракатлар бўлиши табиий эди. XVI—XVII асрларда бу соҳада қилинган тадбирларни айтиб ўтгандик. Манғитлар замонида келиб то шунгача амалга ошириб келинган, қурилган сунъий суғориш иншоотларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган, янгилари ҳам қурилган (ма-

¹ Мажма ал-аркам, с. 97—98.

² Шажарайи Хоразмшоҳий, 202—238-бетлар.

салан, Шоҳ Мурод, Ҳайдар ҳукмронлик йилларида). Хива хонлигида эса сунъий суғориш борасида олдинги асрларга нисбатан кўп иш қилингани яққол кўринади. Албатта, бунда энг аввало хонлар ва йирик амалдорлар ташаббус кўрсатганлар. Араб Муҳаммадхон Тук қалъасидан Куйгун томон қазитган канал, Абдулғозий Баҳодирхон номи билан боғлиқ Ғозиобод каналининг таъмир этилиши, Анушахон замонида қурилган Шоҳобод (узунлиги 143 км, эни 30 метр, чуқурлиги 3,5 метр), Урмиш (узунлиги 96 км, эни 17,5 метр) каналлари, Али Султон қурдирган Тошли ёрмиш канали ҳамда Манғитарна (XVII), Эшим Яраган, Омонқули, Ингичка, Ихлос, Қилич Ниёзбой (1815), Янгиёп ва Қоракўз (XIX), Шоҳмурод (1846), Раҳмонбердибой, Тошсақо (1828), Кўҳна Урганч-Хонёп (1831), Қорақалпоқ, Хонобод (1847), Сипоҳий, Муҳаммад Амин (1850), XIX аср 50-йилларидаги Каттаминор, Боғёп, Амиробод, Сарибий каналлари ва бошқа қатор катта-кичик сунъий суғориш иншоотлари билан боғлиқ тадбирлар фикримиз далили бўла олади.

Кўқон хонлигида Эрдона, Норбўта ҳукмронлик қилган замонларда Сўх дарёсидан чиқарилган каналлар, Олимхон буйруғи билан қаздирилган олтига канал (ариқ) ва натижада ҳозирда машҳур Олтиариққа асос солиниб, бу ерларнинг ободонлашиши, Умархон даврида Сирдарёдан чиқарилган Ўзганддан бошланиб Андижон ва Марғилон оралиғидаги Шаҳрихонгача борадиган канал, Норин дарёсидан бошланадиган Янгиариқ канали (1819), Хон ва Зарбак каналлари (1803), Муҳаммадалихон замонида Иламишмозордан бошланувчи узунлиги 30 км. дан ошиқ канал, Худоёрхон замонидаги Чинобод (1855), Улуғнаҳр (1869—1870) каби каналларнинг бунёд этилиши мазкур водийда ҳам сунъий суғориш ишлари жадал борганидан далолатдир.

Суғориш ишларини йўлга қўйиб бориш табиий равишда деҳқончилик, боғдорчилик учун тегишли шароит яратиб берган. Ўлкада илгаригидек дончилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, пиллачилик ривожланиб бораверган. Мазкур соҳалардаги аҳвол нечоғлик бўлганини шундан ҳам билса бўладики, масалан, 1840 йили Бухоро амирлигида фақат боғдорчиликдан олинган умумий даромад 99 млн. тиллани ташкил қилган. Боғдорчилик Хива ва Кўқон хонликларида ҳам шундай даражада тараққий топган. Боғлар ўнлаб, юзлаб гектар майдонни эгаллаган. Бир қизиқ маълумот. Кўқондаги

боғлардан бирида турли ранг ва турдаги ўн икки минг каптар бўлган экан. Қўрилаётган даврда ўлкада қурилиш учун зарур ёғоч етиштириш ва ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланилганини таъкидлаш жоиздир.

Ҳунармандчиликка келсак, бу борада тўқимачилик, тикувчилик, кўнчилик, кончилик, мисгарлик, заргарлик, ёғочсозлик, темирчилик, кулолчилик, қоғоз ишлаб чиқариш кабиларни кўрсатиш мумкин. Маллахон даврида Қўқонда тўп ишлаб чиқарувчи «артиллерия» корхонаси қурилган.

Қурилиш ишларига ҳам эътибор сусаймаган. Чунончи, Бухоро шаҳрининг ўзида XIX аср ўрталарида, яъни Россия босқинидан олдин, 38 карвонсарой, 9 савдо тими, 16 ҳаммом, 45 бозор бўлгани маълум. Шунингдек 200 дан ортиқ масжид, 100 дан ортиқ мадраса мавжудлиги ҳам манбаларда ёзилган. Улар орасида Турсунжон (1796—1797), Эрназар элчи (1795), Халифа Ниёзкул (1807), Халифа Худойдод мажмуасидаги мадрасалар айниқса диққатга сазовордир.

Хива хонлигида ҳам қурилиш кўп бўлганини билемиз. Фикримиз исботи ўрнида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: Араб Муҳаммадхон (1616), Ҳожамбердий (1688), Шерғозихон (1719—1728), Муҳаммад Амин иноқ (1765), Қутли Мурод иноқ (1809), Оллоқулихон (1832—1835), Араб Муҳаммадхон (1870), Мусатўра (1841), Саидбой (1842), Амиртўра (1870), Муҳаммад Раҳимхон (1871), Муҳаммадмурод девонбеги, Отажон тўра, Қадам ясовулбоши, Иброҳимхожа, Юсуф ясовулбоши, Ҳусайн Муҳаммадбой, Дўст Олим, Қози Муҳаммад Салим, Исломхожа, Исфандиёрхон мадрасалари, Саидбой (1842), Оқмасжид (1875) масжидлари, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси (1835), Кўҳна Арк, Тошқовли, Нуруллабой саройлари, Жума, Саидбой (1842), Кўкминор (1852—1853), Исломхожа (1908) миноралари ва бошқалар.

Фарғона водийсида 1740 йили Эски Ўрда ўрнида ҳозирги Қўқон шаҳрига асос солиниши, хонликнинг турли шаҳарларида бунёд этилган кўплаб ўрдалар, бозорлар, карвонсаройлар, масжидлар, хонақоҳлар, қорихоналар, мадрасалар, чунончи, Мир (1798), Норбўта, Хонмирза Ёдгор (1830), Ҳазрати Соҳиб (1861), Худоёрхон (1850, 1870 йиллари Қўқонда, 1873 йили Наманганда, 1874—1875 йили Шоҳободда, Чустда), Ҳакимойим (1869), Султон Муродхон (1871), Маъруфхонтўра (Наманган ва Асакада), Олимбек (Ўшда), Насриддинбек

(Андижонда), Тошкентда XIX асрда қурилган Бекларбеги, Муъйи Муборак, Эшонқул додхоҳ, Юнусхон, Абулқосим мадрасаларини далил сифатида кўрсатиш мумкин.

Хуллас, ишлаб чиқариш ва қурилиш тўхтагани йўқ. Шундай ривож ҳолатини маданият соҳасида ҳам кўриш мумкин. Тўғри, мамлакатнинг учга бўлиниб кетиши, сиёсий қарама-қаршилиқлар ва, айниқса, Россия босқини туфайли сиёсий мустақилликнинг қўлдан кетишининг умумий манзарасида бу соҳадаги аҳвол илгариги, масалан, теурийлар замони каби намоён бўлмаслиги мумкин. Аммо бир нарса аниқки, қўрилаётган босқичда фан ва маданият ҳар ҳолда бир ерда тўхтаб қолмаган. Юқорида зикр этилган қурилишлар, айниқса, мадрасалар бунёди шунга ишорадир. Совет даври тарихшунослиги иложи борича XVIII—XIX асрларда ўзбек халқининг бу соҳалардаги тарихини бўяб кўрсатишга интилиб, ўлкани маданий қолоқликда айблаб, бу билан Россия босқинининг Ўзбекистон учун «прогрессив аҳамиятини» исботлашга атайин ҳаракат қилган.

Ўтган сулолалар каби манғитлар, қўнғиротлар, минглардан чиққан намояндалар ҳам ўз даври ва доираларининг ўқимишли шахслари бўлганлар. Масалан, Кўқон хони Умарнинг «Амирий», малика Моҳларойимнинг «Нодира», «Комила», «Макнуна», Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II «Феруз», унинг акаси Отажон Тўра Мурод «Муродий» тахаллусида шеър битганларини, Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк», «Шажарайи тароқима» каби ўзбек тилида ёзган асарларини эслайлик. Фазлий, Мушриф, Ғозий, Афсус, Содик, Хиҷолат, Ҳозик, Хотиф, Маҳмур, Гулханий каби етук қалам соҳиблари Фарғона водийсида яшаб ижод қилганлар. Шунингдек «Афзал ат-таворих», «Тарихи Умархон», «Рисолайи аскаррия», «Мунтахаб ат-таворих», «Тарихи Шоҳрухий» «Тарихи жаҳоннамой», «Хулосат ал-ахбор», «Таснифи Ғариб», «Тарихи жадидаи Тошканд» каби бошқа кўплаб тарихий асарлар ҳам худди шу даврда Кўқон хонлиги доирасида ёзилган. Бухорода ҳам тарих ёзишлик тараққиётда тўхтамаган. Ҳеч бўлмаса, «Тухфат ал-хоний», «Тарихи амир Ҳайдар», «Фатҳномаи султоний», «Манғитлар хонадони салтанати қисқача тарихи», «Ўзбек подшоҳлари зикри», «Тарихи салотини манғитийа, ўзбакийа ва аштархонийа» кабиларни ёдга олиш мумкин.

Хива ҳам тарихий асарлар битиш борасида ўзига хос марказга айланган. Зикр қилинган «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима», Муниснинг «Фирдавс ал-икбол», Огаҳийнинг «Риёз ад-давла», «Зубдат ат-таворих», «Иқболи Ферузий», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи», «Жоме ал-воқеоти султоний», «Гулшан ад-давлат», «Иқболи Ферузий» асарларининг ёзилганлиги энг катта далилдир. Хивалик олимлар, тарихчиларнинг ўз даври учун ўзбек тарихшунослигига қўшган энг катта ҳиссаларидан бири шундаки, улар тилга олинган манбаларни ўзбек тилида ёзганлар. Бундан ташқари хиваликлар тарихшуносликдаги таржимачилик соҳасида таҳсинга лойиқ ишларни рўёбга чиқарганликларини айтиб ўтиш лозим. Чунончи, Мирхонднинг «Равзат ас-сафо», Яздийнинг «Зафарнома», Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр», Восифийнинг «Бадойе ал-вақое», «Тарихи Табарий», Рашидиддиннинг машҳур «Жоме ат-таворих» (Али султон (вафоти 1571—1572) буйруғи билан), Биноийнинг «Шайбонийнома», «Тарихи Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий», Маҳдихон Астрободийнинг «Тарихи Нодирий», «Зубдат ал-ҳикоёт», «Мифтоҳ ат-толибин», «Ахлоқи Муҳсиний», «Насихатномайи Кайковус» («Қобуснома»), Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», «Саломон ва Ибсол», «Юсуф ва Зулайҳо», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хисравийнинг «Ҳашт беҳишт», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Носирийнинг «Равзат ас-сафойи Носирий», Дарвиш Аҳмаднинг «Саҳойир ал-ахбор», машҳур араб тарихчилари Масъудий, Ибн ал-Асир асарлари араб ва форс тилларидан ўзбекчага ўтирилган.

Хуллас, сунъий суғориш ишлари, қурилишдан тортиб деҳқончилик, хунармандчилик, фан ва маданиятгача, ички савдодан ташқи иқтисодий алоқаларгача (Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва бошқалар) оид маълумотларни олсак, умуман олганда, юртимиз ва аждодларимиз XVIII—XIX асрларда дунёнинг кўпчилиги халқлари ва мамлакатларидан орқада бўлмаганлар. Ундан олдинги ўтмиш маданиятни назарда тутсак, келаётган фан ва техника асрида (XX) тараққиётнинг олдинги сафларида туришлари учун потенциал имкониятлар бор эди. Аммо давлат сиёсатида, яққал хукмдорлик асосида қурилган ижтимоий-сиёсий тизимдаги етакчи кучлар — хону амирлар, беку амалдорлар фаолиятида ана шу замонавий тараққиёт асослари-

нинг инкор этилиши, улардан миллий манфаат йўлида фойдалана билмаслик, ўз тор доираларида ўралашиб қолишлик, дунё миқёсида фикрлашнинг йўқлиги пировардида қимматга тушди. Сиёсий жиҳатдан тарқоқ, худудий парчаланган, ҳарбий жиҳатдан қолоқ бўлган мамлакатимиз XIX асрнинг 60—70-йилларида Россия босқинчилари томонидан забт этилди. Шу тариқа ўзбек давлатчилиги тарихида навбатдаги, бу сафар 125 йилдан ортиқ кечган қарамлик даври бошланди.

ХУЛОСА

Ўзбек давлатчилиги тарихи мавзусини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи масаласи то асримизнинг 90-йиллари бошига қадар нафақат ўзбек тарихшунослигида, балки умуман замонавий тарих фанида алоҳида бир илмий йўналиш сифатида мавжуд бўлмаган. Бунинг бош сабаби энг аввало шўро замони тарихшунослик фанида коммунистик, салтанатпарастлик мафкурасининг ҳукмронлиги билан боғлиқ бўлиб, евроцентризмнинг ҳам ўзига яраша таъсири катта эди. Шу сабабдан ҳам яқин-яқингача ўзбек давлатчилиги мавзуси инкор қилиб келинган. Ваҳоланки ўзбек давлатчилиги мавзусини тарихшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида қабул қилиш ва ривожлантириш учун барча илмий асослар мавжуд эди. Биз бу ерда археологик изланишлар натижасида топилган моддий ашёлар, ижтимоий-сиёсий муносабатлар тарихини акс эттирган турли тиллардаги (туркий, эроний, араб, хитой, ҳинд, армани, сурёний, лотин, рим ва ҳоказо) бирламчи ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди намуналарини ва, албатта, давлатчилик мавзусини ўрганишнинг назария ва услубиятини назарда тутмоқдамиз.

Хуллас, ўзбек давлатчилиги мавзусини ёритиш учун зарур ёзма манбалар кўлами ниҳоятда кенг ва мазкур катта йўналишни ҳар томонлама, чуқур ва узлуксиз тадқиқ этиш учун етарли даражададир. Ушбу манбалар ёрдамида тадқиқотчи давлатчилик тарихи бошланган илк замонлар ижтимоий-сиёсий манзарасини, воқеалар ривожини кузатиши мумкин.

2. Манбаларнинг турли тилларда, турли мамлакатлар, сиёсий манфаати ҳар хил бўлган томонлар вакиллари тарафидан ёзилгани мавзуга оид масалаларни

ўрганиб хулоса қилишда илмий холисликни сақлаш имконини беради. Масалан, милоддан аввалги 1-минг-йилликнинг биринчи ярмини тадқиқ қилишда биз асосан «Авесто»га, шунингдек эроний, лотин манбаларига суяндик. Албатта, улар қиёсий ўрганилди.

Тадқиқ қилинаётган мавзуга оид ёзма манбалар сони ва улардаги маълумотлар кўлами даврлар оша кўпайиб ва кенгайиб боради. Айниқса, ўрта асрлар манбалари мавзуни янада чуқурроқ ва батафсилроқ ўрганиш имконини беради. Чунончи, давлат бошқаруви масалаларини, замонлар сари бошқарувдаги ўзгаришлар жараёнини таҳлил этишда тўғридан-тўғри шу мавзуга бағишланган тарихий асарларнинг (масалан, «Қобуснома», «Сиёсатнома», «Темур тузуклари», «Дастур ал-вузаро», «Мажма ал-арқом» ва бошқалар) мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

3. Тадқиқот географияси ҳозирги Ўзбекистон давлати ҳудудларидан ташқарига чиқиб кетгани табиийдир. Чунки, биринчидан, 1924 йилда шўро ҳукумати томонидан зўравонлик йўли билан ўтказилган ушбу маъмурий чегаралар то ўша йилларгача ўзбек халқи тарихи, жумладан, давлатчилик тарихининг географик кенглигига мос келмайди; иккинчидан, турли мингйилликларда сиёсий, иқтисодий, савдо, маданият маркази, давлат пойтахти ролини ўйнаган Хоразм, Бухоро, Самарқандга ҳозир биз Ўрта Осиё деб биладиган минтақадан ташқаридаги ҳудудлар ҳам бўйсунганлар, ягона давлат, салтанат таркибига кирганлар; учинчидан, ташқи тажовузкорларга қарамлик йилларида ё бўлмаса, минтақадан чиқиб ўзининг мустақил сиёсий қурилмасига эга бўлган ҳолда ўзбек давлатчилиги тарихида «пассив» таъсири бўлган ҳукмрон сулолалар, сиёсий бирликлар ҳам бўлган. Шу сабабларга кўра тадқиқот географияси Каспий денгизидан Ҳиндистонгача, Шарқий Туркистондан Эронгача бўлган катта ҳудудни қамраб олган.

4. Археологик изланишлар, ёзма гувоҳликларни таҳлил қилиш ҳамда қадимги давр давлатчилиги талабларини инобатга олиб биз ўзбек давлатчилигининг илк асоси бундан 2700 йил олдин, яъни милоддан аввалги 1-мингйилликнинг VII асрида кўҳна Хоразмда бунёд бўлган, деган хулосага келдик. Зеро, биринчидан,

айни шу даврда Хоразмда мавжуд бўлган йирик сунъий суғориш иншоотларини бунёд этиш, таъмирлаш, назорат қилиш ва ниҳоят улардан фойдаланиш учун катта куч ва сафарбарликни талаб қиладиган сиёсий тизим мавжуд бўлиши керак эди. Иккинчидан, воқеалар баёни айнан 1-мингйилликнинг биринчи ярмига тўғри келадиган, ватани Хоразм ҳисобланмиш энг кўҳна манбалардан «Авесто»га кўра бу пайтда сиёсий, ҳарбий, мафкуравий бошқарув тизими нафақат алоҳида вилоят (дахью) доирасида, балки ана шундай вилоятлардан иборат бирлашма (дахьюсасти) миқёсида амалга оширилган. Бу бирлашмани тўғридан-тўғри давлат тушунчаси билан боғлаш ҳақиқатга мос тушади. Учинчидан, минтақа атрофида, чунончи, ҳозирги Эрон, Ҳиндистон ҳудудларида худди шу даврда давлатчилик асослари мавжуд бўлгани ҳолда ушбу жараён Хоразм ерини четлаб ўтиши мумкинлиги хусусида фикр қилиш ғайриилмийдир. Зеро, ёнма-ён жойлашган ва кейинги мингйилликлар тажрибасидан келиб чиқсак, бир-бировига таъсири доимо сезиларли бўлган мамлакатларда, айниқса, Турон ва Эронда давлатчилик анъаналари таъминан бир вақтда шаклланигани мантиқдир. Тўртинчидан, узоқ даврлардан буён деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти ривожланиб келаётган, шаҳарсозлик, қалъасозлик маданияти милоддан аввалги 2-мингйилликка бориб тақаладиган, ҳозирда ҳам барҳаёт Самарқанд, Бухоро, Хива, Қува каби шаҳарларнинг ибтидоси милоддан аввалги VIII—IV асрларга туташ мамлакатда давлатчилик анъаналари шу қадар қадим бўлиши табиий.

5. Милод бошига қадар кечган асрларда ўзбек давлатчилиги ривожидида Ер юзида илк давлатчилик ўчоқларидан бўлмиш Яқин ва Ўрта Шарқдаги маконларда (Миср, Жазира, Финикия, Фаластин, Сурия, Эрон ва бошқалар) Ҳиндистон, Хитой, Юнонистонда ҳам кечганидек жараён юз берган. Биз алоҳида вилоят, ички минтақа, ҳатто шаҳар доирасидаги давлатчилик муносабатларини назарда тутмоқдамиз. Шунинг учун то кушонийлар замонига қадар Хоразм, Бақтрия, Парфия, Фарғона, Тоҳаристон давлат бирликлари кўп ҳолларда алоҳидалик мақомида фаолият кўрсатганлар. Тўғри,

мазкур қаторда Хоразмнинг мавқеи, бошқаларга таъсири сезилиб турган. Аммо фақат кушонийлар ҳукмронлиги йилларидан бошлаб давлат ҳокимиятини бир марказдан туриб бутун минтақа ва ҳатто ундан ташқарига ҳам тарқатиш тамойили кўзга ташланади. Бошқача айтганда, милоддан бу ёғига давлатчиликда салтанатчилик сифати амалда намоеън бўла бошлайди.

6. Милодий I асрда кушонийларнинг ҳокимиятга келиши ва уларнинг намояндалари саъй-ҳаракати билан минтақадаги деярли барча сиёсий бирликлар, маконларнинг ва ҳатто қўшни мамлакатларнинг ҳам бир сиёсий марказ атрофида бирлаштирилиши ўзбек давлатчилиги тарихида салтанатчилик босқичини очган. Кушонийлар шимолда Шош, шарқда Шарқий Туркистон, ғарбда Эрон, жанубда Шимолий Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудни бирлаштиришга эришганлар. Кейинчалик бу анъана эфталийлар, сомонийлар, ануштегинийлар, темурийлар, маълум маънода шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида давом этди.

Салтанатчиликнинг ўзига яраша ижобий ва салбий жиҳат ва оқибатлари бўлганини таъкидлаш лозим. Мамлакатни бирлаштириш, ҳудудий яхлитликни таъминлаш, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, маданий алоқаларни жадаллаштириш, халқаро майдонда изчил ва фаол сиёсат юритишда салтанатчилик шубҳасиз ижобий аҳамият касб этган. Аммо турли ички ва ташқи омиллар сабаб юз берган салтанат парчаланиши оқибатида сулолалар алмашуви, бир неча ўн, юз йилларда шаклланган анъаналарнинг ўзгариши содир бўлган. Бундай ҳолат ҳамма вақт ҳам яхшилик билан тугамаган. Масалан, темурийлар салтанатининг парчаланиши ва шайбонийларнинг ҳокимиятга келиши фикримиз далилидир.

7. Ўзбек давлатчилигининг Россия босқинига қадар тарихий босқичларини биз қуйидагича белгиладик:

А. Милодгача бўлган давр. Мазкур босқич тарихий чегараларини аниқлаштиришда биз шунчаки янги милоднинг бошланишини назарга олганимиз йўқ. Бу ерда асосий мезон «майда» давлат бирликларидан фарқли ўлароқ, давлат тизимининг бутун ҳудудни қамраб олиши ва мазкур ҳолатнинг қатъийлашиши бошланган ку-

шонийлар ҳукмронлиги айнан янги милод ибтидосига тўғри келиши билан боғлиқдир.

Б. Милод бошидан исломгача бўлган давр. Бу босқичнинг асосий чегараси юртимизга мусулмончиликнинг кириб келишидир. Зеро, ислом омили ўтмиш асрларга қарши ўлароқ, жамият бошқарувининг ягона мафкурасини шакллантирди. Шунингдек атроф ўлка ва давлатлар мафкураси ҳам айнан мусулмончилик асосларидан иборат бўлиб қолган эди. Нафақат бизнинг, балки кўплаб халқлар тарихида исломнинг ўрни ва таъсирини ҳисобга олсак, давлатчилигимиз тарихида ислом хуружи даврининг чегарасини тортиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки Араб халифалиги замонида бошқарув анъаналарида унинг таркибида бўлган халқлар давлатчилигида ўзаро таъсирланиш жараёни кечган.

В. X—XIII асрлар (мўғуллар босқинига қадар). Мазкур даврни давлатчилигимиз тарихидаги ўзига хос «олтин давр» дейиш мумкин. Бошқарувнинг классик шакларининг юзага келиши, сиёсий-иқтисодий муносабатлар, илм-фан ривожи (Йлк Уйғониш даври), халқаро муносабатларда тutilган катта мавқе ва буларнинг барининг Чингизхон босқини оқибатида завоп топиши ушбу асрларни алоҳида тарихий босқич сифатида белгилашни тақозо этади.

Г. Амир Темур ва темурийлар даври. Амир Темурнинг, умуман темурийларнинг давлатчилигимиз тарихида алоҳида ўринга эгаллиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмас керак. Айниқса давлатимизга Амир Темур раҳбарлик қилган йилларда мамлакатимиз бутун дунёнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий марказига айланди. Амир Темургача ҳам, ундан кейин ҳам давлатимиз ана шундай тараққиёт даражасига эриша олмаган.

Д. XVI—XIX асрлар (Россия босқинига қадар). Ушбу давр давлатчилик асосларининг заифлашиб, ички ва ташқи сиёсатда илгариги замонларда эришилган марраларнинг, давлат бошқарувида шаклланган анъаналарнинг нураб бориши, охир-оқибатда Россия қарамлигига тушиб қолиш билан характерлидир.

8. Бизнингча, Амир Темур давлати, Сомонийлар, Кушонийлар давлати каби атамалар нисбийдир. Давлатчилик анъаналари, асослари моҳият эътибори би-

лан бирон-бир шахсга ё сулолага алоқадор бўлмайди. Давлатчилик асосини жамият, халқ ташкил қилади. Муайян бир шахс, сулола ё ҳозирги ибора билан айтганда, сиёсий куч — партия давлатни вақтинча бошқариши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ўзбек давлатчилигининг кушонийлар, эфталийлар, теурийлар, шайбонийлар ё бўлмаса, Амир Теуур, Исмоил Сомоний бошқарган даври, тартибида илмий муомалага кириши тарафдоримиз. Айнан шундай ёндашувгина ўзбек давлатчилиги тарихини узлуксиз бир жараёнда ўрганиш, ёритиш имконини беради. Ёнг муҳими, давлат ва миллат омилларини ўзаро уйғунлаштириш, давлатчиликни шакллантириш, ривожлантиришдаги миллатнинг ролини, миллий тараққиётдаги давлатнинг аҳамиятини баҳолаш мумкин бўлади. Давлат ва давлатчиликнинг ўз миллий эгаси пайдо бўлади.

9. Ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тараққиёт йўли умуман кишилик жамияти тарихидаги бир ҳақиқатни яна бир бор исботлайди. У ҳам бўлса, тарихда шахснинг роли. Яккаҳукмронлик асосида қурилган давлатчилик ривожиди шахснинг ўрни ниҳоятда юқорилигини биз Амир Теуур, Исмоил Сомоний, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ, Абдуллахон ва бошқа тарихий шахслар мисолида яққол кўрдик. Бир сўз билан айтганда, буюк шахслар биз таъкидлаган давлатчилик шароитида ички ва ташқи сиёсатда ҳам ўзларига қадар, ҳам ўзларидан кейинги даврларга нисбатан фавқулудда ютуқ ва марраларга эришишлари мумкин экан. Шу билан бирга худди шундай шароитда алоҳида истеъдод ва салоҳиятга эга бўлмаган сиёсатчилар фаолияти орқасида ўтган йилларда йиғилган имкониятлар қўлдан бой берилиши ҳам муқаррар экан. Бундан чиқадиган хулоса, давлат ва жамият бошқарувида алоҳида шахс истеъдоди ва салоҳиятигагина боғлиқ бўлиб қоладиган тизимдан фарқли ўлароқ жамиятнинг ўз-ўзини бошқарув тизимини яратишдир.

10. Жамиятни қонунлар асосида бошқариш борасида ўзбек халқи кўп асрлик тажриба ва анъаналарга эгадир. V—VI асрлардаёқ ижтимоий муносабатларни бошқаришда тузукларнинг ўрни алоҳида бўлган. Ислом хуружидан кейинги замонларда фикҳшуносликнинг на-

зарий ривож ва амалий қўлланиши қонунчилик, ҳуқуқшунослик тушунчалари ўзбек жамияти учун янгилик эмаслиги, уларни эндигина, яъни XX аср охирига келиб ўзига кашф этмаётганини таъкидлаш жоиздир.

11. Давлат бошқарувидаги ҳокимият тақсимооти анъанаси ҳам аслида ўзбек халқи учун тарихий янгилик эмас. Бундан минг йил бурун, яъни X асрдан бошлаб то мўғуллар босқинига қадар ўзбек давлатчилигида қонун чиқарувчи идора — даргоҳ ва ижроия идораси — девонлар тизими мавжуд бўлган. Демак, ҳокимият тақсимооти жараёни ўзбек заминида ўн аср муқаддам бошланган. Чингизийлар ҳукмронлиги (1221—1370) йилларида ушбу тизим барбод бўлган бўлса-да, Амир Темур уни тиклашга эришди. Аммо шайбонийлар ҳукмронлигидан бошлаб мазкур тизим ва анъана нураб, ўз мазмунини бутунлай йўқотиб борган. Бунга сабаб шайбонийларнинг аслида кўчманчи маданият вакиллари бўлганликларидир. Зеро, ҳокимият тақсимооти анъанаси ўтроқ халқлар давлатчилигига хосдир. Сиёсий онглари тамомила ўзга шароитда шаклланган, суяниб турган кучлари ҳам кўчманчи муҳит вакиллари бўлган шайбонийлар учун теурийлар замонидан шаклланган бошқарув тизими бегона эди. Шунинг учун ҳам улар ҳокимиятни бир ерда, яъни даргоҳда марказлаштиришга зўр берганлар. Кейинги сулолалар даврида ушбу тамойил янада мустақамланиб борди. Таъбир жоиз бўлса, XVI асрдан бошлаб давлат бошқаруви анъаналарида орқага қайтиш жараёни кечди.

12. Давлатчилигимиз тарихидаги салбий омиллардан бири — бу ягона давлатнинг бир неча мустақил сиёсий бўлақларга бўлиниб кетишидир. Гарчи ушбу тартиб асосан XVIII асрдан бошлаб яққол тарзда амалий кўринишга эга бўлган бўлса-да (биз бу ерда Бухоро амирлиги, Хива, Кўқон хонликларининг юзага келишини назарда тутяпмиз), аммо унинг илдизларини, энг аввало, бизда «давлатни миллийлик белгисига қараб ташкил этиш анъаналари»¹ шаклланмаганидан, қолаверса, шайбонийлар ҳукмронлиги йилларидаги кўш ҳокимиятчилик ҳолатидан, XVI—XIX асрларда кучайиб

¹ Каримов Ислам. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..., 101-бет.

борган уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик каби иллатлардан қидириш керак, деб ўйлаймиз.

13. Ўзбек халқи тарихидаги сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ривожланишда, халқаро миқёсда катта мавқега эришишда, умуман ҳар соҳадаги ютуқларда давлатнинг аҳамияти, таъсири, ўрни беқиёс бўлиб келган. Шу соҳалардаги жараёнларни шакллантирадиган, бошқарадиган ҳам давлат эди. Буни биз жамиятимиз ҳар жиҳатдан юксалган Амир Темур давридаги ўзбек давлатчилигининг нуфузи орқали кўришимиз мумкин. Ва, аксинча, Россия босқини арафасида сиёсий тарқоқлик шароитида давлат асослари ниҳоятда сусайиб кетган эди. Ҳарбий қудратни замонавий асосда тутиш, иқтисодни мустаҳкамлаш, илм-фанни ривожлантириш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан миллий манфаат йўлида фойдаланишни ташкил қилолмаган сиёсатчилар сабабли қачонлардир буюк бўлган давлат заифлашиб, ҳатто мустамлакага айланиб қолган.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ 2700 ЙИЛЛИК ТАРИХИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН РАСМИЙ СУЛОЛАЛАР

Милоддан аввалги 1-мингйиллик

Хоразмшоҳлар (Сиёвушийлар) — VII—I асрлар.
Бақтрия ҳукмдорлари — VII—VI аср ўрталари; III аср
ўрталари — II асрнинг 30-йиллари.
Аршакийлар — III— милодий III асрлар.
Фарғона ҳукмдорлари — II—I асрлар.
Юечжилар (тохарлар) — II—I асрлар.

Милоддан кейинги мингйилликлар

Кушонийлар (I—IV асрлар)

Азила (Азилисес).
Кужула Кадфиз.
Вима Кадфиз.
Канишка I.
Васишка.
Хувишка.
Канишка II.
Васудева...

Эфталийлар (IV—VI аср ўрталари)

... Ахшунавар (Ахшуван), ... Варз

Ашнналийлар (VI аср ўрталари—657)

Истеми (вафоти 576 йил).
Қора Чурич (576—609).
Таман (609—611).
Шегуйхон (611—618).
Тўнёбғухон (618-630).
Сибирхон (630—631).
Ирбис.
Бўлунёбғухон (631).

Тўнг Алп Дулухон (631—634).
Тўнгшад-Ишбара Тўлишад (634—639).
Элқутлуқшад Ирбисхон (639—640).
Баҳодур-Ирбисёбғухон (640—641).
Ирбис Шегуйхон (641—651).
Ишбарахон (651—657).

VII аср 60-йилларидан VIII аср бошларига қадар сиёсий тарқоқлик, бошбошдоқлик даври.

VIII—IX асрлар — Араб халифалигига қарамлик даври.

Сомонийлар (892—1005)

Исмоил (892—907).
Аҳмад (907—914).
Наср (914—943).
Нух (943—954).
Абдулмалик (954—961).
Мансур (961—976).
Нух II (976—997).
Мансур II (997—999).
Абдулмалик II (999—1000).
Исмоил б. Нух (1000—1005).

Қорахонийлар (X аср — 1212/1213)

Сотуқ Бугрохон Абдулкарим (вафоти 955 йил).
Мусо ибн Сотуқ (вафоти 992 йил).
Сулаймон ибн Сотуқ (X аср).
Али ибн Мусо (вафоти 998 йил).
Аҳмад ибн Али (вафоти 1017/18 йил).
Мансур ибн Али.
Юсуф Қодирхон (вафоти 1032 йил).
Сулаймон ибн Юсуф Қодирхон (1057 йили ўлдирилган).
Муҳаммад ибн Юсуф Қодирхон (1057 йили ўлдирилган).
Иброҳим ибн Муҳаммад (1057/58 йили ўлдирилган).
Тўғрул Қарохон Юсуф ибн Юсуф Қодирхон (1057—1073).
Наср ибн Иброҳим (1073—1079).
Хизрхон (1079-?).
Аҳмад ибн Хизрхон (1095 йили ўлдирилган).
Масъуд ибн Муҳаммад (1095—1097).
Сулаймонтегин.
Маҳмудтегин.
Хорунтегин Муҳаммад ибн Сулаймон (1132 йили ўлдирилган).

Иброҳим ибн Сулаймон.

Ҳасантегин ибн Али.

Маҳмуд ибн Муҳаммад (вафоти 1141/42 йил).

Иброҳим ибн Муҳаммад (вафоти 1156 йил).

Жалолиддин Али ибн Ҳасантегин (вафоти 1160 йилдан кейин содир бўлган).

Масъуд ибн Ҳасантегин (вафоти 1169/70 йили ёки кейинроқ).

Муҳаммад ибн Масъуд (вафоти 1173/74) йил.

Иброҳим ибн Хусайн.

Усмон ибн Иброҳим (вафоти 1212/13 йил).

Ғазнавийлар (962—1183)

Алптегин (962—963).

Исҳоқ (963—965).

Билгатегин (966—972/973).

Пирий (972/973—976/977).

Сабуктегин (976/977—997).

Исмоил (997).

Маҳмуд Ғазнавий (998—1030).

Муҳаммад (1030).

Масъуд (1030—1041).

Мавдуд (1041—1049).

Масъуд ибн Мавдуд (бир неча кун).

Али ибн Масъуд ибн Маҳмуд (1049).

Абдуррашид (1050—1051).

Фаррухзод ибн Масъуд (1051—1058).

Иброҳим ибн Масъуд (1058—1098/99).

Масъуд III (1098/99—1115).

Шерзод (1115—1116).

Арслоншоҳ (1116—1119).

Баҳромшоҳ (1119—1153).

Хисравшоҳ (1153—1160).

Хисравмалик (1160—1186/1187).

Салжуқийлар (1040—1157)

Тўғрулбек (1040—1063).

Алп Арслон (1063—1072).

Маликшоҳ I (1072—1092).

Маҳмуд (1092—1094).

Баркёруқ (1094—1104).

Маликшоҳ II (1104—1105).

Гиёсиддин Абу Шужо Муҳаммад (1105—1118).
Санжар (1118—1157).

Ануштегинийлар (1097—1231)

Ануштегин (тахминан 1077—1097).

Қутбиддин Муҳаммад (1097—1128).

Аловиддин Отсиз (1128—1156).

Абулфатҳ Эл Арслон (1156—1172).

Султоншоҳ Маҳмуд (1172—1193).

Аловиддин Текиш (1193—1200).

Аловиддин Муҳаммад (1200—1220).

Жалолиддин Манкбурни (1220—1231).

1220—1370 йиллар орасида чингизийларга қарамлик даври.

Темурийлар (1370—1858)*

I. Амир Тарағай (вафоти 1360).

хотинлари

1. Қадок хотун (вафоти 1389 ёки 1390).
2. Тегина хотун.

ўғиллари

1. Темур (1336—1405). Онаси — Тегина хотун.
2. Олимшайх.
3. Суйурғатмиш.
4. Жўкий.

қизлари

1. Ширинбека Оғо. Муаййад арлотта турмушга чиққан.
2. Қутлуқ Туркон Оғо (вафоти 1383 йил). Аввал Султон дуғлотта, унинг ўлиmidан сўнг амир Довуд дуғлотта турмушга чиққан.

набиралари

(Амир Темур авлодларидан ташқари)

1. Севинч Қутлуқ Оғо. Онаси — Ширинбека. 1379 йили кurtлар сулоласи шаҳзодаси Пир Муҳаммадга турмуш-

* 1370—1506 йиллари Туркистонда, 1504 йилдан бошлаб Кобулда (Заҳириддин Муҳаммад Бобур), 1526 йилдан 1858 йилга қадар Ҳиндистонда. Темурийлар шажарасини тузишда Жон Вудснинг «Темурийлар сулоласи» (John E. Woods. The Timurid dynasty. Papers of Inner Asia. № 14. Bloomington. 1990.), Турғун Файзиёвнинг «Темурийлар шажараси» (Тошкент, 1995) асарлари ҳамда бирламчи манбалардан кенг фойдаланилди.

га чиққан. Унинг ўлимидан сўнг 1390 йили Амир Темур фарзанди Умаршайх никоҳига кирган.

2. Умар. Онаси — Ширинбека Оғо.
3. Али. Онаси — Ширинбека Оғо. Унинг Жаҳон Султонбека номли қизи бўлиб, Амир Темурнинг набираси Халил Султонга турмушга чиққан.

II. Амир Темур.

хотинлари

1. Турмуш Оғо.
2. Ўлжой Туркон Оғо (вафоти 1366 йил) — Амир Мусаллонинг қизи; амир Ҳусайннинг синглиси.
3. Сароймулк хоним (1337—1408) — чигатой хон Қазоннинг (вафоти 1346/47 йил) қизи. 1370 йили Амир Темурга турмушга чиққан.
4. Улус Оғо — амир Баён сулдузнинг қизи. Никоҳ йили 1370.
5. Ислом Оғо — Хизр йасаурийнинг қизи. Амир Темур унга 1370 йили уйланган.
6. Дилшод Оғо (вафоти 1383 йил) — Шамсиддин дуғлотнинг қизи. 1375 йили Амир Темур никоҳига кирган.
7. Туман Оғо — амир Мусонинг қизи. 1378 йили Амир Темур никоҳига кирган.
8. Тўғал хоним — мўғулистонлик хон Хизрхожанинг қизи. Амир Темурга 1379 йили турмушга чиққан.
9. Туғдибека — Оқсўфи қўнғиротнинг қизи. Соҳибқирон унга 1388 йилнинг кузида уйланган.
10. Давлат Туркон Оғо.
11. Бурхон Оғо.
12. Султон Оғо.
13. Хонибека (Жонибека) Оғо.
14. Қундуз Оғо.
15. Чўлпон Мулк Оғо — Ҳожибекнинг қизи.
16. Бахт Султон Оғо.
17. Султон Оғо.
18. Наврўз Оғо.

хос канизаклари

1. Тўлун Оғо.
2. Менклибека Оғо — Ҳаёт Жонқурбоний қизи.
3. Тағой Туркон Оғо.

4. Хонмулк Тўқмоқ.
5. Қатўғхон.
6. Жон Бахт Оғо.
7. Нигор Оғо.
8. Рухпарвар Оғо.
9. Дилбека.
10. Дур Султон Оғо.
11. Муродбека Оғо.
12. Хушқолди Оғо.
13. Ферузабека Оғо.
14. Дилхуш Оғо.
15. Тинибека.
16. Дилшод Оғо.
17. Баротбиби Оғо.
18. Севинчмулк Оғо.
19. Орзубиби Оғо.
20. Ёдгор Султон Оғо.
21. Худойдод Оғо.
22. Бахт Нигор Оғо.
23. Нигор Оғо.
24. Маликоншоҳ Оғо.
25. Кутлибиби Оғо.

ўғиллари

- II.I. Умаршайх (1354—1394). Онаси — Тулун Оғо.
- II.II. Жаҳонгир (1356—1376). Онаси — Турмуш Оғо.
- II.III. Мироншоҳ (1366—1408). Онаси — Менклибека.
- II.IV. Шоҳрух (1377—1447). Онаси — Тағой Туркон Оғо.
- II.V. Жаҳоншоҳ (туғилган йили 1367 йил). Онаси — Турмуш Оғо.
- II.VI. Иброҳим (1384—1385). Онаси — Хонмулк Тўқмоқ.
- II.VII. Исми номаълум (40 кунлигида ўлган). Онаси — Султон Оғо.

қизлари

- II.VIII. Оғобегим (вафоти 1382 йил). Онаси — Турмуш Оғо.
- II.IX. Султон Бахт Оғо (вафоти 1429 ёки 1430 йил). Онаси — Ўлжой Туркон Оғо.
- II.X. Саодат Султон. Онаси — Ўлжой Туркон Оғо.
- II.XI. Саодат Султон. Онаси — Дилшод Оғо.
- II.XII. Исми номаълум. Онаси — Дилшод Оғо.

II.XIII. Бекажон (1 ёшлигида вафот этган). Онаси — Менклибека.

II.XIV. Қутлуқ Султон Оғо. Онаси — Тағой Туркон Оғо.

II.XV. Исми номаълум. Онаси — Қатуғхон.

II.I. Умаршайх.

хотинлари

1. Маликат Оғо — Хизр Ўғлоннинг қизи.
2. Қутлуқ Туркон Оғо.
3. Султон Оғо.
4. Бекмулк Оғо — Хожа Юсуф ибн Ўлжойту апардининг қизи.
5. Бахт Султон — Ўасавур жалойирнинг қизи.
6. Туғлуқ Султон.
7. Меҳрхуш.
8. Текиш хотун.
9. Севинч Қутлуқ Оғо.

Ўғиллари

1. Пир Муҳаммад (1379—1410). Онаси — Маликат Оғо.
2. Рустам (1381 — 1424). Онаси — Қутлуқ Туркон Оғо.
3. Искандар (1384—1415). Онаси — Маликат Оғо.
4. Аҳмад (1385—1425). Онаси — Маликат Оғо.
5. Сайди Аҳмад (1391—1429). Онаси — Туғлуқ Султон жалойир.
6. Бойқаро (1393—1423). Онаси — Маликат Оғо. Аммо тарбияни Амир Темур хотинларидан Султон Бахт Оғо берган.
7. Исфандиёр. Онаси — Маликат Оғо.
8. Муҳаммад. Онаси — Бекмулик Оғо.
9. Бистом. Онаси — Бахт Султон. Тарбияни Дур Султон Оғо берган.
10. Али. Онаси — Меҳрхуш. Сароймулк хоним қўлида тарбия топган.
11. Умар. Онаси — Меҳрхуш. Қутлуқ Туркон Оғо тарбиясини олган.
12. Достон. Онаси — Текиш хотун.

қизлари

1. Насаб Султон. Онаси — Султон Оғо.
2. Бобобека. Онаси — Бекмулк Оғо. Сароймулк хоним қўлида тарбияланган.

3. Зубайда Султон. Онаси — Бахт Султон. Ёдгоршоҳга турмушга чиққан.
4. Саодат Султон. Онаси — Меҳрхуш. Султон Маҳмудхонга, яъни Амир Темур давридаги сохта хонлардан бирига турмушга чиққан.
5. Жаҳон Султон. Онаси — Қутлуқ Туркон. Ҳамза ибн Тағой барлосга турмушга чиққан.

Умаршайхнинг ўғилларидан тарқаган авлод

II.I.I. Пир Муҳаммад.

хотинлари

1. Нигор Оғо — Фиёсиддин тархоннинг қизи. Никоҳ йили 1392.
2. Одил Султон Оғо. Эрининг ўлиmidан кейин Бойқарога, яъни Пир Муҳаммаднинг укасига турмушга чиққан.
3. Ширин Малик.

ўғиллари

1. Дарвиш Муҳаммад. Онаси — Нигор Оғо.
2. Умаршайх (1398—1429). Онаси — Нигор Оғо. Бувиси Маликат Оғо кўлида тарбияланган.
3. Илонгир. Онаси — Нигор Оғо.
4. Солиҳ (1406—1452). Онаси — Нигор Оғо.
5. Абу Исҳоқ. Онаси — Нигор Оғо.
6. Жон Қобул. Онаси — Одил Султон Оғо. Бувиси Бекмулк Оғо тарбиясини олган.
7. Бузанжир (вафоти 1422 йил).

қизлари

1. Марйам Султон.

II.I.I. 2. Умаршайх.

хотинлари

1. Султон Бахт — Халил Кепакхоний қизи.
2. Кичик Султон.

ўғиллари

1. Муҳаммад. Онаси — Султон Бахт Оғо.

қизлари

1. Зайнаб. Онаси — Кичик Султон.

П.І.І.2.1. Муҳаммад.

қизлари

1. Бекажон Оғо. Умаршайхнинг Рустам ўғлидан набирази Султон Жалолиддинга турмушга чиққан.

П.І.І.4. Солвҳ.

хотинлари

1. Шоҳ Султонбека — Жаҳонгир ўғли Пир Муҳаммад қизи.

ўғиллари

1. Абулайс. Онаси — Шоҳ Султонбека.
2. Султон Халил. Онаси — Шоҳ Султонбека.
3. Пир Муҳаммад.
4. Умаршайх.

қизлари

1. Руқийа Султон. Онаси — Шоҳ Султонбека.
2. Фотима Султон. Онаси — Шоҳ Султонбека.
3. Шарифа Султон. Онаси — Шоҳ Султонбека.

П.І.2. Рустам.

хотинлари

1. Маҳдум Султон. Кейинчалик Сайди Аҳмадга турмушга чиққан.
2. Саодат Султон — Фиёсиддин тархоннинг қизи. Никоҳ йили 1392.
3. Дилшод қипчоқ.
4. Исан мўғул.
5. Бахт Султон.

ўғиллари

1. Пир Муҳаммад. Онаси — Маҳдум Султон.
2. Султон Жалолиддин. Онаси — Маҳдум Султон.
3. Усмон (1400—1424). Онаси — Дилшод қипчоқ.
4. Олимшайх. Онаси — Саодат Султон.
5. Султон (1404—1423). Онаси — Саодат Султон.
6. Жаъфар. Онаси — Дилшод қипчоқ.
7. Муҳаммад Қочули. Онаси — Исан мўғул.
8. Суйурғатмиш. Онаси — Исан мўғул.
9. Муҳаммад Султон. Онаси — Бахт Султон.

П.1.2.1. Пир Муҳаммад.

хотинлари

1. Хуршидбека — Жаҳонгирнинг Пир Муҳаммад ўғлидан туғилган Санжарнинг қизи.

ўғиллари

1. Исфандиёр (3 ёшида вафот қилган). Онаси — Хуршидбека.
2. Малик Қосим (2 ёшида вафот қилган). Онаси — Хуршидбека.
3. Санжар (22 ёшида Султон Абу Саъид томонидан ўлдирилган). Онаси — Хуршидбека.

қизлари

1. Марйам Султон (1 ёшида вафот қилган). Онаси — Хуршидбека.
2. Маҳдум Султон (2 ёшида вафот қилган). Онаси — Хуршидбека.
3. Маҳдум Султон (1 ёшида вафот қилган). Онаси — Хуршидбека.
4. Бекабегим. Онаси — Хуршидбека.
5. Шоҳ Султон кўкалдош. Жаҳонгирнинг Пир Муҳаммад ўғлидан туғилган набираси Санжарнинг ўғли Абулхайрга турмушга чиққан.

П.1.2.2. Султон Жалолиддин.

хотинлари

1. Бекажон Оғо — Умаршайхнинг Пир Муҳаммад ўғлидан туғилган набираси Умаршайхнинг Муҳаммад номи ўғлининг қизи.

ўғиллари

1. Рустам. Онаси — Бекажон Оғо.
2. Жаъфар.
3. Умаршайх.
4. Бойқаро.

қизлари

1. Ёдгорбегим.

П.1.2.2.1. Рустам.

хотинлари

1. Ёдгорбегим — Шоҳрухнинг Суйурғатмишдан туғилган набираси Султон Масъуд қизи.

ўғиллари

1. Султон Али. Онаси — Ёдгорбегим.
2. Султон Масъуд.

қизлари

1. Исми номаълум.
 2. Исми номаълум.
- II.I.2.2.I.I. Султон Али.

ўғиллари

- I. Мирзажон.

II.I.2.2.I.2. Султон Масъуд.

хотинлари

- I. Бегим Султон — Умаршайхнинг Бойқаро ўғлидан на-бираси Мансурнинг ўғли Султон Ҳусайн қизи.

II.I.2.2.2. Жаъфар.

ўғиллари

1. Фаррухзод.
2. Маҳмуд Султон.
3. Санжар.
4. Санжар.
5. Аҳмад.
6. Турди Муҳаммад.

қизлари

1. Хуршидбека.
2. Маҳдум Султон.
3. Оғобека.

II.I.2.2.2.6. Турди Муҳаммад.

ўғиллари

1. Али.

қизлари

- Бекачи.

II.I.2.3. Усмон.

хотинлари

1. Ойшабека.

ўғиллари

1. Султон Али. Онаси — Ойшабека.
2. Султон Муҳаммад (Мирзо Або). Онаси — Ойшабека.

қизлари

1. Фотима Султон. Онаси — Ойшабека.

П.1.2.3.2. Султон Муҳаммад.

хотинлари

1. Дур Султон — Алика кўкалдош қизи.

ўғиллари

1. Саъд Ваққос (15 ёшида вафот қилган). Онаси — Дур Султон.
2. Усмон.

қизлари

1. Фотима Султон (25 ёшида вафот қилган). Онаси — Дур Султон.
2. Ойшабека. Онаси — Дур Султон.

П.1.2.5. Султон Али

хотинлари

1. Ҳожимулк хотун.

ўғиллари

1. Султон Ҳусайн.

П.1.2.5.1. Султон Ҳусайн.

ўғиллари

1. Ёдгор.
2. Музаффар.

П.1.2.5.1.2. Музаффар.

қизлари

1. Руқийа. Мироншоҳнинг Суйурғатмишдан туғилган на-бираси Баҳор ўғли Жаҳонгирга турмушга чиққан.

П.1 3. Искандар.

хотинлари

1. Бека Султон. Никоҳ санаси 1397 йил.
2. Жон Малик — амир Чўлпон қавчиннинг қизи.
3. Шероз Малик мўғул.

ўғиллари

1. Пир Али. Онаси — Жон Малик.
2. Султон Али. Онаси — Жон Малик.
3. Маҳди. Онаси — Шероз Малик.

қизлари

1. Шаҳзода. Онаси — Бека Султон.

11.1.4. Аҳмад.

хотинлари

1. Тожмулк — амир ҳожи Сайфиддин нукуз қизи.
2. Хуршид Оғо — амир Шаҳобиддин қизи.
3. Давлаткелмиш Оғо.
4. Фотима.

ўғиллари

1. Муҳаммад Али. Онаси — Тожмулк.
2. Султон Маҳмуд. Онаси — Хуршид Оғо.
3. Санжар (вафоти 1459 йил). Онаси — Тожмулк.
4. Султон Иброҳим. Онаси — Хуршид Оғо.
5. Султон Бойазид. Онаси — Хуршид Оғо.
6. Султон Муҳаммад. Онаси — Хуршид Оғо.
7. Султон Муҳаммад. Онаси — Давлаткелмиш Оғо.
8. Султон Муҳаммад. Онаси — Фотима.

қизлари

1. Ойша Султон. Онаси — Тожмулк.
2. Хадича Султон. Онаси — Тожмулк.
3. Марйам Султон. Онаси — Тожмулк. Амакиси Бойқаронинг ўғли Муҳаммадга турмушга чиққан.
4. Осиё Султон. Онаси — Хуршид Оғо.
5. Зубайда Султон. Онаси — Хуршид Оғо. Амакиси Бойқаронинг ўғли Мансурга турмушга чиққан.

II.1.4.3. Санжар.

хотинлари

1. Саодат Султон — Умаршайх ўғли Бойқаро қизи.
2. Бахт Султон.

ўғиллари

1. Исми номаълум.

қизлари

1. Хон Султон (Бека Султон). Онаси — Бахт Султон. Умаршайхнинг Бойқаро ўғлидан набираси Мансурнинг ўғли Султон Ҳусайнга турмушга чиққан.

II.1.4.6. Султон Муҳаммад.

хотинлари

1. Саодат Султон — амир Арғуншоҳ қизи.
2. Давлат Султон Оғо — амир Арғуншоҳ набираси.

ўғиллари

1. Исфандиёр. Онаси — Саодат Султон.
2. Аҳмад. Онаси — Саодат Султон.
3. Ориф. Онаси — Саодат Султон.

қизлари

1. Бадиулжамол. Онаси — Саодат Султон.
2. Байрам Султон. Онаси — Саодат Султон.
3. Хуршидбека. Онаси — Саодат Султон. Аввал Умаршайхнинг ўғли Бойқаронинг набираси Муҳаммад Музаффарга, сўнг эса унинг биродари Муҳаммад Бадига турмушга чиққан.
4. Марйам Султон.

II.1.4.6.I. Исфандиёр.

қизлари

1. Марйам Султон — саййид Барака авлодидан бўлмиш саййид Халилга турмушга чиққан. Саййид Муҳаммад, Хонзодабека, Шаҳзодабека каби фарзандлари бўлган.

II.1.5. Сайди Аҳмад.

хотинлари

1. Махдум Султон.

II.1.6. Бойқаро.

хотинлари

1. Бека Султон.
2. Қутлуқ Туркон Оғо — Искандар ўғли Алининг қизи.
3. Одил Султон Оғо.
4. Офоқ Оғо.
5. Меҳрнуш Оғо.
6. Меҳрнигор Оғо.
7. Лаълбека.
8. Ҳамза тархон қизи.

ўғиллари

1. Мансур (1413—1445). Онаси — Қутлуқ Туркон Оғо.
2. Музаффар (1409—1429). Онаси — Қутлуқ Туркон Оғо.
3. Музаффар. Онаси — Одил Султон Оғо.
4. Муҳаммад. Онаси — Офоқ Оғо.
5. Темурбек. Онаси — Меҳрнуш Оғо.
6. Аҳмадқаро. Онаси — Меҳрнигор Оғо.

қизлари

1. Саодат Султон. Онаси — Бека Султон.
2. Саодат Султон. Онаси — Лаълбека.
3. Хон Султонбека. Онаси — Ҳамза тархон қизи. Мироншоҳнинг ўғли Муҳаммад Темурга турмушга чиққан.
4. Марйам Султонбека. Онаси — Одил Султон Оғо. Жаҳонгирнинг Пир Муҳаммаддан туғилган набираси Жаҳонгирга турмушга чиққан.

5. Бека. Онаси — Офоқ Оғо.
6. Фотима Султон. Онаси — Бека Султон.

II.1.6.1. Мансур.

хотинлари

1. Зубайда Султон — Умаршайх ўғли Аҳмаднинг қизи.
2. Ферузабегим — Мироншоҳнинг Қутлуғ Султон номли қизининг қизи.

ўғиллари

1. Дарвиш Муҳаммад. Онаси — Зубайда Султон.
2. Муҳаммад Бади. Онаси — Зубайда Султон.
3. Муҳаммад Музаффар. Онаси — Зубайда Султон.
4. Бойқаро (1430—1478). Онаси — Ферузабегим.
5. Султон Ҳусайн (1438—1506). Онаси — Ферузабегим.

қизлари

1. Шаҳрбону. Онаси — Зубайда Султон.
2. Мехрнигор. Онаси — Зубайдабону.
3. Оқобека. Онаси — Ферузабегим. Мироншоҳнинг Сайди Аҳмад ўғлидан набираси Султон Аҳмад (Маҳмуд)га турмушга чиққан.
4. Бадржамол. Онаси — Ферузабегим. Аввал Пир Будоқ султонга, ундан сўнг эса Аҳмадхон Ҳожитархонийга турмушга чиққан. Султон Маҳмудхон, Баҳодир Султон каби ўғиллари, Хонзода хоним номли қизи бўлган.
5. Ўрун Султон хоним. Онаси — Ферузабегим.

II.1.6.1.2. Муҳаммад Бади.

хотинлари

1. Хуршидбека — Умаршайхнинг Аҳмаддан набираси Султон Муҳаммаднинг қизи. Икки ўғил туғиб берган. Аммо номлари номаълум.

II.1.6.1.3. Муҳаммад Музаффар.

хотинлари

1. Хуршидбека — Умаршайхнинг Аҳмаддан набираси Султон Муҳаммаднинг қизи.

қизлари

1. Зайнаб Султон. Онаси — Хуршидбека.

II.1.6.1.4. Бойқаро.

хотинлари

1. Саодат Султон — Умаршайх ўғли Бойқаронинг ўғли Муҳаммаднинг қизи.
2. Саодат Султон.

ўғиллари

1. Султон Муҳаммад (1451—1483). Онаси — Саодат Султон.
2. Султон Увайс (1454—1491). Онаси — Саодат Султон.
3. Султон Искандар (1460—1503). Онаси — Саодат Султон.

қизлари

1. Маликат. Онаси — Саодат Султон.
2. Султон хоним. Онаси — Саодат Султон.
3. Ойшабека. Онаси — Саодат Султон-2.
4. Исми номаълум. Онаси — Саодат Султон-2.

II.1.6.1.4.2. Султон Увайс.

хотинлари

1. Зайнаб Султон — Султон Ҳусайн Бойқаро қизи.
2. Турди Султон.

ўғиллари

1. Фаррух Нажод. Онаси — Зайнаб Султон.
2. Муҳаммад Мансур. Онаси — Зайнаб Султон.
3. Султон Муҳаммад (1472—1501). Онаси — Зайнаб Султон.

қизлари

1. Руқийа Султон. Онаси — Зайнаб Султон.
2. Зубайда Султон. Онаси — Зайнаб Султон.
3. Қутлуқ Султон. Онаси — Зайнаб Султон.
4. Оғабекка. Онаси — Турди Султон.
5. Бекабека. Мироншоҳнинг Суйурғатмишдан набираси Баҳорнинг ўғли Саъд Ваққосга турмушга чиққан.

II.1.6.1.4.3. Султон Искандар.

хотинлари

1. Султон Нажод — Султон Ҳусайн Бойқаро қизи.

ўғиллари

1. Муҳаммад. Онаси — Султон Нажод.

қизлари

1. Бека. Онаси — Султон Нажод.
2. Бека. Онаси — Султон Нажод.
3. Оғо Тағойшоҳ. Онаси — Султон Нажод.
4. Султон Ҳажар. Онаси — Султон Нажод.

11.1.6.1.5. Султон Хусайн Бойқаро.

хотинлари

1. Бека Султонбегим — Умаршайхнинг Аҳмад ўғлидан набираси Санжарнинг қизи.
2. Шаҳрбонубека — Султон Абу Саъид қизи.
3. Пойанда Султонбегим — Султон Абу Саъид қизи.
4. Офоқбегим — амир Хусайн қизи.
5. Тулакбегим — Хусайн Сўфий қизи, Юсуф Сўфий жондор синглиси.
6. Хадичабегим — амир Муҳаммад Сарик қизи.
7. Зайнаб Султон — амир Хусайн қизи.
8. Латифа Султон — амир Султон Хусайн Чоршанба қизи.
9. Менглибиби Оғоча ўзбек.
10. Бобо Оғоча — ҳожа Муҳаммад Ота қизи.
11. Бека Султон.
12. Зубайда Султон — Ҳасан қизи.

ўғиллари

1. Бадиуззамон (1458—1517). Онаси — Бека Султон бегим.
2. Афросиёб. Онаси — Бека Султонбегим.
3. Ҳайдар Муҳаммад (1477—1502). Онаси — Пойанда Султонбегим.
4. Шоҳ Фариб (1470—1496). Онаси — Хадичабегим.
5. Музаффар Хусайн (1473—1509). Онаси — Хадичабегим.
6. Султон Жаҳонгир. Онаси — Хадичабегим.
7. Жаҳонгир Хусайн. Онаси — Хадичабегим.
8. Абулмуҳсин Ҳасан (1472—1507). Онаси — Латифа Султон.
9. Муҳаммад Муҳсин (1476—1507). Онаси — Латифа Султон.
10. Маъсум Али. Онаси — Зайнаб Султон.
11. Абу Туроб (1472—1498). Онаси — Менглибиби.
12. Муҳаммад Хусайн (1476—1503). Онаси — Менглибиби.
13. Фаридун Хусайн (1478—1509). Онаси — Менглибиби.
14. Муҳаммад Маъсум (1476—1501). Онаси — Бобо Оғоча.
15. Фаррух Хусайн (1480—1509). Онаси — Бобо Оғоча.
16. Иброҳим Хусайн (1478—1505). Онаси — Бобо Оғоча.
17. Ибн Хусайн (1480—1513). Онаси — Бобо Оғоча.
18. Муҳаммад Қосим (1482—1507). Онаси — Бобо Оғоча.
19. Муҳаммад Сухроб.
20. Муҳаммад Жаҳонгир.
21. Муҳаммад Бади.

қизлари

1. Улуғбегим. Онаси — Пойанда Султонбегим.
2. Оқбегим (вафоти 1504 йилдан олдин юз берган). Онаси — Пойанда Султонбегим. Муҳаммад Қосим арлотта турмушга чиққан.
3. Кичикбегим. Онаси — Пойанда Султонбегим. Саййид Ота сулоласидан мулла Хожага турмушга чиққан.
4. Бекабегим. Онаси — Пойанда Султонбегим. Султон Абу Саъиднинг Робийа Султонбегим қизининг ўгли Бобурга теккан.
5. Оғабегим. Онаси — Пойанда Султонбегим. Султон Абу Саъиднинг Робийа Султонбегим қизининг ўгли Муродга теккан.
6. Зайнаб Султоним. Онаси — Тулакбегим. Умаршайхнинг набираси Мансур ўгли Бойқаронинг ўгли Султон Увайсга, унинг ўлимидан сўнг Мироншоҳ набираси Муҳаммад Боқирнинг ўгли Абдулбоқийга турмушга чиққан.
7. Хоним. Онаси — Хадичабегим.
8. Салимабека. Онаси — Латифа Султон.
9. Марйам Султонбека. Онаси — Менглибиби. Саййид Абдуллоҳ Мирзага турмушга чиққан.
10. Фатима Султонбека. Онаси—Менглибека. Мироншоҳнинг Фаррухзод номли набираси ўгли Ёдгор Фаррухбекка турмушга чиққан.
11. Хуршид Бахт. Онаси — Бобо Оғоча.
12. Салима Султонбегим. Онаси — Бобо Оғоча.
13. Саодат Бахтбегим. Онаси — Бобо Оғоча. Султон Абу Саъид набираси Султон Масъудга турмушга чиққан.
14. Султон Нажод. Онаси — Бобо Оғоча.
15. Мунаввар Султон. Онаси — Бобо Оғоча.
16. Бегим Султон. Умаршайх набираси Султон Жалолиддиннинг набираси Султон Масъудга турмушга чиққан.
17. Ойша Султон. Онаси — Бека Султон. Аввал Қосим Султонга, сўнг Бўрон султонга турмушга чиққан.

II.1.6.1.5.1. Бадиуззамон.

хотинлари

1. Ўрин Султон хоним — Султон Абу Саъид қизи.

ўғиллари

1. Муҳаммад Мўмин (1486—1497). Онаси — Ўрин Султон хоним.
2. Муҳаммад Замон (1496—1539).

қизлари

1. Чучукбегим.

П. 1.6.1.5.3. Ҳайдар Муҳаммад.

хотинлари

1. Бекабегим — Султон Абу Саъид ўғли Султон Маҳмуд қизи.

П.1.6.1.5.11. Абу Туроб.

ўғиллари

1. Сухроб (1490—1509).

П.1.6.1.5.14. Муҳаммад Маъсум.

хотинлари

1. Бекабегим — Султон Абу Саъид ўғли Улугбек қизи.

П.1.7. Исфандиёр

П.1.8. Муҳаммад

П.1.9. Бистом

П.1.10. Али

П.1.11. Умар

П.1.12. Достон

П.П. Жаҳонгир.

хотинлари

1. Севинчбека — Оқ Сўфи қўнғирот қизи. Никоҳ йили 1374.
2. Руқийа Хоника — амир Кайхисрав апардийнинг қизи.
3. Бахтмулк Оғо — Илёсхожа йасабурийнинг қизи.

ўғиллари

1. Муҳаммад Султон (1376—1403). Онаси — Севинчбека. Тарбияни Қутлуқ Туркон Оғо берган.
2. Пир Муҳаммад (1376—1407). Онаси — Бахтмулк Оғо.

қизлари

1. Ёдгор Султон. Онаси — Севинчбека.
2. Жаҳон Султон. Онаси — Руқийа Хоника.
3. Фотима Султон. Онаси — Бахтмулк Оғо.
4. Пойанда Султон. Онаси — Бахтмулк Оғо.

Жаҳонгир ўғилларидан тарқаган авлод

П.П.1. Муҳаммад Султон.

хотинлари

1. Хоника — Муҳаммад ўғлоннинг қизи.
2. Тотлибиби — Мусака нукузнинг қизи.

3. Хон Султон — Алибек Жоникурбонийнинг қизи.
4. Нигор Оғо.
5. Давлат Султон.
6. Жонибека.
7. Лаълчечак.

ўғиллари

1. Яҳё (1400—1408). Онаси — Хоника. Сароймулк хоним тарбиялаган.
2. Саъд Ваққос (1399—1418). Онаси — Тотлибиби. Тарбиячиси — Туман Оғо.
3. Муҳаммад Жаҳонгир (1396—1433). Онаси — Нигор Оғо. Дур Султон Оғо кўлида тарбия топган.
4. Исмоил. Онаси — Лаълчечак.
5. Нуҳ. Онаси — Хон Султон.

қизлари

1. Оғобегим (вафоти 1419 йил). Онаси — Хоника. 1404 йили Мирзо Улуғбекка унаштирилган.
2. Азиз Султон. Онаси — Нигор Оғо.
3. Ойшабегим. Онаси — Нигор Оғо. Аввал Юсуф ибн Сулаймоншоҳ дуғлатга, ундан кейин эса Мироншоҳ ўғли Сайди Аҳмадга турмушга чиққан.
4. Шодмулк. Онаси — Давлат Султон.
5. Фотима Султон. Онаси — Давлат Султон.
6. Севиндик Султон. Онаси — Жонибека.

П.П.І.І. Яҳё.

хотинлари

1. Пойанда Султон Оғо — Шохрух Мирзонинг кенжа қизи.

П.П.І.2. Саъд Ваққос.

хотинлари

1. Ражаб Султон — Мироншоҳ Мирзонинг қизи. Эрининг ўлимидан сўнг Жаҳонгирнинг Пир Муҳаммаддан бўлган набираси Санжар Мирзога турмушга чиққан.

қизлари

1. Осиёбека. Онаси — Ражаб Султон.

П.П.І.3. Муҳаммад Жаҳонгир.

хотинлари

1. Марйам Султон Оғо (вафоти 1441 йили) — Шохрух Мирзонинг қизи. Никоҳ йили 1413.

Ўғиллари

1. Муҳаммад Султон (1416—1438). Онаси — Марям Султон.
2. Муҳаммад Халил Султон (1426—1459). Онаси — Марям Султон.

қизлари

1. Шукрбиби Оғо. Онаси — Марям Султон.

II. II. I. 3. I. Муҳаммад Султон.

хотинлари

1. Руқийа Султонбегим — Шоҳруҳ Мирзо ўғли Суйур-фатмишнинг қизи. Никоҳ йили 1433 ёки 1434.
2. Ойша хотун.

Ўғиллари

1. Муҳаммад. Онаси — Ойша хотун.

қизлари

2. Хадичабегим. Онаси — Руқийа Султонбегим.

II. II. I. 3. 2. Муҳаммад Халил Султон.

хотинлари

1. Соҳиб Султон — Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Бойсунгур қизи.

Ўғиллари

1. Муҳаммад Умар. Онаси — Соҳиб Султон.

қизлари

1. Марям Султон. Онаси — Соҳиб Султон.
2. Шукрбека. Онаси — Соҳиб Султон.
3. Ойшабека. Онаси — Соҳиб Султон.

II. II. 2. Пир Муҳаммад.

хотинлари

1. Ўрдумулк — амир Ҳожи барлос қизи.
2. Сабур Султон — музаффарий Шоҳ Шужоннинг набираси. Никоҳ йили 1384.
3. Соҳибжамол.
4. Бибихон.
5. Фотима Султон.
6. Бекамулк Оғо.
7. Тўғлуқ Султон жалойир.

Ўғиллари

1. Қайду (1697—1418). Онаси — Сабур Султон.
2. Халид (1399—1427). Онаси — Сабур Султон.
3. Саъд Ваққос (1400—1418). Онаси — Ўрдумулк.

4. Қайсар (1401—1418). Онаси — Сабур Султон.
5. Жаҳонгир (1402—1433).
6. Бузанжир (1402—1423). Онаси — Сабур Султон.
7. Санжар (1403—1429). Онаси — Сабур Султон.
8. Довуд.
9. Маҳди.

қизлари

1. Махдум Султон. Онаси — Ҷрдумулк. Аввал Рустам Мирзога, сўнг эса Сайди Аҳмад Мирзога (иккови ҳам Умаршайхнинг ўғли) турмушга чиққан.
2. Соҳибжамол.
3. Бибихон.
4. Фотима Султон.
5. Шоҳ Султонбека.

П.П.2.5. Жаҳонгир.

хотинлари

1. Кичкинахоним.
2. Марйам Султонбека — Умаршайх ўғли Бойқаро қизи.

ўғиллари

1. Муҳаммад. Онаси — Кичкинахоним.

П.П.2.6. Бузанжир.

ўғиллари

1. Пир Муҳаммад.

қизлари

1. Исми номаълум.

П.П.2.7. Санжар.

хотинлари

1. Ражаб Султон — Мироншоҳнинг қизи.

ўғиллари

1. Абу Саъид.
2. Абу Исҳоқ.
3. Абулхайр.

қизлари

1. Руқийабекка. Онаси — Ражаб Султон.
2. Хуршидбекка. Онаси — Ражаб Султон.

П.П.2.7.2. Абу Исҳоқ.

хотинлари

1. Ҳожи Султон.
2. Шаҳрбону кўкалдош — Мироншоҳнинг набираси Муҳаммад Боқир қизи.

ўғиллари

1. Жаҳонгир. Онаси — Ҳожи Султон.
2. Пир Муҳаммад. Онаси — Шаҳрбону.

қизлари

1. Султон Бадрулмулк. Онаси — Шаҳрбону.
2. Исми номаълум. Онаси — Ҳожи Султон.

II. II. 2. 7. 3. Абулхайр:

хотинлари

1. Шоҳ Султон кўкалдош — Умаршайхнинг Рустам Мирзо ўғлидан туғилган Пир Муҳаммаднинг қизи.

ўғиллари

1. Иброҳим. Онаси — Шоҳ Султон кўкалдош.
2. Абу Солиҳ. Онаси — Шоҳ Султон кўкалдош.
3. Малик Қосим. Онаси — Шоҳ Султон кўкалдош.

II. II. 2. 7. 3. 1. Иброҳим.

ўғиллари

1. Муҳаммад Темур.

қизлари

1. Қутлуғ Султон.

II. II. 2. 7. 3. 2. Абу Солиҳ.

ўғиллари

1. Али Акбар.

қизлари

1. Шоҳбону.

II. II. 2. 7. 3. 3. Малик Қосим.

ўғиллари

1. Санжар.

II. II. 2. 7. 3. 3. 1. Санжар.

ўғиллари

1. Нуриддин.

қизлари

1. Фахржаҳон.

II. 3. Мироншоҳ.

хотинлари

1. Давлатқолди — Пойанда Султон қизи.
2. Севинчбека (Хонзода).
3. Ўрин Султон Хоника — Суйурғатмишхон қизи.
4. Мурод.
5. Рухпарвар.
6. Нигор.

7. Фахрийа.
8. Бахт Султон.
9. Давлат Бахт.
10. Меҳрнуш.

ўғиллари

1. Сайди Аҳмад. Онаси — Давлатқолди.
2. Халил Султон (1384—1411). Онаси — Севинчбека.
3. Муҳаммад Қосим. Онаси — Севинчбека.
4. Або Бакр (1382—1417). Онаси — Ўрин Султон Хоника.
5. Умар (1383—1407). Онаси — Ўрин Султон Хоника.
6. Жамшид. Онаси — Мурод.
7. Қарочар. Онаси — Рухпарвар.
8. Султон Муҳаммад. Онаси — Меҳрнуш.
9. Муҳаммад Темур. Онаси — Давлат Бахт.
10. Ижал (1387—1415).
11. Суйурғатмиш (1386—1411).
12. Муҳаммад Бакр (1406—1434).

қизлари

1. Фотима Султон.
2. Бека Султон. Умаршайхнинг ўғли Бойқарога турмушга чиққан.
3. Қутлуғ Султон. Аввал Амир Темурнинг қизи Оғобегим ўғли Султон Хусайнга, унинг ўлимидан кейин эса термизлик саййидлардан бирига турмушга чиққан.
4. Саодат Султон.
5. Ражаб Султон. Аввал Жаҳонгирнинг ўғли Пир Муҳаммад фарзанди Саъд Ваққосга, унинг ўлимидан сўнг эса укаси Санжарга турмушга чиққан.
6. Робийа Султон.

Мироншоҳ ўғилларидан таркаган авлод

П.Ш.І. Сайди Аҳмад.

хотинлари

1. Ҳожи хотун.
2. Қутлуғ Саодат.
3. Ойшабека — Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султон қизи.
4. Руқийа Султон — Қаро Усмон бойандир қизи.
5. Соҳиб Султон.
6. Мавлоно саййид Али қизи.

ўғиллари

1. Абулмаолий. Онаси — Ҳожи хотун.
2. Абу Солиҳ. Онаси — Қутлуғ Саодат.
3. Фаррухзод. Онаси — Қутлуғ Саодат.
4. Султон Аҳмад (Маҳмуд). Онаси — Ойшабека.
5. Муҳаммад Боқир. Онаси — Руқийа Султон.

6. Усмон. Онаси — Руқийа Султон.
7. Зайналобиддин. Онаси — Руқийа Султон.
8. Музаффар. Онаси — Руқийа Султон.
9. Ғазанфар. Онаси — Соҳиб Султон.
10. Сухроб. Онаси — Соҳиб Султон.

қизлари

1. Давлатқолди. Онаси — Руқийа Султон.
2. Асил Султон. Онаси — Руқийа Султон.

II. III. I.3. Фаррухзод.

хотинлари

1. Фотима Султон — Мироншоҳнинг ўғли Султон Муҳаммад қизи.
2. Исми номаълум.

ўғиллари

1. Фаррухқадам. Онаси — Фотима Султон.
2. Султон Муҳаммад. Онаси — Фотима Султон.
3. Ёдгор Фаррухбек. Онаси — Фаррухзоднинг исми номаълум иккинчи хотини.

қизлари

1. Зайнаб Султон. Онаси — Фотима Султон.

II. III. I. 3.3. Ёдгор Фаррухбек.

хотинлари

1. Фотима Султонбека — Жаҳонгирнинг набираси Мансурнинг ўғли Султон Хусайннинг қизи.

ўғиллари

1. Султон Мансур. Онаси — Фотима Султонбека.
2. Султон Мурод. Онаси — Фотима Султонбека.
3. Бобур. Онаси — Фотима Султонбека.
4. Фаррухнажод. Онаси — Фотима Султонбека.

қизлари

1. Маҳдум Султон. Онаси — Фотима Султонбека.

II. III. I. 4. Султон Аҳмад (Маҳмуд).

хотинлари

1. Оғобека — Умаршайхнинг набираси Мансурнинг қизи.

ўғиллари

1. Муҳаммад Султон (вафоти 1484 йил). Кичик Мирзо ҳам деганлар. Онаси — Оғобека.

қизлари

1. Давлатқолди Оғо. Онаси — Оғобека.
2. Гулбегим. Онаси — Оғобека.

II. III. I. 5. Муҳаммад Боқир.

хотинлари

1. Маҳмуд ибн Қаро Усмон бойандирнинг қизи.

ўғиллари

1. Абдулбоқий. Онаси — Маҳмуд ибн Қаро Усмоннинг қизи.

қизлари

1. Фаҳржаҳон. Онаси — Маҳмуд ибн Қаро Усмоннинг қизи.
2. Шаҳрбону кўкалдош. Онаси — Маҳмуд ибн Қаро Усмон қизи.

II. III. 2. Халил Султон.

хотинлари

1. Жаҳон Султонбека — Амир Темурнинг синглиси Ширинбека Оғо набираси.
2. Шодмулк Оғо.
3. Тўқмоқ.

ўғиллари

1. Бурғул (1399 йили туғилган). Онаси — Жаҳон Султонбека.
2. Муҳаммад Баҳодир. Онаси — Жаҳон Султонбека.
3. Муҳаммад Боқир (1406—1434). Онаси — Шодмулк Оғо.
4. Али. Онаси — Тўқмоқ.

қизлари

1. Ширинбека Оғо. Онаси — Жаҳон Султонбека.
2. Кичик Оғо. Онаси — Жаҳон Султонбека.
3. Султон Бадрулмулк. Онаси — Шодмулк Оғо. Шоҳрухнинг ўғли Мирзо Улуғбекка турмушга чиққан.
4. Сароймулк Оғо.

II. III. 4. Або Бакр.

хотинлари

1. Шоҳмулк Оғо — ҳожи Сайфиддин нукузнинг қизи. Никоҳ йили 1389 ёки 1390.
2. Дур Султон Оғо.
3. Жаҳон хотун.
4. Гулмулк.
5. Шодмулк.

ўғиллари

1. Али. Онаси — Дур Султон Оғо.
2. Усмон Жоди (1401—1408). Онаси — Дур Султон Оғо. Амир Темурнинг хотини. Чўлпонмулк Оғо тарбиясида бўлган.
3. Илонгир (1396—1409). Онаси — Жаҳон хотун.
4. Сухроб. Онаси — Гулмулк.
5. Афросиёб.

қизлари

1. Ойша Султон. Онаси — Шоҳмулк Оғо.

2. Ўга Султон. Онаси — Шоҳмулк Оғо.
3. Зоҳида Султон. Онаси — Шоҳмулк Оғо.
4. Зухра Султон. Онаси — Дур Султон Оғо.
5. Одил Султон. Онаси — Жаҳон хотун.
6. Ҳабиба Султон. Онаси — Гулмулк.
7. Кермон Султон. Онаси — Шоҳмулк.

II. III. 4. 2. Усмон Жоди.

қизлари

1. Зухра Султон.
2. Маҳдум Султон.

II. III. 4. 3. Илонгир.

ўғиллари

1. Али Аскар.

II. III. 5. Умар.

хотинлари

1. Пойандабека — амир Сайфиддин илчиқтойнинг қизи.
2. Лаълбиби Тўқмоқ.

ўғиллари

1. Ўясугей. Онаси — Пойандабека.
2. Бахшойиш. Онаси — Лаълбиби.

қизлари

1. Султон Бадрулжамол. Онаси — Лаълбиби.

I. III. 8. Муҳаммад Темур.

хотинлари

1. Хон Султонбека — Умаршайхнинг ўғли Бойқаро қизи.

қизлари

1. Робийа Султон — Мироншоҳнинг ўғли Султон Муҳаммаднинг Абу Саъид ўғлидан туғилган набираси Абу Саъидга турмушга чиққан.

II. III. 9. Султон.

хотинлари

1. Шоҳ Ислон — Сухроб курднинг қизи.

ўғиллари.

1. Манучехр (1421—1469). Онаси — Шоҳ Ислон.
2. Султон Абу Саъид (1424—1469).

қизлари

1. Фотима Султон. Мироншоҳнинг Сайди Аҳмад ўғлидан туғилган набираси Фарруҳзодга турмушга чиққан.

II. III. 9. 1. Манучехр.

ўғиллари

1. Малик Муҳаммад (1458—1494).

II. III. 9. I. I. Малик Муҳаммад.

хотинлари

1. Исми номаълум — Султон Абу Саъид ўғли Султон Маҳмуднинг қизи.

ўғиллари

1. Исми номаълум.

II. III. 9. 2. Султон Абу Саъид.

хотинлари

1. Хонзодабегим — Абулхайрхон қизи.
2. Робийа Султон — Мироншоҳ ўғли Муҳаммад Темурнинг қизи.
3. Ўгабегим — Мирзо Улугбекнинг қизи.
4. Қутлуқ Султон хоним.
5. Малик Султонбегим — Ўрда Бўғо тархон қизи.
6. Шоҳ Султонбегим мўғул.
7. Шаҳзодабегим — Шоҳ Муҳаммад Бадахшоний қизи.
8. Хонзодабегим — Хонзода Тожиддин Термизий қизи.
9. Солиҳа Султон Оғо — Чака барлос қизи.
10. Жамолбека Оғо барлос.
11. Давлат Бахт Оғо — Қозоншайх мўғул қизи.
12. Канизакбегим Оғо — Шайх Йусуф алака қизи.
13. Умид Оғо — Султон Фиёсбек ўғли Аҳмад қизи.
14. Қутлуқбека Оғо — Худойдод ўғли Муҳаммад қизи.
15. Руқийа Султонбегим — Шоҳрухнинг Бойсунғур ўғлидан туғилган Алавидавлянинг қизи.
16. Хуршидбека Оғоча — Мурод ахтачи қизи.
17. Дилшод Оғоча — амир Баён ўғли амир Бузург қизи.
18. Боймулк Оғоча — Жон Дарвиш қизи.
19. Офоқ Оғоча кўкалдош — Бойсунғурнинг Алавидавладан туғилган набираси Иброҳим қизи.
20. Шоҳим оғоча — амир Яҳё кушчи қизи.
21. Ҳанифа Султон Оғоча — амир Ажаб мўғул қизи.
22. Давлат Султон Оғоча — Рустам Тута қизи.
23. Бўлғон оғоча.
24. Маҳдум Оғоча — Фиёсбек ўғли Султон Муҳаммаднинг қариндоши.
25. Саодат Бахт Оғоча — Али Бағдодий қизи.
26. Офоқ оғоча.
27. Гавҳар Султон Оғоча — хожа Ростий қизи.
28. Гулшан Оғоча.
29. Шоҳ Султон Оғоча.
30. Сабур Султон Оғоча — Абдулшайх қизи(?).
31. Хадичабека хурд — Мавлоно Насриддин қизи.
32. Нусрат Султон Оғо — Шоҳвали сулдуз қизи.
33. Биби Султон Оғоча — Фарруҳшоҳ қавчин қизи.

34. Зайнаббека Оғо — Султон Аҳмад сулдуз қизи.
35. Гулрух Султон Оғоча — Ҳамза ўғли Йусуфнинг қизи.

ўғиллари

1. Султон Муҳаммад (1452—1467). Онаси — Хонзодабегим.
2. Султон Аҳмад (1451—1494). Онаси — Малик Султонбегим.
3. Султон Маҳмуд (1453—1495). Онаси — Оғобегим.
4. Абобакр (1458—1479). Онаси — Шаҳзодабегим.
5. Шоҳ Муҳаммад. Онаси — Тожиддин Термизий қизи Хонзодабегим.
6. Муҳаммад Жаҳонгир. Онаси — Давлат Бахт Оғо.
7. Султон Жаҳонгир. Онаси — Давлат Бахт Оғо.
8. Султон Халил. Онаси — Давлат Бахт Оғо.
9. Султон Иброҳим. Онаси — Канизекбегим Оғо.
10. Умар (вафоти 1478 йилдан сўнг юз берган). Онаси — Қутлубека Оғо.
11. Шоҳрух (1459—1494). Онаси — Руқийа Султонбегим.
12. Бойсунғур (туғилган йили 1456). Онаси — Руқийа Султонбегим.
13. Султон Санжар. Онаси — Дилшод Оғоча.
14. Абдулло. Онаси — Боймулк Оғоча.
15. Султон Мурод (вафоти 1475 йилдан сўнг юз берган). Онаси — Боймулк Оғоча.
16. Султон Муҳаммад (вафоти 1494 йил). Онаси — Ҳанифа Султон Оғоча.
17. Искандар. Онаси — Давлат Султон Оғоча.
18. Шоҳ Мансур. Онаси — Бўлғон Оғоча.
19. Мироншоҳ. Онаси — Гавҳар Султон Оғоча.
20. Рустам. Онаси — Гулшоҳ Оғоча.
21. Султон Усмон. Онаси — Сабур Султон Оғоча.
22. Султон Валад (вафоти 1469 йилдан сўнг юз берган). Онаси — Нусрат Султон Оғо.
23. Музаффар. Онаси — Биби Султон Оғоча.
24. Умаршайх (1456—1494).
25. Улуғбек (1460—1501).

қизлари

1. Султон Бадрулмулк. Онаси — Ўгабегим.
2. Гавҳаршодбегим. Онаси — Ўгабегим.
3. Хонзодабегим. Онаси — Ўгабегим.
4. Хадича Султонбека. Онаси — Малик Султонбегим.
5. Зубайда Султонбека. Онаси — Солиҳа Султон Оғо.
6. Саодат Султонбека. Онаси — Давлат Бахт Оғо.
7. Соҳиб Султон Оғо. Онаси — Давлат Бахт Оғо.
8. Бибибегим. Онаси — Давлат Бахт Оғо.
9. Султон Бахтбека. Онаси — Канизакбегим Оғо.

10. Жаҳон Султонбека. Онаси — Канизакбегим Оғо.
11. Омон Султонбека. Онаси — Умид Оғо.
12. Ўрин Султон хоним. Онаси — Руқийа Султонбегим.
13. Қутлуқ Туркон Оғо. Онаси — Хуршидбека Оғоча.
14. Пойанда Султонбегим. Онаси — Дилшод Оғоча. Умаршайхнинг набираси Мансурнинг ўғли Султон Хусайнга турмушга чиққан.
15. Робийа Султонбека. Онаси — Дилшод Оғоча. Мироншоҳ ўғли Суйургатмиш ўғли Муҳаммад Бади ўғли Муҳаммад Қосимга турмушга чиққан.
16. Ойша Султонбека. Онаси — Дилшод Оғоча.
17. Шаҳрибонубека. Онаси — Боймулк Оғоча. Умаршайх набираси Мансурнинг ўғли Султон Хусайнга турмушга чиққан.
18. Мехрнушбека. Онаси — Боймулк Оғоча.
19. Мехрбонубека. Онаси — Боймулк Оғоча.
20. Султонбека. Онаси — Офоқ Оғоча кўкалдош.
21. Бадржамолбека. Онаси — Офоқ Оғоча.
22. Туман Оғо. Онаси — Шоҳим Оғоча.
23. Ширинбека Оғо. Онаси — Шоҳим Оғоча.
24. Марйам Султонбека. Онаси — Бўлғон Оғоча.
25. Қутлуқ Султонбека. Онаси — Махдум Оғоча.
26. Хон Султонбека. Онаси — Саодат Бахт Оғоча.
27. Фахржаҳонбека. Онаси — Гавҳар Султон Оғоча.
28. Бибихонбека. Онаси — Гавҳар Султон Оғоча.
29. Давлат Султонбека. Онаси — Гулшоҳ Оғоча.
30. Зайнаббека. Онаси — Шоҳ Султон Оғоча.
31. Қутлуқ Султонбека. Онаси — Зайнаббека Оғо.
32. Ойша Султонбека. Онаси — Гулрух Султон Оғоча.
33. Хон Султонбека.
34. Хадича Султонбека.

II. III. 9. 2. 2. Султон Аҳмад.

хотинлари

1. Мехрнигор хоним — Йунусхон қизи.
2. Тархонбегим тархон.
3. Қутлуқбегим — мазкур Тархонбегим синглиси.
4. Хонзодабегим Термизий.
5. Латифабегим — Аҳмадхожибекнинг набираси. Султон Аҳмаддан сўнг шайбонийлардан Ҳамза султонга турмушга чиққан. Ундан уч ўғил кўрган.
6. Ҳабиба Султонбегим — Султон арғун жиянларидан.

қизлари

1. Робийа Султонбегим (Қарокўзбегим). Онаси — Қутлуқбегим. Аввал Султон Маҳмудхонга турмушга чиққан ва ундан бир ўғил кўрган. Исми — Бобохон.

Султон Маҳмудхон ўлиmidан сўнг шайбоний Жонибек султонга турмушга чиққан.

2. Солиҳа Султонбегим (Оқбегим). Онаси — Қутлуқбегим. Амакиси Султон Маҳмуднинг ўғли Султон Масъудга турмушга чиққан.
3. Ойша Султонбегим. Онаси — Қутлуқбегим. Заҳриддин Муҳаммад Бобурга турмушга чиққан.
4. Султонбегим. Онаси — Қутлуқбегим. Аввал амакиси Султон Маҳмуднинг ўғли Султон Алига турмушга чиққан. Ундан кейин эса шайбонийлардан Темур султонга, ундан сўнг Маҳди султонга турмушга чиққан.
5. Маъсума Султонбегим. Онаси — Ҳабиба Султонбегим. Заҳриддин Муҳаммад Бобурга турмушга чиққан. Никоҳ йили 1507.
6. Гулбекабегим. Амакиси Суйурғатмиш ўғли Баҳорга турмушга чиққан.

П.Ш.9.2.3. Султон Маҳмуд.

хотинлари

1. Султон Нигорхоним — Йунусхон қизи.
2. Хонзодабегим — амир Бузург Термизий қизи.
3. Пошшабегим — Али Шукурбек баҳорлу қизи.
4. Хонзодабегим — амир Бузург Термизийнинг набираси.
5. Зухрабека.

ўғиллари

1. Султон Масъуд (1475—1506). Онаси — Хонзодабегим-2.
2. Бойсунғур (1477—1499). Онаси — Пошшабегим.
3. Султон Хусайн (1481—1493). Онаси — Хонзодабегим-4.
4. Султон Али (1483—1501). Онаси — Зухрабека Оға.
5. Султон Вайс (1485—1521). Онаси — Султон Нигорхоним.

қизлари

1. Исми номаълум. Онаси — Пошшабегим. Мироншоҳнинг Султон Муҳаммаддан набираси Манучеҳр ўғли Малик Муродга турмушга чиққан.
2. Маҳдум Султонбегим. Онаси — Зухрабека Оға.
3. Хонзодабегим. Онаси — Хонзодабегим Термизий-4. Або Бакр дуғлотта турмушга чиққан.
4. Бекабегим. Онаси — Хонзодабегим Термизий-4. Умаршайхнинг Бойқародан набираси Мансурнинг Султон Хусайн номли ўғлининг Ҳайдар Муҳаммад номли ўғлига турмушга чиққан. Никоҳ йили 1495.
5. Оқбегим. Онаси — Хонзодабегим Термизий-4. Султон Абу Саъиднинг набираси Жаҳонгирга турмушга чиққан. Никоҳ йили 1504.

6. Зайнаб Султонбегим. Онаси — Хонзодабегим Термизий-4. Заҳириддин Муҳаммад Бобурга турмушга чиққан. Никоҳ йили 1504.
7. Ражаб Султон.
8. Муҳиб Султон.
9. Ойбегим. Онаси — Хонзодабегим Термизий-4.

П.Ш.9.2.3.1. Султон Масъуд.

хотинлари

1. Солиҳа Султонбегим — Султон Абу Саъиднинг Султон Маҳмуддан бўлган набираси.
2. Саодат Бахтбегим — Умаршайхнинг Бойқаро ўғлидан набираси Мансурнинг ўғли Султон Ҳусайн қизи.

П.Ш.9.2.3.4. Султон Али.

хотинлари

1. Султонимбегим — султон Абу Саъиднинг Султон Аҳмаддан бўлган набираси.

П.Ш.9.2.3.5. Султон Увайс (Хон Мирза).

ўғиллари

1. Сулаймон (1514—1589).

П.Ш.9.2.3.5.1. Сулаймон.

ўғиллари

1. Иброҳим (1534—1559).

П.Ш.9.2.3.5.1.1. Иброҳим.

ўғиллари

1. Шохрух (1557—1592).

П.Ш.9.2.3.5.1.1. Шохрух.

ўғиллари

1. Муҳаммад Замон (1576—1613).
2. Ҳасан (1580—1605).

П.Ш.9.2.24. Умар Шайх.

хотинлари

1. Қутлуқ Нигор хоним (вафоти 1505 йил) — Йунусхон қизи.
2. Фотима Султон Оғо.
3. Умид Оғоча.
4. Оғо Султон.
5. Маҳдум Султонбегим.
6. Улус Оғо — хожа Ҳусайнбек қизи.
7. Қарокўзбегим.
8. Тун султон.

ўғиллари

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530). Онаси — Кутлуқ Нигорхоним.
2. Жаҳонгир (1485—1508). Онаси — Фотима Султон Оғо.
3. Носир (1487—1515). Онаси — Умид Оғоча.

қизлари

1. Хонзодабегим (1478—1544). Онаси — Кутлуқ Нигорхоним.
2. Мехрбонубегим (туғилган йили 1481). Онаси — Умид Оғоча.
3. Шаҳрбонубегим (туғилган йили 1491). Онаси — Умид Оғоча.
4. Ёдгор Султон бегим (туғилган йили 1394 ёки 1395). Онаси — Оғо Султон.
5. Руқийа Султонбегим (туғилган йили 1394 ёки 1395). Онаси — Маҳдум Султонбегим. Аввал шайбонийлардан Абдуллатиф султон, сўнг эса Жонибек султон никоҳига кирган.

II. III. 9. 2. 24. 1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

хотинлари

1. Ойша Султонбегим — Султон Абу Саъид ўғли Султон Аҳмад қизи. Никоҳ йили 1500.
2. Зайнаб Султонбегим (вафоти тахминан 1506 йил) — Султон Абу Саъид ўғли Султон Маҳмуд қизи. Никоҳ йили 1504.
3. Моҳимбегим (вафоти 1533 йил). Никоҳ йили 1506.
4. Маъсума Султон — Султон Абу Саъид ўғли Султон Аҳмад қизи. Никоҳ йили 1507.
5. Гулруҳбегим (вафоти 1545 йилдан олдин юз берган).
6. Дилдорбегим — вафоти 1547 йилдан сўнг юз берган).
7. Биби Муборака Йусуфзай. Никоҳ йили 1519.
8. Гулнор Оғоча — вафоти 1575 йилдан сўнг юз берган).
9. Норгул Оғоча.

ўғиллари

1. Хумоюн (1508—1556). Онаси — Моҳимбегим.
2. Комрон (1509—1557). Онаси — Гулруҳбегим.
3. Аскарӣй (1516—1558). Онаси — Гулруҳбегим.
4. Олур (1514—1519). Онаси — Дилдорбегим.
5. Султон Аҳмад (1517—1523). Онаси — Гулруҳбегим.
6. Ҳиндол (1518—1551). Онаси — Дилдорбегим.
7. Борбўл (1518—1521). Онаси — Моҳимбегим.
8. Форуғ (туғилган йили 1526). Онаси — Моҳимбегим.
9. Шохруҳ (1522—1527). Онаси — Гулруҳбегим.

қизлари

1. Фахрулнисо (туғилган ва вафот йили 1501). Онаси — Ойшабегим.

2. Маъсума Султонбегим. Онаси — Маъсума Султонбегим. Султон Ҳусайн Бойқаро набираси Муҳаммад Замонга турмушга чиққан.
3. Гулрангбегим (туғилган йили 1514). Онаси — Дилдорбегим. 1530 йили Эсон султон никоҳига кирган.
4. Гулбаданбегим (1523—1603). Онаси — Дилдорбегим. Хизрхожага турмушга чиққан. Саодатёр номли ўғли бўлган.
5. Гулчеҳрабегим (туғилган вақти 1515—1517 йиллар орасида — вафоти 1557 йилдан сўнг юз берган). Онаси — Дилдорбегим. 1530 йили Тўхта Бўго султонга турмушга чиққан.
6. Гулзорбегим. Онаси — Гулруҳбегим.
7. Меҳржаҳонбегим. Онаси — Моҳимбегим.
8. Эсондавлатбегим. Онаси — Моҳимбегим.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. Ҳумоюн.

хотинлари

1. Гунурбиби.
2. Моҳичучукбегим (вафоти 1564 йил) — Байрам ўғлон синглиси. Никоҳ йили 1546.
3. Хониш Оғо — Жужик мирзо Хоразмийнинг қизи.
4. Шодбиби.
5. Шоҳим Оғо.
6. Меважон — Ҳаданг йасавул қизи.
7. Бегабегим (вафоти 1581 йил) — Ёдгорбек тағой қизи.
8. Ҳамидабонубегим (вафоти 1604 йилда). Никоҳ йили 1541.

ўғиллари

1. Ал-Омон (туғилган йили 1528 — ёшлигида вафот қилган). Онаси — Моҳичучукбегим.
2. Фаррухфол (1547—1552). Онаси — Моҳичучукбегим.
3. Муҳаммад Ҳаким (1554—1558). Онаси — Моҳичучукбегим.
4. Иброҳим Султон (туғилган йили 1553 — болалигида вафот этган). Онаси — Хониш Оғо.
5. Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1542—1605). Онаси — Ҳамидабонубегим.

қизлари

1. Бахтинисобегим (туғилган йили 1550). Онаси — Моҳичучукбегим.
2. Аминабонубегим. Онаси — Моҳичучукбегим.
3. Сакинабонубегим. Онаси — Моҳичучукбегим. Шоҳ Фозийхонга турмушга чиққан.
4. Ақиқабегим. Туғилган йили 1551. Онаси — Бекабеги.

5. Бахшибонубегим (туғилган йили 1540). Онаси — Биби Гунур. 1550 йили Иброҳим Мирзога турмушга чиққан; 1561 йили Мирза Шарафиддин Хусайнга турмушга чиққан.
6. Жаҳон Султонбегим (1545—1547).
7. Фахрулнисобегим. Онаси — Моҳичучукбегим. 1564 йили асли термизлик беклардан Абулмаолийга турмушга чиққан. Абулмаолий ўлдирилгандан кейин 1565 йили хожа Хусайн Нақшбандий никоҳига кирган.
8. Исми номаълум (туғилган йили 1544). Онаси — Ҳамидабонубегим.
9. Нажибулнисобегим (1547—1607).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 3. Муҳаммад Ҳаким.

хотинлари

1. Сулаймон Мирзо қизи.

ўғиллари

1. Афросиёб (1571—1597). Онаси — Сулаймон қизи.
2. Қайқубод (1574—1591). Онаси — Сулаймон қизи.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. Жалолиддин Муҳаммад Акбар.

хотинлари (ва хос канизақлари)

1. Руқийабону (1542—1626). Ҳинол қизи.
2. Қимобону — арабшоҳ қизи. 1574 йили ҳарамга кирган.
3. Ман Кахан қизи. 1579 йили ҳарамга кирган.
4. Шамсжон қизи. 1592 йили ҳарамга кирган.
5. Биби Давлатшод.
6. Салима Султонбегим (1550—1612).

ўғиллари

1. Мирзо Ҳасан (туғилган йили 1564; бир ой яшаган).
2. Мирзо Хусайн (туғилган йили 1564; бир ой яшаган).
3. Султон Салим (1569—1627).
4. Султон Шоҳ Мурод (1570—1599).
5. Султон Дониёл (1571—1601).

қизлари

1. Дурударо(?). Туғилган йили 1569.
2. Оромбонубегим (1584—1624). Онаси — Биби Давлатшод.
3. Шукрулнисобегим. Онаси — Биби Давлатшод. 1593 йили Шоҳрух Мирзо никоҳига кирган.
4. Шаҳзодахоним (туғилган йили 1569). 1593 йили Музаффар Хусайн Мирзога турмушга чиққан.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. Султон Салим (Жаҳонгир).

хотинлари (ва хос канизақлари)

1. Рожа Баҳгавандас Качваҳа қизи (вафоти 1602 йил). Никоҳ йили 1585.

2. Рожа Уди Санга (Сингх) қизи (вафоти 1619 йил). Никоҳ йили 1586.
3. Рой Рой Санга қизи. Никоҳ йили 1586.
4. Саъидхон Қаҳқоҳ қизи. Никоҳ йили 1586.
5. Хожа Ҳасан қизи (вафоти 1600 йил).
6. Дарбо Балханас қизи.
7. Гисудас Ратхур қизи.
8. Рожа Муна.
9. Мирза Санжар қизи. Никоҳ йили 1591.
10. Кичик Тибет ҳукмдори қизи. Никоҳ йили 1592.
11. Муборақхон қизи. Ҳарамга кирган йили 1592.
12. Ҳусайнжон қизи. Ҳарамга кирган йили 1592.
13. Гулруҳбегим. Комроннинг қизи. Никоҳ йили 1593.
14. Рожа Алихон қизи. Ҳарамга кирган йили 1593.
15. Рожа Жагат Санга қизи. Никоҳ йили 1607.
16. Нуржонбегим (вафоти 1645 йил). Никоҳ йили 1611.

ўғиллари

1. Султон Хисрав (1587—1622). Онаси — Рожа Баҳгавандас Качваҳа қизи.
2. Султон Парвиз (1589—1626). Онаси — хожа Ҳасан қизи.
3. Султон Хуррам (1592—1666). Онаси — Рожа Уди Санга қизи.
4. Султон Жаҳонгир (туғилган йили 1605). Онаси — хос канизаклардан.
5. Султон Шаҳриёр (1605—1627). Онаси хос канизаклардан.

қизлари

1. Султоннисобегим (1586—1646). Онаси — Рожа Баҳгавандас Качваҳа қизи.
2. Исми номаълум (туғилган йили 1589).
3. Давлатнисобегим (туғилган йили 1589). Онаси — Дарбо Балханас қизи.
4. Баҳорбонубегим (1589—1646). Онаси — Гисудас Ратхур қизи. 1625 йили Султон Дониёл ўғли Таҳмурасига турмушга чиққан.
5. Бегим султон (туғилган йили 1589). Онаси — Рожа Муна.
6. Шукрулнисобегим (вафоти 1653 йил). Онаси — Кичик Тибет ҳукмдори қизи.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 1. Султон Хисрав.

хотинлари

1. Хони Аъзам қизи.

ўғиллари

1. Баланд Ахтар (туғилган йили 1609). Онаси — Хони Аъзам қизи.

2. Доварбахш (вафот этган йили 1628). Булоқий исми билан ҳам машхур бўлган.
3. Гиршосп (вафот этган йили 1628).

қизлари

1. Хушмандбонубегим. 1625 йили Султон Дониёл ўғли Хушангга турмушга чиққан.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 2. Султон Парвиз.

хотинлари

1. Жаҳонбонубегим.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. Султон Хуррам (Шоҳ Жаҳон).

хотинлари

1. Мумтоз Маҳал (1593—1631). Асл исми Аржумандбонубегим. Отаси — Осифхон. Никоҳ йили 1612.
2. Музаффар Хусайн Мирзо қизи. Никоҳ йили 1611.
3. Шоҳнавозхон қизи.

ўғиллари

1. Доро Шукуҳ (1615—1659). Онаси — Мумтоз Маҳал.
2. Шоҳ Шужо (1616—1661). Онаси — Мумтоз Маҳал.
3. Муҳаммад Аврангзеб (1618—1707). Онаси — Мумтоз Маҳал.
4. Мурод Бахш (1624—1660). Онаси — Мумтоз Маҳал.
5. Умид Бахш (1619—1624). Онаси — Мумтоз Маҳал.
6. Жаҳонафруз (1619—1620). Онаси — Шоҳнавозхон қизи.

қизлари

1. Хурилнисобегим (1613—1616). Онаси — Мумтоз Маҳал.
2. Жаҳоноробегим (1614—1681). Онаси — Мумтоз Маҳал.
3. Равшаноробегим (1617—1671). Онаси — Мумтоз Маҳал.
4. Сурайё (1621—1628). Онаси — Мумтоз Маҳал.
5. Гавҳароробегим (вафоти 1706 йил). Онаси — Мумтоз Маҳал.
6. Хусноробегим (1603—?). Онаси — Мумтоз Маҳал.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 1. Доро Шукуҳ.

хотинлари

1. Султон Парвиз қизи.
2. Нодирабонубегим.

ўғиллари

1. Сулаймон Шукуҳ (1635—1662). Онаси — Султон Парвиз қизи.
2. Сепаҳр Шукуҳ (туғилган йили 1644). Онаси — Султон Парвиз қизи.
3. Маҳр Шукуҳ (туғилган ва ўлган йили 1638). Онаси — Султон Парвиз қизи.

4. Мумтоз Шукуҳ (туғилган йили 1643). Онаси — Султон Парвиз қизи.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 1. 1.. Сулаймон Шукуҳ.

қизлари

1. Исми номаълум. 1678 йили хожа Баҳовиддинга турмушга чиққан.
2. Салимабонубегим. 1672 йили Муҳаммад Акбар II га турмушга чиққан.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 1. 2. Сепаҳр Шукуҳ.

хотинлари

1. Бадрулнисобегим. Никоҳ йили 1673.
2. Зубатулнисобегим.

ўғиллари

1. Аъло Табор (1676—1677). Онаси — Зубатулнисобегим.

II. II. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 2. Шоҳ Шужо.

хотинлари

1. Угарсин Рожа Каштвара қизи.

ўғиллари

1. Султон Зайниддин (туғилган йили 1639).
2. Султон Баланд Ахтар (туғилган йили 1645). Онаси — Угарсин Рожа Каштвара қизи.

қизлари

1. Гулруҳбонубегим (туғилган йили 1639).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 3. Аврангзеб.

хотинлари

1. Шохнавозхон қизи. Дилрасбону. Никоҳ йили 1637.
2. Рожур заминдори қизи Раҳматулнисо (вафоти 1691).

ўғиллари

1. Муҳаммад Султон (1639—1675). Онаси — Раҳматулнисо.
2. Муҳаммад Муаззам (1643—1712). Онаси — Раҳматулнисо.
3. Муҳаммад Аъзам (1653—1705). Онаси — Дилрасбону.
4. Муҳаммад Акбар (1657—1707).
5. Муҳаммад Гомбахш (1667—1707). Онаси — Рой Уди-пурий қизи.

қизлари

1. Зейбулнисобегим (1639—1707). Онаси — Дилрасбону.
2. Зийнатулнисобегим (1643—?). Онаси — Дилрасбону.
3. Бадрулнисобегим (1647—1670). Онаси — Раҳматулнисо.
4. Зубатулнисобегим (1651—1707). Онаси — Дилрасбону.
5. Мехрулнисобегим (1661—1704).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 1. Муҳаммад Султон.

хотинлари

1. Дўстдорбонубегим (вафот йили 1676).

ўғиллари

1. Масъуд бахт (вафот йили 1677).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 2. Муҳаммад Муаззам (Шоҳ Олам).

хотинлари

1. Руп Санга Ратхур қизи. Никоҳ йили 1661.
2. Абдулмўмин қизи (вафоти 1673 йил).
3. Санжар Нажми соний қизи Нурулнисобегим.
4. Фахрулнисобегим.

ўғиллари

1. Султон Муъизиддин (1661—1713).
2. Султон Иъзаддин (туғилган йили 1664).
3. Муҳаммад Аъзим (1664—1712). Онаси — Руп Санга Ратхур қизи.
4. Рафиушшон (1670—1712). Онаси — Нурилнисобегим.
5. Муҳаммад Хўжаста Ахтар (1674—1712). Онаси — Фахрулнисобегим.
6. Муҳаммад Хумоюн (1677—?).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 2. 1. Султон Муъизиддин (Жаҳондоршоҳ).

хотинлари

1. Саййидулнисо. Никоҳ йили 1684.

ўғиллари

2. Иъзаддин.
3. Аъзиддин.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 2. 1. 1. Иъзаддин.

хотинлари

1. Аминхон қизи.
2. Бидор Бахт қизи. Никоҳ йили 1709.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 2. 1. 2. Аъзиддин (Оламгир II).

ўғиллари

1. Жалолиддин Али Гавҳар (1727—1806).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 2. 1. 2. 1. Жалолиддин Али Гавҳар (Шоҳ Олам II).

ўғиллари

1. Муҳаммад Жавон Бахт.
2. Абулнаср Муъиниддин (1760—1837).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 2. 1. 2. 1. 2. Абулнаср Муъиниддин (Акбаршоҳ II).

ўғиллари

1. Муҳаммад Жаҳонгир.

2. Абулмузаффар Сирожиддин (1775—1862).

**П.Ш.9.2.24.1.1.5.3.3.3.2.1.2.1.2.2. Абдулмузаффар
Сирожиддин Баҳодиршоҳ.**

ўғиллари

1. Мўғул Мирзо (1796—1858).
2. Хизр Сулаймон Мирзо (1799—1858).

**П.Ш.9.2.24.1.1.5.3.3.3.2.1.2.1.2.2.2. Хизр Сулаймон
Мирзо.**

ўғиллари

1. Абубакр Мирзо (1821—1858).

**П.Ш.9.2.24.1.1.5.3.3.3.2.3. Муҳаммад Аъзим
(Аъзимушшон).**

хотинлари

1. Киср Санга қизи. Никоҳ йили 1678.
2. Олийабегим. Никоҳ йили 1692. Отаси Рухиллахон Аврангзеб холасининг ўғли эди (вафоти 1692).

ўғиллари

1. Муҳаммад Карим (туғилган йили 1679). Онаси — Киср Санга қизи.
2. Муҳаммад Фаррух Сийар (1688—1719).
3. Ҳусайн Бахт.
4. Рухулқудс (туғилган йили 1695). Онаси — Олийабегим.
5. Исми номаълум (туғилган 1709). Онаси — Олийабегим.

қизлари

1. Исми номаълум (туғилган йили 1709). Онаси — Олийабегим.

П.Ш.9.2.24.1.1.5.3.3.3.2.3.2. Фаррух Сийар.

хотинлари

1. Содотхон қизи.

ўғиллари

1. Жаҳонгиршоҳ (туғилган ва вафот йили 1713).
2. Жаҳонмуродшоҳ (1917—1718). Онаси — Содотхон қизи.

П.Ш.9.2.24.1.1.5.3.3.3.2.4. Рафиушшон.

ўғиллари

1. Рафиуддаражот (1692—1719).
2. Рафиуддават (1696—1719).
3. Муҳаммад Иброҳим (1699—1721).

**П.Ш.9.2.24.1.1.5.3.3.3.2.5. Муҳаммад Хўжаста Ахтар
(Жаҳоншоҳ).**

ўғиллари

1. Фарханда Ахтар.
2. Равшан Ахтар (1702—1748).

**II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 3. 2. 5. 2. Равшан ахтар (Насриддин
Муҳаммадшоҳ).**

Ўғиллари

1. Аҳмадшоҳ (1728—1774).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 3. 2. 5. 2. 1. Аҳмадшоҳ.

Ўғиллари

1. Бидор Бахт.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 3. 3. Муҳаммад Аъзам.

хотинлари

1. Рожа саййид Яҳё қизи. Никоҳ йили 1681.
2. Жаҳонзейббонубегим (вафот йили 1705). Доро Шукуҳ ва Нодирабонубегим қизи. Никоҳ йили 1668.

Ўғиллари

1. Муҳаммад Бидор Бахт (1670—1707). Онаси — Жаҳонзейббонубегим.
2. Искандаршон (1675—1677). Онаси — Жаҳонзейббонубегим.
3. Воложоҳ (1683—1707).
4. Зижоҳ (туғилган йили 1684).
5. Волошон (туғилган йили 1684).
6. Жавон Бахт.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 3. 3. 1. Муҳаммад Бидор Бахт.

хотинлари

1. Саъид Ахтар Мухторхон қизи. Никоҳ йили 1686.

Ўғиллари

1. Феруз Бахт (туғилган йили 1695). Онаси — Саъид Мухторхон қизи.
2. Бидордил.

қизлари

1. Нажибулнисо. Шоҳ Олийжоҳга турмушга чиққан.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 3. 4. Муҳаммад Акбар.

хотинлари

1. Салимабонубегим. Сулаймон Шукуҳ қизи. Никоҳ йили 1672.

Ўғиллари

1. Абдулваҳоб.
2. Хўжаста Ахтар.
3. Нику Сийар (1679—1719).
4. Муҳаммад Аскар.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 3. 5. Муҳаммад Комбахш.

хотинлари

1. Жамиланисо. Амр Санга қизи. Никоҳ йили 1681.

2. Маҳзжаҳон хоним. Бархурдорбек қизи. Никоҳ йили 1681.

ўғиллари

1. Умидбахш (туғилган ва вафот йили 1684).
2. Маҳиуссуннат (1689—1707).
3. Фирузманд.
4. Бораққулоҳ (вафоти 1709 йил).

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 4. Мурод Бахш.

хотинлари

1. Каримулнисо.

ўғиллари

1. Муҳаммадёр (туғилган йили 1646).
2. Ёазд Бахш (вафот этган йили 1706).

қизлари

1. Осойишбонубегим (вафоти 1678 йил). Хожа Муҳаммад Солиҳга турмушга чиққан.
2. Исми номаълум. 1678 йили хожа Ёқуб Нақшбандийга турмушга чиққан.

II. III. 9. 2. 24. 1. 1. 5. 3. 3. 4. 2. Ёазд Бахш.

хотинлари

1. Мехрулнисобегим. Никоҳ йили 1672.

ўғиллари

1. Додар Бахш.
2. Довар Бахш.

II. III. 9. 2. 1. 1. 5. 4. Султон Шоҳ Мурод.

ўғиллари

1. Султон Рустам.

II. III. 9. 2. 1. 1. 5. 4. Султон Дониёл.

хотинлари

1. Жононбегим. Хонихонон қизи.

ўғиллари

1. Таҳмурас (вафоти 1627 йил).
2. Ҳушанг (вафоти 1627 йил).
3. Бойсунғур.

II. III. 9. 2. 1. 1. 5. 4. 1. Таҳмурас.

хотинлари

1. Ҳушмандбонубегим. Султон Хисрав қизи. Никоҳ йили 1625.

II. III. 9. 2. 1. 1. 5. 4. 2. Ҳушанг.

хотинлари

1. Баҳорбону. Султон Салим Жаҳонгир қизи. Никоҳ йили 1625.

П.Ш.9.2.24.1.2. Комрон.

хотинлари

1. Хонимбегим. Султон Али Мирза тағой қизи. Никоҳ йили 1529.
2. Ҳазорабегим.
3. Моҳбегим қипчоқ.
4. Моҳичучук арғун (вафоти 1558 йил). Никоҳ йили 1546.
5. Моҳафрузбегим.
6. Хоним Мукаррам. Шоҳ Муҳаммад Султон Кошғарий қизи.

ўғиллари

1. Абулқосим (1528—1559).
2. Иброҳим (1530—1553).

қизлари

1. Ойша Султонбегим.
2. Гулруҳбегим (вафоти 1614 йилдан сўнг юз берган).
3. Ҳабибабегим. Оқ Султонга турмушга чиққан.

П.Ш.9.2.24.1.3. Аскарый.

хотинлари

1. Султонамбегим.

П.Ш.9.2.24.1.6. Ҳиндол.

1. Султонамбегим.

П.Ш.9.2.24.2. Жаҳонгир.

хотинлари

1. Оқбегим. Султон Маҳмуд Мирзо қизи. Никоҳ йили 1504.
1. Пир Муҳаммад.
- П.Ш.9.2.24.3. Носир.

хотинлари

1. Қорақўзбегим. Султон Ҳусайн Бойқаро набираси.

П.Ш.9.2.25. Улуғбек.

ўғиллари

1. Абдураззоқ (1480—1525).
2. Мироншоҳ (1484—1507).

қизлари

1. Бекабегим. Султон Ҳусайн Бойқаро ўғли Султон Маъсумга турмушга чиққан.

П.Ш.10. Ижил.

хотинлари

1. Ўрун Султон Оғо. Тўғал Буғо қизи.
2. Шоҳ Мулк Оғо. Хожа Сайфиддин нукуз қизи.

ўғиллари

1. Мироншоҳ. Онаси — Ўрун Султон Оғо.

2. Музаффар. Онаси — Шоҳ Мулк Оғо.

қизлари

1. Пойанда Султон. Онаси — Ўрун Султон Оғо.
2. Саодат Султон. Онаси — Шоҳ мулк Оғо.

II. III. II. Суйурғатмиш.

ўғиллари

1. Қосим.
2. Муҳаммад Бади.
3. Баҳор.
4. Ижил.

II. III. II. 2. Муҳаммад Бади.

ўғиллари

1. Умар.
2. Усмон.
3. Муҳаммад Қосим.

II. III. II. 2. I. Умар.

ўғиллари

1. Шоҳ Хусайн.

II. III. II. 2. 2. Усмон.

ўғиллари

1. Рустам.
2. Санжар.
3. Муҳаммад Бади.
4. Темур.

қизлари

1. Дур Султон.
2. Оғобека.
3. Пойанда Султон.

II. III. II. 2. 3. Муҳаммад Қосим.

хотинлари

1. Робийа Султонбека. Отаси — Султон Абу Саъид.

ўғиллари

1. Бобур. Онаси — Робийа Султонбека.
2. Султон Мурод. Онаси — Робийа Султонбека.
3. Абулқосим. Онаси — Робийа Султонбека.

қизлари

1. Оқбека. Онаси — Робийа Султонбека.
2. Мехрбону. Онаси — Робийа Султонбека.
3. Бекабека. Онаси — Робийа Султонбека.
4. Оғобека. Онаси — Робийа Султонбека.

II. III. II. 3. Баҳор.

хотинлари

1. Гулбекабека.

2. Мунис Султон.

ўғиллари

1. Жаҳонгир. Онаси — Гулбекабека.
2. Суйурғатмиш. Онаси — Гулбекабека.
3. Султон Муҳаммад. Онаси — Мунис Султон.
4. Саъд Ваққос. Онаси — Гулбекабека.

қизлари

1. Меҳрбонубека.
2. Шаҳрбонубека.
3. Шаҳрбонубека.
4. Исми номаълум.

II. III. II. 3. I. Жаҳонгир.

хотинлари

1. Руқийа. Умаршайх набираси Султон Али авлоди.

II. III. II. 3. 4. Саъд Ваққос.

хотинлари

1. Бекабека.

ўғиллари

1. Муҳаммад Мироншоҳ.

II. III. II. 4. Ижил.

1. Абдулла.
2. Абдулжаббор.

қизлари

1. Саодат Султон.
2. Бахт Султон.

II. IV. Шохрух.

хотинлари

1. Маликат Оғо. Хизр Ўғлон Чағатой қизи.
2. Гавҳаршод Оғо (вафоти 1457 йил). Фиёсиддин тархон қизи. Никоҳ йили 1388.
3. Тўти хотун.
4. Оқ Султон. Черкас қизи.
5. Меҳрнигор ўзбек.
6. Лаъл Тегин.

ўғиллари

1. Жаҳоншоҳ. Онаси — Маликат оғо.
2. Суйурғатмиш (1399—1426). Онаси — Маликат Оғо.
3. Улуғбек (1394—1449). Онаси — Гавҳаршод Оғо.
4. Бекўғли. Онаси — Оқ Султон.
5. Жонўғлон (1403—1411). Онаси — Оқ Султон.
6. Муҳаммад Ёрдий (1404—1409). Онаси — Лаъл Тегин (мазкур шаҳзода номи Буруйи, Бозуйи, Ёрутий шаклларида ҳам берилган).

7. Иброҳим Султон (1394—1435).
8. Муҳаммад Жўкий (1402—1444). Онаси — Гавҳаршод Оғо.
9. Бойсунғур (1397—1434). Онаси — Гавҳаршод Оғо.

қизлари

1. Марйам Султон Оғо (вафоти 1441 йил). Онаси — Гавҳаршод Оғо. Муҳаммад Жаҳонгирга турмушга чиққан.
2. Саодат Султон Оғо. Онаси — Гавҳаршод Оғо.
3. Қутлуғ Туркон Оғо. Онаси — Гавҳаршод Оғо.
4. Пойанда Султон. Онаси — Оқ Султон.
5. Тағой Туркон Оғо. Онаси — Тўти хотун.
6. Қутлуқ Султон Оғо. Онаси — Тўти хотун.

Шохрух ўғилларидан тарқаган авлод.

II.IV. 2. Суйурғатмиш.

хотинлари

1. Шодбахт Оғо. Отаси — Кишхожа ўзбек.
2. Ферузбахт. Отаси — Фиёс.
3. Бахт Султон. Отаси — Ҳасан мўғул.
4. Саодат. Отаси — шайх Али тағой.
5. Ашура.
6. Фотима Султон.

ўғиллари

1. Султон Масъуд (1413—1443). Онаси — Шодбахт.
2. Султон Маҳмуд. Онаси — Ферузбахт.
3. Муҳаммад Султон. Онаси — Бахт Султон.
4. Қарочор (1414—1439). Онаси — Бахт Султон.
5. Муҳаммад Султон. Онаси — Саодат.
6. Султон Маҳмуд Онаси — Ашура.

қизлари

1. Руқийа Султонбека. Жаҳонгир авлодидан Муҳаммад Султонга турмушга чиққан.
2. Улуғ Оғо.

II.IV.2.I. Султон Масъуд.

хотинлари

1. Ойшабека. Бойсунғур қизи.

ўғиллари

1. Али Асғар (1428—1446). Онаси — Ойшабека.

қизлари

1. Ёдгорбегим. Онаси — Ойшабека. Умаршайх набираси Пир Муҳаммад ўғли Рустамга турмушга чиққан.

II.IV.3. Улуғбек.

хотинлари (ва хос канизақлари)

1. Ўтабека (1395—1419). Жаҳонгир ўғли Муҳаммад Султон қизи. Никоҳ йили 1404.

2. Султон Бадрулмулк. Халил Султон қизи.
3. Оқ Султон Хоника. Отаси — Султон Маҳмудхон.
4. Хусннигор Хоника. Отаси — Шамъи Жаҳонхон Чағатой.
5. Шукрбиби Хоника. Отаси — Дарвишхон Жўчий.
6. Руқийа хотун арлот.
7. Мехр Султон. Отаси — Таваккул жалойир.
8. Давлатбахт хотун. Отаси — Шайх Муҳаммад барлос.
9. Давлат Султон хотун. Отаси — Саъид сулдуз.
10. Бахтибиби хотун. Отаси — Оқ Сўфий кўнғирот.
11. Саодатбахт хотун. Отаси — Баён кўкалдош.
12. Султон Малик. Отаси — Насриддин.
13. Султонам.
14. Абулхайрхон ўзбак қизи.
15. Хўтан хотун.
16. Оқила Султон қизи.

ўғиллари

1. Абдуллатиф (1428—1450). Онаси — Руқийа хотун.
2. Абдулсамад. Онаси — Султонам.
3. Абдулжаббор. Онаси — Султонам.
4. Темур. Онаси — Абулхайрон ўзбек қизи.
5. Ибодулло (1412—1417).
6. Абдулло (1420—1433).
7. Абдурахмон (1421—1432).
8. Абдулазиз (1430—1449).
9. Абдумалик.
10. Абдураззоқ.
11. Исми номаълум. Онаси — Султон Малик.
12. Исми номаълум. Онаси — Султон Малик.
13. Исми номаълум. Онаси — Султон Малик.

қизлари

1. Ҳабиба Султон, Хонзодабегим (туғилган йили 1412). Онаси — Ҳабака.
2. Султонбахт. Онаси — Руқийа хотун.
3. Оқбош. Онаси — Руқийа хотун.
4. Қулқ Туркон Оғо. Онаси — Саодатбахт хотун.
5. Султон Бадиулмулк. Онаси — Хўтан хотун.
6. Исми номаълум. Онаси — Оқила Султон қизи.
7. Тағой Туркон.
8. Хонзода Оғо.
9. Ҳабабегим. Султон Абу Саъидга турмушга чиққан.
10. Робийа Султонбегим. Абулхайрхон ўзбекка турмушга чиққан.

II. IV. 3.1. Абдуллатиф.

хотинлари

1. Шох Султон Оғо. Отаси — Муҳаммад Мушарраф.

2. Шоҳ Султон қурлаут қизи.

ўғиллари

1. Абдураззоқ. Онаси — Шоҳ Султон қизи.
2. Аҳмад (1447—1457). Онаси — Шоҳ Султон қизи.
3. Маҳмуд. Онаси — Шоҳ Султон қизи.
4. Муҳаммад Боқир (5 ёшида вафот қилган). Онаси — Шоҳ Султон қизи.
5. Муҳаммад Жўқий (1449—1463). Онаси — Шоҳ Султон қизи.

қизлари

1. Кутлуқ Султон. Онаси — Шоҳ Султон.

II.IV.3.1.5. Муҳаммад Жўқий.

хотинлари

1. Маъсума. Отаси — амир Аҳмад Малик.

ўғиллари

1. Шоҳрух. Онаси — Маъсума.

қизлари

1. Хонзодабегим. Онаси — Маъсума.
2. Фотима Султон. Онаси — Маъсума.

II.IV.7. Иброҳим Султон.

хотинлари

1. Меҳр Султон хотун. Отаси — Али Чухра Саригтош.
2. Фотима Султон хотун. Отаси — Амирак қавчин.
3. Жаҳонбека. Отаси — Абдулло Тоифий.
4. Бека Султон. Отаси — Боязид.

ўғиллари

1. Абдулло (1432—1451). Онаси — Меҳр Султон хотун.
2. Исҳоқ (1419—1427). Онаси — Фотима Султон.
3. Султон Муҳаммад. Онаси — Жаҳонбека.
4. Исмоил (1423—1432). Онаси — Бека Султон.

қизлари

1. Руқийабека. Онаси — Меҳр Султон хотун.
2. Зайнаб Султон. Онаси — Фотима Султон.

II.IV.7.1. Абдулло.

хотинлари

1. Амир Худойкули қизи.
2. Муҳаммад Тарағай Улуғбек қизи.

II.IV.8. Муҳаммад Жўқий.

хотинлари

1. Меҳрнигорхоним. Отаси — Шамъи Жаҳонхон. Никоҳ йили 1419.
2. Бахтдавлат.
3. Бўлғон мўғул.

4. Хоним. Отаси — Идикут мангит.
5. Тожилисломхон. Отаси — Қаро Усмон бойандор.

ўғиллари

1. Абобакр (1427—1447). Онаси — Бахтдавлат.
2. Муҳаммад Қосим (1422—1439). Онаси — Бахтдавлат.
3. Али (1423—1424). Онаси — Бўлғон мўғул.

қизлари

1. Суйурғатмиш (?). Онаси — Меҳрнигор хоним.
2. Тўғал хоним. Онаси — Меҳрнигор хоним.
3. Саодат Султон. Онаси — Бахтдавлат.
4. Қутлуғ Султон. Онаси — Бўлғон мўғул.
5. Зубайда Султон. Онаси — Бўлғон мўғул.

II.IV.9. Бойсунғур.

хотинлари

1. Жонмалик. Отаси — амир Чўлпон қавчин.
2. Гавҳарнасаб Оғо Хоразмий.
3. Хандон Оғо.
4. Офоқ Оғо.
5. Шодбека Оғо.

ўғиллари

1. Аловидавла (1417—1460). Онаси — Жонмалик.
2. Абулқосим Бобур (1422—1457). Онаси — Гавҳарнасаб Оғо Хоразмий.
3. Султон Муҳаммад (1418—1452). Онаси — Хандон Оғо.

қизлари

1. Бобобека. Онаси — Жонмалик
2. Фотима Султон. Онаси — Гавҳарнасаб Оғо Хоразмий.
3. Зухрабека. Онаси — Гавҳарнасаб Оғо Хоразмий.
4. Саодатбека. Онаси — Хандон Оғо.
5. Пойанда Султон. Онаси — Хандон Оғо.
6. Ойшабека (вафоти 1441 йил). Онаси — Офоқ Оғо. Суйурғатмиш ўғли Султон Масъудга турмушга чиққан.
7. Бахтдавлат. Онаси — Офоқ Оғо.
8. Соҳиб Султон. Онаси — Офоқ Оғо. Суйурғатмиш набираси Муҳаммад Халилга турмушга чиққан.
9. Фотима Султон. Онаси — Офоқ Оғо.
10. Руқийабека. Онаси — Шодбека Оғо.

II.IV. 9. I. Аловидавла.

хотинлари

1. Зайнаб. Отаси — Ёдгоршоҳ арлот. Никоҳ йили 1434.
2. Мурод Султон Оғо. Отаси — Баротхожа бахши.

ўғиллари

1. Абдулҳорис Бойсунғур (1435—1456). Онаси — Зайнаб.
2. Иброҳим (1440—1459). Онаси — Мурод Султон.

қизлари

1. Руқийабека, Султонбегим. Султон Абу Саъидга турмушга чиққан.
2. Шаҳзода.

II.IV.9.1.2. Иброҳим.

хотинлари

1. Қутлуқбека Оғо. Амир Муҳаммад Худойдод қизи.

қизлари

1. Офоқ Оғоча кўкалдош. Султон Абу Саъидга турмушга чиққан.

II.IV.9.2. Абулқосим Бобур.

хотинлари

1. Давлат Султон. Абу Саъид доруға қизи.
2. Бибижон. Худойдод қизи.
3. Канизак биби.

ўғиллари

1. Шоҳ Маҳмуд (1448—1459).

қизлари

1. Канизакбиби қизи.

II.IV.9.3. Султон Муҳаммад.

хотинлари

1. Оғобека. Юсуф тархон қизи.
2. Тундибека.

ўғиллари

1. Ёдгор (1452—1470). Онаси — Тундибека.
2. Саъд Ваққос (1437—1467).

қизлари

1. Улуғ Оғо. Онаси — Тундибека

Шайбонийлар (1500—1601)

Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон (1500—1510).

Кўчкунчихон (1510—1530).

Абу Саъидхон (1530—1533).

Убайдуллахон (1533—1539).

Абдуллахон I (1539—1540).

Абдулазизхон; Бухорода (1540—1550).

Абдуллатиф; Самарқандда (1540—1551).

Наврўз Аҳмадхон—Бароқхон (1551—1556).

Пир Муҳаммадхон (1556—1561).

Искандархон (1561—1683).

Абдуллахон II (1583—1598).

Абдулмўминхон (1598—1599).

Пир Муҳаммадхон II (1599—1601).

Ашгархонийлар (1601—1747)

Боқимуҳаммадхон (1601—1605).
Валимуҳаммадхон (1605—1611).
Имомқулихон (1611—1642).
Назрмуҳаммадхон (1642—1645).
Абдулазизхон (1645—1681).
Субҳонқулихон (1681—1702).
Убайдуллахон (1702—1711).
Абулфайзхон (1711—1747).
Мангитлар (1747—1920)
Муҳаммад Раҳим (1747—1758).
Дониёл (1758—1785).
Шоҳ Мурод (1785—1800).
Ҳайдар (1800—1825).
Насрулла (1826—1860).
Музаффар (1860—1885).
Абдулаҳад (1885—1910).
Муҳаммад Олим (1910—1920).
Хива шайбонийлари (1511—1770)
Элбарсхон (1511 — тахминан 1516).
Султон Ҳожихон.
Ҳусайнқулихон.
Сўфиёнхон (1516—1522).
Бужақохон (1522—1525/26).
Аванешхон (1525/26—1538).
Алихон (1538—1547).
Ақатойхон (1547—1556).
Юнусхон (1556—1557).
Дўстхон (1557—1559/60).
Ҳожи Муҳаммадхон (1559/60—1602).
Араб Муҳаммадхон (1602—1621).
Хабаш Султон ва Элбарс Султон (1621—1623).
Исфандиёрхон (1623—1643).
Абулғозий (1644—1664).
Анушахон (1664—тахминан 1687).
Худойдодхон (1687—1688).
Ўзбекхон—Арнакхон (1688—1690).
Жўжи Султон (1694/95—1697).
Валихон (1697—1698/99).
Шоҳниёзхон (1698/99—1702).
Шоҳбахтхон (1702—1703).
Саййид Алихон (1703—1705).
Мусахон (1705—1706).
Ёдгорхон (1706—1713).
Шерғозихон (1714—1727/28).
Элбарсхон (1728—1739).

Тоҳирхон (1739—1740).
Нуралихон (1740—1742).
Абулғозийхон II (1742—1746).
Ғойибхон (1746—1756).
Қорабойхон (1756—1757).
Темурғозийхон (1757—1764).
Худойдодхон (1764—1765).
Шоҳғозийхон (1766—1767).
Абулғозийхон III (6 ой ҳукмронлик қилган).
Нуралихон (1768—?).
Жаҳонгирхон (ҳукмронлиги бир йил).
Булакайхон.

Хива кўнғиротлари (1770—1920)

Муҳаммад Амин (1770—1790).
Аваз (1790—1804).
Элгузархон (1804—1806).
Муҳаммад Раҳимхон (1806—1825).
Оллоқулихон (1825—1842).
Раҳимқулихон (1842—1845).
Муҳаммад Аминхон (1845—1855).
Абдуллахон (1855—1856).
Кутлуқмуродхон (1856).
Саййид Муҳаммадхон (1856—1864).
Муҳаммад Раҳимхон (1864—1910).
Исфандиёрхон (1910—1918).
Саййид Абдулла (1918—1920).

Минглар (1709—1875)

Шоҳрух (1709—1721).
Абдураҳим (1721—1733).
Абдулкарим (1733—1750).
Абдураҳмон (ҳукмронлиги 9 ой).
Эрдона (1751—1752).
Бобобек (1752—1753).
Эрдона (иккинчи марта: 1753—1762).
Сулаймон (1762—1763).
Норбўта (1763—1798).
Олимхон (1798—1810).
Умархон (1810—1822).
Муҳаммадалихон (1822—1842).
Шералихон (1842—1844).
Муродхон (қисқа муддат ҳукмронлик қилган).
Худоёрхон (1845—1858).
Маллахон (1858—1862).
Худоёрхон (иккинчи марта: 1862—1863).
Султон Саъидхон (1863—1865).
Худоёрхон (учинчи марта: 1865—1875).

SUMMARY

«The history of the Uzbek statehood» (from ancient times through the Russian conquest)

The research deals with the issue of the history of the statehood of the Uzbek people from ancient times through the Russian conquest and consists of introduction, five chapters and conclusion.

The introduction includes substantiation of the urgency of the topic under research, its scientific novelty, reveals the degree of the problem's elaboration, lists the sources used.

In the first chapter the author analyses and deals with the historical conditions of the origin of the Uzbek people's statehood in the sixth century BC and its development through the end of the first millennium BC. It has been established that the Uzbek statehood originated in the ancient oasis of Khorezm. The chapter also deals with the issues of state construction and government, social and economic status of the society, external ties.

The second chapter covers the period from the beginning of the new era through appearance of Islam. This period in the development of statehood was characterized by the unification of separate within the framework of certain oases and valleys into the common social and political area with further submission of adjoining territories. This period gave birth to a tradition of empire creation in the development of the Uzbek people's statehood. Empires were created under the Kushans (I—IV centuries), the Eftalits (V—VI centuries) and through the following centuries under the Samanids (X century), the Anushtegenids (XII—20s of XIII century), the Timurids (the last quarter of XIV—XV century).

The third chapter covers the most important period (X—20s of XIII century) in the history of the Uzbek statehood. In that period the state construction and government underwent qualitative changes which included functioning of a king of legislative and executive powers represented by Dargakh and Divans correspondingly. The system of Dar-

gakh included independent services and positions created to maintain activities of this very body. The system of Divans consisted of several (5-10) ministries, namely ministries of finance, state control, military affairs, taxes and property, justice, law enforcement, etc.

The Renaissance which coincided with that period was possible and appeared thanks to the existence of this system which promoted development of various trends in science and culture.

Chapter four studies and reveals the role and place of Amir Temur and the Timurids. Amir Temur, the founder of a world empire with the capital in Samarkand, put an end to the one hundred and fifty years of Moguls domination and short a short period of time managed to restore the best traditions in the history of the development of the Uzbek statehood. The period of the Timurids' government is rightfully considered to be the time of political, economic growth, scientific and cultural revival.

The last chapter analyzes and explains the processes of gradual decline in the development of statehood in XVI-XIX centuries, the causes of deviation from classical traditional forms of government which resulted in increase of centrifugal processes and the recently powerful state's division into several independent parts (Bukhara Emirate, Khiva and Kokand khanates)8 Soon those were conquered by Russia.

The conclusion includes the main points revealed during the study of the problem of the Uzbek statehood from ancient times through the XX century.

The dynasties which ruled over the Uzbek state during 2700 years are listed in Appendix.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Биринчи боб. Илк давлатчиликнинг асос топиши ва ўзбек давлатчилигининг милoddан аввалги тарихи	25
Хоразм	27
Бақтрия	34
Парфия	42
Фарғона	48
Тохаристон	57
Иккинчи боб. Ўзбек давлатчилиги милodd бошидан исломгача бўлган даврда	64
Кушонлар	64
Эфталийлар	72
Ашиналийлар	80
Учинчи боб. Ўзбек давлатчилиги X—XIII асрларда	91
Сомонийлар	92
Қорахонийлар	103
Ғазнавийлар	113
Салжуқийлар	123
Ануштегинийлар	134
Тўртинчи боб. Ўзбек давлатчилиги Амир Темур ва теурийлар даврида	151
Давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳарбий сиёсат	171
Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият	190
Ташқи сиёсат ва дипломатия	208
Бешинчи боб. Ўзбек давлатчилиги XVI—XIX асрларда	235
Шайбонийлар	235
Аштархонийлар	257
Манғитлар, қўнғиротлар, минглар	280
Хулоса	305
Ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тарихида фаолият кўрсатган расмий сулолалар	313

АЗАМАТ ЗИЁ

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРДАН РОССИЯ БОСҚИНИГА ҚАДАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррир *И. Шоймардонов*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Босишга рухсат этилди 24.11.99. Бичими 84x108^{1/32}. Офсет босма.
Таймс гарнитураси. Шартли босма табоғи 19,32. Нашриёт ҳисоб
табоғи 20,6. Адади 5000 дона. Буюртма № 2248.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси, 700083,
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.